


83 3159/243
M 50

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ



БЕГАЛИ ҚОСИМОВ, ШАРИФ ЮСУПОВ,
УЛУҒБЕК ДОЛИМОВ, ШУҲРАТ РИЗАЕВ,
СУННАТ АҲМЕДОВ

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги университетлар ва педагогика олий
ўқув юр்தларининг филология факультетлари учун
дарслик сифатида тавсия этган*



Дарсликни майдонга келтиришда Ўзбекистон Миллий университети Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедрасининг барча аъзолари фаол иштирок этдилар. Проф. Ш. Юсупов «Муҳйи Хуқандий» мақоласини ёзди, «Комил Хоразмий»га ҳаммуаллифлик қилди. «Фурқат» мақоласи Н. Жабборов, шунингдек, «Муқимий» С.Аҳмедов, «Авлоний» Ш. Ризаев билан ҳаммуаллифликда ёзилди. «Камий» мақоласи ўқитувчи О. Олтинбек қаламига мансуб.

«Феруз», «Аҳмад Табибий», «Исҳоқхон Ибрат», «Ҳамза», «Абдулла Қодирий» мақолаларини доц. У. Долимов ёзди. Қолган адабий портретлар ва обзор мақолалар ҳамда «Кириш» билан «Хулоса» муаллифи проф. Б. Қосимовдир.

Махсус муҳаррир: проф. Ш. Юсупов
Масъул муҳаррир: Н. Жабборов

Дарслик Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2004 йил 31 январь мажлиси қарорига асосан нашрга тавсия этилган (40-сонли Баённома)

Тақризчи

Боқижон Тўхлиев,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Икки буюк аср — XIX ва XX асрлар оралиғидаги 50—60 йиллик давр қадим ва бой ўзбек адабиёти тарихида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Негаким, биринчидан, «Адабиёт миллат ойнаси» (Авлоний) сифатида халқимиз ҳаётида юз берган энг катта бахтсизлик — ўз мустақиллигини йўқотиши воқеаларини лоқайд кузатишдан унинг фожиали оқибатларини чуқур идрок этиш ва истиқлол учун курашга чақиришгача бўлган йўлни босиб ўтди. Иккинчидан, адабиёт давр воқеалари таъсирида фарбланишди; мазмун-мундарижаси кенгайди; даврий матбуот ва театрнинг пайдо бўлиши билан янги адабий тур ва жанрлар пайдо бўлди. Анъанавий шеърят ва у билан боғлиқ тимсолларга янги мазмун кириб келди. Якка ҳукмрон аруз ёнига унутилган эски бармоқ вазни қўшилди. Сарбастда тажрибалар қилинди. Мансуралар ёзилди. Бир сўз билан айтганда, замонавий реалистик адабиёт майдонга келди.

Бу давр адабиёти жуғрофияси ҳам олдингиларидан фарқ қилади. Адабий ҳаракатчилик XVII—XIX асрлардаги каби уч мустақил ҳонлик доирасида эмас, Русияга мутлақ тобе Туркистон генерал губернаторлиги ҳамда ярим вассал Бухоро ва Хивада уюшди. Бу ҳол умумўзбек адабий маҳсулотининг мавзу-мундарижасигагина эмас, тил хусусиятларидан жанрлар поэтикасигача ўз изини қолдирди.

Миллий уйғониш, миллатнинг ўзлигини англаш жараёни мазкур давр адабиётининг руҳи ва мазмунини ташкил қилди. Буни адабиётшунослик ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ эътироф этган эди. Миллий уйғониш биргина адабиёт доирасида қолгани йўқ, ижтимоий турмушнинг барча қатламларини қамраб олди, ҳатто «босмачилик» номи билан «ғалати машҳур» бўлиб тарихга кирган ҳодисанинг ҳам мафкураси миллий уйғонишга, унинг самараси бўлмиш мустақиллик учун курашга келиб боғланарди.

Миллий уйғониш минтақамизда жадидчилик шаклида намоён

бўлди. Ва у 20-йилларнинг ўрталаригача давом этди. 1926 йилдан советлар унга қарши кенг кўламда кураш бошладилар. 1929 йилдан уларни жисмоний тугатиш йўлга қўйилди. Бинобарин, бу ҳаракатнинг юзага келиши бевосита истило ва унинг оқибатлари билан боғланган бўлиб, унинг шаклланиш даврини 1865—1905 йиллар билан белгиламоқ керак бўлади. 1905 йил воқеалари, хусусан, 17 Октябрь Манифестидан кейин у ривожланиш босқичига кирди. 1916 йилга келиб, жадидларимиз «қора халқни оқартирмақ ва кўзин очмоқ чорасига» (Авлоний) киришдилар. Мамлакат ҳаётида ўчмас из қолдирган 1916 йил мардикорлар кўзғолонида жадидларимиз халқ билан ёнма-ён турдилар. Афсуски, тарих истиқлолни эгаллаш учун ноёб бир шароит яратган 1917 йилнинг Февралига халқимиз лозим даражадаги тайёргарлик билан етиб кела олмади. Бутун Русия каби Туркистонни ҳам «большевик балоси» (Фитрат) қоплаб олди. Шунга қарамай, тараққийпарвар фидойи зиёлиларимиз мустақиллик учун курашни тўхтатмадилар ва 1917 йилнинг 27 ноябрида Туркистон мухториятини эълон қилдилар. Туркистон (Кўқон) мухторияти уч ойга етмай, шўролар томонидан шафқатсизларча йўқ қилинди. «Миллатчи» дея ном олган миллатпарварларимизнинг омон қолганлари тоғ-тошларга қочиб, курашни давом эттирдилар ва Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетдилар. Бу жараён 20-йилларнинг охиригача давом этди. Бинобарин, 1905—1929 йиллар жадидчилик (миллий уйғониш) ҳаракатининг тараққиёт ва тугатилиш давридир.

Миллий уйғониш (жадид) адабиёти XIX аср охирида юзага келган мазкур ҳаракат ғояларининг адабий-бадиий ифодаси эди. Лекин гап шундаки, у жадидчиликнинг шунчаки бир кўргазмаси (иллюстрацияси) бўлиб қолмади, чинакам адабиётга айланди. У янги адабиётни бошлаб берди. Авжи тараққийси 1915—1925 йилларга тўғри келди.

Шулардан келиб чиқиб, миллий уйғониш даври ўзбек адабиётини 2 босқичга ажратдик: 1) Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг илк босқичи: манбалари ва юзага келиши (XIX аср охири); 2) миллий ва ижтимоий курашлар даври: тараққиёти ва тугатилиши (XX аср биринчи чораги).

Унинг кўлами ва жуғрофияси ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш, ижодкорларни етказган муҳит билан таништириш заруриятидан келиб чиқиб, адабий-маданий марказлар ҳақида маълумот беришга уриндик.

Мазкур давр адабиётини миллий уйғониш нуқтаи назаридан ўрганиш бевосита мустақиллигимиз самараси бўлганлигидан ундаги миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари ҳамиша диққат марказимизда турди.

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ИЛК БОСҚИЧИ

Атама ҳақида

Цивилизация¹ тарихида «Ренессанс» деган тушунча бор. Асли французча бўлган бу сўзни русчага «Возрождение» деб таржима қиладилар. «Возрождение» — тикланиш маъносига тўғри келади. Ўзбекчада эса бу «Уйғониш» деб қабул қилинган.

Ренессанс—Возрождение Ғарбда инсоният тарихининг мумтоз даври ҳисобланиб келадиган қадим юнон, рим маданиятига — антик маданиятга нисбатан айтилган бўлиб, бутун бир даврни қамраб олади. Унинг чегарасини Шарқда IX—X асрдан, Ғарбда XIV—XV асрдан белгилайдилар. Ва унинг бош хусусияти, мутахассислар фикрича, шаҳар маданиятининг гуркираб ўсиши, илм ва ижод эгаларига хос қомусийлик, гуманизмнинг ижтимоий-маънавий турмушнинг барча жабҳаларига кириб боришидир. 1789 йилги Буюк Француз инқилоби Европада миллат тушунчасига алоҳида мартаба берди ва уни олдинги маррага олиб чиқди. Европа халқлари Ватан тараққиётининг бош омили миллатнинг ўз-ўзини англаши эканлигини тушуниб етдилар. Бу жараённинг олис Туркистонга етиб келиши учун юз йилдан ортиқроқ вақт кетди.

Кекса Демокрит бундан 2500 йил муқаддам «ҳар бир мамлакатнинг ягона соҳиби» — «natsio» («миллат») ҳақида гапиргани маълум. Сўнг замонлар ўтиб, «natsio»нинг муқобили «миллат»га биз Қуръони каримда дуч келамиз. Лекин у ерда бу атама этнос (эл, элат) эмас, дин, мазҳаб ўрнида келади. Ўзбек адабиётида «миллат» тушунчаси этнос маъносидан Навоийдан бошлаб ишлатилгани кузатилади. Лекин унинг бугунги маъносини касб этиши жадидчилик даври билан боғлиқ.

Энди «жадидчилик» атамаси ҳақида. «Жадидчилик» арабча «жадид» («янги») сўзидан. Кенг маънода ижтимоий-маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларини янгилашни кўзда тутади. Жадидчилик,

¹ Цивилизация — лотинча фуқаролик, давлатга доир маъноларини билдиради. Тушунча сифатида илм-фан, ижтимоий-маданий тараққиёт даражасини англатади.

Туркистон ижтимоий фикри тараққиётида, Фитрат қайд этганидек, исломчилик (панисломизм), туркчилик (пантуркизм) ва маҳаллийчилик (ўзбекчилик) кўринишларида ҳам намоён бўлган эдики, буларнинг ўз сабаблари бор. Масалан, исломчилик ва туркчилик, чор ҳукуматининг ғайрирусларга—мусулмонларга қарши олиб борган буюк миллатчилик сиёсатига жавоб сифатида майдонга келган бўлса, маҳаллийчилик (ўзбекчилик) 1918—1920 йилларда Туркистонда адабий тил борасида авж олган «торт-торт» муносабати билан юзага келган эди. Гап шундаки, Биринчи Жаҳон урушида Русияга асир тушган кўплаб усмонли турк зобитлари 1917 йил воқеаларидан сўнг Туркистонга келиб, маориф ва маданият ишларида фаол иштирок этар эканлар, адабий тил борасида Истанбул туркчасига қизгин тарафдорлик кўрсатган ва бу ўзбек зиёлилари орасида муайян эътирозлар туғдирган эди. Лекин бу қарашларнинг ҳар учаласи ҳам 20-йилларнинг ўрталарида олдинма-кейин барҳам топди.

ДАВРНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ. МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ЮЗАГА КЕЛИШИ

«Уйғониш» (Ренессанс) тушунчаси қадим антик адабиётга нисбатан олинган бўлиб, ўрта асрлардаги илм-фан жонланишини кўзда тутлади. Унинг доираси турли мамлакатда турлича, IX асрдан XV асргача бўлган даврни қамраб олади. «Миллий уйғониш»да эса, миллатнинг ўзлигини англаши асос қилиб олинади. Биз «Миллий уйғониш» даври адабиёти деганда XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари адабиётини кўзда тутамиз. У ўзига хос бир даврдир.

1853—1885 йилларда кўҳна Туркистон Русия томонидан босиб олинди.

Давр воқеаларига бир назар
Аслида бу истак ва ҳаракат русларда анча эрта, тақдир турк дунёсини таназзулга тушириб, Европанинг қўлини сарбаланд қилган XVI асрдан, Иван Грозний замонасидан бошланган эди. У 1552 йилда Қозон хонлигини, 1556 йилда Хазар хонлигини забт этиб, Русни муаззам Осие сарҳадларига олиб чиқди. Пётр дунёга донғи кетган Самарқанду Бухорони қўлга киритиш, ундан денгизлари ҳеч қачон музламайдиган Ҳиндистонга кириб боришни буюк орзу билган эди. Бу орзуни у амалга ошира олмади. Унинг ишини издошлари давом эттирдилар. XVIII асрда Ермак Узоқ Шарққача бўлган жойларни босиб олиб берди. XIX асрнинг бошларидан руслар қадим шуҳратшиор Туркистоннинг шимолий

дарвозаларини пайпаслаб кўра бошладилар. Туркистон эса темурийлар ўрнини эгаллаган Шайбонийхоннинг узоқ давом этмаган марказий ҳокимиятидан сўнг, аста-секин парчаланишга юз тутган ва уч хонлик деб аталмиш уч бўлакка бўлиниб, ўзаро низо ва жанжаллар ботқоғига ботган эди. Туркистонни ўрганганлар, эҳтимол, подшо Александр II га шундай хулоса берган бўлсалар ажаб эмас: мамлакат дунёдан узилган; Улуғбеклар дарс берган мадрасалардан нишон қолмаган; илм-фан ночор аҳволда; жаҳолат ва зулм авжга минган; давлатларнинг муҳофаза қудрати ҳам ўзига яраша; қурол-яроғ оз, бори ҳам эски, ибтидоий; аскар тартибсиз, дунёдан хабарсиз, замонавий тўп нима, билмайди; уруғ-насаб жанжаллари тинмайди... Хуллас, Туркистонни забт этишга бундан қулай фурсатни топиб бўлмайди.

Туркистонни эгаллаш иштиёқи жаҳоннинг икки буюк мустамлакачи мамлакати — кекса, ҳийлакор ва тадбиркор Англия билан ёш, барқ уриб келаётган Русия манфаатларини бир-бирига тўқнаштириб қўйди. Русиянинг Туркистонга изчил, қадам-бақадам кириб келиши, ҳаракатларининг жанубдаги иссиқ денгизлар томон қаратилиши эҳтимоли Ҳиндистон ва Афғонистонни ўз қўлида тутиб турган Англияни ташвишга солди. Қолаверса, Туркистоннинг туганмас бойликларидан баҳраманд бўлиш, ҳеч бўлмаса ундан бозор ўрнида фойдаланиш инглизларнинг ҳам хаёлида бор эди. Русия ҳам Туркистоннинг бор бойлигига даъвогар эди. Қадим юрт икки аждаҳо қаршисида чорасиз тўлганарди. Вазият «эчкига жон қайғуси, қассобга — ёғ» қабилида эди.

Икки мамлакат ўртасидаги пинҳоний кураш кучайди. Англия Туркистондаги уч хонликни Русияга қарши бирлаштириш ва уларни замонавий қуроллар билан қуроллантириб, урушга солиш режасини тузди. Агар хонликлар ўз мустақилликларини сақлаб қола олсалар, Англия ва Русия ўртасида оралиқ майдон ҳосил бўлар ва бу ерда ҳар икки мамлакат ўз саноати маҳсулотларини хоҳлаган нархларда сотиши мумкин эди. Англия шуларни кўзда тутиб, хонликларга махсус вакиллар юборади. 1841—1842 йилларда Туркистонга келган бу вакилларнинг таклифларини Кўқон ва Хива хонликлари қабул қиладилар. Бироқ ўзига бино қўйган Бухоро амири Насруллохон инглизлар таклифларини рад этади, аксинча, элчига ўлим йўқ, қондасига зид ҳолда вакилларни қатл эттиради. Ва Туркистон мустақиллигини сақлаб қолишда тарих берган бирдан-бир имкониятни қўлдан чиқаради.

Шунга қарамасдан, инглизлар Русияга қарши Туркистон мудофаасини ташкил этишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, Муста-

фо исми билан Қўқонга замонавий тўп қуювчи уста юборганлик-лари, Ҳиндистондаги туркий сипоҳийларга ўз ота-юртларига ёрдамга келишларига рухсат этганликлари маълум.

Бу ҳол, айти пайтда, Русиянинг хатти-ҳаракатларини ҳам тезлаштирди. 1853 йилда Перовский Қўқон хонлигининг шимолдаги дарвозаси Оқмачитга шиддат билан ҳужум қилди. 400 ҳимоячи замонавий қуролланган 2500 кишилиқ қўшинга қилич-найзау, пилта милтиқ билан қарши турдилар ва қалъани 20 кун, сўнгги томчи қонлари қолгунча ҳимоя қилдилар. 1860 йилда полковник Циммерман Пишпекка ҳужум қилди. 1864 йил 1 майда Авлиёота, 12 июнда Туркистон шаҳри босиб олинди. Сентябрда Чимкент забт этилиб, вайрон қилинди.

Дариғо, ушбу Чимкентни ўруслар кўп хароб қилди,
Ямону яхшини қўймай қириб-туйиб, адо қилди, —

деб ёзган эди мазкур воқеанинг гувоҳи бўлган маҳаллий шоирлардан Ҳусайн Шайх ўзининг бир шеър-тарихий рисоласида.

Ўша даврда ёзилган Мирзаолим Мушрифнинг «Ансобус-салотин ва таворихул-хавоқин» («Султонлар насаби ва хоқонлар тарихи»), Мулла Олим махдум Ҳожининг «Тарихи Туркистон», Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», Ибратнинг «Фарғона тарихи», Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») тарихий асарларида истилонинг даҳшатли манзаралари ҳикоя қилинган¹. Ҳатто буни бир қадар мўътадил рус манбаларида ҳам учратиш мумкин².

1865 йилнинг баҳорида генерал Черняев катта **Тошкентнинг босиб олиниши** қўшин билан Қўқон хонлигининг энг йирик шаҳарларидан Тошкент остонасида пайдо бўлди. Бу шаҳар Туркистонни ҳарбий, маъмурий идора этишда ғоят қулай эди. Бироқ чор ҳукумати воқеаларнинг ғоят тезлашиб кетаётганидан бир оз ташвишга тушган, жаҳон афкор оммаси олдида ўзини андак ноқулай сезар эди. Шу сабабли генерал Черняевга Тошкентни босиб олишга шошмаслик тўғрисида кўрсатма келади. Лекин рус қўшинининг кетма-кет ғалабалари, вайрон ва талон нашъасидан маст генерал ўзини тута олмайди. Тошкентни қамал қилади. Айрим маҳаллий сотқинларнинг ёрдами билан Тошкент-

¹ Бу асарларнинг бир қисми Ўзбекистон мустақилликка эришгач, босилиб чиқди. Чунончи: **Мирзаолим Мушриф**. Қўқон хонлиги тарихи (Ансобус-салотин ва таворихул-хавоқин), Т., Ф. Фулом нашриёти, 1995; **Мулла Олим махдум Ҳож**. Тарихи Туркистон, Қарши. «Насаф», 1992; **Баёний**. Шажарайи Хоразмшоҳий (Мерос), Т., Камалак, 1991, 175–265-б.; **Ибрат**. Фарғона тарихи (Мерос), Т., Камалак, 1991, 266–327-бетлар.

² **Қаранг**: **Наливкин**. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886.

ни сув билан таъминловчи Ниёзбек қалъасини эгаллайди. Ва шаҳарга кирадиган сувни тўсиб қўяди. Шаҳар сувсиз қолади, бироқ таслим бўлмайди. Қўқондан ёрдам чақирилади. Шошилинич Алимқул¹ бошчилигида қўшин етиб келади. 1865 йил 15 июнь эрта тонгида Русия қўшинининг полковник Абрамов бош 250 кишилиқ илғор отряди 42 кунлик қамалдан сўнг Камолон дарвозасидан ичкари киришга муваффақ бўлади.

Жанг оғир ва шиддатли кечди. Тошкент босқинини ўз кўзи билан кўрган тарихчи Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») китобида ёзади: «Бутун осмонни тутун ва чанг қоплаб олди, ниҳоят, руслар яқиндаги тепалик томон чекиниб, мудофаага ўтишга мажбур бўлдилар. Қамалда ётган шаҳарликлар буни кўриб жуда қувондилар. Етти яшар боладан тортиб, етмиш яшар чолларгача галабани қутлаб, сарбозларга овқат, шарбат, иссиқ нон, ширин ва нордон мевалар келтириб турдилар. Лекин рус қўшинлари ўзларини ўнглаб қайта ҳужумга ўтиб, Тошканд қўшинларини орқага чекинтирди».

Замонавий уруш қуролларидан беҳабарлик панд берди. Рус тўпларининг гумбурлаган овозлари шаҳар аҳлида қўрқув ва ваҳима уйғотди. Уруш авжи қизиган бир пайтда қўшин бошлиғи Алимқулга ўқ тегиб йиқилади. Аскарлар саросимада қоча бошлайдилар. Амирлашкар вазифасини Султон Мирсаид ўз зиммасига олади. Жумладан, қозоқ султонларидан Кенесарининг ўғли Султон Содиқ ва унинг йигитлари, кўнгилчилардан Мирюсуф Мирсултон боғбон ўғли, Нормуҳаммад, Мулла Шер мерганлар жасорат намуналарини кўрсатадилар. Бироқ яна хиёнат юз беради. Душман сотқин ёрдамида шаҳар ўқ-дори омборхонасини портлатишга муваффақ бўлади. Бу барча умидларни йўққа чиқаради. Бухоро амирига ёрдам сўраб чопар юбордилар. Амир ўтган гиналарни ўртага солади. Уни хафа қилган тошкентлик амалдорларни тутиб ҳузурига юборишларини талаб қилади. Шу тариқа кучларни тўплаб, Русия қўшинига қарши биргаликда курашмоқ имконияти барбод бўлади. 1865 йил 17 июнда шаҳар оқсоқоллари генерал Черняев томонидан тайёрланган аҳдномага имзо чекадилар. Аҳдномада аҳолининг ўз динида қолиши, барча ишлар

¹ Асли исми Алиқули Ҳасанбой ўғли (1830—1865), Қўқоннинг Навгут волостида туғилган. 1863 йилда амирлашкар (ҳарбий вазир) мартабасига кўтарилган. Қабри Тошкентда, Шайхонтоҳурда. У ҳақда замондоши Муҳаммад Юнусжон Тойиб «Тарихи Алиқул амирлашкар» номли махсус асар ёзган. (Қаранг: «Шарқ юлдузи» ж., 1996 йил 1—2-сонлар). Холбек Андижоний эса, «Алиқул жангномаси ва Ғарибнома» китобида замонасида бунингдек қаҳрамон ва ватанпарварнинг бошқа келмаганини қайд этган. (Қаранг: Ваҳидов Ш. Х. Развитие историографии в Кокандском ханстве в XIX — нач. XX вв., АДД, Т., 1998, с.36)

шариат асосида олиб борилиши, шахсий мулкларнинг дахлсизлиги билдирилган эди. Ваъда бошда шундай эди.

**Сохта хат ва
Солиҳ охун
жасорати**

Черняев асл мақсадга ўтади. Вазиятдан фойдаланиб, шаҳар оқсоқолларидан Тошкентнинг Русияга ўз ихтиёри билан қўшилгани ҳақида сохта хат тайёрлаб беришларини талаб қилади. Хатнинг маз-

муни қуйидагича бўлиши лозим эди.

«Неча замонлар ва йиллардан бери Туркистонда Фарғона хонлари ҳукмронлик қилиб, фуқароларга жабр-зулм ўтказиб келдилар. Закоат, хирожларни шариат асосида олмадилар. Ҳеч бир марҳамат қилмай келдилар. Қадим урф-одатларимизни, таомилни унутдилар. Мансаб-мартаба йўлида кўплаб кишиларни ўлдирдилар. Фитначи, ифвогарлар сўзини тутдилар. Ноҳақ қонлар тўкилди, шариат ва уламо сўзи ерда қолди. Фарғона ва Туркистон заминида узоқ вақт қипчоқ, қозоқ ва қирғиз авбошлари ҳукм суриб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат осойишталигини ўйлаб тамомила ўз ихтиёримиз ва рағбатимиз билан рус аскарларини олиб келиб, уларга шаҳарни топширдик».

Бу хат билан генерал Черняев, биринчидан, оқ подшонинг Тошкентга ҳужум қилишдан сақланиб туриш ҳақидаги фармонини бажарган, маҳаллий халқнинг мурожаатидан кейингина шаҳарга киришга мажбур бўлган бўлиб чиқар, иккинчидан, босқин туфайли содир бўлган вайрона ва қирғинни жаҳон афкор оммасидан яшириб қолар эди.

Тошкент оқсоқоллари буни рад этдилар. Айниқса, Солиҳбек охун генералнинг кўзига тик боқиб, халқ шаънига ҳеч қачон туҳмат қилмаслигини, бўлган воқеани бор ҳақиқати билан ёзишларини айтади. Чунончи, шимолда Оқмачитгача, шарқда Гулжагача бўлган қалъалар Тошкентга қарагани, Тошкент уруши тўсатдан, муҳлатсиз, гап-сўзсиз олиб борилгани, шаҳар 42 кун сувсиз ва оч қолдирилганини, Мулла Алим шаҳид бўлгач, қўшин сардорсиз қолгани, Бухоро, Хоразм, Фарғонадан ёрдам келмагани, Тошкент фуқароси сўнгги имконларига қадар Ватан ва динни ўз номуслари қадар ҳимоя қилганларини ёзишларини билдирди.

Бундай ҳолга дуч келмаган генерал ғазабдан қутуриб кетади ва очиқ таҳдидга ўтади. Оқсоқолларнинг бир қисми итоат этадилар. Иккинчи қисми иккиланиб қолади. Солиҳбек охун эса, «Ажалим сенинг қўлингда бўлса, тайёрман!» дея имон-эътиқодига, халқи иродасига қарши бормаслигини, шу сабабли сохта ҳужжатга имзо чекмаслигини қатъий билдиради. Уни етти киши: Ҳалимбой, Бердивой, Азимбой, Фозилбойбачча, Мулла Мирзаолим охун, Мулла Музаффархўжа ва Мулла Ҳайдарлар қўлаб чиқа-

дилар. Ўша заҳоти буларнинг ҳаммаси қамоққа олиниб, Сибирга сургун қилинади. Аламзада генерал Сибирга хуфия жўнатиб, икки йилдан сўнг жасур Солиҳбекни заҳарлаб ўлдиришга муваффақ бўлади.

9 киши имзо қўйган сохта мактуб¹ Черняев топшириғи билан ватан хоинлари томонидан Санкт-Петербургга подшо ҳузурига етказилади. Ҳар ким ўз хизматига кўра тақдир этилади. Совет даври китобларида узоқ йиллар ҳукмрон бўлиб келган Туркистоннинг Русияга «ихтиёрий» қўшилиш тарихи мана шундай бошланган эди.

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ ГУБЕРНАТОРЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ, ИСТИЛОЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛИШИ

Генерал Черняев Тошкентни олиш масаласини қанчалик эҳтиётлик билан «беозор», «хамирдан қил суғургандек» ҳал қилган бўлмасин, хорижда, халқаро демократик ҳамжамиятда Русиянинг обрўсига путур етказиши мумкин эди. Шунинг ҳисобга олиб, чор ҳукумати шаддод генерални бир қадар босиқ, вазмин Ф.И.Романовский билан алмаштирди. Янги кўмондон, биринчи навбатда, Қўқон ва Бухоро хонликларини бир-биридан ажратиш, ўртадаги низоли жойларни эгаллаб, орани очиш йўлини тутди. Шу тарзда 1866 йилда Хўжанд, Жиззах, Ўратепа, Янги-қўрғон забт этилиб, Русия ҳудудига киритилади. 1867 йил 14 июлда подшо Александр II фармони билан Туркистон ҳарбий округи ва генерал губернаторлиги таъсис этилди. Унинг кўмондони ва волийси қилиб генерал К.П. Кауфман тайинланади. Биринчи генерал губернатор мустақил ҳукмдор бўлиб, фақат подшога ҳисоб берар эди.

Янги ҳукмдор ишни Туркистоннинг шаъни ва шарафи бўлиб келган Самарқандни эгаллашдан бошлади. 1868 йилда шаҳар руслар қўлига ўтди. Бухоро амири Амир Музаффар Кауфманнинг оғир шартларига қўниб, сулҳ тузди. Бухоро халқи амирнинг таслимчилик сиёсатидан қаттиқ норози бўлди. Амирнинг Қаршида ҳокимлик қилиб турган ўғли Абдумалик тўра (1848–1909) сулҳга қарши исён кўтарди. Кенагас беклари Ҳакимбек ва ўғли Шаҳрисабз беги Бобобек, Китоб беги Жўрабек Абдумалик тўрага келиб қўшилдилар. Кенесарининг ўғли Султон Содиқ ёрдамга келди. Челақда Абдулғаффорбек, Нуротада Назар Най-

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб, Т., «Шарқ», 2000, 89–90-бетлар.

ман бош кўтардилар¹. Амир Музаффар генерал Кауфманга му-
рожаат қилди. Русия қўшини ёрдамида мустақиллик учун ку-
рашга чиққан ватанпарвар фарзандларни йўқ қилишга кириш-
ди. Халқ бу фарзандларнинг жасорати ҳақида шеърлар, дoston-
лар тўқиди.

Душманни:

Келибдур аҳли кофир сўйи ислом қасди қатл айлаб,
Умид шулдур, алар бирлан ажойиб корзорим бор.

Агар чанди яроғу ҳийлау тадбиримиз йўқдур,
Вале ўзбек эрурмиз, кўнглума минг турлук орим бор —

сатрлари билан қаршилаган қаршилик шоир Хаёлий «Худоё, ко-
фир элни поймоли Тўражон қилғил»², — деб Абдумалик тўранинг
Ватан ва Миллатга муҳаббатини олқишлаб чиқди.

Худди ўша йили генерал К.П.Кауфман Кўқон хони Худоёр-
хон билан шартнома тузиб, хонликдан босиб олган ерларини
қонунлаштирди ва Русия фуқароларининг чексиз ҳуқуқ ва им-
тиёзларини таъмин этди. Истило ва янги ҳокимиятга қарши
қўзғолонлар бошланди. Айниқса, «Олой маликаси» номини
олган Курбонжон додхоҳ (1811–1907) ҳаракатлари Русия ҳуку-
матининг Туркистондаги салтанатини ларзага солди. Худоёр-
хон ҳам Амир Музаффар сингари халқнинг бу ҳаракатини бос-
тиришда Кауфмандан ёрдам сўради. Бироқ унга тахтга қайтиш
насиб этмади. Кауфман имкондан фойдаланиб, хонликни туга-
тиб, унинг ўрнида Фарғона вилоятини тузиш ҳақида кўрсатма
берди. Худоёрхон «Сизни Оқподшонинг ўзлари қабул қилади-
лар» баҳонаси билан Русияга жўнатилди ва йўлда Оренбургда
ушлаб қолинди. Хон содиқ фуқаролар ёрдамида қочиб қутулди
ва 1879 йили Ватандан олисда, Афғонистонда хор-зорликда 51
ёшда вафот этди³.

70-йилларда Хоразмга юриш бошланди. 1873 йили Ҳазорасп
босиб олинди. Шу йилнинг 12 августида Хива хони тобе бўлди.
Бироқ Хива халқлари ўз мустақилликларини осонликча топшир-

¹ Абдумалик тўра (катта тўра) 41 йил ватан озодлиги йўлида курашиб, 1909 йилда
Пешоварда вафот этади. Жўрабекнинг тақдири эса бошқача кечди. У русларга қарши
кураш ташкил қилиш мақсади билан Худоёрхонга муурожаат этади. Худоёрхон эса,
унинг қўл-оёғини боғлаб душмани Кауфманга топширади. Айёр генерал обрўси ба-
ланд, айни пайтда, гоят жасур ва донишманд бу бекдан фойдаланиш йўлларини из-
лайди. Унга рус армиясининг генерали ҳарбий унвони берилади. Сўнг 1906 йилнинг 24
январидан 25 январига ўтар кечаси ўз уйида сирли равишда ўлдирилади. (Қаранг: Ш.
Юсупов. Худоёрхон ва Фурқат. Т., «Шарқ», 1995, 70–94-бетлар).

² Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб, Т., Шарқ, 2000, 184-бет.

³ Бу ҳақда қаранг: Ш.Юсупов. Худоёрхон ва Фурқат. Т., «Шарқ», 1995, 27–29-бетлар.

мадилар. Генерал Скобелев туркманлар қароргоҳи — Кўктепани қонга ботирди. 40 минг киши қиличдан ўтказилди.

Хива босқинини ўз кўзи билан кўрган Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» китобида генерал фон Кауфман ва унинг Головачёв, Верёвкин, Шувалов каби зобитлари кирдикорларини бутун даҳшати билан кўрсатиб беради. Жумладан, Манғит қалъасидаги хунрезликни шундай ёзади: «Чун манқит ёвуқида бир улуғ ўбалиққа келдилар. Веруфкин буюрди. Русия аскарлари ул ўбага ҳужум этиб, аҳолини эркагу хотун ва ёшу қарига қарамай, қатли ом этиб, ондин сўнг ўтлаб¹ ул ўбани ер била яксон этдилар. Ондин сўнг мунинг била ҳам қаноат этмай, Манқит қалъасига ҳамким, бурунроқ келиб, қалъани Русияга таслим этиб, амон топиб қайтиб эрдилар, ҳужум этиб, қириб, эркагу хотун ва қари ва аёлу атфолдин бешиқдаги ўғлонларига қариб, қатли ом этиб, иту эшок ва ҳар турлук жондор йўлуқса, отар эдилар»².

Амударё ортидаги афгон амири Абдурахмонхон ва англислар Туркистонда юз бераётган воқеалардан ташвишга тушиб қолдилар. 1885 йилнинг 15 мартада Хушк дарёси бўйида (ҳозирги Кушка шаҳри) генерал Комаров билан Абдурахмонхон қўшини тўқнашиб, руслар ғолиб келдилар. Темурийларнинг XV асрдаги машҳур пойтахти Ҳиротга 120 чақирим қолди. Абдурахмонхон ўрислар бостириб келса, урушишга ўнғай бўлсин деб, Ҳирот ташқарисидаги темурийлар обидаларини буздирди³. Хуллас, 80-йилларнинг ўрталарига келиб, Туркистон Русия томонидан забт этиб бўлинди. Янги мустамлакани ўзлаштириш бошланди. Аввало, бу ерда ҳарбий-маъмурий бошқарув тартиби жорий этилди. Туркистонни ҳарбийлар идора қилдилар. Мутахассисларни аксарият четдан олдилар.

1735—1885 йилларда Оренбург Русиянинг Ўрта Осиёдаги ҳаракатларини идора қилувчи марказ бўлиб келган эди. Тошкент забт этилгач, бу вазифа унга ўтди. 1898—1900 йилларда Туркистон генерал губернатори бўлган С. М. Духовский ўзи ўтган ерларда маҳаллий халқнинг тўхтаб, унга таъзим қилишини шарт қилиб қўйган эди. Русия ҳукумати Туркистондаги миллат ва қавмларни бўлиш, улар орасида низо, жанжал чиқариш ва уларни уриштириб қўйиб, қозилик қилиш сиёсатини тутди. Бунинг учун кечалари у ёки бу қавм-уруғнинг кийимини кийиб, босқин қиладиган алоҳида ҳар-

¹ Ўтлаб — ўт қўйиб.

² Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий, Т., 1994.

³ Қаранг: Аҳмад Заки Валидий. Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи, Истанбул, 1981, 237-бет.

бий гуруҳлар тайёрлади. Бу низолар кўпинча бир қавм-уруғнинг ажраб, бошқа ёқларга бош олиб кетиши билан яқун топар эди. Бу Русиянинг асл мақсадларига мос тушарди.

Русия ҳар уч хонлик билан тенг алоқани ваъда этди, лекин мутлақо амал қилмади. Қўқон хонлиги тугатилди. Бухоро ва Хива ярим вассалга айлантирилди.

Русия маъмурлари ўзларини ҳар ерда қулларни озод қилувчи, қул савдосининг ашаддий душмани сифатида кўрсатдилар. Қайси хонлик билан шартнома тузмасинлар, буни асосий модда қилиб олдилар. Ерли савдогарларни ҳимоя қилиш, илм-маърифатни ёйиш, ўлкани дунёга олиб чиқиш каби кишиларни ўзига ром қиладиган ваъдалар тез-тез тилга олиниб турди. Аксарият рус амалдорлари халқдан ўзларини баланд тутсалар-да, Черняев, Иванов, Куропаткинлар ўзларини шарқликларга мойил кўрсатиб, маҳаллий кишиларнинг суҳбат ва йиғинларига аралашиб турганлари маълум. Лекин гайрирус миллатларга нописанд муносабат чор ҳукуматининг сиёсати даражасига кўтарилган эди. Улар ҳатто Туркистон миллатларининг номларини «сартлар» (ўзбеклар), «қирғизлар» (қозоқлар), «қора қирғизлар» (қирғизлар) деб бузиб номладилар.



XX аср бошидаги театр афишаларидан намуналар

**Русия мустан-
лаштирилди**

Русия Туркистонни босиб олгандан кейин уни ўзлаштиришга киришди. Табиийки, у ўлканинг ер, сув, тоғларини, фойдали қазилмаларини, тарихини, маданиятини, маҳаллий халқларнинг урф-удумларини, турмуш ва ҳаёт тарзини қунт билан ўрганди. Янги ўлкани идора этиш учун маҳаллий халқдан содиқ хизматкорлар излади. Шу мақсадни кўзда тутиб, рус-тузем мактаблари очилди. Ерли халқнинг вакиллари уларга жалб этилди. Рус ҳукумати Туркистонга юришларида туркий қавмларнинг вакилларида фойдаландилар. Машхур қозоқ маърифатпарвари Чўқон Валихонов Авлиёотагача русларга ҳамроҳ бўлгани маълум¹. Этнограф олим бошқирд Абубакр Диваев (1855—1933), татарлардан Соҳибгарой Еникеев (сўнгрок генерал бўлган), ёзувчи Шоҳимардон Иброҳимов («Туркистон вилоятининг газети»нинг илк мусулмон муҳаррири)лар Туркистоннинг забт этилишида бевосита иштирок этган эдилар. Иккинчидан, Русия, академик Бартольд айтганидек, «ерли аҳоли ичидаги бузғунчи одамларни қўлга олиб, маҳаллий халққа қарши қўйиш» сиёсатидан кенг фойдаланди.

Туркистонни ўзлаштириш, бойликларини ташиб кетиш учун қисқа муддатда Красноводск—Тошкент (1880—1898), Тошкент—Оренбург (1900—1905) темир йўллари куриб битказилди. Бу йўлларнинг узунлиги 1910 йилда 3338 км.га етказилди. Уларда аксарият рус ишчилари ишладилар. Маҳаллий халқ вакиллари яқинлаштирилмади. Бу икки йўл ҳар йили Русия хазинасига 3 млн. рубль фойда келтирган.

Туркистон хом ашё, биринчи навбатда, пахта базасига айлантирилди. Русия олдин Америкадан пахта сотиб олар эди. 1884 йилданоқ Фарғонада пахта экишга зўр берилди. 1908 йилда Туркистонда 10 млн. 500 минг пуд пахта етиштирилди ва у рус, арман, яҳудий заводчи бойларининг қўлига ўтиб борди. Фалла, жумладан, буғдой экиш камайди. Охир-оқибат, буғдой Русиядан келтириладиган бўлиб қолди. Туркистон Русияга тобора маҳкамроқ боғлана бошлади.


Русиядан юз минглаб мужиклар кучириб келтирилиб, ўлкага ўрнаштирила бошлади, рус қишлоқлари пайдо бўлди. Кўп жой-

¹ Машхур қозоқ хони Абилайхон авлодларидан бўлган, рус ҳарбий мактабида тарбияланган, Петербургда Ф. Достоевский билан дўстлашган ёрқин истеъдод эгаси Ч. Валихонов (1830—1865)нинг ҳаёти фожиали якун топди. Сибирдан Тошкентга ҳарбий сафарга отланган рус қўшини қўмондонлигига ҳамроҳ бўлиб бораркан, Авлиёотада бир қозоқ аёлини милтиқ найзаларига санчиб қўтарганча эрмак қилаётган аскарларга кўзи тушади: «Бу мамлакат менинг отамнинг мамлакатидир, ортиқ чидай олмайман!» дея устидаги ҳарбий кийимини ечиб, улоқтирганча бош олиб кетади. Овулига бориб, кўп ўтмай вафот этади. (Қаранг: Аҳмад Заки Валидий, кўрсатилган китоб, 543—551-бетлар).

ларда, айниқса, Оқмулла, Еттисув вилоятларида ҳосилдор ерларни маҳаллий халқдан рус муҳожирларига тортиб олиб берилди. Русиянинг мустамлакачилик сиёсати бошқаларникидан кескин фарқ қилар эди. Агар Англия, Франция, Испания каби мамлакатлар босиб олган ўлкаларининг бойликларини ўзлаштириш, аҳолисини қулдай ишлатиш йўлидан борган бўлсалар, Русия бу билан чекланмади. Булар билан бир қаторда ўша ўлкаларда нуфус жиҳатидан ҳам устунликка эришиш ва тобе миллатни ютиш сиёсатини тутди. Жумладан, Туркистонда барча куч ва воситалар маҳаллий аҳолини руслаштиришга, исломни бузишга қаратилди.

Миллий озодлик ҳаракатлари 70-йиллардаги мустақиллик учун олиб борилган курашлар 80-йилларда кўзғолонларга уланди. 1882 йили Наманган ва Ўшда чор маъмурларининг солиқ олишдаги ўзбошимчалигига қарши ғалаёнлар бўлиб ўтди. 1883 йили Чустда, 1885 йили, умуман, Фарғона водийсида халқ ҳаракатлари бошланди. 1892 йили Тошкентда вабо тарқалиши сабабли «Тошотар воқеаси» номи билан тарихга кирган кўзғолон бошланди. Чор ҳукуматининг зулмидан сабр косаси тўлган Тошкент халқи вабонинг олдини олишга қаратилган тадбирлардаги порахўрликларни кўриб чидай олмади, тугёнга келди. Унинг ташкилотчи ва раҳбарларидан бўлган Инъомхўжа Умрехўжаев, Шарифхўжа Пошшахўжаев, Аҳмадхўжа Абдурашидхўжаев кабилар Тошкентнинг кўзга кўринган, эътиборли кишиларидан эдилар. Уларнинг номлари Муқимий, Фурқат шеърларида бот-бот учрайди.

XIX асрдаги Туркистонда бўлиб ўтган кўзғолонларнинг энг йириги, шубҳасиз, 1898 йилдаги Дукчи эшон воқеаси эди. Унинг ташкилотчиси ва раҳбари дин арбоби Муҳаммад Али халфа Собир ўғли (1853—1898) эди. Кўзғолон миллатнинг, унинг миллий ва диний ҳуқуқларининг чор ҳукумати томонидан камситилишига қарши кўтарилди. Бироқ кенг ёйилиб улгурмади. Унда қишлоқ камбағаллари, деҳқонлар кўпроқ иштирок этган эдилар. Кўзғолон етарли тайёргарликсиз, тўсатдан бошланди. Қатнашчиларда бирлик, аҳиллик етишмади. Чор ҳукумати ўз айғоқчилари орқали ундан олдинроқ хабар топишга, турли игвогарликлар билан ташкилотчиларини қисқа муддатда қўлга олишга муваффақ бўлди. Кўзғолон шафқатсиз бостирилди. Муҳаммад Али Эшоннинг қишлоғи Мингтепа тўпга тугилиб, култепага айлантирилди. Кўзғолон ташкилотчилари ёш-қарининг кўзи олдида дорга осилди. Юзлаб кишилар қамоққа ташланди, Сибирга сургун қилинди. Чор ҳукуматининг қаттиқ тазйиқи остида Дукчи Эшон номини халқ орасида бадном қилиш кампанияси бошланди. Мулла ва мударрис-



Фозилбек Отабек ўғли қаламига мансуб «Дукчи эшон воқеаси» асарининг муқоваси

15904

лар шогирдларига уни ифвогар, фитнесчи сифатида тақдим этдилар, шоирлар эса бу «шайтон баччагар» шаънига ҳажвлар битдилар. Афсуски, бу ҳол халқ ҳаётини бор ҳақиқати билан куйлаган, ўзлари халқнинг энг қуйи меҳнаткаш табақаларидан чиққан шоирлар ижодида ҳам учрайди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Туркистон генерал губернаторлиги ташкил топгач, Тошкент унинг маркази сифатида тараққий топа бошлади. 1868 йили босмаҳона очилди. 1871 йилдан китоб чиқа бошлади. Сўнграқ бошқа шаҳарларда матбаалар пайдо бўлди. 1870 йили Тошкентда халқ кутубхонаси очилди. Ўлка ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш кучайди. Иккинчи томондан, Туркистоннинг фақат моддий эмас, маданий меросини ҳам талон-торож этиш авж олди. Амир Темурдек дунё сўраган жаҳонгир боболаримизнинг олтин тахтлари — подшоҳлик жиҳозлари, анжом-аслаҳаларидан хусусий буюмларигача ташиб кетилди. Кўксаройга ўхшаш юртнинг қаддини кўтариб келган улуғвор обидалари бузиб ташланди. Шавкатли тарих хотирасини халқ қалбидан ўчириб ташлашга зўр берилди.

Миллатнинг энг қимматли бойлиги, асрлар давомида кўз қорачиғидек асраб келинган нодир қўлёмалар, китоблар олиб кетилди. 1868 йили Самарқанд забт этилганида генерал Абрамов дунёга машҳур Усмон Куръонини Санкт-Петербургга жўнатди. Генерал Кауфман топшириғига кўра шарқшунос А.Л.Кун Хива саройидан 300 нодир қўлёмани олиб кетди. Н.Хаников Бухородан 166 сара асарни, В.Л.Вяткин Самарқанддан 190 китобни шу мақсадларда йиққан эди. Ҳаваскор китоб йиғувчиларнинг-ку сон-саногини бўлмаган¹. Айни пайтда, Туркистоннинг анъанавий маориф ва маданиятида сезиларли жонланиш кўзга ташланди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам анъанага кўра Туркистоннинг шаҳар ва қишлоқларидаги ҳар бир маҳаллада масжид ва унинг қошида мактаблар бўлган. Йирик қишлоқ ва шаҳарларда бир неча маҳалла уюшган жойда мадрасалар иш кўрган. Масалан, 1890 йили Бухорода 217 масжид, 185 мадраса бор эди. 1917 йил 26 ноябрда Қўқон шаҳрида 392 масжид, 40 мадраса қайд этилган. 1884 йили Қримдаги Боқчасарой шаҳрида Исмоилбек Гаспрали «усули жаид» («усули савтия») деган янги ўқув усулига асос солади. 90-йилларда бу янги усул Туркистонга етиб келади. 1893 йили Исмоилбек Гаспралининг ўзи Бухорога келиб, амир билан учрашади ва янги мактаб очишга

¹ Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб, Т.: «Шарқ», 2000, 144–146-бетлар.

муваффақ бўлади. У билан бирга келган ширвонлик Маждид Фанизода эса Самарқандда 40 кун қолиб, «усули савтия»ни ўргатади¹. Бундай мактаблар (Чор ҳукуматининг мақсад ва интилишларига зид ўлароқ) Тошкент, Андижон каби шаҳарларда ҳам очила бошлайди. А.В. Пясковский маълумот беришича, 1895–1901 йилларда Тошкентда тўртта усули жадид мактаби бор эди. 1900 йили Андижонда ҳам шундай мактаб очилди². 1907 йили Туркистонда 30 жадид мактаби бўлиб, 1300 бола ўқир эди³. Чор ҳукумати бунга қарама-қарши ҳолда рус-тузем мактабига зўр берди.

1884 йили Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилди, 1891 йили Хивада, 1894 йили Бухорода ташкил қилинди. 1892 йили ўлканинг ўзида уларнинг сони 21 тага етди. 1917 йилнинг бошларида Туркистонда 170 рус-тузем мактаби бор эди. Мактаблар рус маъмурларига маҳаллий халқ орасида русча биладиган ёрдамчи хизматчилар етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Аслини олганда, рус ҳукуматига сўзамол, ҳақталаб хизматчилар эмас, русча тутилиб-тутилиб гапирадиган чаласаводлар, хўжайин томоқ қирса дик этиб хизматга турадиган ито-аткорлар керак эди. Бу мактабларнинг кўпроқ шунга хизмат қилиши кўзда тутилган эди.

80-йиллардан маҳаллий халқ вакиллариининг марказий Русия шаҳарларига саёхатларини уюштириш йўлга қўйилди. Русия маъмурлари истило қилинган ўлкаларнинг фуқароларига мамлакатларининг бепоёнлигини, шаҳарларининг шаъну шавкатини кўрсатишни истар эдилар.

Туркистон маданий ҳаётида 1870 йилнинг 28 апрелидан чиқа бошлаган «Туркистон вилоятининг газети» ҳам муҳим роль ўйнади. У Туркистон генерал губернаторлиги қошидаги «Туркестанские ведомости» газетасига илова бўлиб чиқди. Газетанинг мақсад-муддаоси шундай белгиланган эди:

«Туркистон генерал губернатури буйруғи бўйинча ушбу ойдан бошланиб «Туркистон газити» чиқадур. Ушбу газитларда барча халойиққа маълум бўлмоқ учун генерал губернатурни ҳар турли фармони изҳор қилинур ва яна ҳар турли янги хабарлар, савдо тўғрисида ёзилур. Ва яна Тошканд ва ғайри шаҳарларда бўлгон ҳодиса-воқеалар ёзилур. Ушбу газит ўрусчадан бошқа сартча ва ғайри қазоқларга кераклик қазоқча бўлуб ёзилур...»⁴

¹ Қаранг: «Таржимон», 1906 й., 15-сон.

² Қаранг: А. В. Пясковский, Революция 1905–1907 годов в Туркестане, изд. АН СССР, М., стр. 99–100.

³ Қаранг: Давлат Думаси ва маориф масаласи. «Таржимон» г., 1909 й. 18-сон.

⁴ Маълумнома. Приложение к газете «Туркестанские ведомости». 1870 год, 28 апреля, №1.

Сўнг одатдагидек обуна ҳақида гап юритилиб, ушбу масала билан Олмазор маҳалласида яшовчи Мулла Махдум Мулло Машраб ўғли шуғулланиши маълум қилинади. Газетага Шоҳимардон Иброҳимов¹, бир оз муддат Муҳаммад Ҳасан Чанишев (у ҳам қозон татарлари, таржимонлик билан шуғулланган), 1883 йилдан 1917 йилга қадар эса Николай Остроумов (1846–1930) муҳаррирлик қилдилар. Айниқса, Остроумов даврида рус илм-фани, маданияти зўр бериб тарғиб-ташвиқ этилди. Русия шаҳарларига саёҳатга борган туркистонликларнинг сафар таассуротлари мунтазам суратда бериб борилди. Газета атрофига маҳаллий қаламкашлардан бир давра ташкил қилинди. Бу қаламкашлар Русия тарихи, маданиятига ҳамду сано ўқидилар. Руслардан ўрнак олишга чақирдилар. Русларни Туркистонга илм-маърифат, ахлоқ ва маданият олиб келувчи, дунё билан ошно қилувчи бир миллат сифатида кенг халққа таништирилди. Бундай «маърифатпарварлик» кўпинча ўтмиш, миллий-диний анъаналар устидан кулиш, уларни камситиш, танқид қилиш ҳисобига амалга оширилди. Ва у миллатни секин-асталик билан ота-боболаримиз турмушидан совутишни кўзда тутарди. Туркистонга абадий ҳукмронлик қилиш истаги билан келганларга, уларнинг турмуш тарзи ва тафаккурига меҳр-муҳаббат уйғотиб, «ўриспараст» бир авлодни етказишга хизмат қилар эди. Хуллас, ўриспарастлик дастлабки ўзбекча матбуот намунаси бўлган «Туркистон вилоятининг газети»да Русия ҳукуматининг тегишли одамлари томонидан уюштирилиб, рағбатлантириб борилди. Ва у «илғор рус маданияти» сифатида талқин қилинди. Ҳатто Фурқатни ҳам 1890 йил Тошкентга келганида Н. Остроумов ўз газетасига жалб қилади. Генерал губернатор барон Вревский шоирнинг салоҳияти ва шуҳратидан тарғибот учун фойдаланиш ниятида уни рус зодагонларининг балбазмига таклиф этади. Остроумов шоирга зиёфат таассуротларини ёздириб, газетасида бостиради².

¹ А.З.Валидий маълумот беришича, Ш. Иброҳимов асли қозонлик татарлардан. Генерал Кауфманнинг ишончини қозонган, Чўқон Валихоновнинг яқин дўсти. «Қозоқ халқи адабиёти» (1868), «Қозоқ мақоллари» (1870), «Муллалар ҳақида» (1871), «Қирғизлар ҳаёти» (1871), «Қирғизларда маҳкама» (1878) каби китоблар муаллифи. 1891 йилдан Русиянинг Жиддадаги консули. Ҳаждан қайтаётиб, вабодан вафот этган. Машхур миссионер, шарқшунос Н. Ильминский (1822–1891) Синод обер-прокурори К. П. Победоносцев (1827–1907)га 1885 йили ёзган хатларидан бирида Ш.Иброҳимовнинг ақли ва салоҳиятига гоят юксак баҳо бериб, уни «Русия сиёсати учун таҳликали бир одам» деган экан. (Бу ҳақда қаранг: Аҳмад Заки Валидий. Бутунги турк эли (Туркистон) ва унинг яқин тарихи, 1-жилд, 2-нашри, Истанбул, 1981, 269–270-бетлар).

² Қаранг: юқоридаги китоб, 501-502-бетлар.

АДАБИЙ ҲАЁТ

Бу давр адабиёти янгиланиш даври адабиётидир. Унда қадим даврлардан келаётган адабий турлар сақланди. Девон адабиётида шеърят (поэзия) асосий ўрин эгаллади. Аруз асосий вазн бўлди. Фазал, рубоий, туюқ, таърих, муаммо, мухаммас, мусаддас, мусамман ва айниқса, маснавийдан кенг фойдаланилди. Саёҳат хотираларини ифодаловчи саёҳатнома жанри майдонга келди.

Кенг маънони қамраб олувчи ишқ мавзуи бу даврда ҳам шеърятнинг марказий мавзуи бўлиб қолди. Лекин илоҳий ишқ, тасаввуф ғоялари кучайди. Юсуф Сарёмий (1845–1912), Зиёвуддин Ҳазиний (1867–1923) каби шоирлар кўпроқ диний-тасаввуфий шеърлари билан шуҳрат топдилар. Бадиий адабиётда ҳажвиёт ривож топди. Адреслик танқид кучайди. Реалистик тасвир кенг ўрин ола бошлади. Кундалик матбуот ва босмаҳоналарнинг майдонга келиши билан шеърят ва ўқувчи ораси яқинлашди. Янги жанрлар (масалан, публицистика, очерк каби) пайдо бўлди. Жумладан, 1887 йили Харьков қишлоқ хўжалик кўргазмасида иштирок этган самарқандлик савдогар Мирзо Бухорийнинг Боку, Харьков, Москва, Петербургга саёҳати хотиралари («Туркистон вилоятининг газети», 1888 йил, 4–7-сонлар), тошкентлик савдогар Тошмуҳаммад Исамуҳамедовнинг 1900 йили Боку–Истанбул йўли билан Парижга саёҳати (44–45-сонлар), газета муаллифларидан Сатторхон Абдуғаффоровнинг (1890), шоир Зокиржон Фурқатнинг (1891, 2–23-сонлар), Худоёрхоннинг кичик ўгли Ибн Яминбекнинг (1893, 22–28, 32-сонлар) ўз қўллари билан ёзилган таржимаи ҳоллари, хусусан, рус маданияти билан боғланишларига оид хотиралари, тошкентлик Орифхўжанинг саёҳатномаси (1894 йил 28-сон) босилди.

Икки тиллилик (зуллисонайн) анъанаси давом этди. Мадраса кўрганларнинг деярли ҳаммаси араб, форс тилларидан хабардор эдилар. Шоирларнинг кўпчилиги ўзбек тили билан бир қаторда тожик тилида ҳам ижод эта олар эдилар. Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомийлар бу давр ўзбек шоирлари учун ҳам илҳом бердилар. Шу билан бирга табиийки, шоирларимиз Муҳаммад Фузулий, Махтумқули каби туркий дунёнинг юксак юлдузларини ҳам ўзларига устоз билдилар.

Хоразмда Оғаҳий, Баёний каби ижодкорлар ташаббуси билан таржима мактаби майдонга келди. Ўнлаб асарлар форс тилидан таржима қилинди. Тошкентда машҳур ҳинд эпоси «Кавила ва Димна»ни Фазлуллоҳ Алмай (1852–1891), араб эртаклари «Минг бир кеча»ни Сидқий Хондайлиқий (1884–1934) форсчадан ўзбекчага

ағдардилар. Муродхўжа домла томонидан Саъдий Шерозий «Гулистон»ининг янги таржимаси амалга оширилди. 80-йилларда Л. Н. Толстой, 90-йиллардан А. С. Пушкин, А. А. Крылов номлари Туркистонга кириб келди. 1887 йили Л. Н. Толстойнинг «Одамлар нима билан тирик» ҳикояси, 1899 йили Пушкин таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг «Боқчасарой фонтани», «Шоир» асарлари таржимаси «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида босилди. Сўнграқ Саидрасул Азизий (1866–1933), Алиасқар Байрамали Калинин, Абдулла Авлоний (1878–1934) каби муаллифларимизнинг усули жадид мактаблари учун тузилган дарсликларига киритилди.

Адабий ҳаракатчилик анъанага кўра кўпроқ Кўқон, Хива, Самарқанд, Бухорода ривож топди. Бироқ Тошкент ҳам янги пойтахт сифатида тез юксалиб, адабий-маданий марказга айлана бошлади.

Хивада Комил Хоразмий (1825–1899), Муҳаммадрасул Мирзо (1840–1922), Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1844–1910), Аҳмад Табибий (1869–1911), Муҳаммад Юсуф Баёний (1840–1923), Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи (1860–1916), Мутриб Хонахаробий (1870–1925), Муҳаммад Юсуф Чокар (1872–1951), Аваз Ўтар ўғли (1884–1919), Абдураззоқ Фақирий (1884–1925), Сафо Муғанний (1882–1938), Комилжон Девоний (1887–1938), Муҳаммад Раҳим Роғиб (1918 й.вафот этган) каби кўплаб шоирлар яшаб ижод этдилар.

Адабий ҳаракат кўпроқ маърифатпарвар подшоҳ, «Феруз» тахаллуси билан шеърлар ёзган Муҳаммад Раҳимхон II атрофида ривож топди. Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз (1844–1910) саройда адабий муҳит майдонга келтирди. 1864 йили 20 ёшида тахтга чиқиб, салкам 47 йил ҳукмронлик қилган бу хон, уни яқиндан билган кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, Ўрта Осиё хонлари орасида энг ақллиси, энг зиёлиси эди. У «усули жадид»га йўл берди, руслар келмасдан анча илгари Хивага тошбосма олиб келди. Унинг топшириғи билан Аҳмад Табибий (1869–1911) «Мажмуатуш-шуаройи Ферузшоҳий» («Ферузшоҳ шоирлари антологияси»)ни тузади. 30 шоирнинг шеъридан намуна беради. Улар орасида Комил Хоразмий (1825–1899), Муҳаммадрасул Мирзо (1840–1922), Аваз Ўтар (1884–1919) каби хилма-хил кўлам ва қудратдаги шоирлар бор эди.

Шоир ва тарихчи Баёний шоҳ ва шоир Феруз замонида кўплаб мадрасалар қурилганини, матбаачилик йўлга қўйилганини, китобхонлик авж олганини, хоннинг ўзи буларнинг барчасига бошқош бўлганини ёзади.

Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий»сидан:

«Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо билан суҳбат тузуб, китобхонлиқ этдурур эрдилар. Андоғким, Юсуфҳожии охунд ва Исмоилхўжа охунд ва Худойберган охунд ва олиму улум маъқул ва манқулда Мулло Муҳаммадрасул ва фақири ҳақир мажлиси ҳумоюнлариға ҳафтада икки мартаба ҳозир бўлуб, китобхонлиқ этар эрдук. Гоҳо домла Муҳаммадрасул била икковимиз кириб, суҳбати ҳумоюнларида китобхонлиқ бўлур эрди ва сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлиқ этарга тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар»¹.

Шоирликнинг ҳавоси ҳам, мақоми ҳам баланд эди. Хоннинг атрофидаги амалдорларидан, ака-ука қариндошларигача шеър ёзар эдилар. Баёний уларни номма-ном келтирган. Масалан, Отажон тўранинг «Комрон», туғишган укаси Тўрамурод тўра (1855–1908)нинг «Муродий» тахаллуси билан шеърлар ёзганини маълум қилади².

Феруз ташаббуси билан Хоразм таржима мактаби майдонга келди. Мутахассисларнинг аниқлашича, XIX асрнинг ўрталарида Хивада саксондан кўпроқ киши таржимонлик билан мунтазам шуғулланган. 120 асар таржима қилинган. Айримлари 2–5 марта ўзбекчага ағдарилган. Аксарияти форс-тожик тилидан ўгирилган. Бу асарлар жанрларига кўра ҳам хилма-хил эди. Улар орасида бадиий-дидактик асарлар, ишқий-саргузашт қиссалар катта ўрин эгаллаган эди. Таржимонлар орасида эса Огаҳий, Комил, Баёний, Табибий каби маълум ва машҳур номлар билан бир қаторда Муҳаммадрасул Мирзо, Б.Санойи, Рожий, Толибхўжа, М. Рафеъ, Ҳабибий, Мағфурхўжа каби кўпчиликка унча таниш бўлмаганлари ҳам бор эди. Табиийки, уларнинг меҳнат ва санъат даражалари ҳам турлича эди³.

Огаҳий йигирмадан ортиқ асарни форс тилидан ўзбекчага ўгирди. XIX асрнинг 2-ярми – XX аср бошларида эса бу анъанани Табибий ва Баёний давом эттирдилар. Баёний «Тарихи Табарий» каби насрий асарлар қаторида Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» сингари маснавийда ёзилган тарихий-бадиий асарларига ҳам қўл урди. Мавлоно Дарвеш Аҳмаднинг араб тилидаги «Саҳойифул-ахбор» («Хабарлардан саҳифалар», 1–2-жилдлари) номли тарих китобини маҳорат билан таржима қилди. Атоуллоҳ

¹ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Т., Фафур Фулом нашриёти, 1994, 95-бет.

² Шу китоб, 89–93-бетлар.

³ Бу ҳақда қarang: Камиллов Н. Хорезмская школа перевода. Проблемы типологии и сопоставительное исследование истории перевода в XIX в., АДД. Т., 1987, с.12–20.

ибн Фазлуллоҳ Ҳусайнийнинг «Равзатул-аҳбоб»и («Дўстлар боғи») ўзбекча таржимасини таҳрир этди. Комил Хоразмий XVIII асрда яшаган Бархурдор Мумтознинг «Маҳбубул-қулуб» («Кўнгулларнинг севгани»), Фаҳриддин Али Сафийнинг «Латойифут-тавоийф» («Турли тоифаларнинг латифалари») сингари ихчам насрий ҳикоя ва латифалар тўпламларини ўзбекчалаштирди.

Бой анъанага эга мусиқа ривож топди. Танбур нотаси кашф қилинди (Комил). Шеър ва мусиқа ҳамкорлиги кучайди. Феруз Хоразм шашмақомини тараққий топтиришда катта хизмат қилди.

Хоннинг амри билан шоир Аҳмад Табибий томонидан 1908 йили яратилган «Мажмуатуш-шуаро» («Шоирлар тўплами») шеърий (маснавий йўлида) бўлиб, 1638 саҳифадан иборат эди. Кўқон хони Амир Умархоннинг 1821 йилда туздирган «Мажмуаи шоирон»ини эсга туширувчи бу китоб «Мажмуатуш-шуаройи Ферузшоҳий» номи билан танилди. Ундаги матнларнинг аксарияти ўзбек тилида эди.

Хивадаги иккинчи тазкира¹ XX асрнинг 20-йилларида тузилди. Унинг муаллифи Ҳожимурод Лаффасий (1880–1945) бўлиб, «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» асарида хоразмлик 51 шоир ҳақида маълумот беради.

Муҳаммад Юсуф Баёний (1840–1923) Хоразм адабий муҳитининг кўзга кўринган вакиллари-дан, Хиванинг 1804–1806 йиллардаги хони Элтузархоннинг чевараси. Отаси Бобожонбек замонасининг таниқли зиёлиларидан бўлган.

Муҳаммад Юсуф ёшлигидан юксак тарбия топди, шеърга, илмга, мусиқага кўнгили қўйди. Истеъдодли шоир, муаррих, мутаржим, муғанний ва мусиқа билимдони бўлиб етишди. Замондошлари Аҳмад Табибий, Лаффасий ўз тазкираларида унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берадилар. Унинг шахсини ҳам, истеъдодини ҳам юксак баҳолайдилар.

Баёнийдан бир шеърий девон, «Шажарайи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» китоблари ҳамда юқорида номлари зикр этилган 4 таржима асари қолган. Девони XIX асрнинг 60-йилларидан 1905 йилгача бўлган шеърларини қамраб олади. Тарих асарларининг катта қисмини Баёнийнинг ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ташкил қилди. Хусусан, «Шажарайи Хоразмшоҳий»даги рус босқичи воқеаларни тасвири юксак ватанпарварлик руҳи билан суғорилган. Шоирнинг 1905–1923 йилларда ёзган шеърий асарлари намуналари ўша давр вақтли матбуотида учрайди.

¹ **Тазкира** — арабча «зикр этиш», тилга олиш, эслаш сўзидан. Унда, одатда, шоир ҳақида жиндак маълумот берилиб, асарларидан намуна келтирилган ва ижоди баҳоланган. Тазкиралар фақат шоирлар эмас, олим-фозиллар, анбиё-авлиёлар ҳақида ҳам тузилган.

Баёний ҳақида XX асрнинг 60-йилларидан тадқиқотлар пайдо бўла бошлади¹. 1962 йили С. Фаниева ва Ҳ.Мухгорова «Ғазаллар» номи билан бир даста шеърларини эълон қилдилар. И. Адизова 1990 йили унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида номзодлик диссертацияси ёқлади ва у 1995 йили рисола ҳолида босилиб чиқди². Бир йил олдин эса ушбу муаллифларнинг ташаббуси билан «Шажарайи Хоразмшоҳий»нинг қисқартирилган ихчам нашри амалга оширилган эди³.

Бухоро адабий муҳитида анъанавий икки тиллилик бу даврда ҳам давом этди. Амир Абдулаҳадхон (1859—1910) сиёсий ҳаётнинггина эмас, адабий ҳаётнинг ҳам энг эътиборли вакили эди. Айниқса, бу унинг амирлик даври (1885—1910)да яққол намоён бўлди. Унинг бобоси Амир Ҳайдар (1800—1826) ҳам «Саййид» таҳаллуси билан шеърлар машқ қиларди. Абдулаҳадхон эса «Ожиз» таҳаллуси билан танилган соҳибидевон шоир эди. Ҳукмдорларнинг адабиётга яқинлиги шу даражада эдики, айрим туман ҳокимлари, масалан, Ҳисор ҳокими Авлиёқулибек «Ҳусайний» таҳаллуси билан девон тартиб қилган эди.

Абдулаҳадхоннинг рағбат ва ҳиммати билан Афзал Пирмастий (1915 й. в. э.), Неъматулла Муҳтарам (1920 й. в. э.), Мирсиддиқ Ҳашмат (амирнинг укаси), Абди кабилар тазкиралар тузиб, анъанавий тазкирачиликни янги-янги асарлар билан бойитдилар.

XIX асрнинг охири XX аср боши Бухоро тазкирачилик мактабининг бошида, шубҳасиз, Қори Раҳматуллоҳ Возех⁴ (1818—1894) туради. Унинг 1871 йилда тузилган «Тухфатул-аҳбоб фи тазкиратил-асҳоб» («Сухбатдошлар зикрида дўстлар тухфаси») тазкираси XVIII асрнинг охири XIX аср Туркистон шоирларини қамраб олган эди. Афзал маҳдум Пирмастийнинг «Афзалиут-тазкор фи зикриш-шуаро вал-ашъор» («Шоирлар ва шеърлар ҳақидаги Афзал тазкираси») (1904) XIX асрнинг охири XX аср бошида ўлкамизда яшаган 135 шоир ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Неъматулла Муҳтарам (1910), Мирсиддиқ Ҳашмат ва Абдиларнинг «Тазки-

¹ Қ. Муниров. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари, Т., Фан, 1960.

² Қаранг: Н. Жумаҳўжа, И. Адизова. Сўздin бақолироқ ёдгор йўқдур, Т., Ўзбекистон, 1995.

³ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий, Т., 1994.

⁴ Возех бошқа жанрларда ҳам асарлар ёзган. Масалан, у истеъдодли шоир ҳам эди. 1887 йилда Кавказ ва Истанбул орқали ҳажга бориб, йўл таассуротлари ҳақида «Ғаройибул-хабар фи ажойибис-сафар» («Ажойиб сафардан ғаройиб хабарлар») китобини ёзгани ва амир Абдулаҳадга тақдим этгани маълум. У пазандаликдан ҳам хабардор эди. Масалан, 1881 йилда нон, таом, ҳалво пишириш йўллари ҳақида «Кони лаззат ва хони неъмат» номли 2 жилдлик асар ёзган. Унда ноннинг 18, таомнинг 109, ҳалвонинг 169, мураббонинг 33 хили ҳақида фикр юритилади. (Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик, жилди 2, Душанбе, 1988, с.329.)

⁵ Мазкур асар 1916 йилда Тошкентда нашр қилинган.

ратуш-шуаро»лари, Ҳожи Ҳакимхоннинг «Мунтахабут-таворих» («Танланган тарихлар»), Садр Зиёнинг «Шуаройи мутааххирин ва фузалойи муосирин» («Сўнгги шоирлар ва замондош фозиллар») асарлари ҳам мазкур давр адабий ҳаётини ўрганишда муҳим манбалар бўлиб ҳисобланади. Улардан маълум бўлишича, миёнколлик Нодим Зиёвуддиний (1810–1890 йил ўрталари), ҳажвий шеърларига «Бепул» деб тахаллус қўйган Абдулқодир Савдо (1823–?), машҳур «Наводирул-вақое»нинг муаллифи Аҳмад Дониш (1826–1897), тожик тилида шеърый саёҳатномалар ёзган Жонмуҳаммад Жоний (1839–1881), «Тарихи Салимий»си билан шуҳрат топган Мирзо Салимий (1850–1930), ҳам ишқий, ҳам ижтимоий шеърни баравар туган Шамсиддин Шоҳин (1853–1893) XIX аср 2-ярми Бухоро адабий муҳитининг кўзга кўринган вакиллари ташкил қилган. Тиксўз Мирзо Саҳбо (1845/46–1918) замон садоларидан илҳом олган анъанавий шеърятнинг ҳам ўзбек, ҳам тожик тилидаги бетакрор намуналарини яратди.

XX асрнинг бошида эса Баҳромбек Давлатшоҳ ўғли (1873–1933), Мирзо Сирождин (1877–1912) каби шоирлар фаолият кўрсатдилар. Ниҳоят, Бухоро адабий муҳити бу даврда Садриддин Айний (1878–1954) ва Абдурауф Фитрат (1886–1938) ни етказиб берди.

Бухоро адабий муҳитининг характерли хусусиятларидан бири кўплаб тазкиралар тузилиши бўлса, иккинчиси, ҳажв ва шеърый саёҳатномаларнинг удумга киришидир. Қизиги шундаки, ҳажвлар ҳукмдорлар ҳақида. Амир Ҳайдарнинг дафтардори (молия вазири) жондорлик Мирзо Содиқ Мунший (1753–1819)нинг «Даҳмаи шоҳон» («Шоҳларнинг қабрлари») маснавийси сўнгроқ шу йўналишдаги бир қатор асарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Унинг қисқача мазмуни шундай эди: шоир Бухоронинг собиқ ҳукмдорлари аштархонийлар даҳмаси ёнидан ўтаётган экан, бирдан садо чикибди. Яқин борса, Субҳонқулихон (1680–1702) қабри. Хон ўзи қилган ҳақсизликлардан сўзламоқда. Қилмишларидан пушаймон. Авлодларга насиҳат бераётти. Шоир Убайдуллахон (1702–1711), Абулфайзхон (1711–1747) даҳмалари томон ўтади. Улар ҳам ўз тарихларидан, фожиаларидан сўзлайдилар. Ўз сўзлари билан идораларининг тартибсиз ва низомсизликларини айтиб, ўзларини фош этадилар.

Орадан юз йилча ўтгач, Мирзо Абдулазим Сомий ҳам худди шу номда маснавий ёзди ва амирлар рўйхатини қолган жойидан — манғитлар сулоласини бошлаб берган Раҳимбийдан Музаффархонгача олиб келди. Абдураҳмон Тамкин деган яна бир шоир ушбу мавзуда асар ёзиб, «Даҳмаи шоҳ Даббус» ва «Даҳмаи Амир Темур»ни илова қилди. XX асрнинг ўнинчи йилларида самарқандлик Сид-

дикий Ажзий «Анжумани арвоҳ» («Рухлар йигини») маснавийси-ни ёзди. Шоир ҳаждан қайтар экан, Мисрга тушибди ва арвоҳлар анжуманидан чиқибди. Бухоро амирлари анжумани экан. Амир Музаффар сўз олибди ва жоҳиллиги, тепса-тебранмаслиги билан машхур бу ҳукмдор барча қилмишларини ҳикоя қилиб берибди.

Мирзо Содиқнинг «Даҳмаи шоҳон»и XIX асрнинг 2-ярмида Усмонхўжа Холис томонидан ўзбекчага таржима қилинган¹.

Жонмуҳаммад Жоний² Шарқ адабиётида қадим анъаналарига эга бўлган саёҳатнома жанрига янгидан руҳ берди. XIX асрнинг 70-йилларида Бухоро–Нурота сафари ҳақида тожик тилида «Саёҳатнома» номли асар ёзди. Унда муаллифнинг 800 чақиримдан узоқроқ масофадаги ҳозирги Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ҳамда Қозоғистоннинг Чимкент вилоятлари ҳудудида жойлашган 50 қишлоқнинг табиати, манзаралари, одамлари ҳақидаги хотиранлари ўз ифодасини топди³.

Аҳмад Дониш (1826–1897) «Аҳмад Калла», «Аҳмад маҳдум» номлари билан замонасида шуҳрат қозонган ва илмий-адабий тафаккурнинг янгиланишига сезиларли таъсир кўрсатган Аҳмад Дониш XIX аср Бухоросининг қомусий илм эгаларидан эди. У Бухорода шофирконлик мударрис оиласида туғилди. Отаси мадрасасида ўқиди. Ёшлигида наққошлик, рассомлик, хаттотлик хунарларини ўрганди. Тарих ва фалсафага кўнгил қўйди. Зеҳни, салоҳияти билан дарров кўзга ташланди. 1857 йилнинг кузида Амир Насруллонинг Русия императори Николай I вафотига таъзия билдириш ва валиаҳд Александр I нинг тахтга чиқишини қутлаш учун юборилган элчи Муллажон Мирохурга котиблик қилади. Петербургда уч ой санъат-маданият обидалари билан танишади. 1869 йили янги шарт-шароит тақозоси билан Амир Музаффар Петербургда яна элчи юборди. Бу элчилик ярим вассалга айланган давлатнинг ҳокими мутлақ кўнглини олиш ҳаракати эди. Унинг ҳам котиблигига Аҳмад Дониш танланди. 1873 йилнинг охирида Аҳмад Дониш учинчи маротаба элчилик таркибида Русияга йўл олди. 1874 йил январь – март ойларида Петербургда туриб қайтди. Александр II билан учрашди. Сўнграқ буларни қоғозга туширди. Ҳозирда ЎзФА Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондида Аҳмад Донишнинг 16 кўлёзма асари сақланади. Аксарияти унинг ўз қўли билан ёзилган асл нусхалардир.

¹ Ушбу маълумотлар Р. Ҳодизода, У. Каримов, С. Саъдиевларнинг «Адабиёти тожик. Асрҳои XVI – XIX ва ибтидои асри XX» (Душанбе, 1988, с. 266–272) китобидан олинди.

² Жоний 1839 йили Фиждувоннинг Найман қишлоғида туғилган, 1881 йили Амир Музаффар буйруғи билан Қаршида қатл қилинган.

³ Бу ҳақда қаранг: Темур Норов. Творческое наследие Джонмухаммада Джони и Толиба Толиби. АКД, Самарқанд, 1974, с. 23–29.

Муаллифнинг «Наводирул-вақо» асари 15 йил давомида, 1870—1885 йиллар оралиғида ёзилган тарихий, фалсафий, мемуар асардир. 23 бобдан ташкил топган бу асар ҳалигача тўла нашр этилган эмас. Унинг айрим бобларигина чоп қилинган. Шу жумладан, унинг бир қисми 1964 йили ўзбекчага ҳам ағдарилган ва босилган эди.

Китобнинг икки бобида Русия сафари таассуротлари берилган. Чунончи: VII боби А. Донишнинг 1869 йилги Русия сафарига бағишланган ва 1957 йилда чоп этилган. VIII боб подшоҳ Александр II нинг қизи Мариянинг 1874 йилда бўлган никоҳ тўйига юборилган элчи Абдулқодирбек сафари ҳақида. Қолган боблари хилма-хил мавзуда. Масалан, ота-она ва фарзанд муносабатлари (1-боб), мол-дунё (2-боб), тарих (3-боб), олим ва жоҳил тақдири (4-боб), вақт қадри (5-боб), сафар қилиш фойдалари (6-боб), илм-фан манфаати (9-боб), ҳақиқий ва мажозий ишқ ҳамда унинг одоби (10-боб), никоҳ (11-боб), тақдир (12-боб), касб-кор (13-боб), жисм ва руҳ (14-боб), ер тузилиши ва маъданлар (16-боб), туш таъбири (19-боб), Бедил байтлари (20-боб), айрим ҳадислар талқини (22-боб), инсон ахлоқини белгилаш (23-боб) каби. Тамаддун (маданият) ҳақидаги рисоласи (15-боб) ва хилма-хил воқеий ҳикоялар (18, 21-боблар) ҳам ундан жой олган. Уларнинг ҳар бири ҳам муҳим ва қизиқарлидир. Масалан, сўнгги рисолада подшоҳнинг халқ олдидаги масъулияти 10 шарт асосида кўрсатиб берилади. Шу жиҳатдан, у бир томондан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»идаги бек ва раият муносабатларини эсга туширса, иккинчи ёқдан, Руссонинг «Ижтимоий шартнома»сини ёдга солади.

Ёки танлаган усулини олинг. Муаллиф касб-ҳунар эгаллаш ҳақида ёзар экан, уни ўз ўғилларига «васиятнома»га айлантиради. Ва бу орқали ўқувчида катта қизиқиш ва иштиёқ пайдо қилади. Дарҳақиқат, адиб бошидан кечган бахтли-бахтсиз, ширин-аччиқ кунлар, ҳаёт, саёҳат хотиралари, сафарлар давомида дўстлардан тингланган ҳикоялар ва булардан келиб чиқувчи ибратлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Муҳими шундаки, бу ибратлар XIX аср Европа тамаддунини ўз кўзи билан кўрган, айни пайтда, шу давр Шарқ илм-фанининг Туркистон сарҳадидаги энг буюк намояндаси васиятлари эди. Касб-ҳунарга, илм-фанга меҳр, ҳалоллик, мансаб-мартаба, мол-дунё ҳирсидан узоқ бўлиш, бани башарга хайрихоҳлик, ҳар қандай ҳолда ҳам яхшилик қилиш, исломий ахлоқ бу васиятларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Диққатга сазовор яна бир нарса шундаки, Аҳмад Дониш фаранг донишмандлари, «сиёсий ҳукамолар»и ҳақида ёзди. Уларнинг «ихтилол ва инқилоблар тарихини чуқур ўрга-

ниб», барча ҳақсизлик ва адолатсизлик сабабини «давлат ишларининг ёлғиз подшо қўлида бўлиши»дан топганликларини маълум қилди. Улар шу сабабли эски «давлат тузумини ўзгартирганлар», деб ёзди. Улар «ҳуқуқда ҳамманинг тенглиги»га риоя этишлари, даражалар эса, кишиларнинг «фазл ва ҳунарларининг озқўплигига қараб бўлиши», «давлатни ҳамманинг ўртасида турган киши идора қилиши» ҳақида «қонунлар чиқарганлари»ни уқдирди. Европанинг «барча давлатларни енгиб, бутун дунёга эга бўлишлари»да бу асосий омил бўлганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ушбу васиятнома таълимий-ахлоқийгина эмас, муҳим ижтимоий-сиёсий мазмун ҳам ташир эди.

Шунингдек, унинг «Мажмуаи ҳикояти Аҳмад Калла» («Аҳмад Калла ҳикоятлари тўплами») (1877), «Ислоҳ миёни шиа ва сунн» («Шиа ва суннийни яраштириш ҳақидаги насиҳат») каби рисоалари, «Дафтари тақвим» («Кундаликлар»)и ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аҳмад Дониш умрининг охирларида «Тарих рисоласи» китобини ёзди. Бир ёқдан, Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Абдуллахон, Субҳонқулихон, Шоҳмурод, иккинчи тарафдан, Амир Музаффар салтанати мисолида ҳар бир давлатнинг тараққий ва таназзули сабабларини таҳлил қилди. Биринчи гуруҳни мужаддидлар (дин ва давлатни покловчилар) деб ҳисоблади.

Бу асарлар содда ва жонли тили, ифода услуби билан ўтмишдошлариникидан ажралиб туради. Синчков илмий мулоҳаза, танқидий ва таҳлилий тафаккур уларга алоҳида руҳ бағишлайди. Тасвир ва ифодадаги драматизмга мойиллик, суҳбат-диалогдан унумли фойдаланиш муаллиф фикрларининг ўқувчи онгига етиб боришини осонлаштиради.

Мирзо Саҳбо
(1845/46 – 1918) Исми шарифи Мирзо Ҳайит, «Саҳбо» тахаллушидир. «Саҳбо» қизил май дегани. Шоир Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туғилган. Мактаб саводидан сўнг мадрасани тугатар-тугатмас, ўша пайтлари Кармана ҳокими бўлган Абдулаҳад хизматига киради. Эҳтимол, уларни шеърга, адабиётга меҳр яқинлаштирган бўлса. Ҳар ҳолда уларнинг ўзаро муносабатлари жуда яхши бўлган. Ёш валиаҳд унинг мард ва тантилигини, салоҳиятини қадрлаган. 1885 йили Абдулаҳад Бухоро амири мартабасига кўтарилгач, Мирзо Ҳайит унинг саройида эшик оғаси вазифасига тайинлангани маълум. 1910 йили Абдулаҳадхон вафот этиб, ҳокимиятга Олимхон келгач, шоир Саҳбо ҳаётининг ташвишли кунлари бошланади. Жумладан, олдинги лавозимидан олиниб, шаҳар ариғига мироб қилиб тайинланади. Кўп ўтмай, ундан ҳам бўшатилади, миршабликка қўйилади. Охир-оқибат ишсиз қолади. 1915 йилдан эса, унга сиёсий айб қўя бошлайдилар. Маса-

лан, Чор Русияси сиёсий агентининг маълумоти билан қушбеги хузурига чақиртирилиб, ундан газета ўқимасликка тилхат олади-лар. 1917 йил Февраль воқеаларидан кейин эса, у инқилоб ва ҳурриятга хайрихоҳлиги, жадидлиги учун қамалади. 1918 йили Қабадиёнга сургун қилиниб, маҳаллий ҳоким Муҳаммад Раҳимбек буйруғи билан отга судратилиб, фожиона қатл этилади.

Саҳбо номи ўз даврининг деярли барча тазкираларига кири-тилган. У ҳақда Мирзо Сомий Бўстонийдан Садриддин Айний, Мирзо Турсунзодагача фикр билдирганлар. Уларнинг деярли ҳам-маси шоирнинг шахсини ҳам, истеъдодини ҳам юксак баҳолай-дилар.

«... у шундай мард кишики,— деб ёзади Афзал Пирмастий,— ниҳоятда донишманд, ўта хушмуомала, ҳиммати олий, марҳамати баланд, парҳезкор, ниҳоятда тетик, ақлли, шеършунослик ва байтшуносликда тенги йўқ, табиати нозик, зеҳни ўткир, шеърлари ғоят гўзал, сўзлари фасоҳатли... девони мукамал... асарлари оммага мақбул ва манзур... Шеърининг таъбири ва таҳрири бе-ниҳоя нозик, ранг-баранг, туркий ва тожикча ғазаллари мазму-нан ниҳоятда хўб, қофиялари бениҳоя марғуб...»

1980 йили шоирнинг ўз қўли билан тузган дастхат девони ЎзФА Қўлёзмалар институти фондида сақланаётганлиги аниқланди. Де-вон 263 саҳифадан иборат, 550 дан ортиқ шеър жой олган. Шунинг 61 таси ўзбек тилида. Жанрлари: ғазал, мухаммас, мусаддас. Мавзуси: асосан, ишқий. 1991 йили адабиётшунос Ҳ.Мухторова шоирнинг «Танланган шеърлар»ини чоп этди. 61 ўзбекча шеъри-дан 52 тасини (12 ғазал, 38 мухаммас, 2 мусаддас) ўқувчилари-мизга тақдим қилди¹. Садриддин Айний унинг «янгилик ва ҳақ-гўйлик қурбони» бўлганлигини таъкидлаган эди. Шунга кўра у ижтимоий-сиёсий ғазаллар ҳам ёзган бўлиши керак. Бироқ ҳозирда эълон қилинганлари кўпроқ анъанавий, девон адабиёти намуна-ларини эсга солади. Шоир ёрдан мурувват кутаркан, гоҳ-гоҳ за-моннинг бевафолигидан, халқ орасидан инсоф, меҳр-шафқат кўтарилганидан нолийди. «Сен улусдан, эй кўнгул, меҳру муҳаб-бат излама», деб ёзади, «жабру зулм билан Саҳбонинг аҳволи фано» бўлганлигини маълум қилади. Шундай ҳоллардагина бу шеърлар замон садоларига оҳанглош келади.

Қўқонда Муқимий (1850–1903), Фурқат (1859–1909), Завқий (1853–1921), Нисбатий (1903 й.в.э.), Муҳаййир (1845–1918), Қори Юсуф Мунтазир (1899 й.в.э.), Усмонхўжа Зорий (1839–1916) ка-билар адабий давра ташкил этдилар. Водийнинг машҳур шоирла-ридан бири, «тожи шоирон» («шоирлар шоҳи») деб эъзозланган

¹ Саҳбо. Танланган шеърлар, Т., Фан, 1991, 180 бет.

Муҳйи (1835–1911) бўлса, иккинчиси, шубҳасиз, «Ҳазиний тўра» деб ардоқланган Зиёвуддин Ҳазиний (1867–1923) эди. Асли пскентлик Саид Акмалхон (1834–1883), марғилонлик қози Хўжа-жонхўжа Рожий (1838–1918), Намангандан Нодим (1844–1910), Ибрат (1862–1937), Андижондан Абдураззоқ Бимий (1847–1918), Хўжанддан Тошхўжа Асирий (1864–1916), Сайрамдан Юсуф Сарёмий (1845–1912), Тошкентдан Каримбек Камий (1865–1922) кабилар Қўқондаги адабий суҳбатларда тез-тез иштирок этиб турдилар.

Бу ерда ҳам анъанага кўра шеърят кўпроқ ривож топди. Айни пайтда, ундаги мазмун ва шаклни янгилаш ҳаракатлари илк бор шу ерда кўзга ташланди. Шоирлардан Муқимий, бир томондан, мумтоз адабиётимиздаги энг яхши анъаналарни давом эттирди. Иккинчи ёқдан, рус истилоси туфайли ижтимоий ҳаётда кечаётган ўзгаришларни адабиётга олиб кирди. Масалан, завод-фабрикалар ишга тушиб, ишчилар синфининг майдонга чиқиши, тили, дини, урф-удумлари, ҳатто ҳаёт тарзи кескин фарқ қилувчи Европанинг Туркистонга кириб келиши ва бунинг маҳаллий халққа, унинг турмушига етказган таъсири, европалашув томон қўйилган дастлабки қадамларнинг яхши-ёмон жиҳатлари таҳлили илк дафъа Муқимий ижодида акс этди. Муқимий янгилана бошлаган адабиётнинг ғоя ва мазмунигагина эмас, шаклу ифодаларига ҳам маълум янгиликлар киритди. Ҳажвга алоҳида эътибор берди. Ижтимоий фикрга, жамият танқидига махсус диққатни қаратди.

Фурқат лирикаси ўзбек мумтоз адабиётининг гўзал намуналари эди. У эҳтирос тўла ғазаллари, эркка ташна мусаддаслари, ҳижрон изтироблари барқ уриб турган шеъринг мактублари билан ўзбек адабиётига тоза ва тиниқ оҳанглар олиб кирди. Бироқ унинг ҳаёти ғоят мураккаб кечди. Замон унинг тақдирини алғов-далғов қилиб юборди. Пешонасига ғарибликни, мусофирликни битди. У бир умр Ватанига қайтиш армони билан яшади. Лекин бу унинг асарларигагина насиб этди. У кўнгли тубидаги пинҳон дардларини шеърга тўкди. Бу шеърлар Ватан соғинчини ифодалаган энг сара шеърлар бўлиб қолди. У дастлаб рус илм-фанига, Европага мўъжизадай боқди. Рус зиёлиларининг Туркистондаги вакилларига халоскордек қаради. Буларнинг орқасида ўз устунликларини намойиш қилиш ва у орқали забт этилган юртни иқтисодий ва маънавий асоратда сақлаш мақсади ётганлигини бирданга англаб етмади. Бу мумкин ҳам эмас эди. Бироқ юрт фожиалари, тақдирнинг беаёв зарбалари аста-секинлик билан бўлса-да, Русиянинг Туркистондаги сиёсатининг асл моҳиятини англади. Унинг шеърларига тақдир-

дан шикоят билан бирга эркпарварлик, озодлик руҳи кириб келди. Жумладан, «Сайдинг қўябер, сайёд» мусаддаси ўзига хос озодлик мадҳияси бўлса, «Муножоти мусаддас»и, «Бегим» радибли газали, «Бўлди» радибли мухаммаси рус истибдодига очиқдан-очиқ исён намуналари эди.

Эпик жанрлар, хусусан, дostonчилик ривожланди. Қўқон адабий мактаби вакилларида Умидий-Ҳавоий (1835–1905) «Мактубчаи хон», «Жангнома», «Бадавлатнома ёки тарихи Хўқанд» каби тарихий дostonлар ёзди. Бу асарлар бевосита рус босқини ва унинг оқибатлари билан боғлиқ воқеаларни Ватан ва Миллат шаъни, эл-юрт манфаати нуқтаи назаридан акс эттирди. Шу жиҳатдан, Умидий-Ҳавоий билан хоразмлик Баёний қарашлари бир-бирига яқин. Буни «Шажарайи Хоразмшоҳий»даги Хоразм босқини манзаралари билан Қўқон фожиалари тасвирини қиёслаганда кўриш мумкин.

Қўқон адабий ҳаракатчилигининг муҳим хусусиятларидан бири XIX асрнинг биринчи ярмида шаклланган шоирлар силсиласининг давом этганлигидир. Жаҳон Отин Увайсий, Моҳларойим Нодира аъёнлари бу даврда Дилшод – Барно (1800–1905/06) ва Анбар Отин (1870–1915)дек икки истеъдодли шоирани етказиб берди.

Дилшод Отин
(1800–1905/06)

«Барно», «Дилшоди Барно» тахаллуслари билан шеърлар ёзган бу шоира узун умр кўрган, ёшлиги драматик воқеалар билан тўлиб-тошган, ҳаёти ҳам, ижоди ҳам исёнкорона кечган. Ўратепада туғилган. Отаси Раҳимкул сўфида савод чиқарган. 1813 йилда онаси вабодан вафот этади. Ўратепа жангларида бирида отаси ҳалок бўлади: 90 ёшлик бувиси билан ип йигириб, тирикчилик қила бошлайди. 1816 йилда эса Қўқон хони Амир Умархоннинг Ўратепага қилган юришида асир олиниб, кўп минглаб муҳожирлар қаторида пойтахтга келтирилади. Уни хон ҳарамига тайёрлайдилар. Бироқ Дилшод ёзган шеър атрофида бир воқеа юз беради-ю амирнинг жаҳли чиқиб, шоирани маҳрамига инъом қилиб юборади. Олиҳиммат маҳрам Дилшодни хон ўрдасидан қочириб юборади. Хуллас, тақдир уни 50 ёшлардаги фақирҳол Тош маҳдум билан дуч қилади. Унга турмушга чиқади. 30 ёшларида ўзбекчани пухта ўрганиб, мактабдорлик қилади. 51 йил дарс беради. 900 га яқин қизга хат-савод ўргатади. Бу воқеаларнинг барчаси унинг «Тарихи муҳожирон» («Муҳожирлар тарихи») асарида тафсилотлари билан ёзиб қолдирилган. Муаллифнинг маълум қилишича, ўқувчиларининг ҳар тўрттадан биттаси шеър ҳаваскорлари бўлган. Анбар Отин шулардан бири эди.

Дилшод ҳаёти ва мероси XX асрнинг 60-йилларида қайта кашф

қилинди. Тожик тарихчиси А. Мухторов 1969 йили унинг икки қўлёзма асарини топиб, улар асосида монография¹ ёзди. Ўзбек адабиётшуноси Маҳбуба Қодирова Дилшоднинг ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган яна бир янги қўлёзма асари борлигини аниқлади ва нашр этди². 80-йилларда эса у тўлдирилиб, қайта нашр қилинди³. Маълум бўлишича, унинг ҳозирча 91 та ўзбекча ва 51 та тожикча шеъри, «Тарихи муҳожирон» бадиий-тарихий асарининг ўзбекча ва тожикча уч қўлёзма нусхаси («Тазкираи Барно», «Саботул-башар маа Тарихи муҳожирон» — «Инсон матонати ва Муҳожирлар тарихи»), «Мунтахабул-ашъори Барно» — («Барнонинг танланган шеърлари») бизгача етиб келган. Буларда ўзаро урушлар, халқнинг турмуш шароити ва бошқа ижтимоий-сиёсий воқеалар ўз ифодасини топган. Шоира туркистонни чор Русияси босиб олишига бўлган муносабатда кўпгина замондошларидан илгарилаб кетган, ҳодисанинг барча оқибатларини тўғри тушунган. Шу жиҳатдан, Дилшод Отин шеърияти халқ тақдирининг бадиий йилномаси даражасига кўтарилади. Шу билан бирга шоира бахтиёр замон, яхши кунлар келишига ишонади, Туркистон халқини дўст-иноқ яшашга ундайди. Унинг ишқий шеърларида муҳаббат ва садоқат мавзуи Ватан ва халқ озодлиги билан уйғунлашиб кетган.

Нодим Намангоний
(1844–1910)

Муқимий давradoшларининг таниқли вакиллари билан бўлиб, исми-шарифи Сулаймонхўжа Улуғхўжа ўғлидир. «Нодим» — адабий тахаллу-

си «пушаймон қилувчи» маъносини англатади. Наманган шаҳрининг Жомеъ маҳалласида зиёли оилада туғилган. Шу шаҳардаги Саидқулибек мадрасасида ўқиган.

1887–1888 йилларда Муқимий билан Тошкентда танишади. 1899 йили Авлиёота, Бухоро, Самарқанд, Тошкентга сафар қилади. 1902 йили ҳажга боради. Туркия, Миср, Арабистонда бўлади. 1910 йил 26 июнда Наманганда вафот этади.

Шоирнинг бизга ўз қўли билан тузган «Баёзи Нодим» қўлёзмаси етиб келган. Унда мумтоз шеъриятимизга доир деярли барча жанрларда ёзилган шеърлар учрайди. Уларнинг бир қисми Навоий, Нодирадан тортиб, замондошлари Муқимий, Завқий, Фурқат ғазалларигача боғланган мухаммаслардан, яна бир қисми шоирнинг турли-туман сафар таассуротларидан иборат. Ҳажвиялари ҳам бор. 1890 йили Авлиёотадан рафиқасига ёзган «Мактуби муҳаббат услуб» каби ишқий-интим шеърлари ҳам бор. Шоирнинг ижтимо-

¹ А. Мухторов. Дильшод и ее место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX — начале XX вв., Душанбе, 1969.

² Қодирова М. Дилшод. Т., 1971.

³ Зебунисо, Дилшод ва Анбар Отин шеъриятдан. Т., 1981.



Нодим Намангоний

ий-сиёсий мавзудаги шеърлари унинг ижодида жиддий ва салмоқли ўрин эгаллайди. Бу жиҳатдан, Махмурнинг «Ҳапалак», Фурқатнинг «Сайдинг қўябер, сайёд» шеърларига боғлаган мухаммаслари, «Мухаммаси Нодим ба аҳволи замона», «Дар мазаммати замона» асарлари муҳим. Шоирнинг бир қатор шеърлари машҳур товламачи, рус капиталисти Виктор Ахметов ҳақидаги «Ҳажви Виктор» туркумини тўлдиради. Муаллиф рақобатга бардош беролмай, бирин-кетин синаётган ўзбек «зовудчи»ларининг «ҳисоби йўқ»лигига, судхўрлардан катта фоиз билан қарз кўтариб, ҳовли-жойининг келгиндилар қўлига арзон-гаровга ўтиб кетаётганлигига ачинади, бу хил муносабатларнинг пировард-оқибатда, асрий ахлоқимиз устунларини йиқитаётганлигидан изтироб чекади. Аини пайтда, уни фан-техника янгиликлари табиий бир суратда ҳаяжонга солади. Масалан, у поездни илк бор кўраркан, ҳайратини яширмайди, гарчи унинг нима мақсадларга хизмат қилишини яхши тасаввур этмаса-да, илму фан мўъжизаси сифатида миллатдошларига таърифлаб беришни маъқул кўради:

Сув билан ўт ихтилотидин топиб қувват баса,
 Бул ажабким, барқ янглиг тезу хушрафтордур.
 Қуҳ пайкар, гарқи пўлоду темур сар то по,
 Оғзидин ўтлар сочар бир ажлари хунхордур.
 Бир неча қасри музайян жумла марбуту матин,
 Ҳарнаким дилхоҳ бўлса, доимо тайёрдур.
 Ҳар бири бир манзара олий бино, ойнабанд,
 Гашт ҳангомида савту нагмаи сетордур.

Завқий
 (1853–1921)

Лирик ва ҳажвий асарлари билан халқ ўртасида кенг эътибор қозонган шоирлардан. 1955 йилда адабиётшунос Ҳ.Раззоқов у ҳақда «Завқий ҳаёти ва ижоди» рисоласини ёзди ва 1958–1960 йилларда 50 га яқин шеърларини тўплаб, «Танланган асарлар» номи билан нашр этди. 2003 йилда А. Мадаминов ва А. Турдиалиевлар шоир авлодлари ҳомийлигида унинг нисбатан тўлатилган «Ажаб замона» китоби-ни чоп этдилар.

Шоирнинг исми-шарифи Убайдулла уста Солиҳ ўғли бўлиб, «Завқий» адабий тахаллусидир. Қўқонда косиб-маҳсидуз оила-сида туғилган. Эски мактабдан сўнг тоғаси Муҳаммад Силлиқ-нинг ёрдами билан мадрасада ўқиган. Секин-аста «Завқий» та-халлуси билан шеърлар ёзиб, Муқимийлар даврасига қўшилган. Фурқат ёзади: «...аср шуаролариким, чунончи: мавлоно Муҳйи, мавлоно Муқимий, мавлоно Завқий, мавлоно Нисбатдурлар, ҳамиша мажлис бунёд айлаб, зодаи табъларимиздин мушоира қилур эдик ва бир ғазалда татаббуъ кўрсатиб, бир мазмун ҳар навъ тарзда ифода топар эди... ва баъзи вақт ишқ тавсифи ва хусн таърифида ғазал машқ айлаб, қадимий шуаролар девонла-ридин бир шўх ғазални топиб, унга ҳар қайсимиз алоҳида му-хаммас боғлар эдик. Дигар шеър арбоблари бизлар суҳбатимиз-ни орзу айлаб келур эдилар. Агар бирор марғуб ғазал зодаи табъ бўлса, табиатлик кишилар нусха сўраб олур эдилар»¹.

Айни пайтда, ёш Убайдулла косиблик қилиб оилага қараша-ди. Унинг «Мадрасаи олия»даги ҳужраси пештоқига Муқимий даст-хати билан:

Бу — Убайдуллоҳнинг кошонаси,
Уста Солиҳ ўғли дуконхонаси!

Эй, биродари аҳли тамиз,
Эски маҳсию кавуш тикамиз, —

деб ёзиб қўйилганини нақл қиладилар.

1880 йилларда Завқий Қўқон пойабзал растаси пудратчиси Мўминшоҳ маҳкамасига иш юритувчи бўлиб киради. 1890 йил-ларда оиласи бошига кетма-кет мусибат тушади: отаси, икки укаси изма-из вафот этадилар, рафиқаси Тожибиби касалланиб, икки кўзи ожиз бўлиб қолади.

1900 йилда ҳаж сафарига боради, уч йил Кавказ, Кичик Осиё, Миср ва Арабистонни кезиб, янги фикр-қарашлар билан юртига қайтади. Табиатан ҳозиржавоб, мутойибага мойил шоир ижодида ҳажв кучаяди. Ва бу унинг бошига катта ташвишлар олиб келади. Масалан, 1905–1906 йилларда ёзилган 47 байтлик «Аҳли раста ҳажви» шеърида 46 киши номма-ном тилга олиниб, ҳар бири-нинг ўзига хос феъли, атвори кескин сатрларда чизиб кўрсатил-ган эди. Бу етмагандек, уни катта қоғозга кўчиртириб, Қўқон-нинг энг гавжум сайилгоҳига — Мўймарак (Мўйи муборак)даги баланд бир теракка осиб қўяди. Катта шов-шув бўлади. Раста аҳли шоирни тутиб, калтаклайдилар. Устидан «гарониш» (шаҳар ҳоки-

¹ Туркистон вилоятининг газети, 1891 йил, 16-сон.

ми) ва уезд ҳокимига арз қиладилар. Ҳоким шеърни тилмочга таржима қилдириб ўқийди, Завқийни тергаб, қаттиқ танбеҳ беради, Сибирга сургун қилишини айтади. Кўп ўтмай, шоирнинг ушбу можарога бағишланган «Таладинг баринг!» шеъри пайдо бўлади.

Биринчи Жаҳон уруши йилларида эса, у давр фожиаларини акс эттирувчи «Қаҳатлик», «Каждор замона» ва истиқбол орзулари билан тўлиб-тошган «Ажаб эрмас» шеърларини ёзди.

Шоир 1918–1921 йилларда Қўқон пойабзал растасининг оқсоқоли, очарчиликка қарши кураш ҳайъати аъзоси бўлиб ишлади.

Завқий лирик шоир сифатида «Келмаса келмасун нетай», «Офарин», «Кўзинг», «Айлаб келинг», «Мен кимга дей» каби халқ қалбида сақланиб келаётган бир қатор гўзал ғазаллар яратди. Унинг, айниқса, «Юзингни кўрсатиб аввал, ўзингга бандалар қилдинг» мисраси билан бошланадиган мухаммаси мумтоз қўшиқчилигимизнинг олтин фондидан жой олган бўлиб, неча ўн йилдирки, хонандаларимизнинг доимий репертуарида келади.

Завқий ўз ҳажвияларида шунчаки икир-чикир, феъл-табиат танқидидан жамиятнинг адолатсизлик асосига қурилган негизини фош этишгача кўтарилди. «Замона кимники?», «Мунча кўп» шеърлари бунинг далили. «Уй пули», «Золим пули», «Вексел» шеърларида ўлкага кириб келаётган янгиликларнинг ахлоқий жиҳатлари қаламга олинди.

Мастур қолмағайким, сўзнинг йўғони чиқди,
Олтиариғлари ҳам векселни кони чиқди,
Зовутни биткаролмай, эшонни жони чиқди,
Афсус, эй халойиқ, ишлар ямони чиқди,
Охир замона маълум бўлди, нишонни чиқди, —

сатрлари билан бошланар эди «Вексел» мухаммаси.

Шоирнинг «Воқеаи қози сайлов», «Қаҳатлик» асарлари маснавий йўлида ёзилган бўлиб, ихчам дostonлардир. Иккиси ҳам воқеий. Биринчисида 1910 йилда Қўқоннинг Хўжанд даҳаси қозилигига сайлов жараёнида юз берган қаллоблик, порахўрлик фош этилади. Иштирокчилар: собиқ қози — Ҳакимжон; ишлаб тургани — мулла Камол; шотирлар — Шокирқора, Олимқовоқ, Ҳасан аълам; қозиларга «қозилик» қилувчи ҳоким Мединский. Воқеа «ҳоким ройи»нинг Ҳакимжонга бурилиб, уни қўллаши билан тугайди. «Қаҳатлик» — 1916 йилги очарчиликнинг фажеъ манзараларини ҳоким ва мутеъ муносабатлари мисолида очиб берган асар. Халқ ғалаёнлари шаклида намоён бўлган миллий озодлик ҳаракатлари ёзма адабиётда илк бор ушбу асарда акс этган.

Завқийнинг Муқимий билан мушоира йўсинида ёзган ҳазил-

мутойибалари, «Саёҳатнома»си ва шеърӣ мактублари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Зиёвуддин
Ҳазиний
(1867–1923)**

Қўқон яқинидаги Катта Кенагас қишлоғида туғилган. Отаси Каттахўжа эшон ориф, шеърга ҳавасманд зиёлилардан эди. Зиёвуддин илк таълимни отасидан олади. Сўнг Қўқондаги Жомеъ мадрасасида ўқийди. 1897 йил ўттиз ёшларида замонасининг машҳур мутасаввифларидан, қодирия сулуки намояндаси Муҳаммад Ҳакимхон халифага мурид тушади ва илми тариқатни эгаллаб, эл орасида катта эътибор топади.

Айни пайтда устоз сўфийлар анъанасига содиқ қолиб, қўл кучи билан мутлақо меҳнати эвазига кун кечириш қондасини маҳкам тутади. Унинг муттасил деҳқончилик билан шуғуллангани, ҳатто ҳозирги Бағдод тумани Чопдор қишлоғидаги қумлоқ чўлдан 40 таноб¹ча ерни ўзлаштириб, боғ барпо этгани ва унга «Регистон» деб ном қўйгани маълум. Шунингдек, бу ерда ҳовуз кавлатиб, атрофига бир неча бино ва тегирмон қурдирган. Бу жой қумга тушиб даволанувчилар учун оромбахш масканга айлантирилган экан².

56 ёшда вафот этган. Қабри қишлоғида.

Ҳазиний ўз даврида жуда катта шуҳрат қозонган шоир. Мутахассисларнинг аниқлашларича, XX аср бошларидаги 19 тошбосма асарда унинг шеърларидан намуналар учрайди. «Баёзи Ҳазиний» тўплами 1910–1913 йилларда 7 маротаба чоп этилган. Шеърлари машҳур хонандалар томонидан қўшиқ қилиб кўйланган. Бироқ шўро даврида унинг асарларига йўл берилмади. Ўғли Амакихон қўлида сақланган девони 1939 йили НКВД ходимлари томонидан олиб кетилган. Ҳозиргача топилгани йўқ.

Шоир ижодини ўрганиш мустақилликдан сўнг мумкин бўлди. 1992 йили Қўқон музейи ходими, филология фанлари номзоди Аҳмаджон Мадаминовнинг ғайрат ва ташаббуси билан «Тасаддуқ, ё расулуллоҳ»³ деган ихчам тўплами нашр этилди. Ниҳоят, 1999 йили у тўлдирилиб, А.Мадаминов, О.Жўрабоевларнинг сўзбоши мақоласи ва профессор Шариф Юсупов сўнгсўзи билан «Девон» номида чоп қилинди.

Шоир шеърларида, дарҳақиқат, диний мавзу етакчи. Лекин бу шунчаки дин тарғиби эмас. Юксак исломий ғоялар, биринчи навбатда, исломий эътиқод ва ахлоқ билан яшаш тарғибидир. Комил

¹ **Таноб** — ер юзасини ўлчаш бирлиги, тахминан бир гектарнинг олтидан бир қисмига тўғри келган.

² Бу ҳақда қаранг: Аҳмаджон Мадаминов, Отабек Жўрабоев. Руҳдарвар асарлар соҳиби. Китобда: Ҳазиний. Девон. Т., Маънавият, 1999, 4-бет.

³ Ҳазиний. Тасаддуқ, ё расулуллоҳ. Т., Ёзувчи, 1992.

инсон тарғибидир. Шу жиҳатдан, ундаги ғоялар бир қадар тасаввуфий мазмун касб этади. Муаллиф буни яширмайди. У «ишқи мажозий» ва «ишқи илоҳий» нисбатини яхши ҳис қилади. Буларни бир-бирига қарама-қарши қўймайди. Бирини иккинчисининг давоми сифатида тушунади.

Аввалдинким мажозий ишқида умримни ўткардим,
Қаю ерда париваш бўлса, анга ошно боис,—

каби сатрлари ёхуд:

Неча доноларни нодон айлади ишқи мажоз,
Ёрнинг қўйида сарсон айлади ишқи мажоз,—

матлаи билан бошланадиган «Мажоз» радифли ғазалида буни кўриш мумкин.

Айни пайтда, шоир шеърларида замон садоларини ҳам пайқамаслик мумкин эмас. У «насоро бизга подшоҳ»лик қилиб, «хонақоҳда зикри ҳақ монёъ», «шарорат ошкор» бўлганлигидан дод солади. Бошқа бир шеърда эса, қўйидаги сатрларни учратамиз:

Вой, хор ўлди шариат, динимиз бўлди ғариб,
Бу нечук турфа аломат, динимиз бўлди ғариб,
Ё яқиндирму қиёмат, динимиз бўлди ғариб,
Кўп ривож олди шарорат, динимиз бўлди ғариб,
Барчадин кетти адолат, динимиз бўлди ғариб.

Анбар Отин
(1870–1914/1917)

Шоиранинг ҳаёти ва ижодидан фанимиз ХХ асрнинг 60-йилларида хабар топди. 1963 йили профессор Л.Қаюмов ва Ф.Хусайинова шоира асарларини топиб, эълон қилдилар¹. 1964 йили ушбу тадқиқотчиларнинг «Демократ шоира Анбар Отин»² рисоласи босилиб чиқди. 1970 йили шоира асарларининг тўлдирилган нашри амалга оширилди³.

Анбар Отин Қўқонда косиб оиласида туғилган. Отаси Фармонкули асли марғилонлик бўлиб, машҳур шоира Жаҳонотин Увайсийнинг жиянидир. Онаси Ашурбиби Абдулгани қизи ҳам косиб оиласидан эди. Оила доимий муҳтожликлар ичида яшаган. Анбарой етти ёшга кирганида уни Дилшод Отин мактабига берадилар. У ўз шоғирди ҳақида «Тарихи муҳожирон» асарида шундай ёзади: «Анбарой бугдойранг, сунбул сочли, оху кўз, ой юзли, ахлоқи ҳамида

¹ Анбар Отин. Шеърлар. Т., 1963.

² Л. Қаюмов, Ф. Хусайинова. Демократ шоира Анбар Отин. Т., 1964.

³ Анбар Отин. Шеърлар. Рисола. Т., 1970.

ва одоби писандида соҳибидур. Бу саккиз яшар қизча ёшлигига қарамай, ҳазрати Навоий ғазалларини ўрганишга беҳад қизиқади. Бу ожиза саккиздан ўн тўрт ёшгача одоб таълимига машғул бўлди. Умидим борки, бу қизча катта шоира бўлгуси».

Бўлажак шоирани ўн тўрт ёшларида ўратепалик ноёвой Зоҳидхўжа исмли йигитга узатадилар. Зоҳидхўжа шеърят лухлиси бўлиб, қўқонлик машҳур шоирларни яқиндан билар эди. Улар фақирона, лекин бахтли турмуш кечирадилар. Мўминхўжа, Бибихон, Усмонхўжа, Оминахон деган фарзандлар кўрадилар. Анбарсй ҳасос шеърлари билан «Анбар Отин» бўлиб танилади. Бироқ бахтсизлик юз беради. Анбарой ўттиз ёшларида Олим мингбошининг уйида бўлган бир зиёфатда баланд зинадан йиқилиб, оёғи синади ва бир умр тўшакка боғланиб қолади. Унинг устига қизи Оминахоннинг бевақт вафоти шоира ижодидаги маҳзунликни устувор қилиб қўяди.

Шоира шафқатсиз тақдирга аччиқма-аччиқ ижод этди. Қўлидан қаламини қўймади. Аксинча, қалами унга куч берди. 1910 йили адабиётимиз тарихининг ёрқин бир саҳифаси бўлиб қолган «Қаролар фалсафаси» асарини яратди.

Анбар Отиннинг қачон вафот этгани маълум эмас. Айрим шеърларида Биринчи Жаҳон уруши билан боғлиқ воқеалар тасвири ҳам учрайди. Шундан келиб чиқиб, мутахассислар унинг вафотини 1914–1917 йиллар қилиб белгилайдилар.

Анбар Отин ижодининг асосини унинг шеърляти ҳамда «Қаролар фалсафаси» номли насрий асари ташкил қилади. Унинг эълон қилинган шеърлари адади 90 га яқин. 1966 йили араб алифбоси ҳарфларига бағишланган «Якка байтлар»и топилди. Ниҳоят, у ўзбек ва тожик тилларида бирдай ижод қила олган шоирадир. 1977 йили адабиётшунос М. Қодирова унинг 17 шеърини ўзбекча таржимаси билан нашр этган эди¹.

Шоира шеърларида ижтимоий-сиёсий мазмун кучли. Унинг учун адолатсизлик конкрет тушунча. У буни, аввало, жаннатдай юртнинг ўз эгалари хор бўлиб, келгиндилар тасарруф этаётганлигида кўради. Шу сабабли юртдошларига мурожаат қилиб, уни озод ва обод этмоққа чақиради. У ёзади:

Эй гўзал Фарғона, ўзингни кел эмди, шод қил,
 Ҳар ғазални бошида, сен, ўз отингни ёд қил,
 Қайди бандни пора айлаб, ўзлугунг озод қил,
 Қайғулик кунларни куйдур, барчасин барбод қил,
 Эмди Туркистонда ҳақгўйлик ила фарёд қил.

¹ Қаранг: Қодирова М. XIX аср ўзбек шоиралари ижодида инсон ва халқ тақдири. Т., Фан, 1977, 171–183-бетлар.

Боларинг пажмурда бўлди зогларнинг пойидин,
 Қўрагинг садпора бўлди дайдиларнинг ёйидин,
 Катра-катра қон томодур ўқ тешкон жойидин,
 Қип-қизил қонлар оқодур жабр кўргон сойидин,
 Ўз қўлинг бирла бу юртингни ўзинг обод қил.

Самарқандда Абдулазим Сипандий (1829–1909), Сиддиқий Ажзий (1864–1927), Саидахмад Васлий (1869/70–1925) каби шоирлар ижод этдилар. Каттақўрғонлик Очилдимурод Мирий (1830–1899) ажойиб эпик дostonлар, маснавийлар яратди. «Раъно ва Зебо» (1884), «Қиссаи Салим Жавҳарий» (1887), «Рустам ва Суҳроб» (1897), «Мажидиддин ва Фаҳрунисо» (1899) каби дostonлари, «Гулнома», «Чойнома» сингари дoston-маснавийлари билан ўзбек эпик поэзияси тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Шоирнинг асл исми Саидахмадхўжа, Самарқандда туғилган. Шеърларига «Ажзий», дoston ва насрий асарларига «Сиддиқий» деб тахаллус қўяди. Ота-боболари туркистонлик бўлиб, Амир Абусаид замонида, XV асрда Самарқандга кўчиб келиб қолганлар¹.

Саидахмад 5–7 ёшларида отаси Ҳасанхўжа вафот этиб, дастлаб бобоси Алихўжа қўлида, сўнграқ уста Абдулқаноми эшигида етимликда катта бўлади. Янғаси қўлида савод чиқаради. Илмни мустақил эгаллайди. Замондошлари унинг уқув-қобилиятини алоҳида таъкидлайдилар.

Танқидчи ва адабиётшунос Валуд Маҳмуд (1897–1976) 1924 йили у ҳақда шундай ёзган эди:

«Буюк бир истеъдодга эга бўлгонидан кўп санъатларнинг устосидур. Бошлаб Сиддиқий яхши бир техникдур. Соат ва мошиналарни тузатмоқ ишига моҳирдур. Яхши тўқувчи ва тикувчидур. Кўп йиллар бу санъат ила яшагондур. Яхши овчидур, мусиқа билан ҳам анча шуғуллангандур. Ўз тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини биладур. Форсча шеърлари форс адабиёти билан яхши таниш эканига шоҳиддур. Араб ва рус адабиётлари билан ҳам анча ошинодур»².

Неъматулла Муҳтарам уни ўз «Тазкиратуш-шуаро»сига киритган ва шоирнинг икки шеърини келтириб, муаллифни шундай таъриф этган эди:

«Ажзий тахаллуси заковатпаноҳ, фатонатогоҳ, таржумон жароид хушманди, пурдон мақосид хирадманди Ҳожи Саййидахмад-

¹ Қаранг: Турсунқул. Сиддиқий тўғрисида мулоҳазалар. «Маориф ва ўқитгувчи» ж. 1928 й., 3-сон.

² Бу ҳақда қаранг: Бегали Қосимов. Миллий уйғониш, Т., Маънавият, 2002, 202-бет.

хўжа Самарқанди астки, ниҳоли таъбашро Самарқанд мукаррар аст. Асмой аном аз таътир ашъораш муаттар... жузъи хубу хатти марғуб ва таъби баланд услуб дорад...» (Ажзий заковат эгаси, фаҳму идроклилар сараси, хушмандлиғ равишининг ифодачиси, хирадмандлик истакларининг билимдони Ҳожи Саидаҳмадхўжа Самарқандийнинг таҳаллусидирким, (ул зот) таъби дарахтининг меваси каби (ҳамиша) қанддек тотлиғ эрур ҳамда одамлар димоғи (анинг) шеърлари атридан (доимо) муаттардир. ...Яхши хулқлик, ёқимли хатлик ва таъби баланд бир кишидир...»¹.

Неъматулла Муҳтарам келтирган ҳар икки шеър форсча ва ишқий мавзуда.


Сиддиқий 90-йилларнинг охирида ҳажга боради. 1900 йилда Русиянинг Жиддадаги элчихонасида таржимонлик қилади. Тифлисида Жалил Мамадқулизода, Алиакбар Тоирзода (Собир) билан танишади.

Шоир 1901 йили она юртига қайтади ва Ҳалвойи қишлоғида усули жадид мактаби очади. Унинг учун дарсликлар ёзади. Айни пайтда, «Айнул-адаб» («Одоб кўзи»), «Ганжинаи ҳикмат» («Ҳикмат хазинаси») каби шеърӣ тўпламлар, «Анжумани арвоҳ» («Рухлар йиғини»), «Миръоти ибрат» («Ибрат ойнаси») каби дostonлар ёзиб, чоп эттиради. Қизиғи шундаки, бу асарларининг иккитаси дастлаб дўстлари кўмағида Тифлисида 1909 йили форсча нашр қилинган. Ўзбекча ишқий шеърлари сақланмаган. Замондошларининг гувоҳлик беришларича, ҳаж сафаридан сўнг қарашларида маълум ўзгаришлар юз бериб, эски ишқий-интим шеърларини, шу жумладан, форсчаларини ҳам албатта, куйдириб ташлаган. «Миръоти ибрат»нинг ўзбекчасини Самарқандда 1914 йилдагина босдиришга муваффақ бўлди.



Сиддиқий Ажзий

¹ Қаранг: юқоридаги китоб, 203-бет.



Сиддиқий Ажзийнинг Ҳалвойи қишлоғида ўз маблагига қурдирган мактаби биноси

Мирзо Содиқнинг «Даҳмаи шоҳон»ини эсга туширувчи «Анжумани арвоҳ»да осмондан икки киши шоҳлик либосида тушиб келадилар ва ўз тилларидан ўзларини фош этадилар. Улар Бухоронинг марҳум амирлари Музаффархон ва Абдулаҳадхон эдилар.

Исмоилбек Гаспратининг «Дорур-роҳат мусулмонлари» романига ҳамоҳанг, унинг таъсир ва илҳоми яққол сезилиб турадиган «Миръоти ибрат»да шоир хаёлий мамлакатларга сафар қилади. Ўз орзусидаги Самарқандни чизиб берали. У озод, обод, фаровон, илм-фан самараларидан музайян эди. Унда, ҳатто шунчаки телевидение эмас, биз бугун, 70–80 йилдан кейин гувоҳ бўлиб турган видеотелефонлар ҳақида гап кетади.

Асарнинг «Хотима»сида эса шоир асл мақсадини шундай ифода қилган эди:

Дўрт иш бана бундан эрди мақсуд,
Бундан ўла халқ бахти масъуд:

Илми аъло олмоқ ва фунунни,
Давлатни, лисонни, закунни.

Ҳар қавм булардин ўлди маҳрум,
Истиқболи ҳолидин ўлур шум.

Демак, унингча, илм-фан, давлат, тил, қонунсиз ҳеч бир миллатнинг истиқболи йўқ. Бу тўрт нарсани қўлга киритмаган миллат ҳалокатга маҳкумдир.

1914 йилнинг 3 январида у бундай фикрлари учун мутаассиблар томонидан «кофир» деб эълон қилинади.

Шоирнинг ўзбекча газаллари «Айнул-адаб»да тўпланган. Уларда оёқ остида қолган миллатнинг мудҳиш аҳволи, тутқун Ватаннинг фажеъ манзаралари сўнгсиз бир изтироб билан тасвир этилган.

У шеърга янги мазмун, янги руҳ олиб кирди. Алвон чечакларда қип-қизил қон кўрди. Унинг қирмиз япроқларини «хуни ноҳақ» рангидан қизарган «хоки ватан» деб атади. «Ватан харобасини ислоҳ» қилишга, бунинг учун «иттиҳод» (бирлашиш)га чақирди.

Сиддиқий Ажзий 20-йилларда ҳам самарали ижод қилди. Ҳажвиялар ёзди. 1927 йили умрининг катта қисмини ўтказган Ҳалвойи қишлоғида вафот этди.

1989 йилда шоир таваллудининг 125 йиллиги нишонланди. 1999 йилда унинг «Танланган асарлар»и чоп этилди¹.

Саидахмад Васлий
(1869/70–1925)

Шоир, олим, таржимон, публицист ва ниҳоят, мударрис сифатида машҳур эди. Самарқанднинг Қўқмасжид гузарида пичоқчи уста Саидазим хонадонида туғилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент мадрасаларида ўқиган. 1902 йили хатми кутуб қилиб, Бухоро мадрасаларидан бирида дарс беради. 1909 йилдан кейин эса Самарқанднинг Шоҳизинда, Орифжонбой мадрасаларида мударрислик қилади.

Васлий ўз она тилидан ташқари араб, форс тилларида ҳам эркин ёза олган. Туркистон, Бухоро, Хоразм илмий-адабий давраларида танилган, фаол ва сермахсул ижодкор эди. Мутахассислар ундан 12 минг байт шеър, 25 илмий рисола етиб келганини маълум қиладилар.

Энг муҳим асарлари: «Аслул-аҳком» (Хукмлар асли), 1904, Самарқанд, форсча; «Асосул-ислом» (Ислом асослари), 1904, Самарқанд, форсча; «Армуғони дўстон ва туҳфатул-аҳбоб» (Дўстлар армуғони ва севиқлилар туҳфаси), Самарқанд, 1909, форсча шеърӣ тўплам; «Ақоиди гайри манқута» (Нуқтасиз ҳарфлар имлоси), арабча дарслик, Самарқанд, 1909; «Нафъут-толиб» (Талаба манфаати), Тошкент, 1912; «Маданият ва шариати исломия», Тошкент, 1915, форсча; «Адабуд-дин ёхуд миллий шеърлар», Тошкент, 1911, ўзбекча шеърлар тўплами; «Девони Васлий», Тошкент, 1912, ўзбекча шеърлар тўплами; «Ал-каломул-афҳам фи маноқибил-Имоми Аъзам» (Имом Аъзам сифатлари борасида сўз),

¹ Ибрат, Ажзий, Сўфизода. Танланган асарлар. Т., «Маънавият», 1999.

Тошкент, 1914, арабчадан форсчага таржима; «Назмус-силсила» (Хожа Валихон Ургутийнинг шажара ва сифатлари ҳақида), Самарқанд, 1913, форсча, маснавийда ёзилган. Булардан ташқари, араб тили сарфу наҳвига оид қанчадан-қанча асарлар муаллифи. Ҳожи Муиннинг қайд этишича, Васлий Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»ини ҳам ўзбекчага таржима қилган.

Юқоридаги асарлардан айримлари босилиб ҳам чиқди. Масалан, Саидбек Ҳасан 1991 йили шоирнинг Имом Аъзам ҳақидаги таржима асарини ўзбекчага ағдариб, чоп эттирган эди¹. Хожа Валихон Ургутий ҳақидаги китобни машҳур пири муршиднинг эвараси Бадиа Муҳиддинова 2001 йили таржима ва изоҳлар билан нашрга тайёрлади².

Васлий шеърларида даврнинг муҳим масалалари кўтарилган. Масалан, бир шеърда «Миллат кул ўлди ўзгалара, бу нечук жафо?!» деган ҳақли саволни қўйса, иккинчи бир ўринда, Русия тимсолида кириб келаётган ғарб ахлоқсизлигини ҳажв остига олади:

Чўқ кимсаларки, тутди франсуз пешасин,
Ислом адабини унутти, бу не бало?!

У ҳам Ажзий сингари «хастау бемор», «сийнаси тўла озор» миллати учун ўртанади. Уни ободликка, озодликка етаклайдиган «устод»ни, бунинг учун эса ҳамжиҳатликни, «иттифоқ»ни орзу қилади:

Бизлара бир мактаби обод йўқ,
Мактабимиз бор, анга устод йўқ.
Тарбияти зумраи авлод йўқ,
Оҳ, бизим дилларимиз шод йўқ.
Миллата бир равнақи муътод йўқ,
Миллат учун навҳау фарёд йўқ,
Кулфату ғамдин бизи озод эт,
Васлийи дилхастая иршод эт.

Васлий публицист сифатида ўнлаб мақолалар эълон қилган. 10-йилларда «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Фарғона», «Садойи Туркистон» газеталарида босилган, адабиётнинг жамиятдаги ўрни, хотин-қизлар озодлиги, театрга, ишқий ғазалларга муносабат масалаларига бағишланган бу мақолалар қизгин баҳсларга сабаб бўлган. Бу баҳс «Ойна», «Ал-Ислоҳ» журналларига ҳам ўтган, кенг омма фикрининг чархланиб боришида, шуб-

¹ Васлий Самарқандий. Имом Аъзам тарихи. Т., Ёзувчи, 1995.

² Сайид Аҳмад Васлий. Назм ус-силсила. Т., Янги аср авлоди, 2001.

ҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлган. Васлий фикрларининг айримлари чиндан ҳам баҳсли бўлиб, ўша замон нуқтаи назаридан эскирган эди. Хусусан, «тасаттири нисвон» (аёллар ҳижоби), шеър ва «илми балоғат» ҳамда театр ҳақидаги қарашлари. Шунинг учун ҳам ёшларнинг бир гуруҳи унинг айрим чиқишларига қаттиқ эътироз билдирган эдилар¹.

Васлий 1917 йил 27 ноябрда эълон қилинган Туркистон мухториятини ҳаяжон билан қарши олган ва эҳтиросли нутқ сўзлаган эди.

Адиб 1925 йили вафот этди.

Тошкент Туркистон генерал губернаторлигининг марказий шаҳри бўлганлигидан европалашиш жараёни бу ерда тезроқ ва сезиларлироқ кечди. Маъмурий-маданий, маиший-тижорий қурилишлар, идора ва турмуш янгиликлари, матбаа, театр, кутубхоналар, рус-тузем мактаблари, гимназия, семинария қабилар, табиийки, адабиётда ўз аксини топди ва муайян таъсирини кўрсатди. Шуларга кўра, Тошкентда кўпроқ матбаачилик, яъни ноширлик ва газетачилик ривожланди. Таржимачилик, биринчи навбатда, русчадан таржима тараққий топди. Чимкентлик маърифатпарвар Сатторхон Абдуғафоров (1843—1901) 80—90-йилларда, машҳур Фурқат (1859—1909) 1889—1891 йилларда «Туркистон вилоятининг газети»да бевосита ишлаганлари ва ўз ҳаётлари давомида ушбу газета билан мунтазам ҳамкорликда бўлганларини эшлаш кифоя. Айни пайтда, анъанавий адабиёт ҳам авжда эди. Буни ушбу давр ижодкорларидан Мўминжон Муҳаммаджонов—Тошқин (1883—1964)нинг 40 дан ортиқ шоир ҳақида маълумот берувчи «Тошкентлик ва Тошкентда бўлган ўзбек шоирларининг таржимаи ҳоллари» (1948) асаридан ҳам кўриш мумкин.

Адабий-маданий муҳит кўпроқ шаҳарнинг «Кўкалдош», «Бекларбеги», «Бароқхон», «Хожа Аҳрор» мадрасаларида кечди. Айтиқса, дастлабки иккитасининг мавқеи жуда баланд эди. «Кўкалдош»да машҳур хаттот, «Тигбандий» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзиб турадиган Шоҳмурод котиб (1850—1922), Қосимхонтўра Музтариб (1858—1944), «Бекларбеги»да «қашшоқ мулла» номи билан танилган Раҳимхўжа Хатмий (1835—1908), ўттиз ёшида «Бароқхон»га мударрис бўлган машҳур бедилхон Алоуддин Фунуний (1861—1932) каби қаламкашлар атрофида олиму фозиллар, шеър муҳиблари ҳамиша гавжум бўлганлар. 1890 йили Фурқат, 1899 йили Муқимий «Кўкалдош»да турганлар. Каримбек Ка-

¹ Бу ҳақда қаранг: Бегали Қосимов. Излай-излай топганим... Т., Фафур Фулом нашриёти, 1983, 92—98, 152-бетлар; Шухрат Ризаев. Жалил драмаси. Т., Шарқ, 1997, 96—100-бетлар.

мий (1865–1922), Қодирқори Рамзий (1861–1943), Афандихон махзум Ахтарий (1870–1946) билан узоқ суҳбатлар қурганлар. Саййид Ҳайбатулло Ҳислат (1880–1945), Мулло Қўшоқ Мискин (1880–1937), Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий (1884–1934) «Кўкалдош»га эндигина қатнай бошлаган пайтлар эди.

90-йилларда «Кўкалдош»нинг нуфузи катта бўлган бўлса, аср бошларида «Бекларбеги»нинг рутбаси баланд эди. Эски Жўвадаги машхур «Турон» кутубхонасидан кунчиқарга кўтарилаверишда жойлашган, катта дарвозаси кунботарга қараган, икки қаватли бу даргоҳ ҳужраларидан бирида Каримбек Камий фақирона ҳаёт кечирарди. Яна бирида Шайх Саъдийнинг «Гулистон»ини шу йиллари ўзбекчага ўтирган Муродхўжа домла истиқомат қиларди. Мушоира-мусоҳабалар узилмасди. Гоҳ мударрис Мираҳмадхон Мирий (1833–1916)нинг Кўкча даҳа Ўзгат маҳалласидаги ҳовлисида, гоҳ Қори Фазлуллоҳ Алмайи (1852–1891)нинг Қўштутдаги уйида, баъзан Камий ҳужрасида бедилхонлик бўларди. Уларда баъзан Самарқанддан Васлий, Хўжанддан Тошхўжа Асирий (1864–1916), Қўқондан Ҳожи Муҳйи ҳам иштирок этардилар.

1903 йили «Бекларбеги»нинг бош мударриси Шомаҳмуд домла вафот этиб, ўрнига Кадубод (ҳозирги Қорасарой) маҳалласидаги мадраса мударриси Баҳодирхон¹ келади. У 1910 йили вафот этганида Юсуф Сарёмий марсия ёзиб:

Баҳодирхони махдуми мударрис,
Чароғи илми хуршиди фалакрой.

Аторудхомаи донишсурайё
Шуои илму фазли чархи фарсой, —

деб таъриф этган эди.

Юсуф Сарёмий
(1845–1912) «Яссавий мактаби» деб аталган, XII асрдан XX аср бошларигача, Зиёвуддин Ҳазиний ижодигача бўлган қатламни қамраб олган мутасаввиф шоирлар сирасига мансуб.

Исми Муҳаммад Юсуф (халқ орасида «Мамаюсуф», «Маюсуф»), отасининг оти Абдушукур, «Сарёмий» эса таҳаллуси нисбадир. «Тазкираи Қайюмий»да Сайрамда туғилиб, Тошкентда ўқиганлиги, исмини «Юсуфий» таҳаллус этгани айтилади².

Илк таълимни отаси Мулла Абдушукурдан олди. Сўнг Тошкент, Бухоро мадрасаларида ўқиди. Мадраса таҳсилининг катта қисми «Бекларбеги»да кечди. Кейинчалик ҳам бу даргоҳда тез-тез

¹ Ҳозирги таниқли физик олимларимиздан Муҳаммад Кабир Баҳодирхоновнинг бобоси.

² Қаранг: Пўлатжон Домулло Қайюмов. «Тазкираи Қайюмий». 3 жилдлик, 2-жилд, Т., 1998, 365–367-бетлар.

бўлиб турар эди. Тошкентга келганида кўпроқ қаландархоналик Қосимхонтўра-Музтарибларникига тушар, шу ерда отини қолдириб, Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Қўқон, Фарғона шаҳарларига шоир ва олим дўстлариникига йўл олар экан¹.

Хаттотлик, косиблик, муҳрдорлик билан шуғулланган.

1912 йилнинг биринчи ярмида Сайрамда вафот этган. Қабри ўша ерда.

Шоирнинг шеърлари ҳаётлигида турли баёз-тўпламларда босилган. 1914 йили шогирди Тавалло устози асарларини йиғиб, «Девони Мавлавий Юсуф Сарёмий»² номи билан нашр эттирди. Шўро даврида унинг ижодига етарли эътибор берилмади. Кўпинча, диний-мистик шоир сифатида қораланди. Шунга қарамай, айрим мутахассисларимиз асарларидан айрим намуналарни антологияларга киритдилар³. Мақсуд Шайхзода эса шоирнинг юксак шеърый маҳоратига диққатни қаратди⁴.

Сарёмий ижоди, асосан, мустақилликдан сўнг ўрганилиб, ҳаққоний баҳоланмоқда. Жумладан, 1999 йили М.Тожибоева «Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижоди» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади⁵. 2002 йили эса у профессор Б.Қосимов билан биргаликда шоирнинг ҳозирча бизга маълум бўлган шеърлари асосида нисбатан тўлиқ ҳисобланган «Танланган асарлар»и нашрини амалга оширди⁶.

Айрим мутахассислар Сайрам тарихига бағишланган диний-афсонавий мазмундаги «Рисола» номли асарни ҳам Юсуф Сарёмийга нисбат берадилар. Лекин бу ҳали қўшимча далил ва маълумот талаб қилади.

«Юсуф», «Юсуфий» таҳаллуси билан шеърлар ёзиб, замонасида катта шуҳрат қозонган бу шоирнинг шеърляти тасаввуф доирасида қолган эмас. Унда «ишқи мажозий» йўналишидаги шеърлар, муайян тарихий шахслар, воқеаларга бағишловлар, ҳатто ҳажвиялар ҳам бор. Масалан, унинг «Оҳқим, қилди букун тарки жаҳон эчкигинам» деб бошланадиган, қочириқларга ғоят бой «марсия-ҳажвия»си миллий уйғониш даври адабиётининг энг кўркем намуналаридан. Қолаверса, у анъанавий поэтик жанрларни замонга хизмат эттира ол-

¹ Қаранг: Мўминжон-Тошқин. Тошкент шоирлари..., Қўлёзма, 2-дафтар, Т., 1948, 141-бет.

² Девони Мавлавий Юсуф Сарёмий, Т., 1914.

³ Қаранг: Ўзбек адабиёти, 4 томлик, 4-том, 1-китоб, Т., «Ўздавнашр», 1960, 179-196-бетлар. Нашрга тайёрловчи А. Абдуғафуров.

⁴ Қаранг: «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1965 йил 17 апрель.

⁵ Тожибоева М. А. Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижоди, номзодлик дис. автореферати, Т., 1999.

⁶ Юсуф Сарёмий. Танланган асарлар. Т., «Маънавият», 2002.

ган, унга давр ҳодисаларинигина эмас, руҳини ҳам имкон доирасида киритишга муваффақ бўлган шоир эди.

Саидрасул Азизий
(1866–1933)

Давр етиштирган янгича қарашдаги зиёлилар вакили. Тошкентда туғилган. Отаси Саидазизхўжа замонасининг илмли одамларидан бўлган.

Бошланғич таълимни эски мактабда олади. Сўнг Тошкентдаги «Мадрасаи Маҳмуд дастурхончи»да ўқийди. Рус тилини мустақил ўрганади. 1-рус-тузем мактабини битиради. «Мадрасаи Маҳмуд дастурхончи»да мударрислик қилади. 1900 йили Тошкентдаги ўзи ўқиган рус-тузем мактабига ишга таклиф қилинади. Сўнг Ўқитувчилар семинариясида «шарқия муаллимлиги»ни олиб боради. Шу сабабли бўлса керак, халқ орасида «насоро махсум» («кофир махсум») деб ном олган.

Азизий 1910 йили Москва ва Петербургда бўлди. Рус мактабида ишлаб юрган кезлари генерал К.Н. Блюмер билан яқиндан танишади. Азизий унга форс тилини, у эса, ўз навбатида бунга рус тилини чуқурроқ ўрганишга кўмаклашади. Блюмер 1909 йили хизматдан бўшагач, Азизийни Русияга таклиф қилади. Унинг саёҳат хотиралари «Туркистон вилоятининг газети»да 1910–1911 йил сонларида босилиб чиқди.

Октябрь ўзгаришидан кейин Туркистон Шарқшунослик институтида ўқитувчилик қилди. Адлия халқ комиссарлигида ишлади. 1933 йил 3 февралда Тошкентда вафот этди.

Азизий шоир ҳам эди, лекин мактабларни ислоҳ қилиш, илк замонавий мактаб дарсликлари яратиш борасидаги хизматлари самаралироқ бўлди. У рус-тузем мактабларида дарс бериш жараёнида ундаги европача ўқитиш усули, таълим-тарбия тизимини кузатиб, уни маҳаллий мактабларга олиб киришга уринди. Рус мактабларидаги дарсликлар, хусусан, Сирдарё халқ билим юрти директори С.М.Граменицкийнинг ўқиш китоблари билан қизиқди¹. Бунинг натижаси сифатида «Устози аввал» дарслиги майдонга келди.

«Устози аввал» — биринчи ўзбекча алифбе дарслиги. 1900 йили ёзилиб, 1902 йили босилиб чиқди. 17 маротаба нашр қилинди.

Асарнинг қурилиши: муаллиф дастлаб ҳарфлар ва уларнинг ёзилиш тартиби билан таништиради. Сўнг уларга ихчам матнлар илова қилади. Шу тарзда 20 га яқин ҳикоя келтирилган: учтаси шеърӣ, қолганлари насрий.

Ҳикоялар мазмуни уч йўналишда: 1) халқ оғзаки ижоди ва

¹ С. М. Граменицкий (1859–1919), 1892–1912 йилларда Сирдарё вилоят халқ билим юрти директори, кўплаб дарсликлар муаллифи. Мутахассислар фикрича, Азизий ўз асаридаги рус адабиёти намуналарини беришда кўпроқ унинг 1889 йили Тошкентда нашр этилган «Книга для чтения» китобига суянган.

мумтоз адабиётимиздан олиб ёзилган; 2) рус классик адабиётидан қилинган таржималар; 3) муаллифнинг ўзи яратган.

С.Азизий рус адабиётидан қилинган илк бадиий таржималар муаллифларидан. У И.Крилов масалларидан, Л.Н.Толстой ҳикояларидан таржималар қилиб, дарслигига киритди. Таржимашунос олимларимиз аниқлашларича, XIX асрнинг охири XX аср бошларида Л.Н. Толстойнинг кичик асарларидан 34 таси таржима қилиниб, ўзбекча дарсликларга киритилган. Шулар орасида «Устози аввал»нинг маълум ўрни бор.

Фитрат, Чўлпон, Қодирий тимсолидаги чинакам янги адабиётимизнинг майдонга келишида ижтимоий-сиёсий шарт-шароит билан биргаликда мазкур маданий-адабий ўзгаришлар ҳам муҳим омиллардан бўлган эди.

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ (1825–1897)

Комил — шоир, хаттот, бастакор, мусиқашунос, таржимон, давлат арбоби. Унинг ибратли фаолияти замондошлари ва кейинги давр илм аҳлининг эътирофига сазовор бўлган. Кўплаб тадқиқотчилар бу улкан ижодкор ва сиёсатдон фаолиятига қизиқиш билан қараганлар.

Ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши

Хива хонлиги Русия империясининг вассалига айлантирилган 1873 йилдан бошлаб рус олимлари тадқиқотларида Комил хусусида фикр юритилганлиги кузатилади. Санкт-Петербургда чоп этилган «1873 йилги Хива юриши» сарлавҳали русча расмий манбада, Ф.И. Лобосевичнинг ўша йил воқеаларига тааллуқли «1873 йилги Хива юришининг баёни» («Описание Хивинского похода 1873 г.») номли китобида у ҳақда маълумотлар бор. Мак-Гаханнинг инглиз тилидан таржима қилиниб, 1875 йилда Москвада чоп этилган «Военные действия на Оксусе и падение Хивы» («Оксусдаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хиванинг таслим бўлиши») китобида ҳам Комил фаолиятига махсус тўхталинган. «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н.Остроумовнинг у ҳақдаги қайдлари XIX асрнинг 80–90-йилларида битилган.

Ўзбек халқи маданий меросига нигилистик қарашлар тула ҳукмрон бўлган шўро тузумининг дастлабки ўн йилликларидаёқ Москвада нашр этилган икки китобда¹ Комилнинг мусиқа соҳасидаги ишлари хусусида қизиқарли мулоҳазалар баён этилган эди.

XIX аср манбаларининг аксариятида, жумладан, Огаҳийнинг «Гулшани давлат», Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», Аҳмад Табибийнинг «Мажмуатуш-шуаро» каби асарларида Комилнинг оташзабон шоир ва тадбиркор давлат арбоби сифатидаги фаолияти юқори баҳоланган.

¹ Буларнинг биринчиси Б. Раҳмонов ва М. Юсуф Девонзода қаламига мансуб «Хоразм мусиқий тарихчиси» (1925), иккинчиси эса В. Беляевнинг «Музыкальные инструменты Узбекистана» («Ўзбекистоннинг мусиқа асбоблари», 1933) китобидир.

Шуро даврида Комил шеърий мероси дастлаб 1945 йили О. Шарафиддиновнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» хрестоматияси, орадан икки йил ўтгач «Ўзбек поэзияси антологияси» орқали кенг ўқувчилар оmmasига етказилди. Адабиётшунос Маҳмудали Юнусовнинг Комил ижодига бағишланган номзодлик диссертацияси ҳам шу йили ёқланди, 1958 йили китоб ҳолида нашр этилди. 50-йиллардан бошлаб Комил ҳаёти ва ижоди мактаб ва олий ўқув юртлари дастур, дарслик ва қўлланмаларига киритилди. Жумладан, Ф.Каримовнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун тузган дарсликлариди Комил ҳаёти ва ижодига алоҳида ўрин ажратилди. 1980 йили босилиб чиққан «Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик»нинг 5-томида ҳам «Муҳаммаднийёз Комил» деб аталувчи махсус қисм бўлиб, у А. Ҳайитметов қаламига мансуб. Бундан ташқари, олимнинг Комил ҳаёти ва ижодининг турли жиҳатларига бағишланган бир неча мақолалари эълон қилинган.

XIX асрнинг 80-йиллари бошида Хивада литография ишга туширилган чоғданоқ Комил асарлари чоп этила бошладди. Шоир девонлари тўлдирилган, қайта кўрилган ҳолда беш марта, Тошкентда эса 1909 йилга келиб «Девони Мавлоно Комил маа таворихи шоҳони Хоразм» номи билан нашр қилинди. Шуролар даврида бу иш анча кечикиб амалга оширилди, яъни 1961 йили унинг «Танланган асарлар»и, 1975 йили «Девон»и нашрдан чиқди.

Муҳаммаднийёз Комил 1825 йили Хивада туғилди. Отаси Абдулла охунд мадрасада мударрислик қилган. Муҳаммаднийёзга паҳлавон лақаби болалик чоғида эркалатиб эмас, балки навқирон йигит ёшларида жанг майдонларида кўрсатган ажойиб жасоратлари эътирофи сифатида берилган. Комилнинг чиндан ҳам намуна бўларли жасоратлар кўрсатган, ўта тadbиркор сарбозбоши бўлганлиги ҳақидаги Муҳаммад Юсуф Баёний маълумотлари буни тасдиқлайди. «Шажарайи Хоразмшоҳий»да ёзилишича, Хива хонининг душмани бўлмиш ёвмитларнинг за-



Комил Хоразмий

бардаст паҳлавони ва уста мергани Қораболоқ номли саркардага ҳеч ким бас кела олмай турган танг бир вазиятда Комил ўз қудрати, жасорати ва тadbиркорлиги билан уни енгиб, орқага қайтишга мажбур қилади ва Матмурод девонбегининг марҳаматига сазовор бўлади.

Комил дастлаб эски мактабда, сўнгра Хива мадрасаларидан бирида таълим олади. Отаси вафотидан сўнг иқтисодий танглик вазидан ўқишни бирмунча вақтга кечиктириб, савдогар бобоси Хўжаш маҳрам хизматида қойим туради ва кейинроқ унинг моддий ёрдами билан таҳсилни ниҳоясига етказди.

Талабалик давридаёқ шеърлари эл назарига тушади. Натижада уни Хива хони Сайид Муҳаммадхон саройга, мирзалик лавозимига таклиф этади. Муҳаммад Раҳимхони Соний ҳукмфармолиги даврида эса Комил тез орада мирзабошилик лавозимига тайинланади. Русия империяси Хива хонлигини босиб олиш учун уруш бошлаган 1873 йили Комил худди шу мансабда эди. Давлат арбоби сифатида Комилга аввало тасалли берган, кейинчалик эса бошига кўпдан-кўп кулфатлар ёғилишига сабаб бўлган воқеалар ўша даврларда рўй беради. Гап шундаки, чор Русияси Хивага юриш бошлагунга қадар бутун Дашти Қипчоқ (жумладан, Туркистон, Авлиёота, Чимкент)ни, Тошкент, Хўжанд, Ўратепа, Жиззахни ва ниҳоят Самарқандни ғоят шафқатсизлик билан қонга ботириб, босиб олган, минглаб бегуноҳ кишиларнинг ёстиғини қуритган эди. Хива хонлигидаги сарой аъёнлари босқинчи рус армиясининг қурол-яроғи ҳам, профессионал тайёргарлик даражаси ҳам ўзлариникидан анча юқори эканини, унга тенг келишнинг амалда иложи йўқлигини яхши билишарди. Душман қўшинига қарши очикчасига урушишнинг фажеъ интиҳоси маълум эди.

Хива хонлиги саройидаги амалдорлар юрт устига ёпирилиб келаётган босқинчиларга муносабат масаласида бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки гуруҳга бўлиниб қолади. Девонбеги Матмурод бошлиқ биринчи гуруҳ кучлар нисбатини ҳисобга олмай, эл-юртни қонга ботириши муқаррар бўлган жиҳод тарафдори эдилар. Мирзабоши Комил, хоннинг маслаҳатчиси Саид Амирқул Умар (илгариги хон Саид Муҳаммад Раҳимхоннинг амакиси) ва унинг ҳамфикрлари эса юрт имкониятларини тўла ҳисобга олган ҳолда иш кўриш, босқинчи томон билан мурсою мадора йўлини тутиш, шу тариқа ҳуқуқлари чекланган ҳолда бўлса ҳам хонликни сақлаб қолиш фикрида эдилар. Кейинги воқеалар Комил ва унинг ҳамфикрлари ҳақ эканлигини кўрсатди. Туркистон генерал губернатори фон Кауфман бошчилигидаги рус қўшини охиригача жанг қилмоқчи бўлган хонлик қўшинларини улар умрида кўрмаган ба-

ҳайбат тўплардан ўққа тутиб, қириб ташлади, қанчадан-қанча инсон қони беҳуда тўкилди.

Шароит оғир эди. Ўша йили баҳорда руслар Хивани эгаллаган, хон пойтахтни ташлаб чиқишга мажбур бўлган эди. Эркинликни бутунлай беришдан кўра ярим-ёрти сақлаб туриш маъқул топилди. Натижада, 1873 йилнинг 12 августида Хива яқинидаги Гандимиён қишлоғида Русия билан Хива хонлиги ўртасида шартнома тузилди. Бу шартнома тарихга «Гандимиён шартномаси» номи билан кирди. Унга кўра, Хива хонлиги ўша санадан эътиборан вассал бўлиб қолар ва хонлик ҳудудида русияликларга қатор имтиёзлар берилар эди. Шу йўл билан Хиванинг тўпга тутилиб, вайрон этилиши, бўлажак ҳарбий-маъмурий тартиблар олди олинди. Озроқ муддатга бўлса-да, маҳаллий идора сақланди. Шунинг асосий ташкилотчиси Муҳаммаднийёз (Комил Хоразмий) эди.

Комил фаолиятининг бу жиҳати ўз юртидаги ва хориждаги сиёсатдонлар эътиборини тортди ва улар томонидан аксар ҳолларда юксак баҳоланди. Чунончи, Хива хонлигидаги 1873 йил воқеалари ҳақида инглиз тилида махсус китоб чоп эттирган Мак-Гахан Комилнинг сулҳпарвар ва тадбиркор киши эканини таъкидласа, Хива хонлигига қарши жангларда бевосита иштирок этган Ф.Лобосевич унинг тўғрисида бундай ёзган эди: «Матнийёз хонликнинг оғир, кулфатли пайтларида, Хива аҳолиси ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган бир вақтда бутун куч-қувватини сарфлаб, бекорчи ғазаб ва жаҳлни босишга, англашилмовчиликлар сабабини аниқлашга ва юзага келган ихтилоф яхши натижалар билан тугашига ҳаракат қилди. Матнийёзнинг бу вақтда ўз Ватанига кўрсатган хизмати беқиёс катта бўлди».

Шуниси ҳам борки, 1873 йил қирғинбаротини ўз кўзлари билан кўрган баъзи маҳаллий муаррихлар анча кейин битилган асарларида Комилнинг бу даврдаги фаолиятига бирмунча салбий муносабатда бўлганлар. Бу ҳол Баёний ва Лаффасий асарларида кўпроқ сезилади. Аммо ўша даврдаги ўта оғир аҳвол чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, Комил тутган йўл эл-юрт манфаатига мувофиқ келганлиги маълум бўлади. Чиндан ҳам Хива хонлиги вассал сифатида бўлса-да сақланиб қолганлиги, юртга Муҳаммад Раҳимхони Сонийдек тиниқ фикрли, мударбир, маърифат ҳомийси етакчилик қилгани туфайли воҳада илм-фан, маърифат, адабиёт ва санъат, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, асрлар бўйи сақланиб қоладиган ноёб қурилишларни амалга ошириш учун муайян имкониятлар вужудга келди. Авваллари хонликда умуман бўлмаган янгича мактаблар, шифохоналар, суратхона, босмахона сингари маънавият ўчоқлари пайдо бўлди. Ана шу-

ларнинг ҳаммасида ўттиз йилдан ортиқ давр мобайнида хон саройининг нуфузли кишиларидан бўлмиш Комилнинг ҳам ўзига яраша улуши бор, албатта.

1873 йил воқеаларидан сўнг сургунга жўнатилган Матмурод девонбеги ўрнига тайинланган Комил хонликнинг Русия империяси билан муносабатларини сошлаш, пойтахт корчалонларининг бебошлиklarини жиловлаш соҳасида муҳим ишларни амалга оширди. Бироқ орадан етти йил чамаси вақт ўтиб, Муҳаммад Раҳимхон ўз собиқ девонбегиси Матмуродни Калуга сургунидан озод қилдириб, яна аввалги мансабига қўйгач, Комил мирзабошилик лавозимига туширилади. Бу ҳол унга қаттиқ таъсир қилади. Матмурод бошлиқ эски мухалифларигина эмас, мустамлака маъмурияти ҳам унга нисбатан ёмон муносабатда бўлди. Ҳатто Комилнинг Хива хонлиги ва Русия империяси муносабатларини сошлаш йўлидаги фидойилиги ҳам қадрланмади. У камситилди, таҳқирланди. Комилга мустамлака амалдорларининг бундай муносабати рус қўшинлари Хивани босиб олган дастлабки кунларданоқ бошланган эди.

Хива хонлигидаги 1873 йил воқеаларидан ўн саккиз йил кейин Комил Тошкентга келганида у билан учрашиб, уйда меҳмон қилган Н.Остроумов кундаликларида шундай қайдни ўқиймиз: «Сухбат Хива хусусида борди, — дея қайд қилади кундалик соҳиби, — собиқ бош инспектор Кунни эсладик. Кунни мирзабоши ўз буйруқларига салгина қаршилиқ кўрсатгудек бўлса, Хиванинг қозикалони кетидан Сибирга жўнатаман, деб қутқу солувчи амалдор сифатида таърифлади». Баъзи манбаларда гўё Комил билан ижодий ҳамкорлик қилган қадрдон киши сифатида кўрсатилган А.Кун унга шундай кўнгилсиз муносабатда бўлгач, генерал губернаторликдаги бошқа амалдорларнинг муносабати ўз-ўзидан аён. Чиндан ҳам умрининг охирларида қаттиқ кўз касалига йўлиқиб, дардига даво истаб келган Комилга мустамлака маъмурлари қанчалар лоқайд муносабатда бўлганликлари, йиғлай-йиғлай ўз юртига қайтиб бориб, тез орада ҳаёт билан видолашганлиги ўша давр тарихий манбаларида қайд этилган. Комил 72 ёшида, 1897 йили вафот этади. Бу хусусда замондоши муаррих Лаффасий ўз тазкирасида қуйидагича ёзади:

«Комил паришонҳол бўлганидин гаму ҳасратлар тортиб, натижада икки кўзига қора сув келиб, ожиз бўлиб қоладур. Комил паришон аҳвол, кўзидан айрилиб бетоблиғ бистариға бош қўюб, Хива табиблариға бир неча муолажа қилдирса-да, ҳеч фойда бермай, балки аввалгидан ямонлашди. Шул сабабли, Комил хондин рухсат олиб, Тошкандға бориб кўзини дўхтурларға муолажа қилдирадур. Аммо кўзнинг оғриғи кундан-кун шиддатлиғ бўлган ҳоли-

да, ҳеч бир натижа ҳосил қилмай, Комил Хивага қайтиб келадур. Доғи кўзининг дарди аввалгидан шиддатлиғ бўлгонин баён қилиб, хонга арза берадур. Хон доғи анга тасаллийи хотир бўлғудек ҳеч бир марҳамат-илтифотлар қилмайду. Аммо мирзабошилиғ мансабин ўгли Муҳаммад Расулбойға марҳамат қиладур. Комил жуда ҳам дард чекиб, шикаста хотирликда асҳоли ҳасталикға дучор бўлуб, уч кун муддат ёстукқа бош кўюб, 1315 йил, ит йилида 72 ёшида юз минг надоматлар билан охиратға сафар қиладур». Синхрон жадвалга кўра 1315 ҳижрий йили милодий 1897 йил 2 июнидан 1898 йил 21 майгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Мучал ҳисобича ит йили 1897 йил 21 мартдан бошланган. Лаффасий Комил вафот этганида 72 ёшда бўлганини айтишига қараганда, у 1897 йили дунёдан ўтган.

Комил хаттотлик билан ҳам мунтазам шуғулланди. Қўлэзма-ларни кўчириш, китоб тайёрлаш ишларида фаол қатнашди. Устоз Муҳаммад Паноҳ, Худойберган Муҳркон девон, Муҳаммад Шариф арро девон, Матёқуб Харрот девон каби шогирдлар етказди. Унинг ўгли Муҳаммад Расул ҳам яхшигина хаттот эди. «Мирзо» тахаллуси билан шеърлар ёзган, девон тузган шоир эди.

Маълумотларга қараганда, Комил Хоразмий уч марта Москва, Петербург шаҳарларида бўлган. Биринчиси 1873 йилга тўғри келади. Иккинчи маротаба 1883 йили Муҳаммад Раҳимхон Со-ний — Феруз бошчилигидаги 17 кишилик ҳайъат таркибида, учинчи марта эса 1891 йили Асфандиёрхонга ҳамроҳ бўлиб борган. Дастлаб 1891 йилда, сўнграқ 1896—1897 йилда Тошкентга саёҳат қилган. Шунингдек, унинг шеърларида Афғонистон са-фари, жумладан, Бухоро орқали Мозори Шарифга, ундан Фазнага боргани ҳақида маълумотлар учрайди.

Поэтик мероси Комил замонасидаёқ шоир сифатида катта эъти-бор ва эътирофга сазовор бўлди. Масалан, та-ниқли шоир Рожий уни ўзига устоз билади, номини Огаҳий би-лан ёнма-ён кўяди:

Сўз камолидин Рожий огоҳ эрса тонг йўқким,
Бор аниси дамсози Огаҳий била Комил.

Шунга яқин сатрларни XX аср шоирларидан Партавда ҳам учратиш мумкин. У 30 ёшларида Огаҳийдек шоирнинг эътибори-га тушди ва номи «Гулшани давлат» асарига киритилди. «Наврас фикр ва тоза табъ шуародин фазл ва хунар аҳли аросинда мумтоз Паҳлавонниёзким, фозиллар гуруҳи ичра тахаллуси Комилдур», — деб таништиради ўқувчига уни Огаҳий. 1880—1881 йилларда эса Шайх Сулаймон Бухорий «Луғати чигатойи ва турки усмоний»

(«Чигатойча ва усмоний туркча лугат») да айрим сўзларга изоҳ бериш учун Комил шеърларидан ҳам фойдаланади.

Комил Хоразмий ўз шеърларини тўплаб, девон қилган. XIX асрнинг охири XX аср бошида тузилган бир қатор баёз (тўплам, антология)ларда ҳам шеърлари учрайди. Девони шоир ҳаётлигидаёқ нашр қилинган. Биринчи нашри 1880–1881 йилларга тўғри келади. Хивада тошбосмада (литография) босилган эди. Иккинчи маротаба яна Хивада 1895 йили босилди. Бу нашр олдингига нисбатан тўлиқроқ. Китоб учинчи маротаба 1909 йилда Тошкентда нашр этилган. Айрим шеърлари «Туркистон вилоятининг газети»да босилган. Учала нашр ҳам Комил шеърларини тўла қамраб олмайди.

Маърифатпарварлик лирикаси

Хива хонлиги ҳаётида Русия босқини муносабати билан рўй берган воқеалар бадиий ижодда, жумладан, Комил ижодида ҳам ўз ифодасини топди. Русия Қўқон хонлиги ҳудудларини босиб олиб, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ўз вассалига айлантирганидан бошлаб ўлка ижтимоий-маданий ҳаётида баъзи янгиликлар ҳам рўй берган эди. Шулардан бири бутун Марказий Осиёда Комил, Сатторхон, Фурқат, Сайидрасул Азизий, Рожий Марғилоний каби илғор зиёлилар томонидан асос солинган янгича маърифатпарварлик йўналиши ва адабиёти эди.

Бу зиёлилар рус илм-фани, тили ва маданиятини эгаллаш, шу орқали, биринчидан, ўзликни англашга ва тиклашга уриниш, иккинчидан, замона талабларига жавоб берадиган миллат авлодини етказиш йўлини тутдилар. Бу соҳада буюк омил мактаб, матбуот, адабиёт эди. Матбуот йўқ эди. Мактаб ва адабиёт эса тамом эскирган эди. Мана шундай нозик шароит ва буюк орзу Комил ва унинг бир қатор маслакдошларини машҳур миссионер Н. Остроумовнинг чор ҳукумати сиёсатини ўрнига қўйиб келаётган ўзбекча «Туркистон вилоятининг газети» билан ҳамкорлик қилишга мажбур этди.

Шу тариқа Комилнинг янгича маърифатпарварлик йўналишидаги бир неча асарлари яратилди ва 1891 йилдан бошлаб мазкур газетада эълон қилинди. Шоирнинг «Ики шўх» радибли газали ушбу йўналишдаги асарларидан бўлиб, у мавзу, гоё, новаторона руҳ ва маҳорат жиҳатидан ҳам ижодкорнинг бунгача яратган асарларидан кескин фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида «Ики шўх» радибли шеърнинг дастхат нусхаси, унинг газета саҳифасига киритиш учун тайёрланган корректураси, корректура устига муҳаррир томонидан битилган қайдлар ҳамда шеър қаерда, қандай муносабат билан дунёга келгани хусусидаги Н.П.Остроу-

мов кундалигидаги ёзувлар ҳам сақланиб қолган. Маълум бўлишича, Комил 1891 йилнинг 28 августидан 13 сентябригача валиаҳд шаҳзода Асфандиёрга ҳамроҳ сифатида Тошкентда бўлган вақтида 9 сентябрь куни шаҳарнинг эски шаҳар қисми бошлиғи, кейинчалик 1892 йилги вабо қўзғолонининг асосий айбдорларидан саналиб, ҳибсга олинган ва Қўқон турмасида ҳалок бўлган Инъомхўжа Умриёхўжа ўғли¹нинг Эгарчи маҳалладаги ҳовлисида меҳмон бўлиб, йирик маърифатпарварлардан Муҳиддинхўжа ҳамда Шарифхўжа билан даврнинг долзарб масалалари хусусида суҳбатлашган. Ундан сал илгарироқ, яъни 5 сентябрда Комилни Н.П.Остроумов ўз уйига меҳмонга таклиф қилган. Бу ерда Сатторхон Абдуғаффор ўғли билан ҳам суҳбатда бўлган. Остроумов Комилни Тошкент эрлар гимназиясига ҳам олиб бориб, у ердаги дарсхоналар, ўқув қуруллари, бой кутубхона ва бошқалар билан, типо-литографияда эса пойтахт матбаачилиги усуллари билан батафсил таништирган.

«Ики шўх» радибли ғазали шоирнинг Остроумов хонадонига меҳмондорчиликдан олган таассуротлари асосида дунёга келган. Зотан Остроумовнинг ўзи шеърнинг газетада чоп этиш учун тайёрланган корректураси ҳошиясида «Хива хонининг мирзабошиси Паҳлавон Мирзабошининг 5 сентябрда менинг уйимда ўтказган кечасидан хотира тарзида ёзган шеъри» деган қайдни қолдирган.

Газета муҳаррири ўз уйида Комилнинг меҳмон бўлгани хусусида кундаликка анча қайдлар битган. Бу қайдлар «Ики шўх» радибли ғазал қайси куй ва хонишлар билан, қайси мусиқа асобида, ким томонидан ижро этилганлиги, улардан шоир қанчалар таъсирланганлиги хусусида маълумот бериши жиҳатидан, айниқса, қимматли: «Чойдан кейин биз меҳмонхонага ўтдик, — деб ёзади Н.Остроумов, — Паҳлавон Мирзабоши диванда ўтириб, катта қизимнинг рояль чалишини тинглади. У хивача ҳамда форсча куйларни, «Қиз муножоти» ва бошқа баъзи пьесаларни чалиб берди. Қария мусиқани ва рус халқининг баъзи қўшиқларини диққат билан тинглади».

Европа ва шарқ мусиқа меросидан баъзи намуналарни, рус халқ қўшиқларини фортепьяно жўрлигида тинглаш, чамаси, Остроумовнинг икки қизи ижро этган бал рақсларини томоша қилиш натижасида яратилган «Ики шўх» радибли ғазалнинг шоир асарлари нашрига кирмаган муаллиф дастхати асосидаги матни куйидагича:

¹ «Ўзбекистоннинг янги тарихи» (1-китоб, «Шарқ», Т., 2000) да, Инъомхўжа Умархўжаев (350-бет) деб берилган.

Солурди ғамза хадангин камона ул ики шўх,
Мани ул ўқға қилурлар нишона ул ики шўх.

Ҳам ики гул киби бир шохдин очилмишлар,
Қилур навосини ҳам булбулона ул ики шўх.

Эшитса бандаси бўлғуси Зухроу яна Баҳром,
Рубобу чанг ила тузса тарона ул ики шўх.

Боқиб жамолиға юз тил била фиғон айлар,
Етурса илкини фартапиёна ул ики шўх.

Қилурда нола арақдин ики юз бўлуб гулфом,
Кўзумдин айлади қон ёш равона ул ики шўх.

Қучоқлашиб бўладур бир-бирига жуфт андоқ,
Ки тоқупўсти Ирамға дугона ул ики шўх.

Агарчи ҳуснда маъшуқи аҳли оламдур,
Валек нола қилур ошиқона ул ики шўх.

Парилар эрдимукин, учтилар кўзумдин ё,
Фаришта эрдиму чархи ошёна ул ики шўх.

Бириси Комил бедилгадур баса матлуб,
Агарчи хўблар ичра ягона ул ики шўх.

Н.Остроумов шахсий фондидаги нусха билан Комилнинг қўлёзма ва тошбосма девонларидаги матнларни қиёслаш шуни кўрсатадики, муаллиф ғазалнинг дастхат нусхасини «Туркистон вилоятининг газети» муҳарририда қолдириб, Хивага боргандан сўнг асар матни устида қайта-қайта ишлаган, деярли ҳар бир байтга ўзгартиришлар киритган. Айни вақтда, Комилнинг янгича маърифатпарварлик қарашлари алоҳида маҳорат билан намойиш этилган қуйидаги икки муҳим байтни ундан тушириб қолдирган:

Боқиб жамолиға юз тил била фиғон айлар,
Етурса илкини фартапиёна ул ики шўх...

Қучоқлашиб бўладур бир-бирига жуфт андоқ,
Ки тоқупўсти Ирамға дугона ул ики шўх.

Бу икки байтнинг алоҳида аҳамияти шундаки, Комил бадий санъатлардан зўр маҳорат билан фойдаланиб, маҳбубанинг нозик бармоқлари сеҳри билан дардли куйлар таратаётган фортепьянони маъшуқа жамолиға боқиб фиғон чекаётган бағри қон ошиқ шамойилида гавдалантиради. Мислсиз новаторона манзара ва ҳолат

яратди. Иккинчи байтдаги бир-бирининг бағрига жо бўлиб, ҳароратли рақс ижро этаётган икки гўзални Эрам боғининг чирмашиқ гулларига ўхшатиб, ўта кўркам ва ўзига хос ташбиҳ қўллайди. Юқоридаги икки байтда фортепьяно иборасининг ишлатилиши, Европа турмуш тарзига хос рақснинг бунчалар маҳорат билан тасвирланиши Комил шеърляти учунгина эмас, балки бутун кўп асрлик шарқ шеърляти учун янгилик эди. Байтларнинг кейинчалик Комил девонларига киритилмай қолишига келсак, шеърда ифода-ланган фортепьяно ва европача рақс тушунчаси ҳали у вақтларда Хива хонлигида умуман бўлмаганлиги сабабли улар ўқувчи тасаввурига сингмай қолиши назарда тутилган бўлса керак.

Анъана ва
маҳорат

Шарқда девон тузиш маълум анъанага эга эди. Жумладан, шеърлар дастлаб жанрлар бўйича (ғазал, рубоий, туюқ каби), сўнг эса уларнинг

ҳар бири ички алифбо тартиби (қайси ҳарф билан тугашига қараб) билан жойлаштирилган. Шеърларнинг, чунончи ғазалларнинг гоя ва йўналиши, мавзу-мазмунни ҳам белгилаб қўйилган эди. Ғазал аксарият ишқ ҳақида ёзилди. Ишқ эса икки мазмунни: «ишқи илоҳий», «ишқи мажозий»ни англатади. Биринчиси Оллоҳ ишқи, Худони севиш, иккинчиси ердаги гўзалга ошиқлик эди. Ҳар иккисининг ифода воситалари, образ тимсолларида ўхшашлик бор. Қолаверса, тасаввуф таълимоти бўйича, борлиқ, инсон ёки гўзал ёр ҳам Ҳақ жамолининг жилваси. Демак, унга муҳаббат Оллоҳга бўлган ишқ даражасига етиши керак.

Шоирлар ўз салоҳиятларини кўпроқ мана шу доирада намоён этиш эдилар. Комил ғазалларида ҳам бу мавзу кенг ўрин эгаллайди.

«Айн»у «шин»у «қоф»инга то бўлди кўнглум мубтало
«Дол»у «ро»у «дол»у ҳажрингдин даме эрман жудо,—

деб бошланади шоирнинг бир ғазали. Яъни «айн», «шин», «қоф»— «ишқ»инга кўнглум мубтало бўлганидан буён «дол», «ро», «дол»— «дард»у ҳижронингдин бир нафас (даме) ҳам холи эмасмен, демоқда шоир. Шеър бошдан охиригача шу тарзда ҳарфлар ўйини билан давом этади. Бундай усулни шарқ шеър илмида китобат санъати деганлар.

Мана, яна бир байт:

Юзунг мусҳафи шарҳи ўлғай неча —
Китобу китобу китобу китоб.

Мусҳаф Қуръондир. Шоир ёр юзини муқаддас Қуръон саҳифасига ташбиҳ этипти. У шарҳ этилгудек бўлса, неча-неча китоб бўлади, демоқчи. Мазмунда илоҳий ишқ жилва қиляпти. Муайян

сўзнинг муайян ўриндаги такрори ҳам санъат. Бундай усулни мукаррар санъати дейдилар. У керакли фикрни кучайтиришга хизмат қилади.

Шоир ёр таърифида анъана изидан бориб, чиройли ташбиҳлар, манзаралар яратди:

Жонбахш лаълинг устида ул холи ҳиндулармудур,
Ё чашмаи ҳайвон уза зоғи сияҳмўлармудур.

Лаъл — қизил қимматбаҳо тош, ёқут. Уни шоирлар ёрнинг лабига қиёс қилганлар. Бу лаъл ошиққа жон бағишлайди. Шунинг учун у жонбахш. Қора холни «холи ҳинду» деганлар. Шоир ёрнинг лаби устидаги қора холини таъриф этмоқда. Ҳинду қўриқчи маъносида ҳам келади. Лаълни (қимматбаҳо нарсани) қўриқлаш учун қўйилган посбон маъноси ҳам бор.

«Чашмаи ҳайвон» — ҳаёт суви. Бир ичган киши асло ўлмайдиган обиҳаёт. Зоғи сияҳмў — қора қарға. Лаб ва унинг устидаги хол обиҳаёт ва унинг бўйидаги қора қарғага ташбиҳ этиляпти.

Шоир ёр сиймоси—тимсолини беряпти. Жумладан, лаб ва холини таъриф этипти. Таъриф бошдан охиригача ташбиҳ (ўхшатиш) асосига қурилган, «мудур» қўшимчаси эса унга сўроқ маъносини беради, «ё» айирув боғловчиси сўроққа янги маъно юклайди. Шоир гўё галга салади: ундаймикин, бундаймикин, — деяётгандек бўлади. Яъни: жон бағишловчи лабинг устидаги қора холмидир ёки обиҳаёт бўйидаги қора қарғами? Бундай усулни тажоҳули ориф (билиб билмасликка олиш) дейдилар. Шоир икки фикрни ўртага қўйиб, биттасини аниқлаштирмоқчидек туюлади. Лекин аслида иккала фикрни ҳам тасдиқлатиб олади. Тажоҳули ориф шеърятда кенг тарқалган поэтик санъатлардан.

«Аҳбоб» («Дўстлар») радифли ғазалида умрнинг ғаниматлиги, дўсту ёрнинг қадрига етмоқ кераклиги ҳақида гап кетади. Шеър шундай бошланади:

Тутунлар бир-бировнинг суҳбатини муғтанам, аҳбоб,
Ки барча бўлғумиз навбат билан бир-бир адам, аҳбоб.

Шеърни ўқир эканмиз, буюк Навоийнинг:

Ки бир кун бўлурмиз адам, эй рафиқ,
Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ, —

деган сатрлари ёдга тушади. Шеърни ўқий бошлаймиз. Хўш, нима қилмоқ керак, деган хаёл бизни безовта қила бошлайди.

Комил «Офтоб» радифли шеърида бу фикрни давом эттириб, тўғридан-тўғри шоҳга мурожаат қилади:

Эй шоҳ, гарра бўлма жаҳон тахту жоҳига,
Гар бўлса афсаринг қамару гавҳар—офтоб.

(Эй шоҳ, бошдаги тожинг ойу, унинг гавҳари — офтоб бўлганида ҳам бу дунёда тахту бойлигингга бино қўйма, мағрурланма.) Хўш, нима қилмоқ керак? Йўл битта. Ҳар бир нарсадан иборат олмоқ зарур. Умрни қадрламоқ, яхшилиқ йўлида сарф этмоқ керак. Дўстликнинг қадрига етмоқ лозим.

Қани буни эшитадиган одам? Қани ажодлар тарихидан хулоса чиқарадиган авлодлар?

Ҳубби дунё баски, Комил, кар қилибдур халқни,
Ҳеч ким олмас қулоқға дурри шаҳвори ҳадис.

(Эй Комил, мол-дунё ҳирси халқни шу қадар кар қилибдурки, ҳеч киши ҳадис аталган шаҳвор дурни қулоғига олмайди.) Кўриняптики, Комил тасаввуф билан бир қаторда ахлоқ, панд-насиҳат масалаларига ҳам алоҳида диққат қилади.

Комил лирикасида муҳаббат мавзуи айрича ўрин тутади. Комил бу мавзуда ғазал, мураббаъ, мухаммас, мустазод, маснавий, мусаббаъ ва бошқа шаклларда кўплаб асарлар яратган. Шоирнинг «Туркистон вилоятининг газети»да 1891 йил 6 сентябрда эълон қилинган дастлабки уч шеърини шу мавзудаги асарлардан иборат экани характерлидир. Шарқ мумтоз шеърятининг энг яхши анъаналари руҳида камол топган бу улкан қалам соҳибининг муҳаббат лирикасида, бир томондан Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳий каби азамат шоирлар яратган шеърини тимсоллардан маҳорат билан фойдаланилса, иккинчи томондан, уларда Комил қаламигагина хос бўлган ноёб тимсолларни, хилма-хил бадиий кашфиётларни кўрамай.

Шеърини асар соҳибининг маҳорати, одатда, ўзидан олдинги йирик санъаткорлар кашф этган тимсолларнинг улар нигоҳидан пинҳон қолган янги жиҳатларини очишдан иборат бўлса, баҳога чўққисига кўтарилган чоғларида улар ўша олдинги йирик санъаткорлардан мерос қолган тимсолларни инкор этиш, уларга акс тарафдан ёндошиш орқали ҳам ўқувчи қалбини ром этадилар. Навоийнинг «Бўлмангиз» радибли машҳур ғазалига таҳмис боғлаган Комил ҳар бандда улуг шоир ғазалига шундай мисраларни заргарона пайванд қиладики, натижада улар битта қалам соҳиби ижодининг маҳсулидек янграйди. Бу ҳол таҳмис боғлаган шоирнинг улкан маҳоратидан, ўз салафи эгаллаган юксак чўққига кўтарила олганидан далолатдир. Мана ўша бандлар:

Олам аҳлидин вафо осорини қилманг гумон,
Нақд умрим сарф этиб қилдим аларни имтиҳон,

Узлат истаб аҳли оламдин қочинг борича жон,
Ошнолиғ айлабон ўз жонингизга ҳар замон,
Боиси юз минг балоу меҳнату ғам бўлмангиз.

Гарчи Комил бўлди фурқатдин алил, эй, аҳли васл,
Ҳажр ўтига тушти андоғким Халил, эй, аҳли васл,
Лек топти ёр васлига далил, эй, аҳли васл,
Гар Навоий ҳажр аро бўлди залил, эй, аҳли васл,
Энди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз.

Комилнинг:

Оҳким ҳар кимга молу жоними қилдим фидо,
Қилдилар яхшилиғимга минг ямонлиғ борҳо, —

матлаъи билан бошланадиган бир ғазали буюк Навоийнинг:

Кимга жонимни фидо қилдимки, жоним қасдига
Ҳар тарафдин юз туман тийғи жафосин кўрмадим, —

байтидаги инсон қалби қаърига яширинган аламли туйғуларни чексиз изтироб билан ифодалашда буюк устозга муносиб шоғирд эканлигини кўрсатади.

Фузулийга татаббу тарзида битилган бир ғазалида Комил:

Сунбул эрурму сарвга чирмашиб ўсган боғ аро,
Ёхуд чирмашган қадингга шабранг гисулармудур?

Ҳайрони дийдоринг бўлуб турмиш қошингда хўблар,
Йўқ эрса қўйгон ўтру машшота кўзгулармудур? —

мисраларини битаркан, маҳбуба қаддини қуршаб турган ўрим сочларни боғда сарвга чирмашиб ўсган сунбулга, ёр ҳуснига ҳайрон бўлиб турган гўзалларни унинг ҳуснини янада жилолантириш учун жам бўлган машшоталарга ўхшатади ва Фузулийга муносиб ўзига хос ноёб ташбиҳлар яратади.

Комилнинг бетақрор санъаткорлик маҳорати унинг куйлар басталаниб, юз йилдан ортиқ муддат ичида энг машҳур хонандалар томонидан хониш этилиб келинаётган ғазал ва мухаммасларида яна ҳам яққол намоён бўлади. «Кўқон ушшоқи»га солиниб, тингловчилар орасида, айниқса, кенг шуҳрат қозонган:

Юзунг фироқидин, эй рашки меҳри рахшоним,
Қоронғудир кеча-кундуз бу байтул аҳзоним, —

матлаъли ғазали ҳам гўзал шеърий кашфиётлар яратилганлиги билан ажралиб туради.

Бўлур кўзимга гул — ўт, сарв — ўқ чаман ичра,
Нединким қадду юзингдур мени гулистоним.

Юзунг қуёшидин айру гар ўлса юз хуршид,
Мунаввар ўлмоқи мумкин эмас шабистоним, —

байтларининг биринчисида мумтоз шеъриятдаги анъанавий тим-соллар: яъни маҳбуба рухсорининг гулга, қаддининг шамшодга ташбиҳ этилганлиги Комилни асло қаноатлангирмайди. Ошиқ — муаллифнинг идрокича, чаманда гулу сарв бўлсаю маҳбуба бўлмаса, бу чаман чаман эмас: у гулни ўт-ўлан, сарв оғочини эса ўқ сифатида қабул этади, чунки маҳбубанинг рухсорю қадди бўлсагина чаман чаман бўла олади. Иккинчи байт ҳам мумтоз шеъриятдаги кўркем тимсоллардан бирини, яъни маҳбуба чехрасининг оламни мунаввар этувчи қуёшга ташбиҳ этилишини кескин рад қилиши билан эътиборга лойиқ. Шоир фикрича, қоронғу кечани ёритишга қодир ягона қуёш — ёр юзининг қуёши бўлмаса, оламни нурга тўлдирувчи юзта қуёш баравар осмонга чиқса ҳам ошиқнинг зулмат кечасини ёритишга қодир эмас. Бу Комил шеърияти учунгина эмас, балки бутун мумтоз шеъриятимиз учун ҳам янги-ча талқиндир.

Хоразмлик буюк хонанда Комилжон Отаниёзовдан бошлаб юзларча ҳофизларнинг энг сеvimли хонишларидан бири Комил қаламига мансуб «Кимни севар ёрисан» номли шўхшанг қўшиқдир. Ундаги:

Қайси фалак буржини меҳри пур анворисан,
Қайси садаф дуржини гавҳари шахворисан,
Қайси Хўтан оҳуси, нофаи тоторисан,
Қайси чаманзорни лолаву гулнорисан,
Сўйла манға, эй санам, кимни севар ёрисан?

Қоматинга бандадур боғ аро сарви равон,
Лаъл лабинг рашкидин гунча эрур бағри қон,
Чунки чаман саҳнида бўлса юзунг гулфишон,
Ноласин айлар фузун булбули бехонумон,
Сўйла манға, эй санам, кимни севар ёрисан?

Айшу нашот истабон ғамга дучор ўлмағон,
Меҳринга дил бастаю зору низор ўлмағон,
Лаъли лабинг шаҳдиға борму хумор ўлмағон,
Даҳр аро йўқтур санға ошиқи зор ўлмағон,
Сўйла манға, эй санам, кимни севар ёрисан? —

бандларида, бир томондан, мумтоз шеърият анъаналарини рад этиш орқали янги тимсоллар яратилса, иккинчи томондан, унда: «Даҳр аро йўқтур санға ошиқи зор ўлмағон» сингари ўта эҳтиросли ва оригинал мисралар учрайди.

Хуллас, Комил ўз маҳоратининг юксаклиги жиҳатидан ҳам кўп асрлик мумтоз шеъриятимизда салмоқли ўрин тутди.

Комил девонидан рубоий, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаббаъ, муаммо каби поэтик жанрлар ҳам ўрин олган. Мухаммаслари Навоий, Мунис, Огаҳий, Феруз, Рожий ғазалларига битилган. Шоир аруз вазнининг имкониятларидан кенг фойдаланди. Чунончи, унда бошқа шоирларда учрамайдиган узун вазн-баҳри тавилни ҳам кўрамиз.

Ижтимоий лирика Комил ижтимоий лирикасида жамиятдаги, айниқса, шоир фаолият юритишга мажбур бўлган сарой муҳитидаги илм-хунар аҳлига, соф қалбли инсонларга ноҳақ муносабат, уларни таъқиб ва таҳқир этиш ҳоллари зўр изтироб билан тасвирланади. Зотан, Комилнинг ўзи ҳам эл-юрт тинчлиги, адолат тантанаси учун олиб борган фидокорона ишлари учун хон атрофидаги қора кучлар, баъзи ҳолларда эса хоннинг ўзи томонидан ҳам руҳий азобларга солинган эди. Комил ўзига нисбатан бундай ноҳақ муносабатдан изтиробга тушиб, хонга ҳақиқий аҳволни баён этувчи «Айлама» радифли ғазал билан мурожаат этади. Хон Комилга ғайирлик қилувчи сарой аъёнлари ҳийласига учиб, Комил шеърини Матмурод девонбегининг югурдакларидан бўлмиш Иброҳим Султон исмли шоирга етказди. У ўз навбатида худди Комил шеърининг вазни, қофияси, радифи, ҳатто беш байтдан иборат ҳажмини ҳам сақлаган ҳолда шеърий жавоб ёзади ва жавобни Матмурод Комилга етказди. Бу софдил шоир учун дард устига чипқон бўлади. Зотан Иброҳим Султоннинг жавоб шеърида Комил одобсизлик, ҳасадгўйлик, юртга зарар келтирганлик ва бошқаларда айбланган эди. «Мирзабоши (Комил демоқчи) ул абётни мутолаасидин бир қад учуб, ул абётни хон ҳазратлариға берганидин кўб нодиму пушаймон бўлди», деб ёзади Баёний.

Шундан сўнг Комил саройдаги софдил одамларнинг ҳалол ишларини хонга қинғир кўзгуда кўрсатувчиларни ҳажв қилишнинг бошқача, умумлашма тимсоллар яратиш йўлини танлайди. Шоирнинг «Фузало» ва «Жухало» радифли кескин ғазаллари шу тариқа дунёга келди. Биринчи шеърда Комил:

Ютубон бу замонда қон фузало,
Кулфат ўқиғадур нишон фузало.

Жухалоға қилиб мулозимлиғ,
Топмадилар емакка нон фузало, —

иккинчи шеърда эса:

Нўш этиб ришва майин, етмай улус додиға,
Билмадилар даме ойини адолат жуҳало. —

дер экан, бу унинг аҳли илм, аҳли хунар, покдомон кишиларга кун бермай, уларга тавқи лаънат урмоқчи бўлган саройдаги қора кучларга очикдан-очиқ жавоби эди. У ўзи мансуб бўлган фузало билан Матмурод, Иброҳим Султонлар мансуб бўлган жуҳало ўртасидаги ер билан осмонча тафовутни баралла кўрсатиб берди. Комилнинг ана шу йўналишда Нодирабегимнинг «Эҳти-ёж» радифли газали таъсирида битилган «Тамаъ» ва «Рўза» радифли шеърлари ҳам ижтимоий лириканинг нодир намуналари жумласига киради.

Тошкент таърифи

Комилнинг янгича маърифатпарварлик йўналишидаги энг яхши асарларидан бўлмиш «Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд» муаллифнинг 1891 йил август—сентябрь ойларида мазкур шаҳарга сафари вақтида олган таассуротлари маҳсули. Асар битилган сана хусусида адабиётшуносликда турлича мулоҳазалар билдирилган. Баъзилар Тошкент ҳақидаги бу қасидани Комил 1896—1897 йилларда қоғозга туширганини тахмин қилсалар, айримлар уни ҳатто 1898—1899 йилларда ёзган, деган тўхтамга келганлар. Асарнинг «Туркистон вилоятининг газети»да 1894 йил 8 октябрда чоп этилганлиги юқоридаги ҳар икки фикрни ҳам рад этади. Бундан ташқари, газетанинг ўша сониди асар матни сўнгида берилган муаллиф изоҳи «Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд» қачон ёзилгани масаласини ойдинлаштиради: «Махфий қолмасунким, «чашми сори Тошканд» бир таърихдур. Лекин ҳисоби ҳамалда минг уч юз саксон тўрт бўлур. Аммо таъмия қоидаси бирла етмиш тўрт исқот бўлур. Бу тариқадиким, «байъад» иборати шунга ишоратдур, 1316 бўладур, яна олти йилдин сўнг мувофиқ бўлур. Нединким, муни машқ айлаганда таърихи минг уч юз ўнда эрди». Синхрон жадвалга кўра, 1310 ҳижрий йил милодий ҳисобда 1892 йил 26 июлдан 1893 йил 14 июлгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Демак, Комилнинг бу асари 1892—1893 йиллар оралиғида ёзилган.

Асарнинг ҳажми салмоқли, юз сатрни ташкил этади. Жанрига кўра — қасида. Шеърда анъанавий «насиб» (лирик бошланма)дан сўнг саёҳат хабари маълум қилиниб, тўғридан-тўғри таъриф ва таснифга ўтилади. Шоир икки марта Тошкентга келган эди. Чама-си, ҳар икки сафари ҳам кузга тўғри келган. Шеърда «айёми ха-

зон» манзаралари тасвир этилган. Шунга қарамай, шаҳардаги яшиллик, сўлим, фаровон боғлар, ариқлардаги тиниқ, зилол сувлар хасталаниб қолган кекса шоир қалбида турфа туйғулар қўзғайди.

Шаҳарнинг хазонрез пайти шундай гўзал, хушҳаво бўлса, баҳори қандай экан-а, завқиеб бўлиб ёзади шоир:

Хуш ҳаволуқ мунча бўлса, онда айёми хазон,
Ё раб, эркандур нечук фасли баҳори Тошканд?!

Тошкент ҳақида кейинги беш юз йил давомида Бобурдан бугунги Абдулла Ориповгача кўп айтилган. Устоз Шайхзода махсус дoston битгани маълум. Ҳар бирининг ўз ўрни бор. Биз икки мисол билангина чекланамиз. Буюк Навоийнинг кичик замондоши ва ватандоши Зайниддин Восифий умрининг катта қисми шу ерда кечади. У Тошкент билан илк учрашувини шундай тасвирлаган эди:

«Бир шаҳар кўрдимки, ...атрофида Кайковус биноларидан чорбоғлар бўлиб, ундан Эрам боғининг дилида доғи бордур...» Унингча, Тошкент шундай бир шаҳарки, ўзга юртлардаги подшоҳликдан бундаги гадолик улуғроқ. Негаки, унинг тупроғи тупроқ эмас, тўтиё, суви эса обиҳаётдир. Йўқ-йўқ, обиҳаёт эмас, ундан ҳам мўътабарроқ, обиҳаёт унинг қиёсида хижолатдан зулматга чекинади. Ҳа, унинг ҳавоси ўликка жон бағишловчи Исо нафасидек, йўқ, аксинча, ўша Исонинг ўзи Тошкент ҳавосини орзу қилади...

Адиб шигил мевасини кўтаролмай қомати кекса чолдек букилган серҳосил дарахтларни, дилбарлар ёноғини эсга солувчи қирмизи олмалар, серсув латиф шафтолилар, чиний ноклару жаннат меваларидан ҳам беҳроқ беҳиларни завқ-шавқ билан таъриф этган эди.

Восифийдан тўрт юз, Комилдан 20 йил кейин Тошкентга келган «Вақт» (Оренбург) газетасининг муҳбири Ш. Муҳаммадёров 1916 йили шундай ёзади: «Мен Тошкентдагидай беадад соя-салқин дарахтларни, кўчаларининг ҳар икки ёнида шарқираб оқиб турувчи муздай ариқларни дунёнинг бирор ерида учратиш мумкин эмас, деб ўйлайман. Мен Парижнинг булварларини кўрдим. Тошкентникига ўхшата олмадим».

Комилнинг Тошкент таърифида айтган сўзлари ўзидан олдинги ва кейинги қаламкашларники билан ғоят ҳамоҳанг!

Республика Марказий Давлат архивидаги манбаларга қараганда, Комил 1891 йилги Тошкент сафари вақтида Инъомхўжа ва Остроумов хонадонида бўлган чоғида ўша даврнинг таниқли маърифатпарварлари Сатторхон, Шарифхўжа, Муҳиддин-

хўжа ва бошқалар билан суҳбатда бўлиб, улардан шаҳарнинг жуғрофий бўлиниши, унинг идора қилиниши борасида баъзи маълумотларни ҳам олган эди. Бу маълумотлар «Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд»га киритилган бўлса ҳам, юқорида номлари келтирилган уч маърифатпарвар номи асардан ўрин олмай қолган. Сабаби, Комил Тошкентдан 1891 йил 13 сентябрда жўнаб кетган бўлса, орадан тўққиз ой чамаси вақт ўтиб бу ерда «Вабо қўзғолони» бўлиб ўтган, қўзғолон айбдорлари сифатида Шарифхўжа Астрахан губернясига уч йил муддатга сургунга ҳукм қилинган, Муҳиддинхўжа қозилик лавозимидан бекор қилиниб, таъқиб ва қийноқлар остида қолган, шунингдек, Сатторхон ҳам Тошкентдан чиқиб кетишга мажбур этилган эди. Шу ваддан Тошкент маърифатпарварлик муҳитида ўзига хос из қолдирган Мирзо Абдулло ўғлининг номигина шоирни истироҳат боғига таклиф этиб, унга ўша даврдаги эътиборга лойиқ ўзгаришлардан завқланиш имконини берган кишилар қаторида тилга олинади:

Ёна бир боғики, Масковда нечукким Йўрматож,
Ундади бир неча онда ҳукмдори Тошканд.

Ҳар киши гар қилса истифсор онинг номини,
Мирзо Абдулло эрур хизмат гузори Тошканд.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Тошкент Туркистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий маркази сифатида йил сайин янгиланиб, йириклашиб бормоқда эди. Жумладан, кўчалар кенгайтирилиб, чироқлар билан ёритила бошлаган эди. Комил шеърида мана шу янгиликлар ҳам акс этди:

Равшан этгандек сипеҳр айвонини шамъи нужум,
Шабни рўз айлар чароғони фанори Тошканд...

Сайр этарлар анда юз, минг эркагу қизу жувон,
Барчаси илму хирадда номдори Тошканд.

Юқоридаги парчада алоҳида эътибор берилган илму хирад масаласи шоирнинг «Камол» радифли ғазалида ҳам муаллиф бош мақсадини ташкил этади. Комил унда, жумладан, шундай ёзади:

Эмас кишига бу дуняда мулк- мол камол,
Хусули илм-хунар келди безавол камол.

Шоирнинг таъриф этишича, Тошкент шундай шаҳарки, губори (чанги) «куҳлул жавоҳир» (қимматбаҳо тошдан ишланган сурма) сингари «тийра» (хира) кўзларни равшан қилади:

Тийра кўзларни қилур равшан тамошоси анинг,
Гўйиё куҳлул жавоҳирдур губори Тошканд.

Хуллас, уни ҳеч бир шаҳарга қиёс қилиб бўлмайди:

Лойиқ эрмас они ташбиҳ айламак ҳеч шаҳрга,
Айласа ҳар ерга ташбиҳ ўлгай ори Тошканд.

Шеър фақат таърифдангина иборат эмас. Унда шаҳар аҳли, тўрт даҳадан иборатлиги, боғлар, иморатлар ва уларнинг қурилиши, айрим воқеалар таассуроти ҳам берилган. Шунингдек, Русия ва у орқали Европадан кириб келаётган юриш-туриш ва ахлоққа, маданиятга оид янгиликлар ҳам асарда ўз ифодасини топган.

Қасида ғазал шаклида (а—а, б—а, в—а) қофияланиб, рамали мусаммани маҳфузда (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун —v—/ —v—/ —v—/ —v—) ёзилган.

Комил Хоразмийнинг ушбу шеъри эски анъанавий қасида жанри воситасида Ватан манзараларини васф этиш, янги давр воқеаларини ўқувчиларга етказиш ва бу борада девон адабиёти имкониятларини намойиш этишда маълум аҳамиятга эга.

Комил ва мусиқа Комил Хоразмий мусиқа санъатидан яхши хабардор бўлган. Яхши соз чалган. Марказий Русияга, Тошкентга сафарлари давомида рус ва Европа мусиқасини ҳам кузатган. Бу кузатишлар давомида қадим анъанавий куйларимизни, шу жумладан, Хоразм мусиқасини ёзиб олиш, яъни нотага кўчириш иштиёқи пайдо бўлган. Бунинг учун энг машҳур соз (асбоб)лардан танбурни танлаган. Шу сабабли у халқ орасида «Танбур нотаси» номи билан шуҳрат топди. Афсуски, Комил Хоразмий бу ишни охирига етказа олмади. Биргина «Рост» мақомининг бошланиш қисмини ёзиб улгурди. Унинг бу борадаги ишларини «Мирзо» тахаллуси билан шеърлар ёзган ўғли Муҳаммад Расул давом эттирди. Хоразм «Шашмақом»ининг ҳаммасини нотага кўчирди. Комил яратган «Танбур нотаси» икки катта китобдан иборат бўлиб, ҳозирда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Комил Хоразмий бир қатор куйлар ижод қилиб, бастакор сифатида ҳам шуҳрат топди. «Мураббаи Комил», «Пешрави Комил» каби куйлар унинг ижодига мансуб. Бу куйлар «Рост» мақомига боғлаб яратилган ва нотага кўчирилган.

Комилнинг мусиқий мероси адабиётимиз ва мусиқамиз орасидаги қадимдан келаётган ўзаро боғланишларнинг янги даврда ҳам самарали давом этганини кўрсатади.

Комил—таржимон

Комил Хоразм таржима мактабининг истеъдодли вакилларида эди. У таржимон сифатида ҳам

талай ишлар қилди. XVIII аср форс адабиёти намуналаридан «Маҳбубул-қулуб» («Кўнгулларнинг севгани») ва «Латойифут-тавойиф» («Турли тоифаларнинг латифалари») (XVI аср) асарларини ўзбекчалаштирди.

«Маҳбубул-қулуб» халқ орасида «Маҳфил оро» («Мажлисга зийнат берувчи») номи билан шуҳрат топган бўлиб, ихчам ҳикоя ва латифалар тўпламидан иборат эди. Муаллифи Бархурдор бин Маҳмуд туркман Фароҳий (адабий тахаллуси Мумтоз)дир.

«Латойифут-тавойиф» Фахриддин Али Сафий қаламига мансуб. «Рашаҳот» («Қатралар»), «Маҳмуд ва Аёз» асарларини ҳам у ёзган. Сафийнинг отаси Ҳусайн Воиз Кошифий Навоийнинг замондоши эди. У китобдаги латифаларнинг бир қисмини қайта ишлади, янгилади. Эскирганларини тушириб қолдирди (452 ҳикоядан 345 таси келтирилган). Номини ҳам ўзгартириб, «Латойифуз-заройиф» («Зариф, маънодор латифалар») деб атади. Китобнинг бутун бир боби (IX) шоирлар ҳақида эди. Жумладан, Алишер Навоий ва унинг бошқа замондошлари ҳам қаламга олинган.

Хоразмда таржимачиликнинг кенг йўлга қўйилишида Хива хони Ферузнинг хизмати катта, албатта. Бу таржималарнинг кўпчилиги хоннинг таклиф ва ташвиқоти билан ёзилган.

Комилнинг ҳаёти нотекис кечганидек, таржимачилик фаолиятида ҳам эса қоладиган лавҳалар кўп бўлган. Шундайлардан бири унинг «Ҳасби ҳол» шеърда ифодаланган. Шеърнинг насрий дебочасидан маълум бўлишича, хон Комилга бир форсий асарни таржима қилишга топширади. Бироқ белгиланган муддатда шоир топшириқни бажара олмайди. Хон китобнинг бир қисмини таржима этишни шоир Рожийга буюради. Натижа шу билан тугайдики, таржима Рожий номига ўтади. Хон унга бир хужра ва бошқа инъом-эҳсонлар беради. «Ҳасби ҳол» маснавийси шу муносабат билан ёзилган.


* * *

Комил ўз даврининг йирик давлат арбоби, шоири, адабиётшуноси, мусиқашуноси ва моҳир таржимони бўлиш баробарида XIX асрнинг 80—90-йилларида Хива хонлигида матбаа ишлари ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида 1891 йилги сафари чоғида Комил Хивада махсус типография ташкил этиш мақсадида Тошкентдаги босмаҳона мутахассислари, ҳарф терувчилари билан шартномалар тузганлиги хусусида маълумотлар сақ-

ланиб қолган. Хивада тошбосма ва ҳарф териш йўли билан чоп этилган китоблар орасида унинг беш девони бўлганлиги ҳам манбалардан маълум. Бундан ташқари, Комил Хивада ўша йилларда чоп этилган энг муътабар асарларга, жумладан, Алишер Навоий «Чор девон»ининг мукамал нашрига, «Девони Холис» ва бошқа китобларга пухта сўзбошилар ёзган.

Комил ижоди ва фаолияти, кўриб ўтганимиздек, XIX аср ўзбек адабиёти ва маданиятининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил қилади. У, бир томондан, ўтмишдан келаётган энг яхши анъаналаримизни янги замонга олиб келиб боғлаган бўлса, иккинчи томондан, янги давр масалаларига жавоб беришга ҳаракат қилди. Адабиётимизни янги асарлар билан бойитди. Ўзбек ўқувчиларини форс адабиётининг бир қатор намуналари билан таништирди. Ўзбек мусиқасига Европа нотасини олиб кирди. «Хоразм нотаси»ни яратди.



МУҲАММАД РАҲИМХОН ФЕРУЗ (1844–1910)

Муҳаммад Раҳимхон Соний Феруз – буюк давлат арбоби, атоқли шоир, маданият ва санъат ҳомийси, маърифатпарвар. Ферузнинг Хоразм хони сифатидаги фаолияти Ватанимиз тарихининг энг мураккаб ва зиддиятли даврига тўғри келди. Марказий Осиё Русия истибдоди гирдобига тушган бу даврда у давлатни ниҳоятда тadbиркорлик билан бошқарди. Адабиёт, санъат, илм-фан ва маорифни ривожлантиришга раҳнамолик қилди. Хивада бевосита унинг ташаббуси билан маданий-маърифий, адабий муҳит юзага келди.

Феруз XIX асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиёти равнақига катта ҳисса қўшди: саройда ўнлаб шоирлар унинг ҳомийлигида бадий ижод билан шуғулландилар. Муҳаммад Юсуф Баёний, Муҳаммад Расул Мирзо, Аҳмад Табибий, Аваз Ўтар ўғли, Чокар, Роғиб, Девоний, Ғозий, Шиносий, Оқил, Фуломий, Комёб каби шоирлар шулар жумласидандир. Унинг саройида элликка яқин шоиру ёзувчилар, созанда ва гўяндлар, муаррихлар, таржимонлар, хаттотлар, ноширлар фаолият кўрсатган.

Хоразм тарихига оид бирламчи манбалар – Огаҳийнинг «Шоҳидул-иқбол», Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», Аҳмад Табибийнинг «Мажмуатуш-шуарои Ферузшоҳий», Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоли», Бобожон Тарроҳнинг «Хоразм навозандалари» каби асарларида Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳақида маълумотлар берилган. XIX асрнинг йирик маданият ва давлат арбоби, шоир Комил Хоразмий «Латойифуз-заройиф» асарида Ферузнинг шоирлик қобилиятига юксак баҳо беради.

Хоразм адабиёти тарихида XIX асрнинг иккинчи ярми ўзига хос бир даврдир. Бу даврда Хоразм адабиёти юксак тараққиёт bosқичига кўтарилди. Айниқса, саройда кучли бир адабий гуруҳ майдонга келдики, унда Ферузнинг ҳиссаси беқийёс. Аммо афсус

билан айтиш керакки, Феруз ҳукмдор, хон бўлгани учун 74 йиллик советлар даврида эътибордан четда қолиб келди. Унинг асарларини ўрганиш, нашр этиш ман этилди. Феруз унутилаётган бир пайтда, 1960 йилларда, шўролар мафкураси устувор бўлиб турган бир замонда Абдулла Қаҳҳор биринчи бўлиб шоир ижодини ўрганиш масаласини кўтариб чиқди. Жумладан, «Қизил Ўзбекистон» газетасида Феруз ижодини рад этиш мазмунидаги мақолага кескин қарши чиқиб: «Феруз – машҳур лирик шоир, муסיқашунос, композитор, яхши таржимон. Умархон сингари ўз замонасининг шоирларини ўрдасига йиққан. 1873 йилда босмаҳона сотиб олиб, Хоразмда биринчи китоб бостирган одам», – деган эди.

Аммо ўша 1960 йилларда А. Қаҳҳорнинг куюниб айтган бу сўзлари эътибордан четда қолди. Феруз фаолияти ва ижодини ўрганиш Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин бошланди. 1991 йили Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасул «Феруз: шоҳ ва шоир қисмати» китобини босмадан чиқардилар. 1994 йили шоирнинг 150 йиллиги Ватанимиз миқёсида кенг нишонланди. Феруз ҳақида илмий, бадиий асарлар яратилди. Шоирнинг девони 1994 йили «Элга шоҳу ишққа қул» номи билан нашр қилинди. 1995 йили Гулсара Исмоилова «Феруз даври Хоразм адабий муҳити» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йили филология фанлари доктори Н. Жумаҳўжа «Феруз – маданият ва санъат ҳомийси» асарини яратди. Натижада Ферузнинг ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари ўрта ва олий ўқув юртлири дастур ва дарсликларидан ўрин олди.

Ҳаёт йўли

Шоирнинг тахаллуси Феруз, асл исми Бобожондир. Бобоси Муҳаммад Раҳимхон (1806–1825 йилларда хонлик қилган) шарафига уни Муҳаммад Раҳимхон Соний деб атаганлар. У 1844 йили наврўз айёмида Хивада хон оиласида таваллуд топди. Хива мадрасасида ўқиди, унга мураббий, устоз этиб забардаст шоир, буюк мутафаккир Муҳаммад Ризо Огаҳий тайинланди. Огаҳий унга илми аруз, илми бадеъ, илми қофия сирларидан, тарих, фалсафа, мантиқ илмидан дарс берди. Муҳаммад Раҳим ёшлик йилларида баъзи болалар каби турли-туман ўйинларга эмас, асосан, китобхонликка берилди. Айниқса, таълим-тарбияга оид панднома китобларни севиб мутолаа қилди. Бу ҳақда Огаҳий қуйидагиларни ёзади: «Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон йигитлик айёми ва айшу тараб ҳангомида ҳеч бир лавҳу лубға мойил бўлмай, аксар авқот беш вақт намоз лавозимининг адоси, фаройизу сунан¹ шуглининг интиҳосидин сўнг

¹ Фаройизу сунан – фарз ва суннат ибодатлари.

китобхонлиққа, маънидонлиқ ишига машғул бўлиб, ҳар турлук китобни мутолаа қилур эрди ва ўзга машғулотдин ани аъло ва афзал билур эрди. Байт:

Шабоб айёмида бу улур одат,
Валилик рутбасиндин аломат.

Хусусан, ҳар китоб мазмуниким, мавоиза ва насойихга муштамил бўлса, они бағоят севар эрди ва они ўзга китоблардин илгари тутар эрди»¹.

Муҳаммад Раҳимхон ёшлик йилларида, айниқса, шеъриятга қизиқди, араб, форс тилларини чуқур ўрганди.

1863 йили Ферузнинг отаси Саййид Муҳаммадхон вафот этади, 19 ёшли Муҳаммад Раҳим Хива хонлиги тахтига кўтарилади. Ферузнинг салтанат соҳибни бўлиши тож-тахт учун курашлар, хунрезликлар билан амалга ошмади. Балки сарой аҳлларининг, «шуаро ва фузало хайли»нинг хоҳиш-иродаси билан амалга ошди. Бу ҳолни Муҳаммад Юсуфбек Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида катта мамнуният билан тасвирлайди. Ёш салтанат соҳибини қутлаш, бу воқеага бағишлаб таърих ҳамда қасида битиш Муҳаммад Ризо Огаҳий зиммасига тушди. Чунки ўша даврда саройдаги энг мартабали инсон Огаҳий эди. Унинг 92 байтдан иборат ушбу «Мавъизатнома»си Баёнийнинг мазкур асарида келтирилган. Унда шоир ёш хонга давлатни адолат билан бошқариш ҳақида панд-насихатлар қилади, бунинг учун у тарихда ўтган ҳукмдорлар фаолиятини тахт вориси кўзи ўнгида жонлантиради, уларнинг олиб борган ишларидан тўғри хулоса чиқаришга даъват этади. Огаҳий давлатни адолат билан бошқаришда зарур бўлган фазилатлар билан бирга салтанатни парокандаликка олиб борувчи иллатлар ҳақида ҳам огоҳлантиради. Огаҳий ўз мавъизасида ёш хонни панд-насихатларига изчил амал қилишга даъват этади:

Бу сўзларниким, мен баён айладим,
Неча байт бирла аён айладим.

Буларга қаю шаҳки қилса амал,
Онинг мулкига етмас асло халал.

Ҳукумат биноси бўлур устувор,
Онинг хонадонида тутғай қарор.

¹ Кайковус. Қобуснома. Тўлдирилган иккинчи нашри. Т., Истиқлол, 1994, 11-бет.

Шаҳо, олам ичра бугун шоҳсен,
Бурундин бу сўзларга огоҳсен.

Умидим будурким, амал қилгасен,
Амал айламакда жадал қилгасен¹.

Дарҳақиқат, Огаҳийнинг ушбу «Мавъизатнома»си Феруз учун бир умр дастуруламал вазифасини ўтади.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз адолатли хон, ақл билан сиёсат юргизувчи давлат арбоби эди. У ўта оғир шароитда давлатни бошқарди. 1863—1873 йилларда (Русия босқини хавфи кун сайин ошиб бораётган бир пайтда) мустақил ҳукмдор бўлган бўлса, 1873—1910 йилларда, яъни вафотига қадар — 37 йил Русия империяси мустамлакаси шароитида ҳукмдорлик қилди. Феруз ота-боболари даврида шаклланган Хоразм адабий муҳитини янада кучайтирди. Бу муҳитнинг пешвоси Огаҳий эди. Ундан кейин эса Комил Хоразмий давом эттирди.

Муҳаммад Раҳимхон Хоразмда улкан таржима мактабини вужудга келтирди, Шарқнинг ўнлаб адабий-тарихий, педагогик обидаларини таржима қилишга бош бўлди. Кайковуснинг «Қобуснома», Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» каби пандномаларини Феруз шаҳзодалик вақтида Огаҳийга таржима қилди. Бу ҳақда Огаҳий қуйидагиларни ёзади: «Бу банди фақир Муҳаммад Ризо мироб Огаҳий, бир куни ул жаноб(нинг) (Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон) мажлисиға бориб, дуо шароитин тақдимиға еткурдум ва ул жанобнинг лозимул башорати била мен ҳам ул мажлиснинг бир гўшасида ўлтурдум. Дарҳол менга неча турлук меҳрибонликлар кўргузуб, мазкур «Насиҳатнома»ни илкимга бериб дедики: «Бу нухани туркий тили била таржима қил, токи турк тавойифининг авоми ҳам бу пандлардин баҳра олғай ва бизнинг отимиз, сенинг сўзунг олам инкирозиғача замон авроқида боқий ва ёдгор қолғай»².

1873 йил март ойида генерал Кауфман Хоразм хонлигига қарши юриш бошлади. Муҳаммад Раҳимхон Соний босқинчиларга қарши салтанатни оёққа турғазди. Аммо Русиянинг замонавий қуроллари, тўпларига хонликнинг ибтидоий қуроллари бардош бера олмади. Хон ва унинг атрофидаги узоқни кўрувчи Комил Хоразмий каби сиёсатдонлар хонликни, халқни қирғинбарот урушдан, асрлар давомида яратилган маънавият обидаларини ер билан яксон қилувчи рус тўпларидан сақлаб қолиш учун мустамлакачилар

¹ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Т., Камалак, 1991, 193—194-бетлар.

² Кайковус. Қобуснома. Тўлдирилган иккинчи нашри, Т., Истиқлол, 1994, 12-бет.

билан сулҳ тузишга мажбур бўлдилар. Ушбу сулҳга асосан хонлик Русия империясининг вассалига айланди. Энди Муҳаммад Раҳимхон Соний бутун имкониятларини, вассаллик исканжасида туриб, илм-фан, адабиёт ва санъат равнақи, мамлакат ободончилигига сафарбар этди. У Марказий Осиёда биринчи бўлиб Хивада босмахона (Подшоҳи замон типолитографияси) ташкил қилди ва китоб нашрини йўлга қўйди. Ферузшоҳ буйруғига биноан 1880 йилларда Алишер Навоийнинг «Хайратул-аброр» достони, тўрт девондан иборат «Хазойинул-маоний», Шермуҳаммад Муниснинг «Мунисул-ушшоқ», Огаҳийнинг «Таъвизул-ошиқин», Комил Хоразмийнинг беш девони босмадан чиқарилди. Нашр ишлари билан Комил Хоразмий, унинг вафотидан кейин эса ўғли Муҳаммад Расул Мирзо шуғулланди.

Санъатни севган, унинг сирларидан хабардор бўлган кишигина адабиёт ва санъатга ҳомийлик қилиши мумкин. Феруз худди шундай санъатсевар ҳукмдор эди. Унинг саройида адабий мунозаралар, мушоиралар, ҳафтанинг махсус кунлари китобхонлик оқшомлари ўтказиларди. Хоннинг шахсан ўзи катта-кичик мансабдорлар — ҳаммасини китобхон бўлишга даъват этарди.

Муҳаммад Раҳимхон Соний она-юрт ободлиги, халқ маънавияти учун қаттиқ қайғурди. Унинг бевосита бошчилигида мадрасалар, боғ-роғлар барпо этилди. У бошқа давлат арбобларини, бойларни ҳам бундай ишларга рағбатлантирди. Бу ҳақда Юсуфбек Баёний шундай ёзади: «Маълум бўлсунким, хон ҳазратлари бағоят мушфиқфуқаро, бағоят хайрдўст киши эрдилар. Қўб мадрасалар ва масжидлар бино қилдилар ва қўб мадрасаларнинг биноларига сабаб бўлдилар... Алҳақ, қўб ерларни обод этдилар, қўб масжидлар ва мадрасалар ва қорихоналар бино бўлуб, қўб ерлар ободон бўлди ва халойиқ ҳам «Ан-насу ʼала дини мулукиҳим»¹ муқтазосича амали хайрға роғиб бўлуб, ҳатто Муҳаммад Паноҳбой деган ҳам масжиди калоннинг орқа тарафида бир мадраса бино қилди»². Шу зайдда Баёний Феруз қурдирган ва унинг раҳнамолигида қурилган биноларни номма-ном айтиб ўтади.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз ўз даврининг ниҳоятда пешқадам зиёлиси эди. У мусиқашунос, бастакор, мусиқа сирларидан хабардор санъаткордир. У Хоразм мақомларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга тўлалигича етказишда буюк мутафаккир Комил Хоразмий ва унинг ўғли бастакор, мусиқашунос Муҳаммад Расул билан катта ишларни амалга оширди. Маълумотларга қараганда, Феруз санъаткорларга созандалик, гўяндалик шаҳодатномасини шахсан

¹ Ҳукмдорлар қайси динда бўлсалар, тобелари ҳам ўша динда бўладилар.

² Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий, Т., Камалак, 1991, 252–253-бетлар.

ўзи топширган. Халқ мақомларини бузиб ижро этганларни ҳатто жазолаган ҳам. Бу ҳақда махсус фармон ҳам қабул қилган:

«ФАРМОНИ ОЛИЙ

Бизким, Хоразм мамлакатининг олий хоқони Муҳаммад Раҳимхон Соний қуйидаги Фармони Олийга имзо чекдик:

Хоразм мақомлари халқнинг даҳлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу Фармони Олийга шак келтирган ва мақомларни камситган, ёинки уни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!

*Муҳаммад Раҳим Соний
1299 йил жумод ул-аввал (1882)»¹*

Феруз бастакор сифатида «Шашмақом» йўлларида ўндан ортиқ мустақил куй яратди.

Муҳаммад Раҳимхон Соний 1883 йили биринчи марта девонбеги Муҳаммад Мурод ва мирзабоши Комил Хоразмий ҳамкорлигида Санкт-Петербург ва Москва сафарига боради. Бу ҳақда «Новости и биржевая газета» қуйидагиларни ёзади: «Бугун, 21 июнь сешанба куни Хива хони Муҳаммад Раҳим, девонбеги Муҳаммад Мурод, маслаҳатчи Полвон мирзабоши, ясовулбоши Раҳмонберган, хоннинг жияни Саййид Абдуллоҳўжа, таржимон штабс-капитан Асфандиёров – 17 кишидан иборат шахсий соқчилар ва хизматчилар билан темир йўл орқали Петербургдан Москвага жўнаб кетди. У ердан Оренбург орқали Хивага йўл олади».

Муҳаммад Раҳимхон Соний келажак авлод тарбиясига катта аҳамият берган. 1891 йили Комил Хоразмий ташаббуси билан Хивада «усули савтия» методига асосланган мактаб очилди. Муҳаммад Раҳимхон янги мактабларнинг очилишига нафақат хайрихоҳлик билдирди, ўзи ҳам бундай мактабларни очишга бош-қош бўлди. Бу мактабда диний ва дунёвий билимлар билан бир қаторда рус тили ҳам ўқитилар эди. Муҳаммад Расул, Аҳмад Табибий, Аваз Ўтар каби замонасининг маърифатпарварлари рус тилини шу мактабда ўргандилар.

Муҳаммад Раҳимхоннинг фармонига биноан 1904 йили Урганчда «усули савтия» мактаби очилади. 1906 йили эса худди шундай мактаб қизлар учун ҳам ташкил қилинади. Бу мактабларга Ҳусайн Кушаев ва унинг хотини Комила Кушаева раҳбарлик қилади. Феруз бу мактабларнинг тартиб-интизоми, ўқитиш усуллари билан

¹ Қаранг: Комил Аваз. «Гарчи эрурман толеъи Феруз...» // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994 йил 30 сентябрь.

танишади, уларнинг фаолиятини қўлаб-қувватлайди. Унинг та-шаббуси билан мактаб ва мадрасалар учун вақф мулкидан ташқари давлат даромадидан маблағ ажратади.

Маълумотларга қараганда, XX аср бошларига келиб Хоразм хонлиги ҳудудида 130 мадраса, 1636 масжид, 1500 мактаб фаолият кўрсатган. Уларда 45000 дан зиёд талаба-ўқувчи таҳсил кўрган. Феруз бошчилигидаги хонлик маъмурияти ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берган. Мадрасаларда гуманитар фанлар билан бир қаторда аниқ фанлар ҳам ўқитилган. Хон мудarrisлар илмини, таълим-тарбия ишларини шахсан назорат қилиб турган. Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий»да ёзишича, хон мадраса домлаларини имтиҳон ҳам қилиб борган.

Муҳаммад Раҳимхон Соний авлодидан Муродий, Комёб, Оқил, Султон, Саъдий, Ғозий, Асад каби ўнга яқин соҳиби девон шоирлар етишиб чиқди. Бу шоирлар ижоди ва фаолияти XX аср биринчи ярми Хоразм адабий муҳитини ўрганишда муҳим манба бўла олади.

1910 йили Феруз оғир хасталикка дучор бўлади. Бу ҳақда Баёний куйидагиларни ёзади: «Ҳижратнинг минг уч юз йигирма сакизлончи йилида хон ҳазратлариға бир қаттиғ беморлик ориз бўлуб, бир неча кунлардин сўнг андак афоқат топтилар. Аммо ул мараз бадани муборакларидин зойил бўлмади. Тамоми атиббо анинг муолажасида ожиз бўлдилар... Ҳижратнинг минг уч юз йигирма сакизлончиси мувофиқи ит йили ва сунбуланинг сакизлончиси ва шаъбон ойининг йигирма тўртлончиси ва душанба куни эрди, жаҳон бўстонидин жаннат гулистониға хиром этдилар. Фақир вафотлари таърихин бу тариқада айтиб эрдиким, таърих:

Дариғоки, шоҳи Муҳаммад Раҳим,
Эди олам ичра адолатшиор.

Жаҳон ичра анвоъи хайротни
Қўйуб кетти ўздин қилиб ёдгор.

Райият замонида эмин бўлуб,
Дуосин машғули лайлу наҳор.

Вафотидин ўлди бори эл ғамгин,
Таҳассур била йиғлабон зор-зор.

Баёний тўқуб ашк таърихини
Дедим: «Кетди хусрави жам номдор»¹.

¹ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Т., Камалак, 1991, 258-бет.

«Таърих»дан маълум бўлганидек, Муҳаммад Раҳимхон Феруз 1910 йили 66 ёшида вафот этди.

Ижодий мероси Шоир Феруз ижодий мероси бизгача анча пароканда ҳолда етиб келган. Феруз улуғ устозлари Огаҳий, Комил Хоразмий девонларини қайта-қайта кўчиртирган, нашр эттирган. Аҳмад Табибийни шеърларини тўплаб девон тузишга ундаган. Аммо ўз шеърларини тўплаб нашр этишга саъй-ҳаракат қилмаган. Шунинг учун бўлса керак, унинг бизгача етиб келган ижодий мероси у даражада катта эмас. Умумий ҳажми 2534 мисрадан — 98 ғазал, 7 мухаммас, 2 мусаддас, 4 маснавий, 7 рубоийдан иборат.

Муҳаммад Раҳимхон ёшлигиданоқ ўзбек мумтоз ғазалчилиги анъаналарини мукаммал эгаллади. Навоий, Лutfий, Фузулий каби улуғ шоирлар шеърятини чуқур ўрганди. Айниқса, шоир ижодига Огаҳий кучли таъсир кўрсатди. Феруз ҳаётда Огаҳий ўғитларига, мавъизаларига амал қилган бўлса, шеърятда уни устоз билди, ғазалларига мухаммаслар боғлади. Ферузнинг ўзига хос сўз санъаткори бўлиб етишувида Огаҳий шеърятини ижод мактаби ва-зифасини ўтади:

Комил эрсам назм аро Феруздек, эрмас ажаб,
Огаҳийдек шеър машқ айларда устодим менинг.

«Ишқий ғазаллар пири» деб эътироф этилган Феруз лирикасининг асосий мавзуи ишқ-муҳаббатдир. Шоир ушбу мавзуда ўзига хос жозибали шеърлар битди. Унинг лирикасида шоҳнинг эмас, оддий инсоннинг — ошиқнинг руҳий кечинмалари, изтироблари ўз ифодасини топган. Феруз ғазалларида юксак инсоний фазилатлар эгаси — ошиқ ҳамда гўзалликда ягона, баъзан меҳрибон, баъзан зулмкор маъшуқа тимсоли туради. Лирик қаҳрамоннинг эътирофича, ишқ борасида шоҳу қул баробар:

Гарчи эрурман толеъи Феруз ила оламга шоҳ,
Лек ул парилар сарвари ол(д)идадурман қул бу кун.

Ёки:

Ишқ бир ўтдурур, нечукким барқ,
Айламас шоҳ била гадони фарқ.

Тушса ондин кўнгулга бир учқун,
Куйдуруб бошига солур қаро кун.

Ферузнинг юқоридаги мисралари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қуйидаги машҳур рубоийсини эслатади:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълага мен кулдурмен.

Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале санга қулдурмен.

Ферузнинг бир қатор шеърларида Ватаннинг кўркам баҳори, унинг гўзал таровати, ошиқнинг маъшуқа қадамига гул барглари-дан поёндоз тўшаб, интизор кутиши ниҳоятда таъсирли ифода-ланган. «Фасли гул» — баҳорнинг келиши боғларга ўзгача бир зий-нат бағишлайди. Шоир бундай гўзал табиатни ғанимат билиб, ун-дан баҳраманд бўлишга даъват этади. У моҳир мусаввир каби баҳор лавҳасини ва унга монанд маъшуқанинг бетакрор гўзал қиёфасини чизади. Баҳор келиши билан табиат, борлиқ бутун гўзаллигини на-мойиш этар экан, маъшуқанинг ҳам ўз жамолидан «бурқаб» — пар-дани олиб, ошиқ кўзларини равшан қилишини илтижо этади:

Очилмиш гул, етурмиш боға зийнат, эй санам, келгил,
Ичарга бир нафас аҳбоб бирла жоми Жам, келгил...

Тўшаб баргини гул ер узра, тортар интизорингни,
Гулистон ичра гул барги уза қўйуб қадам, келгил.

Ҳаводур мўътадил, ҳам фасли гулдур, кеча ҳам маҳтоб,
Тузуб мажлис, ичарга лолагун май дам-бадам келгил...

Олиб бурқаб жамолингни қилурга кўзларим равшан,
Жафоу жавру зулмингни қилиб бир лаҳза кам, келгил.

Ғаҳи айлаб баҳона гул терарга, бу ҳазинингни
Қилурга хайли ушшоқ ичра, жоно, муҳтарам, келгил.

Санга Феруз эрур бир қул, вале ҳажрингдадур ношод,
Бу қулни шод этарга, эй, нигори муҳташам, келгил.

Ферузнинг ишқий шеърлари, асосан, анъанавий йўналиш-да, бадий тасвир воситалари ҳам ошиқнинг ҳижрон кечинма-ларини, маъшуқанинг гўзал ҳусну жамолини, нозу карашмала-рини тасвирлашга қаратилади. Шоир тасвирида маъшуқа ниҳо-ятда илтифотли, раҳмдил, унинг ҳар сўзи Масиҳ каби ўлик жис-мига жон ато этади, унинг жамолидан ошиқнинг шоми субҳга, ағёрнинг субҳи шомга айланади. Ошиқ — шоир дилбарининг бундай илтифотидан шу даражада мамнунки, унга Оллоҳдан олий мақому шодлик тилайди:

Бу оқшом келди ул дилбар адаб бирла салом айлаб,
Ўлук жисмимга жон берди Масихосо калом айлаб.

Шабистонимни қилди оразининг меҳридин равшан,
Очиб рухсоридин парда қуёш янглиғ хиром айлаб.

Аён айлаб жамолин қилди шомим субҳга табдил,
Юзи ҳижронида ағёрнинг субҳини шом айлаб.

Келиб юз навъ нозу ишва бирла меҳр этиб оғоз,
Қошимда ўлтуруб деди тилин мўъжиз калом айлаб

Ки: «Эй, ҳажримда кўнгли лолодек доғ узра доғ ўлғон,
Юурсан бўйла токи айшу роҳатни ҳаром айлаб?»

Висолимга чу еттинг шоду масрур айлабон ўзни,
Баён айла менга сен арзи ҳолингни тамом айлаб...»

Шеърга чуқурроқ эътибор берилса, шоир тазод, ташбиҳ, саволу жавоб, талмеҳ каби шеърый санъатларни моҳирона қўллаганининг гувоҳи бўламиз.

Шоирнинг қуйидаги «Ё, раб» радифли ғазалида тасвирла-нишича, маъшуқа ниҳоятда гўзал, унинг «жаҳоноро жамолидан» ошиқ — шоир ҳам ўз базми учун равшанлик истайди. Аммо у ошиққа фақат ранжу алам келтиради. Шеърда маъшуқанинг ташқи қиёфасидаги ҳар бир аъзонинг гўзаллигини тасвирлаш билан унинг ошиққа келтираётган жабр-зулмини кўрсатади. Бу билан шоир лирик қаҳрамон руҳиятини теранроқ инкишоф этади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ошиқ ёр лутфу карамига умид боғлайди, сабр қилади:

Етушти ҳажридин жонимга юз ранжу алам, ё, раб,
Кўруб ҳолимни, кам қилмас манга бир дам ситам, ё, раб...

Сочи савдосида доим қоронғудур манга олам,
Менинг бу шоми ҳижронимга еткур субҳидам, ё, раб.

Жаҳоноро жамолидин менинг базмимга ҳам бир тун
Етурғайму экан равшанлиғ ул маҳваш санам, ё, раб.

Агар лутф айлабон ўз илки бирла берса бир соғар,
Кўнгулда қолмас эрди орзуйи жоми Жам, ё, раб.

На янглиғ сабр қилсун ул қуёш ҳижронида Феруз,
Зиёд айлар жафосин, айламас бир зарра кам, ё, раб.

Шоир маъшуқа тасвирини чизишда мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлган тимсоллар, ташбиҳлардан жуда ўринли фойдаланади:

Оразинг даврида ҳар ён зулфи анбарму экан?
Йўқса ганж устида ётгон икки аждарму экан?

Ораз — юз Шарқ шеърлятида ганж, яъни ҳусн ганжи, хазинаси рамзи. Икки зулф эса — аждар, илон. Ривоятларга кўра, хазина бор жойда унинг қўриқчиси — аждар ҳам бўлади. Шоир мазкур байтда ташбиҳ санъатини маҳорат билан қўллаган.

Феруз шеърлятда қофияга алоҳида эътибор беради. Маълумки, қофия шеър бадииятини, мусиқийлигини таъминловчи асосий унсурлардан бири. Шу билан бирга, қофия фикр ва ғояни бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади. Феруз шеърлярида қофиянинг деярли барча турларини кузатиш мумкин. Шулардан бири мусажжаъ — сажли қофиядир. Ҳазали мусажжаъда ҳар байт (матлаъдан ташқари) мисралари тўрт бўлакка бўлиниб, уч бўлак ўзаро қофияланади. Тўртинчи бўлак эса матлаъ билан қофиядош бўлади. Сажли қофия шеърнинг оҳангдорлигини орттиради. Табиийки, бу шоирдан анчагина маҳорат талаб қилади. Ферузнинг қуйидаги Ҳазали шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга:

Шод ўлғил, эй, маҳзун кўнгул, бу кеча дилдоринг келур,
Ширин такаллум, гулбадан, лаъли шакарборинг келур.

Соз айла айш асбобини, очғил тараб абвобини,
Рухсори оламтобини очиб севар ёринг келур...

Маҳзун қилиб агёрни, шод этгали сен зорни,
Тарк айлабон озорни, ёри вафодоринг келур.

Кўнглига ноланг бир саҳар таъсир қилмишдур магар,
Ширин дудоқу сиймбар, фархунда дийдоринг келур.

Ферузбахт ўлғил мудом, эт нўш ишрат бирла жом,
Андоққи сарви хушхиром озода рафторинг келур.

Шеърнинг муҳим фазилати шундаки, шоир маъшуқанинг бутун гўзаллигини, унинг вафосидан, лутф-карамидан умидворлигини, ошиқнинг унга бўлган самимий муносабатларини гўзал бадиий санъатлар ёрдамида тасвирлайди.

Феруз ижодида анча кўп қўлланган санъатлардан яна бири — тақрир санъати. Бу санъат Хоразм адабиётида, айниқса, Оғаҳий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар ўғли ижодида кенг қўлланган. Так-

рир санъати шоир урғу бермоқчи бўлган фикрни таъкидлаб кўрса-тишга хизмат қилади.

Офтобосо жамолинг кўргач ўлдум, эй, нигор,
Беқарору беқарору беқарору беқарор.

Тиғи ишқи ханжари нозингдин ўлдум субҳу шом
Дилфигору дилфигору дилфигору дилфигор.

Оҳу нолам айлади ишқингни охир даҳр аро
Ошқору ошқору ошқору ошқор.

Жавру зулминг бўлгондур ман ҳазинга дам-бадам,
Бешумору бешумору бешумору бешумор.

Ой киби фарруҳ жамолинг кўргали йўлингда кўз
Интизору интизору интизору интизор.

Ноз ила сурсанг самандинг сакратиб йўқ сен киби
Шаҳсувору шаҳсувору шаҳсувору шаҳсувор.

Васлинга йўл топса ҳар ким бўлғай ул Феруздек
Бахтиёру бахтиёру бахтиёру бахтиёр.

Феруз — ўзбек шеърляти анъаналарини чуқур ўрганган шоир. У ўзининг буюк салафлари шеърларига назиралар ёзди, мухаммаслар боғлади. У «Мажмуатуш-шуарои Умархоний» тазкираси орқали Умархон даври Қўқон муҳити шоирлари ижоди билан яхши таниш бўлган. Маълумки, ушбу тазкирада Амирийнинг машҳур:

Лаб уюр такаллумға, зулфини паришон қил,
Қанд қимматин синдур, нархи анбар арзон қил, —

матлаъли ғазали берилган. Бу ғазалга Амир Умархон саройида ижод қилган Фазлий Намангоний, Адо, Нусрат, Ҳозиқ, кейинроқ Увайсий, Муқимий, Ҳамза каби ўндан ортиқ шоирлар назира битдилар. Амирийнинг мазкур ғазали ҳазажи мусамманни аштар, яъни:

Фоилун мафойилун фоилун мафойилун
—V— V — — — —V— V — — —

вазнида яратилган. Ушбу ғазал Муҳаммад Раҳимхонда чуқур таассурот уйғотади. Натижада, у шеърнинг вазни, қофияси, радифи ва мавзуини сақлаган ҳолда унга назира ёзган:

Гул юзунг очиб, эй, гул, мажлисим гулистон қил,
Меҳри оразинг узра кокулунг паришон қил.

Илкинга олиб соғар, нўш этиб майи гулранг,
Жонфизо табассумдин лабларингни хандон қил.

Азми гулситон айла зулфунга бериб зийнат,
Рашк ўтига сунбулнинг пайкарини сўзон қил.

Кўзунга чекиб сурма, юзунга уруб ғоза,
Лола бирла наргисни ул иковга ҳайрон қил.

Рашк тигидин қилсун гул юзини юз пора,
Гулшан ичра рухсоринг ҳар тараф намоён қил.

Ҳасрат ўтига қуйсун қоматинг кўруб шамшод,
Қадди нозпарвардек ноз ила хиромон қил.

Лутф этиб агар ёринг келса базминга, Феруз,
Бу азиз жонингни мақдамига қурбон қил.

Феруз маснавий жанрида ҳам муваффақиятли қалам тебратди. Жами 706 мисрани ўз ичига олган тўрт маснавийси бунинг ёрқин далили. Ҳар тўртала маснавий ҳам диний-тасаввуфий руҳда битилган. Қуйидаги мисралар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Сенсан ики кавн аро паноҳим,
Раҳм айлабон афв қил гуноҳим.

Кўнглум уйин айлагил саросар,
Тавҳид чароғидин мунаввар.

Тоатда қадимни айлагил ҳам,
Лутфунг манга ҳаргиз этмагил кам.

Ман зорга тавба ато қил,
Файзингга замирим ошно қил.

Маълумки, шўролар замонида «феодал-сарой адабиёти» ва унга мансуб бўлган шоирлар, айниқса, салтанат соҳиблари номи қораланган эди. Фақат мустақиллик туфайли улар ижодини ўрганишга кенг йўл очилди. Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг адабий ижоди, унинг Ватан ободонлиги, халқ фаровонлиги, илм-фан, маориф ва маданият равнақиға қўшган улкан ҳиссаси бугунги кунда изчил ўрганилмоқда. У маснавийларидан бирида Оллоҳга илтижо қилиб шундай ёзган эди:

Даҳр элига гарчи подшоман,
Эҳсонига мустаҳиқ гадоман.

Қўбтур манга раҳматингдин умид,
Қилма мани – нотавонни навмид.

Қил бахт ила толеъимни Феруз,
Ҳар бир куним айла ийди Наврўз.

Унинг умидлари, илтижолари ижобат бўлди. Шоир вафотидан 80 йил ўтгач, мустамлака кишанлари парчаланди. Юрт озод бўлди. Миллий истиқлол боис Ферузнинг хазон билмас иккинчи умри бошланди.

АҲМАД ТАБИБИЙ (1869–1910)

Аҳмад Табибий – XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразм адабий муҳитида фаолият кўрсатган сермаҳсул ижод соҳиби. У бадиий адабиётнинг деярли барча турларида ижод қилди, бетакрор асарлар яратди, устозлари Мунис, Огаҳий, Комил каби ўзига хос шоир, дostonнавис, таржимон, тазкиранавис бўлиб танилди.

Аҳмад Табибий шахсияти, ижодий мероси ҳақида дастлаб Муҳаммад Юсуф Баёний¹, рус туркшуноси А. Н. Самойлович², шоирнинг замондоши Ҳасанмуродқори Муҳаммадамин Лаффасий³ асарларида маълумот берилган. Лаффасий ёзади: «Ферузнинг фармони илан Аҳмаддон дағи Табибий тахаллуси билан шеър машқин қилиб, анча абётлар ёзиб, Ферузга мақбули таъб бўлиб, тўрт мужаллад девон асар таъб қилибдур. Икки мужаллад форсий тилида, икки мужаллад туркий – ўзбек тилида бўлиб, онлардан дигари Ферузнинг фармони билан бир йил муддат ичра жами шуарони тартибга солиб, ёзиб чиқадур»⁴.

Аҳмад Табибийнинг ижодий фаолияти ҳақида маълумот, унинг асарларидан намуналар 1945 йилда тузилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» ва Раҳмат Мажидийнинг «Ўзбек адабиёти» китобида ҳам берилган. Булардан ташқари, филология фанлари доктори М. Юнусовнинг «Комил Хоразмий» (Т., 1960), В. Мирзаевнинг «Аваз Ўтар ўғли» (Т., 1961), профессор Ф. Каримовнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (учинчи китоб, Т., 1987) асарларида ҳам Аҳмад Табибий ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари Хоразм ада-

¹ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Т., Камалак, 1991.

² А. Н. Самойлович. Мажмуатуш-шуаройи шоҳи пайрови Феруз. Китобда: Записки Восточного отделения Императорского русского археологического общества. 1909, том XIX, с.0199–0200.

³ Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоли. Тазкира, қўлёзма. (Қўлёзма бизда сақланади – У. Д.)

⁴ Юқоридаги китоб, 85–86-бетлар.

бий муҳити, унинг намояндалари ижоди ҳақида яратилган деярли барча илмий адабиётларда Аҳмад Табибий ижодига оид фикр ва мулоҳазалар учрайди.

Ҳаёт йўли

1968 йили Ф. Фанихўжаев Табибийнинг ҳаёти ва ижодий мероси мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлади. Шу йили унинг «Танланган асарлар»ини нашр эттирди. 1978 йили эса «Аҳмад Табибий» (ҳаёти ва ижоди) номи билан у ҳақдаги монографиясини эълон қилди.

Аҳмад Табибий 1869 йили Хоразм хонлигининг сиёсий ва маданий маркази Хива шаҳрида туғилди. Унинг отаси асли афғонистонлик, кейинчалик Хоразмга келиб турғун бўлиб қолган Али Муҳаммад Хиванинг машҳур табибларидан эди. У кичик дўконча очиб, атторлик билан ҳам шуғулланган. Али Муҳаммад ўғлининг ўқишига катта аҳамият берди. Форс, араб тилларини чуқур ўрганишига раҳнамолик қилди, табибликни ўргатди. Шунинг учун ҳам Аҳмад ўзига «Табибий» тахаллусини танлади. Унинг шеъриятдаги шуҳрати кенг ёйилди. Натижада Муҳаммад Раҳимхон Феруз уни саройга таклиф қилди. Табибий саройда экан, Аваз каби қобилиятли шоирларга устозлик қилди. Бу ҳақда Лаффасий тазкирасида қўйидагиларни таъкидлайди: «Аксари вақтлар Аваз Ўтар билан улфатлиғ қилиб, шахмат ўйинига машғулотиғ қилиб, ўзларига таскинлиғ билан шеър машқини қилиб турадур эрдилар... Ҳамма вақтлар танбур чертиб, ўз шикаста хавотирига тасалли бериб турадур эрди»¹.

Аваз Ўтар ўғли ҳам Табибийни устози сифатида ҳурмат қилди, шеъриятда унингдек бўлишга интилди:

Не ғам эмди, Аваз, назм илмида бўлсанг Табибийдек,
Ки дерлар, кўрган эл назмингни, устодинга салламно.

Лаффасийнинг ёзишича, Табибий паст бўйли, очиқ чеҳра, ширин сўз, нозик табиат киши бўлган. Шахмат билан танбурни гоят хуш кўрган. Бир шеърида ёзади:

Табибийким, анга танбурсиз базм ичра роҳат йўқ,
Чекар Мутриб ани ё базмидин соз айлабон танбур.

Шоир саройда шеърият, илм-маърифат аҳли ўртасида катта ҳурматга эга бўлди, хон эътиборини қозонди, табиб сифатида кишилар дардига даво излади. У хон саройида уюштирилган мушоираларда, ҳафтанинг ҳар жума ва душанба куни ўтказиладиган китобхонлик йиғинларида иштирок этди. Шунга қарамай,

¹ Лаффасий. Тазкира, 86-бет.

Табибий ўз тирикчилигини саройга боғлаб қўймади. Кичик дўкон очиб, дори-дармон савдоси билан шуғулланди. Шунинг учун бўлса керак, шоир шеърларида ҳаёт тарзи, муҳтожлиги ҳақида куюниб айтган фикрларга дуч келамиз. Жумладан, «Пўстин» радифли шеърида у шундай ёзади:

Адамдин то келиб қилдим бу қашшоқ хонани маскан,
Киярга топмадим умрим ўтиб, мен банаво пўстин...

Совуқдин гоҳ қочиб кирсам ичига қалтираб, қақшаб,
Танимга парвариш қилгай эди мисли ано пўстин...

Бу қиш ичра тараҳҳум айлабон мискин Табибийнинг,
Тани урёнига бергай Худо чакмон ва ё пўстин.

Хон Табибийнинг кучли иқтидорини билиб, унга масъулиятли ишларни топширарди. Йиғинларнинг бирида Хоразм шоирлари тазкирасини тузишини амр этади. Баёний бу воқеани шундай ҳикоя қилади:

«Хон ҳазратлари Табибийга амр этдилар, токим ул ғазалларни маснавий зимнида жамъ қилиб, бир китоб этгай. Табибий фармон мужиби билан амал қилиб, ул ғазалларни жамъ қилиб, ҳар газални ёзмоқчи бўлгонда, маснавий била ул ғазални айтгон ким эрканин баён этиб, бу тариқада тамоми ғазалларни жамъ қилиб, таом этиб, ул китобга «Мажмуатуш-шуаро» от қўйулди»¹. Баёний воқеани баён этгач, шоирни қуйидагича таърифлайди:

Табибийким, шоири муҳтарам,
Нетай они атворин айлаб рақам.

Маорифда ўзни тутар кўб ориф,
Мажолисда доғи ҳарифу таъриф.

Бир ойнадур сўзлари сарбасар,
Рамуз они аксидадур жилвагар...

Аҳмад Табибий «Мажмуатуш-шуаро»ни 1909 йили поёнига етказди. Унинг қурилиши ва услубида Кўқонда тузилган Фазлий Намангоний тазкирасининг таъсири сезилади. Ҳар иккала тазкира бир хил номланган. Фақат бирини иккинчисидан фарқлаш учун ҳукмдорларга боғлаб, «Мажмуатуш-шуаройи Умархоний» ва «Мажмуатуш-шуаройи Ферузшоҳий» деб айтиш удум бўлган.

¹ Кўрсатилган китоб, 94-бет.

Лаффасий маълумотиға кўра, Аҳмад Табибий ёшлигида жигар хасталигига йўлиққан ва шу касаллик билан 42 ёшида вафот этган. Лаффасий ёзади: «Аҳмаджон Табибий Феруз – Муҳаммад Раҳимхон вафотидан кейин анча муддатлар ўтмасдан жигар хасталигига мубтало бўлиб... қирқ икки ёшида, 1328 ҳижрий, 1910 йил октябр ойинда... фалаки золим жафокордин шиквалар қилиб, кўнгул мақсудиға етиша олмасдан бул дунёдин кўз юмиб, охират сафари қилиб, жаннат бўстонида манзил қиладур»¹.

Адабий мероси Аҳмад Табибий қисқа умри давомида салмоқли адабий мерос қолдирди. Унинг беш девони бор. «Тухфатус-султон», «Мунисул-ушшоқ», «Ҳайратул-ошиқин» девонлари ўзбек тилидаги шеърларидан, «Миръотул-ишқ», «Мазҳарул-иштиёқ» девонлари эса форс-тожик тилидаги шеърларидан ташкил топган. Бундан ташқари, шоир катта ҳажмдаги «Вомиқ ва Азро» достони муаллифи. Тазкиранавис сифатида «Мажмуатуш-шуаройи Ферузшоҳий»нинг тузувчиси. Таржимон сифатида Фузулийнинг «Ҳафт жом» асарини форс тилидан таржима қилди. Ниҳоят, у ёш истеъодларнинг севимли устози эди.

У ёшлик чоғларидаёқ шеърлари билан назм муҳлислари эътиборини қозонди. Зулвисонайн шоир сифатида ўзбек ва форс-тожик тилларида салмоқли шеърий мерос қолдирди. Таъкиллаш керакки, у бу ишларга хон рағбати, ҳатто топшириғи билан киришган эди. Шоир «Мунисул-ушшоқ» девони «Дебоча»сида қуйидагиларни ёзади: «Бу фақир кўлида жамъ бўлгон китобнинг сони беш девондур. Аларнинг учтаси туркий ва иккитаси тожикчадур. Биринчисини адолатли шоҳға ҳадя қилиш сабабидин «Тухфатус-султон» деб атадим, иккинчи девонға ошиқлар унсияти сабабидин «Мунисул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») номи берилди. Учинчисига фақат ишқ ҳолатларидан гапирилган важҳдан «Миръотул-ишқ» («Ишқ ойнаси»), деб ном қўйдим. Тўртинчи девонға ошиқлар ўқиб ҳайрон бўлсинлар деб, «Ҳайратул-ошиқин» деб исм берилди. Бешинчиси бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлғони сабабидин «Мазҳарул-иштиёқ» («Иштиёқ изҳори») деб аталди»².

Юқорида зикр қилинган беш девоннинг биринчиси Душанбедаги академик А.А.Семёнов уй-музейида, қолган тўрттаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади.

Маълумотларга қараганда, мазкур беш девон шоир умрининг сўнгги беш йилида тартиб қилинган.

¹ Лаффасий. Тазкира, 86-бет.

² Қаранг: ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, 8949-қўлёзма деб-бочаси.

Табибий Алишер Навоий ва Фузулий ижодига алоҳида ихлос билан қаради. Умуман, унда анъанавийлик кучли. У саройда хоннинг эътиборида бўлишига қарамай, ҳамиша нимадандир қўнгли тўлмайди, ҳаётдан қониқмайди, дилгир яшайди. Ишқий шеърларида ҳам ижтимоий оҳанглар янграб туради. «Чарх жафоси», «мажруҳ, афғор жисм», «фалак»нинг «каж» («тескари»)лиги, «бераҳм»лиги тез-тез тилга олинади. «Фалак» радифли шеърида «нодонни азиз ва мукаррам айлаб», «доно кишиларни асру хор этган» фалақдан шикоят қилади. Иккинчи бир шеърида эса замонасининг ижтимоий манзарасини шундай чизади:

Оламга боқсанг, ҳосили боштин оёқ кулфат эрур,
Бир роҳатининг кейнида беҳадду сон меҳнат эрур.

Бир ошиқиким, лаҳзайе топса висоли дилбарин,
Доим ҳамул бечораға сўнгра ғами фурқат эрур.

Йўқтур жаҳонға эътимод ушбу жиҳатдин, эй қўнгул,
Ким инқилоб этмак анга даврон аро одат эрур.

Бас, шундай экан, ягона йўл қолади: имкон қадар инсонларга яхшилик қилмоқ, нафъ етказмоқ. Ёлғиз шу йўл билангина кишилар бошига бераҳм даврон томонидан отилаётган жабру жафо тошлари захрини камайтириш мумкин. Шоир даврон манзараси тасвирида яна буюк устози Навоийнинг одамийлик ҳақидаги ҳикматларига эргашади:

Икки жаҳоннинг комини гар истар эрсанг, эй қўнгул,
Келганча қўлдан халқға еткур, баса, такрор нафъ.

Табибий шеъриятининг мазмун-моҳиятини, руҳини тушуниб олишда замондоши, рус шарқшуноси А.Н.Самойловичнинг шоир ҳақидаги хотиралари алоҳида аҳамиятга эга. Таниқли туркшунос 1909 йили Хивага келган, 1638 саҳифалик «Мажмуатуш-шуаро»ни эринмай ўқиб чиққан ва унинг тузувчиси билан узоқ суҳбатлар қурган эди. Сўнг эса, мажмуа ҳақида каттагина тақриз эълон қилди. Олим XX аср бошидаги анъанавий шеъриятимиз намуналарини кузатар экан, унда янги адабиётга хос хусусиятлар пайдо бўлаётганини нозик ҳис қилади ва буни Табибий мисолида шундай тушунтиради:

«Шоир, айтишига қараганда, эркин фикрли қарашлари сабабли мадрасадаги мусулмон фанларининг тўла курсини ўзлаштиришдан воз кечган, — деб ёзади у Аҳмад Табибий ҳақида. — У

Хивага хиваликларнинг мустамлакачилар — руслар, немислар билан, татарлар билан бевосита алоқалари туфайли ва ундан ташқари янги йўналишдаги татарча, усмонча китоблар, журналлар ва газеталар орқали кириб келаётган европача илм мазасидан жиндак татиган. Ҳукмдорининг топшириғи билан дори-дармон учун Машҳадга бориб, ўша ерда малака ошириб қайтган Аҳмад Табиб мусулмонча усулда табиблик қилади. Ва, чамаси, бу хивалик лейб-медик ўз «илм»и устидан пинҳона кулади. Кузатишимча, «Мажмуа» муҳаррирининг ўз жонажон Ўрта Осиё адабиётининг бениҳоят узоқ ва мутлақо яқранг асрини кечираётган ҳозирги қиёфасига ҳам муносабати худди шундай. Ва ёш Хиванинг адабиёт соҳасида якка-ёлғиз бўлмаган бу вакили, гарчи ҳозир афлотунчасига бўлса-да, усмонли, туркий-қозон, туркий-кавказча энг янги асарларга, таржима ва оригиналларга, шубҳасиз, мойил. Шоирнинг менга ўз қаламкаш биродарларини «буларнинг ҳаммаси учун Мир Алишер Навоий ўрнақдир, лекин ҳеч бири унинг истеъдодига эга эмас», — деб таърифлаганидаги дилгир-нафратчан юз ифодаси шундоқ эсимда»¹.

Шундан бўлса керак, Аҳмад Табибий ижодида маърифат мавзуи, маърифатпарварлик гоёси муҳим ўрин эгаллайди. Шоир ҳаётни тубдан яхшиловчи, жамиятни, мамлакатни қолоқликдан, зулматдан қутқарувчи, халқни фаровон ҳаётга етакловчи йўл — маърифат деб билди. Шоирнинг фикрича, илм-маърифат жоҳилни, гофилни жаҳолат уйқусидан уйғотади, унинг ҳаётига файз бағишлайди. Табибий илмни тарғиб қилар экан, уни эгаллаш учун кунт билан меҳнат қилиш зарурлигини таъкидлайди:

Кимдаким аҳли жаҳондин бор илму маърифат,
Қилғусидур они бархурдор илму маърифат...

Ғафлату жаҳл уйқусига ғарқ бўлгон шахсни
Файз бирла ул қилур бедор илму маърифат.

Эй биродар, олиму ориф бўлурға жаҳд қил,
То етургай кўнглунга анвор илму маърифат.

Илм бирла маърифат таълимини тарк этмагил,
Ҳосил эт боринча жон, тақрор илму маърифат.

Юқорида айтганимиздек, Аҳмад Табибий шеърятига Фузулийнинг таъсири катта бўлган. Биргина Табибий эмас, умуман, Хоразм адабий муҳитида улуғ озарбойжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг таъсир доираси — нуфузи катта. Мунис, Огаҳий, Ро-

¹ Кўчирма. Б. Қосимовнинг «Излай-излай топганим...» (Т., 1983) китобидан (41–42-бетлар) олиб келтирилмоқда.

жий, Комил, Ферузлар Фузулий ғазалларига мухаммислар, тазминлар битдилар. 1908 йили Аҳмад Табибий Фузулийнинг фалсафий-дидактик достони «Ҳафт жом» («Етти жом»)ни форс тилидан таржима қилди. Бундан ташқари, Фузулийнинг ушбу достони таъсирида «Етти равза» («Етти боғ») номли ахлоқий-таълимий дoston яратди. Ушбу дoston 7 равза ва 14 ҳикоядан ташкил топган. Ҳикоялар Муслиҳиддин Саъдий «Гулистон»идаги ҳикояларни эслатади:

Эрур тарбиятда ажаб хосият,
Ки аксарга таъсир этар тарбият.

Агар тарбият қилмас эрса асар,
Топилмас эди ҳеч соҳиби ҳунар.

Чу устоддин етса қаттиғ суҳан,
Бўлур жаҳл учун дафъи ранж миҳан.

Дostonнинг ҳар бир боби муайян ахлоқий-таълимий масалага бағишланган. Масалан, асарнинг биринчи бобида — карам ва саховат, иккинчи бобида — илм ва маърифат, учинчисида — сабр ва қаноат, тўртинчисида — севги-садоқат ҳақида гап кетади ва ҳоказо. Ҳар бир равза — боб учун алоҳида ҳикоятлар келтирилади. Муаллиф ҳар бир мавзу бўйича ўз фикр-қарашларини баён этади. Сўнг унга мутаносиб бир ахлоқий ҳикоя илова қилади.

Табибий адабиётимиз тарихида дostonнавис шоир сифатида танилган. У Шарқ адабиётида машҳур бўлган «Вомиқ ва Азро» афсонасининг шеърий вариантини яратди. Мазкур мавзуга ҳам «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»даги сингари жуда кўплаб шоирлар мурожаат қилганлар ва турли вариантларини яратганлар.

Ушбу дoston ҳам шоирнинг бошқа кўплаб асарлари сингари Муҳаммад Раҳимхон Феруз амри ва ҳомийлигида майдонга келди.

Дostonнинг қисқача мазмуни қуйидагича: Сабо мамлакатининг подшоҳи Носир ўғил кўради, унга Вомиқ исм қўядилар. У ёшлигидан илм-маърифатга берилади, юнон донишманди Маобид унга мураббийлик қилади ва жуда қисқа муддатда эл назарига тушади.

Жабилсо мамлакати шоҳининг қизи Азро канизаклари билан сайр қилиб, Шаҳрисабзга келади ва Вомиқни кўриб, севиб қолади. Азро ўз шаҳрига келиб, расмини чиздиради ва уни Вомиққа юборади. Расм Вомиқнинг отаси Носир кўлига тушади ва уни ўғлига кўрсатмай, ундан яширади.

Бу ўртада Носир вафот этади. Вомиқ тасодифан расмини кўриб,

Азрога ошиқ бўлиб қолади. Вомиқ севгилисини излаб, Жабилсога йўл олади. Достонда уч жуфт севишганлар: Вомиқ ва Азро, Осаф ва Шакардухт, Наим ва Ҳавроларнинг саргузаштлари анча таъсирли ифодаланган. Ниҳоят, улар бир-бирларига етишиб, тўйлари бўлади. Вомиқ Жабилсога шоҳ этиб тайинланади. Вомиқ ва Азро ўғил кўрадилар ва унга Носири соний (Иккинчи Носир) деб исм қўядилар. Қариб қолган Вомиқ ўглига мамлакатни адолат билан бошқариш ҳақида васият қилади:

...Ҳарис ўлма жаҳон молиға асло,
Карамни пеша қил ўзга мудомо.

Сипаҳ хайлиға қил инъому эҳсон,
Раоёни этиб лутф ила шодон.

Яна бўлғил ҳамиша соҳиб инсоф,
Замонни қилмағил харжингда исроф...

Улум аҳлиға қил доим муҳаббат,
Жаҳолат аҳлидин эт асру нафрат...

Достонда севги ва садоқат, дўстлик, илм-маърифат, халқпарварлик ва ватанпарварлик, қаҳрамонлик ғоялари тараннум этилган. Образлар талқинида Низомий ва Навоий достонлари таъсири кўзга ташланади. Айниқса, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги тасвир воситаларидан кенг фойдаланган. Ҳар икки асарнинг вазни ҳам бир хил: ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мафойилун мафойилун фаулун) $v - - - / v - - - / v - -$.

Шоир «Вомиқ ва Азро» достони хотимасида қуйидагиларни ёзади:

Биҳамдиллаҳки, Холиқ ёвар ўлди,
Мутеъим бахту толеъ чокар ўлди.

Ки, яъни нусхаи «Азро ва Вомиқ»,
Мурури соли сак ичра мувофиқ.

Демак тарихини чун жойиз эрди,
Мингу уч юз йиғирма саккиз эрди.

Демак, ушбу достон ит йили, 1328 ҳижрий, 1910 милодий йилида ёзиб тугатилган. Сўнг Муҳаммад Юсуф Чокар томонидан 2 нусха кўчирилади. Асар 16200 мисра – 81 бобдан ташкил топган.

Табибийнинг «Вомиқ ва Азро» достони ўзбек мумтоз адабиётининг достон жанридаги гўзал ёдгорликларидан бири сифатида қадрлидир.

МУҚИМИЙ (1850–1903)



Муқимий XIX аср ўзбек адабиётининг энг машхур вакиллари­дан. У ўз ижоди билан жаҳон адабиётшунослигида «де­вон адабиёти» деб номланадиган Шарқ адабиётидаги энг яхши анъаналарни давом эттирди. Айни пайтда, рус истилоси туфайли ижтимоий ҳаётда кечаётган ўзгаришларни адабиётга олиб кириб, унинг янги­ланишида ўзининг муносиб ҳис­сасини қўшди. Унинг шеърлари ҳаётлик пайтидаёқ Туркистоннинг турли шаҳарларига ёйилган, шоирлар уларга мухаммаслар боғлар, хонандалар қўшиқ қилиб айтар эдилар. Муқимий миллий озодлик ҳаракати ҳақида шеърлар ёзган, ўз салоҳияти ва мавқеи билан мактаб яратган шоир эди.

Муқимийшуносликка бир назар

Шоир ижодини ўрганиш унинг ҳаётлик чоғидан бошланган. Шеърларига билдирилган турли-туман муносабатлар, улар ҳақидаги баҳслар, мақолалар бунга далил. Шоир вафотидан кейин унинг девони «Девони Муқимий» номи билан илк бор 1907 йили Н.Остроумов томонидан нашр этилди. Унда шоирнинг шеърий асарлари билан бирга таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида қисқача маълумот ҳам берилган эди. Мақола муаллифи Н. Остроумов унинг шахсига баҳо бераркан, шоирни ўқувчига қаландарсифат, дарвешваш бир қиёфада тақдим этади ва асосий машғулотини тақво ва шеър ёзиш эди, деб кўрсатади. Бунинг тагида шоирни халқдан узиб олишга

уриниш ётишини пайқаш қийин эмас. 1910 йили Порцев литографиясида «Девони Муқимий маа ҳажвиёт» номи билан шоир асарларининг иккинчи нашри амалга оширилди. 1912 йили юқоридаги номда Муқимий асарларининг учинчи нашри дунё юзини кўрди. Шоирни сохталаштириш, афсуски, кейинги икки нашрда ҳам давом этди.

Давр ҳодисалари ижтимоий фикрдаги қутблашувни тезлаштирди. Файласуфлар айтганидек, ўнглаш ўнглашиб, сўллар сўллашиб борди. 1915–1916 йилларда диндорларнинг мутаассиблашган қисми жамият ахлоқининг бузилишида (фаҳш, баччабозлик, товламачиликнинг кучайиши каби) ишқий мавзуда ёзувчи шоирларни айбдор топдилар. «Ал-Ислоҳ» журнали 1916 йилда бу мавзуда бутун бир баҳс очди. Дин пешволари номидан Муқимий ва Фурқат шеърларини «ҳаром» дейишгача борди.

Шоир ижодини жиддий ва кенг кўламда ўрганиш ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланди. Бу даврда Муқимий асарларини тўплаш, ўрганиш, нашр этиш қизғин ва самарали олиб борилди. Газета ва журналларда қатор мақолалар эълон қилинди. Бу хайрли ишнинг бошида отахон шоиримиз Фафур Фулом турди. Унинг ташаббуси билан 1938 йили «Муқимий баёзи» тузилиб, нашр этилди. 1950 йили шоир асарлари «Лирика и сатира» номи билан Москвада рус тилида босилди.

1953 йили Муқимий вафотининг 50 йиллиги муносабати билан у ҳақда бир қатор тадқиқотлар яратилиб, муқимийшуносликка асос солинди. Ҳомил Ёқубов, Абдулла Олимжонов, Ҳоди Зарипов, Ҳошимжон Раззоқов, Фулом Каримов, Абдурашид Абдуғафуров каби олимлар салмоқли ишлар яратдилар¹.

Муқимийшунослик, асосан, икки йўналишда борди: а) Муқимий ижодини бевосита ўрганиш; б) шоир ижодини ижтимоий-тарихий аспектда, замондошлари ва салаф (ўтмишдош) ҳамда ҳалаф (издош)лари меросига қиёсан ўрганиш.

Муқимий ижодини ўрганишда профессор Фулом Каримов (1909–1991) нинг хизматлари катта бўлди. Ф. Каримов – муқимийшунослик мактабига асос солган олим. Унинг бу борадаги илк мақоласи «Муқимийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидан» (1957) олий ўқув юртлари талабалари учун ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» (3-китоб)идаги (1966, 1975, 1987) Муқимийга бағишланган тадқиқотлари, хусусан, 1962 йили ёқлаган «Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти» докторлик диссер-

¹ Қаранг: Ҳ. Ёқубов. Ўзбек демократ шоири Муқимий. Т., 1953; А. Олимжонов. Муҳаммад Амин Муқимий. Т., ЎзФА нашриёти, 1953; Ҳ. Зарипов. Муҳаммад Амин Муқимий. Т., 1955. Ҳ. Раззоқов. Муқимий ва Завқий. Т., 1955; Ф. Каримов. Муқимий ҳаёти ва ижоди. Т., 1970; А. Абдуғафуров. Муқимий сатираси, Т., 1976 ва ҳ.

тацияси, 1970 йили нашр этган «Муқимий. Ҳаёти ва ижоди» монографияси муқимийшунослик илмининг сара намуналаридир. Ниҳоят, Муқимий асарларининг шу кунгача амалга оширилган ўзбек, рус ва бошқа тиллардаги нашрларининг аксарияти профессор Ф.Каримов номи билан боғлиқ¹.

Муқимийшунослик истиқлол муносабати билан янги босқичга кўтарилди. Шоир босиб ўтган мураккаб ижодий йўл ва унинг сермазмун адабий меросини мустақиллик, Миллат ва Ватан манфаатлари нуқтаи назаридан кўздан кечириш ва хулосалар чиқаришга эҳтиёж бор. Бу борада профессор Ф.Каримов издошлари самарали иш олиб бормоқдалар.

Ҳаёти ва фаолияти

Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий 1850 йили Қўқон шаҳридаги Беквачча маҳалласида новвой оиласида туғилди. Отаси Мирзахўжа асли тошкентлик, онаси Бибиойша хўжандлик бўлган. Улар тўрт қиз ва бир ўғил кўрганлар. Қизларининг оти Тожиниса, Улуғбиби, Сайдиниса, Меҳриниса.

Муҳаммад Аминхўжанинг онаси Бибиойша адабиёт ва санъатни севувчи, сўзга уста аёллардан бўлган. Уни яқиндан билган ўртоқлари «Хуморбиби» дер эканлар. Ёш Муҳаммад Аминхўжанинг шеърга ҳавас қўйишида, тахмин қилиш мумкинки, унинг хизматлари катта бўлган.

Бўлажак шоир эски мактабда хат-савод чиқаргач, 1864 йилдан Қўқондаги «Ҳоким ойм» мадрасасида ўқийди. 1867 йили Бибиойша вафот этади. Бир оз вақт ўтгач, Мирзахўжа Зиёдабиби исмли аёлга уйланади. Муҳаммад Аминхўжа 1872–1873 йилларда Қўқон мадрасасини битириб, Бухорога йўл олади. 1876 йилгача Бухоро мадрасаларидан бирида ўқийди, сўнг Қўқонга қайтади. Уни Санамбиби исмли қизга уйлантириб қўядилар.

1877 йили Муҳаммад Аминхўжа Қўқондаги ер қурилиши маҳкамасига мирзалик вазифасига ишга киради. Ер ўлчовчи амалдорларнинг ҳийла-найрангларини кўради. «Танобчилар» ҳажвини ёзади. Сўнг Сирдарё бўйидаги Оқжар паромига паттачи бўлиб ишга ўтади. Бу ердаги аҳвол ҳам шоирга ёқмайди. Оқжар одамлари ҳақида ёзган мухаммасида қуйидагиларни ўқиймиз:

Келганим ушбу маконга қиладур манга алам,
Лойиқи табъ йўқ одамки, десам ҳасрату ғам,
Гаплашурга киши йўқ эртадин оқшомғача ҳам,

¹ Қаранг: Муқимий. Танланган асарлар. Т., ЎзФА нашриёти, 1958; Муқимий. Избранные произведения. Т., изд. АН Уз. 1958; Муқимий. Асарлар тўплами. Икки томлик, 1–2-томлар, Т., Ўздавнашр, 1960; Муқимий. Танланган асарлар, Т., Ўқитувчи, 1973; Муқимий. Асарлар, Т., Ф. Фулом нашриёти, 1974 ва б.

Кун совуқ, қора чироқ, гўрдек ую, ўтин кам.
 Чиксам эшикка қилур тўрғайи чулдур-чулдур.

Одамлари-чи?

Кема важҳини демасларки, берибон қутулай,
 Тарзи бир ҳийла қилиб, дерки юкумни яшурай,
 Билса саркори, «почо!» деб этагига осулай.
 Икки пул бер яна буйруққа қараб, — деса дегай:
 «На қилурсан, чақамиз йўқ, мана ўлдур-ўлдур».

Шоир Оқжарнинг айрим шум, баттол одамларини мана шундай тасвир этган эди. Бироқ у Оқжар паромиди ҳам узоқ ишлай олмади. 70-йилларнинг охирларидаёқ паттачиликни йиғиштириб, Қўқонга қайтади. Ижодга берилади. «Муқим» (турғун, туриб қолган), «Муқимий» тахаллусида ёзган шеърлари билан доврўқ қозонади. Аммо шоирнинг шахсий ҳаёти юришмади. Санамбиби билан узоқ яшай олмади. 1879 йили Санамбиби Муқимийдан ажралди, ўғли Акбархўжани онаси Зиёдабибига қолдириб, бошқага турмушга чиқиб кетди. Кўп ўтмай, Мирзахўжа ҳам вафот этди.

Муқимий 1887—1888 йилларда Тошкентга келади, ота қариндошлари билан учрашади. Алмаий, Нодим Намангоний билан танишади. Улар билан яқиндан алоқа боғлайди.

Шоир шу йиллари оғир иқтисодий тангликда яшаган. 1890 йили отадан қолган ҳовлини сотиб, мадраса ҳужрасига кўчиб ўтишга мажбур бўлган. Хаттотлик хунари жонига ора кирган. Кишилар учун хат (китобат) ёзиб, китоб кўчириб, шундан келадиган даромад ҳисобига кун ўтказган. Адабиёт-санъатни яхши кўрган давлатманд кишилар моддий ёрдам берганлар. Шуларнинг ёрдамида 1892, 1899 йилларда икки маротаба Тошкентга келиб кетгани маълум.

90-йилларнинг ўрталарида Муқимий тақдирнинг бир гаройиботи туфайли Москвада Лазарев номли жонли Шарқ тиллари институтида ўқиб турган жияни Рўзимухаммад Дўстматов (отаси ҳаж сафарида ўлиб қолганида яхши одамлар учраб, тарбия қилдилар ва ўқишга йўллайдилар) билан топишади ва улар орасида ёзишмалар бошланади. 1898 йили Р.Дўстматов Қўқонга келади, тоға-жиян учрашадилар. Ёз таътили тугагач, Рўзимухаммад яна Москвага қайтиб кетади. Шоир кузатиб қўяди. Кечинмаларини сўнгроқ шеърини мактубда шундай ифодалайди:

То видолашмакга борилди кеторингда сани,
 Йиғладим пинҳон оташга тушорингда сани,
 Сайр этиб юрганда, юрмишдим канорингда сани,

Не саодатлиғ замон эрканки, борингда сани,
Маҳфил¹, равшан сафолиғ рўзгорим бор эди.

Давлату иқбол жомидин Ҳақ айлаб баҳраманд,
Пояи қадрингни қилгай бора-бора то баланд,
Айлагай акронинг ичра сарфарозу аржуманд,
Ҳеч ёдинга келурму дебки шаҳрида Хўқанд,
Бир ғариб бекас тағойи хоксорим бор эди.

Р. Дўстматов иккинчи марта 1904 йилда Қўқонга келди ва умрининг сўнгигача Муқимий уй музейида хизмат қилди.

Муқимий ҳаётининг сўнгги йиллари касалликда кечди. Кулоқ оғриғи, сўнг «ярақон» (жигар хасталиғи) шоирни қийнаб қўйди. 1902 йилнинг 16 декабрида Андижонда даҳшатли зилзила юз берди. Шаҳар лаҳзада вайронага айланиб, 4652 киши ҳалок бўлади. Шоир бундан қаттиқ ларзага тушади. Шаҳарга бориб офат оқибатларини ўз кўзи билан кўради ва изтироб тўла таърих-марсия битади.

Шоир фожиа манзараларини рўйи рост тасвир этар экан, сабабларини, ўз ақидасига кўра, жамият ахлоқи билан боғлайди, айрим одамларнинг бузилишидан кўради. Шеър шоир ўлимидан бир ой олдин «Туркистон вилоятининг газети»да босилган эди.

Муқимий 1903 йилнинг 25 майида вафот этади.

Ижодий мероси Муқимийнинг бизгача етиб келган ижодий меросини 10 минг мисра атрофида тахмин қилдилар. Улар асосан **лирика** ва **ҳажвиёт**дан иборат.

Муқимий табиатан ҳозиржавоб киши эди. Кўплаб замондошлари сингари ўзбек ва тожик тилида барабар ёза оларди. Кўпгина шеърлари ўзининг ёзилиш тарихига эга. Улардан айримларини таржимаи ҳолида кўриб ўтдик. Маълум муносабат билан ёзилган шеърлари орасида Тошкент ноиби вафотига бағишланган («Тарихи фавти ноиби Тошкандий») беш байтлик тожикча таърих-марсияси бор. «Ноиби Тошкандий» 1892 йилдаги Тошкент қўзғолонининг ташкилотчиларидан ва фаол иштирокчиларидан Инъомхўжа² бўлади. Туркистон ҳарбий округ суди уни 1892 йил 10 декабрда Иркутск губерниясига сургун қилган эди. Бироқ у ка-

¹ Маҳфил — анжуман, базм.

² Инъомхўжа Умархўжаев (1833—1897) асли қўқонлик, савдо ишлари билан Тошкентга келиб, яшаб қолган. Занжирлик маҳалласи қариялари уни ёқтиришиб, Шайхонтоҳур даҳа оқсоқоллиғига сайлайдилар. Бироқ унинг дадиллиғи чор маъмурларига ёқмайди ва ишдан четлатилади. Аммо халқ уни 1880 йили яна қўллаб чиқади ва шаҳар оқсоқоллиғига сайлайди. *Бу ҳақда қаранг:* Узбекистоннинг янги тарихи, Биринчи китоб, Т.: Шарқ, 2000, 350-351-бет.

7 — Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти

салмандлиги туфайли шу ерда қолдирилади. Қамоқни шу ерда ўтайди. 1897 йилнинг 3 февralида шу ерда вафот этади.

Таърих-марсияда шоирнинг рус сиёсатига қарши бош кўтарган қаҳрамонга меҳр-муҳаббати очиқ ифодаланadi. «Гарчи ҳибсда гурбатдан қон йиғласа-да, оқибат шаҳид бўлди. Унинг вафоти куни азиз-авом, катта-кичик бутун Хўқанд халқи мотам тутди», — дейилади марсияда.

Муқимий Инъомхўжа машаққатларига ўзини ҳамдард тутadi. Шоир фикрича, Инъомхўжа ўлган эмас, у шаҳиддир. У ҳаётга шунчаки келиб-кетган эмас, жуда катта иш қилган. Шу сабабли, у эл-юртнинг меҳрига, муҳаббатига мушарраф бўлган. Шунинг учун ҳам унинг ўлимига бутун Хўқанд аза тутди.

Афсуски, Муқимий 1898 йилги Дукчи Эшон бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракатини мана шундай теран англай олмади. Рус ҳукуматининг расмий талқини изидан бориб, ҳажвиялар битди.

Лирикаси Муқимийнинг жуда кўп ғазаллари унинг тириклигидаёқ кўшиқ қилиб куйланган. Унинг шеърлари кўпроқ хонандалар орқали ёйилган. Жуда кўп таниқли санъаткорлар ўз ҳаётларини Муқимий ижоди билан боглаганлар. Шоир шеърларида Мамажон макай, Низомхон, Фарзинча (Фарзинхон), Исмоил найчи исмлари учраб қолади. Уларга бағишланган байтлар, шеърлар ҳам бор. Булар ўша даврдаги машҳур санъаткорларнинг исмлари, лақаблари. Муқимийнинг улар билан бундай яқин алоқаси бежиз эмас. Шоир ғазаллари мусиқий, оҳангдор эди, харидори кўп эди.

Бу шеърларнинг мавзуи аксарият анъанавий, ёр ҳақида. Унинг ҳусни, яъни қоши, кўзи, юзи, сочи, қадди-қомати таърифига бағишланган.

Ошиқ шоир висолдан қувонади, ҳижрондан изтироб чекади. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам ёрнинг ҳусни давлатига ривож тилайди. Унинг меҳр ва шафқатидан умидвор. Аммо у ёр қанчалик гўзал бўлса, шунчалик бевафо, жафокор. Шу сабабли, шоир шеърларида қувончдан ҳасрат кўп.

Тийгинг менинг қонимдадур,
Зулфинг гирибонимдадур,
Юз минг алам жонимдадур,
ман мубтало қайда борай?!

Ишқий анъанавий шеърлар замонга мосланиб борди. Масалан, Муқимий ва унинг замонасида «Суратинг» радибли шеърлар пайдо бўлди. Бу, биринчи навбатда, фотографиянинг ҳаётга кириб келиши билан изоҳланади.

Муқимий лирик жанрлардан мураббаъга алоҳида эътибор берди. Маълумки, мураббаъ бошқа жанрлардан, аввало, вазн ва қофиясига кўра фарқланади. Рубоий фақат ҳазаж баҳридагина ёзилса, мураббаъ учун бундай чекланиш йўқ. Рубоий, туюқ мустақил

тўртликлардир, мураббаъда эса бир неча тўртликлар қўшилишидан яхлит асар бўлади ва улар а а а а, б б б а, в в в а шаклида қофияланадилар. Сўнгги бандда тахаллус бўлади.

Муқимийнинг мураббаълари йигирмадан ортиқ, деярли ҳаммаси ишқий мавзуда. Оҳангдор, равон. Вазнига кўра аруздан бармоққа яқин туради. Халқ қўшиқларини эслатади. Масалан:

Эмди сандек жоно, жонон қайдадур,
Кўриб гул юзингни боғда бандадур,
Сақлай ишқинг токи жоним тандадур,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Меҳринг ўти ногаҳ тушди жонларга,
Парвойим йўқ зарра хону монларга,
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Эрта-ю кеч фикру зикрим хаёлинг,
Бир сўрмадинг: «Налар кечди аҳволинг?»
Эсларимга тушиб ширин мақолинг,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Шоирнинг айрим ғазалларида унинг ҳаёти билан боғлиқ лавҳалар акс этган.

Ёр ила не хуш замони рўзгорим бор эди,
Подшолик давлатидин ҳамки орим бор эди, —

матлаъи билан бошланадиган ғазал шундайлардан. Шеърда бошдан-оёқ ёр билан кечган кунларни қўмсаш ҳукмрон. Бу, эҳтимол, маъшуқадур. Эҳтимол, бирор дўстдир. Балки оиласи — хотини Санамиби ва ўғли Акбархўжа билан бирга кечирган кунлардир.

Шоирнинг яна бир шеъри:

Подшоҳ йўқлатсалар, ногаҳ гадо деб ахтаринг,
Тутманг ҳаргиз номими, бахти қаро деб ахтаринг, —

матлаъи билан бошланади. Ундан Муқимийнинг қандайдир бир «иш»да айбланиб, таъқиб этилгани англашилади. Умуман олганда, шоирнинг катта-кичик амалдорлар билан алоқаси яхши бўлган эмас. Шахсий ҳаётидаги омадсизлик, ҳукумат хизматида чиқишиб ишлаб кета олмаслиги, оқибатда турмушининг ночор бир ҳолга тушиши, Ҳазрат мадрасасида ғарибона ва сўққабош ҳаёт кечиришга мажбур бўлиши «Толеим» шеърида таъсирчан акс этган:

Оҳким, афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толеим,
Вожгун¹ дур имтиҳон қилдимки, аксар толеим...

Юз тарафдин еткуруб, гарди кудурат² занги ғам,
Айлағай ойнаи таъбим мукаддар³ толеим.

Ҳар неча қилсам тавалло — зор қилмас илтифот,
Рўйгардон⁴ тескари, тобора бадтар толеим.

Рўзгорим тийра, иқболим забун, бахтим қаро,
Бўлса равшан, бормукин тадбири дийгар толеим?

Ногаҳон берсам, Муқимий, бир мусулмонга салом,
Дафъатан икки қулоғини қилур қар, толеим.

Яна бир шеърида ёзади:

Кетардим бош олиб, гар бўлса эрди, рўзгорим йўқ,
Нетай безоду тўша⁵ йўлга юрмакка мадорим йўқ.
Турарга қолмади тоқат, кўнгулда ихтиёрим йўқ,
Ўзингдан ўзга, ё раб, раҳбари лайлу наҳорим йўқ,
Ҳидоят айлағайму деб Муқиминг интизор ўлмиш.

Яна бир маълумот. Москвадаги жияни Р. Дўстматовга хатидан:

«Бечорачилик. Подшолик мадрасаларимизни(нг) вақфини олиб қўйган, ҳеч бир тарафдан даромад — дахл йўқ, қашшоқ-лиғ».

Илгари мадрасаларнинг сарфу харажатини таъминлаб туриш учун вақф (ер, мулк) ажратилган. Русия Туркистонни босиб олгач, шуларни олиб қўйди. Мадрасаларнинг таъминоти бузилиб, бирин-кетин ёпила бошлади. Айниқса, мадрасаларда истиқомат қилувчилар қийин кунда қолдилар. Муқимийнинг ўз тақдири ва тирикчилигидан зорланиш сабабларидан бири — шу.

Муқимийнинг энг сара лирик шеърларидан бири «Навбаҳор»дир. «Навбаҳор» — янги баҳор дегани. У — уйғониш фасли. Борлиқнинг, мавжудотнинг энг сара фасли. У тириклик нишонаси, табиатнинг узоқ, рутубатли қишдан кейинги қайта жонланиши. Ана, қорлар кўтарилиб, ернинг иссиқ нафаси тупроқлар орасидан кўкка ўрлайди. Қушлар чуғури тинмайди, қалдирғочлар тикка кўтарилади. Чор атроф яшиллик билан қопланади. Шоир бу манзарадан туганмас

Табиатдан
жамиятга

¹ вожгун — тескари.

² кудурат — ғам-ғусса.

³ мукаддар — доғ.

⁴ рўйгардон — юз ўгириш.

⁵ безоду тўша — сармоясиз, пул-анжом ашёсиз.

завқ-шавқ олади. Тирикликнинг нақадар улугъ неъмат эканлигини англайди. Унда ҳаётга сўнгсиз иштиёқ уйғонади. Энг муқими, чинакам умр одамлардан узоқда кечириладиган узлатнишинлик эмас, дўстлар билан тўлиб-тошиб, ёниб-жўшиб яшамоқ экан:

Навбаҳор! Очилди гуллар, сабза бўлди боғлар!
Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоғлар!

Хуш бу маҳфил¹да тириклик улфату аҳбоб ила,
Ўйнашиб, гоҳе табиатни қилайлик чоғлар!..

Лекин, афсуски, замона — ёмонники. Ақлли, доно кишилар (аҳли тамиз) оёқ остида, булбул ўрнини қарға (зоғ)лар олган:

Ҳайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Одилар ҳар ерда булбул ошёнин зоғлар.

Шоир кутилмаганда гапни мана шундай жамият ҳаётига буради ва унга ўз муносабатини билдиради. Агар замона адолатли бўлса, ҳар ким ўзига муносиб жойда бўлмоғи лозим эди. Ҳолбуки ундай эмас. Шоирнинг эътирози шунда.

Ҳажвиётни Муқимий кўплаб ҳажвий шеърлар ҳам ёзди. XIX аср охиридаги тарихий шароитда томир отган такаббур, порахўр танобчиларнинг, товламачи, юлғичларнинг эсда қоладиган образларини яратди. У ўз шеърларидан бирини «Танобчилар» деб атади. Танобчи — ер ўлчовчи дегани. Эрта баҳорда деҳқон ерга экинни экиб бўлгач, махсус кишилар чиқиб уни ўлчаганлар ва шунга қараб солиқ белгиланган. Бир таноб — гектарнинг олтидан бирини ташкил қилган. Муқимий шулардан иккитасини қаламга олади. Шеър улардан зулм кўрган бир деҳқоннинг ўзига хос «арзнома»сидир. Муаллиф шундай хикоя қилади:

Бўлди таажжуб қизиқ хангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар.

Сўнг гап ўн икки ойда бир келадиган таноб воқеасига ва танобчиларга кўчади. Улар: Султон Алихўжа ва Ҳакимжон. Улар бир-бирлари билан ғоят иноқ. Икки амалдорнинг гапи бир ердан чиқмоғи учун иноқлик лозим. Улар қайси қишлоққа борсалар, элни йигиб, ўзларини зиёли, анбиёу авлиёлар зотидан қилиб кўрсатадилар. Сўнг бу ҳам етмагандай дўқ-пўписага ўтадилар. Хуллас, пора

¹ маҳфил — базм, анжуман.

олмагунча қўймайдилар. Ҳам «эллигу юзни» оладилар, ҳам та-
нобларини «ду чандон» (икки марта) ошириб кетадилар.

Воқеа шундай яқунланади:

Ақча қўлида икки-уч мўсафид,
Дерки: «Бу назрингизу, бизлар — мурид».

Зулм билан эллигу юзни олур,
Боз танобини ду чандон солур.

Шоир шундай хулоса чиқаради:

Тағи булар яхшию бизлар ямон,
Эл тамизидин ҳазар эт, альамон.

Мақтанчоқ, ҳаромхўр танобчиларнинг мушугини «пишт» дей-
диган кимса йўқ. Халқ — гумроҳ. Чор ҳукуматига эса шуниси
маъқул. «Танобчилар» адабиётимиз тарихида ушбу ҳолатнинг
умумлашма ифодасини берган асар сифатида алоҳида аҳамиятга
эга.

Сайлов — адабиётимиз учун янги мавзу. Чор ҳукумати Тур-
кистонда сайловни жорий этди. Юзбоши, мингбоши, қози сай-
ланадиган бўлди. Лекин бу сайлов порахўрликка йўл очди.
Бадавлат кишиларнинг пул сочиш мусобақасига айланиб кетди.
Муқимийнинг «Сайлов» шеъри шу ҳақда.

«Тўйи Иқонбачча»да бир тўй ҳангомаси тасвирланган. Тош-
кентдаги бир бойнинг Иқондаги гумашта (хизматчи)си тўй қил-
моқчи. Ҳаммаёққа овоза тарқатган: ундай қиламан, бундай қила-
ман!.. Ногоҳ Тошкентдан «хўжайин» «сизга тўй қилишни ким
қўйибди», деган мазмунда сим қоқади. «Тўйнингдан агарда чиқса
тутун, Мунда бер дастмояларни бутун», — дея танбеҳ беради. Имога
маҳтал гумашта ва унинг хотини хурсандчиликларини зўрға яши-
радилар. Енг учиди тўй ўтади. «Шираворнинг ўзига икки юз сўм
бўлурми?!» деб керилиб юрган гумашта, тузни ҳам «чўт»га урган-
да, ўттиз уч тангалик тўй қилади.

Шеърда мана шу «тўй»га тайёргарлик ва унинг ўтказилиши
кулгили бир шаклда ифода этилган. Масалан, тўй яширинча
ўтиши керак эди. Шоир уни шундай тасвирлайди:

Ўчоқ устида гар йўталса биров,
Ер эди елкасига катта касов.

Бири қаттиқ чиқарса овозин,
Билмасин қўшни, деб тутиб оғзин.

Ёки тўйга айтишни кўрайлик:

Етти одамни ўз маҳалласидин,
Қорни тўқ, янги тўн басалласидин.

Қилди шовқинламай имо уйидин,
Мундин, ундин, юқоридин, қуйидин.

Мана, меҳмонларга ош қўйилиши:

Сузди ош бир ликавда уч кишидин,
Кетти ошни кўриб ҳамма ҳушидин.

Ош мисоли табақда кўз ёши,
Курмаки кўп, гуручидин тоши, —

ва ҳоказо.

Муқимийнинг бир қатор ҳажвий шеърлари борки, улар аниқ, тайинли кишилар ҳақида. Масалан, «Ҳажви Викторбой», «Ҳажви Виктор», «Воқеаи Виктор» шеърлари Виктор Димитрович Ахматов ҳақида. У Қўқондаги ака-ука Каменскийларнинг савдо идорасида иш бошқарувчи бўлган. 1891 йили Москвадан арзон мол келтириб бераман, деб бир тўда содда ўзбекларнинг пулини олиб, бедарак кетган. Бу гап ўз даврида бутун Фарғона водийсига ёйилиб, шов-шув бўлган.

Иккинчи бир «қаҳрамон» Лахтин дегани ҳам шунақа юлғич, учарлардан. У бир қатор завод, фабрикалар, босмаҳона ҳам очган эди. Шоирнинг «Дар шикоятти Лахтин» шеъри шу ҳақда.

«Масковчи бой таърифиди» шеъри маҳаллий бойларимиздан Ҳодихўжа ҳақида ҳикоя қилади. У рақобатга дош беролмай, уқувсизлик қилиб синган бойлардан.

«Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи»да қариб қуйилмаган, ҳажга бориб келса ҳам ахлоқи бузуқлигича қолаверган бир бойнинг қилмиши ва у қўлга тушганида сувдан қуруқ чиқиши ҳажвий йўсинда тасвир этилган.

Бу ҳажвияларнинг кўпчилиги мумтоз шеърятимизнинг маснавий жанрида ёзилган. Масалан, «Танобчилар», «Тўйи Иқонбачча», «Масковчи бой таърифиди», «Воқеаи Виктор» каби. «Сайлов», «Дар шикоятти Лахтин», «Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи» газал йўлида қофияланган. «Ҳажви Виктор», «Ҳажви Викторбой» мухаммасда ёзилган.

Қизиғи шундаки, Муқимийнинг айрим сатирик шеърлари ҳам куйга солинган. Масалан, «Ҳажви Викторбой» мухаммасининг матнини Н. Остроумов ашулачилар оғзидан ёзиб олгани маълум.

Муқимий қатор шеърларида қулоқларни тарақа-туруғи билан

батанг қилувчи, шалағи чиққан аравалар («Ароба»), «фақир у бой», «зоҳиду обид» демасдан, оёқдан олиб ерга йиқитадиган «полвон», «лой» («Лой») ҳақида гап кетади.

Муқимийнинг жияни Р. Дўстматов 1898 йили Қўқонга келганида безгак билан касалланиб қолади. Шоирнинг «Безгак» радибли шеъри шу муносабат билан ёзилган. Шоир унга одамга хос хусусиятлар беради. «Номусулмон» деб қаргайди, мезбонликни ўрнига қўймаганликда айблайди:

Демаским: «Тутмайин, қавму-қариндошини кўрмаққа,
Келибдур мунда Масковдан неча кун меҳмон», безгак.

«Пашшалар» шеърида кечаси оқи, кундузи қораси ором бермайдиган пашшаларнинг «бир-бирини қувлашиб», доимо «ғавғо» кўтаришини, «жанжали» битмаяжагини хабар қилади. Улар устидан «судясига арз этмоқчи» бўлади.

«Кўса» туркумидаги тўрт шеъри машҳур найчи Исмоил ота ҳақида. Шоир ўз дўстининг камсуханлигига ишора этгани ҳолда унинг касб-кори, ётиш-туриши билан боғлиқ ҳар хил қочиримлар қилади.

Хуллас, Муқимий турмушнинг хилма-хил манзараларини, замондошлари ва уларнинг феълларини кулгили, эсда қоладиган лавҳалар, ифодалар билан бизга етказди. Бу шеърлар оҳангига кўра ҳам енгил, равон.

Саёҳатномалари Муқимий Фарғона водийси бўйлаб қилган саёҳатлари таассуротларини шеър қилиб ёзди ва булар «Саёҳатнома» номи билан шуҳрат топди. Булар шоирнинг Қўқон—Фарғона, Қўқон—Шоҳимардон, Қўқон—Исфара саёҳатлари таассуротларидир. Ҳар уч саёҳатнома яхлит бир асар шаклида бўлиб, тўртликлардан таркиб топган. Жами 244 мисра. Ҳаммаси бир вазнда—ражази мураббаи солимда, ҳар бир банд «экан» радифи билан якунланади. Ҳаммаси учун битта умумий муқаддима ва битта умумий якун—хулоса бор. Асарда саёҳат сабаби берилади, сўнг турли манзил—қишлоқлар, уларнинг табиати, манзаралари тасвир этилади. Жойлардаги одамлар, феъл-удумлар ҳикоя қилинади.

«Саёҳатнома»:

Фарёдким, гардуни дун,
Айлар юрак-бағримни хун.
Кўрдикки бир аҳли фунун —
Чарх анга кажрафтор экан, —

сатрлари билан бошланади.

Мумтоз адабиётимизда «ҳасби ҳол» деган махсус жанр бор. Унда шоир ўз аҳволи ҳақида ёзади. Гоҳо унинг айрим кўринишлари бошқа хил шеърларда ҳам учрайди. «Саёҳатнома»да мана шундай ҳол мавжуд. Шоир «гардуни дун» («пасткаш дунё»)дан фарёд қилади, юрак-багрини «қон» («хун») қилганидан шикоят этади. «Аҳли фунун» («илм-фан кишилари»)га бу дунёнинг ҳаммаша тескари («кажрафтор») юрганини таъкидлайди. Шоир бу фикрини олтинчи бандда давом эттириб, саёҳат сабабини шундай аниқлаштиради:

Қолмай шаҳарда тоқатим,
Қишлоқ чиқардим одатим.
Хоҳи яёв, бўлсун отим,
Гоҳ сайр ҳам даркор экан.

Муаллиф кайфияти, ҳолати, атроф-муҳитга, кишиларга муносабати «Саёҳатнома» сатрларида аён сезилиб туради. Масалан, шоир Шоҳимардон томон йўл олар экан, Ултарма, Дўрмонча, Бўрбалиқ, Оқ ер, Рошидон, Зоҳидон, Олтиариқ, Чимён, Водил қишлоқлари билан таништиради, уларнинг ҳар бирини таъриф-тавсиф этади:

Аммо назарда Рошидон
Фирдавс боғидин нишон.
Ўйнаб оқар оби равон,
Саҳни гулу гулзор экан.

Ёки:

Водил мақоми дилфизо,
Кўчаларидур дилкушо,
Анҳорида оби сафо,
Себарга обишор экан.

Худди шунингдек, кейинги саёҳатномасида Кудаш, Яйпан, Нурсух, Бешариқ, Конибодом каби қишлоқ ва шаҳарлар билан боғлиқ тафсилотлар берилади. Шоир соя-салқинга кўмилган Рапқонни, толзорлари кишини маҳлиё қиладиган Яйпани завқ-шавқ билан мақтайди. Она-Ватаннинг бетимсол табиятини, кўзни қамаштирувчи манзараларини, «анҳору сою чўллари» ва «ширин зардолулари»ни сўнгсиз меҳр ва ифтихор билан тасвирлайди.

Асарнинг оҳанги равон, ўйноқ. Ражазнинг тўрт рукник солим баҳрида ёзилган, яъни мустафъилун мустафъилун.

Нурсух каби бир жой кам,
 — — √ — — — √ —
 Тушмай ўтиб қилди алам,
 — — √ — — — √ —
 Олма анор ўрнига ҳам,
 — — √ — — — √ —
 Боғида току занг экан.
 — — √ — — — √ —

Муқимий «Саёҳатнома»си Қўқон шоирлари орасида акс-садо топган. Фурқат, Завқий, Тажаллий каби забардаст шоирлар Муқимий асарининг вазни ва радифи билан саёҳатномалар ёзганлар. Фурқат «Саёҳатномаси» фурқатшунос Ш. Юсупов томонидан эълон қилинган. Завқий саёҳатномаси «Обид мингбоши ҳақида ҳажв» номи билан танилган. Тажаллий «Саёҳатнома»сидан парчаларгина етиб келган.

Иккинчи томондан, агар биз XIX асрда Бухоро адабий муҳи-тида ҳам форс-тожик тилида саёҳатномалар битилганини хотирга олсак, мазкур жанрнинг ушбу даврда кенг шуҳрат топганлиги маълум бўлади. 70-йилларда Бухорода ўқиб қайтган Муқимийнинг улардан беҳабар бўлган бўлиши мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, Муқимий шеърини янги ўзбек адабиётининг шаклланишида, айниқса, унда ижтимоий сатира ва сероҳангликнинг марказий ўрин эгаллашида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шоир ҳақида бир қатор бадиий асарлар ёзилган, жумладан, Собир Абдулланинг «Мавлоно Муқимий» романи бор.

ФУРҚАТ (1859—1909)

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат — миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари-дан бири. У шоир ва адиб, адабиётшунос ва муаррих, элшунос ва мутаржим сифатида ўзидан бой маънавий мерос қолдирди. Фақат бугина эмас. У биринчи ўзбек журналисти ҳам эди. «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида чоп этилган адабий ва сиёсий-публицистик мақолалари кўп жиҳатдан бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Шунингдек, Фурқат замонасининг машҳур хатотларидан эди. Унинг бу борада кўплаб шогирдлар етиштирганлиги манбаларда қайд этилган. Табиб сифатида шуҳрати янада юксак бўлганлиги маълум. «Зубдатул-ҳукамо» унвонининг соҳиби бўлганлигиёқ унинг бу борадаги камолоти нечоғлик эканлигига далил. У сайёҳ сифатида Туркия, Булгория, Юнонистон, араб мамлакатлари, шунингдек, Ҳиндистон ва Хитойда бўлди. Сафар таассуротлари, ўша давр кишиларининг маънавий олами, турли давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирди.

Бир сўз билан айтганда, Фурқат қомусий олим ва ижодкор сифатида миллий маънавиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшди.

Фурқат ижодини ўрганиш тарихидан Дастлаб шоир асарларининг нашрлари тўғрисида. Уларнинг чоп этилиши ва оммалаштирилишида филология фанлари доктори Холид Расулнинг хизматлари катта бўлди. У Фурқат «Танланган асарлари»ни жами етти марта (1940, 1951, 1958, 1959, 1975, 1980, 1990 йилларда) нашр эттирди. Булар ичида, Фурқат «Асарлар мажмуаси»нинг турли манбалар асосида тайёрланиб, араб ёзувида чоп этилган икки жилдлик факсимиле нашри, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур нашр шоирнинг шу пайтгача эълон қилинган «Танланган асарлар»ига нисбатан анча мукамал эканлиги билан ажралиб туради. Шунга қарамай, шоир асарларини

қўлёзма манбалари билан қиёслаш натижалари бу тўпламнинг ҳам айрим камчиликлардан холи эмаслигини кўрсатмоқда. Жумладан, тўпламга шоирнинг баъзи эътиборли асарлари кирмай қолганлиги, кирганларининг ҳам айримлари матн жиҳатидан нуқсонли эканлиги ушбу фикрни қувватлайди.

Профессор Ф. Каримов ва адабиётшунос Н. Ҳотамовлар ҳам шоир асарларини бир неча марта (1959, 1973 йилларда) чоп эттирдилар. Бундан ташқари, Фурқат «Танланган асарлар»и рус (1958, 1962, 1972 йилларда), хитой (1989) ва уйғур (1989) тилларида ҳам қайта-қайта нашр қилинган.

Шоир асарларини ўрганиш унинг ҳаёт пайтиданоқ бошланган. «Туркистон вилоятининг газети» ўзининг ўн уч сонидида шоир таржимаи ҳолини эълон қилганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Фурқат хорижда экан, 1896 йили рус миссионерни Н. П. Остроумовнинг «Сарты» асарида унинг «Тошкент шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида», «Бал хусусида» манзумалари ҳамда «Аҳволот» асари рус тилига сўзма-сўз таржимаси билан босилиб чиқади.

1894 йили Санкт-Петербургда Русия Археология жамияти Шарқ бўлими Ахбороти VIII жилдида Фурқатнинг «Мухаммас Муҳаммад Худоёрхон тилидан» асари тўла ҳолда русча таржимаси ва изоҳлар билан эълон қилинади. Мазкур «Ахборот»нинг 1909 йилги 12-сонидида шоирнинг «Сабоға хитоб» асарининг дастхат нусхаси ҳақида А.Н. Самойлович ахбороти, шеърий мактубнинг бошланиши ва охири, унга муаллиф томонидан ёзилган кириш сўз ва сўнгсўз чоп этилади.

Жадидлар шоир ҳаёти ва ижодига алоҳида қизиқиш билан қараганлар. Исмоилбек Гаспрани томонидан нашр этилган «Таржимон» газетасининг 1896 йил 18 август 32-сонидида бу пайтда хорижда яшаётган шоир Фурқат ва унинг журналистик фаолияти тўғрисида хабар-мақола эълон қилинган. Хабар-мақола Фурқат ва жадидчилик масалаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

XX аср бошида Оренбургда нашр этилган «Шўро» журнали ва унинг Туркистон жадидчилик ҳаракатида тутган мавқеи мутахассисларга аён. Мазкур журналнинг 1909 йил 1-сонидида Фурқатнинг «Мухаммас Муҳаммад Худоёрхон тилидан» асари тўла ҳолда эълон қилиниши шоир ижодиётига жадидларнинг катта қизиқиш билан қараганлигини кўрсатувчи яна бир муҳим далилдир.

Лекин Фурқат ижодиётига муносабат ҳар доим ҳам бир хил кечди, ҳамиша у яхши сўзлар билан эътироф этилди, дейиш қийин. Зиё Саид «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар» номли

тадқиқотида «қора давр» ҳақида тўхталлади, ««Туркистон вилоятининг газети»... ёзишувчилари бошда губернатур идорасида хизмат қилғувчи эски мирзалар» бўлганлигини таъкидлаб, «кейинроқ шоир Фурқатнинг узундан-узун шеърлари кўрина бошлаган»¹ идан ёзғирадики, бу шўро сиёсатининг талаби эди.

Миён Бузрук Солиҳовнинг 1935 йили нашр этилган «Ўзбек театр тарихи учун материаллар» асарида ҳам шоир меросига нисбатан худди шундай муносабат кузатилади. У ушбу китобида «... рус театрусининг ерлилар орасида ҳавас ва қизиқиш туғдиргани» тўғрисида ёзиб, Тошкентда «Суворов» номли пьеса томошага қўйилгани ва «... тамошочилар орасида машҳур шоир Фурқат ҳам бўлган»лигини таъкидлайди. Суворов ҳақидаги манзуманинг 44 байтини келтириб, «Фурқатда театру ҳаётига ҳавас ва берилиш очиқ сезилиб туриши»ни қайд этади. Унинг «юрт катталари» — буржуазия элементларининг завқларига кўра шеърлар ёзиш билан танилган ва уларнинг ёрдамлари билан кун кўриб юрган шоир» бўлганлигидан шўро ўқувчиларини «огоҳлантиради».

Шунга қарамай, мазкур тадқиқотда баъзи муҳим фикрлар ҳам мавжуд. Жумладан, унда Фурқатнинг ўз шеърларини йиғиб, девон тузганлиги ҳақида маълумот берилган.

1954 йили Холид Расулнинг «Зокиржон Фурқат ижоди», «Фурқат — маърифатпарвар, демократ шоир» номли китоблари нашр этилди. Улар шоир ижодини монографик ўрганишнинг дастлабки намуналари эди. Олим 1959 йили бу мавзуга яна қўл урди. Унинг «Фурқат» танқидий-биографик очерки эълон қилинди. Шу йили Ҳ.Воҳидовнинг «Фурқат — маърифатпарвар шоир» рисоласи босилиб чиқди.

Фурқатнинг 100 йиллиги муносабати билан нашр этилган «Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар» (1958) ҳамда «Зокиржон Фурқат» (1959) номли икки мақолалар тўплами шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда алоҳида ўрин тутди. Ҳар икки тўпламдаги материаллар Фурқат ижодининг ҳали тадқиқотчилар эътибори етарли қаратилмаган жиҳатларига бағишланганлиги, кўп ҳолларда муҳим масалалар ўртага қўйилиб, пухта ҳал этилганлиги, муҳим илмий-назарий хулосалар чиқарилганлиги билан эътиборга молик. Ғ. Каримовнинг 1960 йили «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган «Фурқат ҳаёти ва ижодига доир баъзи материаллар» мақоласида ўша пайтда Қозоғистон Марказий Давлат архивида сақланган, кейинчалик Тошкентга, Ўзбекистон Марказий Давлат архивига кўчирилган муҳим манба — Н. П. Остроумов шахсий фон-

¹ Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. Т., 1927. Китобда: Танланган асарлар, 1974, 26-бет.

дидан аниқланган Фурқатнинг хориждан йўллаган 18 дастхат мактуби, 4 илмий-этнографик асари ҳақида маълумот берилади. Уларни ўрганишнинг шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишдаги аҳамияти тўғрисида илмий хулосалар чиқарилади. Ғ. Каримовнинг мазкур тадқиқоти, айниқса, шоирнинг чет эллардаги ҳаёти ҳамда қизғин ижодий фаолиятини ўрганишда янги саҳифа очди.

Э. Каримовнинг рус тилидаги «Ўзбек адабиётида реализмнинг ривожланиши» (1975), «Ўзбек демократик адабиёти реализми» (1986) номли тадқиқотларида ҳам Фурқат ижодига оид эътиборли мулоҳазалар баён қилинди. Тадқиқотда айрим мунозарали жиҳатлар ҳам мавжуд эдики, улар ўз вақтида мутахассислар томонидан кўрсатиб ўтилган.

А. Абдуғафуровнинг «Зокиржон Фурқат» (1977) китоби — шоир ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган биринчи йирик монография. Унда шоир ҳаёти ва ижоди фурқатшуносликнинг ўша даврдаги мавжуд ютуқларини мужассамлаштирган ҳолда анча муфассал тадқиқ этилди.

А. Қаюмовнинг «Шоир Фурқат» («Шарқ юлдузи», 1986, 4—5, 1989, 5—6-сонлар) асари шоир меросини оммалаштириш жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга бўлди, дейиш мумкин. Асарда шоирнинг бир қанча асарлари биринчи марта илмий истифодага олиб кирилди. Айримлари янги талқин этилди.

1984 йили Ш. Юсуповнинг «Фурқат йўлларида» монографияси эълон қилинди. Монографияда Фурқатнинг чет элга кетиш ва қолиб кетиш сабаблари, шоирнинг ватанжудоликда кечган оғир ҳаёти тўғрисида архив ҳужжатлари ҳамда ишончли манбалар асосида эътиборли мулоҳазалар баён қилинди. Тадқиқотнинг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, олим мазкур масалалар юзасидан илгариги илмий ишларда билдирилган фикрлар билан мунозарага киришади ва ўз қарашларига ишонarli далиллар келтиради. Шоирга нисбат бериб келинган бир қанча шеърларнинг, жумладан, Шарифхўжа қози ва Сайидазимбойни танқид қилган деб келинган ҳажвияларнинг унга мутлақо алоқасиз эканлигини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исбот этади. Шоирнинг чор ҳукумати юқори доираларини мадҳ этган деб қаралган асарларини янги талқин қилиб, уларнинг зоҳирига эмас, тағматига эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги муҳим илмий хулосани ўртага ташлайди.

Олим 1990 йили «Фурқат ва ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг янги босқичи» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Диссертацияда мазкур мулоҳазаларини янада янги далиллар, умумлашма илмий хулосалар билан бойитди. Архив ҳужжатлари ва ишончли манбаларга таяниш, илмий хулосаларнинг

тамомила янги эканлиги, янги талқин ва таҳлиллар – Ш. Юсупов тадқиқотларининг ютуғини таъминлаган муҳим омиллар шулардан иборат.

Шўро даврида яратилган бир қанча ижтимоий-фалсафий йўналишдаги тадқиқотларда ҳам Фурқат ҳаёти ва фаолияти, фалсафий қарашлари ҳақида қимматли илмий мулоҳазалар билдирилди. И.Мўминовнинг «Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан» (1960), Ҳ. Воҳидовнинг рус тилида чоп этилган «Туркистонда маърифатпарварлик ғояси» (1979) асарлари, В.Зоҳидов, М.Хайруллаевларнинг тадқиқий мақолалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, университетлар ва педагогика институтлари филология факультетлари учун «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги¹ ва Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан тайёрланган «Ўзбек адабиёти тарихи» (1980) кўп жилдлигининг V жилдида шоир ҳаёти ва ижоди фурқатшуносликнинг ўша пайтдаги энг сўнгги ютуқлари асосида тадқиқ этилди.

Истиқлолгача бўлган даврда мазкур докторлик диссертациясидан ташқари, Фурқат ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган уч номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди².

Кўриниб турибдики, ижтимоий тузум қандай бўлишидан қатъи назар, Фурқат ҳаёти ва ижодини илмий ўрганиш, оммалаштириш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Лекин шўро давридаги тадқиқотларнинг қарийб барчаси учун умумий бўлган, яққол кўзга ташланиб турадиган ва асл моҳиятга кўпда мувофиқ келавермайдиган бир хусусият: деярли ҳар бир шеър, ҳар бир асар талқинида коммунистик мафкура талаблари асосидаги ёндашувнинг, шоирни ўзи яшаб турган тузумдан норози, жабрдийда қилиб кўрсатишга, уни сунъий равишда динга, диндорларга қарши қўйишга уринишнинг очик сезилиб туришидир.

Миллий истиқлол туфайли миллий адабиётшунослигимизнинг таркибий қисми бўлган фурқатшунослик ҳам мафкуравий таъйиқлар таъсиридан халос бўлди. Натижада, шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Бу ютуқларнинг асосий қисмини шўролар замонида бажарилиши мумкин бўлмаган ишлар ташкил этиши, коммунистик мафкура томонидан ман этилган мавзуларнинг тадқиқ қилин-

¹ **Ғ. Каримов** ёзган мазкур дарслик 1966, 1975, 1987 йилларда нашр этилган.

² **Х.Расулов**. Зокиржон Фурқат ижоди. Филология фанлари кандидати илмий даражаси учун диссертация, Тошкент, 1953; **А. Аҳмедов**. Фурқат поэзияси лексикаси. Филология фанлари кандидати илмий даражаси учун диссертация, Тошкент, 1961; **Ж.Усмонов**. Фурқат ҳаёти ва ижодини мактабда ўрганиш. Педагогика фанлари кандидати илмий даражаси учун диссертация, 1969.

ганлиги ҳисобга олинса, уларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Мустақиллик даври фурқатшунослигида ҳаққоний ёритилган мавзулардан бири Фурқатнинг Русия истибдодига муносабати масаласи бўлди. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар шоирнинг мустамлака сиёсатига муросасиз муносабатда бўлганлигини, бу сиёсатнинг асл мақсад-муддаосини, жожеий оқибатларини ўз асарлари воситасида аёвсиз фош этганлигини исботлади¹.

Миллий истиқлол даври фурқатшунослигида шоир ижодининг мутлақо ўрганилмай келган янги қирраси — диний-маърифий ва сўфиёна мавзудаги асарларини эълон қилиш, оммалаштириш ва тадқиқ этиш борасида ҳам эътиборга молик илмий изланишлар (А. Мадаминов, Н. Жабборов, И. Ҳаққулов ишлари) амалга оширилди. Натижада, Фурқат ижодида диний-тасаввуфий мавзу шўро замонидаги айрим тадқиқотларда таъкидланганидек ўткинчи, «... унинг учун типик бўлмаган кайфиятларни акс эттирувчи» эмас, аксинча, асосий йўналишлардан эканлиги илмий жиҳатдан асосланди.

Шўролар замонида бошқа шоирлар каби Фурқат асарларини нашр этишда ҳам коммунистик мафкура талабларидан келиб чиқилди. Унинг аксарият асарлари ножоиз қисқартиришлар билан узук-юлуқ ҳолда чоп этилди. Мавжуд нашрларни қўлёзма манбалар билан қиёслаш натижалари уларнинг бугунги талаблар даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Фақат миллий истиқлол шарофати билангина бу ҳақда очикча фикр юритиш, бу асарларни тўла эълон қилиш, оммалаштириш имкониятлари пайдо бўлди. Натижада шоирнинг шу пайтгача маълум бўлмаган жуда кўп асарлари, уларнинг дастхат нусхалари аниқланди ва бу ҳақда тадқиқотлар эълон қилинди.

Хорижлик тадқиқотчилар ҳам Фурқат шахси ва адабий меросига қизиқиш билан қараган. Шарқ ва Фарбда, яқин ва олис хорижий мамлакатларда Фурқат ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлар яратилган. Америкада Колумбия университети профессори Э. Олворт, Туркияда бошқирд олими, жадидчилик ҳаракати етакчила-

¹ Бу ҳақда қаранг: Ш. Юсупов. Худоёрхон ва Фурқат. Т., «Шарқ», 1995; Шу муаллиф. Хуфия қатламлар. Т., Маънавият, 1999; А. Мадаминов, Р. Тожибоев. Фурқатнинг номаълум муножот-мусаддаси. ЎзАС, 1997 йил 20 июнь. Н. Жабборов. Фурқат ва жадидчилик. — «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар» мавзuidaги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т., Академия, 1998, 180–183-бетлар; Шу муаллиф. Фурқатнинг хорижга кетиш сабабларига оид янги ҳужжат. // Адабий мерос, 1998, 3–4 (69–70)-сон, 50–54-бетлар; Фурқат ва миллий уйғониш. // Жамият ва бошқарув, 1998, 4-сон, 31–33-бетлар; Фурқат: Истибдодга исён. // ТошДУ хабарлари, 1999, 3-сон, 28–32-бетлар.

ридан Аҳмад Заки Валидий, Мажористонда Я. Эккман, Шарқий Туркистонда Неъматулло Убайдулло ҳожи, Қодир Акбар, Аршиддин Тотлиқ каби олимлар шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш борасида диққатга сазовор ишларни амалга оширдилар.

Миллий истиқлолга эришилганидан кейин ўтган давр давомида зикр этилган тадқиқотлардан ташқари, Ш.Юсуповнинг «Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ва Фурқат» номли услубий қўлланмаси нашр этилди. Н.Жабборовнинг «Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари» мавзуидаги номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Шоирнинг вақтли матбуотда иштироки¹ масалаларига бағишланган тадқиқот юзага келди. Ш.Ризаевнинг «Жадид драмаси» асарида Фурқат биринчи ўзбек театр танқидчиси – санъатшунос сифатида талқин этилди².

Ушбу далилларнинг ўзиёқ Фурқат ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш миллий истиқлолдан кейин тамомила янги босқичга кўтарилганлигини, уни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Таржиман ҳоли Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1859 йили Қўқон шаҳрида туғилди. Унинг ўзи «Аҳволот»да бу ҳақда «Хўқанди латифким, бандаға мавлид ва маншаъдур» дея таъкидлайди. Фурқатнинг отаси – Холмуҳаммад замонасининг ўқимишли, зиёли кишиларидан бўлган. Ота-онаси маслаҳатлашиб, 7 ёшида Зокиржонни Муҳаммад Олим исмли мактабдорга шогирдликка берадилар. Шоир бу ҳақда «Аҳволот»да шундай ёзади: «Нухустин ўн беш-йигирма алад майда сурани сабақ олиб ҳифз қилиб, андин тахтага туштум... тахта ҳижосидин чиқиб «Ҳафтияки шариф» сурасига туштум. Олти ой муддати ичида «Ҳафтияк»ни ўқиб тамом қилдим. Баъдаз Қуръони шариф ўқумоққа мутарассид ўлдум».

Фурқат Қуръони карим хатмидан сўнг «Чор китоб» мутолааси билан машғул бўлганлиги, «... эртадин қиёмғача китоб ўқуб, андин намози асрга тегру машқи хат» қилганлигини ёзади. 8 ёшида у «Мантикут-тайр»ни ўқийди. Ўз таъбири билан айтганда «... олти ой болупар уруб, қушлар ҳикоятини хотима ошёнасига кўндуради». Ҳофиз ва Бедил девонлари мутолаасидан кўп баҳра топади.

Фурқат 9 ёшида Навоий «Чор девон»ини ўқишга киришади. «Чун умрим шоҳиди тўққуз парда орқасидин чеҳра кўргузди, Амир Алишернинг туркий девонлариким, Навоий лақабдур, забоним қуши ул хирмандин доначин ўлди» – деб ёзади у. Худди шу пайт-

¹ А. Жалолов, Ҳ. Ўзганбоев. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. Т.: Фан, 1993.

² Ш. Ризаев. Жадид драмаси. Т.: Шарқ, 1997, 30–34-бетлар.

да Навоийни туш кўради. Ундан шеър машқига оқ фотиҳа олади. Навоийга увайсий шогирд бўлади.

Кўп ўтмай, мазкур туш таъбири ҳақиқатга мувофиқ чиқади. У шеър ёза бошлайди. Бу пайтда 9 ёшда бўлган Зокиржон шундай ёзади: «Бир кун ул дабистонда танҳо қолиб китобат қилур эрдим. Нохостдин кўнглум сижжилига бир мазмун жилвагустар ўлуб, фикрим бикридин бир байт зода ўлунди. Филфавр таҳрир низомига чектим, бу эрдиким, байт:

Менинг мактаб аро булду муродим,
Хатимдек чиқса имло-у саводим.

Чун бу фардбайтни устодим назариға еткурдум, кўб истиҳсонлар айлаб, ҳаққимда дуои хайрлар қилди».

Фурқат болалигиданоқ Шарқ шеърияти дарғаларининг шоҳ асарларини аслиятда мутолаа қилди. Дунёқараши ва эътиқоди шу асосда шаклланди. Жумладан, у 10 ёшида Фузулий газалиёти ва Суфи Оллоёрнинг «Маслакул-муттақийн»и мутолаасидан баҳраманд бўлади.

Шундан кейин «саводи такмили учун» бир йилга яқин «халифалик мақомида» дарс беради. Мулла Қамбарали исмли хушнавис кишидан хаттотлик сирларини ўрганadi. Ашурмуҳаммад қоридан қироат илми бўйича таълим олади. «Каломуллоҳ»ни «хат юзидин қироат айлаб, хатм қилади». Ун икки ёшида Подшоҳхўжа исмли мударрисга шогирд тушиб, «Аввали ҳол — аввали илм» рисоласини ўқийди. Араб тили сарф ва наҳвига оид «Бидон», «Авомил», «Ҳаракот», «Кофия» китобларидан таҳсил олади. «Мавъизи Вазанжоний» рисоласини ўқийди. Ун тўрт ёшида «Шарҳи Муллои Жомий» ва «Рисолаи шамсия» асарлари бўйича илмини янада мукамаллаштиради. Мунтазам ижодий фаолият билан шуғулланади.

Лекин замон носозликлари боис шоир тирикчилик билан машғул бўлиш мажбуриятини сезади. 1878 йили тоғасининг даъвати билан унинг ёнига, Янги Марғилонга бориб, бир қанча муддат савдо ишлари билан банд бўлади. Кўзон хонлигидаги тўс-тўполонлар, тож-тахт талашлари туфайли узилиб қолган мадраса таҳсилини давом эттиришга ҳаракат қилади. Ижод билан шуғулланади. Олимлар, шоирлар шаҳри бўлган Марғилонда Фурқат Ҳожи домла, Қарший домла каби маърифатпарварлар билан танишади, илмий суҳбатларда, шеърият анжуманларида фаол қатнашади. Бу ерда рус маданияти, «Туркистон вилоятининг газети» билан илк бор танишади.

У Янги Марғилонда оддий инсонларга ёрдамда бўлади. Ши-

қоят билан келган кишиларга ариза ёзиб беради, йўл-йўриқ кўрсатади. Ҳатто хизмати учун ҳақ олмайди.

Шундан кейин отасининг даввати билан Қўқонга келади. Муқимий, Муҳйи, Завқий, Нисбат, Муҳаййир каби шоирлар муҳитида қизгин ижодий фаолият билан машғул бўлади. Аини мана шу даврда «Чор дарвеш»ни форс тилидан таржима қилади. «Ҳаммоми хаёл», «Нуҳ манзар» асарларини яратади. Лирик шеърлар ижод этади.

1886–87 йилларда Қўқондан яна Марғилонга боради ва бу ерда Масжиди жомеъдан ҳужра олиб яшай бошлайди. Кўп ўтмай Муҳаммад Шариф деган савдогар дўстининг ёрдами билан дўкон очади.

Ҳўжажон Рожий (1834–1918), Умидий-Ҳавоий (1835/36–1905/06), Мулла Тошболту Роиқ, Исҳоқхон Ибрат (1862–1937) каби шоирлар билан дўстлашади.

1889–91 йилларда Тошкентда бўлиши унинг тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнади. Ушбу воқеанинг тарихи қуйидагича эди:

Фурқат 1889 йилнинг бошларида саёҳат орзуси билан Марғилондан йўлга чиқади. Қўқонда бир кун туриб, Хўжандга келади. Мирза Насриддин деган дўстиникида бир неча кун меҳмон бўлади, шоир Тошхўжа Асирий билан узоқ суҳбатлар қуради. Улар ўзаро жуда аҳил эдилар, бир-бирларига ёзган шеърый мактублари турли баёз ва тўпламларда сақланиб қолган.

Шоир Хўжандда бир оз туриб қолади. Дўстлар орттиради, шаҳар атрофларини айланади. Бир муддат тоби ҳам қочиб қолади. Ўзи табибликдан хабардор бўлгани учун у ердаги табибларнинг муолажасидан кўнгли тўлмайди. Сафарни давом эттириб, Тошкентга йўл олади.

Фурқат 1889 йил июннинг ўрталарида Тошкентга келган. Ҳожи Аъзам деган кишининг ёрдамида Кўкалдош мадрасасига жойлашган. «Аҳволот»да ёзилишича, Ҳожи Аъзам касалланиб қолган шоирга меҳрибонликлар кўрсатади, 9 ой давомида унинг ҳолидан хабар олиб, тузалиб кетишига ёрдам беради. Фурқат унинг ёрдамида Сатторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазизов, Инъомхўжа Умрехўжаев, Жўрабек Қаландарқори ўғли, Шарифхўжа Пошшоҳўжа



Фурқатнинг устози Эшонхўжа домла Маҳмудхўжа ўғли

ўғли, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли, Мирза Абдулла Исомухаммад ўғли каби Тошкентдаги зиёлилар билан танишади.

Шарифхўжа шоир билан бўлган суҳбатларидан бирида тахаллуси «жудолиғ» маъносини билдиришига ишора қилиб, уни «Фарҳат» (шодлик, хурсандлик) билан алмаштиришни таклиф этади. Бу унга манзур бўлиб, шу тахаллус билан бир муддат шеърлар ёзган. Лекин кўп ўтмай, аввалгисига қайтади: тақдир унга «Фурқат» тахаллуси билан тарихга киришни насиб этди.

1890 йилнинг кўкламида Фурқат Тошкентнинг Шайхантоҳуридаги шеър ва соз муҳлиси Маҳмудхўжа деган кишининг уйига кучиб ўтади, «ошино»гина эмас, «оға»дек унга кўнгил боғлайди. Худди шу йил мартнинг бошларида «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири, Тошкент Эрлар гимназиясининг директори Н.П.Остроумов Фурқат билан қаттиқ қизиқиб қолади ва унинг обрў-эътиборидан, шеърый салоҳиятидан унумли фойдаланиш режасини тузади. Чунончи, уни 1890 йил 23 мартда Тошкентнинг янги шаҳар қисмига томошага олиб боради, гимназияни кўрсатади. Рус зиёлилари, амалдорлар, ҳатто «жаноб генерал губернатор» билан, рус маъмурияти хизматида кирган саводхон юртдошлари билан таништиради. «Тошкент шаҳрига келиб, бир неча вақт туруб, Русия халқининг одамлари билан танишиб, ошно бўлуб, аларнинг кўб расмларини кўрдум ва кўрмаганимни сўрдум, — ёзади шоир. — Икки мартаба жаноб генерал губернатор уйига меҳмон бўлуб бориб, анда ҳар хил тамошаларни кўрдум».

Н.Остроумов шоир таассуротларини газетада босиб чиқаради. Масалан, Фурқатнинг гимназия ҳақидаги манзумаси икки ҳафта ўтар-ўтмас «Туркистон вилоятининг газети»да нашр этилади. Бир ҳафтадан сўнг, кейинги сонда «Гимназия» шеъри чоп этилади. Бирин-кетин унинг «Илм хосияти», «Акт мажлиси хусусида», «Нағма базми хусусида», «Виставка хусусида», «Суворов» маснавийлари эълон қилинади.

Табиийки, Н.Остроумов Фурқатнинг шеърларини ўзи муҳаррир бўлган газетада эълон қилишдан рус давлатининг қудратини тарғиб этиш мақсадини кўзлаган. Фурқат эса тамомила бошқа ниятда бўлган: шоирнинг «Ўз нафъимиз учун Русия умурига мулоҳаза қилсоқ лозимдур» деган фикри бунга далил. Демак, у Европа ва рус маданиятини ўз фойдамызга хизмат қилдиришимиз зарур, деган хулосага келди. Мазкур асарларни шу мақсадда ёзди.

Фурқат Муқимийга ёзган шеърый мактубларининг бирида Шайхантоҳурда тураётганини, дўстлари қуршовида эканлигини, ҳар куни, гоҳо эса кунора пешинда «газетхона ишига» боришини маълум қилган эди. Муқимийнинг жавоб мактублари-



Тошкентдаги «Кукалдош» мадрасасининг 1889–90 йиллардаги кўриниши. Иккинчи қават сўл томондан иккинчи туйнукли хужрада Фурқат яшаган

дан Фурқатнинг газетада «таржимонлик» қилгани англашилади. Ҳар ҳолда шоир Тошкентда рус тили билан жиддий шуғулланган. Унинг асарларида рус адибларининг номлари тез-тез учраши бежиз эмас.

Шоир 1891 йил майида Самарқандга борди. Унинг сафар таассуротлари «Туркистон вилоятининг газети»да батафсил ёритилиб турди. Лекин шоир ўз Ватанидан бир умрга чиқиб кетаётганини, қайтмас бўлиб кетаётганини ҳали билмасди.

Фурқат Самарқандда хат орқали ғойибона дўстлашган Мирза Бухорий билан учрашди. Мирза Бухорий атлас савдоси билан бориб, Москва, Петербург, Харьков, Париж шаҳарларини кўрган, кўргазмаларда совринлар олган, айти пайтда, археология илмидан ҳам хабардор киши эди. 1888 йили «Туркистон вилоятининг газети»да унинг Москва ва Петербургга саёҳати хотиралари босилган эди. Фурқат Самарқандда июннинг охиригача турди. «Туркистон вилоятининг газети»га икки мақола ёзди, газетхонларни М. Бухорий ва унинг археологик ишлари билан таништирди. Июлнинг ўрталарида Бухорога йўл олди. Когонда поездга ўтириб, Марв, Ашхобод, Боку, Ботум орқали салкам икки ой йўл босиб, сентябрнинг охирларида Истанбулга етиб келади. Куз ва қишни шу шаҳарда ўтказди.

Истанбул XIX асрда туркистонликларнинг ҳаж йўлидаги асосий шаҳарлардан эди. Шаҳарда ўзбеклар қўнадиган икки таъя бўлиб, бири Ускудорда — Султонтпепада, иккинчиси Султон Аҳмад

майдонида эди. Фурқат, тахмин қилиш мумкинки, шаҳарнинг бу пайтларда анча обод бўлган ва Осиё қисмида жойлашган Султонтепадаги боғчалик такяда қолган. Унинг Истанбулда ёзган асарларидан бири «Сабоға хитоб»дир. Шеър – шоирнинг тошкентлик қадрдонларига йўллаган мактуби. У маснавий шаклида бўлиб, ҳажми 280 сатрни ташкил этади. Номи – шартли, сўнграқ мутахассислар томонидан қўйилган. Шеърдан маълум бўлишича, шоир Тошкентдаги дўстларидан Абдулазизхон деганнинг уйида бўлган бир йиғинда Мирзо Қосим номли кишининг илтимосига кўра, унга мухаммас ёзиб беришни ваъда қилган, лекин буни ўз вақтида бажара олмаган. Шунини Истанбулда ёзиб, Тошкентга жўнатмоқда. Ушбу шеърий мактуб шунинг хабарчиси ҳамдир.

Шеър Истанбулдаги «Миллат боғи»нинг таъриф-тавсифи билан бошланади. Шоир бу машҳур боғни кезар экан, ундаги «мардум» (кишилар)ни «хуррам» (хурсанд) кўриб, олис Тошкентдаги «ёру ошнолар»ини эсга олади. Чақмоқ («барқ»)дай «тезрав», «боди сабо» (тонг шамоли)дан юракдаги салом ва ўтинчларини Тошкентга етказишни илтижо қилади. Хусусан, олисда қолган ёри дилбандини тилга олар экан, аччиқ кўз ёш тўқади. Йўқ, унинг ҳеч нарсадан камчилиги, ҳеч бир нарсага муҳтожлиги йўқ. Маишати жойида, ишлари ёмон эмас. Фақат биргина ғами бор. У ҳам бўлса ёри, дўстлари дийдори. Шунинг учун ҳам у, «кеча тонг отқунча», «тонг отқоч дағи кун ботқунча» йиғлайди. Шунинг учун ҳам унинг «оҳу фиғони», «фалоний оҳ, фалоний» деган ноласи «фалак узра» таралади. Нега? Ватандан чиқиб кетганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Қолаверса, тили, дини, урф-удуми бир келган халқ орасида яшаб турибди. Шунга қарамасдан сўнгсиз бир иштиёқ билан Ватанини, маъшуқасини қўмсайди. Ўзини ғариб, нотавон сезади. Рум (Кичик Осиё, Истанбул) аро «мусофир» бўлишни «қазоро» (тақдир тақозоси) деб биледи. Маишатдан, емоқ-ичмоқдан камчилиги йўқ (маишат бобида «бил кулли масрур»), ғами шулки, ёрининг жамолидан айрилган («маҳжур»), кеча-ю кундуз шунинг ғамида йиғлайди. Фалак узра оҳ-фиғон чекиб, исмини тилдан қўймайди. Нега? Шоир қайтиб келмас бўлиб кетаётганини, она юрти, қадрдонлари билан минбаъд кўриша билмаслигини ҳис қилдими экан? Ахир у «саёҳат орзуси» билан йўлга чиққан эди-ку! Ҳамиша қайтиш умиди билан яшаган эди-ку! Лекин унинг Ватанга садоқатига ҳам, муҳаббатига ҳам заррача шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Қолаверса, бу ердаги ёрнинг маъноси кенг. У Бобурдаги каби Ватан ҳамдир.

Ниҳоят, шоир ўзининг соғинч туйғуларини ифодалашда буюк Навоийдаги кўнглимизга ўрганиб қолган дилсўз сатрлардан – «Не-

дур аҳволинг, эй зори ғарибим, висолим давлатидин бенасибим?» тазмин-иқтибос олади.

Шоир сабодан ёри бўсағасини ўпиб, соғинчини етказишни ўтингач, ошнолари манзилидан дарак беради ва 28 кишини номма-ном келтиради. Булар: Эшонхўжа, Хўжажон муфти, Убайдулло махдум, Жамолхон махдум, Хонхўжа эшон, Маҳмудхўжа эшон... улар орасида қадрдони Ҳожи Аъзамдан санъаткор дўсти Фарзинхонгача, гап ейишган улфатлари-ю «Мирзо ака»си сингари ораларида ноҳақ гап қочиб, узрини айтолмай кетган «муҳаббатпеша яхши ошно»ларигача бор.

Фурқатнинг соғинчлари ниҳоятда самимий. Чунончи, унинг шайхантохурлик Маҳмудхўжа эшонга орзиқишлари, шоирга шунчаки бир «ошно» эмас, «ағо»дек қадрдон бўлиб қолган, «кўп меҳр-шафқатлар, эҳсон мурувват»лар қилган бир кишига бўлган сўнгсиз соғинч иштиёқлари таъсирчан, ёрқин берилган.

Шеър Ватан ҳақидаги туганмас шавқ ва ниҳоясиз интизорлик билан яқунланади.

Фурқат Истанбулда экан, Юнонистон (Греция) ва Булгарияга саёҳатга бориб келади. Таассуротларини шеърга кўчириб, «Туркистон вилоятининг газети»га юборади. Улар орасида Юнонистон сафари пайтида бир қиздан эшитган ҳикояси бор. Бу асар китобхонлар орасида «Юнон мулкида бир афсона» номи билан машҳур. Ўша йилнинг апрелида у Жиддада бўлади. Май — июнь ойларида ҳаж зиёратини ўтказиб, яна Жиддага қайтиб келади.

1892 йилнинг 25 августида Ҳиндистонга йўл олиб, 10 сентябрда Бомбейга етиб келади, яқин олти ой Ҳожи Аҳмад деган ҳамшаҳрининг уйида яшайди, ватандошлари билан таънишади. 1893 йилнинг 20 мартда Кашмирга қараб сафарга чиқади, ундан Тибет ва Хўтан орқали Ёркентга ўтади. Шу тариқа, 1891 йилнинг баҳорида Тошкентдан чиққан шоир икки ярим йиллик сафардан кейин 1893 йилнинг октябрида Ёркентга келиб, умрининг охиригача шу ерда яшаб қолади.

Шоир Қашқардаги Русия Мусулмон идорасида котиб бўлиб ишлайди. Илми нужум (астрономия), табобат билан шуғулланади. Тошболтуга ёзилган шеърий мактубида Худо унга Нозимжон ва Ҳокимжон исмли фарзандлар берганини, улардан кўнгул узуб Ватанга қайтиш қийинлигини тилга оладики, бу унинг умри охиригача Туркистон билан алоқасини узмаганлигини кўрсатади. Шу жумладан, «Туркистон вилоятининг газети»га ҳам мунтазам мақола ва шеърлар ёзиб турган. Бироқ нима сабабдир, 1906 йилдан кейин газета билан алоқаси узилади. Унинг мазкур газетадаги сўнги мақоласи 1906 йил февралда босилган. Гарчи мақола сўнгида

«бақияси (давоми) бор» деб қўйилган бўлса-да, давоми босилмаган. Шунингдек, у вафот этганида ҳам газета 20 йил ҳамкорлик қилган муаллиф ҳақида лом-мим демади. Бу ҳол Фурқат билан уни бу томонларга жўнатиб юборган чор маъмурияти орасида кескин бир гап ўтмаганмикан, деган мулоҳаза уйғотади.

У 1909 йили 50 ёшида вафот этди.

Фурқат лирикаси Шоир лирик меросининг салмоқли қисми ғазаллар бўлиб, уларнинг сони 200 атрофида. Мавзуи, қисқа қилиб айтганда, Одам ва Олам, уларнинг ўзаро муносабати ҳақида.

Фурқат лирик жанрнинг деярли барча — ғазал, мусамман, таржибанд, маснавий, қасида, қитъа, фард каби турларида муваффақият билан қалам тебратди.

Фурқат шеърятда: биринчи навбатда Навоий ва Фузулийни ўзига устоз билди. Кўпроқ шулардан илҳом олди. Гоҳо бу илҳом мавзу ва оҳанг уйғунлиги даражасига кўтарилади. Масалан, Навоийнинг машҳур бир таржибанди бор: сўнгги банди «Нечук май била бўлмасин улфатим» сатри билан бошланади. Шоир бу сирли дунё қаршисида ҳайратдан лол қолганлигини, қуёш у ёқда турсин, ҳатто бир зарранинг ҳам моҳиятини англаб етолмаганини, шу жумладан, инсоннинг дунёга келмаги ва кетмаги ҳам унинг учун мутлақо қоронғу қолганини, бу ишда на у умид қилган илм, на тақвою тоат, на жамоа билан суҳбатлар, на шайхи муршид, на табиби ҳозиқ ёрдам бера олганини, ҳеч бири унинг мушкулени ҳал қила олмаганини изтироб билан айтар ва банд «Харобат аро кирдим ошуфта ҳол, Май истарга илгимда синғон сафол»,—байти билан яқунланар эди. Фурқатнинг хонандалар томонидан севиб айтиладиган «Кўнгул дардига топмай бораман ҳаргиз даво истаб» мисраси билан бошланадиган ғазали руҳан шу таржибандга ғоят яқин. Бу ерда шоир «кўнгил дардига даво» истайди. У ҳам «шайхлар остониға» бош уради, «зоҳид аёғига» ўзини ташлайди, «яхшилар» этагидан тутаяди, «бегоналар»ни ошино қилади, лекин ҳеч биридан нажот топа олмайди.

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,
Ҳозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг,—

матлаъли машҳур ғазалининг биринчи сатри Фузулийдан тазмин сифатида олинган. Умуман, Фурқат мумтоз адабиётимизнинг сирсиноати билан яхши таниш. У ёр тасвирини чизар экан ёхуд ошиқнинг қувончу изтиробларини ифода қилар экан, шеърятимизнинг бой образ ва тимсолларидан унумли фойдаланади, уларни давом эттиради. Мана қош тасвири:

Ўсмалик қошларму ё шамшир қондин занглик?

(Фузулийда: Муқаввас қошларингки, вўсма бирла ранг дутмишлар. Қиличлардурки қонлар тўкмак ила занг дутмишлар.)

Юз ва соч:

Юз уза кокилмидур ҳар сори печу тоб ила?

Ганжи ҳуснунгму ётур икки аждар устида.

Юз—ҳусн хазинаси, юз узра тушган икки кокул—икки аждар. Афсоналарга кўра, хазиналарни илонлар, аждаҳолар қўриқлаган. Кўп ишлатилган образлардан. Шоир ташбиҳ, таносуб, талмеҳ каби бир қатор шеър санъатларидан фойдаланмоқда.

Худди шу «Устида» радифли ғазалидаги кўзнинг таърифини кўрайлик:

Икки жоду наргисинг солғай жаҳонға фитналар,

Бўлмаса урён қошингдин икки ханжар устида.

Кўз — наргис. Бу ўхшатиш илгаридан бор эди. Шоир «наргис» га жоду (сеҳргар) сифатини беряпти. Бу ҳам янгилик эмас. Агар у икки сеҳргар наргиснинг тепасида яланғочланган икки ханжар (қош) бўлмаганида эди, улар оламга фитна сола олар эдилар. Бетақрор ҳусни таълил келтирилган.

Шоир қошу кўзларни ғоят нозик психологик ҳолатлар билан боғлайди.

«Кеткил ул ён!» — деб ишорат қилса ҳар гал қошларинг,

«Кел бери!» — деб айлашур оҳиста иймо кўзларинг.

Лирик ғазалларида Фурқат буюк салафлари анъаналарини муносиб давом эттирди, ҳатто улардаги айрим образларни инжа маънолар билан бойитди, янги поғонага кўтарди. Масалан, Навоийнинг:

Нуқтаи холинг недин ширин лабинг устидадур,

Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса «лаб», —

байтидаги образли тасвирни Фурқат қуйидагича давом эттиради:

«Нуқта лаб устида бежодур?» дедим. Айди кулуб:

«Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда?»

Маълумки, араб имлосида «лаб» сўзи ёзилганида «б»нинг нуқтаси ҳарфнинг пастки қисмига қўйилади. Маъшуқанинг холи эса лабининг тепасида жойлашган. Ҳазрат Навоийда ушбу образга оид сўз ўйини монолог тарзида берилган бўлса, Фурқатда бу диалог кўринишини олган. У «Нуқта лаб устида бежодур?» деганидаёқ

ҳазрат Навоий байтидаги маънони тўла ифодалай олган. Бу са-
волга маъшуқа жавобининг берилиши эса образни янги бир бос-
қичга юксалтирган. Ёхуд Навоий бадииятининг юксак намунала-
ридан бўлган:

Куёшдек чеҳра бирла тийра кулбам айлагач равшан,
Менга титратма тушди зарра янглиғ изтироб айлаб, —

байтидаги *куёш* ва *зарра* образлари воситасида яралган бетак-
рор бадиий тасвири Фурқат тамомила янгича, ўзига хос йўсинда
тасвирайдики, бу унинг беназир салоҳияти далилидир:

Жомаи заркаш кийиб от ўйнатиб чиқсанг, нигор,
Бўлмағайму заррадек хуршиди ховар беқарор.

Яъни, Фурқат тасвирида маҳбубанинг ақл бовар қилмайди-
ган ҳусн-жозибаси қаршисида энди ошиққина эмас, Навоий ғаза-
лида унга тенг қилинган куёшнинг ўзи ҳам заррадек титроққа
тушади.

Фурқатнинг навбаҳор, баҳор айёми ҳақидаги жўшқин ғазал-
лари аллақачон халқ мулкига айланган. Лекин бир қатор шеърла-
ри сингари табиат ҳақидаги бу хил ғазаллари ҳам дононинг хор-
лиги-ю, нодоннинг азизлиги ҳақидаги жамият қурилишига оид
гапларга уланиб кетади. Умуман олганда, унда инсоний қадр,
миллатнинг юксак шаъни ҳақида ҳам яхшигина шеърлар бор.
Шулардан бири «Бормасмиз» радифли ғазалидир.

Биз, истиғно эли, қичқирмағон маъвоға бормасмиз,
Агар чандики хирман айласа дунёга бормасмиз, —

матлаъи билан бошланади шеър. Матлаънинг маъноси, содда қилиб
айтганда, чақирилмаган жойга бормаймиз, дегани. Лекин бу на-
қадар баланд оҳангда, жиддий ва тантанавор айтилмоқда. Биз «ис-
тиғно эли» — иззатини билувчи, дийдаси тўқ одамлармиз, чақи-
рилмаган жойга бормаймиз. Мол-дунёгина эмас, тасаввур қилинг:
олам саҳросида сувсиз ташна қолдик. Олдимиздан мавж уриб ётган
дарё чиқиб қолди. Агар шу дарёга заррача малол келса ва буни
билсак, бормаймиз:

Агар лаб ташна қолсак, филмасал саҳройи оламда,
Малолат зоҳир этса, мавж уран дарёга бормасмиз.

Ўзбек миллий психологиясини белгилашда ғоят характерли
шеър. Миллий руҳни ғоят ва бениҳоя халқона берувчи бундай

шеър Фурқатдан олдин ҳам, кейин ҳам адабиётимизда учрамайди.

Умуман, Фурқат лирикасида бошқа ҳеч бир шоир меросида учрамайдиган, кутилмаган лавҳалар кўп. Масалан, шоирнинг бир газалида лирик қаҳрамон ўзининг ёр ишқига нечоғли содиқ эканлигини куйидагича далиллайди:

Ошиқи содиқлигимга бовар айларсанму, ёр,
Қози муҳрин бостириб, хат бирла иқроп айласам.

Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда: «Севги мактубига қози муҳрини бостириш! Кутилмаган ва гайриоддий детал!»

Шоир лирикасида ҳам мажозий, ҳам ҳақиқий ишқ билан боғлиқ беқиёс намуналар мавжуд. Бошқа мумтоз шоирларимиз каби Фурқат ҳам мажозий ишққа ҳақиқий ишқ йўлидаги бир босқич сифатида қараган. Куйидаги байт бунга далил бўла олади:

Ҳақиқий ошиқ эрсанг, гулға нечук нола айларсан,
Худога йиғлағилким, гул эмас фарёдрас, булбул.

Яъни: «Эй булбул, ўзингни ҳақиқий ошиқ деб ҳисобласанг, гулға эмас, Худога нола қил. Чунки фарёдрас (фарёдни тингловчи, раҳм қилувчи) гул эмас — Худо». Демак, шоирнинг фикрича, модомики ҳақиқий ишқ даражасига кўтарилмас экан, мажозий ишқ инсон камолоти учун ҳеч қандай наф келтирмайди. Мазкур фикр байтда рамзлар воситасида, гўзал бадиий шаклда ифода-ланган.

Ёхуд мана бу байт мазмунига эътибор беринг:

Жаҳон аҳли ҳама бегонадур роҳи ҳақиқатда,
Ўзунгдин ўзга йўқдур қўл тутарга ошно, ё раб.

Фурқат яна бир шеърда шундай ёзади:

Эй муҳаббат аҳли, рамзи ишқ фаҳм айлай десанг,
Ёзилан хуни жигардин, Фурқат, ашъоримға боқ.

Эътибор берилса, шоир ишқ рамзини фаҳм этиш хусусида баҳс юритмоқда. Худди шу жиҳатдан унинг:

Лоладек жамолингни бир йўли кўруб зоҳид,
Неча йилғи зуҳиддин доғ ўлуб пушаймондур, —

каби мисраларини шарҳлаганда рамзлар, тимсоллар моҳиятини англаш, шундан кейингина бир хулосага келиш мақсадга мувофиқдир.

Шоир одамларни икки тоифага бўлади: аҳли Ҳақ ва аҳли дунё. Унинг фикрича, «сориг олтин касрати», яъни дунё матоҳини кўпайтиришга бўлган интилиш кўнгилни қорайтиради:

Сориг олтин касрати кўнгулни айлайдур қаро,
Чунки сафро бўлса ғолиб ўзга савдо тортадур.

Аҳли дунё — дунё матоҳига кўнгил қўйганлар ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай муқаддас туйғуни қурбон қилишлари мумкин. Чунки дунё сарватига эришмоқ — уларнинг бош муддаолари. Шу боис бундайлардан йироқ бўлмоқ керак:

Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин
Ит ялоқи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Ит — вафо тимсоли. Аҳли дунёдан кўра ит ҳам афзалроқ. Чунки у вафо аҳлидан. Дунёпарастларни шунчалик маломат қилган шоир муҳаббат аҳлини улуғлайди. Уларга ёр бўлиш саодат калити эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Бир нафас ҳам бўлмағил бедардларга ҳамнишин,
Қайда бир аҳли муҳаббат бўлса анга ёр бўл.

**Ижтимоий-сиёсий
лирика**

Чор Русиясининг мустабид сиёсати Туркистон халқлари ҳаётининг барча — сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларини бирдай занжирбанд қилганлиги маълум. Табиийки, миллатпарвар зиёлилар, жумладан, Фурқат ҳам бунга бефарқ бўлган эмас. Фурқат «Муножоти мусаддас» асарида бу ҳолни «Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук» дея оғир изтироб билан таърифлайди. Шоирнинг мазкур асаридаги қуйидаги мисралар ҳам истибдод исканжасида қолган юрт тақдирига куйиниш ҳисси билан йўғрилган:

Қозию муфти, аълам доим ҳазину маъюс,
Дин посини тутай деб зиндони ғамда маҳбус,

Бечоралар на қилсун бўлса сиёсати Рус,
Қўймайди бир тарафдин халқ ичра нангу номус,

Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун кўнгли шикасталарга.

Ушбу мисралар орқали мустамлака сиёсатининг ҳақсизликка, зулмга асосланганлигини очиқ-ойдин тасвирлаган шоир мусаддаснинг бошқа бир бандида истибдод исканжасида юрт иқтисодиёти инқирозга юз тутганлигини, аҳли бозор накбатга қол-

ганлигини, тижоратнинг касодга учраганлигини чуқур дард билан ифодалайди:

Уч йил бўлурки қолмиш накбатга аҳли бозор,
Кўрмас тижоратидин кўп нафъ хайли тужжор,
Аҳли ҳунарда ҳам йўқ чандоне равнақи кор,
Йўқдур ўзунгдин ўзга бир меҳрибону гамхор,
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

«Уч йил бўлурки қолмиш накбатга аҳли бозор» мисраси асарнинг Қўқон хонлиги рус қўшинлари томонидан босиб олинганига уч йил бўлган пайтда ёзилганлигини кўрсатади.

Фурқатнинг шоир Абдулҳақ маҳзум Роиқ архивидан аниқланган «Бегим» радифли дастхат шеърида ҳам шунга монанд фикрлар ифодаланган:

Шуъбада изҳор этиб ногоҳ чархи ҳийласоз,
Бошлади афсун ила макру дағосидин, бегим.
Гунчаи давлатни гул янглиғ паришон айлади,
Тундбоди ҳодисоти можаросидин, бегим.
Охируламр ҳукумат гулшани бўлди хазон,
Келди зоғу қолди булбуллар навосидин, бегим.

Ушбу байтларда юртнинг тараққиёт куёши сўниб, таназзул шоми бошланганлиги сўнгсиз ҳасрат билан ифода этилган. Чархи ҳийласознинг афсун ила макру дағоси — ўша пайтда мамлакатда кечган фитна-фасодлар, инқироз жараёни тимсоли. Натижада «...гунчаи давлат гул янглиғ паришон бўлган. Ҳукумат гулшани хазонга айланган». Зоғлар келиши билан булбуллар навоси тинган.

Булбул боғда сайрайди. Зоғнинг макони эса — вайрона. Таъкидлаш жоизки, мустамлака Туркистонининг аянчли аҳволини Фурқатгача ҳеч қайси шоир бунчалик таъсирли ифодалай олган эмас. Ўша тарихий вазиятда, ўша ижтимоий муҳитда бу сўзларни битиш чинакам жасорат эди.

Фурқатнинг истибдодга, жабру зулмга, адолатсизликка бўлган нафрати бошқа асарларида ҳам акс этган. Жумладан, «Бўлди» радифли мухаммасида шоир шундай ёзади:

Баҳор айёми ўтти, на гулу сарву суман қолди,
Ки булбул бирла кумри ўрнига зоғу заған қолди,
На жоми марг ичмай лолаи хунинг, кафан қолди,
Чаманлардин нишон ҳеч қолмади, илло тикан қолди,
Зимистони ажални бодидин бори хазон бўлди.

Баҳор — тараққиёт рамзи. Шоирнинг ёзишича, у ўтиб бўлган. Шунинг учун ҳам булбул бирла қумри ўрнини зоғу заган эгаллаган. Бу — миллий давлатчилик ўрнини Русия мустамлакаси забт этганига ишора. Ажал зимистони — истибдод тимсоли. У бор мавжудликни хазонга айлантирган. Бинобарин, истибдод туфайли миллий анъаналар топталди. Миллатнинг бошига қора кунлар тушди, ҳуқуқи, эрки поймол этилди.

Юмуб кўзни, қадамни мардлар сори адам қўйди,
 Вафосиз даҳр аларни жонига токи алам қўйди,
 Ажал фарзанди одамни жаҳон мулкида кам қўйди,
 Мингу уч юз биринчиға сана токим қадам қўйди,
 Ҳамани эмди кўз тутғони бир соҳибқирон бўлди.

Мухаммаснинг дастлабки уч мисрасида мустамлаканинг илк кунлариданоқ бошланган оммавий қатағонга ишора қилинмоқда. Дарҳақиқат, чор ҳукумати Туркистонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш, истибдод сиёсатининг давомийлигини таъминлаш мақсадида халқни иложи борича жаҳолатда асраш, миллатнинг онгли, маърифатли қатламини аёвсиз қатағон гирдобига ташлаш сиёсатини олиб борди.

«Юмуб кўзни, қадамни мардлар сори адам қўйди». Адам — йўқлик, демакдир. Бу мисра орқали қатағон машинаси мардларни, яъни миллат зиёлиларини шафқатсиз равишда ўз комига тортганлигига ишора қилинмоқда. Натижа шундай бўлдики, «Ажал фарзанди одамни жаҳон мулкида кам қўйди». Яъни, бу ҳол оммавий тус олди.

Кейинги мисрада шоир бу фожиалар рўй берган санани ҳам очиқ ёзади: «Мингу уч юз биринчиға сана токим қадам қўйди». Ҳижрий 1301 йил милодий 1883—1884 йилларга тўғри келади. Демак, рус босқинининг айни авжига минган даври ҳақида гап кетяпти.

Бешинчи мисрада янада аҳамиятли фикр ифода этилган: «Ҳамани эмди кўз тутғони бир соҳибқирон бўлди». Дарҳақиқат, миллат бу пайтда Соҳибқиронга, йўлбошчига муҳтож эди. Юртни мўғуллар зулмидан озод қилган Соҳибқирон — миллий озодлик тимсоли. Шунинг учун ҳам шоир миллатга унингдек бир раҳнамони орзу қилади.

Кўриниб турибдики, Фурқат шеърлятида озодликка, миллий истиқлолга интилиш туйғуси чуқур дард билан, бетакрор бадиий шаклда ифодаланган. Бу туйғу баъзан очиқча, айрим ҳолларда эса мисралар тағматнида акс этганлиги кузатилади. Шоир асарларидаги бундай қарашлар Туркистондаги миллатпарвар кучлар, ху-

сусан, жадидлар ҳаракатида узвий давом этганлигини кузатиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, Фурқат ва мустамлака маъмурлари ўртасидаги муносабатнинг зимдан ёмонлашувига, алалоқибат, шоирнинг гўёки «ўз ихтиёри билан, саёҳат орзусида» хорижга кетишига, амалда эса сургун қилинишига сабаб бўлди.

**Фурқат лирикасида
инсон эрки мавзуи
ва ғурбат оҳанглари**

Шоир чет элларда кезар экан, бир лаҳза ҳам Ватанидан қўнғил уза олмайди. Юртидан айри тушганини дил-дилидан сезиб туради. Изтироб чекади. Унинг хорижда ёзган «Адашган-

ман» радифли ғазали ва мухаммаси бунинг ёрқин мисоли.

Шеърга «адашганман» сўзининг радиф қилиниб, урғу берилишининг ўзида катта маъно бор. Қаерга бормасин, шоир ўзини ғариб, ошиёнидан айрилган қуш, бўстонида адашган булбул сингари ҳис қилади:

Ғариби бу вилоят — хонумонидин адашганман,
Басони мурғи ваҳший — ошиёнидин адашганман.

Йўқ, йўқ, у шунчаки Ватанидан эмас, тандаги жонидан айрилган. Фалак бир айланди-ю, у бошидаги соябонидан айрилди. Бошига ғурбат офтоби тушди. Бу оламга нур, ҳаёт бергувчи одатдаги офтоб эмас, аксинча, ҳаётни сўндирувчи, борлиқни йўқ этувчи «оламтоб» (оламини куйдирувчи)дир. Шоир офтобга бутунлай янғи маъно беради, ғурбат мазмунини англашга хизмат эттиради.

«Кўрдим» радифли ғазалида дунё кезган шоирнинг фалсафий ўйлари берилган. У дунё одамлари («аҳли жаҳон»)да вафодан асар кўрмайди. Ўз ҳолидан бировга шикоят қилишга ҳожат сезмайди, чунки уларнинг аҳволи буникидан «баттар». Унингча, умуман, биров билан гаплашиш имкони йўқ. Чунки «Ҳамани кўзини кўру қулоғи кар кўрдум», — деб ёзади шоир. У Ватанга қайта олмаслигини юракдан сезади. Шоирнинг «Мурод нахлини топдимү бесамар кўрдим» (Мурод дарахтини топдимү мевасиз кўрдум), «Фироғ кечасини оҳ, бесаҳар кўрдум» дейишидан шу маъно англашилиб туради. Шоир Ватанидан келган ҳар бир хат-хабарни кўзига тўтиё қилади. Завқийнинг 1898 йили ёзган сатрларидаги эҳтиросли соғинчдан ҳаяжонга тушади:

Жонимга тоб солди сўзи фироқ, Фурқат,
Келким, хароб қилди бу иштиёқ, Фурқат!
Қосид¹, етур паёмим², ҳар ерда топсанг они,
Завқийни тоқатини кўп қилма тоқ, Фурқат.

¹ Қосид — хабарчи.

² Паём — хабар.

Шоир Фурқат дарҳол:

Кездим жаҳонни қолмай, Шому Ироқ, Завқий!
 Бир топмадим сенингдек аҳли вифоқ, Завқий!
 Шавқи висолинг ила ҳаргиз қарор йўқтур!
 Жонимни ёқти ҳажру кўнглум — фироқ, Завқий! —

деган сатрлар билан бошланувчи шеърий жавоб битиб юборади. «Иқболи норасо» лигидан, «маъюс толеъи» дан қадрдонига шикоят қилади. Шарқу Фарб омухта бўлган муаззам Бомбай кўчаларини кезар экан, мусофирлиги ҳар дақиқада эсига тушади. Тошкентдаги улфатлари билан бўлиб турган душанба кун суҳбатларини, «ғижжагу сеторлар» ни, қадрдони — санъаткор Фарзинхонни ёдга олади. Кашмирдаги гўзал билан учрашув ва у билан бўлган суҳбат («Бир қамар сиймони кўрдум балдаи Кашмирда» ғазали) беихтиёр Ватан мавзуига келиб тақалади. «Қамар сиймо» шоирдан «Тарки Ватан» сабабини сўрайди. Шоир тақдирга йўяди.

Ҳатто маргилонлик шоир ва олим, донишманд қадрдони Умидий-Ҳавоий (1835—1905) га йўлланган шеърий мактубида ўз «Қори ака» сидан мўътабар китобларга қараб, тақдирини кўриб, юртига қайтиш-қайтмаслигини билиб беришни илтижо қилади. Тақдир шоирни бўйсунишга мажбур этади. 1903 йили Тошболтуга ёзган шеърий мактубида Ёркентда «муқим қолмоқ» ни «Худо тақдири» деб билгани, «чуну-чаро» (нега, нима учун) дебон сабаб излаш бандаликка мос келмаслигини қайд этади.

Шоир ватанжудолиги тақдир тақозоси эканлигига шубҳа йўқ. Лекин бунинг объектив сабаблари ҳам бор эди. Шоирнинг бир қанча асарларида ҳам бунга ишоралар мавжуд. Хусусан, Завқийга ёзган мазкур шеърий мактубидаги қуйидаги сатрлар бу жиҳатдан эътиборга молик:

Саргашта ҳолатимдин воқифлик истар эрсанг,
 Ибрат кўзини очиб гардуна боқ, Завқий.

Эътибор беринг: шоир саргашта ҳолати сабабини гардунда кечаётган ҳодисалар замиридан қидиришни тавсия этмоқда. Унинг бошқа асарларида бу ҳодисалар моҳияти — юртнинг истибдод исканжасида қолганлиги, «ғунчай давлат гул янглиғ паришон, ҳукумат гулшани хазон» бўлганлиги, булбуллар ўрнини зоглар эгаллаганлиги очиқ ёзилган. Демак, мазкур шеърий мактуб ёзилган пайтда бу ҳақда очиқча ёзиш имкони бўлмаган. Фикрни образлар воситасида, мисралар тағматнида беришдан ўзга чора қолмаганлиги маълум бўлади. Шоир бошқа бир назмий мактубида шундай ёзади:

Борурман гар қутулсам бу тилисми ҳайратафзодин,
Етиб имдод ҳолимға жамиъи муддаолардин.

Фурқатнинг «Бу тилисми ҳайратафзодин қутулсам борурман» деган фикри чуқурроқ ўйлаб кўришни тақозо этади. Демак, шоирнинг юртга қайтиш йўлларида тўсиқлар кўп бўлган. У буларни очиқ айтмайди. Шеъринг мактубларида ўз қадрдонларига бу ҳақда айрим ишоралар қилади, холос.

Фурқатнинг «Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мазндек» сатри билан бошланувчи мусаддаси унинг ижодида муҳим ўрин эгаллайди. Сайд (ов), сайёд (овчи), дом (тузоқ) образлари Шарқ адабиётида қадимдан бор. XVIII асрда туркман шоири Андалиб ушбу образлардан унумли фойдаланиб, овчи тузогига тушган охуга ҳамдардлик туйғуси билан тўлиб-тошган махсус мухаммас ҳам ёзган эди. Фурқатнинг асари мусаддас бўлиб, бу ҳам шу анъанада битилган. Лекин шоир яшаган замон, Туркистондай юртнинг эгаси қўлидан кетиб, истило асрининг сайёди қўлига тушиши унга, табиийки, янги маъно, янги мазмун беради. Қолаверса, фурқатшунослар ушбу мусаддаснинг майдонга келишида шеърда номи зикр этиладиган Саъдулла Ҳофизнинг ёмонлар томонидан фожиали ўлдирилишини ҳам бир сабаб қилиб кўрсатадилар.

Мусаддас 7 банддан иборат. Дастлабки банд шундай бошланади:

Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мандек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мандек,
Ўз ёрини топмасдан, овора экан мандек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мандек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Шоир тузоққа тушган охунинг ҳолини хилма-хил ташбиҳ ва муқоясалар билан тасвир этгач, овчига хитоб қилиб, уни банддан озод этишини сўрайди.

Яшамоқ, дунёга шунчаки бир келиб кетмоқ эмас, шиллиқурт мисоли фақат қорин ғамида ғовақда ғимирлаб ўтиб кетиш ҳам эмас. Яшамоқ, биринчи навбатда, ҳур, эркин яшамоқдир. Бас, «риштани (тузоқ ипларини) кес!..» ҳайқиради шоир, — тоғларга чиқиб, ёри билан қовушсин. Кел, беш кунлик сенинг даврингда бечора ўйнаб-қувонсин. Тенгдошлари билан дунё неъматларидан баҳраманд бўлсин. Умр бўйи сенинг дуойи жонингни қилсин. Ахир ҳижрон ўқларидан жисми бутун жароҳат экан. Жигар-бағри эзилиб, пора-пора бўлган экан-ку!

Ҳар бир жонивор ўз жинси билан бўлмоғи лозим. Ҳар бир ҳайвоннинг ўз яйлоғи (яйлов жойи) ва қишлоғи (қишлоқ жойи)-га тенг келадиган саодати йўқ. Фақат уни озод қилиш ва ўз ҳолига қўйиш керак. Шеърда илгари сурилган ғоялардан бири — шу, мазмуни — шу. Лекин бу фикрлар беихтиёр ҳар бир миллатнинг турмуш ва тараққиёти мутлақо унинг мустақиллиги ва миллий замин ҳамда ўз анъаналари асосида бормоғи лозим деган ва сўнграқ жадидчиликнинг бош масалаларидан бирига айланган ғояни эсга туширади. Бу ҳол Фурқат ижодини янги давр адабиёти билан боғлайдиган муҳим нуқталардандир.

Таржиъбанд шаклида ёзилган мусаддаснинг ҳар бир банди ниҳоясида такрорланиб келган:

Хижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жиғари-бағри садпора экан мандек, —

мисралари асардаги лирик руҳнинг янада жушқин, таъсирли бўлишини таъминлаган. Профессор Ғ.Каримов таъбири билан айтганда «...мусаддас мазмун жиҳатидан ниҳоятда кучли ва чуқур бўлиб, композиция жиҳатидан беқиёс тугалланган, бадиий форма ва услуб жиҳатидан эса мислсиз юксак асардир».

Табиийки, чор ҳукумати Фурқатдек беназир истеъдоднинг, миллатпарвар шоирнинг, ортидан кўплаб кишиларни эргаштира оладиган салоҳиятли тафаккур соҳибининг Туркистонда яшашидан манфаатдор эмас эди. Шунинг учун ҳам унинг юртга қайтиш йўллари беркитиб қўйилди. Халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Фурқат нидоси» шеърида шундай мисралар бор:

Юрт у ёнда, мен бу ёнда, уртада ҳижрон сели —
Анга кўприк ташламакка байтларим бўлди асос.

Дарҳақиқат, шоирнинг муборак вужуди узоқларда қолиб кетган бўлса-да, унинг ўлмас руҳи асарлари орқали авлодлар қалбида яшаб келмоқда.

**Фурқат ижодда
ислом маърифати
ва тасаввуф
ахлоқи мавзун**

Фурқат шеъриятида ислом маърифати мавзуи етакчи ўринни ташкил этади. Зеро, у ёшлик чоғлариданоқ диний ва дунёвий илмларни мукамал эгаллади. Мадраса таълимини олди. Араб ва форс тилларини пухта ўрганди. Шариат ва тариқат илмида камолга эришди.

Фурқат шеъриятини ислом маърифати ва маънавиятидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Шоирнинг аксар байтлари Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларга битилган шеърий шарҳлар эканлиги ҳам ушбу фикрни қувватлайди.

Шоир назмида оят ва ҳадисларга мурожаат икки хил усулда бўлганлиги кузатилади. Биринчиси — оят ва ҳадислардан тўғридан-тўғри иқтибос келтириш. Иккинчиси — оят ва ҳадисларнинг шеърий шарҳи.

«Кулунгман» радифли ғазалда шундай байт келади:

Дединг: «Ла тақнату мин раҳматиллаҳ»,
Умид айлаб анго боқғон қулунгман.

«Ла тақнату мин раҳматиллаҳ» («Зумар» сураси, 53-оят) ояти каримаси Куръони карим изоҳли таржимасида: «Оллоҳнинг раҳмат—марҳаматидан ноумид бўлмангиз!» дея шарҳланган. Муфассир ватандошимиз Саййид Маҳмуд Тарозий — Олтинхон тўра мазкур ва унга ёндош оятларни қуйидагича тафсир қилган: «Бу бир неча ояти шарифа инсонларни тавба ва иноятга даъват берур. Хоҳ алар кофирлар бўлсунлар ё гуноҳкорлар бўлсунлар, Оллоҳ таоло аларнинг тамоми куфр ва гуноҳларин мағфират қилур ва ўз раҳматиға дохил этур».

Кўриниб турибдики, ояти карима мазмуни теран. Фурқатнинг хизмати эса уни гўзал бадиий шаклда бетакрор ифода этганлигидир.

Шоир асарларида ҳадислардан ҳам худди шундай иқтибос олиш ҳоллари мавжуд. Жумладан, у «Ҳажнома»да шундай ёзади:

Рисолат тождори шоҳи «Лав лак»¹,
Нубувват баҳрида бир гавҳари пок.

Таъкидланганидек, Фурқат шеъриятида оят ва ҳадисларга мурожаатнинг иккинчи — уларни шеърий шарҳлаш усули ҳам мавжуд. Мисолларга мурожаат этамиз:

Қодиреким, ерга қўйди етти кўкни бесутун,
Моҳу хуршиду кавокибдин бериб зийнат анго.

«Худойи таоло шундай қодир зотдурки, осмонларни устунсиз кўтариб қўйгандур»². Биринчи мисрада худди шу ояти кариманинг шеърий шарҳи берилган. Иккинчи мисра мазмуни эса «Мулк» сураси 5-оятига мувофиқ келади: «Ва, албатта, дунё осмонини чироқлар билан зийнатладик».

¹ «Лав лак» бирикмасида «Лав лака лама холақту-л-афлак» — (Эй Муҳаммад агар сен бўлмасанг эди, мен бу фалакларни яратмаган бўлардим) мазмунидаги ҳадиси қудсийга ишора қилинган. Аксар асарларда, жумладан, «Қисаси Рабғузий»да баён қилинишича, пайғамбар алайҳиссалом меърожа чиққанларида худди шу мазмундаги ҳадиси қудсий нозил бўлган. Фурқат шунга ишора қилмоқда.

² Куръони карим изоҳли таржимаси. Раъд сураси, 2-оят, Т., Чўлпон, 1994.

Таъкидлаш жоизки, Фурқат мазкур байтда, айниқса, иккинчи оят мазмунини янада аниқроқ шарҳлайди. Ояти каримадаги «чироқлар»дан мурод — моҳ (ой), хуршид (қуёш), кавокиб (юлдузлар) эканлигини гўзал бадиий шаклда ифодалайди.

Қуйидаги шоҳбайт мазмуни янада таъсирчан:

Кулли ашё жунбуш айлаб зикриға машғулдур,
Ваҳшиёни дашт, хайлул-бахру мурғони ҳаво.

«Етти осмон, Ер ва улардаги бор жонзот — мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан Оллоҳни поклар, ёд қилур. Лекин, сизлар (эй инсонлар) уларнинг тасбеҳ айтишларини — поклашларини англамассизлар»¹.

Мазкур ояти каримани Олтинхон тўра қуйидагича тафсир қилади: «Яъни, ҳар бир махлуқ, яралмишларнинг ҳар бири забони ила ё ҳоли ила Парвардигор поклигин баён қилур ва анинг ҳамдин айтур. Лекин, сизлар билмассизлар. Чунки сизлар билмаган лугатда тасбеҳ айтурлар».

Ояти каримадаги теран мазмунни биргина байтда шунчалик бетакрор бадиий шаклда ифода этиш шоирдан нечоғлик чуқур илм, нақадар юксак маҳорат талаб қилишини англаш қийин эмас. Шоир ушбу оят мазмунини янада ойдинлаштириб шарҳлайди. «Кулли ашё»нинг Оллоҳни зикр этишини таъкидлаган шоир ўқувчига таъсири кучлироқ бўлсин учун улардан айримларини номма-ном санайди. Улар — даштдаги ваҳший ҳайвонлар (ваҳшиёни дашт), денгизлардаги жониворлар (хайлул-бахр), ҳаводаги қушлар (мурғони ҳаво). Бунда байт тагматнида ифодаланган маъно янада эътиборга лойиқдир. Яъни, мазкур жониворларки Яратганнинг зикрини бир нафас бўлсин унутмас экан, яралмишлар афзали — Инсоннинг бундан ғофил бўлишга ҳаққи йўқ.

Шоирнинг «Ё раб» радифли ғазали матлаъи қуйидагича:

Қаройғон дилга бергил нури покингдин зиё, ё раб,
Кетиб занги гунаҳ ойнадек топсун жило, ё раб.

Савол туғилади: Дил ҳам қорайиши мумкинми? Шоир «занги гунаҳ» деганда нимани назарда тутмоқда? Байтдаги образли тасвир фақат шоирона маҳорат маҳсули холосми?

«Мўмин киши гуноҳ иш қилса, қалбида бир қора нуқта пайдо бўлади. Агар тавба қилиб, у гуноҳдан бутунлай қайтса, истиғфор айтса, қалби покланади. Мабодо гуноҳни зиёда қилса, қалбидаги

¹ Қуръони карим изоҳли таржимаси. Исро сураси, 44-оят, Т., Чўлпон, 1994.

қора яна ҳам зиёда бўлади» — дейилади ҳадиси шарифлардан бирида. Маълум бўладики, шоир мазкур ҳадисдан илҳомланган ва ундаги чуқур мазмунни шеъринг байтлар замирига сингдирган. Шунинг учун ҳам бу ғазалга Муқимий, Муҳйи, Муҳаййир каби забардаст шоирлар назиралар битганлар.

Маълумки, мумтоз шоирларимизнинг аксарияти тасаввуф ҳаётини амалда яшаганлар. Кейинги изланишлар натижасида Фурқатнинг ҳам тасаввуф аҳлидан бўлганлигини тасдиқловчи бир қанча далиллар аниқланди. Хусусан, «Кулунгман» радифли шеърида шоирнинг ўзи шундай ёзади:

Илоҳо, ташлама Фурқатни ўтга,
Муриди ҳазрати Жийлон, қулунгман.

Мазкур байт Фурқатнинг қодирия тариқати асосчиси, тасаввуф илмида улкан мактаб яратган Шайх Абдулқодир Жийлонийни ўзига пир деб билганлигини кўрсатади. Шоирнинг бошқа шеърларида ҳам бунга ишоралар мавжуд. «Айланг мадад» радифли ғазал мактаби ҳам бунинг далили:

Фурқатий йўлларда қолди, Ғавси Аъзам дастгир,
Қўл тутарга йўқ эрур бир раҳнамо, айланг мадад.

Маълумки, «Ғавсул-Аъзам» — Абдулқодир Жийлонийнинг нисбаси. Мазкур байтда ҳам Фурқатнинг улуғ шайхга бўлган ихлос ва муҳаббати ифода этилган.

Фурқатнинг тасаввуф ҳаётини амалда яшаганлигига кўплаб шеърларида ишоралар мавжуд. Афсуски, унинг айнан қайси пири комил тарбиясини олганлиги ҳозирча маълум эмас.

Шу пайтгача шоир ҳаёти ва ижоди бўйича яратилган тадқиқотларда унинг араб мамлакатларида бўлганлиги қайд этилган бўлса-да, ҳаж арконларини адо этганлиги тўғрисида сўз юритилмаган эди. Кейинги изланишлар Фурқатнинг наинки ҳаж ибодатини адо этганлиги, ҳатто шахсий муҳрида ҳам ҳожи унвони акс этганлигини исботлади. Жумладан, шоирнинг Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган Ёркентдан 1896 йил август ойида юборган ва сана қўймасдан йўллаган мактубларида «Зокиржон ҳожи» унвони билан, шунингдек, 1905 йил 10 июлда юборган мактубида «Ҳаким Зокиржон ҳожи» деган битик билан муҳр босилган.

Шоир ҳаж ибодати таассуротлари ҳақида бир қанча асарлар, жумладан, «Ҳажнома» ҳам ёзган. Ўз даврининг эътиборли манбаларидан ўрин олганлиги шоир «Ҳажнома»сининг нечоғлик машҳур бўлганлиги далилидир. «Ҳажнома» таржиъбанд йўлида ёзил-

ган бўлиб, 12 банд, 216 мисрадан иборат. Биринчи банд пайгамбар алайҳиссалом равзасини зиёрат этиш шарафига ноил этганлиги учун Яратганга шукрона, набийлар сарварига саловати дурд руҳи билан сугорилган. Иккинчи ва учинчи банд Мадинаи мунавварадаги Ҳарам шариф — Ал-масжид ан-набавий васфига бағишланган. Шоир Ҳарамни жўшқин бир муҳаббат билан тавсиф этади:

Бино чоғида меъмори — малоик,
Суви — кавсар ани, туфроғи — анбар.
Суви туфроғини лой айлаганда
Сомон ўрнига солгон мушки заъфар...

Тўртинчи банд пайгамбар алайҳиссалом меърожи таърифига бағишланган. Шоир набийлар сарварининг умматларга нечоғлик меҳрибон эканлиги, меърожда — Ҳақ таоло ҳузурида ҳам гуноҳкор умматлари гамини чекишини қуйидагича тасвирлайди:

Ҳилол эрди буроқи суммиға наъл,
Ўшал оқшомки, қилди сайри афлок.
Буроқу Жаброилу қолди раф-раф,
Етушти ўзи Ҳақ қурбиға чолок.
Деди Тангри: «Ҳабибим, ё Муҳаммад,
Тила мандин бу дам, «Инна аътойнак».
Дедиким: «Умматимни мағфират қил,
Эрурлар осийу саффоки бебок».

Бешинчи банд «Одам фарзандларининг афзали, олам яралишининг, бани Одам мукаррамлигининг боиси» Муҳаммад алайҳиссалом васфига, олтинчиси равзаи муборак тавсифига бағишланган. Еттинчи бандда Уҳуд тоғи, саккизинчисида Масжидул-Қубо зиёрати таассуротлари жўшқин мисраларда ифодаланди. Тўққизинчи бандда Қиблатайн масжиди тарихи гўзал бадиий лавҳаларда акс этган. Ўнинчи банд шоирнинг инсон ва унинг моҳияти хусусидаги фалсафий хулосалари ифодалангани билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, у шундай ёзади:

Кел, эй жон, бўлса уммиди нажотинг,
Худо тоатиға сарф эт ҳаётинг.
Бу янглиғ журму исён бирла кечсанг,
Субҳи Маҳшарда келмасму уётинг...
Қутулмассан қочиб ҳаргиз ўлумдин,
Агарчи учгали бўлса қанотинг.
Тирикликда Худоға бандалик қил,
Ўлуб борсанг берур хатти баротинг...

Ҳалол ўлса ҳисобин сан берурсан,
Қолур молинг олиб бинну банотинг.
Фаромуш айлама ҳаргиз мамотинг,
Ажалдин олмадинг хатти омони.

Ўн биринчи банд Мадинаи мунаввара мадҳига бағишланган. Қуйидаги мисралар пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак вужудлари абадий қўним топган бу шаҳарга шоирнинг қанчалик эҳтиром билан қараганлигини кўрсатади:

Чин уммат наздида қиммат эмасму
Гуҳардин санги хорои Мадина.
На ман танҳо, кимики умматидур,
Қилур доим таманной Мадина.

Ўн иккинчи бандда Мадина зиёрати шоирга нечоғлик кучли таъсир этганлиги янада ёрқинроқ кўринади:

Бу ерда эрди, Фурқат, кош ўлсам,
Жиноносо бақийёга кўмулсам.
Тиларманким: бериб барҳам ўзумни
Жаҳон ташвишидин бир йўл қутулсам...
Ҳаром ўлсун манга гулдек очилмоқ,
Сазодур гунча янглиғ қонға тўлсам...
Оғир тоғдин гуноҳим, йиғламасдин
Ўзум ҳолимға, айб эрмасму, кулсам.
Агарчандики Хўқандда туғулсам,
Мадина ичра, ё раб, айла фоний.

Орифона тазарру акс этган бу мисралар шоир туйғуларининг нақадар самимий эканлигини кўрсатади. Умуман, Фурқатнинг барча асарлари каби «Ҳажнома»сида ҳам инсон ва унинг моҳияти билан боғлиқ фалсафий фикрлар бетакрор бадияят ила ифода этилган.

Таъкидланганидек, диний-маърифий ва тасаввуф ахлоқи йўналишидаги асарлар Фурқат ижодида етакчи ўрин тутди. Бу асарларни янгича тафаккур асосида тадқиқ этиш ва уларнинг жамият маънавиятини юксалтиришдаги ўрнини белгилаш фурқатшуносликнинг долзарб вазифаларидандир.

Манзумалари Фурқатнинг рус ва Европа маданияти тарғибига бағишланган манзумалари шўролар замонида ҳукмрон мафкура манфаатларига мослаштириб тарғиб этилди. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йилларида улар акс таъсир берди: ҳатто айрим «мутахассислар» ушбу манзумаларга «таяниб»,

Фурқатни чор «охранка»си хизматини қилганликда айблашга уриндилар. Аслида моҳият қандай эди?

Сир эмаски, биз буюк ўтмишга эгамиз. Лекин яна бир аччиқ ҳақиқатни ҳам тан олмасликнинг иложи йўқ. Айнан XIX асрга келиб миллатимиз таназзул жараёнини бошдан кечирди. Фурқат Тошкентда яшар экан, рус мактаб-маориф тизимини кўриб ҳайратланди. Ўзимизники билан таққослаб, тараққиётдан нечоғлик ортда қолганлигимизни англади. Тараққий этган миллатлар даражасига кўтарилиш учун таълим тизимини ислоҳ қилиш лозимлигини тушуниб етди. Телефон, телеграф, газета, виставка каби ўша пайт учун янгилик ҳисобланган ҳодисаларнинг миллат ҳаётига кириб келишини хоҳлади. «Жаҳон баста кушоди» — жаҳондаги барча мушкулотларни ечиш йўли илм-маърифатда деб билди. Миллат фарзандларини шунга даъват қилди:

Жаҳон баста кушоди илм бирла,
Надур дилни муроди илм бирла.

Кўнгулларни сурури илмдандур,
Кўрар кўзларни нури илмдандур.

Бу сўзлар ҳамма даврлар учун ҳам бирдай аҳамиятли. Ҳеч бир замонда эскирмайди. Қолаверса, илм-маърифат қайси мамлакатда, қай бир миллатда бўлмасин, уни ўрганиш зарур. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Фурқат Русиянинг мустамлака сиёсатини мақтаган эмас, у рус халқининг маданиятини тарғиб этди. Шундай маданий даража, шундай юксалиш бизда ҳам бўлишини орзу қилди.

Шоир «Суворов ҳақида» манзумасини ёзар экан, ҳеч шубҳасиз, миллат фарзандлари орасидан у каби саркардалар етишиб чиқишини, миллатнинг ҳарбий салоҳияти юксалишини истади. Маълумки, Фурқат мазкур асарни 1890 йил 5 октябрда Тошкентдаги рус театрида кўрган томошаси — рус драматурги Н.Куликовнинг «Суворов қишлоқда, Миланда ва яхши аёллар орасида» номли драматик асари таъсирида ёзган. Манзума шоирнинг миллат учун янги ҳодиса ҳисобланган театр санъати ҳақидаги кузатишлари акс этганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Фурқатнинг «Масарратнома», «Қасида» каби асарлари ҳам мутахассислар ўртасида айрим мунозараларга сабаб бўлган. Шоир «Қасида» асари сўзбошисида шундай ёзади: «Арбоби назардин умид улким, ушбу жаридоға мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулоҳаза айлағайлар. Мабодо хотирлариға хутур қилмағойким, ушбу сўзлар хушомадгўйлиғ юзидин адо топқон бўлғай деб. Чунки мақсудимиз асли бошқа ерга реша чекмаклиги кўнғлумиз ганжинасида мактум ва музмардур. Вассалом».

Шоирнинг бу асарларга инсоф юзасидан баҳо беришни сўраб

ёзган ушбу сўзларидан кейин ҳам улар хусусида юзаки мулоҳаза юритиш арбоби назар — олимлар учун муносиб бўлмаган ҳолдир. Қолаверса, шоир хориждан юборган мактубларидан бирида «Ма-сарратнома»ни «Ёрканд шаҳрида Комилжонбой оқсоқолнинг ишорати билан ёзилди» деса, яна бошқа бир манзумасини «Жаноб Остроумов тўра фармойишларига мувофиқ 31-номра газет мазмунида бир манзума таҳрир айлаб, хизматларига юбордим» деб ёзадики, шуларнинг ўзиёқ шоир асарларини баҳолашда қайси мезонлар асосида ёндашиш лозимлиги тўғрисида муайян хулосаларга келиш имконини беради.

Насрий асарлари.
«Аҳволот»

Фурқат Тошкентда яшаган даврида ўзининг таржимаи ҳолини ёзди. Таъкидланганидек, шоирнинг ушбу таржимаи ҳоли «Туркистон вилоятининг газети»да (1891 йилги ўн уч сонидан) эълон қилинган.

Асар шу пайтгача мутахассислар томонидан «Саргузаштнома», «Фурқатнома», «Аҳволот» каби турлича номланиб келди. Шоирнинг ўзи «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилиш чоғида уни «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти — ўзи ёзгани» дея номлайди. Шунинг учун мазкур сарлавҳадаги «Аҳволот» сўзини асар номи сифатида қолдириш мақсадга мувофиқ кўринадди. Қолаверса, ушбу сўз асар моҳиятига ҳам мос тушади.

«Аҳволот» — мемуар асар. Унда Фурқатнинг болалик давридан 1891 йилгача, яъни Тошкентдан чиқиб кетгунга қадар бошидан кечирган воқеалар қизиқарли тарзда, бадий шаклда ҳикоя қилинади. Асарда Фурқатнинг болалик даври, илк бор мактабга бориши, буюк салафлар асарлари мутолаасидан баҳраманд бўлиши, мадраса таълими, Кўқон хонлигидаги тартибсизликлар, тирикчилик ташвишлари билан Янги Марғилонга бориши, у ерда дўстлар орттириши, Кўқонга қайтиши, Муҳйи, Муқимий, Завқий, Нисбатий ва бошқа шоирлар адабий даврасидаги фаолияти, Марғилон ва Хўжанд орқали Тошкентга келиши, янгича маърифатпарварлик фаолияти, умуман, шоирнинг она-Ватандаги ибратли ҳаёти хусусида қимматли маълумотлар берилган.

«Аҳволот»да, шунингдек, ўша даврдаги тарихий вазият, рус босқини муносабати билан миллат ҳаётига кириб кела бошлаган Европа турмуш тарзи, маданияти, шоирнинг машҳур замондошлари тўғрисида ҳам муҳим фикрлар баён қилинган. Маълум бўладики, асар фақат Фурқат ҳаёти ва ижодини ўрганиш нуқтаи назаридангина эмас, миллатимизнинг XIX аср иккинчи ярмидаги тарихи ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишиш жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам «Аҳволот» ҳар доим мутахассислар эътибо-

рини тортиб келган. Фурқат ижоди бўйича шу пайтгача мамлакатимизда ва хорижда яратилган тадқиқотларда мазкур мемуар асардан муҳим манба сифатида фойдаланилган.

«Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»

Фурқат ҳаёти ва ижодига оид манбалардан маълумки, у араб, форс, рус тилларини мукамал билган. Шоирнинг ҳинд тилидаги «Песаи ахбор», «Ҳаблул-матин» газеталаридаги маълумотларга муносабат билдириб мақолалар ёзганлиги унинг бу тилни ҳам яхши билганлигини кўрсатади. «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» асари унинг хитой тилини ҳам анча пухта эгаллаганлиги далилидир. Профессор Ш. Юсуповнинг таъкидлашича: «Фурқат ўз асарини яратишда биринчи манба сифатида фойдаланган китоб хитой муаллифи Гуанг Шуйнинг қаламига мансуб бўлиб, у эндигина ёзиб тугалланган ва ҳали у вақтларда Фурқат билган бошқа тилларнинг бирортасига ҳам таржима қилинмаган эди»ки, бу ҳам ушбу фикрни қувватлайди.

Фурқат Ёркентдан «Туркистон вилоятининг газети» бош муҳаррири Н.П. Остроумовга йўллаган, ёзилган санаси кўрсатилмаган бир мактубида «Ушбу дафъа хат бирлан бир китобким, шул вақтдаги Чин давлати хонининг вафот топқон отаси Чўнгхон ўз таъбидин тасниф қилгон экан, яхши зарурлик сўзлари бор учун хизматингизга юбордим», — деб ёзган эди.

«Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» мазкур газетанинг 1905 йил 22 декабрь сонидан босила бошлаганлиги эътиборга олинса, Фурқатнинг мактуби 1905 йилнинг ўрталарида ёзилган бўлиб чиқади. Орадан бир йилча вақт ўтгандан кейин, демак, 1906 йили йўлланган яна бир мактубида (бу мактубнинг ҳам ёзилган санаси кўрсатилмаган) шоир «Ўтган йилда Хитой хони тасниф қилгон бир китоб бирлан бир мактуб хизматингизга юборуб эрдим. Ани(нг) бориб теккан ва тегмаган сабабидин ҳеч хат ёзмадингиз. Лозимдурки, илтифот қилиб, бир мактуб ёзгайсиз», — деб ёзади.

«Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» газетанинг 1905 йил 22 декабрь №50, 1906 йил 1 январь №1, шунингдек, 15, 22 февраль 7—8-сонларида эълон қилинган. Маълум бўладики, асар «Туркистон вилоятининг газети»да босилгандан кейин ҳам, орадан бир йил ўтса-да, Остроумов Фурқатга газетанинг мазкур сонларини юбориш тугул унга бу ҳақда бир оғиз хабар беришни-да лозим кўрмайди. Шунинг ўзиёқ чор ҳукуматининг Туркистондаги эътиборли вакилларида бири, миссионер Н. П. Остроумовнинг шоир Фурқатга бўлган «ҳурмати» нечоғлик эканлигини ҳис этиш имконини беради.

Бугина эмас. Газетанинг 1906 йил 22 февраль 8-сонида «Бақияси бор» деган қайд бўлишига қарамай, кейинги сонларида асар-

нинг давоми босилмайди. Унинг бизга маълум қисмида Хитой қоидалари («Қавоиди Чин») ҳақида анча муфассал маълумот берилган. Номланишидаги «умуроти сиёсий» («сиёсий ишлар») атмасига кўра, унинг Хитой сиёсий ҳаётига оид муҳим қисми газетада босилмаган ва бизгача етиб келмаган.

«Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам, бадиияти билан ҳам қимматли асардир. Фурқатнинг таъкидлашича, Хитой подшоҳи Гуанг Шуй одамларни беш қисмга бўлади. Биринчи қисм — подшоҳлар ва катта-кичик мансабдорлар. Иккинчи қисм — ота ва болалар. Учинчи қисм — эру хотинлар. Тўртинчи қисм — оға ва инилар. Бешинчи қисм — ёру дўстлар. Асарда мамлакат тинч, эл-юрт фаровон бўлиши, одамлар ўрта-сидаги муносабатлар юксак маънавиятга асосланиши учун мазкур беш тоифа инсонлар амал қилиши зарур бўлган қоидалар баён қилинади. Фикр таъсирчанлигини ошириш учун ҳикоятлар келтирилади. Жумладан, биринчи қисм ҳақида муаллиф шундай ёзади: «... Катта-кичик мансабдорлар чин кўнгул ва яхши эътиқод бирла подшоҳнинг фармонини тутуб, жонларини фидо қилиб, хизматда устувор бўлмоғлиқдур. Ва умум раоё ва фуқаролар ҳамма вақт чин ихлослари бирла подшоҳнинг давоми давлати ва бақои салтанатини Худованди карим даргоҳидин талаб ва истидьо қилмоғлиқдурким, фуқароларнинг осойиши подшоҳнинг давлати барқарорлиғига манут ва марбутдур».

Дарҳақиқат, ҳамма замонларда ҳам мамлакат тараққийси подшоҳ — мансабдорлар — фуқаро муносабатларига боғлиқ бўлган. Катта-кичик мансабдорлар мамлакат раҳбари фармонларининг ҳаётга татбиқ этилиши учун «жонларини фидо қилиб, хизматда устувор бўлсалар», шубҳасиз, бу юрт ободлигига олиб келади. Иккинчи қисм — ота ва болалар муносабатлари ҳақида ёзар экан, муаллиф ота-онанинг «ўғул ва қиз фарзандини яхши тарбиятлар бирла боқиб, илму ҳунар таълим бериб, молу пулини нисор қилиши, охир умрида мулку ашёларини мерос қўйиб кетиши»ни алоҳида таъкидлайди. Фарзандларнинг ҳам «... ота-онасиға ўрунлуқ вафо қилиши» зарурлиги, уларга «... либос ва хўрок воситаси бирла хизмат еткуруб, дуо олмоғлиқ ва аларнинг фармонини подшоҳнинг фармонини тутқондек тутуб, эҳтиёт қилмоғлиқлари» шарт эканлигини қайд этади.

Айниқса, қуйида келтирилган фикрларнинг тарбиявий аҳамияти бениҳоя катта: «Ва яна ўғул бола хотун олса, ота-онасиға вафо қилмоқни ул хотунға таълим бермоғлиқдур. Ва агар келин қайнота ва қайнонасиға вафодорлиқ қилмаса, гуноҳ ўғулға бўлғай. Ва агар ўғулни(нг) ўз онаси вафот бўлуб, отаси бошқа хотун олса, анго ҳам ўз онасиға вафо қилгондек вафо қилмоқлиги лозимдур».

Ушбу сўзларга қатъий амал қилиш оилавий муносабатлардаги жуда кўп муаммоларни ҳал қилган бўлар эди.

Асарнинг қоидалар баён қилинган қисмида Хитой қоидаларининг ўзига хос жиҳатлари яққол намоён бўлади. Жумладан, «Ўғул ва набира ўз ота-онасини ва бобо-момосини дашном берса ва хотун киши ҳам қайнота ва қайнонасини ва қайнбобо ва қайномосини дашном берса, андоқ кишини(нг) жазоси — Хитой қавоидида бўғуб ўлдурадур». Кейинги қоида бўйича ота-она ва бобо-момосини урган ўғил, набира ёхуд келин қилич билан чопиб ўлдирилиши таъкидланади. Бу бизнинг ўлчов-мезонларимиз жиҳатидан қаралганда, бениҳоя шафқатсиз қоидалар бўлиб туюлиши аниқ. Лекин улар замирида ота-она ва бобо-момони ҳурмат қилиш фарзанд ва набиранинг ҳам, келиннинг ҳам бурчи эканлиги, уларга дашном бериш ёхуд қўл кўтариш осийлик билан баробарлиги каби юксак инсоний фазилатлар мужассам.

Учинчи қисм — эру хотинлар ҳақида ёзар экан, муаллиф улардан ҳар бирининг оила бахт-саодатини таъминлашдаги ҳуқуқ ва бурчлари хусусида сўз юритади. Эр ҳар доим хотинга мардона бўлиши лозимлиги, хотини хоҳ соҳибжамол, хоҳ баднамо бўлсин, бир кўнгилда бўлиши зарурлиги, агар баднамо хотин олиб қолса, Худонинг иродасига бўйсунини кераклиги, хотин эрнинг ота-онасига густоҳлик қилса, унга аввал насихат қилиб, шундан кейингина танбеҳ бериши мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланади.

Ўз навбатида хотин ҳам эри хоҳ бой, хоҳ камбағал бўлсин, ношукрлик қилмай, Худо берса яхши кун кўрамиз деб яхши ният қилиши, қайнота ва қайнонасини ўз ота-онасидай кўриб, уларнинг хизматини бажонидил адо этиши зарурлиги уқтирилади.

Асарда тўртинчи қисм — ака-укалар тўғрисида ҳам ибратли мулоҳазалар баён қилинган. Жумладан, Фурқат бу ҳақда шундай ёзади: «... бир ота, бир онадин туғулгон оға-инилар бир-бири бирла иттифоқ бўлуб, иззат ва ҳурмат бирла бўлмоғлиқ ва ҳар икки ўғул бир-бирига шафқат қилмоғлиқдур. Мундоғ бўлса, ота-она фарзандидин хушнуд бўлур».

Бешинчи қисм — ёру дўстлар ҳақида билдирилган мулоҳазалар ҳам барча замонлар учун бирдай аҳамиятли: «... бир киши яна бир кишини дўст тутарда рост сўзларни ароға солиб, аҳду паймон боғламоғлиқ. Аввал керакким, бадасл ва нодон кишини дўст тутмағай. Боядки, волоғуҳар ва содиқул-қавл, вафодор кишини дўст тутгай. Агар дўсти номурод ва фақир бўлиб қолса, аввалгидек муомала қилиб, балки зиёдароқ лутфу шафқат ва меҳру садоқат кўргузмоғлиқдур... Ота-онасига ва оға-инисига вафо қилма-

гон одамни дўст тутмағойким, бегона кишига албатта вафо қилмайду».

Асарда ёзилишича, мазкур беш тоифа одамлар муносабати хусусида Хитой хони махсус фармонлар чиқарган. Шунингдек, асар ёзилган пайтда ушбу қоидаларга амал қилинмаётганлиги, уларга сал аввалроқ риоя этилганлиги маълум бўлади. Фурқат бу ҳақда: «Ҳоло хоқон — мансабдор бу қоидаларни мужро қилмайду» — дея таъкидлайди.

Асарда баён этилган қўни-қўшничилик одоблари, ўзаро олдиберди муносабатларини тартибга солиш борасидаги қоидалар ҳам ибратли.

Бундан ташқари, асарда аносири арбаъа (ўт, ҳаво, сув ва тупроқ)нинг физик хусусиятлари ва тиббиётнинг улар билан боғлиқ жиҳатларига оид қимматли мулоҳазалар баён қилинган.

Умуман, ушбу асар XX аср ўзбек насри намунаси сифатида Фурқат ижодий меросини тўлақонли тасаввур этишда муҳим аҳамиятга эга.

Фурқат илмий фаолият билан, хусусан, адабиётшунослик, элшунослик, тарих, табобат, ҳайъат (астрономия) каби илмлар билан жиддий шугулланган. Унинг табобат борасидаги шухрати бир қанча манбаларда қайд этилган. Таъкидланганидек, «Зубдатул-ҳукамо» («Ҳакимларнинг сараси») унвони соҳиби бўлганлигиёқ унинг тиб илми борасидаги салоҳиятини ҳис этиш имконини беради. «Аҳволот»да Фурқат ўзининг Кўқон хонлиги тарихига оид асар ёзганлигига ишора қилади. Афсуски, бу асар ҳанузгача аниқланган эмас.

Ҳозирча Фурқатнинг тўрт илмий асари хусусида фикр юришиш имконига эгамиз. Улардан учтаси элшунослик (этнография) йўналишидаги асарлар бўлиб, «Тўй хусусида», «Аза хусусида», «Гап хусусида» деб аталади. Уларда шоир халқимизнинг тўйлари, аза маросими, гап-гаштаклар, уларнинг ўзига хос тартиб-қоидалари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Тўйда айтиладиган ёр-ёрлар, азада ўқиладиган марсиялар, гап-гаштаклардаги шеър-қўшиқлар матнidan айрим лавҳалар беради.

Ушбу асарлар миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Фурқатнинг тўртинчи илмий асари — адабиётшунослик йўналишида. «Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни» деб номланган ушбу асарни ёзишда Фурқат Навоийнинг «Мезонул-авзон» асарига таянади. Асарда аруз вазнининг энг муҳим қонун-қоидалари баён қилинган.

Мазкур тўрт асар ҳажман унча катта бўлмаса-да, бизгача уларнинг Фурқат ўз қўли билан кўчирган матнлар асосида етиб кел-

ганлиги муҳимдир. Ушбу асарлар мукамал настаълиқ хатида кўчирилган бўлиб, Фурқатнинг хаттотлик маҳорати тўғрисида ҳам муайян тасаввур бера олади.

Журналистлик фаолияти

Фурқат биринчи ўзбек журналистларидан. Унинг журналистлик фаолияти дастлаб Тошкентда, «Туркистон вилоятининг газети» таҳририятидан бошланган бўлса, кейинчалик хорижда янада юқори босқичга кўтарилгани маълум. Чет эллардан ёзган халқаро аҳвол, турли мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий вазият, турли миллатларнинг урф-одатлари, маънавий даражаси тўғрисидаги хабар ва мақолалари унинг журналист, публицист сифатидаги юксак салоҳияти далилидир.

Бу жиҳатдан шоирнинг «Хўқандлик Зокиржон Фурқатнинг «Пейсаи ахбор» ном Ҳиндистон газетидин нақл қилиб ёзган хабари» сарлавҳали мақоласи диққатга сазовордир. Мақолада афгон халқининг англиз мустамлака сиёсатига қарши олиб борган аёвсиз кураши хусусида сўз боради. Жумладан, шоир ёзади: «Ушбу вақтларда ҳар ўн беш кунда бизга келиб турган «Пейсаи ахбор» ном Ҳиндистон газетида ёзибдурки, шул кунларда англис бирлан кўхистоний афгонларнинг ароларинда бўлуб турган муҳораба ниҳоятда қаттиғдур. Хусусан, Савот мавзеида қизиқ муҳорабалар воқеъ бўлуб туродур. Андин бошқа Навшаҳр деган мавзеъда ҳам муҳораба бўлуб туродур. Қарийбки, афгон халқи Навшаҳрни мусаххар қилсалар. Ва яна бир жамоа афгон лашкари Фешовар қалъасига яқин бориб туруб, ҳар кун муҳораба қиладурлар. Яна андин бошқа икки-уч ерда хейли қаттиқ муҳорабалар бўлубдур. Афгон халқининг ҳадду ҳисоби йўқдур. Кўп англислар вужуд шахристионидин адам саҳросига юз қўйубдур. Бовужуди англис лашкари пайдар-пай келиб туродур...».

Мақола мазмунидан кўриниб турибдики, Фурқат мустамлакачилар тарафида эмас. Аксинча, мазлум афгон халқининг озодлик кураши тарафдори. Мақолада яна шундай ёзилади: «Маланкан деган мавзеъда ўн минг чоғлиғ афгон халқи билан англис лашкари орасида муҳораба бўлуб, афгон халқи шикаст топгон вақтда афгон хотунлари эрлари қўлидин уруш асбобларини олуб, якбора ўзларини англис лашкарига уруб, бир ярим соатда англисларга шикаст берибдурлар».


Озодлик — муқаддас туйғу. Инсон ҳар қандай қийинчиликка, мусибатга бардош бериши мумкин. Лекин она юртини бегоналар эгалламоқчи бўлса, ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилса, эътиқодига, муқаддас туйғуларига даҳл қилинса, унинг кўзига ўлим ҳам кўринмайди. Ўз эрки, она-замин озодлиги учун курашга отланади. Фурқат мазкур мақолани ёзган вақтида унинг жондан севган Ватани

ҳам мустамлака гирдобиди, ватандошлари эса истибдол жабрини тортаётган эди. Аслида Фурқат Афғонистондаги инглиз мустамлака сиёсатини фош этиш орқали юртдошларини Туркистондаги чор Русияси истибдодининг ғайриинсоний моҳиятидан огоҳ қилади. Миллатни ўз ҳақ-ҳуқуқини англашга, зарур бўлса, афғонлар каби ўз эрки, озодлиги учун курашишга даъват этади.

Кўриниб турибдики, Фурқатнинг халқаро журналист сифатидаги фаолияти бениҳоя аҳамиятли. Бугина эмас. Фурқат газетчи (журналист) қандай бўлиши керак, қайси бир мезонларга риоя этиши, нималардан сақланиши лозим, деган масалаларга ҳам алоҳида эътибор беради: «Газет муаллифига керакким, — деб ёзади у бир мақоласида, — инсофпеша ва ростандеша бўлғай. Нолойиқ ва номуносиб сўзларни газетга солмағай ва ёзгон каломидин газет ўқиғувчиларга нафъ ва фойда ҳосил бўлғай. Агар бирор ҳикоят ёзса ҳам анинг заминида бир фойдалиқ мазмуни бўлғай. Хорижия ва доҳилия аҳволотидин ёзса, адл ва инсоф юзидин ростлиқ бирла ёзғайким, эътибор ва истиҳсонга боис бўлсун».

Ёзилганидан буён қарийб бир аср муддат ўтган бўлса-да, ушбу мулоҳазалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Умуман, Фурқатнинг журналистик фаолияти, публицистик мақолалари ҳам янгича тафаккур асосида қайта баҳоланмоғи керак.

Хулоса Фурқат — миллий маънавиятимизнинг энг забардаст сиймоларидан бири. Унинг серқирра ижодий фаолияти миллат ёшларининг баркамол шахслар бўлиб вояга етишида, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, фурқатшуносликнинг бугунги кунгача қўлга киритган ютуқлари шоир меросининг ҳамма замонлар ва даврлар учун бирдай аҳамиятли, қадрли эканлиги тўғрисидаги муҳим ва ҳаққоний хулосага олиб келади.



МУҲЙИ ХҶҶАНДИЙ

(1836–1911)

Ўз замондошлари орасида «тожуш-шуаро», «шоҳи шоирон» дея эътироф этилган бу улкан санъаткорнинг номи Ҳожи Муҳйиддин Муҳаммад Ризо охунд ўғли бўлиб, «Муҳйи» адабий таҳаллусидир. Муҳйи, айрим тадқиқотларда, Афғонистоннинг Кандаҳор, баъзиларида Ҳирот шаҳрида туғилган, деб келинар эди. «Тарихи Муҳйи Хўқандий»¹ асарининг муаллиф дастхати билан кўчирилган нусхасида унинг Фазна шаҳрида 1836 йили туғилганлиги таъкидланади.

Бўлажак шоирнинг отаси Фазнадаги йирик мадрасалардан бирининг бош мударриси бўлиб, ёш Муҳйиддин дастлаб падари бузруквори қўлида хат-савод чиқарган. Кейинчалик оила пойтахт Ҳиротга кўчиб келади ва Муҳйиддин Ҳирот мадрасаларидан бирида озроқ таҳсил кўриб, шундан сўнг илмини камолга етказиш мақсадида Бухоро сафарига отланади. Бу ерда мадраса таълимини давом эттиради. XIX асрнинг эллагинчи йиллари охирида мадрасани тугатиб, ўзи илгари яшаган Ҳиротга эмас, балки Хўқандга келиб яшай бошлайди. Ҳам шеърият, ҳам илм соҳасида комил устодлар изидан боришни орзу қилган Муҳйининг бу шаҳарни танлашига қадимий Хўқанднинг бой адабий ва илмий анъаналарга эга эканлиги, XIX аср эллагинчи йилларида бу ерда Тамкин сингари йирик шоирлар, Шайх Сулаймон Афғоний каби улкан тилшунос ва муаррихлар яшаётганлиги сабаб бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Муҳйи кейинчалик ўз устози бўлиб қолган олим ва шоир хусусида «Фарғона фозилларидан марҳум Муҳаммад Раҳим охунд, жамъи илмларда нақл ва маъқул, шеър айтишда олий таъб эгаси бўлган Тамкин таҳаллусли ул жаноб фақир Муҳйининг устози эдилар. 1292 санада (бу 1875 милодийга тўғри келади) вафот топдилар» деб ёзади. Шайх Сулаймон

¹ Асар 1318 ҳижрий, 1900/01 милодий йилда битилган.

Афғоний ва Муҳйининг дўстона муносабатлари ҳақида ўша даврнинг бир неча манбаларида маълумотлар мавжуд. Муҳйи вафот этган даврда ҳам ҳали қизгин фаолият кўрсатиб турган Шайх Сулаймон Афғоний орадан бир неча ой ўтиши биланоқ асли тошкентлик бўлган шеърият ихлосманди Абдурауфбой ҳамкорлигида шоирнинг ўзбекча ва форсча девонини Тошкентда Порцев босмаҳонасида тердириб, Фулом Ҳасан Орифжонов матбаасида муқовалатганлиги «Девони Муҳйи»нинг 1912 йилги нашрида махсус қайд этилган.

50-йиллар охирида Қўқон маданий муҳитига келиб қўшилган Муҳйи тез орада шоир ва олим сифатида шуҳрат қозонди. Ўша вақтларда хонликда ҳукмфармо бўлган Маллахон саройига хизматга олинган Муҳйи у ерда ҳам эътибор топиб, дипломатик ишга жалб этилди. 1859–1861 йиллар орасида хоннинг махсус элчиси сифатида бир неча марта Афғонистон ва Ҳиндистонга борди. Сафар асносида Туркия, Эрон сингари мамлакатларда ҳам бўлди. Муҳйи чет элларда яшаган чоғида Қўқон хонининг махсус элчиси сифатида баланд мавқега эга эканига қарамай, қаерда атоқли олим ёки қалам соҳиби борлигини эшитса, дарҳол унинг хизматида бориб, билмаганини билишга, билганини такомиллаштиришга интиланган. Масалан, «Тарихи Муҳйи Хўқандий»да муаллиф Ҳиндистоннинг Пешовар шаҳрида 92 ёшли ҳазрат Эҳсон Соҳиб муфтийнинг дарагини эшитиб, унинг хизматида қойим туриб, муфтийнинг ўғли билан бирга фикҳ илмидан таҳсил олганлигини, бу табаррук зот 1281 ҳижрий (1864–1865 милодий)да вафот топганини қайд этади.

Маллахондан кейин Худоёрхон ҳукмронлигининг уч даврида ҳам Муҳйи саройнинг эътиборли кишиларидан бири эди. Хоннинг валиаҳд фарзанди Насриддинбек Андижон вилояти ҳокими этиб тайинлангач, ёшлиқдан шеъриятга ишқибоз бўлган шаҳзоданинг машқ шеърларини дастлаб Мир Худоёр исмли исфаралик шоир кўриб, унга маслаҳатлар бериб турган. Бироқ турли «миш-миш»лар боис бўлиб, Мир Худоёр Насриддинбек даргоҳидан қувилди. Хон ўз ўғлига назм ва насрдан таълим беришни замонасининг машҳур шоири Муҳйига топширади. Бу иш самарали натижалар беради: Насриддинбек Муҳйи устозлигида нозиктабъ шоир ва носир бўлиб етишади. Насриддинбекнинг бизгача етиб келган эҳтиросли шеърларидан бири «Тазкираи Қайюмий»га киритилган бўлиб, бу тазкира 1998 йили уч жилддан иборат китоб ҳолида чоп этилди.

Маълумки, Қўқон хонлигида XIX аср 70-йилларидан бош-

лаб қўзғолонлар кўтарилиб, бесаранжомлик, бош-бошдоқлик авжга чиққан эди. Шундай бир вазиятда, 1874 йил ўрталарида Муҳйи ҳаж зиёратига жўнайди. Маккаи мукаррама ҳам Мадинаи мунавварада 1875 йил январь ойида ҳаж маросимини адо этиб, бир неча Шарқ мамлакатларини, жумладан, Афғонистонни ҳам кўриб, йил охирида Кўқонга қайтиб келади. Бу вақтда Кўқон хонлиги тақдири қил устида эди. Чунки 1875 йил ёзида Худоёрхон тахтни ташлаб чиқишга, аввал Хўжандга, сўнгра тез орада Тошкентга келишга мажбур этилган, бу ердан эса Туркистон генерал губернатори фон Кауфманнинг хийласи билан Петербургга борасан, деб алдаб жўнатилиб, бошқа бир махфий буйруққа кўра Оренбургда ушлаб қолиниб, хонабанд ҳолда сақланмоқда эди. Хондан сўнг тахтни эгаллаган валиаҳд шахзода Насриддинхон эса сохта Пўлатхондан енгилиб, Маҳрам қалъасида жон сақлашга мажбур бўлган фурсат эди. Ўз шоғирди ғоят танг аҳволда эканидан воқиф бўлган Муҳйи дарҳол Насриддинхон ҳузурига Маҳрамга отланади. Тахтнинг қонуний соҳибига ҳар тарафлама далда бериб, унинг саройдаги эътиборли кишилар билан алоқа ўрнатишига, сал ўтгач, 1876 йил январь ойида эса Кўқонга таклиф этилиб, яна тахтга ўтқазилишига кўмаклашади. Маҳрамда оғир шароитда қолган ёш хонга Муҳйи махсус қасида ҳам битган бўлиб, унда ҳақиқий ҳукмдор энг танг вазиятда ҳам тадбир билан йўл топиши, душманга шижоат билан зарба бериши лозимлиги уқтирилган. Насриддинхон шунга даъват этилган эди. Ўз қасидасида Муҳйи шоҳсиз мамлакатни бошсиз танага ўхшатиб, Насриддинхонга юртга бош бўлишни доноларча маслаҳат беради. Бу маснавий яратилган вазият хусусида Муҳйи ўз дастхат баёзида қуйидагича маълумот беради: «Бу маснавийни қўзғолон вақти жаннатмакон Сайид Муҳаммад Насриддинбек Хўқанддин бирмунча муддат кетиб, Хўжанд қалъасида яшириниб турганда ёзилди ва Фўлод исмли қирғин келтирувчи Марғинон шаҳрида ўтқа ёндирилди¹. Фақир Муҳйи бул вақтда саодат сафаридин Байтуллоҳни зиёрат қилиб қайтган эдим. Қайтганимда хонни қалъада махфий кўрдим».

Лекин тез орада фон Кауфман бошлиқ чор қўшинлари Кўқонни ҳам, хонликнинг бошқа ҳудудларини ҳам забт этади-

¹ Муҳйи воқеаларни орадан анча муддат ўтгач қайд этгани учун бўлса керак, баъзи уринларда ноаниқликка йўл қўйган. Чунончи, Насриддинбек Пўлатхон одамларидан қочиб Хўжанд қалъасида эмас, балки Маҳрам қалъасида жон сақлагани тарихдан маълум. Сохта Пўлатхон эса ёндирилмаган, дорга осиб ўлдирилган.

лар; Русия императори Александр II нинг фармониға кўра 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ҳудудида, Туркистон генерал губернаторлиги таркибида янги Фаргона вилояти тузилади.

Хонлик тугатилгандан сўнг ҳам Муҳйи Қўқонда истиқомат қила бошлайди, лекин умрининг охиригача ҳеч қандай расмий лавозимда бўлмайди. Шундан сўнг 35 йил давомида Муҳйи Қўқондаги Соҳиб Ҳазрат мадрасасининг ҳужраларидан бирида яшайди. Мунтазам ижод билан шуғулланади, Қўқон адабий муҳитининг забардаст вакилларида бирига айланади. Фурқатнинг «Аҳволот»да ёзган қуйидаги сўзлари ҳам бунни тасдиқлайди: «...аср шуароляриким, чунончи мавлоно Муҳйи ва мавлоно Муқимий ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар, ҳаминша мажлис бунёд айлаб, зодаи таъбаримиздин мушоира қилур эрдик ва бир ғазалда татаббуъ кўргузуб, бир мазмун ҳар навъ ифода топар эрди». Юқоридаги парчада «аср шуароляри» номини санар экан, Фурқат биринчи бўлиб мавлоно Муҳйи номини қайд этиши тасодифий эмасди. Зотан Фурқат Муҳйининг беназир истеъдодини ҳар доим эътироф этган, ғазалларига татаббулар битган. Хориждан унга кўп мактублар йўллаган, ўз асарларини юборган.

Хонлик тугатилгандан сўнг Қўқонда истиқомат қилган Муҳйи умрининг энг яхши дамлари ўтган, қанчадан-қанча дўстлар орттирган Андижонга ўзининг иккинчи она шахридек қарар, у ерга ҳар йили бориб ҳафталаб, ойлаб туриб келар эди. 1902 йилги Андижон зилзиласини худди шахсий фожиасидек қабул қилган шоир дарҳол у ерга етиб борган. Зилзила ҳақида 19 банддан иборат дилсўз мухаммас битиб, бир оз ўтгач, шаҳарда зилзила вақтида ярамас феъл-атвори туфайли том тагида қолиб ўлган бир ўғри хусусида шеърий ҳикоя ёзиб, ҳар икки асарни ҳам «Туркистон вилоятининг газети»да чоп эттирган эди. Бугина эмас, шоирнинг умри ҳам ўзи алоҳида севган шу шаҳарда поёнига етди. Бошқа йиллардагидек 1911 йил баҳорида Андижонга, дўстлар суҳбатини қўмсаб борган шоир ўша ерда бетоб бўлиб, 4 май куни оламдан ўтади. Муҳйи вафоти ўша вақтдаги ижод аҳллари қалбига қаттиқ ларза солади. Камий, Шавкат Искандарий, Абдуллажон Насимий, Мавлавий Йўлдош каби шоирлар устоз Муҳйи вафотига марсия-таърихлар битганлар. «Туркистон вилоятининг газети» ўзининг бир неча сониди бу марсия-таърихларни чоп этиб, Муҳйи ҳақидаги ижод аҳлининг юксак фикрларини ўз ўқувчиларига маълум қилган.

Жумладан, газетада эълон қилинган Камий марсия-таърихида куйидаги мисралар бор:

Асру ҳам даҳрда фариду воҳид,
Бешаку бегумон Муҳйи.

Дар миёни муборизи шуаро,
Будеки марди қаҳрамон Муҳйи.

Назм мулкин тамом тасхирин
Тиғи тил бирла айлагон Муҳйи.

Даҳрда йўқ эди назири анинг,
Гар десам, бор эрур ҳамон Муҳйи.

**Муҳйи ва
Муқимий**

Маълумки, «қизил империя» даврида халқнинг ноҳақ бадном қилинган кўплаб етук зиёлилари орасида шоир Муҳйи ҳам бор эди. Бунга Муҳйи билан Муқимий ўртасида маълум даврларда бўлиб ўтган совуқчилик дастак қилиниб, шу баҳонада шўро мафкураси тамойилларидан келиб чиққан ҳолда бу икки йирик ижодкорни синфий манфаатлар жиҳатидан бир-бирига мурасасиз муҳолиф қилиб кўрсатилган, гўё бутун ижоди мобайнида Муҳйи халқ манфаатига хиёнат қилган, бойлар ва амалдорлар шоири, Муқимий эса камбағал, оддий халқ шоири эди, деган ўта сохта даъво илгари сурилган эди. Ваҳоланки, аслида Муҳйи билан Муқимий Кўқонда бир мадрасанинг икки ҳужрасида, бир вақтнинг ўзида умргузаронлик қилганлар. Муқимий уй-жойлик, маълум муддат оилалик бўлиб, хотинидан Акбархўжа исмлиқ ўғил кўрган бўлса, Муҳйи Ҳиротдан чиқиб кетган ўспирин ёшидан бошлаб, умрининг охиригача уй-жойи ҳам, оила-фарзанди ҳам бўлмаган, молдунёдан ҳазар қилган. Шу муносабат билан Кўқон тарихи ва адабиётининг билимдони Пўлатжон Қайюмий тазкирасида Муҳйи ва Муқимийнинг ҳаёт тарзи хусусида айтилган баъзи фикрларни эслашга эҳтиёж туғилади. «Бир мадрасада яшадилар, бир даврнинг кўзга кўринган шоирларидир. Ҳар иккилари ҳам фақирдурлар... Фақирликда Муҳйи Муқимийга нисбатан жуда фақир эди. Ҳовли-жойи, рўзғор, хотун, бола ва қариндоши бутунлай бўлмагандур. Мол, пул тўғрисида сўзлашга ҳам ҳожат йўқ». Шундай бўлгач, Муҳйининг гўё бой-бадавлат ва амалдор кишиларнинг эркатоғи, Муқимийни эса, аксинча, уларнинг мурасасиз душмани қилиб кўрсатишнинг ўзи оддий мантиққа зиддир. Ас-

лида улар узоқ муддат мобайнида ижодда ҳамфикр бўлганини, бир-бирининг билим ва истеъдодини эъзозлаб яшаганини, бир-бирига татаббулар, тахмислар қилганини, ўз ижод маҳсули хусусида бир-бирларининг фикрларини муътабар билганликларини кўрсатувчи далиллар кўплаб сақланиб қолган. Масалан, Абдурахмон Жомийнинг шарқ ҳамсачилигида ғоят муҳим ўрин эгаллаган «Ҳафт авранг»ини Муҳйи ўқиб ўрганиш билан чекланмай, моҳир хаттот сифатида янгидан китобат қилар экан, ўзининг кўб ва хўб меҳнати маҳсули бўлмиш бу янги китобатни ҳаммадраса дўсти Муқимийга ҳавола этиб, унинг фикрларини эшитишни лозим деб ҳисоблайди. Даврнинг йирик хаттоти ҳам бўлмиш Муқимий эса Муҳйининг бу катта меҳнат маҳсулидан завқ-шавққа тўлиб, дўсти китобат қилган «Ҳафт авранг»нинг ҳошияларини бир неча янги ғазаллари билан безашни ҳам лозим биладики, шунинг ўзиёқ бу икки улкан истеъдод соҳибларининг бир-бирига ихлосидан далолатдир.

Бугина эмас. Муҳйи Фазлий Намангонийнинг машҳур ғазалига татаббу тарзида битган сеҳрли ғазали бор. Ўз ҳамкасб дўсти татаббусидаги эҳтиросли бадиий кашфиётлардан зўр ҳаяжонга келган Муқимий унга камоли эҳтиромини намойиш этиб:

Хирадимни ғоратин айлаган юзи ою сочлари ҳоладур,
Бу чаман аро на санавбару на суман била гули лолодур, —

матлаъли ғазал битади. Муқимий янги ғазал битиб, шеъриятимиз хазинасини бойитишдан ташқари мақтаъга дўстининг исминини ҳам киритиб, Муҳйи билан ҳамқисмат эканини таъкидлайди:

Ёзиб эрса хун қадару қазо, нетар ичмайин киши, Муҳйиё,
Манга ҳам Муқийм, шул эрур физо, на ўзунгга якка ҳаволадур.

Муҳйи ҳам ўзи ҳурмат қилган ижодкор дўстидан қарздор бўлиб қолмади. Бунга «сиздан угина, биздан бугина» қабилида иш тутиш зарурати эмас, балки Муҳйи ҳам Муқимийнинг шеърини кашфиётларидан завққа тўлганлиги, ўзи ҳам дўстининг истеъдодига тан берганлиги сабаб эди. Муқимий «Танланган асарлар»ининг «Лирика» қисмида «Куйдурур» радифли ғазал, «Мураббаълар» қисмида эса шу радифли мураббаълар берилган. Мураббаъга синчиклаб назар солинса, Муқимий ғазалини Муҳйи мураббаъга айлантириб, асар таъсирчанлигини янада ошириб юборганлиги маълум бўлади.

Ҳар банддаги Муқимий ғазали байти олдига қўйилган Муҳйининг янги байти маҳбуба жабридан қон ютган ошиқнинг сўнгсиз дардларини ўқувчи тасаввурда яна ҳам аниқ, яна ҳам яққол гавдалантириб, тўртлик мисраларини гўё ялакат мағиздек бир-бирининг бағрига жо қилиб юборади. Масалан:

Ҳар нафас бир доғ ила ул меҳри рахшон куйдурур,
 Гаҳ жамоли шуъласидан, гоҳи пинҳон куйдурур.
 Гоҳи васлидин ёнурмен, гоҳи ҳижрон куйдурур,
 Бўйла куйдурмоқни қайдоғ номусулмон куйдурур.

Кўрмадим гулдек юзини бир замоне хорсиз,
 Васл чоғи чиқмадим мен базмидин озорсиз,
 Термулолмай оразига биргина ағёрсиз,
 Бу сабаб бир умр ҳасрат бирла армон куйдурур, —

сингари бандларда Муқимий қаламига мансуб кейинги байтлар олдига Муҳйи томонидан қўшилган байтлар олиб ташланса, асарнинг қаеридир кемтикдек туюлиши турган гап.

Мураббаънинг сўнги банди эса асарга Муҳйи муносиб ҳисса қўшганига ўқувчини яна бир бор ишонтирадиган қуйидаги байтлардан иборат :

Муҳйини ҳам арз-додиға етинглар, дўстлар,
 Яъни ушшоқи қаториға битинглар, дўстлар,
 Ошиқи кўпдир вале инсоф этинглар, дўстлар,
 Ким ҳамиша ман Муқимийдек анга жон куйдурур.

Муқимий ғазалининг мураббаъга айлантирилганлиги адабиётшуносликда кўп йиллар ҳукмрон бўлган бир хато фикрни, яъни Муҳйи ишқи мажозийни ифодаловчи шеърлар ёзмаган, у фақат диний-мистик шоиргина эди, деган фикрни рад этувчи ёрқин далилдир.

Муҳйи ва Муқимий меросига чуқурроқ назар ташласак, бундай ижодий ҳамкорлик, чинакам ижодий мусобақа намуналарини кўплаб учратиш мумкин. Чунончи, Муҳйи вафотидан кейин тез орада Тошкентда чоп этилган «Девони Муҳйи»даги:

Мунча ҳам, эй гулузорим, қопқародур кўзларинг,
 Эл гумон айлар муқаррар сурмасодур кўзларинг, —

матлаъли, ёки:

Қайси гулшанни санингдек бир гули раъноси бор?

Қайси бир гулни манингдек булбули шайдоси бор?

матлаъли ғазаллари билан Муқимийнинг:

Сурма қўймай мунча ҳам, жоно, қародур кўзларини,

Ҳар бири жон қасдиға боққан балодур кўзларини.

матлаъли, ёки:

Нозпарвар ёр агарчи таъби зулм асоси бор,

Ошиқ ўлдурмоқда қон тўкмакка истиғноси бор, —

матлаъли ғазаллари муқояса қилинса, улардан бирининг татаббу тарзида ижод қилинганини пайқаш қийин эмас. Бироқ ғазалларининг қай бири татаббу учун асос бўлганини аниқлаш эса ўқувчилардан анча тер тўкишни талаб этади. Муҳйи ва Муқимий муносабатлари кўнгилдагидек бўлган вақтларда бу икки улкан санъаткорнинг ўзаро эҳтиромини, ўрнак бўларли ижодий ҳамкорлигини кўрсатувчи бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Аммо, начора, ҳаёт ҳаётлигини, инсон эса хом сут эмган банданини кўрсатиб қўядиган нохуш ҳолатлар ҳам рўй бериб туради. Кўнгиллари ўта нозик, бунинг устига фақат ёлғиз ўзигина ҳақ эканига астойдил ишонган бу икки улкан истеъдод соҳиби бир-бирларининг гуноҳларини кечиришга ожиз қолганликлари оқибатида асаб торлари таранглашиб, номатлуб ҳолатларга олиб келган пайтлар ҳам бўлган. Шоир қалбини биргина сўз билан жароҳатлаш, ёки, аксинча, бошини кўкка етказиш ҳеч гап эмас. Олам бахтсизликларидан кўнгли чилпарчин бу икки азамат, айнаи вақтда, ўта асабий шоирлар ўртасида нималардир ўтади-ю, Муқимийга Муҳйи ортиқча кибр-ҳаволи, Муҳйига эса Муқимий бўларбўлмас нарсаларни шеър қилиб битадиган енгил табиатли одам бўлиб кўрина бошлайди.

Буни қарангки, Муқимий ўзининг андижонлик дўстларига ёзган бир шеърини мактубида ўша вақтда Бўтақарода турган Муҳйига ҳам салом йўллайди-ю, салом байтини:

Ҳожи Муҳйиддин тўрам ҳам олсалар шояд алиқ

Ким, қилурман ёд этиб Бўтақароларга салом, —

тарзида битиб, унинг гўё ортиқча кибр-ҳавосига ҳам ишора қилади. Шу тариқа, икки шоир муносабатлари янада кескинлашиб кетади ва Муқимий Муҳйини йиғилишларда тингловчига малол келадиган даражада кўп шеър ўқийди, дея асабий байтлар битади:

Шеърингизга, халқ толиб бўлсалар, сўнгра ўқунг,
Ё келиб аҳбоб қар бўлмоққа меҳмон бўлдимۇ?

Муҳйи ҳам Муқимий томонидан анча йиллар илгари битилган шеърларини, у дўстларига йўллаган шеърини мактубларни кавлаштириб, уларда ўзига номатлуб кўринган ўринларга тўхталиб, ҳамкасб дўсти зарбасига зарба билан жавоб қилади. Чунончи, 1886 йилда Муҳйи форс тилида «Қасида аст дар шикоят ҳамоқати аҳли замон» («Замон аҳли аҳмоқликларидан шикоят қасидаси») номли каттагина дидактик асар ёзиб, Муқимийнинг бир вақтлар битган:

Эй яхшилар, келайлук, бир жойга йиғилайлук,
Ўйнайлук, куйлайлук, омон бўлайлук, —

матлаъли машқ ғазалини қаттиқ танқид остига олади. Ҳар байтда такрорланиб, гашга тегадиган «ўйнайлук, куйлайлук» иборасини масхаралашдан ташқари муаллифни Оллоҳ ҳукмини, пайғамбар ҳадисларини халққа етказиш ўрнига, уни нукул ўйин-кулгига давват этишда айблайди, ҳамкасб дўсти шаънига қаттиқ тегадиган бошқа гаплар ҳам айтади. Масалан у:

Манга гарданкашлик айлаб муддаи лоф урмасун,
Этмасун беҳуда айлаб тиғи буррон ила баҳс, —

деб ёзганлиги ҳам маълум.

Аммо шуниси ҳам борки, Муҳйи ўзи эъзозлаган, истеъдодига тан берган кўплаб қалам соҳиблари қаршисида ниҳоятда хокисорлик билан таъзим бажо этади, улар хусусида ғоят мақтовли фикрлар айтади. Биргина мисол: шоир Тажаллий ҳақида «Тарихи Муҳйи Хўқандий»да қуйидагиларни ўқиймиз:

«Жаноби саййид авлод Ҳусайнхон Деҳлавий тахаллуси Тажаллий... ҳозирда Худонинг паноҳида саломатдур. Ҳозир бул зотга баробар келадиган шоир бутун оламда кўринмайдур ва эшитилмайдур, бундай шоир аввалда ҳам бўлмаган, кейин ҳам бўлмай-

дур. Катта куллиёти бор ва ул жаноб тўрт тилда (яъни арабий, форсий, туркий ва ҳиндий тилларда) шеър ёзадур ва насрда ҳам адмул масал (тенгсиз демоқчи — муаллифлар)дур».

Муҳйи Муқимий ёзганидек, ўзини ҳамиша баланд тутадиган, ўзга қалам соҳибларини менсимайдиган шахс бўлмаганини юқоридаги биргина мисолнинг ўзи ҳам кўрсатади. Аслида бундай мисоллар анчагина.

Муқимий шеърларининг кўпроқ ашула учун мўлжалланганлиги, улар тўй-базмларда, халқ кўп йиғиладиган давраларда айтилиши ҳам гуё Муҳйига ёқмаган, деган фикрга келсак, аввало, ижодкор яратган асарларнинг оммабоплиги далили бўлмиш бу жиҳатни шоирга айб сифатида қўйиш ўринли бўлмас эди. Қолаверса, бу иш айб ҳисоблангудек бўлса, Муҳйининг ўзи ҳам бу «айб»дан холи эмасди. Чунки Муқимийники сингари Муҳйининг кўплаб ғазал, мухаммас, мураббаълари улар барҳаётлик вақтида ҳам, улар вафотидан сўнг ҳозирга қадар ҳам халқнинг сеvimли хонандалари томонидан мунтазам равишда ижро этилиб келинмоқда, уларнинг миллионлаб тингловчилари бор. Биргина мисол. Амирийнинг машхур ғазалига Муҳйи томонидан боғланган тенгсиз тахмис хонандаларимиз томонидан бир асрдан ортиқ муддат ичида эҳтирос билан ижро этилиб келмоқда. Унинг:

Кўрдим юзини қолдим балоға,
 Ҳажрида юз минг жабру жафоға,
 Қайда борурман энди давоға,
 Арзимни айтай боди сабоға,
 Биздин дуо денг ул бевафоға.
 Кўрдум юзини кеттим ўзумдин,
 Дарёлар оқти қонлиғ кўзумдин,
 Ҳижрони маълум заъфар юзумдин,
 Бир пари янғлиғ учти кўзумдин,
 Ташлади-кетти минг хил балоға, —

сингари бандларини қалбда титроқсиз тинглаб бўлмайди.

Шуниси ҳам борки, эл-юртга таниқли ижодкорлар ҳақидаги ҳар бир янгиликни қулоқларни динг қилиб кутадиغان ихлосмандлар орасида Муҳйи ва Муқимий муносабатларидаги маълум ноҳушликлар ҳам тезда ёйилиб кетди, бу гаплар йирик қаламкашлар эътиборини ҳам тортмай қўймади. Улар бу ҳодисага муносабат билдиришда икки қарама-қарши гуруҳга бўлин-

дилар. Чунончи, Тажаллий, Мавлавий Йўлдош, Камий, Шавкат Искандарий, Фансуруллобек Хисрав, Абдуллажон Насимий кўпроқ Муҳйини, Рожий Марғиноний, Анбар отин, Писандий эса кўпроқ Муқимийни ёқлаганлар, эъзозлаганлар. Бу муносабат турли шаклларда намоён бўлган. Шеърий асарларда баъзилар ўз муносабатларини ошқора билдирган бўлса, баъзилар у икки шоирдан бирига кўпроқ эҳтиром, иккинчисига камроқ эътибор кўрсатиш билан чекланганлар. «Туркистон вилоятининг газети» муҳарририяти эса Муқимий қаламига мансуб асарларни эълон қилиш чогида унга оддий ижодкордек муносабатда бўлгани ҳолда навбат Муҳйи асарларини чоп этишга келганида муаллифни «жаноби тожуш-шуаро», «афсаҳул-фусаҳо», «адиби комил», «фозили айн» сингари юксак унвонлар билан сийлаганлиги маълум.

Бухоройи шарифда мадрасани тугатган, Қўқонда бир мадрасанинг ҳужраларида истиқомат қилган, ягона адабий муҳитда қалам тебратган Муҳйи ва Муқимийнинг шахсий муносабатлари маълум муддат яхши бўлмай қолганлигининг баъзи сабаблари ва кўринишлари ана шундай.

Муҳйи мероси Муҳйи зуллисонан ижодкор бўлиб, ўзининг шеърий, насрий ва тарихга оид асарларини ҳам ўзбек, ҳам форс тилларида битган. Унинг форсий асарлари кўпроқ эканини қайд этмоқ лозим. Айни вақтда: шоирнинг ўзбекча ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаълари ўқувчилар орасида алоҳида шуҳрат қозонган, юксак қадр топган.

Муҳйи шеъриятининг мавзулар доираси ғоят кенг бўлиб, унда инсон ички оламининг анвои жилоларини акс эттирувчи лирик шеърлар ҳам, жамият ҳаётининг турли жиҳатлари тасвирига бағишланган ижтимоий шеърлар ҳам, тасаввуфона оҳангларда битилган намуналар ҳам, давр ва шахслар табиатидаги номатлуб ҳодисаларни танқид остига олувчи ҳажвлар ҳам учрайди.

Кўп асрлик бой мумтоз шеъриятимизда етакчи ўрин тутган ишқий мавзу Муҳйи лирикаси учун ҳам хосдир. Шоир бу мавзуда қалам тебратар экан, Насимий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Амирий сингари азамат ижодкорлардан кўп нарса ўрганганлиги, улар яратган хилма-хил тимсоллардан намуна олиб, ўша тимсолларнинг ҳали очилмаган янги-янги қирраларини оча билганлиги, балоғат чўққисини эгаллагач эса, ўша тимсолларни рад этадиган, ниҳоятда оригинал, бетакрор тимсоллар яратганлиги маълум бўлади. Масалан, Амирийга пайрав тарзида битилгани қайд этилган бир ғазалида Муҳйи:

Зулфи мушкин мойил ўлмиш хаттинг узра, Уйлаким,
Гулшан ичра солди сунбул соя райҳон устина, —

дея маҳбубанинг жингалак зулфи лаби атрофидаги майин тукла-
ри устида тебраниб ғоят кўркем манзара касб этганлигини гул-
шанда райҳон устига сунбул соя солиб турганига ўхшатиб, тенг-
сиз ташбиҳ ишлатса,

Кеча сенсиз сели ашким бузди бунёди жаҳон,
Кетмагилким, бўлмасун оламини тўфон устина, —

дея бирйўла икки шеърий санъатни, яъни ташбиҳ ва муболағани
юксак маҳорат билан қўллаб, таъсирчанликда янги чўққига кўта-
рилади.

Муҳйи ўзига замондош шоирлар орасида бадиий кашфиётла-
рининг мўл-кўлиги, шеърий парвозининг юксаклиги, ўқувчи-
ни лол қолдирадиган тимсоллари билан ажралиб турар эди. Шоир
анъанавий тимсолларни инкор этиш, моҳият-эътибори билан
уларга зид тимсоллар яратишда алоҳида қудрат касб этади. Чу-
нончи, мумтоз шоирлар ғунчани маҳбубанинг оғзига, гул қизил-
лигини маҳбуба чехраси рангига ўхшатиш орқали таъсирчан анъ-
анавий тимсоллар яратганлар. Муҳйини эса бундай ташбиҳлар
сира-сира қаноатлантирмайди. У:

Гунча оғзин қилма нисбат ногаҳон ёр олдида,
Эй сабо, ёрим учун оғзини ур—ёр олдида.

Айла авроқин паришон гулни ҳам гулшан аро,
Айласа ҳамранглиғ лофини дилдор олдида, —

деб ёзаркан, шоирнинг улкан кашфиётига тан бермай иложингиз
йўқ.

Муҳйининг муҳаббат мавзуидаги шеърларида ҳам ишқи мажоз-
зий, ҳам ишқи илоҳий куйланади. Бу бутун мумтоз шеърятимиз-
га, жумладан, Муҳйи ижод этган XIX асрнинг иккинчи ярми —
XX аср бошларидаги Кўқон адабий муҳити вакилларига хос муҳим
жиҳатлардандир. Масалан, Муҳйи билан деярли бир даврда қалам
тебратган ва ўз ижодий тамойиллари билан унга ҳамфикр бўлган
Зиёвуддин Ҳазиний меросида худди шундай ҳолни кўрамыз. Ҳазиний
ўз шеърларида ишқи мажоз мактабини ўтмаган одам ишқи
илоҳийга эриша олмайди, деган тасаввуфна қарашни ифодалаб,
бундай ёзган эди:

То мажозий ўтига куймай, ҳақиқат топмағай,
Эй, Ҳазиний, кўз ёшингни айла тўфонинг керак.

«Ишқи мажоз» радифли газалида эса у ишқи илоҳий топган афсонавий қаҳрамонларнинг номлари ва ишларини ўқувчи тасавурида янгидан гавдалантиради. Ҳазиний ишқи мажозни инсон табиатида ҳавас қиларли фазилат деб ҳисоблайди. Муҳйи дунё лаззатларидан кўб ва хўб баҳра топганини, ишқи мажоз жомидан қониб май ичганини қайта-қайта таъкидлагани ҳолда, чамаси, умр куёши заволга юз тутган вақтларга келиб ўзини ишқи мажоздан халос этишини Тангри таолодан илтижо этади:

Мани ишқи мажозийга гирифтор айлама, ё раб,
Алар ишқи билан бағримни афгор айлама, ё раб.

Менга фазлинг насиб айлаб, хатодин сақла бандангни,
Бу бадхулку жафожўлар била ёр айлама, ё раб.

Кечиб дунёи фонийнинг муродин истамас Муҳйи,
Ани жуз лойиқи фирдавс дийдор айлама, ё раб.

Муҳйи меросида юқоридаги сингари мисралар мавжудлигига қарамай, ишқи мажозни ҳам, ишқи илоҳийни ҳам тараннум этувчи шеърлар бир-биридан кам эмас. Масалан:

Келди наврўз, эй ёронлар, очди бағрин лолазор,
Гул чаманда очилиб, булбулни айлар беқарор.

Кўп ганиматдур баҳору ёз ила гулшан аро —
Жам бўлиб, аҳбоблар, суҳбат этинглар ихтиёр, —

ёки:

Баҳор айёми хушдур гулшану боғ,
Чиқиб саҳроға бўлди таъбимиз чоғ.

Паривашлар билан айлаб тамошо —
Баланду паст, бўлди кўнглимиз тоғ, —

сингари тўртликлар битиб, ҳаёт гўзалликларидан бир олам шавқ-завқ олганини эҳтирос билан ифодалаган шоир «Ошно», «Муб-

тало», «Гараз», «Яхшироғ», «Эмасму» радифли ва бошқа газал ҳамда мухаммасларида ишқи мажоз туйғуларини қаламга оларкан, ўқувчи қалбига титроқ соладиган, уни нажиб хаёллар оламига етаклайдиган анвои мисралар тизади.

Донаи холингмудур ул лаъл нобинг ёнида,
Ё магар кавсар лабида ўлтуран ҳиндумидур? —

ёки:

Чиқти ул маҳрух мени йўлимга истиқбол учун,
Ой юзи-ла гўйиё чиқмуш олуб меҳмона шамъ, —

ёки:

Топмадим гулшанда ҳаргиз бир тикон,
Хаста булбул кўксиға санчилмағон, —

ёки:

Менга лутфу карамлар қилмаса ёр, йўқ айбким,
Бул ҳаваслиқдин бўлубмен подшоға мубтало, —

ёки:

Муҳйи, кам-кам қилғусидур ошнолиғ, ғам ема,
Зарраға боқмасму охир меҳри рахшон оқибат, —

сингари чинакам шоирона кашфиёт мақомидаги кўб ва ҳўб бетакрор мисралар шулар жумласидандир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Муҳйи ишқи мажозийни акс эттирган ўзбекча ва форсча газалларнинг катта бир қисмини мувашшаҳ шаклида яратган. Шоирнинг бир бутун ҳолда 1911 йилда Тошкентда чоп этилган форсий ва туркий девонига назар ташлар эканмиз, унда Султонмуродхон, Юсуфхон, Қорихон, Маҳмудхон, Мирзоҳамдам, Шерқўзихон, Ортиқхон, Шоҳюнусхон, Олимжонхон, Мирфайзхон, Соатхон каби замондошлари номига битилган мувашшаҳларни кўрамиз. Шу муносабат билан улкан шоир ва тадқиқотчи Мақсуд Шайхзоданинг мувашшаҳ ҳақидаги қизиқарли мулоҳазасини эслаб ўтишга эҳтиёж сезилади. «Лирикада мувашшаҳ жанри ... ўзбек адабиётида, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида кўп авж олиб кетиб, адабиёт

аҳли ўртасида кенг расм бўлиб қолган эди. Ҳатто шу даражадаки, шоирлик ва назмчилик ҳунари мувашшаҳчиликдаги маҳорат билан ҳам ўлчанадиган бўлиб қолди. Аниқлик учун шуни ҳам айтиш керакки, — дея таъкидлаган эди муаллиф, — мувашшаҳ кимнинг исмига боғланган бўлса, ўша ғазалда таъриф этилган образ ҳам айна мазкур кишининг ўзидир, деб ўйлаш хатодир. Мувашшаҳдаги бу ғазалнинг кимга бағишланганига далолат қилади, холос. Асарда тасвирланган ёр эса бус-бутун бошқа бир киши бўлиши ҳам мумкин». Устоз Шайхзоданинг кейинги фикри гоят тўғри эканини кўрсатиш учун биз Зокиржон Фурқатнинг машҳур ҳофиз дўсти Мулла Тўйчи исмига мувашшаҳ қилинган «Устида» радифли ғазалидан икки байтни келтирмоқчимиз:

Ўсмалик қошларму ё шамшир қондин занглиғ,
Ёки пистоқи тўкулмиш ранги аҳзар устида?

Юз уза кокулмудир ҳар сори печу тоб ила?
Ганжи ҳуснунгму ётур ё икки аждар устида?

Бу ўринда тасвирланган ўсмалик қошларни, ҳар сори силкинувчи кокилларни Тўйчи ҳофизга нима алоқаси бор? Маълум бўладики, ғазалда бутун бошқа бир маҳбуба тасвирланган бўлиб, у Тўйчи Ҳофиз исми билан безалган ва, чамаси, ашула қилиб айтиш учун Ҳофизга тақдим этилган. Шайхзода мувашшаҳ ҳақидаги мулоҳазаларини яқунлар экан: «... исмига мувашшаҳ боғланган кишиларни аниқлаш ва шу орқали шоирнинг ёру дўстлари, муҳити ва доираси ҳақида конкрет материални қўлга киритиш, шоирнинг илмий биографиясини яратиш учун муҳимдир», — деб ёзган эди.

Шайхзода домланинг бу фикрлари шоир Муҳйи мувашшаҳларига ҳам тўла алоқадор бўлиб, улкан шоир яшаб ижод этган ижтимоий-маданий муҳитни аниқлашга, унинг таржимаи ҳоли, кўрган-кечирган воқеаларини яққол тасаввур этишга кўмаклашуви турган гап.

Ишқи илоҳий борасида қалам тебратар экан, Муҳйи ўқувчиларни дунё ҳою-ҳавасларидан кечишга, хилватнишинликка, ҳамиша ёди Ҳақ билан яшашга даъват этади, ўзининг умри ҳақиқий тоат-ибодатдан четда, охират тадорикини қилмай ўтганидан фарёд чекади. Шоир шу йўл билан бошқаларнинг ҳам имон-эътиқодли, инсоф-тавфиқли, сабр-чидамли, айна вақтда, Ҳақ шафоатидан ҳамиша умидвор бўлиб яшашларини истайди. Унинг:

Эй соҳиби кошонау қасру айвон,
 Айлар сани қасрингни ҳаводис яксон.
 Қуб қилма бино қасру иморатингга—
 Ким, марг қилур вужудинг вайрон, —

тўртлиги, шунингдек, ғазалларидаги:

Гар айласанг, биродар, сан ихтиёри хилват,
 Албатта бўлғусидур Ҳақ санга ёри хилват.

Хилватни кунжи, билсанг, ишқ аҳлини биҳишти,
 Боғи Эрамдин ортуқ, албатта, ғори хилват, —

ёки:

На тил бирла баён айлай, гуноҳим ҳаддин афзундур,
 Бўлуб мусриф авқотим найи нафсу ҳаво, ё раб.

Агарчанди гуноҳ бирла ўтар Муҳйини айёми,
 На ғам, маҳшар куни қилсанг шафъиим Мустафо, ё раб, —

сингари мисралар ишқи илоҳийга шоир қалбининг садоларидир.

Лирик шеърларида Муҳйи ўз ўтмишдошлари ва замондошлари бўлмиш забардаст ижодкорлар сингари фалак кажравлигидан, покдомон аҳли илм, аҳли хирад қадр топмаганидан қайта-қайта зорланади, кези келганда дарғазаб бўлади. «Бўлди ул қолу балода қисматим», «Топмадим ҳаргиз бир тикон», «Эй чархи сифлапарвар, ман сандин айлайн дод», «Бўлди барҳам, эй дарифо, яхши давронлар абас» мисралари билан бошланадиган ва бошқа кўпгина ғазалларда шу ҳолатни кўриш мумкин.

Муҳйи ўзи яшаб турган даврда эл-юрт ҳаётида рўй берган катта-кичик воқеаларга, турли масжид-мадрасалар, бозор рас-талари қурилишига, мамлакат деҳқончилигини ривожлантириш учун йирик каналлар қазилишига, ўзидан илгари ўтган ва ўзи билан бирга яшаган тарихий шахслар вафотига бағишлаб ҳам шеърлар битган. Шундай воқеаларнинг энг шов-шувлиси, халқ бошига катта мусибат келтирган 1902 йилги Андижон zilзиласи эди. Ана шу фожиага атаб Муҳйи томонидан битилган ўн тўққиз банддан иборат мухаммас-таърихни «Туркистон вилоятининг газети» ўз саҳифаларида «Хуқандлик шоири номдор, соҳиби иқтидор мавлоно Ҳожи Муҳйи афандининг Андижон

шаҳри хусусида дилсўзона абётлари» сарлавҳаси остида чоп этганлиги маълум.

Умрининг энг яхши дамлари шаҳзода Насриддинбек саройида, кейин эса ўзига дўст-қадрдон аҳли фозиллар орасида Андижонда ўтган шоирдан бу зилзила чиндан ҳам «дилсўзона абётлар» тақозо этганди. Муҳйи ўзи учун алоҳида севимли, қадрдон бўлган, кейинчалик унинг умри ришталари узилган бу шаҳар фожиасини худди ўз шахсий фожиасидек қабул этган ҳолда кўз қаросидан довод, киприкларидан килк ясаб, тенгсиз бир марсия битган эдики, унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳарфидан Андижон аҳлига буюк ҳамдардлиги шундоққина кўриниб туради. Зотан:

Таън айламанг, азизлар, зинҳор Андижонга,
 Ҳақ амри бирла бўлгон ҳамвор Андижонга,
 Қилган экан муқаддар Жаббор Андижонга,
 Доим дуойи хайрот даркор Андижонга,
 Сан айлама маломат бекор Андижонга, —

банди билан бошланадиган мухаммаснинг илк мисраларидан бошлабоқ қалб изтиробисиз ўқиб бўлмайди. Туркистонда умрининг аксар қисми ўтган, уни она-Ватан сифатида жону дилдан қабул этган, юрт ҳукмфармолари хоҳиши билан пойтахт Кўқонда ҳам, Андижонда ҳам сарой аъёнларидан бирига айланган Муҳйи хонлик ҳудудлари чор Русияси томонидан аввал қонга ботирилиб, кейин империянинг вилоятларидан бирига айлантирилганидан бениҳоя дарғазаб эдики, кези келиши биланоқ ўша чексиз ғазабини тўкиб солади. У Андижон аҳли аслида қандай ҳалол, имон-этиқодли, мусофирга меҳр-оқибатли бўлганлиги ҳақида сўзлаб келиб, барча ёмон ишлар бу шаҳарга ажнабийлар келганидан сўнг авжга чиққанини ғоят усталик билан қистириб ўтади:

Бечора эрди халқи, билмас эди шарорат,
 Муллою хўжасининг афъоли зуҳду тоат,
 Келса мусофир аҳли, айлар эди зиёфат,
 Касб этти ажнабийдин шўри шари хиёнат,
 Юзланди ҳар тарафдин ишрор Андижонга.

«Ажнабий» иборасини Муҳйи «рус мустамлакачиси» маъносида олганлиги, цензурани чалғитиш учун шундай айланма йўл

тутганлиги ўз-ўзидан аён. Шундан сўнг шоир жону дили бўлган шаҳар халқи шаънига номатлуб гаплар айтиб, «ажаб бўлди — ҳўб бўлди» дея маломатга зўр берганларнинг танобини тортиб, жойини кўрсатиб қўяди:

Қилманг аларга тухмат, нисбат бериб шарорат,
 Беҳуда айламанглар ўлганлари ҳақорат,
 Эй гафлат аҳли, бўлманг бир лаҳза бетаҳорат,
 Шайтон магар қилибдур сиздин ҳаёни ғорат,
 Беҳуда таън этарсиз абгор Андижонга.

Бўлма ўзунга мағрур, эй бетамиз, нодон,
 Элни мусибатиға бир лаҳза шод-хандон,
 Найларсан ўлса зоҳир санга азоби тўфон,
 Ё зилзила балоси юртингни қилса вайрон,
 Ибрат кўзи била боқ яқбор Андижонга.

Муҳйи имон-эътиқоди мустаҳкам мўмин сифатида андижонликларни сабр-тоқатга, доимо Ҳақ ёди билан яшашга чақиради, Оллоҳ ўзи лутф айласа, шаҳар аввалгидан ҳам яхшироқ, гўзалроқ бўлиб қад кўтаришига ҳар кимнинг дилида умид уйғотадиган ноёб мисралар битади: шоирнинг «Қодир эрур Худованд гар қилса боз обод» деган сўзлари Ҳақ даргоҳида ижобат бўлиб, тез орада Андижон яна асл қиёфасига эга бўлди. Орадан 8—9 йил чамаси вақт ўтгач, шаҳарга, қадрдон дўстлари суҳбатига келган андижонпараст шоир шу ерда ҳаёт билан видолашди ва шаҳардаги Хожа Саъдиддин Фарғоний қабристонига дафн этилиб, ўз севган шаҳрида мангу қолди.

Муҳйи яшаган даврда Фарғона водийсида рўй берган ва узоқ муддат зўр шов-шувларга сабаб воқеа фирибгар Виктор Ахматов фаолияти билан боғлиқ эди. Қўқондаги рус савдогарлари конторасида бошқарувчи бўлиб ишлаган устаси фаранг Виктор Европа ва Русиянинг катта шаҳарларидан арзон баҳода ноёб моллар келтириб беришни ваъда қилиб, Фарғона водийсидан ташқари Бухоро амирлигидаги ўнларча маҳаллий савдогарларни алдаб, минг-минглаб пул тўплаган, қилар ишини қилиб бўлгач, Русия ичкарасига қочиб, дом-дараксиз йўқолган эди. Бирни ўн қилиш пайидаги фирром, айни маҳалда лақмароқ бойлар арзон, ноёб мол тамаида бор-йўқларини Викторга икки қўллаб топширишдан ташқари бир нечалари рус банкирларидан ҳам қарз-ҳавола кўтариб синган, эл-юрт орасида шарман-

даи шармисор бўлган эдилар. Туркистон тарихида кўз кўриб, кулоқ эшитмаган «Виктор воқеаси» 1891 йилда рўй берган бўлиб, ўша даврнинг кўплаб ижодкорлари эътиборини жалб этган, бу хусусда кенг қўламли шеърый туркум яратилган эди. Муқимий, Завқий, Нодим ва бошқа бир неча йирик ижодкорлар қатори Муҳйи ҳам бу воқеа хусусида «Дар мазаммати Бектур» номли ажойиб ҳажв битган бўлиб, мухаммас шаклидаги бу асар 19 бандни ташкил этади.

Муҳйи ҳажвининг найзаси асосан Викторга эмас, балки мол-дунё ҳирсига берилиб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, орому роҳат нималигини билмаган, бойлиги ҳеч ерга сифмаса ҳам шарият буюрган закотга фирромлик қилган, бева-бечораларга ёрдамни асло хаёлига келтирмаган зиқна бойларга қаратилган. Муҳйи бу мол-дунё бандаларининг чиркин қиёфасини баралла гавдалантирувчи қуйма мисралар, унутилмас тимсоллар яратади. Шоир тасвирича, улар тасбеҳ ўтириш чоғида Оллоҳнинг номини эмас, Виктор номини вирд қиладилар, Викторни шоҳ, ўзларини эса мулозим деб биладилар. Уларнинг хасисликдан ҳам бадтар бир қилмишлари шуки, мустамлакачи руслардан бошқаларни тан олмайдилар. Бу хусусда шоир:

Бермай закоти шаръий, ҳаж қилмаган гуруҳа,
Дунё деб охиратни ёд этмаган гуруҳа,
Арбоби фазл қадрин ҳеч билмаган гуруҳа,
Русийдин ўзга элга бош инмаган гуруҳа,
Жавр айла — берма пулни имкони бор, Бектур, —

деб ёзаркан, фирибгарнинг бу иши ўша гуруҳларга нисбатан одилна қасосдир, деган хулосага келгандай бўлади.

Мухаммаснинг сўнгги бандида Муҳйи ўзининг ҳаёт фалсафасини, мол-дунёга муносабатини ифодаловчи мисралар битади:

Шукр этки, Муҳйи, бўлдинг сен мўмину муаҳҳид,
Дунёи дун учун ҳеч умр ичра қилмадинг жидд,
Дунёю охират-чун ҳар иккиси эрур зид,
Дунё матое, бешак, уқбо элига косид,
Дунё деган муқаррар маъноси нор, Бектур.

Гап шундаки, аввало, Муҳйининг ўзи юқорида айтилганидек, мол-дунёга эътибор қилмаган, фақирона турмуш тарзини афзал кўрган киши бўлса, иккинчидан, ўқувчиларни ҳам асарда

ҳикоя қилинган ибратли воқеадан тўғри хулоса чиқариб, тўғри яшашга даъват этади. «Дар мазаммати Бектур»нинг энг аҳамиятли жиҳати ҳам шундадир.

Муҳйи ўзбек ва форс тилларида кўб ва хўб асарлар яратган, нодир девон соҳиби эканидан ташқари ўз даврининг йирик та-рихнавис олими ҳам эди. Унинг Ўзбекистон Республикаси Фан-лар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти Кўлёмалар бўлимида 604 -инвентар рақам остида сақ-ланаётган «Тарихи Муҳйи Хўқандий» асари фикримизнинг да-лилидир.

Асарнинг асосий қисми Кўқон хонлиги тарихи сарчашмала-рида турган афсонавий Олтинбешиқхон ва унинг авлодлари, ай-ниқса, хонликни таркиб топтиришда жасорат кўрсатган Шоҳ-руххон, ниҳоят Муҳйига замондош бўлган Шералихон, Малла-хон, Худоёрхон, Шоҳмуродхон, Султон Саидхон, Насриддин-хонлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади. Кўқон хонли-гининг чор мустамлакачилари томонидан босиб олиниши, бу ишда тож-тахтга ўчлиги, манфаатпарастлиги, худбинлиги би-лан душман томон мақсадларининг нисбатан енгил амалга оши-шига, хонлик тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал гу-бернаторлиги таркибида Фарғона вилояти тузилишига сабабчи бўлган сохта Пўлатхон, Абдурахмон офтобачи ва бошқалар ҳақидаги муаллиф маълумотлари бошқа муаррихларнинг асар-ларида деярли учрамайди.

Хонлик тугатилиб, юрт Русия тасарруфига ўтгач, бу ишнинг бош айбдорларидан бўлмиш Абдурахмон офтобачи ўша вақтлар-да Оренбург сургунида яшаётган Худоёрхон ҳузурига тавба-та-зарру қилиб бориши, собиқ хон ўзи ғоят оғир аҳволда эканига қарамай, хиёнаткор қайнисига анчагина моддий ва маънавий ёрдам берганлиги, ҳатто бир татар аёлига уйлантириб қўйиб, катта ҳиммат кўрсатганлиги ҳақидаги муаллифнинг қизиқарли маълу-мотлари ғоят муҳимдир.

Китобнинг иккинчи қисмида, асосан, Муҳйининг хорижий мамлакатларга Кўқон хонлигининг элчиси ва сайёҳ сифатида бор-ганида туғилган таассуротлар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва Туркия тарихига оид материаллар, муаллиф ўзи кўрган, ундан олдин ўша мамлакатларда бўлган туркистонлик сайёҳлар бораси-да бой маълумотлар берилган. Унда Муҳйининг устозлари бўлмиш кўқонлик шоир Тамкин, пешоварлик олим ва адиб Муфти Эсон Соҳиб, Ёркентда истиқомат қилган йирик шоир Тажаллий хусу-сидаги мулоҳазалар ҳам, айниқса, қимматлидир. Муаллифнинг

форс тилидаги бу китоби бой маънавий меросимиз дурдоналаридан ҳисобланади.

Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 415 варақдан иборат «Риёзул-фирдавс кашкули Муҳйи» номли йиғма асарлардан иборат катта дастнавис китоби ҳам 11324-инвентар рақамда сақланади. Унда Ҳофиз, Жомий, Навоий, Сайидо, Амирий ва бошқа шоирларнинг ғазал ва мухаммасларидан ташқари Муҳйининг форсий ва туркий тиллардаги насрий ҳамда шеърий асарлари ҳам ўрин олган. Бундан ташқари 1303-инвентар рақам остида сақланаётган «Девони Муҳйийи туркий»нинг шоир дастхат нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, анъанавий ҳамд ва наътлар билан бошланган бу девонда муаллифнинг ғазал, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, рубоий ва бошқа жанрлардаги кўплаб асарлари жой олган.

* * *

Муҳйи бадий маҳоратининг юксаклиги жиҳатидан ўзига замондош қалам соҳибларидан ажралиб туриши даврнинг кўплаб ижодкорлари томонидан эътироф этилган. Масалан, улкан шоир Тажаллий ўз қасидаларидан бирида уни барҳаёт Навоий деб атаган бўлса, Аҳмадхон тўра Даҳбедий:

Муҳйики ба фазл ёфт меърож,
Бар маснади фазл соҳиби тож.
Гардида лақаб бо фазл Муҳйи,
Тожуш-шуарои ашрафул ҳож, —


яъни, Муҳйи фазли билан меърожга етиб, фазл тахтида тож соҳиби бўлди. Фазл шарофатидан Муҳйи лақабини олиб, шоирлар тожи, ҳожилар шарофлиси бўлди, дейди.

Муҳйининг истеъдодли шогирдларидан Фансуруллобек Хисрав эса уни:

Батарзи маснавий монандии Фирдавсийи Тусий,
Фазал бобида гўё Саъдийи ушбу замон Муҳйи, —

дея кўқларга кўтарган эди.

Муҳйи шаънига бундай мақтовлар зинҳор-базинҳор бекорга айтилмаган. Халқ унинг шеърларини интизорлик билан кутиб, зўр мамнуният билан ўқиганлиги сабабли 1900-йиллар бошида Русиянинг узоқ шаҳарларида ясалган энг кўркем чин-



Қўқон Арки

ни идишларга унинг байтлари билан жило берган. Москвада ўша йилларда чиқарилган муъжаз чинни пиёла ҳошиясига Муҳйининг:

Ваҳ на хуш мунаққашу зебо пиёладур,
Чой ичгали муносибу раъно пиёладур.
Муҳйи бу навъ зуҳру ҳунар кўрса аҳли Чин,
Билгил хитой халқи муқаррар уёладур, —

мисралари зарҳал билан битилганлиги, бундай пиёлалар юз минглаб ясаиб, сеvimли шоир шеърларини юртлардан юртларга олиб ўтганлиги ҳам алоҳида эътиборга сазовордир.

Муҳйи номи ва асарлари кўп асрлар яшаб, халқ ардоғида бўладиган улкан истеъдод соҳибидир.

ИСҲОҚҲОН ИБРАТ (1862–1937)

Исҳоқхон тўра Ибрат – миллий уйғониш даврининг фаол ижодкорларидан бири, серқирра истеъдод соҳиби. Шоир ва маорифчи Иброҳим Даврон (1874–1922) Ибрат ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Исҳоқхон Тўра улуми диния ва фанния ва адабияда устози комиллиғи билан бутун Фарғона ва дигар жиҳат Осиёи Вустода инкор ўлунмас даражада бир мавқеъи мумтози тутмушдур. Исҳоқхон тўра улуми динияда мударрисдур, фунуни дунявийда, билошубҳа, архитектор, техник ва механик ва физиқия илминда тилифонист, тилигрофист ва яна химик десак яна оздур, чунки бу илмларни билур. Исҳоқхон тўра олим ва фозил бир зоти олий бўлуб, бу турфа фазоили инсонияга молик... Баъзи ихтироти ҳам бордур»¹.

Исҳоқхон 1862 йили Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида туғилди. Унинг ота-оналари Жунайдуллаҳўжа ва Ҳурибиби даврининг ўқимишли кишилари эдилар. Исҳоқхон дастлаб ҳижо усулига асосланган маҳалла мактабида ўқиди, аммо саводини онасининг қўлида чиқарди. Ҳурибиби мактабдор бўлиб, ўз мактабида фақат қуруқ ёдлаш билангина чекланмай, қизларга ёзиш ва ҳуснихатни ҳам ўргатар эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон онасини кўп асарларида устози сифатида ҳурмат билан тилга олади. Адабиёт ва санъатга зўр муҳаббат қўйган Исҳоқхонни ўқишни давом эттириши учун Қўқонга юборадилар. У 1878 йили XIX аср бошларида барпо этилган Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасига ўқишга киради. Исҳоқхоннинг Қўқон мадрасаларида таҳсил кўрган йиллари (1878–1886) ўзбек адабиётида, маданий ҳаётида, маорифида катта ўзгаришлар содир бўлаётган даврга тўғри келди. Унинг бу адабий-маданий ҳаётдан баҳраманд бўлганлиги шубҳасиз. У Қўқон адабий муҳитининг йирик намояндалари Муқимий,

¹ Туркистон вилоятининг газети. 1908 й., 56-сон.

Фурқат, Муҳйи, Завқий, Нодим, Ҳазинийлар билан яқин алоқада бўлган, адабий мушоираларда иштирок этган.

Исҳоқхон Ибрат мадраса берадиган илмлар билангина чекланиб қолмади. У ўқиш давомида буюк Шарқ олимлари асарларини мустақил мутолаа қилди, араб, форс ва рус тилларини чуқур ўрганди, рус ва ўзбек тилларида чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости» каби ҳамда Туркистон ўлкасига янги тарқалаётган Исмоилбек Гаспратининг «Таржимон» газетаси билан биринчи марта Қўқон мадрасасида ўқиб юрган кезлари танишди.

1886 йили мадрасани тугатиб, Тўрақўрғонга қайтган Ибрат ўз фаолиятини қишлоқда маърифат тарқатишдан бошлайди, ўша йили қишлоқда мактаб очади. Унинг мактаби «усули қадим» — «усули таҳажжи», яъни ҳижо методига асосланган мактаблардан бирмунча фарқ қилар эди. Исҳоқхон тўра Қўқонда ўқиб юрган вақтларида ўлкада очилаётган рус мактабларидаги ўқув усуллари-нинг маҳаллий мактабларда ҳукм сураётган ҳижо ҳамда қуруқ ёдлаш усуллари-дан устунлигини сезган эди. Шунинг учун у ўз мактабига нисбатан илғор ҳисобланган товуш (савтия) усулини татбиқ қилди. Аммо бу мактаб узоқ фаолият кўрсата олмади. Му-таассиблар уни ёпишга муваффақ бўлдилар.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг «Лугати ситта алсина», «Жомеъл-хутут» ва «Тарихи Фарғона» асарларида ёзишича, 1887 йили, яъни 25 ёшида онасини Маккага олиб бориш учун отланади. Бироқ Ва-танга қайтиш онаизорига насиб этмади. Ҳурибиби ўпка шамол-лаш касали билан Жидда шаҳрида вафот этди. Исҳоқхоннинг Шарқ мамлакатлари сафарига чиқишдан асосий мақсади, биринчидан, онасининг ҳажга олиб бориш ҳақидаги илтимосини қондириш бўлса, иккинчидан, чет эл халқлари ҳаёти, маданияти билан яқин-дан танишиш, бу мамлакатларни ўз кўзи билан кўриш истаги эди: «...Умрим нақдини ҳавас бозорида кечирмак тақозоси-ла ўлуб, синним йигирма беш кечмиш экан, ҳавои тақозои муҳтарама ду-шуб саёҳат этдум...»¹ — деб ёзади у.

Исҳоқхон Ибрат онасини Жидда шаҳрида дафн этиб, Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарини давом эттирди. Шу билан бирга Истанбул, София, Рим каби Европанинг марказий шаҳарларида бўлди. Анча вақт Афғонистоннинг Кобул, Арабистоннинг Жидда каби шаҳарларида истиқомат қилди. Макка шаҳридан Қизил ден-гиз ва Ҳинд океани орқали Ҳиндистонга келди. 1892—1896 йил-ларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарларидан Бомбей ва Калкуттада яшади. Бу ерда қўп ишлатиладиган арбаъ лисон, яъни

¹ Исҳоқхон Ибрат. Лугати ситта алсина. Т., Ильин типографияси, 1901, 2-бет.

тўрт тилни: араб, форс, ҳинд-урду ва англиз тилларини мукам-мал ўрганди. Исҳоқхон Ибратнинг Шарқ ва Ғарб халқлари тилла-рини анча мукаммал билганлигини эътироф этиб, замондоши Иброҳим Даврон шундай ёзади: «Ҳазоили инсониядин моада қози тўра жаноблари туркча, форсча, ҳиндча, русча лисон билиб, яна русча, франсузча, арманича ва бошқа хатлар ёзмоққа моҳирдур-лар»¹.

Исҳоқхон тўра Ибрат 1896 йили Ҳиндистондан Бирма орқали Хитойга, сўнгра Кошғарга ўтади ва Наманганга қайтиб келади. Чет элдан қайтгач, 1896 йили олти тилни ўз ичига олган «Луғати ситта алсина» («Олти тили луғат») номли асарини ёзди. Асар анча қи-йинчиликлар билан 1901 йили Тошкентда Ильин босмахонасида чоп этилди. Ибрат илғор педагог сифатидаги фаолиятини давом эттириб, 1907 йили ўз уйида «усули савтия» методига асосланган мактаб очди. Унда 30 нафар қишлоқ болаларини ўқитди. Ўқиш-ўқитиш ишларини ўзи тузган дастур асосида олиб борди. Мактаб ёруғ деразали катта хонага жойлашган бўлиб, янги ўқув қуроллари — парта, стол-стуллар, янги ўқув китоблари, қора тахта (доска), дафтар кабилар билан таъминланган эди. Ибрат ўз мактабига янги-ча ўқитиш усулларида хабардор бўлган педагог Ҳусайн Мақаевни таклиф қилди. Ҳусайн Мақаев ва унинг рафиқаси Фотима Мақае-ва Исҳоқхон Ибрат мактабида ўқитувчи сифатида фаолият кўрсат-дилар.

1907 йили Ибрат Оренбургга боради ва Ризо Фахриддиннинг «Шўро» журнали фаолияти билан танишади. У Оренбургда Гауф-ман деган матбаачидан пулини ўн йил мобайнида тўлаш шарти билан 1901 йилда чиққан литографик машина сотиб олади. Ис-ҳоқхон литографик машина ва ҳарфларни катта машаққатлар билан Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга тўяларда олиб келади. 1905 йили ўзи қурдирган ҳаммом ўрнида чопхона ташкил қилди ва «Матбааи Исҳоқия» номи билан ишга туширди.

Ибрат «Мақсад бу ишдан эрди оламға илм касри» деб таъкид-лаганидек, бу матбаа ўз фаолиятини илм-маърифат тарқатишдан бошлади. Унинг биринчи маҳсулоти «Санъати Ибрат, қалами Мир-ражаб Бандий» савод чиқаришга бағишланган бўлиб, 1908 йили босмадан чиқди. Бу тўғрида ўша йили матбаага мудирлик қилган Охунзода Абдурауф Шаҳидий қуйидагиларни ёзади: «Қобилият ва салоҳиятлари қавий, заковат ва фатонатлари жойида бўлган ғайратли талабалар ва ёш муаллимларимиз ва аҳли китобот ва

¹ «Туркистон вилоятининг газети». 1908 йил, 36-сон.

хаттотларимизга таълим ва таълими китобат хусусидаги биринчи ҳадямизни ожизона тақдим айлади»¹.

Бу асар савод чиқариш ва ҳуснихат намуналарини ўрганишда муҳим қўлланма вазифасини ўтаган. Халқ ўртасида китоб ва ўқув қўлланмаларига бўлган талабнинг ошиб бориши натижасида ли-тография 1910 йили Наманган шаҳрига кўчирилди ва типоли-тографияга айлантирилди.

Маориф ва маданиятнинг равнақ топиши, халқ онгининг шаклланиши ва ривожланишида газетанинг улкан аҳамиятини тушунган Исҳоқхон тўра 1913 йили «Матбааи Исҳоқия» қоши-да «Ал-тижор ал-Наманган» номида газета чиқаришга ҳаракат қилади, ҳукуматга ариза ҳам беради. Бу ҳақда Уфада чиқади-ган, наинки Ўрта Осиё, умумтуркий дунёда машҳур бўлган «Вақт» газетаси катта мамнуният билан қуйидагиларни ёзади: «Наманган муътабариндин Исҳоқ қози ҳазратлари «Ал-тижор ал-Наманган» исминда бир газета чиқарарга сўраб ариза берди. Бу зот 1908 йилда Наманганда бир матбаа очган эди. Бу йил «Кутубхонаи Исҳоқия» исминда кутубхона очиб, турк, татар, ўзбек тилларинда бўлгон адабиёт китоблари олдирди. Ҳозир газета чиқармоқ ҳадиндадур. Чин кўнгилдан муваффақият ти-лаймиз»².

Афсуски, Исҳоқхон тўра газета нашр қилишга муваффақ бўла олмади, лекин ўз уйида анча бой кутубхона ташкил қилди ва уни «Кутубхонаи Исҳоқия» деб атади. Унинг архивида сақлан-ган китоблар рўйхати шуни тасдиқлайдики, кутубхонада таъ-лим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, турк, татар, рус, форс-тожик тилларида битилган кўплаб китоблар бўлган, қишлоқ аҳолиси улардан унумли фойдаланган. Исҳоқхон Ибрат ўз мак-таби ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаган. Кутубхона-нинг мактаб ўқувчиларига бағишланган бўлимида Исмоилбек Гаспираниннг «Хўжаи сибён», Саидрасул Саидазизовнинг «Ус-тоди аввал», Мунавварқорининг «Адиби аввал», «Адиби со-ний», Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Асбоби таълими савод», «Ки-тобатул-атфол» каби 50 номдан ортиқ дарслик ва қўлланмалар, таълим-тарбияга оид рисоалар бўлган.

Маълумки, Марказий Осиё Русия томонидан босиб олин-гандан кейин ҳам қозилик суди сақланиб қолди. Бу билан мустамлакачилар ўзларини ерли халққа нисбатан одил, улар-нинг «пушти паноҳи» қилиб кўрсатмоқчи бўлдилар. Аммо давлат

¹ Исҳоқхон Ибрат. Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий. Тўрақўрғон, Мат-бааи Исҳоқия, 1908, 12-бет.

² «Вақт» газетаси, 1913 йил, 1324-сон.

аҳамиятига молик ишларни қозилик судида кўриш ман этилди. Исҳоқхон Ибрат 1897—1924 йилларда узлуксиз Тўрақўрғон қозиси лавозимида фаолият кўрсатди. Қатор публицистик мақолаларида, шеърларида тузум иллатларини, маҳаллий ва мустамлака амалдорларининг қабиҳ ишларини фош этди. 1910 йили Туркистон ўлкасида қозилик мансабига сайлов ўтказилди. Шу муносабат билан у «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида мустамлака тартибларининг моҳиятини очиб ташловчи туркум мақолалари билан чиқди. Ўғрилиқ, порахўрлик, зўравонлик билан шуғулланувчи ярамас одамларнинг қози ёки мингбоши бўлиб олишларига кенг йўл очиб берган чор ҳукумати қонун-қоидалари, «положения»ларидан қаттиқ норозилигини дадил ифодалади. Халқ тақдирини қабиҳ, ёмон одамларга топшириб қўйишларидан афсусланди. Унинг қўйидаги сўзлари ушбу фикрни қувватлайди: «Положенияда 223-бобида зикр қилингандурки, эътибори бор, етти кундан зиёда ҳибс бўлмаган, ўттиз сўмдан зиёда иштароф тўламаган, ёши йигирма бешдан паст эмас одам (қози) бўлар экан. Олим ёки оми, аҳмоқ ёки доно киши, ё шарият билладурган ва ёки низом билладурган демаган. Кўрасиз, кимларни(нг) қўлларига бу катта шарият ҳукмини топширадурлар. Фикрандиша қилладурган киши йўқ. Андиша қилладурган одамни одам ҳам ҳисоб қилмайдурлар. Положения бобиға мувофиқ эликбоши деган кимгаки шар кўп тушса, ани ёзар экан. На қилсунлар, бу хил қилсалар положенияға мувофиқ. Положенияда шарият билладурган мулладан деган эмас экан. Уларга ким ва нима бўлиши ҳам даркор эмас экан. Бефикр ўтсанг, эй дўст, муҳтожи нон ўлурсан»¹.

Миллий уйғониш даври мутафаккирлари ўзбек халқини мутараққий миллатлар билан тенг кўришни истадилар. Буни амалга оширишнинг бирдан-бир йўли сифатида мактаб-мадрасаларни тубдан ислоҳ қилиш масаласига бутун куч-ғайратларини, билимларини сафарбар қилдилар. Улар ўз фаолиятларини бири-биридан ажралган ҳолда эмас, ўзаро ҳамкорликда, ҳаммаслақликда, яқин алоқа боғлаган ҳолда йўлга қўйдилар. Мунавварқори Абдурашидхонов Бехбудийнинг «Ойна» журналида, Исҳоқхон тўра Ибрат Тошкент жадидлари раҳбарлик қилган «Садойи Туркистон», Фарғонадаги «Садойи Фарғона» газеталарида ўз асарлари билан иштирок этди. У Мунавварқорининг таклифига биноан бир неча марта Тошкентда, унинг мактаби имтиҳонларида қатнашган. Мунавварқори 1907 йили Исҳоқхон тўрага махсус таклиф хати билан мурожаат қилади: «Хўрматлу Исҳоқхонхожи жанобларина!

¹ Туркистон вилоятининг газети, 1910, 22-сон.

1907 йил май ойиндан эътиборан Тошкандда Гарновбоши маҳалласинда «Хония» мактабинда талабаларни йиллик имтиҳонлари бошланур. Сиз ҳурматлудан рижо қилурмизки, тавобеъингизда бўлгон усули жадидия мактаблари мудирлари ила имтиҳон мажлисларина ташриф қилсангиз, муаллим ва шогирдлар сиздин мамнун бўлур эдилар. Муҳибингиз Мунавварқори. 15 март 1907 йил».

Бу таклифга биноан Исҳоқхон Ибрат ўз яқинлари — илғор педагоглар Ҳусайн Мақаев, Мулла Искандар домла Абдуваҳоб ўғли билан бир неча ой Тошкентда бўлади. Улар Тошкентда усули савтия мактаблари билан бир қаторда усули қадим мактабларида ҳам бўладилар. Исҳоқхон Ибратнинг «усули жаид» ва «усули қадим» мактабларига багишланган туркум мақолалари «Туркистон вилоятининг газети»да босилиб чиқди.

Исҳоқхон Ибрат жаҳон илми ва маданиятида яратилган ҳар бир илғор янгиликдан ўз халқини баҳраманд этишга ҳаракат қилди. 1908 йили ташкил қилинган «Фотографияи Исҳоқия», 1910 йили Тўрақўрғон аҳолиси учун бунёд этилган истироҳат боғи буни тасдиқлайди. Бугина эмас. У отасидан қолган катта ерни гулбоғ қилди, фаввора қурдирди, 150 туп манзарали дарахтлардан хиёбон яратди, Европа усулида катта иморат қурдириб, унинг аркига «Хуш келибсиз, Исҳоқия боғига!» — деб ёзиб қўйди. Тўрақўрғон аҳолиси уни ҳозир ҳам «Гулбоғ», «Исҳоқия боғи» деб атайдди. Бу боғни шоир Ибрат халқ учун яратганини яна шундан ҳам билиш мумкинки, у бу масканда дам олувчиларни гулни беҳуда узмасликка, тартиб сақлашга чақиради. Қуйидаги байтлар шу мазмунда:

Узмагил беҳуда гул, боғбондин андиша қил,
Ори-ори гул узарсан, хоридин андиша қил.

Кимки келди бу чаманга, то гул узмай қўймади,
Лек ҳар вақт гул узарсан, халқ хушини пеша қил.

Ёки:

Беижозат гулни узма, боадаб,
Сўра боғбондин, сенга қўйдум қадаб.

Ёки:

Кирса ҳар одам бу ерга гулни ҳаргиз узмасун,
Кўр ҳўкуздек суркалиб панжораларни бузмасун.

Янчгилаб гулни ҳамоқат дўконини тузмасун,
Ёш буқадек югуруб кўрган кишини сузмасун.

Кирса ҳар ким боадаблик таслимини бермасун,
Ибрат олмай ҳам хижолат бирла боғдин безмасун.

Исҳоқхон тўра Ибрат Октябрь тўнтаришидан кейин халқни фаровон, мамлакатни обод қилишда шўролар ҳукуматига катта умид боғлади. Ижодий иш билан бир қаторда жамоат ишларини олиб борди. Қишлоқни ободонлаштириш, маориф, таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилаш, янги мактаблар очиш, малакали ўқитувчи мутахассислар етиштириш, халқ фарзандларини мактабларга тортиш ишларида фаол қатнашди.

Ибрат ҳаётининг сўнгги йиллари анча таҳликали ўтди. Биринчидан, қарилик. Иккинчидан, 1935 йилдан эътиборан у барча лавозимлардан четлатилган, қарилик нафақаси ҳам тайинланмаган эди. Бунинг устига, ҳукумат маъмурияти унга ишончсизлик билан қарар эди. Шоир тепасида ҳам қатағон булутлари қуюқлашиб борарди. Минглаб ўзбек зиёлиларининг ёстиғини қуритган қатағоннинг энг даҳшатли кезлари — 1937 йилнинг илк баҳорида Исҳоқхон Ибрат ҳам қамоққа олинди. 75 ёшни қоралаган нуроний шоир-маърифатпарвар ҳибсхонанинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобларига бардош бера олмади. Унинг суди ҳам бўлмади, шўролар қамоқхонасида икки ой ётиб, ҳаёт билан видалашди.


Ижодий мероси Ибрат — истеъдодли шоир. У уч — ўзбек, форс ва араб тилларида эркин ижод қилган. Ўз шеърларини тўглаб, девон тузган. Замондоши шоир Муҳсиний (1860—1917) ҳам уни «соҳиби девон» деб таърифлайди. Аммо мазкур девон бизгача етиб келмаган. Шунга қарамай, шоирнинг катта ҳажмдаги шеърлари XX аср бошлари вақтли матбуотида босилиб чиққан, баёзларга киритилган. Ибрат ўз шеърларининг кичик қисмини 1909 йили ўз матбаасида «Илми Ибрат» номи билан босмадан чиқарган. Булардан ташқари, шоирнинг катта ўғли Аббосхон томонидан 1910 йили тузилган баёзга Ибратнинг 17 шеъри киритилган.

У ёшлик йиллариданоқ Алишер Навоий асарларини чуқур ўрганди, унинг ғазалларига назиралар боғлади. Айниқса, Навоийнинг машҳур «Бўлубтур» радифли ғазалига ёзган назираси эътиборга лойиқ:

Ишқинг дилу жона жо бўлубтур,
Жону дил анга фидо бўлубтур.

Сан айламасанг агар давоси,
Дардим мани бедаво бўлубтур.

Шоир Навоийнинг ғазалидан таъсирланган. Натижада ушбу ғазалга жавобан радиф, қофия, вазн ва байтлар миқдорини сақлаган ҳолда назира ёзган.



Исҳоқхон Ибратнинг қамоқхонада олинган расми ва унинг оқланганлиги ҳақидаги ҳужжат

Ибратнинг аксар шеърлари ишқ мавзуида. Ўзбек мумтоз адабиётидаги ёр, гул, булбул образларига у ҳам мурожаат қилди. Ушбу мавзуга янгича руҳ бағишлади. Бу мавзу орқали ҳаётни, инсонни, муҳаббатни, гўзаллик ҳақидаги орзу-умидларини куйлади. Шоирнинг ушбу ҳаётбахш мавзудаги «Саҳар вақти чаман ичра» радифли ғазали таҳсинга сазовордир. Булбул саҳар вақти гулзорда қизил гул ишқида афгон чекади. У гул ишқида шунчалик мастки, ҳатто тикандан-тиканга қўнавериб, бағри қонга беланганидан ҳам беҳабар. Натижада бу тиканлар захми сабаб ошиқ булбул ҳалок бўлади:

Ўшал булбул қилар афгон, саҳар вақти чаман ичра,
Қўнар гул деб тикан узра, саҳар вақти чаман ичра.

Қилар бағрини булбул қон, тикан узра берай деб жон,
Бўлур гул завқидин қурбон, саҳар вақти чаман ичра.

Ўшал булбул бўлур доғлар, чаманни гашт этиб боғлар,
Қизил гулни тилаб йиғлар, саҳар вақти чаман ичра.

Чиқар булбулни афғони, чаман ичра оқиб қони,
Тасаддуқ гул учун жони, саҳар вақти чаман ичра.

Муҳаббат бирла маст эрди, ани йўлида жон берди,
Қизил гулдин хабар сўрди, саҳар вақти чаман ичра.

Шоир бу билан чекланмайди. Қуйидаги байтларда шоир — ошиқнинг юксак инсоний муҳаббатга самимий муносабати янада ёрқинроқ тасвирланади. У булбул каби ёрга етишишни ҳамма нарсадан афзал кўради. Шунинг учун ҳам ёр васли йўлида ҳатто ўлимга ҳам тайёр. Юқоридаги мисраларда, асосан, та-

биат гузаллиги гараннум этилса, кейинги икки байтда шоир образи биринчи ўринга чиқади:

Муяссар бўлса ул жонон, ато қилса ўшал Субҳон,
Йўлида жон қилай қурбон, саҳар вақти чаман ичра.

Ибрatий, беҳабар бўлма, яна ғафлат била ўлма,
Гуноҳи беадад қилма, саҳар вақти чаман ичра.

Ибрат ниҳоятда ихчам, байтлари бир-бирига жуда мутаносиб, айна замонда ўзига хос композицияга эга ғазал ярата олган. Ғазалдаги нафис ташбиҳ, сифатлашлар теран мазмуннинг бетакрор бадиий ифодасига хизмат қилган.

Исҳоқхон тўра Ибрат ижтимоий-сиёсий мавзуда халқ ҳаёти-ни ҳаққоний ифодаловчи бир қанча асарлар яратди. Шоирнинг «Қалайсизлар?», «Бўлубтур», «Ўлурсан», «Шикоят», «Сийму зардур» каби сатирик асарлари шулар жумласидандир.

Марказий Осиёнинг босиб олиниши натижасида ўлка Русия тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлайдиган асосий хомашё базасига айланди. Шоир Ибрatнинг «Қарз» радифли мусаддасига чуқурроқ эътибор берилса, шоирнинг шеърдаги заҳархандаси остида аччиқ ҳақиқат ётганини пайқаш қийин эмас. Бечора чоракор деҳқон ўз оиласини боқиш учун ўзини ўққа-чўққа уришга мажбур: у йил бошида бўлажак пахта ҳосили устидан қарз олади. Ҳосил кутилганидан кам бўлгани туфайли қарзга ботади, уй-жойи «хатга тушади», бир парча еридан ҳам ажралади:

Олди-ю қарз пахта учун бергумуз мунӣ,
Деди: чиқар ҳаёни тарозуда бир куни.
Сарфу харожат айлади ҳеч чиқмади уни,
Пахта бўлур бу йили адо айлагум шуни.
Келди бу халқ бошига бирдан балойи қарз,
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Ўлка ҳаётига капиталистик муносабатлар билан бирга ярамас, ўта салбий иллатлар ҳам кириб келди. Бу иллатлар маҳаллий халқ ахлоқига кучли салбий таъсир кўрсата бошлади: меҳмонхоналарда, ресторанларда ифлос ишлар билан шуғулланиш, «доим фиён» бўлиб юриш ҳоллари вужудга келди. Бу ҳақда академик В.В. Бартольд куйидагиларни ёзади: «Ерли аҳоли руслар билан яқинлашиши, рус тилини ўрганиши натижасида рус ҳаётининг ташқи, салбий томонларини ҳам ўзлаштирдилар. Фаҳш ҳаёт кечиришга, вино, пиво ичишга ўргандилар...»¹ Бунинг устига, Русия ҳукума-

¹ Бартольд В.В. Сочинения, II том (часть 2). Москва, 1963, стр. 345.

ти ҳам мустамлака ўлка халқлари маънавиятини, диний эътиқодини бузиш учун фоҳиша аёлларнинг оқиб келишига катта имкониятлар яратган эди (Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасидаги Лиза, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги Мария Бистрова, Ойбекнинг «Кутлуғ қон» асаридаги ресторан фоҳишаларини эсланг).

Исҳоқхон Ибрат «Бўлубтур» радифли ҳажвиясида мана шундай ҳаётий лавҳаларни берар экан, унга ўзининг нафратини ифодалаш билан чекланмайди, балки бундай ҳаётни вужудга келтирган фактор сифатида Марказий Осиёнинг, жумладан, Қўқон хонлигининг Русия томонидан босиб олинишини кўрсатади:

Алҳол муҳтасиб йўқ, бир-икки қилса ул дўқ,
Ичкуга халқ роғиб, доим фиён бўлубтур.

Маҳбуба нақшхонлар, кўзи қаро жувонлар
Гастинсаларда юруб, сарфи зиён бўлубтур.

Манзума соли таърих, бу даҳр инқилоби,
Минг икки юз тўқсон икки¹ баён бўлубтур.

Шоирнинг ушбу шеърида мавжуд мустамлака тузуми кирдикорларини: савдогарлар, чайқовчиларнинг қаллоблигини, пул инфляцияси туфайли нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб кетиши халқ ҳаётини мушкуллаштирганини кўришимиз мумкин. Мана, шоир қассоблар, новвойлар, аллофларнинг қанчалик ноинсофлигини, уларнинг халқни талашдаги усулларини шундай тасвирлайди:

Қассоб, қўйфурушлар, жангу жадал урушлар,
Бечоралар фулига гўш(т) устихон бўлубтур.

Новвойда йўқдур инсоф, андин ўтадур аллоф,
Кўр, чакса ун хамири қирқ икки нон бўлубтур.

Исҳоқхон Ибрат шўролар даврида ҳам ҳажвий асарлар яратишда давом этган. У ўз шеърларида давлатнинг масъул идораларида фаолият кўрсатаётган раҳбарлари туфайли харобага айланиб бораётган қишлоқлар манзарасини беради. Шу нуқтаи назардан шоирнинг 1931 йилда ёзган «Тўрақўрғон тумани ижроқўмига ариза» шеъри эътиборга лойиқ:

Эй, районга раис ўртоқлар,
Давлат узра юринг бўлуб соғлар.

¹ 1292 ҳижрий йил 1875 милодий йилга тўғри келади. 1875 йили Русия Қўқон хонлигини тўлалигича босиб олди ва хонлик тугатилди.

Қуруди ўрик, олма, ёнғоқлар,
Хўжасини қўюб бағрига доғлар.

Сайрашар эрди гул узра булбуллар,
Булбул ўрнига қузғуну зоғлар.

Отунадин бўлдилар вакил сувга,
Халқ гамидин бўлмас уйғоқлар.

Сув бериш йўлини билмаслар улар,
Баъзи бўлган мироб тўнгоқлар.

Афу этинг хўжалик солиғини,
Ё сув беринг, қурумасин боғлар.

Исҳоқхон Ибрat ижодидаги етакчи ғоя илм-маърифат, маданият ва техника янгиликларини тарғиб қилиш ғоясидир. Ибрat маърифатпарварлигининг туб моҳияти шундаки, унинг илм-маърифатга чақирувчи шеърларида инсон тақдири биринчи ўринда турди. У халқнинг иқтисодий-маданий ҳаётига хизмат қилувчи, унинг мушкулени енгиллаштирувчи, узоғини яқин қилувчи илм-фанни, техникани тарғиб этди. Шу нуқтаи назардан, унинг «Тарихи чопхона», «Маданият ҳақида маснавий», «Газета хусусида», «Туркистон аҳлига хитоб», «Табрик Намангондин», «Қалам», «Тарихи манзумаи вагон Ибрatдин ёдгор», «Мухаммаси Ибрat» каби шеърлари диққатга сазовор. Шоир бу шеърларида мамлакатни, халқни асрий қолоқликка судровчи мутаассибларни, қадимчиларни кескин фош этди. Ибрat меҳнаткаш халқ бошидаги оғир ҳаёт, қашшоқлик, мамлакатнинг қолоқликда, халқнинг нодонликда қолганининг сабабларини аниқлашга, ундан қутқариш йўллари топишга ҳаракат қилди. Бир неча тараққий этган мамлакатларда бўлган Ибрat халқни зулматдан, мамлакатни қолоқликдан қутқарувчи бирдан-бир йўл илм-маърифатни эгаллаш деб тушунди. Шоирнинг босмаҳона очишдаги мақсадини ифодалаб ёзган «Тарихи чопхона» шеърисидаги ушбу сўзлари Ибрatнинг ижодий-эстетик принципини тўла ифодалайди:

Минг уч юзу йигирма олтида чопмаҳона,
Очмоқға бўлди рухсат ва сўз бериб замона.

Мақсад бу ишдан эрди оламға илм касри,
Ҳам қўймоқға асарлар ёдёвари жаҳона.

Касбу камоли ислом бўлмай тараққиятда,
Ҳолиға тушмасун деб этдук буни баҳона.

XX аср бошларига келиб мустамлака ўлкасининг ҳамма йирик шаҳарларини бирлаштирувчи ва Русия билан боғловчи темир йўллар қурила бошланди. Тўғри, чор Русияси бу тадбир билан ерли аҳолининг мушкулини осон, узоғини яқин қилиш мақсадини қўйган эмас, аксинча, мустамлака ўлка ер усти ва ер ости бойликларини мўлроқ ва тезроқ ташиб кетиш мақсадини қўйган эди. 1910 йили Қўқон ва Наманган шаҳарларини боғловчи темир йўл қурила бошланди. Мазкур қурилишга Исҳоқхон Ибрат ўз халқи манфаатлари нуқтаи назаридан муносабатда бўлди ва «Тарихи манзумаи вагон Ибратдин ёдгор» номли катта мухаммас билан «Туркистон вилоятининг газети»да чиқди. Шеър 15 банд — 75 мисрадан иборат бўлиб, газетада босилган вариантда икки банди тушириб қолдирилган. Ибратнинг дастхати билан ёзилган варианты унинг ўғли Ротибхон Исҳоқов қўлида сақланади. Бу вариантга «Стихотворение и история железной дороги Наманганского уезда от Иссахана Джунайдуллаева» деб русча сарлавҳа қўйилган.

Шоир Ибрат маданий-иқтисодий ҳаётда муҳим роль ўйнаган, ўша давр учун нисбатан янги ҳодиса бўлган темир йўлни самимият билан қарши олди:

Наманган аҳлига ҳўб ўлди бир яхши замон келди,
 Муродоти халойиқ узра бир жону жаҳон келди,
 Дема жону жаҳон авқот учун бу халққа дон келди,
 Дема дон, балки бунларга майшат узра нон келди,
 Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, шоир темир йўлни — вагонни «жону жаҳон», «дон», «нон»дан юқори қўяди, уни «арзоқи инсоний вагон», яъни инсон ризқи рўзи деб баҳолайди. Шоир темир йўл қурилишини кўкларга кўтариб мақтар экан, Қўқон ва Наманган шаҳарлари ораси унча узоқ бўлмаса ҳам жуда машаққатли йўл эканлигини деталларда баён қилади. Қўқон ароба азобларини ўз бошидан кечирган шоир вагонни «арзоқи инсоний вагон» дейишида катта ҳақиқат ётар эди:

Наманган аҳлига бормоқ эди Хўқандга кўб меҳнат,
 Ўтурса сарт ароба узра меҳнат устига кулфат.
 Ароба меҳнатидин бормоқа бўлмас эди журъат,
 Бу дарёю ароба меҳнатидин айлабон узлат,
 Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.
 Намангандин чиқардук сарт ароба меҳнатин тортиб,
 Ўтуруб бесаранжом, юк ила сирка қовоқ ортуб,
 Уруб отларни қумларда ва ё кўлларда кўб ҳортуб,

Аробакаш ила ҳўб муштлашиб, қўб оҳ-воҳ тортуб,
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Исҳоқхон Ибрат ўзи яшаб турган ижтимоий ҳаётда юз бераётган долзарб масалаларни кўтариб чиқди, уларга муносабат билдирди. Шоир халқни илм-маърифатли қилишда газета ва журналларга катта аҳамият берди, ўзи ҳам газета нашр этиш учун ҳаракат қилди. XX аср бошларида жадид мутафаккирлари томонидан нашр қилинаётган газеталарни қўллаб-қувватлади, «Тараққий», «Тужжор», «Садойи Фарғона» газеталарини ва уларнинг муҳаррирларини табриклар, матбуот саҳифаларида чиқди. Мазкур мавзуга бағишланган «Газетдур жаҳон аҳлига бир лисон», «Табрик Намангондин», «Манзума Ибратдин» каби шеърларида газета ўқимаганларни ўлганлар ёки ухлаганлар билан баробар ҳисоблайди, шу билан бирга, газетани жаҳон халқлари учун «бир лисон» деб атайди.

Исҳоқхон тўра Ибрат маърифатпарварлигининг туб моҳияти шундаки, у ҳар бир воқеа-ҳодисага ўз халқи, Ватани манфаатлари нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлди, баҳолади. Келажак авлоднинг тараққий этган миллатлар қаторида эркин, мустақил, фаровон ҳаёт кечиришини орзу қилди ва унга катта умид боғлади.

Ибратнинг илмий мероси

Исҳоқхон тўра Ибрат атоқли педагог, тилшунос, тарихшунос олим, сайёҳ, ўткир дидли хатот ва рассом ҳамдир. У тилшуносликнинг энг муҳим соҳаларида қалам тебратди. Бу соҳада унинг олти тил: ўзбекча, русча, арабча, форсча, туркча ва ҳиндча тиллари луғати «Луғати ситта алсина» ва жаҳон ёзувлари тарихига бағишланган «Жомеъул-хутут» («Ёзувлар мажмуаси») асарлари муҳим аҳамиятга эга.

Олимнинг «Луғати ситта алсина» асари 1901 йилда нашр қилинган бўлса-да, XIX аср 90-йилларнинг ўрталарида ёзиб тугатилган эди. Аммо маҳаллий муаллифлар асарларининг қаттиқ таъқиб остига олиниши, чор мустамлакачилари томонидан Туркистонда ўрнатилган қаттиқ назорат (цензура) туфайли асар анча кечикиб босмадан чиқарилди. Буни ўша даврда чор Русиясининг Туркистондаги ноziри вазифасини бажарувчи Н.П.Остроумовнинг шахсий архивида сақланувчи ҳужжатлар исботлайди. Луғат олти тиллик, анча мураккаб бўлиб, ўзбекча сўзларнинг қаршисида арабча, форсча, туркча, ҳиндча ва русча таржималари берилади. Луғат мингдан ортиқ фаол сўзни ўз ичига олиб, 53 бетдан иборат. Асар икки қисмдан ташкил топган.

Биринчи қисм алифбо тартибида тузилиб, ҳар қайси ҳарфга

алоҳида кичик-кичик бобчалар ажратилган. Бу қисмда феълларнинг ноаниқ ва келаси замон шакллари аввал форсча, кейин арабча, туркча, ўзбекча, ҳиндча ва русча таржималари берилади.

Асарнинг иккинчи қисми 37 бобчадан иборат бўлиб, феълларнинг бошқа шакллари, отлар, кишилиқ олмошлари, кун, ой номлари, одам аъзолари, ҳайвонлар ва паррандалар, озиқ-овқат ва бошқа нарса-буюмларнинг номларини ўз ичига олади. Бу қисмда аввал арабча, кейин унинг форсча, туркча, ҳиндча, ўзбекча ва русча таржималари келтирилади.

Луғатнинг муҳим аҳамияти шундаки, шу ерли аҳоли учун тушунарли бўлган араб ёзувида яратилган. Бу ҳақда асарнинг қўлёзма нусхаси билан танишган газета таҳририяти ходимларидан бири қуйидагиларни ёзган эди: «... аксар иборат ва луғатлари тасҳиҳ ва тағйир бўлинди. Хусусан, Русия луғатларини мусулмония ҳуруфлари илан ёзмоқ хўб қийин ва душвор учун ул русча ёзилгон ибораларни кўброқ тағйир берилди ва мазкур «Ситта алсина» деган жаноб қозининг ихтиро қилгон китоблари бизнинг Туркистон вилоятимиздаги сартиялардан шунча тил билиб, бул тарика китоб ва луғат тасниф қилган одам йўқ эди»¹.

Ёзув жамият, маданият ва илм-фан тараққиётида, уни келгуси авлодларга етказишда муҳим роль ўйнайди. Ёзувнинг вужудга келиши, ривожланиши бир неча минг йиллик тарихга эга. У одамлар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида тилга нисбатан анча кейин вужудга келди ва ривожланди. Тилшунослик фанининг бу мураккаб соҳасида Исҳоқхон Ибрат анча мукамал «Жомеъул-хутут» («Ёзувлар мажмуаси») номли илмий асар яратди. Бу асарда муаллиф ёзувларнинг энг ибтидоийси — пиктографик ёзувлардан, то сўнгги давр энг мукамал ёзувларигача босиб ўтган тараққиёт тарихини ёритиб беришга ҳаракат қилади. Олимнинг мазкур асари катта ҳажмда — 132 бетдан иборат бўлиб, 1912 йилда ўзининг босмаҳонаси «Матбааи Исҳоқия»да нашр қилинди.

Исҳоқхон Ибрат ўз даврининг йирик муаррихи сифатида «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезонуз-замон» илмий асарларини яратди. Ибрат ушбу асарларини яратишда Шарқ тарихчилари билан бир қаторда рус ва Европа шарқшуносларининг асарларидан ҳам фойдаланди. Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фарғона» асарида тарихий воқеаларга хон ва бекларнинг муносабатини тасвирлашга алоҳида эътибор беради. Муаллиф Бухоро амири Насруллонинг 1842 йилда Кўқонда машғум қатли ом уюштиришига қарши чиқиб, Кўқон хонлиги билан бирлашиш ва яқинлашиб келаётган рус босқинининг олдини олиш ҳаракатларини қилиш

¹ «Туркистон вилоятининг газети», 1901, 30-сон.

таклифи билан чиққан амир Насрулло вазирларидан бири Абду-самад нойибнинг оқилона сўзларини келтиради: «Ҳоло Хўқанд забт ўлди, Фарғона катта мамлакатдур, қанча аскар ва сипоҳу хазина сарф ўлуб олинди, алҳолда Русияни келмаги маҳаллий хавфдур, агарда хонни онти ақд¹ беруб, тавба қилдуруб, Хўқанд-ға қўюб, Бухороға тобеъ қилиб, бир мулк бизларга келган душманларга бир қалқон бўлур эди», — деганида, сўзи амирга маъқул бўлмай, оғзига кафш билан урдурғон экан»².

Олим Исҳоқхон Ибрат ушбу сўзларни келтириш орқали хонликлар, амирликлар маъмуриятида узоқни кўра олувчи давлат ар-боблари мавжудлигини таъкидлаш билан бирга, Насрулло каби калтабин, бурнидан нарини кўра олмайдиган хону бекларни қаттиқ қоралайди.

Исҳоқхон Ибрат ўз халқининг порлоқ келажагига, озод ва ҳур ҳаёт қуражагига зўр умид ва ишонч билан қаради. «Тарихи маданият» асарида Ватаннинг келажакда илм-фан, маданият ривожланган шаҳарларининг қиёфасини романтик бўёқларда тасвирлайди. Унинг илмий-тарихий асарлари Ватанимиз тарихини ўрганишда, шубҳасиз, зарур, мўътабар манба ҳисобланади.

¹ Онти ақд — қасам (онт) ичтирмақ, қасам билан боғламоқ.

² Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. УзФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. №11080, 77-бет.

ФАЗЛУЛЛОҲ АЛМАИЙ (1852—1891)

Алмаий XIX аср ўзбек адабиётининг Тошкентда етишган таниқли вакилларида, шоир, олим ва таржимондир. Эл орасида «Қори¹ Фазлуллоҳ» номи билан машҳур бўлган.

У 1852 йилда Тошкент шаҳрининг Қўштут маҳалласида туғилган. Отаси Миржалол бўзчилик билан шуғулланган. Ёш Фазлуллоҳ маҳалладаги эски мактабда, сўнг Ҳастимом ёнидаги «Мўйи Муборақ» мадрасасида ўқийди. Амакисининг ёрдами билан Бухорога боради, мадрасалардан бирида ўқишни давом эттиради. Араб, форс тилларини мукаммал эгаллайди, хаттотлик санъатини ўрганади. Фазлуллоҳ моддий қийинчиликда яшаган. Бухородан қайтишда пули тамом бўлиб, Тошкентга пиёда келганини нақл қиладилар.

Бухоро мадрасасини тугатиб келгач, Ҳофиз Кўйкий маҳалласидан (ҳозирги Собир Раҳимов туманида) Собира исмли қизга уйлантирадилар. Собира ўқимишли бўлган, шеър машқ қилган. Уйда мактаб очиб, қизларга дарс берган. Улар Жория, Ҳалима, Бўлатхон, Назрулло, Саъдулло деган фарзандлар кўрадилар.

Фазлуллоҳ Эски Жўвада жойлашган Шукурхон мадрасасида мударрислик қила бошлайди.

Замондошларининг хотирлашича, Фазлуллоҳ тиксўз, таптормас, кишининг айбини юзига очиқ айтувчи киши бўлган. Шу сабабли баъзи амалдорларга ёқмаган. Жумладан, қозикалон Умарбек билан чап тушиб, мадрасадан четлаштирилган. Шундан сўнг у, асосан, хаттотлик ва таржимонлик билан рўзгор тебратган. Ўрганган илму ҳунари ёрдамида кишилар учун хусусий хатлар ёзиб бериб, китоблар кўчириб, таржималар қилиб кун кечирган.

Фазлуллоҳ хат ёзишнинг турли усулларини, жумладан, «настаълиқ» ва «хатти нохуний» (тирноқ билан ёзиш) санъатларини эгаллаган хаттот эди. Унинг шеър ва адабиётдан, араб тилининг

¹ Қори — кироат қилувчи, «Қуръон» ўқувчи демакдир. Халқда кўзи ожизга ҳам «қори» деганлар. Фазлуллоҳ чақалоқлигида сандалдаги оловга тушиб кетиб, кўзлари атрофи куйган ва чандиқ битган. Шунга кўра уни «Қори Фазлуллоҳ» деганлар.

сарфу наҳви (грамматикаси)дан яхши хабардор эканлигини билар эдилар. Шу сабабли, Фазлуллоҳни Қўқоннинг машҳур эшонларидан бири ўз мадрасасига мударрисликка таклиф этади. Бироқ Фазлуллоҳ у ерда ҳам узоқ ишлай олмайди, Тошкентга қайтиб, хатотлик ва таржимонликни давом эттиради, адабий давраларда фаол иштирок этади. Масалан, унинг Тошкентда кенг тарқалган «Бедилхонлик» йиғинларида қатнашгани маълум. Бедил чуқур маъноли шеърлари билан машҳур, усули ғоят мураккаб. Уни тушуниш, англаш катта билим ва ҳунар талаб қилган. XIX асрнинг сўнгида Тошкентда тан олинган 7 бедилхоннинг бири мана шу Қори Фазлуллоҳ эди.

Фазлуллоҳ ёшлигидан шеърга кўнгил қўйди. Фазаллар машқ қилди. Ҳажвлар, ҳазил-мутойибалар ёзди. «Мўйи муборак» мадрасасида ўқиб юрган пайтларида ўша атрофда ўтин териб юрган бир кўкнорини шундай ҳажв қилган эди:

Бошига кичик латта чулғаб,
Ўлгунча хор-зор кўкнори.

Ал¹ идин гарчи ҳеч иш келмас,
Чўп терарга ярар кўкнори.

Қўқондаги бир гуруҳ бекорчи уламолар абжад устида тортишиб, Фазлуллоҳдан сўраганларида:

«Абжад»ингни абу жад²инг билмас,
«Каламан»ни биламан десанг, куламан, —

деб жавоб берган экан. Сўнгроқ у «Алмаий» (арабча «синчков, зийрак» дегани) тахаллусли шоир сифатида танилди. Араб тили грамматикасига оид «Авзонул-жумуъ» («Кўплик вазнлари») номли китоб ёзди. Машҳур ҳинд адабий ёдгорлиги «Калила ва Димна»ни ўзбек тилига таржима қилди.

Алмаий 39 ёшида вафот этди. Ҳотиф деган шоир унинг ўлимига бағишлаб марсия ёзди. Уни «Маъдани фазл» (фазилат кони, илму дониш манбаи) деб атади. 1965 йилда олим ва мураббий Субутой Долимов унинг шеърларидан айрим намуналар эълон қилди. «Калила ва Димна» таржимасидан парчани нашрга тайёрлади.

Шеърлари Фазлуллоҳ уч тилда баравар ижод эта олган шоир эди. Замондошларининг хотирлашича, у шеърларини тўплаб, девон тузган. Бироқ бу девоннинг тақдири бугунгача номаълум.

Шоирнинг бир қатор шеърлари турли баёзлар, замондошла-

¹ Ал — қўл.

² Абу жад — ота-бобо.

рининг уларга боғлаган мухаммаслари орқали етиб қелган. Масалан, «Ҳаёт» радифли шеъри ўз даврида катта шухрат қозонган. Шоир Муқимийнинг унга боғлаган мухаммаси бор. Шеърга «ҳаёт» сўзи радиф қилиб олинган.

Шеър:

Эй, хаёли жоним ичра танда жон янглиф ҳаёт,
Келки, сансиз талх бўлди жонима тотлиф ҳаёт,—

деган байт билан бошланади. Шоир «ҳаёт»га мурожаат қилади. Унинг хаёлини тан ичидаги жон деб билади. Усиз ширин (тотлиф) умрнинг аччиқ (талх) бўлганлигига диққатни қаратади. Ҳаётнинг азизлигини таъкидлайди. «Жон ичра жон» (мукаррар), талх-тотлиф (тазод) орқали чиройли манзаралар яратади, таъсирчанликка эришишга ҳаракат қилади.

Муқимий Алмаийнинг ушбу шеърига мухаммас боғлар экан, шоир байтидаги ғояни шундай давом эттирган эди:

Айру сандин сувдин айрилган каби болиғ¹ ҳаёт,
Бўлди дардидин жудолиғ чехраси сориг ҳаёт.
Бўлмади ғамдин йўлингда бир нафас фориғ² ҳаёт,
Эй, хаёли жоним ичра, танда жон янглиф ҳаёт,
Келки, сансиз, талх бўлди жонима тотлиғ ҳаёт.

Ҳаётга меҳр ғояси байтма-байт, сатрма-сатр кучайиб боради. Чунончи, иккинчи байтда, томир («рағ»)ларимда оқаётган «қон» эмас, сенинг хаёлинг («фикратинг»)дир, вужудимдаги «оташ» сенинг «ишқинг»дандир, дейди шоир. Фикр кучайиб, гап умрнинг мазмунига кўчади:

Умр гар хуш ўтса, умри Нўҳ ҳам камдур вале,
Кўп узундур кўз юмуб очкунча кулфатлиғ ҳаёт.

Нўҳ, ривоятга кўра 1600 йил умр кўрган пайғамбардир. Умр хуш (яхши) ўтса, мана шу узун умр ҳам камдир. Агар кулфатлик бўлса-чи? Кўз юмиб очгунча фурсатлиги ҳам кўп узундир. Шоир талмеҳ (ўтмишдаги бирор воқеа ёки шахсга ишора), тазоддан унумли фойдаланмоқда.

Сўнгги байт — мақтаъда гап шоирнинг ўз тақдирига кўчади. Муаллиф дам-бадам қон юттираётган бахтдан, ўлим захрини шакарга қўшиб тутаётган ҳаётдан зорланади.

Шеър катта фалсафий мазмунга эга. Ҳар бир киши тақдирида турфа хил кечадиган инсон умри ҳақидаги ўйлардир. Умрнинг на-

¹ Болиғ — балиқ.

² Фориғ — халос бўлиш.

қадар мураккаб бўлмасин, азизлиги, фаниматлиги, такрорлан-маслиги ҳақидаги ўйлардир.

Шоирнинг айрим шеърларида илоҳий ишқ мавзуси кўзга ташланади. Масалан, «Этти» радифли шеърида ишқ тақдир сифатида талқин қилинади.

Азал деҳқони қаддинг нахлини то сарбаланд этти,
Муҳаббат риштасин кўнглум қуши бўйнига банд этти, —

деган сатрлар билан бошланади шеър. Яъни, яратувчи («азал деҳқони») сенинг қаддинг ниҳоли («наҳли»)ни ўтқазган куниеқ муҳаббат ипи («риштаси»)ни кўнглум қуши бўйнига боғлаган («банд этган») эди. Бироқ у шоир вафоларига жафолар билан жавоб беради. «Хоки тани» (оёқ ости бўлган тани) устига «гарди саманд» этади (от ўйнатади), «ағёр» (рақиб)ларни «аржуманд» (азиз) этади ва ҳоказо.

Алмаийнинг шеърлари орасида ҳазил-мутойибага мойиллари ҳам учрайди. «Майлигаму?» радифли шеъри савол-жавоб — диалог асосига қурилган. Юмшоқ, ўйноқи оҳанг, майин эрқаланиш шеърнинг бошидан охиригача давом этади:

Дедим: қулоғингга олтун исирға тақ, ярашур,
Деди: тешуклар оғрийди, тор, майлигаму?

Дедим: сочингга улагил кумуш попук, ярашур,
Деди: белимга тегиб оғритор, майлигаму?

Дедим: қўлингга жавоҳир узук солгил, ярашур,
Деди: қўлимда сўнгатк йўқ, сиқор, майлигаму?

Дедимки, кўксунга гуҳардин айлагил маржон,
Деди: оғир, не қилурман, букор, майлигаму?

Дедим: юракдин ўлан шоҳидин кийинг қўйлак,
Деди: бу оқ баданима ботор, майлигаму?

Дедим: аёгинга кийгил қаро чармдан кафш,
Деди: қабарса нетурман, бекор, майлигаму?

Дедим: висолингга Алмаийни қил меҳмон,
Деди: ойим урушур ҳам сўкор, майлигаму?

Кўрганингиздек, газал давомида ёрнинг эрқаланиб берган жавоблари асносида унинг мумтоз шеърятимизда тасвир этилади-ган гоят нозик ва латиф қиёфаси намоён бўлади. Маъшуқанинг қулоқлари шу қадар нозикки, олтин сирға унинг учун қўполлик қилади. Кумуш попук белини оғритади. Унинг қўллари суяксиз,

гавҳар маржонлар бўйнига оғирлик қилади. Шойи, ипак кўйлақлар оқ баданига ботади...

Алмаий кундалик турмуш ташвишлари, йил фасллари, масалан, баҳор, ёз ҳақида ҳам ҳазил шеърлар ёзган. Мана, шулардан биттаси:

Эй худо, қишни ёз қилсанг-чи,
Танчадин бениёз қилсанг-чи.

Қор ўрнига сабзалар чиқориб,
Қарға жойига ғоз қилсанг-чи.

Ахмону дахмону ажуз¹ ингни
Ҳаммасин бир жувоз қилсанг-чи.

Қиш умрини бир нафасга қилиб,
Ёз умрини дароз қилсанг-чи.

Ё совуқ ила қишни бир йилга
Бир-биридин ароз қилсанг-чи.

Ё бериб сабр ила таҳаммулни,
Ул айшини соз қилсанг-чи.

Ё ситамгар жафочи ёримни
Бир манга дилнавоз қилсанг-чи.

Алмаийдек қулингни, эй юзи гул,
Бир қараб, сарфароз қилсанг-чи.

Алмаийнинг бизга етиб келган шеърлари унинг поэтик истеъдоди кўп қиррали эканлигини кўрсатади. Шоир ҳаёт фалсафаси ҳақидаги шеърларини қандай маҳорат билан битса, тасаввуфий ғазалларига қанча чуқур мазмун жойласа, ҳазил-мутойибаларида ҳам шунчалик таъсирчанликка эришишга муваффақ бўлади. Араб, форс тилларини билиши сўзларнинг маъно товланишларидан самарали фойдаланиш имконини берган. Қофия ва радифлар, асосан, фикрни етказишда, шеърнинг руҳи ва йўналишини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Шоир вазнининг имкониятларидан жуда самарали фойдаланади.

«Калила ва Димна
наи туркий»

Алмаийнинг энг катта хизматларидан бири «Калила ва Димна»ни таржима қилиши бўлди. Таржима жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди.

15 йилда «Калила ва Димнаи туркий» номи билан уч марта (1898—1901—1913) чоп этилди.

¹ Ахмон, дахмон, ажуз — қишнинг охириги ҳафталари отлари.

Алмаий таржимани тошкентлик мухлиси Муҳаммад Мусо Исоқози ўғлининг илтимоси билан амалга оширган. Нақл қилинишича, Муҳаммад Мусо кўпдан ушбу китобга қизиқиб юрар, Алмаийга ўқитиб, оғзаки таржима қилдириб, эшитар экан. Ниҳоят бир куни бутун китобни таржима қилиб беришини сўрабди. Алмаий рози бўлибди. Муҳаммад Мусо уни ўз меҳмонхонасига олиб келибди. Оиласини моддий жиҳатдан таъминлаб турибди. Алмаий уч йиллик ишни уч ойда тамомлаб, таржимани Муҳаммад Мусо кўлига тутқазибди. Хуллас, таржима шоир вафотидан кейин етти йил ўтгач, тошбосмага тайёрланади. Уни машҳур котиб Мирза Ҳошим Ҳўжандий босмага тайёрлайди.

«Калила ва Димна» бундан 1700 йиллар илгари Кашмирда яратилган. Қадим номи «Панчатантра» («Беш китоб»)дир. Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний у ҳақида шундай ёзган эди:

«Ҳинд халқи илмнинг жуда кўп тармоқларига ва сон-саноксиз китобларга эга. Уларнинг ҳаммасини қамраб олиш қийин. Лекин шунга қарамай, бизда «Калила ва Димна» номи билан юритиладиган ҳиндларнинг «Панчатантра» китобини таржима қилишни жуда хоҳлар эдим. Бу китобни ҳиндчадан форсчага, форсчадан арабчага ва ундан сўнг бошқа жуда кўп тилларга таржима қилдилар».

Дарҳақиқат, у Беруний замонасидаёқ дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган эди.

Унинг биринчи таржимаси VI асрга тўғри келади. Эрон шоҳи Анушервони Одил (531–579) бу китобнинг таърифини эшитиб, Барзуя деган табибини юбориб, олдиради ва паҳлавий (қадимий Эрон) тилига таржима қилдиради. VIII аср бошларида Абдулла ибн ал-Муқаффаъ Барзуя нусхасидан арабчага таржима қилади. Дунёнинг бошқа тилларига қилинган таржималар учун асос бўлган нусха мана шу арабча нусхадир.

932 йилда машҳур тожик шоири Рудакий «Калила ва Димна» мавзусида дoston ёзгани маълум.

«Калила ва Димна»ни 1494 йилда Ҳусайн Воиз Кошифий арабча нусхасидан форсчага таржима қилиб «Анвори Суҳайлий» номи билан амир Шайхим Суҳайлийга тортиқ этади.

«Калила ва Димна» чиғатой (ўзбек) тилига биринчи марта Муҳаммад Бакрий деган киши томонидан XVIII асрда Шарқий Туркистонда таржима қилинган. Сўнг 1718–19 йилларда Қашқарда Мулла Темур, 1837–38 йилларда Хоразмда Муҳаммадниёз деган киши таржима қилганлари маълум. Алмаийнинг таржимаси «Калила ва Димна»нинг турк (ўзбек) тилидаги илмга маълум бўлган тўртинчи таржимасидир.

Алмаий ўз таржимасини «Калила ва Димнаи туркий» деб ата-

ди. Китобнинг ўзбекча таржималари орасида энг машҳури ҳам шу бўлди. Китоб аслида 14 бобдан иборат эди. Таржималар давомида қўшилиб 19 тага етди.

Асли ёзилиш тарихи эса шундай ҳикоя қилинади:

Искандар Ҳиндистон шоҳи Форуғ (Форек)ни енгиб, ўрнига ўз кишисини қўйиб, юришларини давом эттирди. Ҳиндлар Искандар ноибига итоат этмадилар, ораларидан Добшалимни шоҳ қилиб кўтардилар. Замонлар ўтиб, Добшалим халқни унутди, кибр-ҳавога берилди. Мамлакатда зулм, адолатсизлик авж олди. Ҳинд браҳман (руҳоний)лари орасида Бедпой (Бейдабо) деган бир донишманд бор эди. У подшони тўғри йўлга солишга аҳд қилди. Бир шогирди билан бир йил давомида узлатга чекилиб бир китоб ёзди. Бу «Калила ва Димна» эди. Кўпни кўрган Бейдабо тўғри сўзнинг подшога қаттиқ тегишини билиб, барча гапларни ваҳший ҳайвонлар, дарранда ва паррандалар тилидан берди. Шунга кўра, у содда одамлар учун эрмак, онглилар учун ибрат эди.

Добшалим китобдан мамнун бўлади. Мамлакатга яна адолат қайтади. Китобнинг овозаси Анушервони Одилга етади. Барзуя ҳаким узоқ саргузаштлардан сўнг китобдан Эронга нусха кўчириб боради.

Китобдаги Барзуя ҳақидаги боб ҳам ибратлидир. У — машҳур ҳаким. Унинг фикрича, инсон касалликлари орасида энг ёмони мол-дунё тўплаш касаллигидир. Бу қутурган туядан жар устига эгилган икки шохга осилиб қутулиб қолмоқчи бўлган одамнинг ҳолини эслатади. Одам оёқ қўйган жар ёқасидаги индан тўртта илон бош чиқариб турибди. Тепада осилиб турган шохларни бир оқ, бир қора сичқон тинимсиз кемирмоқда. Жаҳаннамдай жарда эса улкан аждаҳо оғзини очиб турибди. Шохларнинг бири устида асалари уяси, асал. Одам ҳамма кўрқувни унутиб, бармоғини ари инига ботиради ва иштаҳа билан асал ейишга тушади. Тотли болдан боши айланади. Жаҳолат мастлиги билан жарга қулайди. Жар бу — дунё, оқ-қора сичқонлар кеча ва кундуздир. Улар умрни тезроқ поёнига етказиш учун узлуксиз алмашиниб турадилар. Тўрт илон қадим ҳинд фалсафаси бўйича борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсур (сув, олов, тупроқ, шамол)дир. Булардан биронтаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон дарҳол маҳв бўлади. Бол — азоби кўп, фойдаси кам фоний дунёдир. Аждаҳо ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимдир.

Калила ва Димна — асарнинг бош қаҳрамонлари, икки шағолнинг оти. Китобдаги воқеа рожа (ҳиндларнинг ҳукмдори) ва браҳман (донишманд) орасидаги суҳбат билан бошланади. Рожа браҳмандан ёлғон ва тухмат билан дўстларнинг оралари бузилиб, душманликка айланган ҳикоялардан айтиб беришини сўрай-

ди. Браҳман «Шер ва Ҳўкиз» ҳақидаги ҳикояни айтиб беради. Унинг қисқача мазмуни қуйидагича эди: Бир бой савдогарнинг ўғиллари бор эди. Улар катта бўлгач, бирор фойдали иш қилмай, ота мол-дунёсини совуришга тушадилар. Ота уларга мол-дунё йиғиш қанчалик қийин иш бўлса, уни фойдали, ақлли, тадбирли сарфлаш ҳам шунча қийин ва нозик иш эканлигини айтади. Ниҳоят, ота насиҳати таъсир қилиб, фарзандлар касб-хунар билан машғул бўлишга киришадилар. Катта ўғли савдогарлик қилиш учун узоқ мамлакатга сафарга чиқади. Унинг икки ҳўкизи бор эди. Бирининг оти Шатраба, иккинчисининг оти Бандаба эди. Йўлда ботқоқлик чиқиб, Шатраба ботиб қолади. Чиқариб оладилар. Ҳолсиз бўлгани учун қолдириб кетадилар. Ҳўкиз серсув, серўт жойга бориб яшай бошлайди, семириб кетади, ўйноқлаб маърайди. Шу атрофда бир Шер яшарди. У Ҳўкизни умрида кўрмаган, овозини эшитмаган эди. Ҳўкизнинг ҳайбатли овози Шерни саросимага солади. Аҳволини бошқаларга сездирмаслик учун овга чиқмай кўяди. Атрофидаги ҳайвонлар орасида иккита шағол бор эди. Икковлари ҳам сезгир ва маккор эдилар. Лекин Димна зийракроқ ва ёвузроқ эди. Икки шағол Шернинг аҳволини муҳокама қила бошлайдилар. Димна буни Шернинг нотаниш овоздан кўрқаётганидан эканлигини англаб етади. Уни Шер ҳузурига бошлаб келади. Шер ва Ҳўкиз дўстона яшай бошлайдилар. Улар орасидаги меҳр-муҳаббат кундан-кун ўсиб боради. Шер Ҳўкизга юксак мартабалар беради. Бу ҳол Димнанинг кўнглида ҳасад оловини ёқади. Димна улар орасига душманлик солиш режасини туза бошлайди. Ниҳоят бунга эришади. Шер Ҳўкизни ўлдиради. Димнанинг қилмишларидан хабардор Калила ҳам унинг макр турларидан даҳшатга тушган ва унинг ёвузлигига чидай олмай ўлган эди.

Шатрабани Димнанинг гапи билан ўлдириб қўйган Шер ўз ишидан пушаймон бўлади. Онасининг маслаҳати билан Димна ишини тафтиш қилдиради. Тафтиш давомида Димнанинг тухматлари аён бўлади ва ўлимга ҳукм қилинади.

Калила ва Димна воқеаси шу билан тамом бўлади. Бироқ бу ҳикоя ичидаги турли далил ва муносабат учун келтирилган ўнлаб ҳикоячалар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ҳолича мустақил, тугалланган сюжетларни ташкил қилади. Рожа ва браҳман суҳбати бундан кейин яна 13 бобда давом этади. Рожа мавзу беради. Браҳман бири-биридан мароқли, бири-биридан ибратли ўнлаб ҳикоялар айтади. Булар ҳаммаси инсонга хос хислатлар — унинг камчилик ва фазилатлари ҳақида. Бирининг самаралари, иккинчисининг оқибатлари ҳақида. Ва улар, албатта, маълум бир муносабат билан келтирилади. Масалан, «Бир кишининг ёнғинда қолган илонни

қутқармоқчи бўлгани ва кўп ташвишлар тортиб ундан қутулгани» ҳақидаги ҳикояни олайлик.

Рожа браҳманга икки дўст орасида пайдо бўлган душманлик ҳақидаги ҳикоядан сўнг самимий дўстлар, садоқат ва биродарлик борасида сўзлашни сўрайди. Браҳман Чинкабутар, Қарға, Сичқон, Тошбақа ва Оху ҳақидаги ҳикояни бошлайди. Илон ҳикояси шунинг ичида келади.

Кашмирнинг овлоқ бир жойида бир овчи дон сепиб тўр ёяр, уни бир қарға кузатар эди. Кабутарлар донга тушардилару тўрға илинардилар. Овчи бекинган жойидан чиқиб келар, кабутарларнинг ҳар бири ўз жонини қутқариш учун ҳаракат қилиб, тўрға янада маҳкамроқ ўралар эдилар. Шунда кабутарларнинг бошлиғи Чинкабутар ҳаммани осмонга баравар кўтарилишга чақиради ва шу тариқа тўр билан учиб овчидан қутуладилар. Чинкабутар дўсти Сичқонни топиб, биргаликда дўстларининг оёқларини банддан халос қилдилар. (Сичқон тўр ипларини қирқади.) Бу воқеаларни кузатиб турган Қарғанинг Кабутар ва Сичқон дўстлигига ҳаваси келади. Сичқонга келиб дўст бўлишни таклиф қилади. Сичқон Қарға билан унинг орасида ҳеч қандай яқинлик йўқлигини, кимки ўз тенги билан бўлмаса, унинг бошига Какликнинг куни тушишини айтади. Қарға уни айтиб беришини сўрайди. Бир куни тоғ этагидаги сайроқи Какликнинг овозини Лочин эшитиб, у билан дўстлашгиси келиб қолибди. Лочин ҳар қанча ҳаракат қилмасин, Каклик унамабди. Лочин онтлар ичибди. Охири Каклик кўнибди. Улар Лочин уясида иноқ яшай бошлабдилар. Лекин бу иноқлик узоқ чўзилмабди. Бир куни очикқан Лочин бир баҳона билан Какликни шарт иккига бўлиб еб қўйибди.

Қарға Сичқоннинг далил учун келтирган ҳикоясига қарши уни ранжитиш хаёли йўқлигини, уни еган билан қорни тўймаслигини, хаёлида самимий дўстликдан бошқа нарса йўқлигини айтади. Сичқон яна далил келтиради. Дўстлик даъвосини қилган душманнинг сўзига ишонган одамнинг бошига илонни қутқариб балога қолган туякашнинг аҳволи тушишини айтади. Бу машҳур ҳикоя шу муносабат билан ўртага чиқади.

Унинг мазмуни қуйидагича:

Туя минган бир киши йўлда кетарди. Олдидан ўт кетган дашт чиқибди. Катта бир илон оловлар устида тўлғанарди. У кўз ёш тўкиб, туякашдан қутқаришни илтижо қилади. Туя минган кишининг раҳми келади. Тўрвасини найза учига боғлаб, илон томонга узатади. Илон тўрва ичига киради. Халоскор бир оздан сўнг тўрва оғзини очиб уни чиқариб юбормоқчи бўлади. Илон тўрвадан чиққач, халоскорини ва унинг туясини чақмасдан кетмаслигини айтади. Улар орасидаги яхшиликка яхшилик қайтмаслиги

ҳақидаги баҳс анча давом этади. Илон яхшиликка ёмонлик қайтариш одамзодлар мазҳабида борлиги ҳақида гувоҳлар топади. Та-содифан шу ердан ўтиб қолган тулки туякаш жонига ора киради. Устамонлик билан илонни тўрвага киритиб, туякаш қўлига тут-қазади.

Қарға ва Сичқон можароси шу тахлит давом этади. Илон ва туякаш масали дўсту душманни фарқлаш, душманнинг макру ҳий-лаларига учмаслик, зарурат туфайли берадиган онту ваъдаларига алданмаслик ҳақидадир. Ҳикоя Шарқ адабиётида кенг ишланган Тошбақа ва Чаён масалини эсга туширади.

Алмаий «Калила ва Димна»ни ўзбекчага таржима қилар экан, уни ўзбек ёзувчисининг диди ва қарашларига мослашга ҳаракат қилди. Кўпчилик тафсилотларни қисқартирди. Боблардаги сар-лавҳаларни ўзгартирди. Мавзуни сарлавҳага чиқарди. Ҳикояларни шеърӣ парчалар билан зийнатлашга, хулоса — ҳиссаларни 2–4 мисрالي ихчам байтлар билан беришга ҳаракат қилди. Ҳинд эпо-си «Калила ва Димна»ни чиндан ҳам «Калила ва Димнаи тур-кий»га айлантирди. Халқимизни жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништиришда, ўзбек ва ҳинд халқларини бир-бирларига яқинлаштиришда муҳим хизмат қилди.

КАРИМБЕК КАМИЙ

(1865—1922)

Каримбек Камий — миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири. Шоир Амонийнинг Дармадхи жаноби мавлоно Камий Тошкандий» шеърисида шундай мисраларни ўқиймиз:

Айлади Фарғонани бул дам мусаххар ҳар сўзи,
Балки Ислombўлни олди қавли мавлоно Камий.

Камий сўзларининг Фарғонага етиб борганлигига шубҳа йўқ. Унинг шеърлари аср бошида бошқа бир хонлик худудида — Қонгонда чоп этилган баёзларда учрайди. Хоразмлик шоир Илос Мулла Муҳаммад ўғли Сўфининг Камий газалига ёзган мухаммаси бор. Шоирнинг «Мураббаъи дар таърифи мактаб» шеъри 1906 йилдаёқ Санкт-Петербургда чиқадиган «Улфат» газетасида босилган. Буларнинг барчаси Камий шеърлари асрнинг дастлабки йилларидаёқ Туркистон чегарасидан чиқа бошлаганини кўрсатади. Амоний айтмоқчи, мавлоно Камий сўзлари «балки Ислombўлни олди». Дарҳақиқат, шундай. 1918 йил Истанбулда чоп этилган М.Ф.Кўпрулизоданинг «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» китобида Камий ижодидан намуналар учрайди. Бу 10-йилларда шоир шеърларининг Туркияга қадар етиб борганига далолат қилади.

Ижодини урганниш тарихидан

Шоир Каримбек Камий ижоди ўз даврида ҳам эътиборсиз қолмади. Унга шеърятнинг пасту баланд кўчаларида юрган кексаю ёш авлод ўз муносабатини билдирди. Шулардан бири Муқимийдир. Мавлоно Муқимий дўстига ёзган мактубларидан бирини «Биродари киромий мавлавий Камий» деб бошлайди. Бу ерда Муқимийнинг Камийга муносабати, қолаверса, унга берган баҳоси ўз аксини топган. Камийнинг шогирдларидан бири Сидқий Хондайлиқий ўз устозини «суханварлиқ иқлимида шуҳрабардору олийшон» деб таъриф этади. Ўшлик шоир Амоний эса шоир тавсифига алоҳида шеър ба-

ғишлади. Унда Камийни «хушфасоҳат иқлимига шоҳ», «лисонул-ғайб» дея васф этди. Унинг шоирлик фитратида «файзи илоҳийдан асар» кўрди.

Лекин шоир ижодига муносабат бир хилда бўлиб қолмади. Анбар Отин, Иброҳим Давронларнинг Камий ижодига нисбатан танқидий фикрлари ҳам борки, бу — улар орасидаги адабий-эстетик ва фалсафий қарашларининг турли хиллиги билан изоҳланади.

Шоир вафотидан кейин унинг ижоди ва шахсига баҳо бериш шўро адабиётшунослиги зиммасига тушди. Файри миллий мафкурага асосланган мазкур адабиётшунослик илми баъзи ҳолларда шоирни «Ватан хоини», «халқ душмани», «миллатчи жадид», «контр-революцион» шоир сифатида баҳолаб келди. Натижада Камий ижоди ўнлаб йиллар халқ нигоҳи ва тадқиқотчилар назаридан четда қолиб кетди. Лекин XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек адабиёти, мазкур давр маърифатпарварлиги ва айниқса, Тошкент адабий муҳити ҳақида сўз кетганда Камий ижоди ва унинг номини четлаб ўтишнинг иложи йўқ эди. Шу боис шўро мафкураси даврида ҳам баъзи холис адабиётшуносларимиз унинг шахсини оқлаб, ижодини ёқлаб чиқишга ҳаракат қилдилар. Адабиётшунос М.Б.Солиҳов шоирнинг «Солди беилмлиқ хатоларға» деб бошланадиган мухаммасини «Жадидизмнинг гўзал адабиёти»га киритди ва ўз китобидан (Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари. Т., 1932, 14-бет) жой берди. 1950 йили Москвада «Антология узбекской поэзии» мажмуаси босмадан чиқди. Мажмуада Камий ҳақида мухтасар маълумотнома ва С.Сомева таржимасида шоирнинг «Мураббаъи дар таърифи мактаб» шеъри киритилди. Маълумотномада «Камий Ўзбекистонда илғор фикрнинг намояндаларидан бири» дейилади. 1960 йил босмадан чиққан «Ўзбек адабиёти» мажмуасида (4-жилд 1-китоб) Камий ижодидан баъзи намуналар берилди. 70-йиллардан бошлаб Ф.Каримов, Б.Қосимов, А.Жалолов, М.Ҳамидова, М.Зокировларнинг мақола ва тадқиқотларида Камий шахси ва унинг ижодига мўътадил ёндошиш бошланди. 90-йилларга келиб шоир ижодини махсус тадқиқ этишга киришилди. Вақтли матбуот саҳифаларида унинг ҳаёт ва ижод йўлига оид мақолалар, адабий меросидан баъзи намуналар чоп этила бошланди. Ниҳоят, 1998 йили Камийнинг 4500 мисрага яқин шеърлар мажмуаси «Дилни обод айлангиз...» номи билан нашр этилди. Бу билан шоир ижодини халққа танитиш, илмий муомалага олиб кириш ва адабиётдаги ўрнини белгилаш имкони яратилди.

Камий ижоди Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг ажралмас бир қисми эканлигига XX асрда тузилган Мўминжон Тошқиннинг «Тошкент шоирлари» (1948), Пўлатжон Қайюмийнинг «Тазкираи Қайюмий» (60-йиллар) тазкиралари ҳам гувоҳлик бе-

ради. Буларнинг ҳар иккаласида ҳам Камий ижодига тўхтаб ўтилган. Айниқса, М.Тошқин тазкираси шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда асосий манба бўлиб турибди.

Таржиман ҳоли Каримбек Камий 1865 йили Тошкент шаҳрида, чопонфуруш савдогарлар оиласида дунёга келди. Отаси Шарифбек замонасининг савдогар бойларидан бўлиши баробарида, илму маърифатга хайрихоҳ, адабиётга ихлосманд кишилардан эди. Оилада бўлажак шоирнинг ўқишига алоҳида эътибор берилди. Бошланғич таълимни Мозорхон маҳаллалик Мансурхон домладан олди. Мактаб ўқув дастури доирасида Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Бедил, Сўфи Оллоёр шеърляти билан танишди. Бу — ёш, қизиқувчан Каримбек кўнглига шеър ишқини солди. Бошланғич мактабни тугатгач, «Бекларбеги» мадрасасига ўтиб ўқишни давом эттирди. Шу мадрасанинг машҳур мударрисси Шомаҳмуд Охундда «хатми кутуб» қилди. Камий талабаликдан кейин ҳам шу мадраса ҳужраларида қолиб, фақирона ҳаёт кечирди. Оила ҳам қурмади. Шоирнинг:

Тўлмасинму ҳасрату ғамға ичу тошим менинг,
Ташлабон кетса пари рухсор йўлдошим менинг.

Кўз тутардим бир кун қилгай вафо деб, оҳким,
Бевафолиғ зоҳир этти ул қалам қошим менинг,—

байтлари ва яна бир неча ғазаллари унинг сўққабош ҳаёти сабабларини маълум даражада изоҳлайди.

90-йилларга келиб Камий устоз шоирлар қаторидан ўрин олди. Энди унинг ҳужраси замонасининг катта шоирлари ва шеър ихлосмандларининг марказига айланди. Бу ерда кўнгилочар адабий суҳбатлар қурилди, янги ижодий куч бахш этувчи шеърхонликлар ташкил этилди. Чунончи, Камийнинг:

Эдук афсурдатабъу тийрахотир неча муддатдин,
Кўнгил бўлди мунаввар, чашмимиз равшан бу суҳбатдин.

Очилди ғунчаи мақсуд, кўкарди сабзаи уммид,
Баҳори суҳбат, арбоби фазлу аҳли фитнатдин,—

байтларини ўз ичига олган ғазали мана шундай файзосо суҳбатлардан бири ҳақида бўлган эди.

Шоирнинг баъзи бир шеърлари ва айрим манбалар унинг 1899 йили Чимкент, 1911 йили Андижон ва Қўқон, 1912 йилда эса Чимкент, Сайрам, Авлиёота сафарларида бўлганлигидан далолат беради.

Шоир Камий 1922 йилнинг ёзида 57 ёшида вафот этди.

Ижодиёти

Камий сермаҳсул мумтоз шеъриятимизнинг газал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, рубоий, қитъа, фард каби жанрларида қалам тебратди. Ижтимоий-фалсафий руҳдаги манзумалар ёзди. Адабий-ижтимоий ҳаётдаги энг муҳим воқеалар санасини ўзида дарж этган таърихлар яратди. Шоирдан 6000 мисрага яқинроқ адабий мерос қолган.

Камий шеърияти шаклан ва мазмунан хилма-хил. Шоирнинг жўшқин ишқий газаллари, заҳарханда ва дадил ижтимоий манзумалари, миллат келажигига қуюниб, унинг фарзандларини илм-маърифатга даъват этган шеърлари ўз даврида катта мавқега эга бўлган.

Камий ўз ижодининг дастлабки босқичидаёқ ўзига хос бадий тафаккур тарзига ва ўз адабий эстетик қарашларига эга ижодкор эканлигини кўрсата олган. Шоирнинг 1894 йилги баёзидан ўрин олган:

Ўқинг ашъори бикру фикрни айланг тасарруфким,
Аторуд ташласун қўлдин қаламни кўкда ҳайратдин,—

мисралари мана шундай фикрга келишимизга асос бўла олади. У ўз замондош шоирлари олдида фикрни ўзгартирадиган, қотиб қолган тафаккурларни ислоҳ қиладиган мутлақо янги — бокира бир шеър ёзиш талабини қўяди.

Камийнинг ижодий мероси, аввало, ўз баёзлари ва шахсий архивидаги қўлёзма варақалар шаклида бизгача етиб келган. Қолаверса, кейинчалик тузилган қўлёзма ва тошбосма баёзлар ҳамда ўз даврида чиққан баъзи газета ва журналлар ҳам шоир адабий меросининг асосий манбаларидан бўлиб ҳисобланади.

Ишқий лирикаси Камий ижодиётининг асосий қисмини ишқий лирика ташкил қилади. Хўш, шоир луғатида ишқ нима? Буни биз:

Ишқдир оламда бир роҳатфизой комил асар,
Мабдаи айни сиришқу мазҳари оҳи шарар,—

мисраларидан англаб олгандек бўламиз. Унинг наздида ишқ барчани ҳайратга солувчи бир «комил асар». Кўз ёшининг манбаи ҳам у, ўтли оҳнинг мазҳари ҳам у. Айнан мана шу ерда азалий ва абадий ишқнинг табиати очилгандай. Шундай ишқ эгаси бўлмаган инсон — инсон эмас. Шунинг учун ҳам Камий:

Дилеким, онда йўқдур оташи ишқ
Ки, андин шамъ ила парвона яхши,—

дейди. Табиий, ишқ ҳар бир ошиқ қалбида бир бор янгиланади. Унда янгича кечинмалар уйғотади, оҳорли туйғулар туғдиради.

Бунга ўша ошиқнинг маъшуқаси, унинг феъл-атвори, ўзига хосликлари сабаб бўлади. Камийнинг ҳам шеърятда ўз ишқий олами ва ўз маъшуқаси бор. Бу ёр ҳам ўзига хос суврату сийратга эга. У ҳусну малоҳатда шундай гўзалки, наққош Моний кўрган замон ҳайратдан қотиб, чизиб турган сувратини ҳам чизолмай қолади. Бу ёрнинг рухсори оламини ёритади. Ҳатто «ул зеб бул моҳи тобонларда йўқ». Бу ҳусн шундай тароватга эгаки, ундан ўзи маст қилиш хусусиятига эга бўлган шароб маст эмиш: «Маст эрмиш шароб ҳуснингдин». Унинг жамолига бир марта Ой билан Куёш қарши келган эди, кўринг оқибатини: «Бирин рухсори доғ ўлди, бирин сорғорди сиймоси».

Камий бир маснавийсида суюкли ёр қиёфасини шундай чизади:

Эй, ғамзаси офати замона,
Ҳусн ичра жаҳонаро ягона.

Эй, қомати рашки сарву шамшод,
Эй, киприги тигу чашми жаллод.

Эй, юзлари моҳу меҳри анвар,
Эй, хатлару зулфи мушку анбар.

Эй, лаблари айни оби ҳайвон,
Эй, сўзлари роҳати дилу жон.

Эътибор беринг, бу шеърий парчада ёрнинг ҳусни, қомати, киприги, хатту зулфи, лабларидан кейин гап унинг ширин тиллигига, сўзининг «роҳати дилу жон»лигига кўчяпти. Тил — кишининг маънавиятига алоқадор. Дарҳақиқат, Камий шеърларида ёрнинг нафақат зоҳирий суврати, балки унинг маънавий қиёфаси ҳам ўз аксини топган. У ғазалларидан бирида ёр табиатининг нозиклиги, гўзал ахлоқи, кўнглининг равшанлиги, боодобу боҳаёлигини шундай таърифлайди:

Нозанин ҳўю неку ахлоқ, эй равшан замир,
Шарму одобу ҳаё бобида йўқ сенга назир.

Камий ишқий шеърларининг аксари мана шундай ёрнинг таърифу тавсифига бағишланган. Шоир бу ёрнинг васлига муштоқ, лекин «балойи фироқи»га мубтало. У ҳажр шоми ўтиб, васл тонги отишини истайди, бироқ орзулари армонга айлана боради.

Хуллас, Камийнинг ишқий шеърятини, нафақат севимли ёрнинг суврату сийратини, балки ҳижронзада шоир қалбининг сўнгсиз изтироблари, ҳасрату аламларининг ҳам бадийий инъикосидир. Айни пайтда бу шеърят ўз ижодкорининг нозик таъб, ҳиссиётга тўла шоирона қалб эгаси эканлигига ҳам гувоҳлик беради.

Маърифатпарварлиги Камийнинг маърифатпарварлик шеърияти гимназияни таништирувчи шеърлари билан бошланди. Бу жиҳатдан у Фурқат мактабининг диномчисига айланган эди. Лекин, шоир ижодида кейинчалик услубий ўзгаришлар юз берди. У, асосан, миллий мадрасаларимизнинг толиби илмларини илмга чақирувчи даъваткорона руҳ олди. Камийнинг «Дар таърифи тавсифи илм...», «Аё, эй, мулла Фозилжон қори», «Ҳар маконда бўлсанг, эй хоним, фароғат бирла бўл» шеърлари мана шулар жумласидандир. Шоир мазкур шеърларида илмни тарғиб қилар экан, унга икки дунё саодатининг калити деб қаради:

Обруйи дину дунё илмдур, бешакку райб,
Касби илм эт, икки дунёда саодат бирла бўл.

Камий назарида инсонни эътиборли қиладиган ҳам, уни бахту иқболга, молу давлатга етиштирадиган ҳам илм. Унингча инсон молу дунё, наслу насабига қараб эмас, айнан илму одобига қараб азиз ва шарафли саналади:

Азизлик сонмангиз молу насабдур,
Шараф ҳосил этан илму адабдур.

Шоир «Дар таърифу тавсифи илм» шеърини «Толибони илма дастурул-амал» деб атаган эди.

Дарҳақиқат, Камийнинг бу давр маърифатпарварлик шеърияти илм толиблари учун ўзига хос дастур характериға эга. Масалан, шоир миллат фарзандларини илмга даъват қиларкан, шунинг баробарида фазлга, адабга, ҳаёга ҳам чақиради. Бир илм толибини васф этганда, унинг нафақат илмини, балки фазлини ҳам ибрат қилиб кўрсатади («Фазлу дониш ичра яктои замон Абдулғани»). Агар улардан бирини дуо қиладиган бўлса:

Камолу фазлу илмингни зиёда,
Базуди айласун Халлоқи Борий, —

дея Яратгандан унга илмгина эмас, фазлу камол ҳам сўрайди. Шоир назарида мактаб илм билан биргаликда «ҳаёву адаб»нинг ҳам кони. У файз чашмаси, фазл маскани... Бир сўз билан айтганда «фавқи ҳар шай», яъни, ҳар нарсадан устун:

Мактабки, кони илму ҳаёву адаб эрур,
Мактабки, файз чашмасию фазли Раб эрур.
Мактабки, обрую камола сабаб эрур,
Мактабки, фавқи ҳар шайю кулли насаб эрур.

Шунингдек, Камий маърифатпарварлик шеърляти илм толибларига илмни холислик ва пок ният билан ўрганишни тавсия қилади:

Бўлиб покизаву ҳам пок ният,
Ҳамиша жаҳд қилгил илм сари.

Албатта, шоир илмга даъват қиларкан, амални ҳам ёддан чиқармади. У талабаларга қарата: Боамал бўл, боадаб бўл, беҳиял, — дея таълим берди. Зеро, амалсиз илм инсонни зиёну заҳматларга олиб бориши тайин.

Камийнинг маърифий қарашлари бўйича илм ўрганиш эркаклар сингари аёлларга ҳам шарт. Ҳатто бу Оллоҳнинг фарзи эканлигини шоир алоҳида таъкидлайди. Бу ҳақдаги машҳур ҳадисга ишора қилади:

Марду занға илм фарз ўлғонлиғи,
Барчага машҳур бу ширин масал.

10-йилларга келиб Камий маърифатпарварлиги янги босқичга кўтарилди. Энди унинг даъвати илм толибларига эмас, миллатга қаратилди. Уни миллий уйғонишга, тараққиётга чорлади, камчиликларидан, нуқсонларидан сўз очди:

Қилмағай илм сари кимса назар,
Халқ беҳуда касба майл айлар.
Қолмади ҳеч қадри илму ҳунар,
Кўрди беилм қавм неча зарар.
Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
Доимо судимиз зиён ўлди.

Наинки биргина фойданинг зиёнга айланиши, балки миллатнинг йўлдан озганлиги, балолар гирдобидида бир хас сингари қолиб кетганлиги, ҳатто бировларга қарам бўлиб, бутун мол-мулки қўлдан кетганлиги ҳам, шоир наздида, илмсизлик оқибати эди:

Илмсизлик чиқорди туз йўлдин,
Олди қоплаб бало ўнгу сўлдин,
Бизда на қолди сарвату пулдин,
Кетди мол ила мулкимиз қўлдин
Ғарбийлар, яъни Ўврополарға.

Давр шиддаткор ҳодисаларга бой эди. Февраль воқеалари юз берди. Чор ҳукумати ағдарилди. Миллат бошидан «жаҳаннамий зулумот» чекинди, «субҳи нажот» тобора яқинроқ кўрина бошлади. Мана шундай бир вазиятда ҳам Камий маърифатга содиқ қолди.

Миллат учун, Ватан учун нажотни илмда кўрди, маорифда деб билди:

Нажот истасанг илму маорифа ёпиш,
Ҳамиша илмни таҳсил айла—ёзу қиш —

Сенга улуму маориф керак, на зар, на кумуш,
Бу сўзни тингла, панди тамоми мазҳаби киш.

Чекилди уфқи Ватандин жаҳаннамий зулумот,
Уён Ватан, уён, ортиқ кўринди субҳи нажот.

Камий ҳаётининг сўнгги йилларига қадар маърифатга чорловчи шеърлар ёзди, мактаб-маориф ишларига фаол қатнашди. Ҳатто кутубхоналар ташкил қилиш ва мактаблар очишда зўр фаолият кўрсатганлиги ҳақида маълумотлар бор.

**Ижтимоий
шеърияти**

Камий шеърларида чархнинг «равиши каж» лигидан то золим подшоҳнинг зулмигача, очлик йилларининг «суубату алами»дан Февралнинг суруригача, Октябрнинг «ранжу зулми»дан бошлаб Туркистон мухториятини қонга ботирган большевикларнинг «феъли бад»игача ўз ифодасини топган.

Шоирнинг мана шундай шеърларидан бири «Алҳазар, эй шоҳи золим, алҳазар» деб бошланадиган мухаммасидир. Мухаммас 25 мисрадан иборат бўлиб, золим шоҳни зулмдан сақланишга чақирувчи қуйидаги мисралар билан бошланади:

Алҳазар, эй шоҳи золим, алҳазар,
Раҳм кун бар ҳоли мазлумон нагар,
Ин сухан хуш гуфт он неку сар:
Оҳ урса пиру зан вақти саҳар,
Бўлғай андин юз туман зеру забар.

Хоҳ фармонингда бўлсун баҳру бар,
Хоҳ бўлсун санда жамъи молу зар,
Бас, керакдур зулмдин қилмоқ ҳазар,
Оҳ урса пиру зан вақти саҳар,
Бўлғай андин юз туман зеру забар.

Шеър мана шундай руҳда давом этади. «Шоҳи золим»ни «новтавонлар ҳолидан хабар» олишга чақиради, «афтодалар»нинг «Ҳақ жанобиға ниёз айлаб» оҳ уришларидан, оқибатда эса бутун молу давлати «зеру забар» (остин-устин) бўлишидан огоҳ этади. Худди шу пайтлар мазлум Туркистон бир золим подшоҳ —Александр III нинг зулмидан қон ютмоқда эди. Асрлар давомида ўзига бек бўлиб

яшаган ва аждодларининг қайноқ қонлари томирларида жўш урган бу юртнинг фарзандлари ҳали-ҳали мустамлакачиликнинг ҳақоратомуз сиёсатига кўниқолмай келаётган эди. Шундан ҳар жой-ҳар жойда, тез-тез зулмга қарши қўзғолонлар кўтарилиб турди. Уларнинг энг даҳшатлиларидан бири 1892 йили Камийнинг кўз олдида юз берди. «Вабо қўзғолони», «Тошотар воқеаси» номлари билан тарихга кирган бу Тошкент қўзғолонида юзлаб маҳаллий халқнинг қони тўкилди, ўнлаб йўлбошчиларнинг боши кетди. Камийнинг мазкур мухаммаси мана шу қирғиндан кейин жабрдийда халқнинг Александр III га, мустамлакачилик сиёсатига нафрати ўлароқ дунёга келган эди.

1895 йили Русия императори вафот этди. Шу муносабат билан «Туркистон вилоятининг газети»да Камий қаламига мансуб таърих-марсия чоп этилади. Шўро адабиётшунослиги узоқ йиллар шоирни «оқ подшонинг маддоҳи» деб қоралаб келди. Лекин марсия мазмунига эътибор берсак, бу даъвога бутунлай тескари ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. Келинг, матнга диққатни қаратайлик:

Тааммул бирла боқсоқ, дарҳақиқат,
Қани Искандару Доро била Жам?

Қани Кайхисраву Кайковус, Баҳман,
Қани Афросиёбу Золу Рустам?

Қани Баҳром – ҳафт иқлимни олгон,
Қани Қайсар, қани Фағфури Чин ҳам?

Қани Хисрав, қани Парвизу Хурмуз,
Қани Нуширавони одил, мукаррам?

Келиб ҳар бирлари навбат-банавбат,
Муаххар кетти, баъзиси муқаддам.

Билурмусиз қаён борди бу бари,
Бўлинг огоҳ, эй авлоди Одам.

Ажал соқийсидин нўш айладилар,
Фанонинг шарбатин бари, ба ҳардам.

Жаҳонни сар-басар тасхир айлаб,
Александр Александрович ҳам.

Демак, Камий айтмоқчи, тарихда дунёни сўраганлар кўп эди. Уларнинг бари кетди. Қай бири олдин, қай бири кейин, бари-бир, «ажал соқийси»нинг шарбатидан «нўш айладилар». Худди

шунингдек, «Александр Александрович ҳам». Демак, бу бевафо дунёдан кетишга барча маҳқум. Камий айтмоқчи: «Бале, ҳали ҳама шундоғ бўлмай, Агар шоҳу ва гар бўлмай гадо ҳам». Унда шоҳликдан нима маъни? Бутун дунёни забт этса-ю, бу дунёдаги барча «молу дирҳам»ларни тўглаб, уларнинг манфаати тегмайдиган бошқа бир дунёга кетаверса. Ундан нима қолади? Камий бунга: «Валекин қолғуси бир номи неку», — дейди. Демак, фақат яхши номгина қолиши мумкин. Шоир бунинг исботи сифатида: «Гувоҳи одил эрмасму бу сўзга, Бири Нўширавону бири Ҳотам», — деб Нўширавоннинг одиллиги-ю, Ҳотамнинг саховатпешалигини ибрат қилиб кўрсатади:

Керак эркан тариқи адл тутмак,
Олиб ибрат карам-ла, шоҳи олам.

Шоир «керак эркан» деб поэтик синтаксисда ўтган замон формасини танлади. Чунки буни дунёдан ўтган Александрга айтган эди. Камий давом эттириб:

Қаю шоҳ бу сифатга муттасиф йўқ,
Эшитгай то қиёмат таън ила зам,—

дейди. Дарҳақиқат, қайси шоҳ одиллик сифати билан сифатланмаган бўлса, у қиёматга қадар таънаю дашномга қолади. Умуман шундай. Лекин, бу Александр III га қарата айтилаяпти. Устига-устак бу марсия Шарқ шеърятининг поэтик усулларидан анча-мунча хабардор бўлган Н.Остроумовнинг фармойишига кўра, унинг газетаси учун ёзилган. Мана шундай бир ҳолатда Камийнинг ўрис подшосининг золимлигию, унинг адолатсизлигини бундан-да ошкорроқ суратда айтиши мушкул эди.

Камийнинг юқорида тўхталганимиз бир подшоҳ ҳақидаги икки шеъри қай вазиятда ва қай услубда ёзилишидан қатъи назар Туркистон халқи устига ёғдирган зулму бедодликларини ошкор этади.

Камий ижтимоий шеърятининг бир қисми замона ва аҳли замонадан шикоят тарзида ёзилган. Шоирнинг «Муқаррар ҳар киминг бўлса камоли», «Ал-амон...», «Ё раб, замона халқи...», «Яхши», «Эй сабо, кел...», «Бир майхўр йигит хусусида» каби шеърлари мана шундай асарлар сирасига киради. 10-йилларга келиб Камийнинг бундай характердаги шеърлари миллий-маърифий руҳ билан уйғунлашиб, шоир ижодида миллатпарварлик шеърятининг юзага келишига сабаб бўлди. Унинг «Аҳволи замона» шеъри шулар жумласидан:

Минг асаф, бир ажиб замон ўлди,
Яхши ким эрса, ул ямон ўлди.

Баъзи эл толиби занон ўлди,
Баъзиси мойили жавон ўлди.

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
Дарду ҳасрат насиби жон ўлди.

1916 йили очарчилик бошланди. Бу ҳақда Завқий «Паямбар бўлса нон, ош авлиёдур», — деган эди. Камий бу даврдаги халқнинг аҳволини шундай тасвирлайди:

Очлик суубату алами чўқ ямон эрур,
Бир луқма ҳасратида юз оху фиғон эрур,
Бир нон аларнинг наздида гўёки жон эрур...

Дарҳақиқат, 1916–1919 йиллар ёмон келди. Очлик ва касалликдан халқ қирила бошлади. «Биз ҳозир шундай вақтга етиб келдикки, — деб ёзган эди ўша йиллари Турор Рисқулов, — ҳар куни ўн минглаб кишилар қирилиб кетмоқда ва шундай пайт келиши мумкинки, бутун бир миллат йўқ бўлиб кетади». Бундай очлик даҳшати Камий қалбини ларзага солди. У замона бойларига мурожаат қилиб, халққа мадад беришга чақирди.

Алғов-далғовли 17 йил ҳам кириб келди. Шу йилнинг 17 февралда чор ҳукумати ағдарилди. Иккинчи мартда Муваққат ҳукумат тузилди. Туркистон зиёлилари бу инқилобни хурсандчилик билан кутиб олдилар. Вақтли ҳукумат бизга ҳуррият беради, деб қатъий умид қилдилар. Шулардан бири Камий эди. У «Нажот» газетасида инқилобни олқишлаб, шундай сатрларни ёзди:

Тулуъ айлаб бу кун бўрк Шарқдин офтобосо,
Мунаввар айлади олам, бўлай қурбони ҳуррият.

Ташаккурлар қилиб табрик айланг, эй мусулмонлар,
Нашаст этти адолат тахтига хоқони ҳуррият...

Бироқ юз берган Октябрь воқеалари ва унинг оқибатлари шоирни қаттиқ тушкунликка солди. Бунинг мисоли сифатида унинг «Шикоятномаи Камий аз инқилоби замона ва аҳли замона» шеърини келтириш мумкин. Шоир сабога мурожаат этиб, шундай ёзади:

Етти де: ҳам замон, замон аҳлидин
Анга қўб ранжу зулм бирла малол.

Чунки бу иши замона, ҳам халқи
Мунқалиб, инқилоби ҳол-беҳол.

Инқилоби замона эрмасму,
Қилди олийни пастлар поймол.

Ё халойиқ йўқотти маслаҳатин,
Бўлди мундоғ бузуқ ҳама ақвол.

Нарқушу модапарвар ўлмиш халқ,
Бу нечук шуғлу бу нечук афъол?!

Февраль инқилобидан кейин ерли зиёлилар Туркистоннинг истиқлоли учун ҳаракатда бўлдилар. Матбуот орқали ўз фикрларини халққа етказдилар ва шу маслаку маслаҳат атрофида бирика бошладилар. Шоирнинг «Ё халойиқ йўқотти маслаҳатин» мисраси мана шунга ишора қилади. Уларнинг саъй-ҳаракати ва фидоийлиги боис 1917 йилнинг йигирма бешинчи ноябрида Қўқонда Туркистоннинг мустақиллиги ҳақида резолюция қабул қилинди. 28 ноябрда бўлажак давлат тузилмасининг номи «Туркистон мухторияти» деб белгиланди. Лекин, афсуски, бу мухторият 81 кун умр кўрди, холос. Чор ҳукумати йиқитилган бўлса-да, энди большевиклик ниқобини кийган рус шовинизми ерли халқларнинг мустақиллигига тиш-тирноғи билан қарши турди. Туркистон мухториятининг маркази ҳисобланган Қўқон 19 февраль куни улар томонидан вайронага айлантирилди. Туркистон Ўлка ҳарбий комиссари Перфильев барча замбараклардан Қўқон аҳолиси устига ўт очишни, бу ҳам етмагандек, ёндирувчи снарядлардан фойдаланишни буюрди. Шаҳар уч кун ёнғин ичида қолди, ерли аҳолидан ўн минг киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда Камий «Хўқанд фожеъасина» бағишланган «Афсуснома» шеърисида шундай ёзади:

Вой, юз войки, Фарғона хароб ўлди, дариг,
Зулм ўқи бирла бу кун гарди туроб ўлди, дариг,
Бу мусибатдин улус чашми пуроб ўлди, дариг,
Ҳам бари катта-кичик бағри кабоб ўлди, дариг,
Шаҳри обод эрди, чун дашти сароб ўлди, дариг.

Шеърнинг илк бандиданоқ мисралар таассуфу дард ила ёзилганини пайқаш қийин эмас. Камий бир ўринда Фарғона халқи «Сулҳ дебон неча замон рус элиға кўз тутти», — дейди. Лекин, минг афсуски, мазлум халқнинг яна алданиши маълум бўлди. Сулҳ ўрнига улар устига қаҳру ғазаб ёғилди. Камий надомат билан буни «Болшивиклардин алар узра итоб ўлди, дариг» шаклида ифодалайди. Шаҳар вайрон қилинди, халқ қириб ташланди, номуси поймол этилди. Бироқ, шунда ҳам большевикларнинг кўнгли таскин топмайди. Мазлумлар мол-мулкани талон-торож қиладилар. Отнинг ўлими итнинг байрамига айланади. Уларнинг бу қиёфаси

шоирнинг «Большевикларнинг зулмиму, феъли бади, Зару амволларин қўймади, мундоғ талади, Бўлмайн қолмади торож гилему намади» мисраларида янада равшанроқ намоён бўлади.

Хуллас, Камий ижтимоий мавзудаги шеърларида мумтоз шеъриятнинг қай бир усулидан фойдаланмасин, мустамлакачи подшоҳнинг, истибдод тузумининг зулму бедодликларини фош этди. Хурриятни баралла олқишлади. Миллий давлатчилигимизга раҳна солганлардан ўз қаҳру ғазабини яшира олмади. Буларнинг барчаси шоирнинг истиқлолни нақадар орзиқиб кутиб яшаганлигидан далолат беради.

Хулоса Камий ижоди Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг ҳар икки даврига дахлдор. Унинг шеърларида янги маърифатпарварликдан Миллат қайғуси ва унинг муаммоларини кўтариб чиққан миллий наволар, бевосита Истиқлол ғояларигача бор. Уларда ижтимоий ҳаётдаги барча воқеалар мустамлакачилик сиёсатининг зулму бедодликлари, ваҳшиён бостирилган миллий кўзғолонлар, Февраль сурури, Октябрнинг «ранжу зулм»лари, бешигидаёқ қонга ботирилган миллий давлат тузилмаси — Туркистон мухториятининг аламли изтироблари — ҳамма-ҳаммасини топиш мумкин.

Камий бу ҳодисаларнинг шунчаки кузатувчиси бўлиб қолмади, уларга миллат манфаатидан келиб чиқиб муносабат билдирди. Маърифатга даъват этаркан, миллат фарзандларининг ҳар томонлама мукамал инсонлар бўлишини, ўз миллатини эса тараққий этган миллатлар қаторида кўришни орзу қилди.

Камий шоир сифатида шеъриятда аънанани давом эттиришга, унинг давомийлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берди. Бой мумтоз шеъриятимизнинг жанрларидан, услуб ва усуллари билан санъаткорона фойдаланди. Лекин шу билан чекланиб қолмади. У замондош шоирлари олдига миллат тафаккурини ислоҳ қиладиган шеър талабини қўйди. Ўзи ҳам шундай шеърлар ёзишга ҳаракат қилди.

МИЛЛИЙ ВА ИЖТИМОИЙ КУРАШЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИ

(XX асрнинг биринчи чораги)

АДАБИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТГА БИР НАЗАР

Мазкур давр хронологияга кўра икки қисмни ўз ичига олади:
1. 1905–1917 йиллар. 2. Ундан 20-йиллар охиригача.

1905–1917 йилларда Русия ва жаҳон тарихида юз берган бир қатор муҳим сиёсий воқеалар Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатди. Чунончи, 1904 йилда бошланган рус-япон уруши ва Русиянинг енгилиши, 1905 йилда мамлакатда юз берган ҳукуматга қарши галаёнлар ва буларнинг натижаси ўлароқ подшо Николай II нинг барча фуқароларга, шу жумладан, тобе миллатларга сўз, матбуот, виждон эркинлигини ваъда этувчи 17 Октябрь Манифестини эълон қилишга мажбур бўлиши, Биринчи Жаҳон уруши ва Туркистондаги мардикорлик воқеалари, 1917 йил февраль, октябрь ўзгаришлари, ниҳоят шу йили 27 ноябрда Туркистон мухториятининг эълон қилиниши ва хоинона қонга ботирилиши каби оламшумул ҳодисалар муҳим аҳамиятга эга бўлди. XX аср боши ўзбек адабиётида бу воқеаларнинг акс-садосини сезмаслик мумкин эмас. Машҳур татар шоири Абдулла Тўқай шуни кўзда тутиб:

Биз Бешинчи йилда бир кун кўзни очдик тонг билан,
Ишга даъват этди бизни кимдир эзгу ном билан, –

деб ёзган эди. 1905 йил воқеалари Туркистонда ҳам акс-садо топган. Шоира Нозимахоним (1870–1924)нинг:

Баён эт, эй кўнгул, розингни ҳар дам,
Эшитсун аҳли диллар, бўлса ҳамдам, –

сатрлари билан бошланадиган бир шеъри бор. Шоира бўлиб ўтган «турфа талотўф»лар, «еярга нони йўқ бечора мардум»нинг «ўз аҳволин» айтиб «мулзам» бўлиб қолгани, «хуррият эрклик талошин» қилган «юрт эрлари»нинг «бадном» қилиниб, «бошлари кесил»гани ёхуд «бадарға» этилгани ҳақида ёзган эди. Қолаверса, XX аср бошида Русиянинг бир-биридан узоқ уч нуқтасида – Тур-

кистон, Кавказ, Волгабўйида истиқомат қилаётган туркий халқлар ўртасида қардошлик ва ҳамкорликка таянувчи ўзаро хабардорлик пайдо бўлди. Ва бу Туркистон шаъни устида кетган катта-кичик барча ҳодисаларда, айниқса, 1916 йил мардикорлик воқеаларига муносабатда ёрқин намоён бўлган эди.

XX асрнинг 20-йиллари эса эски мустамлака тузумидан янги-сига, социалистик диктатурага ўтиш даври бўлди. Ўтиш даврида ҳамisha муайян эркинликларга имкон қолади. 20-йилларнинг биринчи ярмидаги қизгин адабий-маданий ҳаракатчилик ва Фитрат, Қодирий, Чўлпон ижоди мисолида янги адабиётнинг энг сара намуналарининг худди шу даврда майдонга келиши бежиз эмас. Бинобарин, янги адабиётнинг шаклланиш ва тараққиёт босқичларини тўғри англамоқ учун даврнинг энг муҳим ҳодисалари ва унинг заминиди юзага чиққан ижтимоий-маданий манзари-расига бир кўз ташлаш лозим бўлади.

XX аср Туркистонда ҳам Русияда бўлгани каби йирик сиёсий ҳодисалар билан бошланди. 1900 йиллардан иқтисодий бўҳронга кирган Русияда Япония билан урушдаги муваффақиятсизликдан сўнг таназзул янада чуқурлашди. Табиийки, бундай шароитда мустамлака халқларининг, биринчи навбатда, Туркистоннинг аҳволи оғирлашди. Янги қурилиб битказилган Краснодарск (1898) ва Оренбург (1905) темир йўли ўлкани ҳар икки томонидан маҳкам сиқиб олиб, ўнгу сўлга қайрилишга имкон бермас, Туркистоннинг ададсиз табиий бойликлари кети узилмас вагонларда Русия марказига оқарди. Хусусан, пахтага зўр берилди. Қоракўл, ипак, қуруқ мева ҳам четда қолмади. Русия Туркистонни асосий хомашё манбаига айлантирди.

Русиядан миллионлаб мужикларни кўчириб келтириб, маҳаллий халқдан тортиб олинган серҳосил ва унумдор ерларга жойлаштириш авж олди. Ўлка мустамлакачиликнинг шафқатсиз тартиблари билан идора этила бошланди. Маориф ва ижтимоий соҳаларда эса исломни бузиш, ерли халқни руслаштириш давлат сиёсати қилиб белгиланди. Ушбу мақсадни кўзда тутувчи давлат қарамоғидаги рус-тузем мактаблари кўпайиб борди. Бу мактаблар тубжой болаларга дастлабки таълимни беришни, гўдаклигиданоқ ақлу фикрини жиловлаб олишни кўзда тутарди. Ўрта мактабларга улар ўқишга қўйилмас эдилар. Рус-тузем мактабларига муносабат ерли зиёлиларда икки хил эди:

1. Ҳамкорлик қилувчилар (Саидгани Саидазимбой ўғли, Сатторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазизов).

2. Рад этувчилар (И.Гаспринский, З.Валидий, М.Чўқаев).

Маҳаллий мактаблар эса, хусусий бўлиб, уларга қўллаб тўсиқлар қўйиларди. Айниқса, Исмоилбек Гаспринский бошлаб бер-

ган замонавий усули жадид мактабларига мустамлака ҳукумати қаттиқ турди. Шуларга қарамай, маҳаллий зиёлиларнинг жасоратлари туфайли янги мактаблар очилаверди. Маълумотларга қараганда, 1903 йилда Туркистонда 102 та бошланғич, иккита ўрта «усули жадид» мактаби бўлган.

Чор ҳукумати тил сиёсатига, рус тили ва маданиятининг нуфузи тобора ортиб, мустақамланиб боришига, маҳаллий халқнинг тилдан фойдаланиш доираси узлуксиз ва режали қисқартирилиб боришига эътибор берди. Мустамлакачилар Туркистоннинг бойликларини ўзлаштириш, халқини қул қилиш билан чекланмадилар, тарихчи Заки Валидий қайд этганидек, унинг кундалик турмушига, маданий-маиший ҳаётига ҳам аралашдилар. Бир сўз билан айтганда, уни ҳар жиҳатдан бузиш, эзиш, сўнг эса ўз таркибига сингдириб юборишдек мудҳишона бир мақсад билан ишга киришдилар.

Ўз навбатида зўрлик зўрликни туғдирди. Табиатан қуллик билан кўникиб кета олмаган Туркистон халқи ўз норозилигини дастлаб секин-аста, сўнг эса баралла билдира бошлади. Айрим ерликлар русларнинг инқилобий уюшмаларида иштирок этдилар. Айти пайтда, 1904–1907 йилларда Самарқанд вилояти қишлоқларини умуман мустабидликка қарши кураш бошлаган Намоз Пиримкул ўғли бош бўлган озодлик ҳаракатлари қамраб олди. Сиёсий ташкилотлар юзага кела бошлади. Абдулла Авлоний (1878–1934) ўз «Таржимаи ҳоли»да 1904 йилдан Тошкентда яширин «жадидлар тудаси» иш бошлаганини маълум қилади. 1909 йилнинг 12 майида Тошҳожиги Туёқбоев, Низомқори Мулла Ҳусанов, Мулла Абдулла Авлонов, Мунавварқори Абдурашидхонов, Баширулла Асатиллаҳўжаев муассислигида 41 моддалик низомга эга бўлган «Жамияти хайрия» ташкил топади. 1910 йилнинг 2 декабрида Бухорода мударрис Ҳожиги Рафиъ, Мирзо Абдувоҳид, Ҳамидҳўжа Мехрий, Аҳмадҷон Маҳдум, Усмон Ҳўжа кабилар «Тарбияти атфол» жамиятини туздилар. Тошкентдаги «Жамияти хайрия», айниқса Бухородаги «Тарбияти атфол» ёшларни ривожланган чет мамлакатларга ўқишга юборишда катта ташаббус кўрсатди. 1913 йилда «Турон» (Тошкент, муассислари: Убайдулла Ҳўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Мунавварқори Абдурашидхонов, Комилбек Норбеков, Мулла Абдулла Авлонов, Муҳаммадхон Подшоҳўжаев, Каттахўжа Бобоҳўжаев, Башируллахон Асатиллаҳўжаев, Низомиддин Асомиддинхўжаев, Каримбек Норбеков) жамияти, 1914 йилда «Нашриёт» (Тошкент, муассислари: Абдулрахмонов, Саримсоқов, Абдурашидхонов, Авлонов, Азизхўжаев, Подшоҳўжаев, Умархўжаев, Ҳўжамёров, Саидкаримбоев) ширкати қарор топиб, ишга киришди. Шунингдек «Умид» (Тошкент), «Зарафшон» (Самарқанд),

«Файрат» (Қўқон) ширкатлари, «Беҳбудия» (Самарқанд) кутубхонаси, «Исҳоқия» (Наманган) матбааси иш бошлади. Туркистонлилар Кавказ, Волгабўйи, Усмонли турклар ҳаётидаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб бордилар. Русиядаги мусулмонларнинг юқоридаги каби ташкилотларини бир-бири билан боғлаш, ўзаро мувофиқлаштириш, кучларни бирлаштириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу мақсадда 1905 йилнинг августида Нижний Новгородда, 1906 йилнинг январида Петербургда Русия мусулмонларининг 1- ва 2-қурултойлари бўлиб ўтди. Хусусан, 2-қурултой «Русия мусулмонлари иттифоқи» тузилганини расман эълон қилди. «Иттифоқ» сиёсий позицияси нуқтаи назаридан Русиядаги конституцион демократик партия — кадетлар йўлини тутди.

1908 йилда подшо фармойиши билан сенатор граф К.К.Пален бошчилигидаги ҳайъат Туркистон генерал губернаторлигини ўлкада мустамлакачилик сиёсатини янада кучайтириш, моддий бойликларни жадалроқ ўзлаштириш нуқтаи назаридан тафтиш қилади. «Руслар эгалик қилувчи ер» майдонини «тинч иқтисодий кураш йўли билан» кенгайтиришнинг пухта режаси тузилади. Айни пайтда, 1910 йилдан бир қатор туманларда деҳқончиликдан беҳабар «кўчманчи» ниқоби остида маҳаллий тубжой халқнинг серҳосил ерларини кўчириб келтирилаётган русларга тортиб олиб бериш қонунийлаштирилди ва бу билан «Туркистонда рус халқининг сиёсий устунлиги унинг ҳўжалик соҳасидаги қуввати билан ҳам мустаҳкамланади»ган бўлди.

Янги қарашдаги маҳаллий зиёлилар — жадидлар мана шундай шароитда иш кўрдилар ва сиёсий мустақилликни қўлга олишни ўзлари учун бош мақсад билдилар. 1913 йилдаги «Турон», 1917 йилда тузилган «Шўройи ислом», «Уламо» жамиятлари партия даражасига ўсиб чиқмаган бўлса-да, сиёсий фаол эди.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати архивининг 554335 (Мунавварқори) ва 4269 (Фитрат) рақамлик «иш»ларидаги тергов материалларида 10-йиллардан Тошкент ва Бухорода «Ёш турклар инқилоби» таъсирида пайдо бўлган «Иттиҳод ва тараққий», инқилобдан кейин эса «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол» каби яширин ташкилотлар ҳақида маълумотлар келтирилади. 1917 йил ноябрдаги Туркистон мухторияти, 1920 йилдаги Бухоро ва Хоразм халқ жумҳуриятлари жадидларнинг фаолияти самараси сифатида майдонга келган эди.

Улар, биринчи навбатда, очиқ фикрли янги авлодни тарбиялашга диққатни қаратдилар. Бунинг учун «усули жадид» мактабларига зўр бердилар. Иккинчидан, маҳаллий-миллий матбуотни майдонга келтирдилар. Тўғри, Тошкентда 1870 йилдан чиқа бошлаган

6-йил 1-қўлдан 1906 йили 1-сони (1-сони) 1906 йили 1-сони

Тўғрилик билан:

1-сон. 1-сони билан биргаче
2-сон. 1-сони билан биргаче
3-сон. 1-сони билан биргаче

1-сон. 1-сони билан биргаче
2-сон. 1-сони билан биргаче
3-сон. 1-сони билан биргаче



1-сон. 1-сони билан биргаче

1-сон. 1-сони билан биргаче

1-сон. 1-сони билан биргаче

1-сон. 1-сони билан биргаче

1-сон. 1-сони билан биргаче

1-сон. 1-сони билан биргаче

1-сон. 1-сони билан биргаче

«Тараққий» газетасининг биринчи сони

«Туркистон вилоятининг газети» Туркистонда маҳаллий тилда чиққан биринчи матбуот намунаси эди. Газетада Ш.Иброҳимов (1872), Ҳ.Чанишев (1881) каби ерли татарлар, И. Худоёрхонов (1893) сингари ўзбеклар маълум муддат муҳаррирлик қилган бўлсалар-да, унинг асл эгаси, йуриқчиси Н.Остроумов эди. Шунга кўра, унинг миллий газета бўлиши имкондан ташқарида эди.

1905 йил 17 Октябрь Манифести халққа матбуот ва сиёсий ташкилотлар тузишга рухсат бергач, Туркистон жадидлари бир қатор уюшма-жамиятлар билан бирга газета-журнал ишларига ҳам киришдилар. Шулардан бири 1906 йилнинг 27 июнида дунё кўрган «Тараққий»¹ газетаси эди.

«Бу газета тез фурсатда шундай шуҳрат қозондики, — деб ёзади Абдулла Авлоний, — ҳатто газета муҳаррири бўлган Исмоил Обидийга «Тараққий» исми берилди. Ҳозиргача халқ Исмоил Обидийнинг исмини «Тараққий» деб юритадур»².

Газета маҳаллий ёшларга ўз саҳифасидан кенг ўрин берди. Унинг яқин ҳамкорларидан бири Мунавварқори эди. 1906 йилнинг сентябрида Мунавварқори муҳаррирлигида Тошкент жадидларининг иккинчи муҳим газетаси «Хуршид» пайдо бўлди. 1907 йилнинг 1 декабридан Абдулла Авлоний ўз уйида «Шуҳрат» газетасини чиқара бошлади. Бу уч газета шу давр Туркистонининг энг эътиборли нашрлари бўлиб, уларда машҳур Беҳбудийдан ҳавас-

¹ «Тараққий» газетаси ташкил топган кун ҳозир Ўзбекистонда «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни» сифатида нишонланади.

² Қаранг: Миллий уйғониш. Тўплам. Т., «Университет», 1993, 116-б.

кор шоир Мулла Қўшоқ Мискингача бўлган кенг зиёлилар қатлами фаол иштирок этдилар.

Шунингдек, Тошкентда «Тужжор» (1907, муҳаррири Саидкарим Саидазимбой ўғли), «Осиё» (1908, муҳаррири Аҳмадjon Бектемиров) каби газеталар ҳам чиқа бошлади. Бу газеталарнинг ҳеч бири узоқ яшай олмади. Айримлари иқтисодий, баъзилари эса, сиёсий сабаблар билан бекитилди.

Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий «Самарқанд» (1913) газетасини ва «Ойна» (1913–1915) журналинини чиқарди.

Тошкентда 10-йилларда «Садойи Туркистон» (1914, муҳаррири Убайдулла Хўжаев), Фарғонада «Садойи Фарғона» (1914, муҳаррири Обиджон Маҳмудов), «Тирик сўз» (1915, муҳаррири Обиджон Маҳмудов), Бухорода «Турон» (1913) каби газеталар, «Ал-Ислоҳ» (Тошкент, 1915–1918, муҳаррири Абдураҳмон Сайёх) журналинини чиқиб турди.

Адабий кучлар кўпроқ мана шу газета-журналлар атрофида уюшдилар. Чунончи, Самарқандда «Ойна» Маҳмудхўжа Бехбудий (1875–1919), Саидаҳмад Васлий (1869–1925), Сиддиқий Ажзий (1864–1927), Саидризо Ализода (1887–1945), Ҳожи Муин (1883–1942) каби истеъдодларни тўплади. Бухородан Фитрат (1886–1938), Тошкентдан Камий (1865–1922) фаол қатнашиб турдилар.

Тошкентда «Садойи Туркистон» газетасида Мунавварқори (1878–1931), Абдулла Авлоний (1878–1934), Тавалло (1883–1937), Хислат (1880–1945), Мирмулла (1886–1923), Абдулла Қодирий (1894–1938) фаол иштирок этдилар. Қўқондан Иброҳим Даврон (1874–1922), Ҳамза (1889–1929), Андижондан Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон (1897–1938)нинг шеър ва мақолалари тез-тез босилиб турди.

10-йилларнинг бошида, бемалол айтиш мумкинки, янги адабиёт шаклланиб улгурган эди. Бу борада 1901 йилдан чоп этила бошлаган Мунавварқорининг «Адиби аввал», «Адиби соний», Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал» (1902), Алиасқар Калининнинг «Муаллими соний» (1903), сўнграқ Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», Рустамбек Юсуфбеков (1880–1950)нинг «Таълими аввал», «Таълими соний» каби дарслик ва дарслик-мажмуалари, хусусан, улардаги ихчам дидактик шеър ва ҳикоялар янги адабиётнинг шаклланишида илк тажрибалар вазифасини ўтади.

Абдулла Авлонийнинг «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» (1909), Саидаҳмад Васлийнинг «Миллий шеърлар» (1912), Сиддиқий Хондайлиқийнинг «Тухфайи Шавкат» (1913), «Савғоти Шавкат» (1914), «Базми ишрат» (1914), Ҳожи Муиннинг «Гулдастаи ада-

Тоғон

№ 10
1929 йил 10-11
Тоғон
Ташкент



Масъул муҳаррир: Ш. Шайхон
Муҳаррир: Ш. Шайхон
Ташкилотчи: Ш. Шайхон
Тиражи: 1000
Адрес: Ташкент, Тоғон кўчаси

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади.
Ҳар бир нусخаси 1000 маблағга баҳоланади.
Абонементларнинг баҳолари: 1 йил - 10000 маблағ, 6 ой - 6000 маблағ, 3 ой - 3000 маблағ.

Сўз

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Қўқош

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Авлон

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Қўқош

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Авлон

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Қўқош

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Авлон

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Қўқош

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Авлон

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Қўқош

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Авлон

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Қўқош

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Авлон

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Қўқош

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Авлон

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Қўқош

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Авлон

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Қўқош

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Авлон

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Қўқош

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

Авлон

Тоғон газетаси ҳафтада бир марта чопланади. Ҳар бир нусхаси 1000 маблағга баҳоланади.

биёт» (1914) китоблари янги ўзбек шеърятининг дастлабки намуналари эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1911 йилда ёзиб, 1913 йилда чоп этган «Падаркуш» драмаси билан ўзбек драмачилигини бошлаб берди. «Фалокатзада» (1911 йил, муаллифи: Абдулрауф Шаҳидий), «Бэфарзанд Очилдибой» (1914 йил, муаллифи: Мирмуҳсин Шермухамедов), «Дўхтур Муҳаммадёр» (1914 йил, муаллифи: Чўлпон) каби илк реалистик проза намуналари пайдо бўлди.

Матбуотнинг майдонга келиши публицистика тараққиётига йўл очди. Бу борада Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқориларнинг хизмати катта бўлди.

1914 йилда бошланган Биринчи Жаҳон уруши ва Русиянинг унга қўшилиши Туркистоннинг ўз мустақиллигини қўлга олишига маълум умид ва имкон туғдирди. Бироқ чор ҳукумати қаттиқ турди. Ўлкада «тартиб сақланиши»га алоҳида аҳамият берди. 1914 йил 24 июлда Николай II нинг Фармони билан Туркистон ўлкасида «Фавқулодда қўриқланидиган» ҳолат эълон қилинди. Губернатор ва уезд бошлиқларига аҳолининг ўй-фикрини кузатиб бориш, «озгина бўлса ҳам душманлик ниятида бош кўтарилгудек бўлса», «ғоят шафқатсизлик билан дарҳол бостириш» ҳақида кўрсатма берилди.

Николай II туркистонликларни урушга олмади, уларга ишонмади. Иккинчидан, Русия ҳукумати улардаги наслий жанговар руҳни сўндириш, минг йиллар оша келган аскарлик тарбиясини издан чиқариш ниятида эди. Шунга кўра, 1916 йилнинг 25 июнида «Империядаги ғайрирус аҳолининг эркакларини ҳаракатдаги армия турган районларда мудофаа иншоотларини ва ҳарбий алоқа йўллларини қуриш ишларига, худди шунингдек, давлат мудофаа-си учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга сафарбар қилиш» тўғрисида Фармон берди. Туркистондан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 250 минг ишчи олинадиган бўлди. Бу мардикорлик эди. Унинг устига бу ишларда ҳар хил суистеъмолликлар, порахўрликлар, зўравонликларга кенг йўл очиб берилди. Бир томондан, миллатнинг шаънини ерга урувчи Фармоннинг чиқарилиши, иккинчи томондан, уни ижро этишдаги ноҳақликлар халқ норозилигига олиб келди. 1916 йилнинг июлида бутун Туркистонни «Мардикорлик воқеалари» номи билан тарихга кирган миллий-озодлик ҳаракатлари чулғаб олади. «Мардикорлик ари уясига чўп суққан-дек бўлди. Туркистонда бамисли ер ларзага келди»¹, — деб ёзади 1916 йилнинг 9 августида Тошкентга келган «Вақт» мухбири Шаҳид Муҳаммадёр. Лекин бу кўзғолонлар шафқатсиз бости-

¹ «Вақт» газетаси, 1916 йил 24 август.

рилди. Масалан, Жиззах аҳолиси қатлиом қилиниб, шаҳарга ўт қўйилди. Ўнлаб қишлоқлар хонавайрон қилиниб, халқи июль-август жазирамасида Қийли чўлига қувиб чиқарилди.

Қўзғолонлар сентябрнинг бошларида бир оз пайсал топди. 18 сентябрдан эса, мардикорларни жўнатиш бошланди.

1917 йил Февраль инқилоби чор ҳукуматининг қулаши билан якун топди. Мардикорлар юртларига қайтдилар. Маҳаллий зиёлилар мустақил Туркистон ҳукуматини тузиш учун курашни кучайтирдилар. Ўлка мусулмонларининг 1917 йил 4(16) апрель 1-қурултойи федерал мухторият шиорини илгари сурди. Шу йил 18(30) сентябрь Ўлка ишчи ва солдат депутатларининг 2-съезди Туркистонни Советлар қўлига топширишни талаб қилиб чиқди. Советлар большевиклашиб борди ва ноябрда ҳокимият Советлар қўлига ўтди. Ф.И. Колесов бошчилигидаги қизил рус ҳукумати давлат тепасига келди.

1917 йил 26 ноябрда Қўқонда очилган Мусулмонларнинг 4-ўлка қурултойи эса, Туркистон мухториятини эълон қилди. Мухторият 81 кун яшади. 1918 йилнинг 19–22 феввалида уни большевиклар хоинона қонга ботирдилар. Шаҳар уч кун тўпга тутилди. Ўн мингга яқин киши ҳалок бўлди.

1920 йилда Бухоро ва Хива ҳам большевиклар назоратига ўтди. Бир муддат ҳар икки хонлик ўрнида «халқ жумҳурияти» номи билан қўғирчоқ ҳукуматлар тузилиб, иш олиб бордилар. 1924 йилда буларнинг ҳаммаси барҳам топиб, Туркистон совет империясининг узоқни кўзлаган сиёсати натижасида беш бўлакка бўлиб ташланди. Сўнг эса уни большевик дидига мослаб «ўзлаштириш» бошланди. Асрий тартиб ва удумларни йўққа чиқарувчи «Ер-сув ислоҳоти» амалга оширилди. «Хотин-қизлар озодлиги» ниқоби остида миллатнинг муқаддас тарбия ўчоғи бузиб ташланди. Ниҳоят «коллективлаштириш» каби «социалистик» тажрибалар ўлка ҳаёти-ни тамом издан чиқарди. Булар етмаганидай, социализм ривожланган сари синфий кураш кучайиб боради, деган сохта, сталинча назария тўқиб чиқарилиб, душман излаш авж олди. Шу баҳонада миллий зиёлиларни таъқиб қилиш кучайди. Хусусан, жадидчиликни миллатчилик сифатида қоралаш йўлга қўйилди. 1925 йилда ер-сув ислоҳотига озгина эътироз билдирган кишилар «18-лар гуруҳи» номи билан «фош» этилди. 1926 йилда Ўзбекистон маориф вазири Р.Иноғомов ва унинг бир қатор маслақдошлари эски зиёлилардан фойдаланиш масаласини кўтарганларида қўлга олиниб, «иноғомовчилик» деб аталган кампания ўтказилди. 1927 йил октябрда шоир Чўлпон бадном этилиб, Ўзбекистон зиёлиларининг Самарқанддаги қурултойидан ҳайдаб чиқарилди. 1929 йилда Ўзбекистон Олий суди раиси Қосимов билан боғлиқ «қосимовчилик», «Мунавварқори тўдаси» «иш»ларини кўриш бошланди.

Булар илк қатагонлар эди. Жумладан, «Мунавварқори тўдаси» «иши»га 87 киши жалб этилди. Тергов материаллари 18 жилдни ташкил қилди. Шулардан 18 киши отишга, 21 киши 10 йилга, 13 киши 5 йилга, 3 киши 3 йилга қамоқ жазосига, 1 киши Омскка сургунга ҳукм қилинди, жами 56 киши жазоланди.

Шу тариқа 1929 йил, совет тарих фани қайд этганидек, советлар учун «буюк бурилиш йили» бўлди. Ҳар қандай эркин фикр тугатилиб, коммунистик диктатура мустаҳкам қарор топди.

Туркистоннинг кўзи очиқ зиёлилари оқ империяни ҳам, қизил империяни ҳам қабул қилган эмас. Шу сабабли, октябрнинг дастлабки кунлариданоқ миллатнинг ватанпарвар фарзандлари истиқлол йўлларини қидирдилар. Архив материаллари ва тарихий шахсларнинг гувоҳликлари 1917 йилдан ўлкада шу мақсадни кўзда тутувчи «Иттиҳод ва тараққий», «Турк адам марказияти», «Иттиҳоди миллий», «Бирлик» (1919), «Эрк» (1919), «Темур», «Ботир гапчилар» каби яширин ташкилотлар тузилганлигини, 1921 йилда «Туркистон миллий бирлиги» ташкил топганлигини кўрсатади. Туркистон миллий бирлиги 20-йилларда тарихга «босмачилик» номи билан кирган миллий-озодлик ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштириб боришда муҳим роль ўйнади.

Биринчи Жаҳон уруши йилларида, сўнг инқилобий ҳаракатлар даврида матбуот ва адабиёт фаоллашди. Тошкентда «Нажот» (муҳаррири: Мунавварқори), «Шўройи ислом» (А.Баттол), «Турон» (Авлоний), «Кенгаш» (Заки Валидий), «Улуғ Туркистон» (Кабир Бакир), «Турк сўзи» (Т.Худоёрхонов), «Халқ дорилфунуни» (Мухтор Бакир), Самарқандда «Хуррият» (Мардонкул Шоҳмуҳаммадзода, Ақобир Шоҳмансур, Абдурауф Фитрат), Қўқонда «Эл байроғи» (Пўлат Солиев), Наманганда «Фарғона нидоси» (Ҳусайн Мақаев) каби кўплаб газеталар, «Кенгаш» (Қўқон, Ҳамза, Раҳимжон Ҳожи Турсунмуҳаммад ўғли), «Юрт» (Қўқон, Ашурали Зоҳирий), «Хуррият» (Қўқон, Маҳмудхўжа Ризоий), «Чаён» (Тошкент, Ҳ. Тўлаков, И. Тоҳирий), «Ишчилар дунёси» (Тошкент), «Изҳорул-ҳақ» (Садриддинхўжа муфти ибн Шарифхўжа эшон) каби ўнлаб номдаги бир кўриниб, ёпилган журналлар кўп бўлди.

1918 йилдан социалистик матбуот изга туша бошлади. Унинг дастлабки намунаси шу йилнинг 20 июнидан чиқа бошлаган «Иштирокиюн» газетаси (масъул муҳаррирлари: О. Клеблеев, А. Авлоний, Н. Тўрақулов, А. Донской, Ҳ. Бурнашев, Мирмуҳсин) бўлди. Газета 1920 йилнинг 19 декабридан «Қизил байроқ», 1922 йилнинг 13 сентябридан «Туркистон» номларида давом этади. «Маориф» (1918, Тошкент), «Болалар йўлдоши» (Самарқанд, 1919), «Таёқ» (Самарқанд, 1920), «Тонг» (Бухоро, 1920), «Қизил

тикон» (Наманган, 1920), «Қизил йўл» (Тошкент, 1920), «Касабачилик ҳаракати» (Тошкент, 1920) каби умри қисқа журналлар дунё юзини кўрди.

1918 йилда Тошкентда Фитрат ташаббуси билан «Чигатой гурунги» адабий-маданий уюшмаси майдонга келди ва Чўлпон, Боту, Элбек, Ғози Юнус, Фулом Зафарий, Маннон Уйғур, Қажум Рамазон каби фан ва маданиятимизнинг ёрқин истеъодларини ўз атрофига тўплади. Бор-йўғи бир ярим йилча фаолият кўрсатган ушбу уюшма — жамият тил-имло қондаларини ишлаб чиқишда, адабиёт тарихини ўрганиш, системалаштиришда, театрчиликни юксалтиришда катта ишлар қилди. Бироқ бундай миллий-маданий тикланиш йўллари тобора ёпила борди ва маданий-адабий ҳаёт ҳам секин-аста сиёсат измига тушиб қолди.

10-йилларнинг иккинчи ярми «Ўзбек жадид адабиёти» номи билан тарихга кирган янги адабиётнинг шаклланиб, дастлабки дадил қадамларини ташлаган йиллар бўлди. Миллий матбуотнинг майдонга келиши билан янги адабиётнинг мазмун ва йўналиши, тил ва услуби, жанр ва мавзулари, бадиияти билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилина борди.

Даврнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда социал-ижтимоий мавзуларга, замонавий масалаларга, маърифат ва озодликка катта эътибор берилди. Абдулла Авлоний «Ойнанайи ҳар миллат эрур тил-адабиёт», — деб ёзади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов театрни «ибратхона» деб атадилар. Мирмуҳсин Номӣқ Камол изидан бориб, «Шоирларимиз замонанинг бир лисонидур... Замонага муносиб миллий шеърлар майдонга чиқсун!» деган фикрни илгари суради, анъанавий муаммочиликни, такаллуфу суҳанпардозликни рад этади. Тўғридан-тўғри гапга, жумладан ижтимоий сатирага — ҳажвияга зўр бериб, «Очилсун интиқод (танқид) манбалари!» шиорини ўртага ташлайди.

Сиддиқий Ажзий маърифатга муҳаббат эълон қилади. Маъшуқанинг анъанавий сифатларини маърифатга кўчиради ва ҳоказо.

Бироқ 10-йиллар шеърияти маърифатни мақсад эмас, восита деб билди. «Кучлик» миллатлар — «жаҳон Жайхунлари» ҳақида ёзди. «Кучсиз»ларнинг уларга луқма («туъмаи тайёр») бўлаётганликларига (Авлоний) диққатни қаратди. Шоир Баҳриддин Азизий очикдан-очик сиёсий ташкилот («жамъият»)лар тузиш, ўзаро иттифоқ бўлиш ва «жумҳурият» учун «бир тил» бўлиб курашиш лозим, деб ҳисоблайди. Сиддиқий Ажзий эса, бу борада ўзига хос иқтисодий назарияларни илгари суради.

Бугина эмас, шеърият янги қурилажак давлат ва жамиятнинг сиёсий тузумидан ахлоқий турмушигача, иқтисодидан мадания-

тигача қизиқди. Хуллас, 10-йиллардаги янги ўзбек шеърляти, бу, биринчи навбатда, ижтимоий-сиёсий шеърлятдир.

Айни пайтда, унда қатор поэтик-стилистик ўзгаришлар юз берди. Авлоний ва Ҳамза кўпгина шеърлярини қадим шеърля вазнимиз— бармоқда ёздилар. Ҳамза сарбастда ўз имкониятлярини синаб кўрди («Шеърля мансур»). Сиддиқий Ажзий ва Тавалло социал сатиралинг анъанавий аруздаги энг сара намуналярини яратдилар.

Шеърляят Биринчи Жаҳон уруши йиллярида, хусусан мардикорлик воқеалари даврида ғоят жонланди. Чунончи, мардикорлик воқеаларига бағишланган ўнга яқин шеърля тўплам чоп этилгани маълум. Булар орасида Муҳиддин Иброҳимов тузган «Лошмон» (Наманган, 1916), Ҳамзанинг «Миллий ашувлялар учун миллий шеърля мажмуаси»нинг 7-бўлими — «Сафсар гул» (Кўқон, 1917), Акбарий Тошкандийнинг «Ватанга хизмат» (Т., 1917), Сиддиқийнинг «Работчилар намойиши» (Т., 1917), «Работчилар келиши» (Т., 1917), шунингдек Баҳриддин Азизийнинг «Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт» (Т., 1917), Сиддиқийнинг «Русия инқилоби» (Т., 1917) каби асарлярида ҳам мардикорлик воқеалари тасвири учрайди. Бу асарлар, бир қараганда, маҳаллий халқни мардикорликка бориб, оқ подшо хизматини қилиб келишга тарғиб-ташвиқ этаётгандай бўлса-да, аслида унинг тағсатрлярида халқнинг осойишта ҳаётини алғов-далғов қилиб юборган, уруш баҳонасида миллатнинг шаъну шукуҳини оёқости этган ҳукмрон миллатга истехзо, ўз она халқини гафлатдан уйғонишга, қуликдан қутулишга даъват балқиб турар эди.

Туркистон озодлик тарихининг бу сўнмас саҳифасига совет даври ёзувчляри ҳам кўп бор мурожаат қилганлар. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида у марказий масала қилиб қўйилган эди. Сўнгроқ адиб «Болалик» автобиографик қиссасида ҳам унга маълум ўрин берди. Назир Сафаров 1916 йилги Жиззах воқеасини «Кўрган-кечирганларим»да кенг қўламда тасвир этди. Асқад Мухтор «Чинор» романида бир бобни шунга бағишляди. Бугунги шоирляримиздан Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърля романида ҳам у кенг тасвирланди. Умуман, бу мавзуда адабиётимизда қилинган ва қилинаётган ишлар кўп. У биздагина эмас, қардошляримизда ҳам ўзига хос анъаналарга эга бўлиб қолди. Масалан, Мухтор Авезовнинг «Мушкул замона» қиссаси билан А.Нурпейсовнинг «Қон ва тер» трилогияси орасида ўтган вақт салкам 50 йилни ташкил қилади. Б.Кербобоевнинг «Дадил қадам», А.Тўқомбоевнинг «Қонли йиллар», «Тонг олдида» шеърля романляри

туркман ва қирғиз адабиётларида ҳодиса бўлганлиги ўқувчига маълум. Туркистондан ишчилар олиш 1917 йилнинг Февралига қадар давом этди ва 123 мингдан кўпроқ киши сафарбар қилинди. Улар Қора денгиздан Болтиқбўйига қадар чўзилган фронт орқасидаги оғир ишларда Петроград, Москва, Нижний Новгород, Қозон, Киев, Харьков каби шаҳарлардаги саноат корхоналарида, Шимолий Кавказдаги мис конларида ишладилар.

Мардикорларнинг у ерлардаги оғир ва машаққатли ҳаёти Сидқийнинг «Работчилар келиши» китобида ва Ҳамзанинг «Сафсар гул»идаги «Ватан ишчиларининг забун ҳолидан» деб номланган туркум шеърларидан «Соғиниб», «Салом айтинг», «Ҳой, паҳлавон!»-да акс этди. Шоирларимиз мардикорларнинг қайтиб келишлари-га бағишлаб ҳам шеърлар ёздилар (Сидқий, «Ситамдийда работчилар келиши», «Сизларга мужда»).

1917 йил Февраль воқеаларини Туркистон халқи зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Шоирларимиз унга юзлаб шеърлар бағишладилар. Шукрий (Хуршид) ва Сидқий қисқа муддат ичида «Хуррият меваси» (1917) ва «Русия инқилоби» номли дostonлар ёзиб, чоп эттирдилар.

Октябрь воқеасига бағишлаб ўша кезларда ёзилган бадиий асар ўзбек адабиётида учрамайди. Чунки у кенг умумхалқ ҳодисаси сифатида кутиб олинмади. Аксинча, тўнгариш деб қаралиди. У ҳақда асар ёзиш 1918–1919 йиллардан изга тушди. Сўнграқ чинакам илҳом ва истеъдод билан ёзилган турли жанрдаги хилма-хил асарлар пайдо бўлди. Ҳамза, Авлоний, Сўфизода, Абдулла Қодирий каби-ларнинг асарлари бунга далилдир. Аксинча, 1917 йил 27 ноябрдаги Мухторият эълони кенг халқ оммасидаги каби адабиёт аҳлида ҳам завқ-шавқ уйғотди. Беҳбудий ва Фитратнинг қизгин, эҳтиросли туркум мақолалари, Чўлпон («Озод турк байрами», «Оллоҳу акбар») ва Ҳамзанинг («Туркистон мухториятина!») ёниқ шеърлари дунёга келди.

Хуллас, янги поэзия 20-йилларга гоят мураккаб ва зиддиятли туйғуларни ўзида жо этган эътироф ва эътироз билан кириб келди.

Асримизнинг дастлабки йигирма йилида шакланган янги шеърият анъанавий диний-тасаввуфий шеърият билан ёнма-ён яшади. Мирмаҳмуд Қорий (1834–1904), Юсуф Сарёмий (1845–1912), Усмонхўжа Зорий (1839–1916), Ҳусайнқул Муҳсиний (1860–1917), айниқса, Зиёвуддин Ҳазиний (1861–1921) бу йўлда самарали ижод этдилар: «Девони Қорий» (Т., 1912), «Девони Юсуф Сарёмий» (Т., 1332 ҳ.), «Баёзи Ҳазиний» (Т., 1911), «Девони Муҳсиний» (қўлёзма, ЎзФАШИ инв.№ 7392) ва ҳ. к.

10-йилларда яратилган наср намуналари у қадар кўп эмас. Анбар Отиннинг «Қаролар фалсафаси», С.Азизийнинг 1910 йилдаги «Москва ва Петербург саёҳати хотиралари» каби ижтимоий-фалсафий, саргузашт-автобиографик асарларни назардан соқит қилсак, Беҳбудийнинг «Оқ елпогичли чинли хотун», Абдулрауф Шаҳидийнинг «Фалокатзада» (1911) ҳикояларини, Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг «Бефарзанд Очилдибой» (1914), Ҳамзанинг «Янги саодат» (1915) сингари «миллий роман» деб номланган қиссаларини, ниҳоят 1915–1916 йилларда эълон қилинган Абдулла Қодирийнинг «Жувонбоз» ва «Улоқда», Чўлпоннинг «Дўхтир Муҳаммадёр» асарларинигина қайд этиш лозим бўлади.

Драмачилик 10-йилларнинг иккинчи ярмида қизгин ривож топди. Тошкент, Самарқанд, Қўқонда театр ҳаваскорлар труппалари тузилиб, самарали иш олиб борди. Самарқандда Беҳбудийга эргашиб, Абдулла Бадрий («Жувонмарг», «Аҳмоқ»), Ҳожи Муин («Эски мактаб – янги мактаб», «Кўкнори», «Мазлума хотин», «Жувонбозлик қурбони», «Бой ила хизматкор», «Қози ила муаллим»), Нусратилла Кудратулла ўғли («Тўй», «Кенгаш мажлиси»), Тошкентда Абдулла Авлоний («Адвокатлик осонми?!», «Пинак», «Биз ва Сиз»), Абдулла Қодирий («Бахтсиз куёв»), Фулом Зафарий («Бахтсиз шогирд»), Фарғона водийсида Ҳамза («Заҳарли ҳаёт», «Илм ҳидояти», «Мулла Нормуҳаммад домланинг куфр хатоси»), Хуршид («Ориф ила Маъруф», «Қора хотин»), ниҳоят Бухорода Абдурауф Фитрат («Бегижон», «Мавлуди шариф», «Або Муслим») каби адибларимиз бир қатор драмалар ёздилар.

1916 йилги мардикорлик воқеаларига бағишланган драмалар пайдо бўлди (Ҳамза: «Лошмон фожиаси», «Рабочий»), мухторият ҳақида «Автономия ёки мухторият» (Ҳамза) номли драма ёзилди. Фитратнинг машҳур «Темур сағанаси» драмаси Туркистон мухториятининг фожиона қонга ботирилиши таассуротлари асосида майдонга келган эди.

Адабиётимиз мазкур янги жанрларининг дунё юзини кўриш жараёни ғоят оғир кечган. Беҳбудий ўз «Падаркуш»ини 2 йил деганда зўрга нашр қилишга муваффақ бўлди. Саҳнага қўйилиши учун яна бир йил кетди. 1911 йилда ёзилган асар 1914 йилдагина саҳна юзини кўрди. Вақтли матбуот саҳифаларидаги Мирмуҳсин «Эътироз»лари «миллий роман» («Бефарзанд Очилдибой») муносабати билан мутаассибларнинг қаттиқ ҳужуми остида қолганидан далолат беради.

Янги замонавий адабиётшунослик ва танқид шаклланди. За-

نور كستان ايك
مهنوي مهنسرو لر مهنه مهنه!

محرور و ناشدای. حجر معین ان شکر الله

مظلومه خاتون
(۴ پرده نیک دراما)



بواسی : ۳۵ تین

سمرقندده گازاروف مطبعه سینده باسلسی.

رمضان ۱۳۳۴ - ۱۹۱۶ اییول .

мон ва ижод, бадиий адабиёт тили, янги адабий жанрлар билан боғлиқ масалалар матбуот саҳифаларида кенг муҳокама қилинди. Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Иброҳим Даврон кавиларнинг бу борада вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилган мақолалари янги эстетиканинг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Хуллас, 10-йилларда Туркистон маънавий ҳаётида кенг томир отган ўзбек жадид адабиёти ўзининг чинакам самараларини қийин-қистов 20-йилларда берди. Чўлпон ўз шеърияти билан янги ўзбек шеъриятининг асл пойдеворини яратди. Қодирий ўзбек романчилигига асос солди. Фитрат ўзбек драмачилигининг энг саранамуналари муаллифи ва янги ўзбек адабиётшунослигининг асосчиси бўлиб тарихга кирди.



ИСМОИЛБЕК ГАСПРИНСКИЙ

(1851 – 1914)

Исмоилбек Гаспринский Русия жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси эди. Туркистонда XIX асрнинг охиридан кўзга ташланган янгиланиш ҳаракатлари кўп жиҳатлари билан шу номга, унинг «Таржимон» газетасига келиб боғланади. Ва ушбу даврдан эътиборан XX асрнинг 20-йилларига қадар фаолият кўрсатган бирор туркистонли зиёли йўқки, бу номни четлаб ўтган бўлсин. Шу сабабли, унинг ижодий фаолияти ва айниқса, маслак-интилишлари билан танишиш Туркистон жадидчилиги ва жадид адабиётининг шаклланиш ҳамда ривожланиш босқичларинигина эмас, умуман мазмун-моҳиятини англашда, йўналишларини белгилашда ҳам бениҳоя муҳим аҳамиятга эга.

Бу ном юз йил муқаддам туркий дунёдаги энг машҳур ном эди. Уни Қашқардан Лондонгача, Санкт-Петербургда Бомбейгача билар эдилар. У чиқарган «Таржимон» газетасининг 1908 йилдаги 25 йиллик тўйида Хитойнинг «Таранча»сидан табрик телеграммаси келган. 1910 йилда эса Франциянинг энг эътиборли журналларидан «Ревю дю монде мусулман» унинг миллат олдидаги буюк хизматлари учун номзодини «Тинчлик борасидаги Халқаро Нобель Мукофоти»га тавсия қилган ва буни хорижий мамлакатлардаги жуда кўп матбуот органлари қўллаб-қувватлаб чиққан эди.

У вафот этган 1914 йилнинг 11 сентябрида машҳур Наримон Наримонов ёзади: «Миллат Исмоилбек каби қаҳрамонларини унутса, ўз ҳаётини барбод этажакдир»¹. Бу баландпарвоз гап эмас. Далил – тарих. У тириклигидаёқ миллатнинг отаси, раҳнамоси деган ном олди. Унинг энг катта хизмати Русия сарҳадида яшаб турган, лекин замоннинг зайли билан бир-биридан узоқ тушган (тўғрироғи, узоқлаштирилган) ва бегоналашиш даражасига етган туркий халқларни бир-бирига танитди. Беҳбудий сўзлари билан айтганда, «Русиядаги бутун турк-татар халқларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хўшлик йўли билан яхлит бир миллий оилага бир-

¹ Қаранг: «Янги дунё» г., 1991 й., 11-сон.

лаштирмоққа ноил бўлди». Бу дард ўша давр чор Русияси асоратида ўз эрку ҳуқуқигина эмас, асрий урф-удум, маънавий қадриятларидан тортиб, тил ва дин-этиқодигача унутишга маҳкум қилинган туркий халқларнинг энг катта дарди, сўнгсиз армони эди.

Исмоилбек Шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан, мактаб-маорифида чинакам инқилоб ясаган, «усули жадид» номи билан тарихга кирган «усули савтия»ни бошлаб берди. XX аср Шарқнинг энг машҳур, энг тараққийпарвар ҳаракатчилигига — жадидчиликка асос солди.

У барча туркий халқларни яхлит, ягона миллат деб билди. Уларни ҳам илм-маърифатда, ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тараққий қилган миллатлари билан тенг, бақамти кўрмоқни орзу қилди. Бутун ақли-вужудини мана шу муқаддас ишга — миллатнинг равнақи ва муҳофазаси йўлига сарф этди. Бу шунчаки мутаассибона бир орзу эмас, замонасининг баланд-пастидан хабардор, тарих ва тақдирини теран англаган, Шарқни ҳам, Ғарбни ҳам баб-баравар билган ва баб-баравар кўрган бир кишининг аниқ ва режали хатти-ҳаракати эди. Афсуски, унинг бу ишларида айрим «дўстлар»и шаккоклик, кофирпарастлик кўрдилар. Душманлари эса унга сиёсий айб қўйдилар. Туркий қавмларни Русия давлатига қарши бирлаштиришда, ягона турк-татар мамлакати тузишга уринишда айбландилар. Ва бу даъволар машъум 30-йилларда жуда «иш» берди. Унинг номи, унинг хотираси авлодлар қалбидан юлиб олинди. Наслларга ўз халқининг қаттол душмани қилиб кўрсатилди...

Гаспринский 80-йилларнинг охиридан авлодларга қайта бошлади... 1991 йилда Симферополда таваллудининг 140 йиллигига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. 2001 йилда 150 йиллиги нишонланди. Ўзбекистонда ҳам у ҳақда рисоалар пайдо бўлди¹.

Четда 1950 йилда у ҳақда Бурбил деган киши докторлик диссертацияси ёзган ва Гамбургда китоб босдирган². Америкалик Эдвард Жеймс Лаззерини диссертацияси 1973 йилда «И.Гаспринский ва Русияда мусулмон модернизми» номи билан Вашингтонда босилиб чиққан. 80-йилларда эса Туркияда Нодир Давлат³ ва Меҳмет Сарой⁴ нинг у ҳақдаги монографиялари дунё кўрди. 1991 йилда Тошкентда Э. Аблаевнинг «Исмоил Гаспринский — гуманист, просветитель, педагог» рисоласи босилди. Кейинги тадқиқотлардан бири Ҳоқон Қримлининг «Қрим татарларида миллий кимлик ва миллий ҳаракатлар (1905–1916)» (Анқ-

¹ Қаранг: Б.Қосимов. Исмоилбек Гаспрали. Т., Ғ.Фулом нашриёти, 1992.

² Қаранг: Бурбил Густав. Исмоилбек Гаспрали тили. Ҳамбург университети, 1950 (немисча).

³ Давлат Нодир. Исмоилбей (Гаспрали). Анқара, 1988 (туркча).

⁴ Сарой Меҳмет. Турк дунёсида маориф ислоҳоти ва Гаспрали Исмоилбей (1851–1914). Анқара, 1987 (туркча).

ара, 1996) китобидир. Ниҳоят, 2003–2004 йилда Туркияда Гаспрали «Танланган асарлари» уч жилдлигининг 2 жилди босмадан чиқди¹.

Ҳаёт йули Исмоилбекнинг ота-боболари Ялта-Алупка йулида жойлашган Гаспра қишлоғидан. Исмоилбек тахаллус-нисбани шундан олди. Бироқ у кўпроқ «Гаспринский» номи билан шуҳрат қозонди. Илк ўзбек матбуотида у «Гаспринский» деб берилади. Исмоилбек Гаспрадан унча узоқ бўлмаган, тўрт томони тоғлар билан ўралган Ажикўй (овчи кўй – овчилар қишлоғи)да 1851 йилнинг 21 мартада – қутлуғ наврўз кунинда таваллуд топди.



Исмоилбек Гаспринский

Отаси Мустафобей Кавказ ва Қримнинг генерал губернатори князь Воронцовга таржимон бўлиб ишлаган, садоқатли хизмати учун 1853 йилда поручик унвонига мушарраф бўлган, дворян мартабасига кўтарилган. Лекин кўп ўтмай, Қрим уруши бошланади. Оила Боқчасаройга кўчиб келади. Исмоилни 8 ёшида боқчасаройлик Ҳожи Исмоилнинг эски мактабига берадилар. 10 га кирганда эса отаси Мустафобек онаси Фотиманинг эътирозларига қарамасдан, Оқмачит – Симферополдаги губерния гимназиясига олиб боради. Унда икки йил ўқигач, Воронеж (Ёл Кермон)даги офицерлар ҳарбий ўқув юртига ўтади. Ун уч ёшида Москвадаги Милютин гимназиясига ўқишини кўчирди. Шу йиллари айрим рус зиёлиларида авж олган буюк рус миллатчилиги Милютин гимназиясига ҳам кириб келган эди. Хусусан, гимназия мураббийларидан ёзувчи М. Катковнинг панславистик қарашлари ёш Исмоилбекда ўзликни англаш ҳиссини уйғотди. Унинг ҳатто Критда юнонлар билан уруш олиб бораётган турк қўшинига кўнгилли бўлиб қўшилиш учун синфдош дўсти литвалик Мустафо Давидович билан Истанбулга отлангани, Одесса бандаргоҳида қўлга олиниб, орқасига қайтарилгани маълум. Хуллас, 1868 йилда Исмоилбек Гаспрали Москвадаги ўқишини битириб, Боқчасаройга қайтади. «Занжирли» мадрасасида рус тилидан дарс бера бошлайди. Д. И. Писарев, Н. Г. Чернишевский асарлари билан яқиндан танишади. Ўқиш-ўрганиш иштиёқи уни 1872 йилда Францияга бошлаб келади. Вена, Мюнхен, Штутгартда бўлади. Парижда И. С. Тургенев билан учрашади. Унга ассистент-котиб бўлиб ишга киради. Французчани мукамал эгаллайди. «Эълонлар» идорасида таржимонлик қилади. Машҳур Сор-

¹ Гаспрали. Сечилмиш эсерлери: 1. Роман ве ҳикаялери; Истанбул, 2003. 2. Фикрий эсерлери, Истанбул. 2004.

бонна университетига ўқишга қатнайди. Ниҳоят, 1876 йилда Боқчасаройга қайтиб келади ва «Занжирли»да рус тили муаллими сифатида ишни давом эттиради. Шу йили уйланади. Бироқ улар узоқ яшай олмайдилар, ажраб кетадилар. Исмоилбек мутолаага бериледи. Кунт ва сабот билан туркий тилни, тарих ва адабиётни ўрганади. Айни пайтда, у шарқона анъанавий таҳсилнинг замондан орқада қолганини, шу туфайли мусулмонларимиз жаҳон тараққиётидан четга сурилиб чиқаётганлигини кўради.

Нима қилмоқ керак? Милютин гимназиясидаги ўқитиш усулини, Сорбоннадаги кўрганларини мусулмон мактабларига кўчирса бўлмасмикин? Ҳар бир мактаб, мадраса ўз низом-дастурига эга бўлмоғи лозим. Диний билимлар қаторида дунёвий фанлар ҳам кенг ўқитилиши керак. Бу, масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, ўқишни назорат қилиш шакллари, билимни баҳолаш мезонлари бўлиши лозим. Умр дегани, ахир, ҳисобли-ку. Бироқ бу гаплар ўртага тушар-тушмас, Гаспринскийга тош отиш бошланади. Уни кофирдан олиб, кофирга соладилар. Таҳдид, дўқ-пўписа кучайиб боради. Исмоилбек ён беришга мажбур бўлади. Ишни ўзгартиради. Шаҳар бошлиғи вазифасига (1878–1884) сайланиб, Боқчасаройни обод қилишга киришади. 1882 йилда машҳур Қозон татарларидан миллионер Акчуриннинг қизи Зухраҳонимга уйланади. Улар йигирма йил бахтли турмуш қилдилар. Олти фарзанд тарбия этдилар. «Улардан Дилораҳоним ва Исмоил соғ-саломатлар. Тошкентда яшайдилар», деб хабар берган эди «Йилдиз» журнали¹, 1990 йилда.

И.Гаспринский шаҳар бошлиғи (городской голова) бўлиб узоқ қололмади. Шаҳар Думаси аъзолари Исмоилбекни шаҳар пулини «кўчаларни ёритиш, аҳолига тиббий ёрдамни кучайтириш» каби аллақандай «фойдасиз» ишларга сарф этаётганини кечира олмадилар. Истеъфога чиқишга мажбур этдилар.

У эса, ўз ишида давом этди. 1881 йилда «Русия мусулмонлиги» китобини эълон қилди. Унда кўтарилган энг муҳим масалалардан бири Русиянинг ўз мусулмон фуқароларига муносабати масаласи эди.

«Русия мусулмонлиги»
«Сўнгги йилларда Русиянинг Шарқдаги буюк маданияштираувчилик хизмати ҳақида тез-тез ўқишга ва эшитишга тўғри келмоқда, — деб ёзади Гаспринский ушбу асарида. — Ҳўш, бу хизмат нимада намоеъ бўлиши керак? Наҳотки, унинг маъноси қозини уезд бошлиғига, ноибни приставга, бекликни областу губернияга, ушрни тан солиғи-ю яна бошқа «бер-бер»ларга, ипак тўну бешметни

¹ Қаранг: 1990 йил, 1-сон, 113-бет.

дворянлик ёқасига алмаштириб қўйишдан иборат бўлиб, бошқа қилинадиган иш қолмаган бўлса?»

Гаспринский «Русиянинг Шарқдаги маданийлаштирувчилик роли»га мана шундай танқидий қарайди ва у саволга салбий жавоб беради. Уни аксинча, атайин илм-маърифатдан узоқда сақлаб келаётганликда, мусулмонларнинг тилини, динини, турмуш тарзини бузишда айблайди.

Бир томондан, миллатни маъв этиб келаётган жаҳолат, иккинчи ёқдан чор ҳукуматининг изчил, режали руслаштириш сиёсати. Русиядаги мусулмонларнинг тақдири қандай бўларкин?

Исмоилбек мана шу саволга жавоб излайди. Унингча, Русиянинг тобе миллатларга муносабатида 2 йўл турибди: 1. Ассимиляция (руслаштириш). 2. Ҳамкорлик. Биринчи ҳолда мустамлакага, миллий тараққиётга ҳеч қандай йўл берилмайди, у тўла руслаштириб бўлингач, вакиллари мамлакат идора ишларига жалб қилинадилар. Иккинчи ҳолда, унинг миллий тараққиётига имкон яратилади, тегишли даражага кўтарилгач, ҳукумат ишларига тортिलाди.

Русия ўз мустамлакаларига нисбатан ҳар икки йўлдан фойдаланмоқда. Польшада — биринчи йўлдан. Финляндияда — иккинчи йўлдан. У туркий халқларга нисбатан қайси йўлни тутаркин? Русия биринчи йўлни истайди. Лекин бу қийин ва самарасиз. Негаки, туркий халқларнинг жуда катта тарихи, қадим маданияти бор. Уни қалблардан сиқиб чиқариш ғоят мушкул. Маъқули — иккинчи йўл. Бунинг у қадар қийинчилиги ҳам йўқ. Мусулмонлар (муаллиф туркий халқлар ўрнига «мусулмонлар» атамасини қўллайди) озгина туртки билан ўтган муддатда йўқотган зеҳниятларини тиклаб ола оладилар. Ҳатто туртки — ёрдамга ҳам эҳтиёж бўлмас. Озгина хайрихоҳлигу рухсат беришнинг ўзи кифоя. Масалан, халқ анъанавий хайрия йўли билан ҳам мактаб-мадрасаларини тиклай олади. Фақат уни замонавий талабларга жавоб берадиган даражага кўтариш лозим. Биринчи навбатда, дунёвий фанларга зўр бериш керак. X—XV аср Туркистонининг қомусий олимларини мана шу мадрасалар етказиб бермадими?! Кўҳна Шарқнинг университетлари мадрасалар эмасми?! Европа университетлари испан Андалузиясидаги мадрасалардан андоза олиб қурилмадими?! Бу масалада ёлғиз биргина шарт бор. У шундан иборатки, Русия мусулмонлари миллий маорифларини ўз миллий воситалари асосида қурмоқлари керак. Айниқса, бошланғич таълим ва тарбия мутлақо ўз она тилида бўлмоғи лозим.

«Русия мусулмонлиги» рисоласи шулар ҳақида эди.

У Русияда яшовчи мусулмонларни шу мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароларига айлантириш ва айни пайтда уларнинг ўз

миллий, диний жиҳатларини сақлаб қолишга қаратилган ўзига хос дастур эди.

Китоб босилиб чиқиши билан великорус шовинистларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Айниқса, мусулмонларнинг мактаб-маорифини миллий асосларда қуришлари лозимлиги — миллий мактаб ҳақидаги фикрлар ёқмади.

Буни у биларди. Москвада Милютин гимназиясида ўқиб юрган пайтлари ўриспарастлиги билан донг қозонган М.Н.Катков билан бу масалада кўп тўқнашган эди. Унинг муҳаррирлигида чиққан «Московские ведомости» газетаси билан «Русский вестник» журналинини мунтазам ўқиб борар эди. Унинг нуқтаи назари Тошкентда Н.Остроумов ва М.Муропиев, Қозонда Н.Ильминский билан айна бир хилда эканлигини яхши биларди.

Н. Ильминский турк-татар халқининг мактаб-маорифига дахлдор ҳар бир илгари силжишни рус халқига қарши ҳаракат деб билади. Синоднинг обер-прокурори К.П.Победоносцевга ёзган бир хатида очикдан-очик «Русиядаги мусулмон халқларига биронта ҳам ижтимоий-сиёсий ҳуқуқ бермаслик керак», дейди.

Исмоилбек Русия қоидаларини синчиклаб ўрганди. 1882 йилда «Солномаи туркий», «Миръоти жадид» номларида 2 рисола эълон қилди. «Русия мусулмонлиги» асарида кўтариб чиққан масалаларни амалга оширишни матбуотдан бошлади.

Вазиятни ўзгартириш учун уни олдин англашиш керак. Бунинг учун эса минбар зарур. «Таржимон» мана шундай зарурат туфайли юзага келди: «Бир бечора фақирни кўрсак, ачинамиз. Ўлаётган бечорани кўрсак, юрагимиз изтиробдан оғрийди. Ҳатто бир ҳайвоннинг қийналиши раҳмимизни келтиради. Лекин бир эмас, минглаб кишиларнинг, бутун бир халқнинг жаҳолатдан мислсиз қийналаётганини кўрмаймиз....»

Газетанинг дастлабки сонларидан бирида шундай сўзлар бор эди. Бу жасоратли садо ўша пайтлари жуда ҳам зарур эди.

Руслаштириш авжида. Итил—Волга бўйидаги татарлар орасидан бирор мансабдор у ёқда турсин, масжидга имом ҳам миссионер Н.Ильминский рухсатисиз сайланмайди. Мактаб-мадраса китоблари-ку бирма-бир қўлдан ўтади. Туркистонда Остроумов — тўра. Кавказнинг ҳам ўз тўралари бор, албатта. Бу тўралар ўз миллатларидан бошқасини миллат деб ҳисобламайдилар.

Миллатнинг ўзлигини кўрсатадиган хусусиятларидан бири тил ва маорифдир. Бу иккиси бўлмаса, миллат мустақил бўла олмайди. Гаспринский 1905 йилда ёзган мақолаларидан бирида миллатнинг асоси иккита: тавҳиди тил (тил бирлиги) ва тавҳиди дин (дин бирлиги) деган эди. Дарҳақиқат, тилнинг ўрни беқиёс: «Ин-

соннинг оти бўлмаса, ўзи ҳам йўқ демакдир, шунингдек тили бўлмаган инсон ҳам соқовдир».

«Тил бирлиги масаласи бизим ҳаётимизда ҳаёт-мамот масаласидир ва биз бу масалада бир қадам ҳам орқага чекинмаймиз, — ёзади И.Гаспринский 1906 йил 18 декабрда. — Биз учун орқага чекинмоққа йўл йўқ. Яшасин миллат!...

«Таржимон» умумий бир миллий газетадир. Унинг тили ҳам умумий бир миллий тилдир. Яшасин миллат! Ҳам яшар, чунки у тилда ва фикрда бирликнинг зарурлигини англади. Тил бирлиги эса адабиёт бирлигидир. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат ва ҳаракат бирлигининг асоси ўлароқ миллатнинг озодлигини таъмин этажакдир».

Тил миллатнинг жонли, ҳаракатдаги тарихидир. Унинг кечмиши ҳам, ҳозир ҳам тилда ифода этади. Миллатнинг барҳаётлигига энг муҳим гувоҳ тилдир. Тил миллат учун ҳаёт-мамот масаласидир. Гаспринский ўз мақолаларидан бирини «Тил масаласи — энг муҳим масала» деб номлаган эди.

Туркий халқларнинг муштарак тили ҳақидаги гаплар 1905 йил воқеаларидан кейин, оқ подшо ён беришга мажбур бўлгач, эркинроқ айтила бошланди. Ҳатто айрим ишлар ҳам қилинди. 1906 йил Гаспринский айтганидек, «тил йили» бўлди. Жумладан, 1906 йил Нижний Новгородда Русия мусулмонларининг 600—700 вакили иштироқ этган «Иттифоқи муслимин» йиғилишида умумий адабий тил масаласи ўртага қўйилди. Уни аста-секин шакллантириш ва амалиётга қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу қарор ўша муштарак адабий тилда алоҳида рисола бўлиб босилиб ҳам чиқди. Ниҳоят, 1907 йилда Русия давлат маориф инспекцияси мамлакатдаги мусулмонларнинг ўз она тилларида ўқув-ёзувни олиб боришлари мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ бу махсус қарор мусулмон болаларини ўз она тилида ўқитишни фақат маҳаллий шевада олиб бориш зарурлигини уқтирди.

Гаспринский шундан чўчиган эди. У бу қарорни мутлақо нотўғри, ҳатто жиноят деб ҳисоблади:

«Маориф инспекциясининг бу ишини биз бутунлай хато деб биламиз, чунки халқнинг она тили бу миллатнинг адабий тилидир. Агар бизим қадимий адабий тилимизнинг бир ҳалқаси Алишер Навоий тили бўлса, турли шевалардан таркиб топган янги замонавий тилимиз унинг иккинчи ҳалқасидир».

«Таржимон»нинг 1908 йил 13-сонидан босилган «Тил ва масъулият» мақоласида яна шу масалага қайтиб, ўз фикрини атрофлича асослайди. Чиндан ҳам Россиянинг турли жойларида истиқомат қилувчи туркий халқларнинг тиллари, тўғрироғи, шевалари

бир-биридан фарқ қилади. Хўш, бу фарқ русларда йўқми? Вятка мужикларининг тили Ярославль хунармандлариникидан, тулалиларники Курск, Смоленск ерлилариникидан қанчалик фарқ қилади! Араблар-чи? Гоҳо улар орасидаги фарқлар бир-бирларини туншунмаслик даражасига боради-ку? Нима учун Ломоносов, Жуковский, Пушкин, Тургенев каби адиблар, мутафаккирлар ягона адабий тил учун умр бўйи курашдилар?! Нима учун арабнинг кўзга кўринган олим-фозили борки, тил бирлигини тилдан қўймайди?! Немислар нега умумий тил устида бу қадар жон куйдирадилар?!

Тўғри, ягона адабий тил миллий адабиёт билан бирга майдонга келади. Лекин уни шакллантириш учун биргина адабиёт аҳлининг эмас, бутун миллатнинг, биринчи навбатда, зиёлиларнинг ғайрат ва рағбати керак.

Бу ерда ҳам ишни маорифдан бошламоқ зарур. Боланинг илк саводи, майли, шевада чиқсин, лекин иккинчи-учинчи йилданок ўқишлар умумий ягона тилда кетмоғи лозим. Бу дегани дунёнинг ташвишларини кўзда тутган, лекин ўз она тилимизда, миллий руҳимизда бўлган ўрта ва олий мактаблар илмий, маданий муассасалар, турли-туман мутахассислар, хуллас, нимаики миллатнинг иқтисодий, сиёсий ва миллий мустақиллигини таъмин этадиган бўлса, ҳаммаси керак. Буларсиз миллат озод бўла олмайди.

Хўш, бизга ҳозир она тилида ўрта ва олий мактаблар очишга рухсат берилса, биз бунга тайёрмизми, деган савол қўяди Исмоилбек Гаспринский ва «Йўқ!» деб жавоб беради. Демак, биринчи вазифа, ёш, тараққийпарвар миллий зиёлилар тайёрламоқ, замин ҳозирламоқдир. Уни ҳеч ким қилиб бермайди, ўзимиз қилишимиз керак:

«Бугундан бошлаб умумий тил устида кураша бошламоқ, мактаблар учун дарсликлар, ўқув китоблари, луғатлар тайёрламоқ керак», — деб ёзади Гаспринский «Таржимон»нинг 1907 йил 42-сонида босилган «Дўстларимга» номли мактубида.

Буларнинг ҳаммасининг боши миллий онг, хусусан, миллий маориф бўлади.

Мамлакатимизда сонига кўра нисбатан озчиликни ташкил этувчи армани, гуржи, латишларни қаранг, қанчалар илгарилаб кетдилар. Финляндия ва Польша мустақилликни олишгача етди. Иқтисоди ҳам жойида. Керакли нарсаси бор. Ҳаммаси миллий онгдан, миллий тил, адабиётдан.

«Миллатнинг икки асоси бор: тил бирлиги, дин бирлиги. Миллатнинг ўзлигини йўқотиш учун шуларнинг биттаси бузилиши кифоя», дейди Гаспринский.

1885 йилда Истанбулдаги Абузиё матбаасида Исмоилбек Гас-

пралининг «Оврўпо маданиятига бир назари мувозана»¹ деган кичкина рисола босилиб чиқди. Европа ўз тараққиётининг ҳадди аълосида турган, Европа турмуш тарзи дунёнинг барча мамлакатларига ўрнак ва тимсол тутилган бир пайтда Русиядай қолоқ бир юртнинг қайси бир бурчагидаги бир мусулмон дунёнинг тараққийпарвар аҳли орасидаги ҳукмрон нуқтаи назарга эътироз билдирди. Фан ва техникаси билан дунёни ҳайратга солган капиталистик Европани ҳам, жаннат ваъда этувчи социалистик Европани ҳам рад этди. Ҳар иккисида ҳам ахлоқсизлик кўрди. Бугунги Европа маданияти қадим Рим цивилизацияси асосида майдонга келгандир. Қадим Рим салтанати эса маънавий-ахлоқий чириганлиги учун барбод бўлган. Бинобарин, «Румолилар асир этлари билан ҳовузларда боқилган балиқларга тўймасдан қандай қулаган бўлсалар, уларнинг фарзандлари бўлган оврўполилар ҳам бутун дунёнинг меваларига тўймайдилар», — деб ёзади Гаспрали.

Қадим Рим салтанати деганда бугунги ўқувчининг кўз ўнгига, биринчи навбатда, бир тўда тўраларнинг кўнглини очиш учун ўлим билан курашга чиққан гладиаторлар, машҳур Спартак келади. XIX аср эса, Европа колониализмининг гуллаган даври эди. Китоб чоп этилган 80-йилларда оқ подшонинг севимли генерали Скобелев олис Хуросоннинг Кўктепа қалъасини қонга ботириб, Марви шоҳжаҳонни ишғол этган эди. Румолиларнинг XIX асрдаги фарзандларининг бутун дунёнинг меваларига тўймасликлари шундан. Муаллиф фикрича, янги — XIX аср Европа маданияти билан қадим Рим маданияти моҳиятан бир хил. Қуроллар, усуллар, ўрнаклар ўзгарган, холос, натижа ва самара эскича.

Рисолада асосий эътибор «янги дунё» маданиятининг маънавий-ахлоқий жиҳатларига қаратилади. Ворисийликка, оталар ва болалар масаласига тўхталади. Болаларнинг (социалистларнинг) ўз оталари (капиталистлар)ни рад этишларида катта маъно кўради. Айни пайтда, болаларнинг адолат ҳақидаги тушунча ва фикрлари адолатсизликлар билан тўла эканлигини очиб ташлайди. Унингча, олдинги ҳар икки маданиятнинг асосий нуқсони шундаки, уларда ҳаққоният йўқ. Исломдаги ҳаққоният йўқ. Ҳаққоният дегани нима? Авлоний буни шундай тушунтиради:

«Ҳаққоният деб ишда тўғрилик, сўзда ростликни айтилуру...» Гаспрали барча инсонларнинг ўзаро муносабатлари бир асога — фойда асосига қурилганини таъкидлайди, лекин ишлаб чиқариш воситаларини киши фаолиятини назорат қилувчи ушр (ўндан бир миқдордаги йиллик экин солиғи), закот (қирқдан бир миқдорда-

¹ Европа маданиятига бетарафона бир назар. Рисола бир оз қисқартиришлар билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1996 йил 4-сони (26 январь)да босилган.

ги йиллик мулк солиғи) кабиларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги фавқулудда назоратчилик ролини уқтиради. Шулар Европанинг ҳуқуқ ва ахлоқига асос қилиб олинганида социалистик фикрларга имкон қолмаслигини айтади. Шу тариқа, Европа илм-фани билан ислом ахлоқининг ҳамкорлигида майдонга келадиган янги умуминсоний маданият масаласини кўтаради.

Хўш, ислом маданияти қандай маданият? У нимани кўзда тутади? Европа маданияти шарҳидан кейин бунинг изоҳига ҳам зарурат туғилган кўринади. Ҳар ҳолда Исмоилбекнинг «**Маданияти исломия**» номи билан бир китоби пайдо бўлди ва қисқа муддатда 2 марта чоп этилди¹. Маданият, унингча, кишиларнинг турмуши, иш фаолияти, касб-ҳунарга муносабати билан белгиланади ва уларни тахминан 3 га (ваҳший, ярим ваҳший, маданий) бўлади.

Гап шундаки, маданият ҳеч қачон ёлғиз бир миллатга ёхуд мамлакатга тегишли бўлиб қолмайди. Турли сабаб ва шароитга кўра бирида озроқ, иккинчисида кўпроқ ёхуд бирида бир, иккинчисида бошқа жиҳати нисбатан фарқли ривожланиши мумкин. Бир вақтлар Европа ундан бебаҳра қолган эди, ҳозирда унинг Осиёдан ўсиб кетганлиги ҳаммага аён. Замонида Европа кийим нималигини билмай, мол терисига ўралиб юрган пайтларда Осиё пахта-ипак матоларини танлаб киярди. Ҳозирда осийлик от-эшак, қайиқ билан ўн кунда юрадиган йўлни Европа темир йўл ё пароходда бир кунда босиб ўтади. Бу маданият даражасининг самараси. Айни пайтда, у бутун инсониятникидир, — дейди муаллиф.

Кимки бу йўлда хизмат қилса, инсониятга хизмат қилган бўлади. Шу жиҳатдан, мусулмон олами инсониятга нима берди? Умуман, унинг хизмати борми?

Исмоилбек шундай савол қўяди ва «Ҳам бордир, ҳам кўпдур» деб жавоб беради. Шундан сўнг 2 муҳим масалага аниқлик киритади.

1. Ислом маданиятининг биргина араб маданиятидан иборат эмаслиги. Европада кенг тарқалган бу фикрни муаллиф янглиш ҳисоблайди. Дарҳақиқат у ҳолда француз, инглиз, немис зиёлилари бунёд этган илм-фанни «лотин маданияти» дейиш керак, чунки улар шу тилда ёзилган. Ундай демаймиз ва тўғри қиламиз. Ислом маданиятини ҳам ёлғиз араблар яратмадилар. Унда турк, форс, ҳинд ва бошқа қавмларнинг ҳам улуши бор.

¹ 2-нашрига 1892 йил 29 сентябрда рухсат олингани қайд этилган. Биз китобни проф. И. Балдауф қўлидаги нусхасидан фойдаланиб, айрим қисқартишлар билан бўлса-да, бугунги матбуотимизда чоп эттирган эдик. (Қаранг: «Ёш куч» ж., 2001 й., 3—4-сонлар).

2. Ислом маданиятининг антик ва ҳозирги Европа маданияти билан ўзаро муносабати масаласи.

Инсониятнинг энг қадим маданияти, шубҳасиз, Миср ва Юнон маданиятидир. Ҳозирги баравж маданияти эса, Европа маданияти бўлиб турибди. Хўш, ислом маданиятининг ўрни қаерда? Европа олимларининг кўпчилиги бугунги Европа маданияти қадим Миср-Юнон маданиятининг бевосита давомчиси дейдилар. «Ва лекин бу иддаолари янглишдир ва хатодир, — деб ёзади Исмоилбек. — Чунки Юнон маданияти охири ила Оврўпо маданияти бошина қадар кечмиш минг йил олам маданиятсизми қолди? Оврўпо маданиятни тўғри Юнондан олган бўлса, нима учун минг йил уни олмасдан кутиб ўтирди?»

Муаллифнинг атрофлича асослашича, юнон маданияти Европадан олдин ислом дунёсига ёйилган ва мусулмонлар уни тараққий қилдириб, нуқсонларини озайтириб, Европага топширдилар. Аристотель, Платон каби ўнлаб машҳур юнон олимлари асарларини Европага танитганлар мусулмонлар бўлади. Буни Фарб олимлари орасида эътироф этгувчилар йўқ эмас. Америкалик Драбер «Европа ақлий тараққиёти тарихи» китобида «Европанинг бугунги улуғ зиёси мусулмонлар ёққан шамъ ва чироқларнинг ёғдусидан майдонга келгандир», деб ёзган. Ояти карима ва пайгамбаримиз ҳадислари, саҳобалар эътирофи исломият маданиятининг асоси ва манбаи эканлигига далил эмасми?

Дарҳақиқат, Қуръони каримда «илм» сўзи 751 ўринда учраб экан...

Ислом оламидан узоқ юнон маданияти мусулмонлар ҳаётига қандай кириб келди?

Исмоилбек буни VIII асрдан, Аббосий халифа Абу Жаъфар Абдуллоҳ ал-Мансур замонидан деб белгилайди. Илм-фанни севган бу халифа ҳинд олимларидан илми нужум ва ҳайъатни ўрганган. Юнонларда бу фанларнинг тараққий топганлигини англаб, таржима қилишни йўлга қўйган. Қисқа муддатда Бағдод, Шом илму ҳикмат хазиначарига айланади. Бу борада Хорун ар-Рашид, Маъмун каби халифалар катта ҳиммат ва жасорат кўрсатадилар. Ниҳоят, булар ўз самарасини беради.

Исмоилбек ўз фикрларини далиллаш учун кўплаб мисоллар келтиради. Чунончи, механика илми даражасини кўрсатувчи шундай факт келтирилган. Хорун ар-Рашид (763—809) нинг Франция ҳукмдори Буюк Карл (742—814) га юборган совғалари орасида занг чаладиган соат бўлиб, барча европалиларни ҳайрат ва таажжубга солган.

Абу Жаъфар юнон ҳукмдори билан иноқ эди. Афинадан бе-

адад китоб олдирди. Маъмун даврида Птоломейнинг «Мажистий» и таржима қилинди (Яҳё ибн Холид Бармакий). Санад бин Али ва Холид бин Абдулмалик Марварудий астрономия бўйича янги маълумотларни қўлга киритдилар. Ер қуррасининг узунлик ва кенглик даражалари ўлчаб чиқилди. Сайёрамиз ҳаракатига доир 3 зиж тартиб қилинди. Аббос бин Саййид Жушарий ибн Исҳоқ бин Касуф, Абдуллоҳ бин Саййид ал-Фарғоний каби машҳур олимлар юнонларнинг астрономияга доир қўплаб хатоларини аниқладилар ва қуёш доғлари, ой-кун тутилиши, думлик юлдузлар борасида бир қанча кашфиётлар қилинди...

Европа ҳандаса (геометрия) илмини хуросонлик Абулвафонинг ҳижрий 5-аср бошида тузилган «Аз-зижи Шомил» ва «Мажистий» сидан ўрганди. Исмоилбек фикрича, бугунги телескоплар ўша замонларда кашф этилса эди, ислом уламози «балки Оврўпо уламосина илми ҳайъатда ҳеч бир иш қолдурмаслар эди».

Афсуски, XI асрдан замон нотинчликлари кучайиб борди. Бир томондан, ғазнавийлар, салжуқийларнинг мулк дағдағаси, иккинчи томондан, Чингиз истилоси, учинчи томондан, Қуддуси шариф учун бошланиб кетган «салиб юришлари» ислом оламини ларзага солиб, илму ҳунар йўлларини бузиб юборди. Лекин илм-маориф нури сўнмади, аксинча, душманларга ҳам зиё бериб, мунаввар қилди. Мўғулларнинг катта қисми ислом маданиятини қабул этдилар, европалилар эса юз йиллик салиб юришлари давомида қанчадан-қанча санъат ва ҳунарларни ўрганиб қайтдилар.

Ислом маданиятининг ўчоқлари биргина Бағдод, Шероз, Нишопур, Самарқанд эмас эди. Бундай марказлар Африка, Испанияда, қўйингки, ислом оламининг деярли барча нуқталарида бор эди ва ҳаммасида илм-фан ривож топди. Биргина Испания ва Африкада етишган ислом уламосининг кашфиётлари ва ёзган асарлари номларининг ўзи, Исмоилбек гувоҳлик беришича, «йигирма жилд» бўлади.

Муаллиф ислом маданиятининг мазмун ва қўлами ҳақида умумий маълумот бергач, «Улуми табиия», «Қонун ва низом», «Тарих», «Ҳикмат», «Тиб», «Адабиёт», «Улуми риёзиййа», «Фани жуғрофия» каби боблар очиб, тасниф этади. Ҳар соҳанинг энг машҳур намояндаларини тилга олади, асарларидан намуна келтиради, баҳолайди. Тасниф ва баҳо қўпинча Европа илм-фани билан таққослаб олиб борилади.

Чунончи, табиий фанлар борасида сўз юритганда, бир қатор соҳаларда «хожа (муаллим)лари ўлан юнонийлардан қўб ўзуб кетган»ликларини, масалан, набототдан «юнон уламосина ҳеч маълум ўлмаян икки минг жинс наботот кашф ва тажруба этилгани»ни, Андалус подшоҳи Абдураҳмон I Қуртабо шаҳри ёнида

улкан Ботаника боғи ташкил қилиб, дунё ўсимликларини тўпламоқ учун Осие ва Африканинг ҳар томонига махсус кишилар юборганини қайд этади. Шунингдек, ўсимлик-ғиёҳларнинг чанг-ланишини аниқлаш, дори ва ғиёҳларни шакарда қайнатиб сақлаш, дорихоналар очиш «ислом ҳукуматининг маърифатлари»дан экан. Исмоилбек ер илми, зироат асбоблари борасидаги ўнлаб кашфиётлар мусулмон олаmidан олинганлиги европалик олимларнинг ўзлари томонидан қайд этилганини айтади. «Оврўпода бу кунда мавжуд ўлан наботот (ўсимлик) ва ашжор (дарахт) ва чечакларинг кўписи Андалус мусулмонлариндан олинмишдир ва неча аср олдин ўрганилмишдир», деб ёзади.

«Тиб» бобида Хорун ар-Рашиднинг табиби Яҳё бин Мискавейҳ тиббиётга доир 30 жилд китоб ёзгани ва уларнинг арабий, иброний тилдаги нусхалари европаликлар қўлига тушгани, Аббосийлар даврида етишган Абу Бакр ар-Розий илк бор чечак ва қизамиқни эмлагани, икки юздан ортиқ китоб ёзгани, асарлари XVI асрда италян тилига таржима қилингани, ундан 50 йил сўнг Эронда яшаган Али бин Аббос юнонийларнинг тиббиётдаги кўплаб хатоларини кўрсатиб, 20 жилд китоб ёзгани, буюк Ибн Синонинг асарлари асрлар давомида Фарба дастури амалда келаётгани каби маълумотлар келтирилади.

Ислом олами илмда янги-янги йўналишларни бошлаб берди.

Ҳикмат ва Куръон оралиғида «Ақоид» ва «Тасаввуф» дунёга келди. Фаззолий диний ҳикматга доир юзга яқин китоб ёзди. Тасаввуф Муҳйиддин Арабий, Жўнайд Бағдодий, Мавлоно каби улуғ зотларни етказди. «Оврўпода «филўсуф», «мистиқ» дедиклари уламонинг «Сўфиюн» фирқасидир», — деб тугатади «Ҳикмат» бобини муаллиф.

«Қонун ва низом» бобида шариат, мазҳабларнинг жамиятдаги ўрни, Имоми аъзам Абу Ҳанифа, Имом Шофеъи, Имом Молик ва Имом Ханбалларнинг ислом маданияти тарихидаги хизматлари ҳақида гап кетади.

«Тарих ёзма мусулмонлар ҳар миллатдан зиёда хидмат этмишлар, десак жоиздир», — деб бошланади «Тарих» боби. Котиб Чалабий (1609—1658) «Кашфуз-зуннун...»ида 1300 муаррих номини келтирган экан. Исмоилбек уларнинг энг машҳурлари Абул-Фараж, Бурҳониддин, Ибн Халдун, Масъудий кабилар ҳақида маълумот беради, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеалардан ҳикоя қилади. Табиий фанлардан «ҳисоб», «ҳандаса», «жабр»ни қайта яратганликлари, «фани махоикия» (машинасозлик), «фани абсор» (оптика)га буюк хизмат қилганликларини далиллайди. Шунингдек, Муҳаммад Бағдодийнинг ер сатҳини ўлчаш ва харитасини тузиш борасида махсус китоб ёзганини маълум қилади.

Бугунги соатларимиздаги «соат» ва «дақиқа» тақсимхоналари мусулмонлар ҳунари бўлиб, ўрта асрларда Абул Ҳасан Мағрибийнинг китобида муфассал баён қилинган экан. Машҳур Умар Хайём ва Абдурахмон ал-Харожийнинг «Санайи жалолия» ном олган йил ҳисоби Европа Рум (Григорян) календаридан бир неча аср илгари ва аниқ тузилган.

Жуғрофия-чи? Батлимус (Птоломей) «Жуғрофия»си Маъмун замонида келиб эскирди. Унинг амри билан махсус ҳайъат тузилиб мукамал жуғрофия китоби — «Расмул-арз» яратилди, олдингисига тузатишлар берилиб, хариталар илова этилди. Ва улар асрлар давомида Европада дастуруламал бўлдилар. Шоҳруҳ топшириғи билан Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистон ва Хитой жуғрофиясини ўрганди: Мирзо Улуғбек кўрсатмаси билан Али Қушчи ернинг кенглик даражасини, сатҳини ўлчашда жуда катта ютуқларни қўлга киритди.

Денгиз хариталари мусулмонлар ихтиросидир. 1497 йилда денгиз сафарига чиқиб, кўплаб ороллар кашф этган Васко да Гаманинг арабча ёзилган бир денгиз харитасидан фойдаланганлиги маълум.

Исмоилбек айрим Европа олимларининг «турк халқлари зеҳну салоҳиятдан ноқис ва ожиз бўлганлигидан қора ва паст ишлардан бошқасига ярамайди» деган фикри билан баҳсга киришадди. Идрок-истеъдоднинг, зеҳн ва ақлнинг бу халқда бошқалардан заррача ҳам кам эмаслигини, ахлоқ ва одобда, садоқат ва тўғрилиқда, ор-номус ҳимоясида сайёҳлар тилида келишини таъкидлаб кўрсатади ва ўз фикрларини «Бир халқ(н)инг ё бир қавм(н)инг ахлоқ касб этмаси истеъдоду ақлиясиндан туғар. Ноқис ақлдан мақбул ахлоқ ва адаб туғмас», — деб ёзади. Сўнг мисолларга ўтади: «Олами исломиятда машҳур ва Оврўпо Фарангистон уламосина маълум «муаллими соний» номини касб этмиш Абунасор Форобий ҳазратлари турк ўғли туркдирки, ҳам биринчи уламодан, ҳам биринчи ҳукамодандир. Али Ҳусайн ибн Сино ҳазратлари Оврўпода «Авис-сина номи ила машҳур ўлан экан. Турк ўғли туркдир. Юнон қавми Буқрот каби табиб ва Арасту каби филўсўф ила ифтихор эдар. Ибн Сино эса, ҳам табиби машҳур, ҳам филўсўфи нодир эди. Ибн Сино Арастунинг акси дагил эди ва лекин Арастунинг шогирди ўлмаюб, ўзининг истеъдоди ақлия ва зеҳнияси ила Арастуя баробар келмишдир. Ибн Сино Бухоро мевасидир...»

«Ҳазнавийларинг ва темурийларинг саройлари уламо ва ҳукамо жамиятлари ила шарафландиги тарихларда ёзилмишдир...»

Муаллиф «ҳисса» чиқаради:

«Ҳар миллат(н)инг ва халқ(н)инг буюклиги, зўрлиги «чўқлик»

(«қўплик»), «мол ва касб», «шижоат» ила ўлчанилур эса-да, энг шарафли мезон ва ўлчов «илм ва ҳунар»дирки, буларга эга миллат, халқ энг улуғ, энг буюк халқдир».

Сўнги боб «Исломият ва маданият» деб номланган. Ундан мазкур рисола XIX аср ўрталарида кечган ислом ва илм-фан мавзуидаги баҳсга ўзига хос жавоб эканлиги маълум бўлади. Исмоилбек Европа матбуотида гоҳ-гоҳ кўзга ташланиб қоладиган «исломият маданиятга мутаносиб эмас» деган фикрнинг келиб чиқиш сабаблари устида тўхтаб, уни чаламулла дин пешволаримизнинг жаҳолатидан кўради. Ҳолбуки, буни аниқлашнинг йўли жуда осон. 1. Диннинг асосини, қоидаларини ўқиб билмак. 2. Шу диндаги халқнинг аҳволини ўрганмак. Ҳар икки жиҳатдан ҳам ушбу диннинг мукамал бир маданият манбаи эканлиги маълум бўлади. «Қуръони азимуш-шон бир китобдирки, ҳар нуқтаси воситаи маданиятдир, — деб ёзади Исмоилбек. — Пайғамбаримизнинг ҳадислари ва ғайри аозим ислом(н)инг калимот ва ҳукмиёти бир қонуни филоҳ ва маданиятдур. Дунёда шариати муҳаммадия қадар ҳаққоният ва мусовот асоси узра таъсис ўлинмиш ҳеч бир мукамал қонун йўқдир.

Маданиятнинг бош ва аркони ўлан маориф, саъй ва амали иттиҳод, мусовот, ҳуррият, муҳаббати ватан каби авсофи мамдуҳа дини ислом(н)инг биринчи даражада амр ва тавсия этдиги аҳқоминдандир».

Яна бир далил: бошқа миллатлар ўз олимларини қамоқ ва зиндонларда чиритганида, мусулмон уламоларига юксак мартабалар берилиб, саройларда, шоҳ дастурхони атрофида умр кечирдилар.

Муаллиф иккинчи масалага — мусулмонлар аҳволига тўхталар экан, арабларнинг «жоҳилият» деб ном олган исломгача бўлган тарихини мисол қилиб келтиради. Ислום бу қавмни тамом янгилади, миллат ҳолига келтирди. Улар юз йил ўтмай, Африка ўрталаридан Самарқандгача, Ҳиндистондан Франциядаги Пириней тоғларигача чўзилган салтанатни майдонга келтирдилар. Қанчадан-қанча халқлар бу динни қабул қилиб, маданиятнинг катта кўчасига чиқиб олдилар. «Оврўпо халқларининг ҳозирдаги ҳунар ва маданиятларина асос уламои ислом(н)инг самаройи саъйи ўлдингини инкор этиб бўлмас», — деб ёзади Исмоилбек ва бунинг далили сифатида бугунги илм-фан, шаҳар маданияти, деҳқончилик, боғдорчилик, экология кабиларнинг ҳаммаси ислом маданиятига бориб тақалишини кўрсатиб беради.

Табийки, ундаги бу гоълар муайян билим ва идрокка суянган эди. Туркий халқларнинг ўтмиш маданиятини, руҳиятини те-

ран англашдан, унинг кейинги асрларда тақдир тақозоси билан тушиб қолган тутқун ва турғун турмушини теран идрок этишдан, унга йўл излашдан келиб чиққан эди. Бу жиҳатдан Исмоилбекнинг «Туркистон уламози» китоби муҳим.

Ушбу китоб 1900 йилда Бокуда босилди. Муаллиф «Ноширдан бир сўз»да «Оврўпода улум ва фунун бик оз мунташор ўлан бир замонда Туркистон қитъасинда ақлий ва нақлий илмлара чолишмоқда эмишлар», — деб изоҳ берган.

Гаспринский замондошларини кўҳна Туркистоннинг юздан ортиқ уламози билан таништирар экан, уларни саҳни кенг гулшандан саралаб олинган бир даста гул сифатида тақдим этади, ўлканинг нодир истеъдодларга бениҳоя бойлигини таъкидлайди. Китоб ўн фаслга бўлинган. Дастлабки фаслда «Туркистонда етишан уламои машойих, муҳаққиқиндан баъзилари» ҳақида гап кетади. Фасл «шоҳ Нақшбанд» — машҳур Муҳаммад Баҳовуддин Нақшбанд (1318—1389) билан бошланади. Муаллиф унинг тасаввуфга дахлдор «Далитул-ошиқин» билан «Хаётнома»си «арбоби ур-фон»нинг ҳар доим назар-эътиборида келганлигини хабар қилади. Шайх Нажмиддин Кубронинг «618 санаи ҳижриясинда Чингиз аскарлари тарафиндан шаҳид» этилганини маълум қилиб, асарларини шарҳлайди. Абдуҳолиқ Фиждувонийнинг ўнлаб машҳур мутасаввифларга мураббийлигига тўхталади. Гаспринский «жоруллоҳ» Замахшарийни, қонуншунос, илоҳиёт олими Абуллайс Самарқандий (1075—1144)ни (Навоийга дарс берган Фазлуллоҳ Абуллайсийнинг аждодларидан), «Ахлоқи Муҳсиний»нинг муаллифи Ҳусайн Воиз Кошифий (1440—1504) ни «Муфассири киром» (улуф тафсирчилар) фаслига киритади. «Шуҳрати таъриф ва баёндин мустағни ўлан» Замахшарий ҳақида сўзлаб, «тафсир, ҳадис, фикҳ, луғат, баён, наҳв илмларинда замонининг энг биринчиси эди», — деб ёзади. 20 дан ортиқ китобини санаб кўрсатади. Фақиҳи муҳаққиқ Абуллайсийнинг 7 китобини тилга олади. Ҳусайн Воизнинг 4 китобига тўхтади. Буюк муҳаддислардан Имом Бухорийнинг 19, Муҳаммад бинни Исо Термизийнинг 6 асари ҳақида фикр юритади.

Китобдаги фасллардан бири «улуми адабия» вакилларига бағишланган. Фасл фороблик Абунаср Исмоил бин ал-Аҳмад Жавҳарий (в.1003) билан бошланади. Унинг «Тож ул-луғати ва саҳиҳ ул-арабияти» номли луғати келтирилган. Араб тилига оид бу китоб, чамаси, ўз даврида бениҳоя машҳур бўлган. Замахшарийнинг, бу тилни мукаммал эгаллагани учун, «жоруллоҳ» (Оллоҳнинг қўшниси) лақабини олгани маълум эди. Муаллиф келтиришича, Жавҳарийнинг замондошлари ушбу китобни араб уламози

қўлига бериб, «Луғатингизни ажнабий бир одамдан ўргангиз!», деган гапи машҳур бўлиб кетган экан (10-бет).

Сарф, наҳв, маоний, адаб, мунозара, қофия фанларидан баҳс юритган «Мифтоҳул-улум» («Илмлар калити»)нинг муаллифи хивалик Сирожиддин Юсуф Саккокий (в.1229), унинг ҳамшаҳари «Ҳадойиқус-сеҳр»и билан шўҳрат қозонган Рашидиддин Ватвот (в.1188), «Ан-наҳж» («Усул»), «Наводирул-усул» («Усул жилолари») каби китоблар ёзган Абу Абдулло Термизий (Ҳаким Термизий) (в.816) каби ўндан ортиқ уламо ҳақида маълумот ушбу бобда келтирилган.

Навбатдаги фасл «соҳиби девон машоҳири шуаро» (девон тартиб этган машҳур шоирлар) ҳақида. Унда «Сайрул-ибод»и билан илоҳиёт мавзуга янги йўналиш берган Санойи (в.1054)дан «девони мажор-венгр уламосиндан мусъё Вамбери тарафиндан немис дилина даржима ўлинмиш» Махтумқулигача бор. Муаллиф ажлодлари Кеш – Шаҳрисабздан бўлганликларини кўзда тутиб, Амир Хисрав Деҳлавийни ҳам киритган. Шунингдек, мақбараси Табризда бўлган, «илми ҳикмат ва шеърда машҳури замон» Зоҳир Фарёбий (в.1202), «қувваи хаёлияи шоирона»да беназир Шавкат Бухорий (1636 йилда Исфаҳонда вафот этган) каби умрининг сўнгги бошқа юртларда кечган қаламкашлар ҳам ўрин олган. Ахсикатлик шоир Асириддин Ахсикатий (в.1212) ни Анварий (Авҳадиддин Анварий, 1105–1187), Ҳоқоний каби «азим шуаро» қаторига қўяди. Сайфиддин Исфаранги деган шоирнинг шеърлари Улуғбек замонасида ғоят шўҳрат топганини маълум қилади: «Девони ашъори 12 минг байт жамъ ўлуб, аксарият Улуғбек мажлисинда қироат ўлинурди», «Исфара Мовароуннаҳрда бир қасабадур», деб изоҳ беради муаллиф. Паҳлавон Маҳмуд (Пурёйвали)нинг «Канзул-ҳақойиқ»и, Лутфийнинг «мусаввада қолан» шеърий «Зафарнома»си ҳақида ҳам айрим қайдлар учрайди.

Муаллиф Алишер Навоий ва унинг адабий муҳити ҳақида кенг тўхталган. Хусусан, Навоий борасида «лақаби зуллисонайн ўлуб, ҳижратинг тўқузунчи асри авохиринда етишан чифатой ва Ажам шуаросининг энг машҳурларидандур, боҳусус, турк(н)инг «раис ул-шуароси» дея талқин ўлинадур. Илми хат, расм, мусиқи, наққошлиқ санъатлариндан-да воқиф эди...» (13-бет) деб ёзади. «Мавлоно Жомий ила муосир (асрдош) Лутфий»ни «форсий, боҳусус туркий назмда сонийи Алишер» атайди. Султон Ҳусайн Бойқаронинг «қувваи таъби»ни таъкидлаб кўрсатади.

Фаслнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири Ойшайи Самарқандий, Меҳри Нуржаҳонбегим, Лола хотун, Асимий, Иффатий ва Дўхтари Қошғарий – жами 7 «турк шоираси» ҳақидаги фикрлардир. Афсуски, улар ҳақидаги материаллар қайддан нари-

га ўтмаган. Лекин шу ҳолда ҳам унинг Туркистон адабий тарихини ўрганишда мутахассислар учун фойдали эканлигига шубҳа йўқ.

«Туркистонда етишган ҳукамо (ҳакимлар) ва атиббо (табиблар)» фасли Ибн Сино билан очилади. Гаспринский уни «доҳий» атайди. Лотинчага таржима қилинган «Қонун»и «Оврўпо дорил-фунунларинда тадрис ўлинурди» деб ёзади. Тил билимини юксак баҳолайди: «Ҳақи-ла воқиф ўлдиғи лисонлар: араби, форси, турки, юнони эди». Фаслда 11 ном келтирилган. Булар машҳур Форобий, Хўжа Фаҳриддин бин Авҳадий Сабзаворий (1384–1463), Ҳаким Азрақий Марвий, Нажибиддин Самарқандий, Абу Язид Балхий, Абдурахмон ал-Марзуйи, Абу Иброҳим Гургоний (в.1137), «Ёдгори тиб»нинг муаллифи Шариф Шарафиддин, «маданияти исломиянинг энг буюк ходимлариндан «50 парча асари вор» Абул Аҳмад бин Табиб Сархуший (в. 897) кабилардир.

Алжабр асосчиси Ал-Хоразмий, Нилнинг сувини ўлчайдиган «миқёсул-жадид» асбобини яратган Аҳмад Фарғоний (в.861), Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Гиёсиддин Жамшид – жами 12 киши «нужум, ҳайъат ва риёзия уламози» сирасида берилган. Мазкур фаслдаги «Зижи Абу Маъшар»ни тузган, риёзий ва илми нужумга оид ўнлаб асарлар ёзган Абу Маъшар Балхий, Қозизода Румий китобига шарҳ ёзган ҳайъатшунос Муҳаммад Чағминий, ҳандасага доир китоблари билан шуҳрат қозонган Шамсиддин Самарқандий (в.1204), олтмиш қадамлик устурлоб ясаган Муҳаммад Хўжандий, Ой ҳақидаги кузатишлари европаликларни маҳлиё қилган, «Ал бадийъ» («Гўзал яратилиш») асарининг муаллифи Абул Ҳасан, Маъмун «байтул-ҳикмаси» (академияси)нинг бир оғиздан эътироф этилган олими Абдулло бинни Суҳайл ал-Фарғоний каби ҳаёт ва ижодлари нисбатан кам ёритилган олимлар ҳақида тўпланган маълумотлар, шубҳасиз, ўзининг аҳамиятини буғунги кунгача сақлаб келади.

Муҳими шундаки, Фарб ва Шарқни баравар билган Гаспринский туркистонлик ушбу олимлар ижоди Европада қандай ўрганилаётганлигига ҳам диққат қилади. Жумладан, Улуғбек «Зиж»ининг 1665 йилги Оксфорд нашри, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Маъшар асарларининг Европада кутиб олиниши, баҳоланишига оид маълумотлар келтиради.

«Туркистон уламози»да «тарих ва жуғрофия уламози» ҳақида ҳам боб бор. Ўнта тарихчи киритилган. Буларнинг бир қисми таниш, Хондамир, Табарий, Ҳофизи Абрў, Абдураззоқ Самарқандий. Жамолиддин Абдулло Нишопурий (в.1512), Абу Саид Ал-Марвозий (в.1167), Мир Абдулкарим Бухорий (в.1830) номлари кўпчиликка у қадар маълум эмас. Гаспринский Жамолиддин Нишопурийни асли мовароуннаҳрлик деб таништиради. «Равзатул -

аҳбоб» («Дўстлар боғи») номли китоби борлигини, «Китоби так- милус-синоа» («Ажойиботга қўшимча»)сини Навоий номига ёзган- лигини, Абу Саид ал-Марвозийнинг эса 28 жилд (шундан 10 жил- ди «Тарихи Марв», 8 жилди «Тарихи ансоб») асари борлигини, Мир Абдулкарим Бухорийнинг Туркистон ва Афғонистонга доир бир китоби 1876 йилда Парижда мусъё Шефр томонидан фран- цузчага таржима қилинганини бизга етказди.

Гаспринский Туркистон уламози ҳақида тўхталар экан, бир фас- лини махсус фақиҳларга (диний ҳуқуқ олимларига) бағишлайди.

XIX асрнинг охирида яшаган ва дунё кўрган зиёлиларнинг бирортаси ҳам Туркистоннинг ўша давр аҳволидан қаноат ҳосил қилмайди. Исмоилбек хонликлар салтанатининг сўнгги давр аҳво- лини шундай баён қилади:

«Шоҳ Темур замонинда ҳар бири бир арслон ўлан туркисто- нийлар бу замонда таъсири зулм ва истибод ила бирор сочсиз хотин, соқолли заифалар поясина кирмиш эди. Эски илм ва ула- модан ҳам деярли асар қолмаган. Холис ва ҳалол (киши) қолмай, узун чопонларга, хильятларга ўралган риёкор кўпайган эди. Зо- лимлар йўлини тўсадиган шарият аҳли тугаб, золимларга фатво топиб бериб, 5–10 тилла-олтун учун сабоҳдан оқшома қадар «омин», «омин» айтиб, миллатни хароб ва барбод этганлар саноқ- сиз эди. Қандай бахтсизликки, бир учи Садди Чинга, дигар учи Ўрта ер денгизига чиққан салтанат баҳодирларининг авлоди ёшлик- да баччалик, сўнг эса баччабозлик ҳаромликлари ичида умр кечи- радирлар эди. Умаро ва вукалонинг аксари ё Эрон асирларидан, ё баччалик қилганларидан мансабга кўтарилар эди. Шижоат майдо- нида Темурларнинг, Шайбонийларнинг исми-шарифлари унутил- гани каби илм майдонида Ибн Синолар, Форобийлар, маориф майдонида Али Кушчи, Улуғбеклар ёддан чиқиб, бутун Моваро- уннаҳр бир хонақойи паришон ва диёри дарвешон ўлмиш эди. Илм, ҳилм, маориф иззат-нафс ва ҳайсиат (ҳурмат-эътибор) риёкор- ликка айланган эди. Бу сўзлар балки аччиқ сўзлардир, лекин тўғри сўзлардир. Тарих ёзадиган муаррих мадҳия ёзадиган мирза эмас»¹.

Мана шу «хонақойи паришон» ватанга, «дарвеш» ва «риёкор»- лар миллатга айланмас экан, Туркистоннинг келажаги йўқдир. Бу биргина Туркистон эмас, бутун Русия мусулмонларига тегишли.

Исмоилбек фикрича, аҳволни тузатмоқ учун уч нарса керак: 1. Миллий фикр. 2. Миллий тил. 3. Миллий маориф. Миллий фикр, биринчи навбатда, миллат бирлиги фикридир. Тил ягона адабий тил масаласидир. Миллий маориф она тилдаги таълим-тарбияни йўлга қўйишдир. Фикр ва тилни матбуот тарбия қилади. Матбуот

¹ Тарихи жадид Туркистон, «Таржимон» г., 1906 й., 33-сон.

ходимларини етказувчи эса маорифдир. Демак ишни маорифдан бошлаш керак. «Таржимон» ҳам, «усули жадид» ҳам шу мақсадда дунёга келган эди. У ёзади:

«Йигирма беш санадан бери дедигим, ёздигим, чолишдигим будир: йўл очмоқ. Бошқа бир нарса эмас. Чунки қудратли, нажиб, умрли, чидамли ва жасоратли бўлган турк миллатининг пароканда бўлиб, Садди Чин (Хитой девори)дан Оқ денгиз (Ўрта ер денгизи)га қадар ёйилиб, нуфузсиз, товушсиз қолиши тилсизлигидан, яъни «Лисони умумия»я эга бўлмаганидан майдонга келгандир. Бу эътиқод билан яшадим. Бу эътиқод билан мозорга киражакман».

Миллат ва унинг манфаатини ҳар нарсадан муқаддам ва муқаддас тутган Исмоилбек «Хаёт» газетасига йўллаган табригини шундай тугатган эди: «... Лекин ягона шартни — унутма: ҳар на ёзажак эсанг, қаламни уч капиклик қора сиёҳга ботирма, юрагингга ботириб, қонинг билан ёз, сўзинг унар, виждонлара етар, акс ҳолда бесамар кетади».

Туркистон сафари Исмоилбек 1893 йилда Туркистонга келади. Бухоро амири Абдулаҳадхон билан Қримда учрашган эди. Улар бир-бирларини билардилар. Исмоилбекка ширвонлик Мажид Фанизода ҳамроҳлик қилади¹. Самарқандлилар «усули савтия» ғоясини яхши кутиб оладилар. Тезда «усули жадид» йўлга қўйилиб, иш бошланади. Исмоилбек Шаҳрисабзга кетади. Мажид Фанизода 40 кун Самарқандда қолиб, «усули савтия»дан дарс беради.

Исмоилбекнинг Туркистонга иккинчи сафари 1908 йилга тўғри келади. Сафар тафсилотлари «Бухорода на кўрдим?» сарлавҳаси остида «Таржимон»нинг ўша йил сонларида (47,50,57–59,64,78) босилган. Каспийдан «Генерал Скобелев» кемасида келиб, Красноводскдан поездга ўтаркан, Кўктепа урушини эслайди. Қалъа аҳолисининг «бутун Осиёга шуҳрат ва ибрат дея бола-чақаси ба-

¹ Бу сафар таассуротлари Исмоилбекнинг мақолаларида («Машинали мактаб» — бу ҳақда қаранг: Бурҳон Шараф, Абдулгани Хусайиновнинг таржимаи ҳоли ҳам Хусайиновлар фирмасининг тарихи, Оренбург, 1913; Мажид Фанизода, «Таржимон» г., 1906, 15-сон.) ёритилган. М.Фанизода 1906 йилда таржималари, ҳикоя ва романлари билан ёзувчи сифатида танилган бўлиб, Гуржистоннинг Гори шаҳрида ислом дорулмуаллимининг мудирини эди. (Қаранг: «Таржимон» г., 1906 й., 15-сон) Исмоилбек мақолаларида туркистонлик замондошларида ёвқур оталар шижоатидан асар қолмагани афсус билан тилга олинган ўринлар анча-мунча. Бироқ у мазкур сафарда Самарқанднинг Тахтиқорача довоидан Шаҳрисабзга ўтишда учраган бир чўпон билан мулоқотидан сўнг Соҳибқирон Темуру руҳи ҳали-ҳануз авлодларида яшаб келаётганига ишонч ҳосил қилади. Унинг дадил, ўз шаънини баланд тутиб жавоб беришини кузатар экан, «чўпонни бундай сайратган тоифа маориф билан мунаввар бўлса, тоғларни остин-устун қилиши шубҳасиздир», деб ёзади (Оқгул дастаси ёки адабиёти жадида хидматлари. Мажид Фанизода, «Таржимон» г., 1906, 15-сон).

робар қиличдан кечурулуб, от оёғида топталгани»ни алам ва изтироб билан ёдга олади. Исмоилбекни Янги Бухоро (Когон) станциясида амир одамлари ва Русия сиёсий агентлиги таржимони Мирҳайдарбек кутиб оладилар. Амир уни Карманага таклиф этади. Зиёфат асносида Валиаҳд Саййид Олимхон билан учрашади. Валиаҳднинг Русия матбуотини мунтазам ўқиб боришини, дунё воқеаларидан хабардорлигини кўради. Самарқандга ўтади. «Усули жаид» мактаблари билан танишади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулқодир Шакурий билан узоқ суҳбатлар қуради. Гап тарих ва келажак, муқаддас обидалар ва уларнинг тақдири, рус истилочилик сиёсати ва ўзликни сақлаб қолиш ҳақида эди.

Қайтишда яна Бухорога тушади. Қушбеги Остонақулбек билан тўхтаб қолган янги мактабни юритишни гаплашади. Асосий тўсқинлик қозикалон томонидан эканлигини англаб, ҳузурига боради, ваъдасини олади. Бухородаги нўғойлар Исмоилбекни меҳмонга чақириб, «Жамияти хайрия»ларига фахрий аъзо қилдилар. Янги очилган бир мактабни унинг шарафига «Исмоилия» атамоқчи эканликларини айтадилар. Исмоилбек унамайди. Амир Абдулаҳадхоннинг марҳум падари ҳурматига «Музаффария» номлашни маслаҳат беради...

Мактабларгина эмас, мадрасалар ҳам ислоҳ қилиниши керак. Иложи бўлса, янги замонавий олий ўқув юрлари — университетлар қурмоқ керак. Исмоилбек бу фикрга 1885 йилдаёқ келган эди.

«Эй давлатлулар! — деб ёзган эди Бухоро ва Хива хонларига мурожаатида, — майдони сиёсатда мағлуб ўлуб, истиқлолни бой берди(нгиз). Бу замонда ғафлат эдилурса, майдони иқтисод ва маишатда миллат мағлуб тушуб, сабаб ўланлари дунё турдиқча масъул тутажақдир...»¹.

ГАСПРИНСКИЙНИНГ БАДИЙ НАСРИ

Исмоилбек бадиий иқтидорга ҳам эга эди. Унинг «Фарангистон мактублари» (1887), «Дорур-роҳат мусулмонлари» (1889), «Судан мактублари» (1889), «Хотинлар ўлкаси» (1890), «Гулбобо зиёрати» (1908), «Арслон қиз», «Кун туғди», «Иван ва Сулаймон» (1897), «Балойи ислом» (1905), «Муколамайи салотин» каби кўплаб насрий асарлари бор. Айримлари ўзбек тилига таржима ҳам қилинган². Воқеалари деярли ҳаммасида муаллиф тилидан ҳикоя қилинади. Номи — Мулла Аббос Франсавий-Тошкандий.

¹ Хонлара хитоб, «Таржимон» г. 1906 й., 11 август, 89-сон.

² Қаранг: «Хотинлар ўлкаси», «Жаҳон адабиёти» ж., 2000 й., 1-сон; «Муколамайи салотин», «Маърифат» г., 2002 й.

Асли тошкентлик, Европада ўқиган, саёҳатни яхши кўради. «Муколамаи салотин» (1906) («Султонлар суҳбати») Амир Темур ҳақида. «Арслон қиз» (1893) Шарқий Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатларига бағишланган. Марказида Гулжамол билан кўқонлик машҳур Яъқуббек туради. «Кун туғди» (1905) – автобиографик роман. Дониёлбей – Исмоилбекнинг ўзи. Хуллас, Гаспринский бадиий асарларининг деярли ҳаммаси қай бир даражада Туркистон ва туркистонлилар ҳаёти билан боғланади.

«Дорур-роҳат мусулмонлари»¹ «Таржимон»нинг 1887 йил сонларида босилган. 1906 йилда Боқчасаройда алоҳида нашр этилган. 1997 йилда «Қалб кўзи» газетаси қайта чоп этди.

Муаллиф асарнинг жанрини «фантастик рўмон» деб белгилайди. Асарнинг ширин тахайюл асосига қурилгани сарлавҳасиданоқ кўриниб турибди. Муаллиф хаёлий-афсонавий бир мамлакат – Дорур-роҳат (сўзма-сўз – роҳат уйи), яъни обод ва фаровон бир юрт фуқаролари ҳақида ҳикоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди.

Бунинг учун 8 аср давомида мусулмонлар тахти фармонида келган ва ислом давлати сифатида Европа мамлакатларига намуна бўлган Андалузияни танлайди. Ҳижрий йилнинг 98 ида (мил.668) Марокашнинг Фаси билан Испания орасидаги Жабалут-тариқ (Гибралтар) бўғозини саркарда Мусо ибн Нусойр кўшини кесиб ўтиб, Андалузияни забт этган эди. Андалуз дастлаб Шомга тобе эди. 756 йилдан уммавий Абдураҳмон тахтни эгаллади ва ўзини халифа эълон қилди. Испанияни мусулмонлардан қирол Фердинанд (1452–1505) қайтариб олди. Сўнгги мусулмон ҳукмдор Ал-Ҳисорий, сўнгги сарой Ал-Ҳамро (Қизил сарой), сўнгги пойтахт Фарната (Гренада) бўлган эди.

Исмоилбек тахайюлнинг реал асосларига тўхтар экан, олис тарих қатларида қолган турли-туман маълумотлар, сайёҳларнинг бир вақтлар ислом шуури билан гуллаб-яшнаган Андалузия – араблар Испаниясининг маънавий-маданий турмушига оид кўплаб факт ва рақамларни топиб, ўқувчи диққатига ҳавола қилади. Араблар испанларнинг тақир саҳроларини обод ўлкага айлантирдилар, – деб ҳикоя қилади муаллиф. – 12 минг қишлоқ, 80 кўрғон, 300 шаҳар, 300 минг жомеъ бино қилинган. Замонида пойтахт Қуртабода 200 минг хонадон яшар эди. 600 жомеъ, 500 шифохона, 800 мадраса, 900 ҳаммом мусулмонлар хизматида эди. Фарната, Тулиду (Таледо), Сибелё (Севилия) каби шаҳарлар ҳам Қуртабо (Кордова)дан қолишмас эди. Бойлиги-чи?! Фаранг тарихчилари ёзишича, Қуртабо халифалигининг хазинасига жами Европа мам-

¹ Сўзма-сўз таржимаси: Роҳат уйи (мамлакати) мусулмонлари.

лакатлариникини қўшганда ҳам етмас экан. 852 йилда Қуртабо кутубхонасида 600 минг китоб бўлган. Бутун ўлкада 70 улкан кутубхона бор эди. Фаранглар келиб, Андалузия мактаб-мадрасаларида ўқидилар. Европа Қуртабо мадрасаларидан андоза олиб, университетларини қурди... Хуллас, инсоният тараққиётини янги бир босқичга олиб чиққан Ғарб илм-фанининг тамал тоши олис XII—XIII асрларда Андалузия — мусулмонлар Испанияси томонидан қўйилган эди. Бироқ ҳар нарсанинг ўз кушандаси бўлганидек, мутаассиблик жуда қисқа муддатда бу ўлкадаги юксак ислом маданиятини йўқ қилиб ташлади. Фердинанд Андалузияни мусулмонлар қўлидан қайтариб олгач, ўлкани жоҳилона бир суръатда мусулмонликдан «тозалаш» бошланди. Муъжизавий сақланиб қолган «Жомеъул-кабир» (Катта мачит) ва «Ал-Ҳамро» гина олис мусулмон Андалузиясининг бир вақтлар балқиган нуридан етиб келган шуъладек йилтиллаб турадилар...

Ушбу маълумотлар сайёҳ — муаллиф тилидан берилган бўлиб, асарнинг мазмунига сингдириб юборилган. Таҳририятнинг ихчам изоҳида асарнинг бош қахрамони тошкентлик Мулла Аббос эканлиги, Франция саёҳатидан кейин «Франсавий» деб ном олгани, ўз кўрган-билганларини «Фарангистон мактублари» сарлавҳаси остида «Таржимон» да эълон қилиб келгани, мактубларнинг иккинчи қисмидан Андалузия саёҳати ўрин олгани, муаллиф-сайёҳ «бахтиёрона бир сурати майшата етишмиш жамияти муслимадан баҳс этажаги» айтилади.

Дарҳақиқат, асар роман-саргузашт характерида. Воқеа Мулла Аббоснинг Фарангистонда орттирган таниши мадмуазел Маргарита билан хайрлашиб, Испанияга отланишидан бошланади. Мулла Аббос илк таҳсилни Тошкентда олган. Фарангистонда «илми жадид» га ошно бўлган. 27 ёшда, саёҳатни севали. Андалузия ҳақида ўқиган, эшитган. Унинг ўз даврида жаҳонни ҳайратга солган илму фанидан, юксак маданиятидан хабардор. Шунинг изларини кўрмоқчи. Уни ҳозир Испания деб атайдилар...

Поезд қирқ уч соат юриб Мадридга олиб келди. Ажойиб ўлка, хушхаво, серҳосил. Бир ёни тоғ, бир ёни сув. Ҳаммаёқда гул. Обидалар. Қуртабодаги, қуббаси 80 устун устига ўрнатилган жомеъ, беш асрдан ошибдики, ҳамон улугвор. Мулла Аббос бир ҳафта Қуртабода қолиб, жомеъни қайта-қайта зиёрат қилади. Сўнг Ғарнатага Малик ибн Аҳмар шарафига 1343 йилда қуриб битирилган Ал-Ҳамро саройи зиёратига боради. Мулла Аббос унга тамом маҳлиё бўлиб қолади. Ал-Ҳамро хизматчисига саройни зиёрат этиш учун Туркистондан махсус келганини айтиб, хоналарида тез-тез бўлиш ва узоқроқ қолишга изн сўрайди. Бир ой қолиб кетади. Зиёратларидан бирида сарой нақшларининг, пештоқ ранг-

ларининг кун ва туннинг турли паллаларида турли товланишларига маҳлиё бўлиб, тунаб қолади. Арслонлар майдони деб аталган гўшада намоз асносида мудраб, хаёлга толади. Олис ва шавкатли тарих намоеън бўлади. Шу пайт ногоҳ оёқ товушлари эшитилиб, енгил кулги кўтарилади. Булар ким бўлса? Кўзларини очиб қараса, бири-биридан гўзал 12 қиз. Араб қизлари. Қаҳрамонимиз оҳиста уларга эргашади. Улар бегона одамни сезиб қий-чув кўтарадилар. Шу пайт хоналарнинг бири остонасидаги мрамртош кўтарилиб, оқ салла кўринади. Парижда танишган дўсти — Шайх Жалол. Мулла Аббос уларга эргашиб, «Қизлар кўшки»дан яширин йўл орқали ер остига тушади ва «Боби саломат»дан узоқ юриб, яна юқорига ер устига кўтарилади. Бу жойнинг номи «Дорур-роҳат», қизлар эса, аъло ўқиганликлари учун тақдирланиб, «Ал-Ҳамро» саёҳатига юборилган «Дорул-улум» талабалари эдилар. Бу диёрга беш асрдирки, бегона назар тушган эмас, унинг йўлини ҳеч ким билмайди. Буни Мулла Аббос Шайх Жалолдан билиб олади. Қолганини унга ҳамроҳлик қилган Фаридабону тушунтириб боради.

Дарвоқе, улар арабча гаплашадилар. Шайх Жалол барча йўлчиларга бу сирли диёрга кириш олдидан кўзларини боғлашни буюрган эди.

Дорур-роҳат Фарнатадан 3—4 соатлик йўл. Ниҳоятда гўзал манзарали бир ерда. Сатҳи у қадар катта эмас. Эни 2, бўйи 3 соатда кесиб чиқса бўладиган майдонда жойлашган.

Фаридабону тилидан айтилган тарихи эса қуйидагича эди: Андалузия забт этилиб, ислом ғоялари ёйилгач, қисқа муддатда ўлка «олам дарсхонаси»га, ўлка аҳли эса «муаллими жаҳон»га айланади. Қўшни фаранглар ундан ибрат олиб, гафлат уйқусидан уйғонадилар. Бироқ инсон қонидаги танбаллик, беғамлик, кин-нифоқ бир жўш уради-ю 300 йиллик шуҳратшиор Андалуз давлати ичдан емирилади. Қудратли мамлакат Туркистон сингари учга бўлиниб, ўзаро қирғин-барот урушлар бошланади. Бундан фойдаланган Кастилия қироли Фердинанд 1484 йилда катта қўшин билан Фарнатани қамал қилади. Узоқ ва давомли уруш бошланади. Халифа Абу Абдуллоҳ Ал-Ҳамрода яширин мажлис ўтказиб, иш таслимга борса, бола-чақаларни қандай асраб қолмоқ кераклигини маслаҳат қилади.

Ал-Ҳамронинг бир томони ўтиб бўлмас юксак Сьера Невада тоғларига тутшиб кетган эди. Суданлик асирлар келтирилиб, сарой ичидан тоғ томонга лаҳм қаздирилади. Яширин йўлни билганлар секин-аста вафот этадилар. Омон қолган асирлар озод қилиниб, юртларига қайтарилади. Ундан воқиф икки киши қолади. Халифа ва кекса бир боғбон. Мулла Аббос «Қизлар кўшки»дан шу йўлга тушган эди.

Ғарната мудофаани давом эттиради. Халифа Истанбулга элчи йўллаб, усмонлилардан ёрдам сўрайди. Султон муҳорабада бўлгани учун ёрдамга келмайди. Халифанинг сузтигидан халқ жунбушга келади. Бироқ халифа Фердинанд одамлари билан хуфя алоқа боғлаб, саройни тарк этади. Сал олдинроқ эса довжорак сардори Мусо охирги нафасгача жанг қилиш лозимлигини айтганида шоҳдан муносиб жавоб ололмаган ва алам устида бир ўзи душман устига отилиб, мардона ҳалок бўлган эди. Хуллас, Сардор Мусонинг яқинларидан 140 киши уни излаб, бўм-бўш саройга келдилар. Саройнинг сиридан хабардор якка-ёлғиз кекса боғбон вақтни қўлдан бермай, уларни лаҳм орқали пастга олиб тушади. Лаҳм йўли билан тоғ оралиғидаги, атрофини тик баҳайбат қоялар ўраб олган сайхонликка чиқадилар. Барча керакли ашёлар, биринчи навбатда минглаб китоблар саройдан янги ватанга ташиб келтирилади ва яширин йўл бекитиб ташланади. Бу бир ҳовуч мусулмон душманга таслим бўлмай, тоғ бағрида макон тутиб турган бир пайтда халифа Абу Абдуллоҳ Фердинанд ҳузурида шаҳарнинг калитларини унга топширар эди. Шу тариқа, испанлар тоғ ичига бекинган бир тўп мусулмонлардан беҳабар қолдилар. Тоғ ичида омон қолганлар қаҳрамон сардор Саид Мусонинг авлодлари эдилар. Халифа эса, қилмишидан пушаймон бўлди. Лекин фойдасиз эди. Фердинанд ҳеч кимга шафқат қилмади. Мусулмон мактабларини ёпди, вақфларини олиб қўйди, мачитларни бекитди. Аҳли исломнинг молини талон қилиб, ўзларини асир-хизматкор этдилар. Юз минглаб аҳоли ота-боболари ётоғи-қабрларини душманга омонат қолдириб, ҳижратга юз тутдилар. Ободлик ўрнини вайронлик олди. Замонлар айланиб, дунё илгарилаб, испанлар, фаранглар ҳам мағлуб бўлган миллатни йўқ этиш инсоф ва адолатдан эмаслигини, улар билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилмоқ лозимлигини англаб етдилар. Бироқ бунинг учун ҳам уч аср керак бўлди, деб ҳикоясини тугатади Фаридабону.

Шайх Жалол сўзларидан маълум бўлишича, Дорур-роҳатдагилар дунёдаги барча ўзгаришлардан боҳабарлар, лекин булар ҳақида билишмайди. Чунки булар дунё билан алоқага киришмайдилар, ҳақлари йўқ. Саодатли тақдирларига сабабчи бўлган Сардор Мусо ҳижрий 1500 (милодий 2078) йилгача ушбу макондан чиқмасликни васият қилган. Васиятнома шу санада очилмоғи керак. У 40 қулф остида, 40 калити 40 имомга омонат топширилган. 40 имом Дорур-роҳатдаги 40 қишлоқдан вакил. Ўлканинг амири Али исмли киши бўлиб, Мусо авлодидан. Ҳуқуқ ва низом шариятга, ақлга, иттифоққа суянади...

Ўлканинг ҳар қадами мўъжиза. Қизларнинг қўлида ўзи ёнар

фонуслар — электр чироқлари. Кириб чиққанда ўзи очилиб-ёпиладиган эшиклар.

Муаллиф Фаридабону Мулла Аббосни олиб борган қишлоқнинг манзарасини чизади. Марказида кенг майдон. Тошдан муҳташам бинолар. Жомеъ, мадраса, мажлисхона, девонхона. Атрофида гуллар, боғ-боғчалар, улкан хурмо дарахтлари. Боғ ва гулзорларга кўмилган ҳовлилар... ҳаммаёқ озода, батартиб. — Бу жойлар аслида балчиқ, тўқайзор бўлган, — дейди Шайх Жалол, — кишилар илму фан ёрдамида мўътадил иқлим ва муҳит яратишга муваффақ бўлганлар, тоғлардан тоза сув туширганлар.

Қишлоқ имоми Мулла Аббосдан доврўғи оламга кетган Бухоро мадрасалари, Туркистон маорифи ҳақида сўрайди. Дин ва шариатдан бошқа нарса ўқитилмаслигини билгач, таажжубга тушади. «Сизнинг диёрларда табиб, кимёгар, меъмор, муҳандис ўлмаюрми? Сизнинг хонлар ва ҳукуматлар идораи мулк ва давлат учун умури идорая, фунуни молия, моҳир маъмура ва тўралара ҳожат кўрмаюрларми?» — деб сўроққа тутади. Уларсиз ҳар қандай миллатнинг ҳалокати муқаррарлигини таъкидлайди: «Ёху, ўғлум, кўзи боғлиқ киши юрарми?!» — дея ҳайрон қолади... Лекин бу буюк ўлканинг келажагига ишонади: «Санга оғирлиқ келмасун, ўғлум. Иншооллоҳ, замона келур, аҳли Туркистон даҳи фунун ва камолот ошноси ўлуб, тариқи тараққия етишар...» дея тасалли беради.

Умуман, Туркистон ҳаёти асарнинг бошидан охиригача муаллифнинг диққат марказида туради. Масалан, асар бошида Андалузия бухрони, испанлар-фарангларнинг ўзаро жанжаллари ҳақида гап кетар экан, Бухоро ва Қўқоннинг XIX аср ўрталаридаги бир-бирларига қилган қатлу ғоратларига шама қилиб ўтади. Бошқа бир ўринда эса, ҳар бир юртнинг тимсолига айланган дарёлари ҳақида сўзлар экан, Зарафшонни қайноқ бир меҳр билан тилга олади.

Қишлоқ имоми Мулла Аббосни мактабга бошлайди. Ёруғ, озода. Ҳар бир фан учун махсус жиҳозланган ўқув хоналари, қироатхона, кутубхона... 8 ёшдан 12 ёшгача барча мактабда. Ўғил ва қиз болалар алоҳида ўқийдилар.

Саёҳат давом этади. Шайх Жалол машина тайёрлигини айтиб, шаҳарга таклиф қилади. Европада кўргани оташароба. Бироқ тутуни йўқ, ўзи ҳам бошқачароқ, электр билан ҳаракат қилади.

Ўлка маркази Дорус-саодатга кетмоқдалар. Йўлда қишлоқлар кўринади. Бир-бири билан телефон, телеграф орқали боғланган. Электр мошина Дорус-саодат вокзалида тўхтайтиди. Шаҳар ҳам та-

мом бошқача. Бу биноларни Мулла Аббос Туркистонда ҳам, Европада ҳам кўрган эмас. Шайх Жалол меҳмонни меҳмонхонага жойлаб, қозига кетади. Меҳмоннинг Дорур-роҳатга қандай келиб қолганини билдириш керак.

Кеч тушади. Бирдан ҳаммаёқ ёришиб чароғон бўлиб кетади. Меҳмон ҳайрон. Бундай ҳолни олдин кўрган эмас. У буларнинг кечда ёниб, тонгда ўзи ўчадиган электр эканлигини сўнг билади. Эрталаб ҳаммомга тушиб, Шайх Жалол билан қози ҳузурига борадилар. Кўчалар, майдонлар ҳам бошқача. Масалан, майдонларнинг бири «Озод» деб номланган, бири халифа Абдурахмон III номида. Кўчалардан бири Тариқ ибн Зиёд деб аталади. Абдурахмон III майдонидаги муҳташам бир бинога борадилар. Мармардан, нақшинкор. Эшиги тепасига олтин ҳарфлар билан хатти кўфийда «Бобул-ҳуқуқ» деб ёзиб қўйилибди. Қозихона – шу. Қози, ўнг тарафида котиб, йўлакда хизматчи.

Шайх Жалол Мулла Аббос Туркистонийни таништиради. Қози уни мамлакатнинг тартибларидан хабардор қилади. Бир нарсани алоҳида таъкидлайди: «Ўлкамизча энг буюк қабоҳат ва жиноят ялон сўйламақдир. Жазоси даҳи бик оғирдир. Ялончи ҳибс ўлиниюр, аммо ҳибсхона очик турар, атрофинда минг киши ўлса-да, сўзламая бир киши топилмас...»

Бу ҳол ҳаммасидан ошиб тушади. Қандай мамлакат бу?!

Қаҳрамонимиз бу ердаги урф-удум, ахлоқ, илм ва маданият борасида қози билан суҳбатлашар экан, тобора ўзини ўнғайсиз сезиб боради. 12 йил мадрасада умри бекор кетибди. Фарангистондаги 2 йил ўқишини сўзлар экан, Маргаритага бўлган муҳаббатигача айтишга тўғри келади. Бу ердагиларнинг яшаш қонуни шундай: Улар Оллоҳдан кўрқадиган даражада ёлгондан кўрқадилар. Ёмонликдан жаҳаннамдан қочгандек қочадилар. Жаннатга интилгандек кишиларга муҳаббат қўядилар. Бу гаплар қози тилидан юртнинг янги меҳмонига биргина қардошлик насиҳати эмас, маъмурий-шаръий амр сифатида ҳам айтилган эди. Бу ўлка инсон табиатининг икки буюк иллатидан – ёлгондан ва ҳақсизликдан қутулган эди. Шу жиҳатдан у Фарбнинг ҳам, Шарқнинг ҳам, Европанинг ҳам, исломнинг ҳам қусуридан холи эди. Бу ердаги илм ва ахлоқ олдида Туркистон бадавий, Фарангистон олчоқ эди. Ҳолбуки бу ўлка дунёдан тамом узилиб, баланд тоғлар орасига яширинган бир жойда аждодларининг илму ҳунари соясида ўз ҳолларича шундай даражага етдилар. Мулла Аббос бозор ёнида яна бир воқеага дуч келади. Бир араб дуч келган одамга илтижолла боқиб, ҳол-аҳвол сўрар, ҳеч ким унга эътибор қилмасди. Со-

тувчи экан. Бир кишининг ярим динорлик ҳақиға хиёнат қилибди. Қози уни текшириб аниқлагач, айбдор деб топибди. Шундан буён у ҳаммага бегона. У билан ҳеч ким сўрашмайди, гаплашмайди. Одамлар уни вабодан кўрққандек четлаб ўтадилар. Ҳатто хотини, бола-чақаси ҳам тарк этади. У ўз хоҳиши билан мамлакат четидаги махсус жойларда ибодат ва таҳсил билан ўзини поклайди. Сўнг жамиятга янгидан қабул қилинади. Бу бечора ёшлигида озгина касал бўлгану тарбияси етишмай қолган, гуноҳ қилгани шундан. Кейинги тўрт йил ичида юртда бундан бошқа жиноят содир бўлган эмас.

Бу юртда ҳамма нарса гайритабиий. Масалан, Мулла Аббос меҳмонхонасига келса, 2 хат ва бир газета турибди. Бири Фаридабонудан, иккинчиси маҳаллий «Истиқбол» газетасидан. Фаридабонунинг қариндошлари меҳмон билан танишмоқ истадилар. Газета эса Мулла Аббосдан олис Бухоро ва Туркистон ҳақида мақола сўрабди. Бироқ бу хатлар ёзилган қоғозларни у илгари ҳеч кўрмаган, тамом бошқа материалдан. Конвертларида марка йўқ, бепул. Шайх Жалол шошиб 5—6 тухум кўтариб киради, жўжа очирмоқчи эмиш. Мулла Аббос ҳайрон, қандай қилиб, товуқсиз жўжа очади.

Шайх Жалол сирни очади. Тухумдан жўжа чиқиши товуқнинг босишидан эмас, ҳароратдан. Бу янги гап эмас. Бу қадимдан маълум эди. Мулла Аббос ва унинг туркистонлик ҳамсабоқлари эски илмнинг моҳиятини ўрганган эмаслар. Гап шунда. Қоғозни ҳам кўп нарсалардан тайёрлаш мумкин. Дорур-роҳатдагиларнинг иши шу йўлдаги тажрибалардан бири холос.

Мулла Аббос «Истиқбол» газетасини варақлайди. Бухоро, Хива, Қўқон хонликларининг Русия томонидан забт этилиши тарихи ҳақидаги мақолага кўзи тушади. Муаллиф, олис тарих, хусусан Амир Темур борасидаги ҳоким қарашларга қарама-қарши ўлароқ унинг ярим дунёни эгаллашида илм-фан ва қаҳрамонлик самарасини кўрган эди. Унингча, жаҳолат ва нодонлик билан футуҳот ва шижоат ҳеч қачон бир ерда жам бўла олмайди. Мақолада кўҳна Туркистоннинг таназзули сабаблари ҳақида сўз юритилиб, шундай ёзилган эди:

«Бир давлат ё миллат хароб ўлажақ эса, энг ибтидо илмсиз ва маърифатсиз қолур. Бу ҳолда кўй ҳайвони каби фаҳмсизлануб ўз бошларини ўзлари узатуб турарлар! Нима қилсинларки, кўзлари боғлангандир!»

Мақола охирида Туркистондан Мулла Аббос деган бир кишининг ажиб бир ҳол билан Дорур-роҳатга келиб қолганлиги маъ-

лум қилиниб, унинг бу ерда ўз билимини ошириш мақсади борлиги мамнунлик билан қайд этилган эди.

Ҳа, булар дунёни биладилар. Дунё буларни билмайди, хаёлидан ўтказди Мулла Аббос.

Фаридабонунинг уйида кўрганлари бундан ҳам ҳайратланарли эди. 80 ёшлик шайх Туркистоннинг забт этилиши истилодан юз йил олдин маълум бўлганлигини айтади ва Ибн Марвоннинг «Қиёс ва эҳтимолот сиёсати» китобини ўқишни тавсия қилади...

Мулла Аббоснинг Амир билан учрашуви эпизоди ҳам бор. Унинг сирли мамлакатдан чиқиб кетиши дунёга номаълум бу ўлка учун фалокатга сабаб бўлиши мумкин. Шунга кўра, бу масалани амир ҳал қилиши лозим. Лекин адолат қонуни уни ихтиёрига қарши ҳолда олиб қолишга йўл бермайди. Сайёҳ Амир билан учрашади: 30 ёшларда, чўққисоқол, очиқ юзли, хуш боқишли. Бухоро ва Туркистон турмушидан сўрайди. «Ришта» хасталигидан сўз очади. (Чор ҳукумати Зарафшон сувини тўсиб қўйгач, Бухорога сув бормай, ҳовузларда ришта тарқалган эди.) Бухорога тоза сув келтириш йўллари ҳақида фикр билдиради...

Амир Аббосга рухсат бермайди. Аббос ўзининг асир эмаслигини айтади. Амир бундай масъулиятли масалани бир ўзи ҳал қилолмаслигини, Олий Мажлисдан сўраб ҳал қилишини айтади... Бир қатор можаролар, Фаридабону – Мулла Аббос муносабатлари, шу аснода хотин-қизлар тақдири, Туркистон, Бухоро манзаралари, 1500 йилда очилажак «Васиятнома» билан боғлиқ гап-сўзлар сўнггида рухсат берилади. Мулла Аббос бу ерда орттирган дўстлари билан видолашиб, унга қандай сирли келиб қолган бўлса, шундай сирли тарзда чиқиб кетади.

«Дорур-роҳат мусулмонлари» Русиядаги туркий халқлар адабиётининг янги даврдаги биринчи йирик намунаси эди. Шу сабаб у Волгабўйи ва Туркистон халқлари янги адабиётининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Бу гап ўзбек адабиётига ҳам тегишлидир.

Иккинчи томондан эса, Исмоилбекнинг бадиий ижоди унинг қизгин ва самарали кечган жадидчилик фаолиятининг маънавий давоми, буюк миллатпарвар қарашларининг олижаноб тахайюли мевалари эди.

Гаспралининг хотин-қизлар ва уларнинг жамиятдаги ўрни масаласи ҳақидаги қарашлари «Хотинлар ўлкаси»¹ номли хаёлий-саргузашт қиссасида акс этди. Унда ҳам воқеалар тошкентлик Мулла Аббос Франсавий тилидан ҳикоя қилинади. Асар аёлларни «сочи

¹ Асар «Жаҳон адабиёти» журналининг 1999 йил 1-сонида ўзбек тилида чоп этилди.

узун, «ақли қалта» дегувчи ислом мутаассиблигига киноя бўлганидек, эмансипация ниқоби остида уларнинг аслий хусусиятлари ҳисобланиши лозим бўлган назокатдан узоқлаштирилишига, «эркаклаштирилиши»га қарши исён ҳам эди. Бу мавзунинг ҳам Туркистонда нақадар қизгин муҳокама қилингани маълум.

Хулоса қилиб айтганда, И.Гаспралининг ҳаёти ва сермазмун фаолиятини Туркистонсиз, унинг тарихи ва тақдири ҳақидаги ўйларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улуғ мутафаккир Туркистон халқларининг бой маънавий меросини Русия мусулмонлари борасидаги янгилиниш ва ислоҳотчилик ҳаракатлари учун маънавий омил деб билади. Айни пайтда, бутун вужуди билан Туркистон учун ҳам нажот йўлини излайди ва буни янгилинишда, ислоҳотда кўради. Шунга кўра, унинг қарашлари ҳам Туркистон билан теран боғланган эди. Шу сабабли, бу фикр-қарашлар Туркистонда акс-садо топдигина эмас, туркистонлик тараққийпарвар зиёлилар учун дастуруламал вазифасини бажарди.

МАҲМУДХҶА БЕҲБУДИЙ (1875 – 1919)

Ҳаёт йўли

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон жадидчилик ҳаракатининг бонийсидир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида 20-йилларда маҳаллий матбуотда Садриддин Айний, Ҳожи Муин ибн Шукрулло, Лазиз Азиззода каби замондошлари томонидан бир қатор мақола, хотиралар эълон қилинган. Кейинги йилларда, хусусан, мустақилликка эришилгандан сўнг жадидлар фаолиятини ўрганишга қизиқиш кучайиши билан Беҳбудий ҳам қайта кашф этила бошланди. Беҳбудий таржимаи ҳолини ёритишда Ҳожи Муиннинг 1922–23 йилларда ўзи муҳаррирлик қилган «Меҳнаткашлар товуши» (1922), «Зарафшон» (1923) газеталарида чоп этган мақолалари муҳим аҳамиятга эга. Беҳбудий ҳақида 70-йиллардан бугунги кунгача эълон қилиниб келаётган Солиҳ Қосимов, Аҳмад Алиев, Наим Каримов, Сироҷиддин Аҳмедов, Шерали Турдиев ва бугунги ёш тадқиқотчилар Ҳалим Саййид, Нормурод Авазов, Зебо Аҳророва ишларининг барчасида мана шу Ҳожи Муин маълумотлари асос қилиб олинди¹.

Унинг келтиришича², Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йилнинг 19 январида (ҳижрий 1291–10-зулҳижжа)³ Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида дунёга келган. Отаси Беҳбудхўжа Солиҳхўжа ўғли туркистонлик, Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан, она томондан бобоси Ниёзхўжа урганчилик бўлиб,

¹ Аслида ҳам Ҳожи Муин (1883–1942) Беҳбудийни яқиндан билган, унинг эътиборига сазовор бўлган ҳамкасабаси, шогирди эди. 1914 йилда Беҳбудий ҳаж сафарига кетар экан, «Ойна» журналининг муваққат муҳаррири қилиб Ҳожи Муинни қолдирганлиги маълум.

² Қаранг: Ҳожи Муин, Маҳмудхўжа Беҳбудий. «Зарафшон» газетаси, 1923 йил 25 март.

³ Айрим тадқиқотларда бу сана 1874 йил март («Совет Ўзбекистони санъати» ж., 1989 й., 2-сон) деб, бизнингча, янглиш кўрсатилади. 1291 йилнинг бошланиши (1-муҳаррам) 1874 йилнинг 18 февраль чоршанба кунига тўғри келади. (Қаранг: Таблица согласования... Х.К. Баранов. Арабско-русский словарь. М., 1977, 940–942 бетлар). Зулҳижжа сўнгги ойдир. Унинг 10-си 335-кун бўлиб, жамланганда 1875 й. 19 январь келиб чиқади.



Маҳмудхўжа Бехбудий

амир Шоҳмурод замонида (1780–1785) Самарқандга келиб қолган.

1894 йилда отаси, имом-хатиблик билан шуғулланиб келган Бехбудхўжа вафот этади. Ёш Маҳмудхўжа тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқнинг тарбия ва қарамоғида ўсиб вояга етади. Араб сарфу наҳвини кичик тоғаси Одилдан ўрганади. 18 ёшидан қозихонада мирзалик қила бошлайди. Дарвоқе, Бехбудийнинг мактаб-мадраса ҳаёти ҳақида ҳам маълумотлар ниҳоятда кам. У дастлаб Самарқанд мадрасасида, сўнграқ Бухорода яхшигина таҳсил кўрган. Анъанавий мадраса илмини пухта эгаллаган Бехбудий 1915 йилда этнограф Г.Андреев саволларига

жавоб берар экан, мадраса таҳсилини алоҳида тилга олгани маълум¹. Хуллас, анъанавий таҳсил, сўнг эса ўз устида қунт ва сабот билан ишлаш орқали у шариятнинг юксак мақомлари — қози, муфти даражасигача кўтарилади.

1899–1900 йилларда Бехбудий бухоролик дўсти Ҳожи Бақо билан ҳаж сафарига чиқади².

«1318 санаи ҳижрияси тавофи Байтуллоға Кавказ йўли ила Истанбул ва Миср ал-Коҳира воситаси-ла бориб эдим. Муддати сафарим саккиз ойдан зиёда чўзилуб эди»³, — ёзади Бехбудий бу ҳақда. Дунё кўриши изсиз кетмайди. Сафар янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди. Унинг ташаббуси ва ғайрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи (С.Сиддиқий), Ражабамин (А.Шакурий) қишлоқларида янги мактаблар ташкил топади. Адиб ушбу мактаблар учун дарсликлар тузишга киришади. Кетма-кет унинг «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905), «Рисолаи жуғрофияи Русий» (1905), «Китобат-ул атфол» (1908), «Амалиёти ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909) каби китоблари пайдо бўлади. Маҳмудхўжа 1903–1904 йилларда Москва, Петербургга боради, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёҳат эмас, хизмат са-

¹ Андреев Г. Самарқандский журнал «Ойна» и его редактор-издатель Махмуд Ходжи Бегбуди. г. «Туркестанские ведомости», 1915, 17 сентябрь.

² Қаранг: Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Бехбудий, «Зарафшон» газетаси, 1923 йил 25 март.

³ Қаранг: Маҳмудхўжа Бехбудий. Қасди сафар, «Ойна» ж., 1914 й., 31-сон.

фари эди. Масалан, Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августда Русия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган қурултой чақирилади. Бехбудий бу қурултойда туркистонлилар гуруҳини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди¹.

25 кунга чўзилган бу сафар ҳақида Бехбудий сўнгроқ шундай маълумот берган эди: «1325 санаи ҳижриясида Русия мусулмонларининг муҳтарам зиёли ва акобирларининг Нижни Ёрминкасида миллий ишлар тўғрисида машварат қила турган мажлисга мушарраф бўлмоқ учун Ўрунбург йўли ила Маскуф, Петербург, Қозон воситаси-ла Нижни Новгўруд бориб эдим»².

Театр керак Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмасди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва Ватаннинг аҳволидан, кундалик ҳаётдан огоҳ бўлмоқ керак эди. Бинобарин, миллат учун шундай ойна керак эдики, унда у ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин.

Мана шу эҳтиёж ва зарурат Бехбудийни театр ва матбуот сари бошлади. «Падаркуш» шу тариқа майдонга келди. Бироқ унинг дунё кўриши осон кечмади. Бунга сабаб: биринчидан, чор ҳукмати мустамлака Туркистонининг маърифат йўлига кириб, ўз ҳуқуқини танишидан манфаатдор эмас эди; 1916 йилдаги Туркистон генерал губернатори Н.Р.Куропаткиннинг ўз кундалигида ёзган ва бугун жуда машҳур бўлиб кетган «Биз тубжой халқни тараққиётдан, мактабдан, рус ҳаётидан 50 йил четда тутдик», деган сўзларини эслаш кифоя. Иккинчидан, турғунлик ва тутқунлик туфайли авж олган жаҳолат, мутаассиблик. «Кимики саҳнада кўрсанг они жасорати бу», деб ёзган эди шоир Тавалло. Бу бежиз эмас. Хуллас, 1911 йилда ёзилган «Падаркуш» драмаси 1913 йилдагина босилиб чиқади. Китоб жилдидаги «Бородино жанги ва Русиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади» деган ёзув ва унинг Тифлис цензурасининг рухсати билан чоп этилиши шуни кўрсатадики, иш осон кўчмаган. Пьеса босилиб чиққандан кейин ҳам уни саҳнага қўйиш учун яқин бир йил вақт кетди. Муаллиф бу ҳақдаги хатларга жавобан кинояомуз: «Туркистонда бекор одам йўқки, халқ учун ишласа. Бекор киши йўқки, театру саҳнасига чиқиб, «масхарабозлик» қилса»³, деб ёзган эди.

«Падаркуш» — ўзбек драмачилигининг ҳамма яқдил эътироф этган биринчи намунаси. Мутахассислар уни ҳам жанр, ҳам мазмунига кўра янги ўзбек адабиётини бошлаб берган бир асар

¹ Қаранг: А.А.Пясковский. Революция 1905–1907 годов в Туркестане. М., 1958, 559-бет.

² «Ойна» ж., 1914 йил 31-сон, 598-бет.

³ «Ойна» ж., 1913 йил 5-сон.

сифатида баҳолайдилар. Муаллиф «Миллий фожиа» атаган, 3 парда 4 манзарали бу драма ҳажман жуда ихчам, мазмунан ниҳоятда содда ва жўн. У жаҳолат ва нодонлик, ўқимаган боланинг бузуқ йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани ҳақида ҳикоя қилади. Орқа-олдини ўйламаган бойнинг Тошмурод исмли ўғли бор. Ўгли ўқимаган. Бой атрофдагиларнинг гапига кирмайди, ўғлини ўқитмайди, оқибатда у кўча безориларига қўшилади. Ресторанда маишатга пули етмай, шерикларини тунда уйига бошлаб келади. Бой уйғониб, уларни сезиб қолади. Бойни ўлдириб, пулини олиб кетадилар.

Хулоса: жаҳолат ва нодонлик отанинг ҳам, боланинг ҳам бошига етади. Агар бутун миллат шу аҳволга тушса-чи?! «Падаркуш» дастлаб Самарқандда 1914 йилнинг 15 январида сахнага қўйилди. «Халқ ниҳоят кўп келиб, белат етмагани ва жойни йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди»¹, деб ёзади маҳаллий матбуот.

Яна ўша ерда ўқиймиз: «Белатлар бир-икки кун аввал ёшларни гайрати илан сотилиб тамом бўлуб эди. Баъзи кишилар белатларини икки баҳоға фойдаси илан бошқаға сотдилар. Соат еттидан минглаб халқ ибратхонага ҳужум қилган. Аммо белат йўқ. Уч сўм² бериб, тикка турмоқға ҳам рози, яна ер йўқ...»

Спектакль ўз маишатиға ўралиб дунёни унутган миллатдошларга чақмоқдек таъсир этди. Унда бой ролини Абдусалом Абдурахим ўғли ўйнаган эди. «Бойни ҳамбоза (хуррак) ва уйқуси ҳамда ҳаракатидан аҳоли ихтиёрсиз ва фосиласиз куларди», ёзади тақризчи. «Домла (Мардонкул Шомаҳмуд ўғли) ва зиёли (Мирза Нўъмон Мулла Фозил муфти ўғли)ни насиҳати халойиқни кўнглиға таъсир этарди, ҳатто ваъзу пандға йиғлаганлар бор эди», — ўқиймиз тақризда. Айниқса, бойнинг ўз ўғли ёрдамида ўлдирилиб, мол-дунёсининг фаҳшу ишрат учун олиб кетилиши воқеалари кишиларни ларзага солган. «Бу фажеъ ва аламлик манзарани парда ёпар. Халқға ҳаддан зиёда таъсир. Баъзи кишилар фожиадан кўз юмарлар...»

Чамаси, асарнинг ижроси ҳам баланд савияда бўлган. Тақриздаги «Рус, яҳудий ва мусулмонлар таҳсин этарди. Ҳатто 20 йилдан бери театр маъмуриятиндаги одамлар таъриф қилурди... Аҳолидаги олқиш ибратхонани гумбирлатур...» деган жумлалар шунга ишора қилади.

Тошкентда 1914 йилнинг 27 феввалида қўйилди. Авлониининг «Турон» труппаси Колизей (ҳозирги Савдо биржаси биноси)да ўз

¹ «Ойна» ж., 1914 йил 14-сон.

² Муқояса учун: 1914 йилда 2 сўмға ўртача бир қўй келган.

фаолиятини мана шу «Падаркуш» билан бошлаган эди. Спектакль олдидан машҳур Мунавварқори театрнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни ҳақида нутқ сўзлайди. Бой ролини Абдулла Авлонийнинг ўзи ижро этади. Маҳаллий матбуот бу кунни «тарихий кун», деб ёзади.

«Турон» труппаси 1914–16 йилларда бу спектакль билан бутун Фарғона водийсини айланиб чиқди. «Падаркуш» Туркистонни жунбишга келтирган қирғинбарот инқилоб йилларида ҳам сахнадан тушмади. Бир томондан, миллатни маърифат ва тараққиёт сари ундашда буюк роль ўйнаган бўлса, иккинчи ёқдан, профессионал ўзбек театри ва драмачилигининг майдонга келиши ҳамда тараққиётида муҳим хизмат қилди.

Бу асарнинг ўз даврида адабий ҳаракатчиликка етказган таъсири ҳақида қайдлар кўп. Бунинг шохиди сифатида Абдулла Қодирийнинг машҳур «1913 йилларда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим», деган эътирофини эслаш кифоя. 1916 йилда Тошкентга келиб, Колизейда «Турон»нинг қатор спектакллари кўрган А.Н.Самойлович ёзади: «Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Бу мен учун кутилган ҳол эди... Янги адабиётнинг маркази — Самарқанд... Ёш қаламкашларнинг бош илҳомчиси самарқандлик муфти Маҳмудхўжа Бехбудийдир»¹.

Драманинг биргина ўзбек эмас, татар, озарбойжон театрчилигига ҳам таъсири ҳақида гапириш мумкин. Туркистонда шу йиллари Заки Боязидский, Алиасқар Асқаров, Сидқий Руҳилло, Илёсбек Ошқозорский каби кўплаб қардош режиссёрлар фаолият кўрсатганини хотирга олайлик.

1913 йилдан Бехбудий матбуот ишлари билан шуғулланади. Апрельдан «Самарқанд» газетасини чиқаради. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 45 та сонидан кейин моддий танқислик туфайли чиқиши тўхтаган. Ўша йилнинг 20 августидан у «Ойна» журналинини чиқара бошлайди. Бу суратли ҳафталик мажалла асосан ўзбек тилида бўлиб, унда ихчам форсий шеърлар, мақолалар, русча эълонлар ҳам бериб борилади... «Бошда ҳафтада бир марта ва иккинчи йилдан эътиборан 15 кунда бир қатла чиқиб, йигирма ой чамаси давом қилди... Кафказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача тарқалар эди... Жадидларнинг севиқли журналлари эди.

¹ Самойлович А. Драматическая литература сартов. Вестник, «Имп. об-ва вос.», № 5, Петроград, 1917, 4-бет.

Шунинг учун улар томонидан ҳурматланди, севилиб ўқилди»¹, деб ёзган эди Зиё Саид. Журнал редакцияси муҳаррирнинг Янги шаҳардаги уйида (Решетников, 3; ҳозир Мирсаид Барака, 1) жойлашган.

Беҳбудий шу йиллари нашр ишлари билан қизгин шуғулланди. «Нашриёти Беҳбудия» номи билан ўз хусусий нашриётини очди. Фитратнинг «Баёноти сайёҳи ҳинди» асарини 1913 йилда русчага таржима қилдириб, нашр этди². Туркистон харитасини тузиб босмадан чиқарди. Кутубхонани йўлга қўйди. Ўша давр вақтли матбуотида «Беҳбудия кутубхонаси» ҳақидаги хабарларга тез-тез дуч келасиз.

1914 йилнинг 29 майида Беҳбудий иккинчи бор араб мамлакатларига саёҳатга отланади.

Муаллиф саёҳати арафасидаги кайфиятни шундай ифодалайди: «7 санадан бери икки дафъа Бухоро ва бир дафъа Фарғонани зиёратидан бошқа сафарга чиққаним йўқ эди. Азбаски, тириклик касалига мубталолик, рўзғор қайдига гирифторлик саёҳат неъматидан маҳрум этар. Етти йиллик хонанишинлик, дигар тарафдан алойиқи рўзғор, тижорат ва 7—8 рисоалар таҳрир ва нашри, дорулқазо ишлари, хусусан, бир санадан бери собиқ «Самарқанд» жаридаси ва ҳозирги «Ойна» идорасининг ишлари руҳан ва жисман заиф этди. Аъзоу ҳавосларга касолат пайдо бўлди. Сингир (асаб)... ғайри мунтазам ишлайдур. Атиббо истироҳат ва саёҳатга машварат берарлар. Табиат у қадар ноқобил ва бузуққи, саёҳатдан ҳам нафрат этар, истамаз».

Шунга қарамасдан, сафарга чиқмаса, бўлмайди. Аввало, «Кутубхонаи Беҳбудия» учун Истанбул, Миср, Қрим, Кавказ, Қозон, Русия ва хорижийнинг манзаралари, иморатлари, кишиларнинг суратлари, турли-туман қолип (клише)лар ва яна бошқа жуда кўп нарсалар керак. Хуллас, бормаса бўлмайди. Маршрут: Кавказ, Қрим, Истанбул, Юнонистон, Байрут, Миср Қоҳираси ва яна орқага —Истанбулга қайтиб, темир йўл билан Булғористон, Австрия ва Берлин орқали Русияга, ундан Туркистонга келиш. Муддати икки ой. Биринчи июнга қолмай йўлга тушиш керак. Беҳбудий Петербургда бўладиган Миллий мажлис маслаҳатига таклиф қилинган эди. Саволларга жавобини ёзиб юборди, узрини айтади. Хуллас, 29 майда йўлга тушади. Поездга ўтириб Байрамали орқали Ашхободга ўтади. Красноводскдан пароход билан Бокуга

¹ Зиё Саид. Танланган асарлар. Т., 1974, 44—45-бетлар.

² Қаранг: Пясковский А.А. Революция 1905—1907 г.г. в Туркестане, М., 1958, 546-бет. Дарвоқе, бундан икки йил олдин Фитратнинг «Мунозара» асари ҳам рус тилига таржима қилинган экан. Бироқ у чор маъмуриятининг махсус хизмати учун мўлжалланган бўлиб, алоҳида кишиларгина фойдаланганлар. Таржима полковник Ягелло томонидан амалга оширилган (қаранг: Пясковский А.А... ўша бет).



مبارک بادعمد

۱۲۵۰ گوست ۱۹۱۳ میلادی

۱ شوال - ۱۳۳۱ هجری



اینده مرآت ZERKALO كوزگو

پیشیدن اینچه هفتدیک سفور مجله اسلامیة دور اول و لمن رغبت اینگانه شفقاً هفتد بر چقان

اینده مجلسی د - سرفند - جریدہ پشینگ سنول عمر و نامشری :
منشی محمد خواجہ بے بودی

اطمان اوچون اقر مجله د سطریندن لدا تین آنوز

مانند آوند قبول قیلمه در شفقاً چیکندان سو مگره
واظلمه د خار جریدہ آوند تینی

اینده مجلسی کو بلب انگری لره - ۱۱ تین دن

۱۲ - آئی لیگ ۶ صوم

یو بار لیب پوچته مرغه نامشراندور

۶ - ۳ صوم ۵۰ تین

Цена 15 коп.

بر شفقسی ارمده ۲ صوم ۱۰ تین

АДРЕСЪ: САМАРКАНДЪ

МАХМУДЪ ХОДЖИ БЕГБУДИ

پسرده عمر و خواجہ بے بودی

اینده مجلسی د - سرفند - جریدہ پشینگ اداره سی سرفند بر شفقاً پسته نامشرینگ - ۹ جم ۱۱ - رقی

اؤز حاکم پسته اؤز تیلیفون آقی ۲۹۰ - اداره هرکون ساعت ۱۱ دن ۱۲ آنوز اؤز دور


ЕЖЕНЕДЪЛЬНЫЙ ЖУРНАЛЬ

№ 1 ЗЕРКАЛО (Ойна) № 1

На Узбекскомъ персидскомъ и русскомъ языкъ.

Редакторъ и издатель

Махмудъ Ходжи
Бегбуди



бореди. 2 июнда Минералные Воды-Кисловодск-Пятигорск, Железноводск-Ростов-Одессани кезиб, 8 июнда Истанбулга кириб келади. Ундан Адирнага саёҳат қилади. Яна Истанбулга қайтиб, 21 июнда сув йўли билан Қуддусга йўл олади. Байрут, Ёфа, Халил ар-Раҳмон, Порт Саид, Шом шаҳарларини томоша қилади. Саёҳат июлнинг бошларида ҳам давом этади...

Саёҳат хотиралари ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлиб, Беҳбудий уларни ўз журнали «Ойна»нинг 1914 йил сонларида мазкур ном остида пешма-пеш бериб боради (ҳозирча 18 сонда учратдик)¹.

«Саёҳат хотиралари»нинг биринчи қисми журналнинг 14 июнь 34-сонидан чоп этилган. Муаллиф унга «31 май, Баҳри Ҳазар, Маҳмудхўжа» деб имзо чекади. Рақамлаш ва сана ҳамда ёзилган жойини кўрсатишга биринчи олти сонидоғина риоя қилинган. Бу «Хотиралар» ҳам маърифий, ҳам адабий-эстетик жиҳатдан ниҳоят муҳим. Улар адабиётимиздаги анъанавий тарихий-мемуар жанрининг XX аср бошидаги ўзига хос намунасидир. Муаллиф бу мемуарларда йўл таассуротларига, машҳур ёхуд оддий кишилар билан учрашувларининг ибратли томонларига кенг ўрин беради. Қайси шаҳарга бормасин, унинг тарихи, обидалари, у ердан чиққан буюк зотлар ҳақида маълумотлар тўплайди, турли-туман миллатлар, уларнинг урф-удумлари, турмуш маданияти билан қизиқади. Қишлоқлардаги деҳқончиликдан тортиб, шаҳарлардаги эскалатор («осонсур») гача унинг эътиборидан четда қолмайди. Айниқса, дин, эътиқод масалаларига катта аҳамият беради. Қадимий муқаддас обидалар, Расулulloҳ пойқадами теккан қутлуғ даргоҳлар, хусусан, Қуддуси шарифдаги машҳур ал-Масжидул-Ақсо зиёратидан ниҳоясиз завқ-шавққа тўлади. Саждага бош кўяркан, дилининг туб-тубидан Оллоҳ иштиёқи қалқиб чиқади. «Оҳ, на руҳоний ҳолатлар, на лазиз вайдангиз убудиятлари, на ашкрез ноз-ниёзлар... Нуроний, фусункор, порлоқ мозийким, анинг асари қудсият самари минг бу қадар сана сўнгра бизни маҳвият даражасинда келтурар», — деб ёзади у.

Муаллиф Оллоҳга нидо қилади: «Илоҳо, у азиз ва фаол бандаларинг ҳурматиға бизга басират бер. Эшитар кулоқ, англар ақл бер... Эй Оллоҳи азимуш-шон. Бу магар сенинг ғазабингмидур?! Авф эт, биз инсонларни. Ҳидоят эт. Ер юзинда сулҳ ва силоҳи умумий ато айла. Инсонларға инсоният бер. Золимларни қаҳр эт, маҳв бўлсун зулм. Яшасун адолат ва ҳаққоният, омин...»

¹ Афсуски, журналнинг 1913 йил 20 августдан 1915 йил июнгача чиққан 1720 саҳифалик 68 сонининг тўла, мукамал комплектини топиш анча қийин. Олмон олимаси проф. И.Балдауф ҳам Москва, Ленинград, Хельсинки кутубхоналаридаги «Ойна» саҳифаларининг сукутли эканлигидан зорланган эди (қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 й., 21 май, 21-сон).

«ҶАС» ҳафталиги Ингеборг Балдауфнинг мазкур хотираларнинг олмонча таржимаси муносабати билан ёзилган «Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда» (1993, № 21) мақоласини эълон қилди. Муаллиф унда Бехбудий кузатишларининг ўзига хослиги ҳақида ёзган, адиб қалбини ўртаган энг катта дард — эрк ва маърифат эканлигини айтган. Дарҳақиқат, «Хотиралар»даги маърифий рух, изтироб тўла фикр-мулоҳазалар, муаллифнинг ташна нигоҳи сизни бефарқ қолдирмайди. Хусусан, Ватан туйғуси ифодаси уни бугун сиз билан бизга ҳаддан ташқари яқин қилиб қўяди. У Қуддуси шарифдаги Ҳазрати Довуд мақбарасини, Биби Марям ва Ҳазрати Исо калисоларини зиёрат қилар экан, тошкентлик ёш бир атторга дуч келади. «Дўкониға бир оз ўлтурдик, — ёзади Бехбудий, — мамлакатдан сўради. Қўлиға бир неча нусха «Ойна» ва «Туркистон харитасини» бердим. Аҳли савод экан. Тошканд шаҳрини кўрсатдим. Беихтиёр харита устиндаги Тошкандни ўпиб, кўзиға суртди. («Хуббул-ватани минал-имон».) Хусусан, ватан ва аҳли диёрни қадри мусофиратга маълум бўлур. Ҳақиқатан ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак». «Ойна» журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқига, тарихига, тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масалалари муҳаррирнинг ҳаминша диққат марказида бўлган. Бехбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билишни шарт ҳисобларди. Масалан, журналнинг 1913 йил август, биринчи — нишона сонидеяқ, «Икки эмас, тўрт тил лозим» деган мақола билан чиққан эди.

Фитратнинг журналда босилган мақолаларидан бири «Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдур» деб номланган. «Тушундигим замон кўнглум ёнар, йиғламоқ истарман, кўзёшларим келмайдур», деб бошланар эди мақола. Адиб тараққиёт ва турмушда Европадан ер ва осмон қадар узилиб қолган Туркистоннинг фожиали аҳволдан сўз очган эди. (1915 й., 7-сон.) «С.А.» имзоли кишининг «Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар» (1914 й., 35-сон) мақоласида бошқа тилларни ўрганиш қаторида ҳар бир миллат ўз тилининг муҳофазаси билан шуғулланиши шарт, деган фикр жуда кўп далиллар билан исбот қилиб берилади. «Агарда тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўша берсак, бир оз замонда тил ва миллиятимизни йўқотурмиз. Миллийтимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзи ила албатта, йўқолур», деб ёзади муаллиф ва «Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадур», деб хулоса чиқаради. Журналнинг 1915 йил 11–12-сонларида босилган Бехбудийнинг «Тил масаласи» мақоласида

тиллернинг ўзаро муносабати ҳақидаги баҳс давом этади. Улуғ маърифатчи тилларнинг бир-биридан ўринли луғат олишини табиий жараён деб қарайди. Энг бой тиллардан бўлган инглизчанинг ҳам «ўн минглар ила бегона луғатларни мажбуран олганлигини» далил қилиб кўрсатади ва масаланинг бошқа жиҳатига — ягона адабий тил, тил бирлигига диққатни қаратади.

Беҳбудий адабий танқидга катта эътибор берди. Навоийдан кейинги бир неча асрлик сукунатдан сўнг бу соҳанинг хос хусусиятларини тайин этиб, адабиётда унинг тенгҳуқуқлиги масаласини ўртага қўйди. «Танқид сараламоқдур» (1914 й., 27-сон) деб номланган эди унинг ушбу мавзуга бағишланган жиддий мақолаларидан бири.

Туркистон забт этилгач, руслар маҳаллий халққа «сартлар» деб ном бердилар. Н.Остроумовнинг бир китоби худди шундай номланганлиги ҳаммага маълум. Бу сўз, аслида турли вақтда турли этник қатламга, гоҳо социал қатламга нисбатан айтилган. 10-йилларда бу сўз атрофида яна баҳс кетди. Чунончи, Бухоро амирининг русчага таржимони Баҳромбек 1911 йилда «Шўро» журнаliga «Биз, Туркистон ва Бухоро халқининг турклиги маълум бўлиб туруб... на учун сарт атайдурлар?» деган савол билан муурожаат қилади. Журналнинг 19-сонида Беҳбудийнинг «Сарт сўзи мажҳулдур» деган жавоби босилади. 24-сонида эса самарқандлик Бақоҳўжа «Сарт сўзи аслсиздур» деган мақола билан чиқади. Бу билан баҳс босилгандай бўлади. Бироқ орадан 2—3 йил ўтиб, «Садойи Фарғона»нинг 1914 йил 30-сонида Мулла Абдуллабек деган кишининг «Сарт сўзи маълумдир» деган мақоласи босилади. Табиийки, Беҳбудий ундан қаноатланмайди, чунки унда мавзуга доир бирор янги гап айтилмагани ҳолда, «маълум» деб даъво қилинган эди. Шу сабабли Беҳбудий «Сарт сўзи маълум бўлмади» деган мақола ёзиб, «Садойи Фарғона»га юборади. Бироқ газета мақолани босмайди. Шундан сўнг муаллиф мақолани ўз журналида (1914 й., 39-сон) беришга мажбур бўлади. Журналда Беҳбудийнинг «Сарт сўзи мажҳулдур» мақоласи ҳам қайта босилган. Мақола ҳажман салмоқли, журналнинг бир неча сонида давом этган. Адиб ушбу калиманинг халқона этимологиясидан тортиб, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Абулғози Баҳодирхоннинг асарларигача, Н.Остроумов китобидан Д.Г. Логофетнинг «Бухоро хонлиги»ю Л.М.Будагов луғатларигача, И.И.Гейер «Саёҳатнома»ларидан А.Вамбери «Кундаликлар»игача, жадидчилик ҳаракатининг Аҳмад Заки Валидийдан Исмоилбек Гаспринскийгача бўлган намояндаларининг бу соҳадаги кузатишларини тўплаб, хулосалайди.

Адибнинг барча тарихий-илмий мавзудаги мақолалари син-

гари бу ҳам ўтмишга камоли эҳтиром ва эътиқод билан ёзилган. «Қабиласини(нг) исмини ва етти отасининг отини билмайдургонларни «кул»—«марқуқ» дерлар (1914 йил 23-сон, 340-бет), деб ёзади у. Бу сўз Ч.Айтматов туфайли «манқурт» шакли билан янги умрини бошлади. Бехбудий, миллат ўзини англагандагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалар билан тенг аралаша олади, деган фикрда бўлди. Шунинг учун ҳам тарихга алоҳида эътибор берди. «Ҳаёт ва мамот масалалари қадар муҳим бўлган неча масалалар кўзимиз олдиға турган ҳолда аларни эҳмол этуб, фақат сарт сўзи ила шуғулланиб, фурсатларни бўшқа ўткармоқлик яхши эмас», деб ёзади у. «Лекин,—давом этади, — ёвруполилар қошида миллият масаласи муҳим ва муқаддас тутилган бир замонда бизлар ҳам миллият масаласидан саналган «сарт» ҳақида гоҳ-гоҳ баҳс этуб, миллиятимизни хотирлаб турганда, зарар кўрмасмиз».

Умуман, Бехбудийнинг публицист сифатидаги фаолияти адиб истеъдодининг жуда ёрқин бир қиррасини ташкил этади. У ўз умри давомида юзлаб мақолалар ёзди. Ўзининг Миллат ва Ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини кўпроқ мақола ва чиқишларида ифода этди. Баъзилар унинг мақолалари ададини 200, бошқалар 500 деб белгилайдилар. Унинг барча ёзганлари ҳисоблаб чиқилмаган, ҳатто аниқланмаганлари қанча. Муаллифлар ўзларининг исми-шарифларини ўз газета-журналларида кўпда қўявермаганлар. Ҳар қандай ҳолда ҳам Бехбудий гоёт сермаҳсул қаламкаш эди. Муҳими шундаки, у XX аср бошидаги Туркистоннинг йирик сиёсий арбоби эди. Унинг Миллат ва Ватан тақдири ҳақидаги барча қарашлари, аввало, мана шу мақолаларида акс этган эди. Бу жиҳатдан унинг 1906 йил 10 октябрда «Хуршид» газетасида (6-сон) босилган «Хайрул-умури авсатуҳо» (Ишларнинг яхшиси ўртачасидур) мақоласи характерли. Бу мақола узоқ йиллар Совет тарих фани нуқтаи назаридан баҳоланиб, Бехбудийни қоралаш учун нишон бўлиб келди. Гап шундаки, Бехбудий ўша 1906 йилдаёқ социалистик таълимотни ва уни Русияда амалга оширишга бел боғлаган Ленин партиясини кескин рад этган Русия мусулмонлари иттифоқи («Иттифоқи мусулмин») ¹ни, қарашларида маълум яқинлик бўлган Кадетлар партиясини қўллади ². Унинг бу хусусдаги фикрлари устози Исмоилбек Гаспринскийнинг «Мазҳаби иштирокиюн»ни қаттиқ

¹ Русия мусулмонлари иттифоқи Русия мусулмонларининг 1906 йил 13–23 январда Петербургдаги 2-съезида тузилган.

² Русия мусулмонларининг 1905 й. Нижний Новгородда бўлган 1-съези кадетлар партиясига қўшилиш таклифи билан чиққан, 2-съездда эса бу қарор билан тасдиқланган (*Қаранг:* юқоридаги асар, 544-бет). 1917 йилда Бехбудий, Мунавварқори кўплаб Бухоро жадидлари қаторида кадетлар қарашидан ҳам қайтганлар (*Қаранг:* Заки Валиди Туган. Воспоминания, Уфа, 1994, 186-бет).

танқид қилган «Оврупо маданиятига бир назари мувозана» рисоласи ва «Дорур-роҳат мусулмонлари» романидаги мулоҳазаларга таянар эди. Беҳбудий ҳам ўз устози каби социализмни зўравонлик ҳисоблади, ижтимоий тенгликни адолатсизлик деб билди. Шахс манфаатдорлигида, миллат равнақида тараққиётнинг буюк омилини кўрди. Худди шу эътиқод уни Туркистоннинг мустақиллиги учун курашга етаклади.

Беҳбудий дарсликлари

Беҳбудий бир қатор дарсликлар ёзди. ЎзСЭ даги «Беҳбудий» мақоласи муаллифи марҳум С. Қосимов адибнинг 6 та дарслигини қайд этади: «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий география»), «Китобатул-атфол» («Болалар мактублари»), «Мухтасари тарихи ислом» («Ислоннинг қисқача тарихи»), «Мадхали жуғрофияи умроний» («Аҳоли географиясига кириш»), «Мухтасар жуғрофияи Русий» («Русиянинг қисқача географияси»). Шулардан биттасига — «Мунтахаби жуғрофияи умумий»га тўхтаимиз. Асарнинг тўла номи «Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия». 1905 йил 24 августда Санкт-Петербург цензурасидан рухсат олиниб, 1906 йил Самарқандда Г.И.Демуров матбаасида чоп этилган. 106 саҳифадан ташкил топган. Муаллиф бу «қадим фан»га тааллуқли «туркий, арабий, форсий, русий луғатларга тасниф бўлган ўттуз қадар қадим ва жадид кутуб ва расоили жуғрофия, ҳайъати риёзий, тарихий, табиий»лардан ва яна жуда кўп турлитуман маълумот-манбалардан фойдаланиб ёзганини қайд қилади (1-бет).

«Жуғрофия деган сўз юноний, луғати арабийга таърифи ард маъносига, яъни ер ва туфроқни баён қилатургон илми айтилур», — изоҳ беради муаллиф. Сўнг Беҳбудий унинг турларига тўхтайди.

Китобнинг дастлабки саҳифаларида жуғрофиянинг фан сифатида майдонга келиш тарихи, қадим Туркистон олимларининг бу соҳадаги хизматлари ёритилади, асарлари келтирилади. Муаллиф Шамсиддинбек Сомийнинг (1850—1904) 6 жилдлик машҳур «Қомусул-аълум» ва Исмоилбек Гаспринскийнинг «Туркистон уламиси» китобларидаги ҳужжат ва далилларга суяниб фикр юритган.

Бобларнинг бири: «Жуғрофияни ўқумоқ мусулмонларга лозимдур» деб аталган. Унда Ер ҳақидаги хурофий тушунчалар танқид қилинган. Чунончи: «Аммо ҳозирги жуғрофия илми, тажриба ва рўяти бошлариндан билинадурки, Ер курравий — юмалок, остига ҳўкуз, балиғ йўқ, атрофига девори йўқ ва Ер айланадур, ҳавога муаллақ турадур. Бизни назаримизга сокин ва аммо ҳақиқатда айланадур» (14-бет).

«Эски ва янги донишмандлар» фаслида қадим Батлимус (Птоломей)дан қолган геоцентризм ва унга қарама-қарши гелиоцентризм ҳақида гап кетади. Илми ҳайъатдаги «сабъайи сайёр», «тўққуз осмон» иборалари изоҳланади.

«Аҳли ҳайъати жадида, яъни янги ҳукамолар айтадурки, Офтоб дунёни ўртасига халқ бўлубдурки, Аторуддан бошлаб қадима беш сайёра ва янги топилган икки сайёра ва кўз ила кўрилмай, янгидан дурбин ила топилган уч юзга яқин сайёралар ва буларни ичиға биз устида турғон Еримиз Офтобни атрофига ҳар бири ўзиға тегишли доира — айланасига айланиб юрадурлар. Еримиз Офтобға нисбатан учланчи сайёра — юргувчи юлдуздур! Юргувчи юлдузларни ҳаммаси бенур ва ёруғликни офтобдан оладур» (22-бет) ўқиймиз китобда.

Муаллиф, шу тариқа, жуда содда қилиб осмон жисмларининг жойлашиш ва ҳаракатини тушунтириб беради. Буларнинг айримлари Қуръон ва Ҳадис хабарига рост келмаслигини ҳам айтади. Шунга қарамасдан, «Янги ҳукамолар осмондаги юлдузларни аҳволидин эскилардин кўра яхшироқ огоҳ бўлубтурлар», — деб ёзади. Чунончи, Ой, Миррих (Марс) ҳақидаги замондошлари маълумотларини жамлаб ва уларнинг қадим ҳукамога насиб этмаган аниқ ва пухта замонавий асбоблар ёрдамида тўпланганини таъкидлаб, «...ҳукм қиладурларки, албатта, Миррихда одам бор ва илм бизлардан зиёдадур!» деган фикрни илгари суради. «Мартабаи инсониятга ноил ўлмакға, ҳар бир инсонни жамияти инсониятга ва дини илоҳияға эҳтиёжи бор, — ёзади муаллиф. — Ушбу сабабдурки, инсонлар комил инсонларни қўл остиға жамияти башарияни барпо қиладурлар. Оллоҳ таоло анбиё воситаси ила қонуни шариат, хавфу қалбу рижо юборибдурки, анго дохил ва солиқ бўлмоқ лозим ва вожибдур. Динсиз дунёда яшамоқ инсоният ва маданиятдан эмас, ҳайвонийликдур. Динсиз мутамаддун (маданиятли) бўлмоқ муҳол (қийин)дур. Жамияти башарияни барқарор турмоқиға дин, шаръ (шариат), низом ва буларни бошқарувчиларга биринчи сабабдур. Бас, жамият илм, инсоф ва ҳунар сабаблари ила уч хил бўлинадурки, ваҳшоният, бадавият, маданият аталган. Ва буларни(нг) ҳар бирини яна бир неча синфға тақсим қилмоқ одамларни аҳволиға қараб мумкин бўладур».

Маърифатдан
сиёсатга

Бехбудий замонасидаги мавжуд идора усуллари ҳақида фикр юритиб, уларни учга бўлади:

1. Идораи мустақилла (идораи мутлақа—монархия).
2. Идораи маршрута (конституцияли парламентли ҳокимият).
3. Идораи жумҳурият (республика).

Лекин миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди. Бу Бехбудий кел-

ган биринчи хулоса эди. Унинг «Вақт» газетасида чоп этилган мақолаларидан бирида шундай мулоҳазаларни учратамиз:

«Бир мадрасага 20 талаба гапи ила бир ноаҳил мударрис сайланур. Бир волостда 40 нафар эл бошлариндан 21 нафарни садоси ила бир жоҳил қози сайланур ва Русия маъмурларина-да маъкул ўлур. Бир минг фақирнинг радду мудохаласи муътабар ўлмаз ва сўзлари эшитилмас. Ишта бизим Туркистон шаҳарларининг бу кунги қози, муфти ва мударрис ҳам имом ва ўзга руҳонийларининг юздан саксони, саҳро ва қарияларда ўланларининг ўндан тўққизи шўйла номуносиб кишилардан иборатдир»¹. Шу газетанинг ўша йили 4 ноябрда босилган «Дума ва Туркистон мусулмонлари» мақоласида эса чор мустамлакачилик сиёсати, хусусан, ўлкадан етмиш минг русдан олти депутат бўлгани ҳолда етти миллион мусулмонга беш ўрин ажратилгани ошқора танқид қилинади. Шуларга қарамасдан, Беҳбудий, истиқлол ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай зўравонликни рад этади. Унингча, зўравонлик гайриахлоқий, бинобарин, гайринсонийдир. Умуман олганда эса, мустақиллик учун кураш олиб борган боболаримиз, жумладан, жадидлар келажак ҳақида фикр юритар эканлар, истиқлолга эришиш борасида бир-бирларидан фарқ қилувчи уч йўлдан бордилар:

1. Русияга тобеликдан зўрлик йўли билан қутулиш, куч билан истиқлол олиш (Дукчи эшон кўзғолони, 1916 йил воқеалари, «босмачилик»).

2. Муроса йўли. Руслар ёрдамида маърифатга эришиш. Маърифат масалаларида ҳақ-ҳуқуқ олиш, *миллий хусусиятларни тиклаш* (Исмоилбек Гаспрати, Маҳмудхўжа Беҳбудий).

3. Ҳамкорлик йўли. Чор маъмурлари, сўнг эса Шўро ҳукумати билан бирга уларнинг дастурларида қатнашиш ва имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга олиш. Бунинг учун маълум тайёргарлик кўриб бориш (Мунавварқори, Ҳамза, Авлоний).

Беҳбудий ҳамиша халқ билан бирга бўлди.

Ватан тақдири кун тартибига қўйилган 1917 йилнинг 16–23 апрелида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг 150 вакили иштирок этган ўлка қурултойида ҳаяжонли нутқ сўзлади. Миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишга, буюк мақсад йўлида бирлашишга, иттифоқ бўлишга чақирди. Худди шу ихтилофимиз сабабли «мустамлакот қондаси ила бизни идора этурлар» деб очик айтди.

У ҳақ эди. Мустамлакачилар «50 йил илм-маърифатдан четда сақлаб келган»лари (Куропаткин) Туркистонни осонлик билан

¹ «Вақт» газетаси, 1907 йил 3 февраль.

қўлдан чиқармас эдилар. Фитна ва иғво тинимсиз давом этар эди. Шундайлардан бири 1917 йилнинг баҳорида Бухорода юз берган эди. Амир Февраль ўзгаришларини ҳисобга олиб, рус элчихонасининг маслаҳати билан ислоҳот эълон қиладиган бўлади. Ва бу фармонни ушбу элчихонанинг бошлиғи жаноб Миллер тайёрлайди. Ҳар хил англашилмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида собиқ генерал губернатор, эндиликда Русия Муваққат ҳукуматининг Туркистон комиссари Куропаткин топшириғига кўра Самарқанд ижроия қўмитаси Бухорога бир неча кишилик ҳайъат юборди. Улар орасида Бехбудий ҳам бор эди. 7 апрель ислоҳот эълони олдиндан мўлжалланганидек тантанага, тантана эса фожиага айланади. Амир ва ёшлар, муллалар ва жадидлар ўртасида ўтиб бўлмас чоҳ пайдо бўлади. Миллер бунинг айбини Бехбудийга қўяди. Фақат Миллер эмас, Тошкентда 9 апрелда бошланган Туркистон ишчи ва солдат депутатлари советларининг биринчи ўлка съездида айрим рус депутатлари Бухоро фожиасининг сабабини Самарқанддан «ўз ихтиёрлари илан» борган депутатларга тўнкайдилар. Миллатни ич-ичидан қайраш ва низо чиқариш изчил давом этади. Бехбудий мазкур съездда минбарга чиқиб бор воқеани тушунтириб берган ва бу ҳақда «Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат» («Хуррият» газетаси, 1917 йил 1 май) деган махсус мақола ёзган эди. Шу йил ноябрнинг 26-сида Қўқонда ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойи иш бошлади. 27 ноябрга ўтар кечаси «Туркистон мухторияти» эълон қилинди. Бу мустамлакадан мустақиллик томон қўйилган жиддий ва жасоратли қадам эди. Унинг маънавий отаси, шубҳасиз, Бехбудий эди. «27 ноябрда Қўқонда Туркистон мухторияти умумий мусулмон съездида эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсун! Камина ҳам мажлисда бўлушдан ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!»¹ — деб ёзган эди Бехбудий.

Муаллиф бу қадим оталар юртини унда яшаб турган барча қон-қариндош миллатларнинг бирлиги, ҳамкорлиги билангина сақлаб қолиш мумкинлигини теран англайди. Бутун вужуди билан Туркистонни бирликка чорлайди. «Бовурлар! — деб ёзади қозоқ биродарларига очиқ хатида, — билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Инчунин, мухторият-да олинур, лекин берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб, ғайрат ила олурлар. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлик қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига

¹ «Хуррият» газетаси, 1917 йил 19 ноябрь.

саъй қилмасак, албатта ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар. Бул, албатта шундайдур ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур... Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, ўзбек, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги, Қозоғистондаги ва Туркменистондаги барча мусулмонлар ва ҳамда мундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб, иттифоқ ила шу мухториятнинг амалга келишига саъй ва эҳтимол этмоғимиз лозимдур...

Чирогларим! Бошқа халқлар, масалан, серблар, итальянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошқалар ҳатто дунёнинг у бир учидаги қариндошлари ила бирлашур эканлар, бошқа катта ва қувватли давлатларга тобеъ бўлуб, ютилуб, ҳатто тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоқға жон ва кучларини сарф этар эканлар, биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак, уятдур, аҳмоқликдур. Турк томуриға болта урмоқликдур»¹.

Мухторият бой берилди. Уни оталаримиз сақлаб қололмадилар. У Советлар томонидан хоинона бостирилди. 19–20 февраль кунлари шаҳар тўпга тутилди. 10 мингта туркистонлик ўлдирилди, 180 та қишлоққа ўт қўйилди.

Беҳбудий изтироб билан майнинг бошида Самарқандга қайтади. У ерда тура олмай, Тошкентга келади. Туркистон рус совет ҳукумати раҳбарлари билан музокаралар натижа бермайди.

Орзулари чил-чил бўлган Беҳбудий 1919 йилнинг баҳорида — 25 мартда Шаҳрисабзда қўлга олиниб, сирли бир тусда Қарши шаҳрида қатл қилинади. Унинг қатли ҳақидаги хабар ўша пайтдаги пойтахтимиз Самарқандга роса бир йилдан кейин маълум бўлади. 1920 йилнинг апрелида бутун Туркистон мотам тутади. Ўнлаб марсиялар ёзилади. «Беҳбудийнинг сағанасини изладим» деб аталар эди Фитратнинг бир шеъри. Айнийда бир эмас, уч шеър бор.

Сани мундин буён Турон кўролурму, кўролмасму?

Санинг мислингни Туркистон тополурму тополмасму? —

деб бошланарди унинг шеърларидан бири.

Машҳур Чўлпон ҳам Беҳбудийнинг фожиали ўлдирилганига бағишлаб шеърлар ёзди.

Қарши шаҳри 1926–37 йилларда 11 йил Беҳбудий номи билан юритилди. Бироқ унинг асл қиёфаси халқдан сир сақланди. Адиб номининг абадийлаштирилиши шунчаки бир ниқоб эди. Қарши шаҳрига унинг номи қўйилган ўша 1926 йилдаёқ у мансуб бўлган


¹ «Хуррият» газетаси, 1918 йил 26 январь.

жадидчиликни аксилинқилобий, аксилшўровий ҳаракат сифатида қоралаш кампанияси бошлаб юборилган эди.

Б. А. Пясковский 1922 йилдаги «Инқилоб» журнали саҳифаларида эълон қилган «Ўзбек театри тарихи» мақоласида унинг майдонга келиши тарихи ҳақида фикр юритар экан, «Ўзбек театрининг асосини қўйиб берувчи самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбудийдир» деб ёзади, адиб номида Тошкентда маориф клуби, Самарқандда кутубхона ва драмгруппа, Туркистоннинг деярли ҳамма шаҳарларида унинг номига очилган мактаблар, Бухорода эса марказий босмахона борлигини таъкидлайди.

1929 йилда Қозонда босилиб чиққан «Ўзбек адабиёти» китобида эса «Ўзбек миллий адабиётининг негиз тошини Беҳбудий билан Фитрат қўйиб берди» (8-бет) деган эътирофга дуч келамиз.

Бу гаплар ҳақиқат эди.



АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

(1878–1934)

Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентда Мерганча¹ маҳалласида дунёга келди. Бобоси Мирнеъматбой асли қўқонлик ўқчи-ёйчилардан эди. Отаси Миравлон ака майда ҳунармандлик — туқувчилик билан шуғулланган. Пиёнбозорда (ҳозирги Навоий театри майдони), Ярмарка бозорида (ҳозирги Санъат музейи атрофи) бўз ва чит билан савдо қиларди. «Онамнинг оти Фотимадир»², деб ёзади адиб ўз таржимаи ҳолида.

Абдулла 7 ёшдан Ўқчидаги эски мактабда Акрамхон домлада савод чиқарди. 1890 йилда шу маҳалладаги мадрасага ўтди. Сўнг Шайхонтоҳурдаги Абдумаликбой мадрасасида Мулла Умар Охунда таҳсил кўрди. Аммо тирикчиликнинг оғирлашуви ўқишга имкон бермайди. «1891 йилдан бошлаб, фақат қиш кунларида ўқуб, бошқа фаслларда мардикор ишладим»³ — деб ёзади Авлоний. Кўп ўтмай, бу ҳам барҳам топди. У бутунлай ишга шўнғиб кетди. Ўзи айтганидек, «бинокор»ликни ўрганди, «ғишт қуйиш, сувоқчилик, печкачилик, дурадгорлик ишлари» билан машғул бўлди.

Адабиётга ҳавас унда шу йиллари уйғонди.

1900 йилда Авлоний тошкентлик савдогар бир хонадоннинг Саломатхон деган қизига уйланади. Шу йили отаси вафот этади.

Ҳозирги Миробод маҳалласи ўрнида Мирнеъматбойнинг боғ ҳомилиси бўлган. Тошкент босиб олиниб, Туркистон генерал губернаторлигининг марказига айлантирилгач, Миробод шаҳарнинг янги — «рус» қисмига қўшиб олинади ва турли иморатлар, корхоналар қуриш учун бўлиб берилади. Сапёрний, Госпитальный кўчалари пайдо бўлади. Миравлонбойнинг икки ўгли — Абдулла ва Мирсиддиқ ҳам шу ерда ҳовли-жой қиладилар. Сапёрлар кўчасида 70, 72, 74-уйлар қад кўтаради. Абдулла Авлонийнинг ўз кўли билан қурилган, жуда кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлган 74-уй кейинги йилларда шаҳарни қайта қуриш даврида бузилиб кетди.

¹ Мерганча маҳалласи ҳозирги Навоий кўчасида телевидение биноси атрофида булган.

² Қаранг: Миллий уйғониш. Т., «Университет», 1993, 108-бет.

³ Авлоний. Тошкент тинги. Т., 1979, 373-бет.



Абдулла Авлонийнинг оила аъзолари билан тушган сурати

1904 йилда Авлоний Мирободда усули жадид мактаби очади. 1907 йилда ўз ҳовлисида «Шухрат» газетасини чиқара бошлайди.

Газетанинг йўли аён бўлиши билан дўстидан душмани кўпайди. Натижада 10-сони чиқиб бекилди. Сўнгги 14 февраль 10-сонида «Данўси намима» (чақма-чақарлик) сарлавҳаси билан идоранинг бир хабари босилган. Унда шундай гаплар бор:

«Эшитилмиш хабарларга қарағонда ўз мусулмонларимиздан баъзи «данўсчи» намомлар пайдо бўлиб, газетамиздан «начальство»га «данўс» қилмак фикрида елка қилгон эмишлар...

Газетамизнинг маслаки миллий, бетараф сиёсий ўлуб, «умеренно-прогрессивная политическая» газетадур. Ёзгон мақолаларимиз ҳам ушбу маслакимиз ўлгон эътидол ва ҳаққоният доирасида ўлуб, нозир ва цензурлар тарафидан ҳақлик узра таржима қилинуб, тегишли маҳкамаларда кўрилуб турилибдур. Шул сабабли «начальство»нинг сизни(нг) «данўс»ларга ҳеч бир эҳтиёжи йўқдур».

Газетанинг ёпилишига қараганда, бу «данўс»ларга «эҳтиёж» бўлган кўринади. Ва, эҳтимолки, улар газетанинг тақдирини ҳал қилганлар. Авлоний газетанинг ёпилишини ўз таржимаи ҳолида «яширин ташкилотлар» билан алоқага, «Рафиқ Собиров» деганинг хиёнатига боғлайди.

Хуллас, газета ёпилди. Редакция асбоб-ашёлари, қоғозлар ва материаллар ҳаммаси мусодара қилинди. Лекин Авлоний бўш келмади. А.Бектемиров номига рухсат олиб «Осиё»ни чиқара бошла-

ди. Шоир таъкидлаганидек, бунинг идораси ҳам унинг уйида (Сапёрная, 26)¹ жойлашган эди.

Бу газеталар ўзбек миллий матбуотининг дастлабки намуналари бўлиши билан ҳам муҳим эди.

1914–15 йилларда адвокат Убайдулла Хўжаев² билан «Садойи Туркистон» газетасида ҳамкорлик қилади. Газетадаги шеър ва мақолаларнинг аксарияти Авлоний қаламига мансуб. Бу ҳол унинг тахририятдаги мавқеъ-эътиборининг анча баланд бўлганлигини кўрсатади. Лекин газета узоқ давом этмади. 66 сони чиқиб, моддий аҳволнинг танглигидан ётиб қолди³.

Умунан, Авлоний 1904–1905 йиллардан ҳам ижодий, ҳам амалий иш билан қизгин шуғулланди. Ўз шеърларини «Ҳижрон» тахаллуси билан эълон қилди. Мақолаларини эса «Мулла Абдулла», «Авлоний», «Абдулла Авлоний» номлари билан бостирди. Сўнграқ унинг кўп ишлатган лақабларидан бири «Индамас» бўлган эди.

1909 йилда «Жамияти хайрия» очди ва маҳаллий халқ болаларининг ўқиб билим олиши учун пул йиғиб, мактабларга тарқатди. Бу ҳақда ҳатто Оренбургдаги «Вақт» газетаси ёзиб чиқди.

1913 йилнинг охирида тошкентлик машҳур жадидлар-тараққийпарварларнинг ташаббуси билан «Турон» жамияти майдонга келди. Унинг муассисларидан бири Авлоний эди. Жамият қошида театр труппаси тузилди.

Авлоний труппаси саҳналаштирган биринчи асар Беҳбудийнинг «Падарқуш»и бўлди.

1914 йил 27 февраль Тошкентнинг 2000 кишилиқ муҳташам «Колизей» театри⁴ томошабинлар билан тўла. Галерея ва йўлақларда ҳам одам қайнайди... Саҳна очилади. Ўрта бўй, миқти, европача кийинган киши пайдо бўлади.

– «Муҳтарам жамоат! – гап бошлайди у. – Бугун Тошканд халқи ҳаётида тарихий кундир...» Нотиқ театр ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида сўзлайди. Томошабинлар унинг ҳар бир гапини берилиб тинглайдилар.

«Театру ўюнбозлиқ эмас! Масхарабозлиқ ҳам эмас, – давом этади у. – Театр бамисоли ойнаванд бир уйким, кирган ҳар бир

¹ Сапёрлар кўчасидаги бу ҳовли турли даврда турлича (№35–1907; №26–1910; №10–1919; №48, 56, 72, 74) рақамланган. 1988 й. 23 декабрда «Уй музей»га айлантирилди. 1991 й. 15 мартда бузилди.

² У.А.Хўжаев (1865–1938)–1900 йилда Саратов Адлия институтини битириб келган. 1909 йилда Лев Толстой билан хат ёзишган. 1914–15 йилларда «Садойи Туркистон»да муҳаррирлик қилган, 1917 йилда Туркистон мухториятининг ҳарбий ишлар вазир бўлган машҳур тараққийпарварлардан.

³ Зий Савд. Танланган асарлар. Фафур Фулом нашриёти. Т., 1974, 44-бет.

⁴ 1913 йилда Г. М. Цинцадзе (1868–1919) томонидан қурилган. Узоқ йиллар Свердлов номидаги концерт зали бўлиб турди. Ҳозир савдо биржаси жойлашган.

кимса ўз хусну қабиҳини кўра олур... Юзига ун суртиб масхарабоз шаклига кирган зотлар табиби ҳозикдирлар...» Нотик театрни ҳар бир халқ миллий тараққиётининг муҳим белгиларидан деб ҳисоблайди, рус француз, турк, татар, озарбойжон турмушидан мисоллар келтиради. У машҳур тараққийчимиз Мунавварқори эди.

Спектакль бошланди. У маҳаллий халқ турмушидан олинган, ерли ҳаваскор ёшлар томонидан қўйилган биринчи сахна асари машҳур «Падарқуш» эди. Спектакль декламацияга уланиб кетди.

Тараққийчилик тугён уриб турган «Оила мунозараси» тингланди. Халқ миллий куйларига солиб ёзилган, ижтимоий дард билан ёниқ қўшиқлар янгради. Ниҳоят томоша тугади. Кишилар театрдан олган таассуротларини қизғин муҳокама қилганча тарқалдилар. Шоир Тавалло бу тарихий воқеани завқ-шавқ билан ҳикоя этувчи шеър ёзди.

«Турон» ўз фаолиятини шундай бошлаган эди. Труппа ишида қардошлар ҳам иштирок этдилар. Жумладан, Авлоний таниқли татар режиссёри Заки Боязидский, машҳур озарбойжон санъаткори Сидқий Рухилло билан ҳамкорлик қилди. Масалан, труппанинг спектакларини Заки Боязидский сахнага қўйган эди. Сидқий Рухилло эса 1916 йилда Авлонийнинг таклифи билан Тошкентга келади ва шоирнинг уйида труппа кўмагида «Лайли ва Мажнун» спектаклини қўяди. Мажнун ролини Сидқий Рухиллонинг ўзи ўйнайди. Маллуни Авлоний ижро этади.


Труппанинг ғоявий-бадий раҳбари Авлоний эди. 1914 йилнинг 26 декабрида труппа «Туркистон» номи билан Фарғона водийси бўйлаб сафарга чиқди, бир қатор шаҳарларда гастролда бўлди. Агар сиз ўша йиллари чиқиб турган вақтли матбуот саҳифаларига кўз ташласангиз, труппанинг Қўқон (1915 йил 7 янв.), Наманган (21–24 янв.), Ўш (29 январь)да қўйган спектакллари ва уларда Авлонийнинг фаол иштироки, хусусан ижрочилик маҳоратига оид эҳтирос билан ёзилган мақолаларга дуч келасиз. Улардан айримлари театршунос М.Раҳмонов¹ ва адабиётшунос Ш. Ризаев² талқиқотларида келтирилган.

Адибнинг ўзи ушбу сафар муносабати билан ёзган «Саёҳат самараси» шеърида, «Андижону Марғилону Ўшу Намангану Хўқанд ёшлари»нинг «бир-бирлари билан сирдош» бўлиб, «миллий ишларга ташаббуслар» қилаётганларини, «интиҳоб (уйғониш) даври» келганини мамнуният билан тилга олган эди.

Авлоний труппа учун «Адвокатлик осонми?!», «Пинак», «Биз ва Сиз», «Икки севги», «Пўртугалия инқилоби» каби драмалар ёзди, «Қотили Карима», «Уй тарбиясининг бир шакли», «Хиё-

¹ Қаранг: М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи, Т., «Фан», 1968, 327–351-бетлар.

² Қаранг: Ш. Ризаев. Жадид драмаси, Т., «Шарқ», 1997, 63–71-бетлар.



А. Авлонийнинг «Пуртугалия инқилоби» драмасининг титул varaғи (кўлёзма)

наткор оиласи», «Бадбахт келин», «Хўр-хур», «Жаҳолат», «Ўликлар» каби саҳна асарларини татарча, озарбойжончадан таржима қилди. Афсуски, буларнинг ҳеч бири ўз даврида босилган эмас. Тўғри, уларнинг кўпчилиги бадиий заиф. Қораламага ўхшайди. Ҳатто шундай таассурот туғиладики, муаллиф бирор мавзуга зарурат сезгану, оёқ устида ёзиб қўя қолган. Бир нафасда, бир ўтиришда ёзган. Бу асарларнинг ўз даврида аҳамияти катта бўлган. Ундан айримлари 1979–1998 йилда нашр қилинди.

1916 йилда Тошкентда бўлган таниқли шарқшунос А. Самойлович «Колизей»да Авлоний таржима қилиб саҳналаштирган «Ўликлар» (Жалил Мамадқулизода асари)ни кўриб, ўз таассуротларини шундай ёзган эди:

«Тошкентнинг улкан «Колизей» театрида озарбойжончадан сарт тилига таржима қилинган «Ўликлар» пьесаси қўйилди. Ижро жуда яхши эди...»¹. Тўғри, Тавалло ёзганидек, театр «тараққийнинг хабари», «миллатнинг ҳаёт асари» эди. Лекин, умуман олганда, театрчилик ишлари осон кечган эмас. «Кимики саҳнада кўрсанг, ани жасорати бу!»² деганда Тавалло мутлақо ҳақ эди.

«1915 йилда маҳалла халқи домламиз «театрчи» бўлди», «масхарабоз бўлди», — деб мени мактабдан қувиб, Миробод маҳалласидаги бошланғич мактабни ёпдилар», — деб ёзади Авлоний ўз таржимаи ҳолида.

Иккинчи томондан ҳукумат сиқарди. Театрчиликнигина эмас, янги мактабни ҳам. «Усули жаид», «усули савтия» номи билан

¹ А. Самойлович. Драматическая литература сартов, Петроград, 1917, 3-бет.

² Тавалло. Равнақул-ислом, Т., «Фан», 1993, 53-бет.

тарихга кирган бу мактаблар аслида чинакам фидойилик намуналари эди.

Шуларга қарамай, Авлоний ижтимоий фаолиятда қизгин давом этди. Жумладан, унинг шу йиллари «Нашриёт», «Мактаб» каби ширкатлар тузишда бош-қош бўлганини эслаш кифоя. Адиб буларни кейинроқ ўз таржимаи ҳолида шундай изоҳлайди: «Бу вақтларда бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам ботинда Туркистон ёшларин сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди». Ушбу жамиятларнинг иштирокчилари, хусусан, Мунавварқори, шоир Тавалло, Низомиддин Хўжаев, Убайдулло Хўжа, ака-ука Саидазимбоевлар Туркистоннинг маълум ва машҳур кишилари эдилар.

Авлоний 1917 йил Февраль воқеаларидан кейин «Яшасин халқ жумҳурияти!» шиори остида «Турон» газетасини чиқарди. Газета ўз маслак-мақсадини «Мусулмонлар орасида кўп йиллардан бери давом ўлан умумға зўрлик, бидъат одатларни битирмак, келажакда бўладурғон жумҳурий идорага халқни тайёрламоқ» деб эълон қилди. Бироқ газета жуда катта қийинчиликлар билан дунё юзини кўради; 2-сонидаяқ Мирмуҳсиннинг бир мақоласи атрофида жанжал чиқади. Муҳаррирни вазифасидан четлатадилар, эскипараст уламолар матбаа эгаларининг уйларига вакиллар юбориб, «агарда сиз Авлоний газетасин матбаангизга боссангиз, ўлсангиз сизга жаноза ўқутмасмиз» деб кўрқитиб, газетани яккалаб қўядилар. Авлоний Тифлистан «Мулла Насриддин» матбаасидан ҳарф ва ҳарф терувчи олиб келади. Барибир йўл бермайдилар. Авлоний газетадан кетишга мажбур бўлади.

Газета бойқот қилинди. Бу ҳодиса катта шов-шувга сабаб бўлди. «Улуғ Туркистон» газетасида Андижон татар мусулмон «Жамияти хайрия»си номидан Ҳофиз Ямғулатов, ўзбек (турк) ёшлари номидан Абдулҳамид Сулаймоний (Чўлпон)лар имзо чеккан «Туркистон Протопоповлари» (Александр Дмитриевич Протопопов, 1917 йиллардаги Русия ички ишлар министри — Б. Қ.) деган кескин «протест» босилди. Оренбург ва Уфада чиқиб турган газета ва журналлар ҳам бу шармандали воқеани бутун тафсилотлари билан ёритган ва Мирмуҳсин билан Авлонийни ҳимоя қилиб чиққан эдилар.

1917 йилнинг апрель-май ойларида Туркистоннинг жуда кўп шаҳарларида маҳаллий меҳнаткашларнинг касаба уюшмалари ва ташкилотлари майдонга келди. Масалан, Тошкентдаги мингта яқин ўзбек ишчисини жипслаштирган бинокорлар (Усталар жамияти, ташаббускорлари: олмазорлик Очил Бобожонов, мерганчалик Султонхўжа Қосимхўжаев), қора ишчилар (охунгузарлик А. Абдурашидов), металлистлар союзи (Кулмат Холмуҳамедов) шундай-

лардан эди. Авлоний «1917 йилда Тошкентда ерли халқлар орасида бошлиқ бўлиб, «Ўқитувчилар союзи» ва бошқа бир неча рабoчий союзлар ташкил қилдим», — деб ёзади ўз таржимаи ҳолида.

Май ойидан уруш орқасидаги қора хизматга олинган мардикорлар қайтиб кела бошладилар. Уларнинг уюшмалари пайдо бўлди. Авлоний уларда иштирок этди. 6 июнда Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Советига сайланиб, Эски шаҳар озиқ-овқат комиссияси аъзоси қилиб тасдиқланди. Шу йилнинг 30 сентябридан 10 октябригача бўлиб ўтган ишчи съездига вакил сайланди. Бу ташкилотларда эсерларнинг таъсири кучли эди. Эсерларнинг ўзида ҳам келишмовчиликлар юз бериб, «сўл» гуруҳи ажралиб чиқди. Авлонийнинг инқилоб билан боғлиқ жўшқин шеър ва мақолалари, айниқса «Икки севги» номли драмаси унинг эсерлар ҳаракатига унчалик бефарқ бўлмаганини кўрсатади. Лекин эсерларнинг айна шу пайтлари Еттисувда қозоқ ва қирғизларнинг ҳосилдор ерларини тортиб олиб жойлашаётган рус муҳожирларини қўллаб-қувватлашлари маҳаллий зиёлиларни улардан совутди. Большевиклар эса бундан усталик билан фойдаландилар. Уларни ўзларига қўшиб олиб, вазиятга ҳоким бўлдилар ва пировард-оқибатда ҳокимиятни қўлга киритдилар.

Авлоний даврнинг мана шу шиддатли оқими измида борар эди.

Мактаб иши, халқ орасида маърифат тарқатиш Авлонийнинг 1917 йилгача бўлган фаолиятининг бош йўналишини ташкил қилди. У бу йўлда катта фидойилик кўрсатди. Шоирнинг Мирободда катта қийинчиликлар билан очган мактаби бутун Тошкентда довруқ қозонди. Лекин иш оғир кечди. Чор мустамлакачилик сиёсатини оғишмай амалга ошириб бораётган ўлка маъмурияти мактаб масаласида қаттиқ турди. Ҳар бир янги усулдаги мактабнинг ўқитувчиларигина эмас (уларнинг уй адресларигача талаб этилган), ўқувчиларнинг ҳам кимлиги, айниқса, дастур ва дарсликлар ҳамда уларнинг муаллифлари қатъий назорат қилинди. Авлоний шахсий архивида сақланиб қолган Сирдарё вилоят халқ мактаблари нозирининг 1914 йил 19 февраль 538 ҳамда 24 майдаги 1118 рақамли талабномалари (чамаси, бундай ҳужжатлар ҳар йили тўлдириб борилган) шундан дарак беради.

1908 йилда Авлонийнинг Мирободдаги мактаби ёпилди. Бунинг сабаблари кўп бўлиши керак. Авлоний, назаримизда, ўз таржимаи ҳолида шулардан биттасини тилга олади:

«Мактабимда ер, одамлар, тоғ-тошлар, дарё, осмон ҳақинда суҳбатлар ўтказмоққа ҳаракат қилганимни Миробод жоҳил кишилари билишиб, мени кофир бўлдинг деб, мактабимни ёпдилар...»¹

¹ Қаранг: А. Бобохонов, М. Махсумов. Абдулла Авлоний. Педагогик фаолияти, «Ўқитувчи». Т., 1966, 43-бет.

Адиб 1909 йилда Дегрез маҳалласида яна мактаб очади. Авлоний дарс бериш жараёнида очилаётган янги усулдаги мактаблар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган кўплаб дарсликлар яратиш заруриятини ҳис қилади. У ёзади: «Бизим Туркистон макотиби исломиясинда аввалдан охира қадар таълим ўлинажак китоблар: «Саботул-ожизин», «Фузулий», «Навоий», «Хўжа Ҳофиз», «Бедил», «Маслакул-муттақийн»лар каби шеър китоблари ўлдиғи жумланинг маълумидир. Бу китобларнинг баъзилари эътиқод ва амалиёти исломга тааллуқ мушкул масалалардан иборат ўлғонларидин ҳамда аксарлари форсий тилда ёзилғонлари учун ёш болаларнинг онлардан истифодалари, бир нарса англамоқлари имкон хорижинда эди».

Шунинг учун ҳам адибнинг 1909—17 йиллар давомида махсус мактаб болалари учун ёзилган ўндан ортиқ китоби майдонга келди. Унинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони» сингари дарсликлари, «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўплами 10-йилларда бир неча бор қайта босилиб чиқди ва Туркистоннинг жуда кўп янги усул мактаблари учун қўлланма бўлиб хизмат этди. «Муаллим афандилар ва адабиёт муҳиблари баним бу асари ночизоналаримни илтифотсиз қолдурмадилар. Туркистоннинг энг машҳур муаллимлари дарс жадвалина киритуб, майдони таълима қўйдилар»,—деб ёзган эди Авлоний мамнуният билан. Маълум сабабларга кўра, босилмай қолган «Учинчи муаллим», «Мактаб жўғрофияси», «Ҳисоб масалалари» сингари дарслик китоблари ҳақида ҳам адибнинг замондошлари жуда илиқ фикрларни айтадилар.

**Дарсликлар
яратиш йўлида**

Асримиз бошларида янги мактаблар учун тузилган алифбелар анчагина бор. Агар унинг рўйхати тузиладиган бўлса, бошида, шубҳасиз, Са-

идрасул Азизийнинг «Устози аввал»и билан Мунавварқорининг «Адиби аввал»и туради. Авлонийнинг «Биринчи муаллим»и ҳам ўзининг маълум ўрнига эга.

«Биринчи муаллим» 1917 йилга қадар 4 марта нашр этилган.

«Иккинчи муаллим» юқоридаги китобнинг бевосита давоми, «Алифбодан сўнг ўқутмак учун» ёзилган, «ахлоқий ҳикоялар, адабий шеърлар ила зийнатланган». Бинобарин, у дарслик-мажмуа. Китоб дастлаб 1912 йилда Тошкентда Фулом Ҳасан Орифжонов литографиясида босилиб чиқди.

1913 йилда Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари босилди. 1917 йилда иккинчи марта нашр қилинди. Китоб мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига дарслик сифатида ёзилган. Лекин асримиз бошларидаги ўзбек жадид маърифатчилигининг ноёб ҳодисаларидан бўлган бу асарнинг аҳамияти фақат

мактаб доираси билан чекланмади. У адабиёт ва ахлоқ ҳаваскорлари учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Асарда инсонларни «яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илм» — ахлоқ ҳақида фикр юритилади.

Ахлоқ, бу — хулқлар мажмуи. Хулқ эса, эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шакли. Бинобарин, ҳар бир хулқ эзгулик ва олижанобликнинг ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли. Шу жиҳатдан кишида хулқнинг у ёки бу кўриниши ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишдан ёмон бўлиб туғилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон қилади. Демак, ҳамма нарса тарбияга боғлиқ. Тарбия «ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидур».

Тарбия туғилган кундан бошланади ва умрнинг охирига қадар давом этади. У икки босқичдан — уй ва мактаб тарбиясидан ташкил топган.

Авлоний тарбиянинг доирасини кенг тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. «Соғ танда соғ ақл» деган ҳикматнинг бежиз эмаслигини яхши билади. Гапни, биринчи навбатда, боланинг соғлиғи ҳақида қайғуриш лозимлигидан бошлайди.

«Баданнинг саломат, қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўкумоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур».

Авлоний масаланинг фалсафий асосига кўчади. Жисм билан руҳнинг узвий бирлиги ҳақида гап очади: «Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўюб, астарини ювуб, овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур». Яна бир ўринда эса «бадан элак каби кўзлукдур» деган гап учрайди.

Жисм билан руҳ, шакл билан мазмуннинг узвий бирлиги ва уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири масаласи жуда муҳим ва мураккаб бўлиб, Авлоний уни асосан тўғри тушунади ва тўғри талқин қилади.

Болаларда фикрлаш иқтидорини ҳосил қилиш, фикр тарбияси бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг «диққатларига суялган, виждонларига юкланган» бўлиб, уларнинг «ёрдамига сўнг даражада муҳтож». Негаки, «фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги» муаллимга кўп жиҳатдан боғлиқ. Болаларнинг фикрлаши тарбиячининг ўзини фикрлаш ва интилиш доираси, савияси билан ҳам алоқадор. Бу хусусда адибнинг кескин мулоҳазалари бор.

XVIII аср француз маърифатчилари ақл ва онгнинг ролига жуда юксак баҳо берган эдилар. Жаҳон адабиётидаги маърифатчилик босқичи билан шуғулланган тадқиқотчилар бу давр Европа маданиятининг умуман ҳамма жабҳаларида унинг маълум даражада илоҳийлаштирилганлигини эътироф этадилар¹. Бу, табиийки, Европа мамлакатларида капитализмнинг ривожини, феодалпатриархал муносабатларнинг тараққиётга тўғаноқ бўлиб қолиши, жамият ҳаётида илм-фан ролининг бирдан кучайиб кетиши каби қатор омилларга боғлиқ эди.

XX аср бошларидаги Туркистонда ҳам шунга яқин шароит майдонга келди. Назаримизда, ўлкамизда 1905 йилдан кейин яққол кўзга ташланган фикрий уйғониш ва маданий кўтарилиш ўз моҳияти билан XVIII аср француз маърифатчилигига кўп жиҳатдан ўхшаш эди. Авлоний маърифатчилигининг илдизи ҳам шунга бориб тақалади. «Туркий гулистон...»да ақл ва илмнинг, маънавий-ахлоқий оламнинг фавқулудда эътирос билан улуғланиши адиб маърифатчилигининг бевосита мазмунидан келиб чиқади. Мана у нима деб ёзади:

«Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди яғонасидур. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидир...»

Муаллиф ўз фикрини янада аниқроқ ва равшанроқ англатиш учун шундай муқояса келтиради:

«Ҳайвонлар ўзларига бўлақлар тарафидин келадургон зулм ва жабрларни шох, тиш, тумшуқ ва тирноқлари ила қайтарурлар. Лекин инсон... ақл ва идроки соясида ўзига келадургон зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилуб, бўйнидан бойлаб, ипларининг учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур». Ҳукамолардан бири: «Ҳар нарса кўпайса, арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қиммат-баҳо бўлур», — демиш.

Адибнинг қарашларида Навоийнинг инсон ҳақидаги машҳур «инсон — хилқат тожи» нуқтаи назари (концепцияси)нинг таъсири яққол сезилиб туради. Унинг фикрича ҳам ақл фақат инсонгагина насиб этган сифатдир, жаҳоннинг зийнати оқил инсонлардир.

Юқорида Авлоний ақлнинг илм ва тажриба соясида камол топишига ишора қилган эди. Дарҳақиқат, булар узвий тушунчалардир. Илм ҳам «инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари нажоти», боринги, «дунёнинг иззати». У — «инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилат».

Муаллиф бу фазилатларни шунчаки қайд этмайди, унинг кон-

¹Қаранг: Проблемы просвещения в мировой литературе, «Наука», М., 1968.

крет ҳаётий, амалий аҳамияти устида ҳам тўхтаб ўтади. Унинг инсонни камолотга етказишда бош омил эканлигини атрофлича далиллашга ҳаракат қилади.

Илм эгаллаш эса ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. У ҳар бир кишидан муайян лаёқат ва қобилиятни талаб қилади. Чунончи, синчковлик, ҳар бир нарсага ибрат назари билан қарай олиш, саъй-ғайрат, шижоат кабилар шундай сифатлар жумласига киради.

«Инсон ибрат назари ила боқуб, дунё китобидан ўз қадр-ҳиссасини билиб олмаги лозимдур, — деб ёзади Авлоний. — Шунинг учун ақл соҳиблари, фатонат эгалари ўзларига фойдаси бўлса-бўлмаса, синчиклаб қарагон нарсаларидан бир ҳисса олмай қўймаслар».

Зийраклик, очиқ фикрли бўлишга интилишнинг ҳам аҳамияти катта. Булар ҳаммаси ёшлиқдан бошланади. Умр — ғанимат. Уни беҳуда ишлар билан ўтказиб юбориш жиноятдир. Адиб зеҳн ва идрокни қувватлантириш учун ўқиш-ёзишни ўрганишга улгурган ҳар бир болани ҳар хил китоблар, газета ва журналлар ўқишга ва шу орқали дунёнинг борди-келдисини англаш, у ҳақда фикр юрита олиш даражасига эришишга чорлайди.

Илм олиш риёзат чекишни, саъй-ғайратни талаб этади. Адибнинг образли ифодасига кўра, илм бамисоли бодомнинг ичйдаги мағиз. Уни қўлга киритиш учун меҳнат қилиш, чақиб пўчоғидан ажратиб олиш керак.

Авлонийнинг виждон ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Унингча, виждон — ақл ва тафаккур мезони. Умуман олганда, бундай ёндошиш виждоннинг аҳамиятини ва моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам беради. Лекин унда бир оз конкретлилик етишмайди. Виждон тарозисининг «ақл ва ҳикматга мувофиқ» ишларга «муҳаббат» қўйдириб, «қабоҳат ва ёмон» ишлардан «нафрат» эттириши аслида тўғри тушунтириш. Бироқ унинг тўғрилиқ даражаси яхши ёки ёмон деб номланадиган муайян ҳодисага нисбатан қўлланилгандагина конкретлашади. Адибнинг «яхши» ва «ёмон» тушунчаларини англашида эса маълум мавҳумлик йўқ эмас. У буларни талқин қилганда, кўпинча, ақлга мувофиқ келадиган, мувофиқ келмайдиган деган принципдан келиб чиқади.

«Агар аҳмоқ одам бўлса, ўз туғишган биродарингни ҳам севмаслигинг мумкин, лекин Ватанни, у қандай бўлмасин, севмаслик мумкин эмас. Аммо бу муҳаббат унинг мавжуд аҳволидан бир умр мамнунлик бўлиб қолмаслиги, балки уни мукаммаллаштиришга чанқоқ интилишдан иборат бўлмоғи лозим», — деган эди донишмандлардан бири.

Ватан туйғуси энг инсоний, энг муътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак. Ватан Онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш фарзанднинг бурчи. Авлоний Ватан ва унинг олдидаги бурчини шундай тушунади.

Фарзандлар ҳам ҳар хил бўлади. Онанинг бахтига шерик бўлиб, бахтсизлигида ёлғиз ташлаб кетувчи фарзандлар ҳам топилади. Ватаннинг ҳам фусункор табиатини, боғ-роғларини хуш кўрадиган, лекин ташвиш ва ғамларини ўйламайдиган фарзандлари йўқ эмас. Ватанни, у қандай бўлмасин, севиш керак.

«Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўллларини, эскимў(с)лар Шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб, ҳижрат қилурлар эди. Боболаримиз «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл», — демишлар».

Муаллиф ўз фикрини хилма-хил мисоллар билан асослашга ҳаракат қилади. Масалан, у шундай тамсилни келтиради. Айрим кишилар ўз ҳовли-жойларини, мол-мулкларини сотиб, Маккага зиёратга боришади. Ҳатто шуларнинг ҳам аксари яна ўз ватанларига қайтиб келадилар. «Бунинг сабаби, яъни буларни тортуб кетургон қувват ўз ватанлари тупроқларининг меҳру муҳаббатидур...», дейди.

Шоирнинг «Мактаб гулистони» (Т., 1916) га кирган шеърларида бу фикрлар давом эттирилган.

Сенинг исминг бу дунёда муқаддасдур,

Ҳар ким сенинг қадринг билмас — ақли пастдур, —

деб бошланар эди ундаги «Ватан» шеъри. «Ҳижрон сўзи»да эса она-юртнинг кўркам, бой ва улуғвор манзараси чизилади.

Бас, шундай экан, унинг учун жонларни фидо этмоқ керак:

Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,

Банго на ғам қолур, авлодима ўю ватаним.

Губор(г)а дўнса таним, йўқ вужуди зери ваҳм,

Чароки, ўз ватаним хокидур гўру кафаним.

Тилга, маданиятга муҳаббат эса ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббатидир. «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидир», — ёзади адиб.

Сўз – ноёб гавҳар. Унинг шарафи бениҳоя. Ҳар қандай қимматбаҳо гавҳар унинг олдида садаф ҳам бўла олмайди:

Сўз гуҳариға эрур онча шараф, –
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр»ида сўз таърифига бағишланган боб шу сатрлар билан бошланади¹.

Буюк мутафаккир сўз қудратига юксак баҳо берди, хилма-хил тамсил ва тадбирлар билан уни кўкларга кўтарди, тилни пўлат ханжарга, сўзни унга қадалган инжуларга қиёс қилди. Ёки мана бу муқоясаларга эътибор қилинг: Масиҳ (Исонинг лақаби) яхши сўз билан ўлганни тирилтиргани учун «жонбахш» лақабини олди. Сўз Халилуллоҳни ўтга ташлатди.

Энди бошқа бир мисол. Сиз гунча оғизлик, шакарлаб дилбар билан биргасиз. Унинг алвон ёноқлари юрагингизга ўт солади. Лекин сўлим дилбарнинг оғзидан бирор садо чиқмаслигини тасаввур қилиб кўрингчи?!

Сурат ила бўлса маҳи осмон,
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.

М. Ю. Лермонтовнинг:

У дилбар жанубнинг қизгин боласи
Сурган хаёл каби гўзалдир ғоят, –

деб бошланадиган бир шеъри бор. Унда баркамол соҳибжамол ҳақида гап кетади. Ҳассос шоир гўзалликни уйғунликда кўради. Унингча, ҳар жиҳатдан мукамал дилбаргина гўзалликда мумтоздир.

Ким изоҳ қилибди ҳусн нимаси:
Келишган кўкракми, хушбичим қомат?
Ё шаҳло кўзларми? Лекин гоҳо биз
Буларнинг ҳеч бирин ҳусн демаймиз.
Сўз билмас лабларни мумкинмас севмак;
Оташсиз нигоҳ у – ҳидсиз бир чечак!

Ажиб ўхшашлик. Баркамол инсон тушунчаси тамом бошқа муҳит ва даврда яшаган икки буюк шоирда деярли бир хил талқин қилиняпти. Иккинчи томондан эса, бунга ажабланмаслик керак, чунки умуминсоний ғоялар давр ва муҳит билан чекланиб қолмайди. Табиийки, сўз ҳали ўзлигича ҳеч нарса англамайди. У муҳим ва керакли маънони англагандагина маълум аҳамият касб этади.

¹ А. Навоий. Ҳамса, ЎзФА нашриёти, Т., 1960, 33-бет.

Мутафаккир адиблар масаланинг бу жиҳатини ҳеч қачон диққатдан четда қолдирмаганлар. Ҳатто сўз таърифи ҳақида гап юритганларида ҳам унинг муайян яхши ҳамда фойдали мазмун англашишини кўзда тутганлар.

Авлоний ҳам сўзнинг инсон қадр-қимматини белгилашдаги ролига умуминсоний қарашлардан келиб чиқиб баҳо берди. Сўзнинг маъносига алоҳида диққат қилди. Тил ва сўз одоби ҳақидаги умуминсоний фикрларни давом эттирди: «... сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадургон тарозудир. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўздан билурлар...»

«Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлуб, ўзига ёки эшитувчига бир фойда чиқадургон бўлмаса, асаларилар орасида гўнғиллаб юрган қовоқари каби қуруқ гўнғилламоқ, фақат бош оғриғидан бошқа бир нарса эмасдир. Бошимизга келадургон қаттиқ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келадур. Шунинг учун «кўп ўйла, оз сўйла» демишлар».

Инсонни безайдиган сифатлар кўп. Чинакам инсон ялқовлик ва дангасаликни ўзига номус деб билади. Ёшлигидан илм-маърифатга, хунар ва санъатга меҳр қўяди. Меҳнатнинг айби йўқ. Қора ишчи билан олимнинг заҳмати кўринишдагина ҳар хил. Уларнинг иккиси ҳам меҳнат. Меҳнат билан кун кечириб эса буюк саодат. Аксинча «...бу — кўмурчилик, бу — темирчилик — менга муносиб иш эмас, деб дангасалик қилуб, ишсиз юрса, зўр айб, ғайратсизликдур...»

Инсон моддий неъматларни яратишдан ташқари, уларнинг қадрига ҳам ета билмоғи даркор. Булар ўзаро жуда яқин, бири иккинчисидан келиб чиқадиган тушунчалардир. Кимки бир парча нонни меҳнат билан топса, унинг қадрига ҳам етади. Авлоний уларнинг ҳаммасини иқтисод мафҳуми билан беради. Унингча, «иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтидур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саховатнинг зидди бахиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исрофдир...»

Чопар ҳаётини таҳликага қўйиб тоғу тошлар, қир ва чўллар ошади. Хабарни етказди. Чопар олиб келган хабар, эҳтимол, мудҳиш бўлиши мумкин. Шунда ҳам ақл эгалари уни ўлдирмайдилар. Чунки у ҳақиқатни етказди. Авлоний «Ҳаққоният» деб аталган бобда юқоридаги мисолни ибрат қилиб келтиради. Ростлик ва тўғрисўзликни инсоннинг энг инсоний сифатларидан бири деб билади.

Ҳаё, ифбат — ўйлаб чиқарилган тушунчалар эмас. У асрлар бўйи инсон тушунчаси билан биргаликда шаклланган. Авлоний

ҳаё деганда «ишда, сўзда адабни риоя қилмоқ»ни тушунади, уни инсонийликнинг муҳим белгиси деб билади.

Ҳамма нарсанинг маълум бир меъёри бор, албатта. Инсоний виқорни суиистеъмол қилиш кишини такаббурликка олиб келиб қўяди. Ҳаддан ошган юмшоқ кўнгиллик — ҳалимлик кишини хор қилади. Камтарлик эса хокисорликка элтади. Бу ерда ҳам шакл ва мазмун мутаносиблигининг темир қонуни ўзига хос ҳолда намоён бўлади. Чинакам инсонлик виқори кишида олимлик, фозиллик ва юксак одоб жамлангандагина намоён бўлади. Иккинчи томондан эса, ҳар бир хулқдаги меъёрни ҳис қилиш, ўз феъл-атвори, хатти-ҳаракатининг инсоният қонунларига монанд бўлишига эришишнинг ўзи юксак ахлоқ ва фозиллик белгисидир.

Авлоний хулқ ҳақида умуман гапириб қўя қолмай, унга конкрет ёндашишга ҳаракат қилади. Адибнинг диққат марказида ҳаммиса умуминсонийлик мезони туради. Бу мезон исломий ахлоққа суянади ва у кишиларни шу пайтга қадар ота-боболаримиз тарбиясига хизмат қилиб келган турмуш қоидалари билан боғлайди.

Шундай тушунчалар бор, уларнинг номини эшитганингиздаёқ борлигини илик ва ёқимли ҳислар чулғаб олади. Улар бўлмаганида ҳаёт зулматдан, тирикчилик ваҳшиёна кун ўтказмоқдан иборат бўлиб қоларди. Муҳаббат, садоқат, хайрихоҳлик, олижаноблик кабилар ҳаётга нур, умрга мазмун бахш этади. Инсоннинг шарафли мавқеида буларнинг ўрни алоҳида.

Муҳаббатнинг қамрови кенг. Ватанга муҳаббат, халққа муҳаббат, дўстга муҳаббат, ёрга муҳаббат... Лекин унинг мазмунида бир нарса жуда аниқ. Муҳаббат кимгадир, нимагадир чанқоқ бир интилиш. Уни ўзининг жон-жаҳони деб билиш, бутун борлигини унга бахшида этиш туйғуси билан ёниш. Уни бахтиёр ва шодон этмоққа бўлган буюк иштиёқ. У саҳрони бўстонга айлантира олади, тошдан гул ундирарди. Авлоний «Муҳаббат» деб номланган бобни шундай сатрлар билан бошлайди:

«Муҳаббат деб бир нарсани суймакни айтилар. Дунёдаги инсонлар меҳр ва муҳаббат соясинда яшарлар. Ҳар бир ишни муҳаббат орқасидан ишларлар. Муҳаббатсиз кишилар ҳеч бир ишни ишламакга ғайрат ва жасорат қилолмас, дунё неъматидан лаззат ололмас. Агар бир шогирд илм ва муаллимни суймаса, иштаҳо ила ўқумаса, мақсудга етолмас. Ер юзидаги инсонларни урушма-талашларга қовушдирғон, сийналарини душман ўқиға нишон қилдурғон нарса дин ва миллатларининг, ватан ва давлатларининг муҳаббатидур. Кишини(нг) кеча ва кундуз тиндурмасдан қул каби меҳнат ва машаққатларига кўкрак беруб ишлатадурғон нарса ватан ва бола-чақаларининг меҳру муҳаббати эмасми?!»

Кишиларни яхшиликка ундаш, ёмонликдан қайтариш, дунёдаги барча инсонларга эзгулик истаги билан янаш чинакам олижанобликдир. Одамлар умр бўйи бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Ўзаро ёрдамга, ҳамкорликка ҳожат сезадилар. Шундай экан, хайрихоҳлик, олижаноблик инсонлар ҳаётида катта аҳамият касб этади.

Кишилар феъл-атворларига, орзу-интилишларига кўра бир-бирларига яқинлашадилар ёхуд узоқлашадилар. Яхшилик дўстликни вужудга келтиради. Агар бу дўстлик маслак ва манфаатлар бирлиги асосига қурилса, мустаҳкам ва самарали бўлади. Умрни хуш ва мазмунли ўтказиш учун бундай дўстлик жуда керак.

«Мунислик деб ҳар ким ўз тенгги, маслакдошини топуб, улфат бўлмакни айтилу. Дунёнинг лаззати содиқ дўстлар ила суҳбат қилмакдан иборат», — деб ёзади Авлоний.

Дўстлик дейилганда, ҳамиша садоқат кўзда тутилади. Негаки, бу тушунчалар бир-бирига бениҳоя яқин. Адиб садоқатни шундай таърифлайди:

«Садоқат бир файзи маънавийдурки, у файздан ҳиссасини олмак ҳар бир кишининг муқаддас вазифасидур...»

Улуғ Навоий «Ҳайратул-аброр»ида ёзади:

Ҳар кишига етса фалакдин ғаме,
Бўлмаса ҳамдарди анинг ҳамдами.

Рози лабин тиккон ипин сўкмаса,
Ҳарнеки кўнглида эрур тўкмаса.

Дард ёқиб шуълаи нобудини,
Чархдин ўткаргай анинг дудини.

Тиғи бало кўксини чок айлагай,
Дард они бир дамда ҳалок айлагай...

Бас, кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш.

Демак, дўстлик биринчи навбатда, ҳамдардлик, ҳамкорлик, ҳамдастлик. Дўстлик ўз вафоси, садоқати билан мустаҳкам. Навоий буни ҳайратомуз тамсиллар билан берган эди. Масалан, вафосиз ёр—зиёсиз шам; зиёсиз шам — муз сумалак каби.

Инсон учун ёлғизлик энг оғир жазо. Сўққабош ҳеч қачон бахтиёр бўлган эмас. Бир қўлдан ахир қачон садо чиққан? Ёлғиз кишининг ҳаёти ғамдангина иборат. Тоқ кишининг маишат уйи вайрон—бутун бир уйни ягона устун кўтариб турганини ким кўрган? Бургутнинг бир қаноти синса, қанча тез учмасин, ҳаёти лаҳзадан ошмайди. Буюк мутафаккир мана шундай қиёсларда дўстликнинг

ҳаётӣ асосларини аниқ ва тиниқ деталлар билан кўрсатиб берган эди.

Абдулла Авлонийнинг ахлоқий қарашлари мумтоз адабиёти-мизнинг бой заминиди шаклланди. Унинг дўстлик ва садоқат ҳақидаги фикрлари адабиётимиздаги ахлоқий қарашларнинг тадрижий давоми эди.

«Илми ахлоқ юзасидан чин дўст ва ёри содиқ ила улфат қилмак лозимдур. Чунки баъзи касалларнинг юқиши бўлгонига ўхшаш нодон ва аҳмоқ кишиларнинг урфу одатлари ва ёмон хулқларининг таъсири, сирояти юқиши муқаррардур. Баъзи дўст суратида кўринмиш иккиюзлама, мунофиқ душманлар ҳам кўп бўлурлар. Шунинг учун ҳар бир кишига синамасдан, билмасдан дўстлик қилмак, сир айтмак зўр ақлсизликдур. Чин дўст бўлган киши бошингга кулфат ва қайғу келган вақтларида сан билан баробар қайғурур, хотирангдаги қайғунгни бўлушуб олур. Сирингни ноаҳил ва нодон кишиларга айтмас, айбингни орқангдан сўзламасдан юзингга айтур. Шодлик вақтингда сан билан баробар шодланур. Ёлгон дўст сандан бир фойда умидида ёки ўз бошига келган зарарни қайтармак учун мунофиқона дўстлик қилур. Сирингни ноаҳил кишиларга сўзлаб, қадр эътиборингни поймол қилур. Бундай кишиларга дўст бўлмакдин дўстсиз (ўтмоқ) яхшироқдур».

«Туркий гулистон...»да «Ёмон хулқлар» деб номланган бўлим бор. Унда кишиларга хос 18 қусур ҳақида гап кетади. Муаллиф наздида уларнинг аксарияти учун хос бўлган хусусият жоҳилликдир. Шу боисдан адиб танқид тифини асосан жаҳолатга қаратади. Уни инсоният учун энг катта иллат деб билади. Фазаб — шақоват, бузуқлик—сафоҳат, ҳамоқат, ялқовлик—атолат, хасислик—хасосат, танпарварлик—раҳоват, тақаббурлик—анонийят, ҳасад, ёлгончилик—кизб, нифоқ, тама кабилар кўпинча шундан келиб чиқади.

Жаҳолат, содда қилиб айтганда, илмсизлик, нодонликдир. Ундай киши фикрлашдан, мушоҳададан маҳрум бўлади. У моддий қанчалик бой, сарватдор бўлмасин, маънавий шунчалик тубан ва қашшоқ. Муҳтожлик—мусибат, бироқ жоҳиллик мусибати ундан даҳшатлироқдир. Авлоний жаҳолатни қоралар экан, у ҳақда айтилган кўпгина маълум ва машҳур фикрларни мисол қилиб келтиради:

«Сукрот ҳаким: «Дунёда энг ҳазар қилинадурган иллат жаҳлдур. Мен жоҳилга ачинганимдек кўрга ачинмайман, зероки жоҳилнинг ўз ихтиёри ила қилгон ҳаракати аъмонинг ихтиёрсиз қилгон ҳаракатидан менинг назаримда хунук», — демиш.

«Афлотун ҳаким: «Жоҳилнинг яхши нияти фозилнинг хусу-

матидан зарарлироқдур. Инсон энг юқишлик бир касалдан сақланган каби жоҳилдан ҳазар қилмак лозимдур», — демиш.

Адиб бу фикрларнинг маъносини чақишга, ундан хулоса чиқаришга, авлодларни «жаҳолат ва нодонлик балоларидан қутқармоқ учун «жон борича», «куч еткунча» «чолишмоқ»қа чорлайди. Жаҳолатнинг ҳам икки тури бор, — дейди муаллиф. — Бири — жаҳли басит, иккинчиси жаҳли мураккаб. Биринчиси у қадар даҳшатли эмас. Улар бир нарсани билмасалар, билмасликларини эътироф қилдилар. Унинг давоси у қадар қийин эмас: астойдил кунт қилинса, масала ҳал бўлади. Иккинчиси — ёмон. Улар бир нарсани билмайдилар ва бунга иқрор ҳам бўлмайдилар. Уларни халқ «ўзи билармон» деб атайти. Ҳамоқат шунинг бир кўриниши. У ақл ва маърифат камлигидан ҳосил бўлади. У жаҳолатдан ёмонроқ. Чунки жоҳилда биргина нодонлик бор. Аҳмоқда эса неча ақлини алдайдиган ёлгон-яшиғ сўзлар бор. Уларни ҳеч бир ишда на ақлий, на нақлий далиллар билан кўндириб бўлади. Дарҳақиқат, бу давоси мушкул бўлган иллатдир!

Лекин давосиз дард йўқ. Унинг ягона дармони ақл ва фикр. Инсон ўзини қўлга олиб, нафсини жиловлаб, ён-атрофига ибрат назари билан боқса, саъй-ғайрат қилса, ундан халос бўла олади. Авлоний мана шундай оптимистик хулосага келади.

Ғазаб инсондаги табиий туйғу, «махсус бир қувваи мудофаа». У шу орқали ўз номусини четдан келадиган зарар ва ҳалокатдан сақлайди, лекин уни жабр ва зулм тариқида ишлатмоқдан эҳтиёт бўлиш лозим. Нафс ғуруридан пайдо бўладиган бу ҳол инсонни аламли азобларга гирифтор қилиши мумкинки, у худди шу нуқтада жаҳолат тимсолига айланади.

Адиб ғазабни физиологик-психологик асосларда кўрсатиб беришга ҳаракат қилади: «... шиддат ва ҳароратнинг таъсири вужуддаги қонни бузуб, ҳаракат қилдуруб, димоғига ҳужум қилуб, ақлни паришон қилур-да, кишини(нг) ихтиёрини қўлдан олур. Бу сояда ўзини ёхуд бошқа кишини ҳасрат ва надоматга дучор қилур».

Авлоний ҳар бир ҳолатда ҳам оқилона иш тутишга чақиради.

Дангасалик, ялқовлик — кишилар бахтини шикастловчи катта офат. Бахт учун эса курашмоқ, ғайрат ва шижоат билан «чолишмоқ» керак. Табиийки, ҳаракат ва меҳнатнинг самараси бирданига кўриниб қўя қолмайди. Лекин инсон саъй-ҳаракатда, сабот ва матонатда завқ-шавқ билан давом этмоқдан бир дам бўлсин чекинмаслиги лозим. Улар, албатта, самара кўрсатади. Ахир дарахт ҳам тўрт-беш йиллик меҳнатдан сўнггина ҳосилга кирдику! Шогирд-чи? Маънавий саодат фақат ғайратли ва меҳнаткаш кишигагина насиб этади. Ибн Сино айтганидек, ғайратсиз киши тирик ўликдир. Ўликлар эса, тириклар орасида эмас, тупроқ ора-

сидадир. Ҳа, Белинский айтмоқчи, «Яшамоқ фалон йил еб-ичмоқ, мансаб ва пул учун солишмоқ, бўш вақтларда эса, мудраб пашша қўримоқ ва қартавозлик қилмоқдан иборат эмас. Бундай ҳаёт ҳар қандай ўлимдан ҳам ёмон, бундай одам эса ҳар қандай ҳайвондан ҳам тубандир... Яшамоқ бу ҳис этмоқ ва фикрламоқ, изтироб чекмоқ ва роҳат қилмоқдир. Булардан бошқа ҳар қандай ҳаёт ўлимдир. Бизнинг туйғу ва тафаккуримиз қанчалик катта мазмунни қамраб олса, изтироб ва роҳатланиш қобилиятимиз қанчалик кучли ва теран бўлса, демакки, биз шу қадар кўп яшаймиз. Бундай ҳаётнинг лаҳзаси майда-чуйда ишлару икки пуллик мақсадлар билан руҳсиз мудраб ўтказилган юз йилдан аҳамиятлироқдир»¹.

Китобдаги дангасалик ва ялқовликни қораловчи «Атолат» ва «Раҳоват» бобларида умрни ана шундай мазмунли қилишга интилиш кераклиги ҳақида гап кетади.

Ҳасисликни ҳеч ким алқаб тилга олган эмас. Халқ оғзаки ижодида бу ҳақдаги ҳажвиялар сон-саноқсиз. Ёзма адабиётда ҳам улар истаганча топилади. Фирдавсийнинг буюк «Шоҳнома»сида Бераҳам номли бир персонаж бор. У меҳмонни уйга киритмайди. Киритганда ҳам — бу дунёнинг ишлари шунақа, биров овқат ейди, иккинчиси эса томоша қилади, — дейди-да, оч меҳмон олдида овқатланишга тушиб кетади. У меҳмон эса шоҳ Баҳром эди. Шундан Муқимийнинг зикна гумаштасига қадар уларнинг қанчадан-қанча салбий тимсоллари яратилди. Сахийлик ва бахиллик муқоясаси адабиётнинг доимий масалаларидан бўлиб келди. Мана шу анъаналар руҳида тарбия топган Авлоний ҳасисликни жуда содда, аниқ ифода ва деталлар ёрдамида ўқувчига етказишга уринди.

Ипак қўртининг тақдирини кўз олдингизга келтиринг. У пилла ичида ўралиб, ҳаётини маҳв этади. Қанчалар машаққат билан ҳосил бўлган ипак бошқаларга насиб этади. Умрини мол-дунё ҳирси билан ўтказган инсонлар тақдири ҳам худди шундай, дейди адиб.

Шундай бир иллат бор, темирдаги зангга ўхшайди. Занг темирни еб ишдан чиқарганидек, у ҳам қалбни изтиробга солади, сўнг барбод этади. Бу адоватдир. Бу дарахтдан фақат хусумат мевалари етишади. Оқил инсонлар уни вақтида кесиб ташлаб, меҳр, дўстлик новдаларини улайдилар ва ундан муҳаббат, улфат мевасини олишга муваффақ бўладилар. Авлоний адоватни шундай тунтирган эди.

Муаллиф намимат—чақимчилик, ғийбат, ҳасад, кизб—ёлғончилик, нифоқ—иккиюзламалик ҳақида алоҳида-алоҳида тўхтала-

¹ В. Г. Белинский. Адабий орзулар. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1977, 97-бет.

ди ва уларнинг инсонлар ҳаётидаги зарарини атрофлича кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Гийбатчи ва чақимчи кишиларни Авлоний бузоқбошига ўхшатади. Бузоқбоши дарахт илдизини кемириб қуритгани каби чақимчи ва гийбатчилар ҳам кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббатни емирадилар. Донишмандлардан бири айтганидек, «мол ва ашё ўғриларида кўра кўпроқ одамлар орасидан дўстлик, улфат, муҳаббатни ўғирлайдиган одамлардан сақланмоқ лозим».

Авлоний гийбатчилик ва унинг оқибатини шундай таҳлил этади. «Инсон бошқа гуноҳларни нафснинг лаззати учун қиладур. Аммо гийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бир бошқа кишининг бошига бало ҳозирлайдур. Чунки сўз боруб, гийбат қилинмиш кишининг қулоғига етар. Ҳазаб қони ҳаракатга кирар. Гийбатчилан ўч олмак фурсатини пойлар. Шундай қилуб, гийбат соясида икки муслмон орасига зўр душманлик тушар. Охири ўлумгача боруб тиралур. Шул тариқа, гийбатдан туғулгон адоват чўзулмоқға оид бўлуб, душманлик зўраюб, ўз ароларидаги хусусий жанжаллар-ла азиз умрларини ўздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадурғон миллий ишлардан маҳрум бўлмақлариға сабаб бўлурлар».

Ахлоқ илмининг алломалари ҳасад ҳақида ғоят диққатга сазовор фикрлар билдирганлар. Авлоний шулардан характерлиларни тўплаб, китобида келтиради, изоҳлайди. Ҳасад ва унинг зарарини кўрсатишда улардан унумли фойдаланади. Жумладан, уларнинг бири ҳасадни оташга ўхшатган экан: «Оташ ўзидан-ўзи ёнуб кул бўлгони каби ҳусудларнинг жасади ҳасад ўти ила эруб, маҳв ва барбод бўлур».

Сукротдан эса қуйидаги гап келтирилади: «Ҳасадчи киши бир он ва бир замон роҳат ва фароғат юзини кўрмас. Дунёда қанча меҳнат ва мусибат бўлса, барчаси ул бечорани ўраб олмишдур».

Арастунинг фикри ҳам жуда ибратли: «Дунёда ҳаммадан ҳосиднинг юки оғирдур, чунки ул бечора бутун дунёдаги шод ва масрур одамларнинг қайғуларини ўз устига юклаб юрийдур».

Асарнинг ширали тили, келтирилган хилма-хил мақол-ҳикматлар, равон, таъсирчан услуб уни ўша даврдаги кўпгина таълимий-ахлоқий асарлардан ажратиб туради. У, айтиш мумкинки, ўзига хос бадиий асар ҳамдир. Авлоний дорини асалга қўшиб беморга егизган табибга ўхшайди. Ўзининг ахлоқ ва таълим, борлиқ ва жамият ҳақидаги қимматли фикрларини ўқувчига нафис ва гўзал либосда тақдим қилади. Баъзан ҳайратомуз образли иборалар, чиройли лирик, эпик парчалар келтириб, китобхонга эстетик завқ ҳам етказди. Ундаги ибратли, мазмундор, айни пайтда, ихчам ҳикоялар китобхоннинг хотирасида узоқ сақланиб қолади. Бу ерда биз шулардан фақат биттасини келтириш билан чеклана-

миз. Бу «Назари ибрат» бобидаги «Луқмон ва кўр» ҳикоясидир. Мана ўша ҳикоя: «Бир кўр ҳазрати Луқмоннинг олдиларига келуб, агар кўзимни очсангиз, ман сизга қул бўлурман, демиш. Ҳаким кўрни(нг) маърифат соҳиби эканин билуб, «Жоним, кўзингни пардасини очмоқ мумкин, лекин назари ибратни очмоқ қўлимдан келмайдур»,—демишлар. Кўр: «Ё Луқмон! Сизнинг шуҳратингиз фақат парда очмоқдан иборат бўлса, сизни ҳаким демай, табиб демак лозим экан»,—деб ҳазрати Луқмоннинг ибрат кўзини очмишдир».

Шарқ адабиётида ахлоқ ва одоб фавқуллода катта ўрин эгаллайди. «Адабиёт» мафҳумининг ўзи ҳам одоб сўзига бориб тақалиши бежиз эмас. Шарқда бу мавзуга тўқинмаган шеър аҳлини топиш қийин. Ёзма адабиётимизнинг биринчи йирик намунаси «Кутадғу билиг» ўрта асрнинг ахлоқ қомуси эди. Алишер Навоийнинг бу масалага қанчалар эътибор берганлиги ҳаммага маълум. Шарқда ахлоқ илмининг буюк алломалари етишиб чиқдилар. Саъдий Шерозий шундай буюк рутбага мушарраф бўлганлардан эди. У ўзининг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари билан бадий ижодда янги бир йўл очиб берди...

Авлоний ўз асарини яратишда Шайх Саъдий изидан борди. Китобнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» деб номланганлиги бежиз эмас. Авлоний буни китобнинг 1917 йилги иккинчи нашрига ёзган сўнгсўзида алоҳида таъкидлаб кўрсатади. У шундай ёзади: «Туркистон мактабларида ўз шевамазда ёзилмиш мукамал «Ахлоқ» китобининг йўқлиги, афроди миллатнинг шундай бир асарга ташна ва муҳтож эканлиги, ўзум муаллимлар жумласидан ўлдугимдан, манга ҳам очиқ маълум ўлди. Шунинг учун кўп вақтлар тажриба сўнгидан адиби муҳтарам Шайх Саъдий усулинда ёзмакни, гарчи оғир иш бўлса ҳам, ўзимга муқаддас бир вазифа адо қилароқ ва бу камчиликни ародин кўтармакни муносиб кўрдим».

Адабиётшунослар ҳақли эътироф этганларидек, эски ўзбек мактабларида асосий дарсликлардан бири сифатида ўқитилиб келинган «Гулистон» форс классикасининг энг кўркем, энг «баржастаси» эди. Унга эргашиб ёзилган асарлар кўп бўлди. Абдурахмон Жомийнинг машҳур «Баҳористон»и, Мўйниддин Жўвайний ва Ибн Камолпошшонинг «Нигористон», Мажириддин Хавофийнинг «Гулистон»и ҳам мана шу буюк обидага ўзига хос назира, ўзига хос жавоб, шогирднинг устозга таъзими эди. Авлоний устоздан биргина «усул»ни олмади, унинг юксак инсонпарварлик руҳи билан тўлиқ шеърятдан ҳам озиқ олди. Уларнинг айримларини таржима қилиб асарига киритди.

Саъдий билан Авлоний даврини 600 йилдан ортиқроқ вақт

ажратиб туради. Ўрта асрнинг буюк гуманисти билан XX асрдан нафас олган Авлонийнинг қарашларида, туйғуларида анчагина фарқ бор, албатта.

Авлоний ахлоқ тўғрисида «Гулистон»га ўхшаш бир асар ёзар экан, шу баҳонада замонасининг муҳим, дардли масалаларини унга ғоят усталик билан сингдириб кета олди. Булар ҳуқуқсизлик эди. Мустамлакачилик асоратлари билан боғлиқ тутқунлик ва турғунлик эди. Дин — диёнатнинг, миллат — миллиятнинг бузилиши эди.

Адибни халқнинг ночор, ғариб турмуши чуқур ўйга солади:

Ҳар кун ўлурам шомғача ман ғамга гирифтор,
Ҳар шаб ёнурам оташа парвона каби зор.
Ҳеч кимса эмас бу мани аҳволима воқиф,
Ман хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор?

Асарнинг илк саҳифасида келтирилган бу тўртлик унга бема-лол эпиграф бўла олади. Шоир ҳар бир ахлоқий тушунчани талқин қилар экан, уни бевосита ўз даври масалалари билан боғлайди ва китобга замон нафасини олиб киришга муваффақ бўлади. Масалан, асарда «Тарбиянинг замони» деган қисм бор. Унда тарбиянинг уйда, сўнгроқ мактаб-мадрасада олиб борилиши ҳақида гап кетаркан, бундай ишга имконсиз халқнинг оғир моддий тирикчилиги ачиниш билан қайд қилинган. «Мақсади пул, маслаги шухрат, юқори мактабларда ўқимаган, «усули таълим» кўрмаган муаллимлар», «матлаблари ош, мақсадлари чопон, дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинидан юрмаган мударрислар» ўтқир ҳажв остига олинади. Ёки «Тамаъ» бобида замонасида «тамаъ нони бирла қорин тўйғузадургон кишиларнинг ҳисоби йўқ»лигини фош этади. Яна бир ўринда эса мустамлака Туркистонидаги эрксизлик, чоризм тазйиқи, меҳнаткашнинг машаққатли тирикчилиги ҳақида сўз очади: «Биз осиеликлар, хусусан туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ беруб сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз...»

Авлоний адолатни, ҳар бир миллатнинг озод ва бахтли бўлиш ҳуқуқини дунёнинг асоси деб билди, бировга «жабр қилувчининг ёқаси ҳеч қачон жазо қўлидан қутула олмас»лигини айтди. Зулмни қоралар экан, мазлумнинг оҳидан ўткур нарса йўқ:

Ҳазар қил оҳидан, афғонидан у мазлуми(нг)
Бир оҳ бирла солур бошинга бутун аросат,—

дея, «қувватсизлар» ғамини еди.

«Туркий гулистон...» асримиз бошларидаги педагогик фикр тараққиётидагина эмас, балки умуман бу давр ижтимоий-эсте-

тик тафаккур ривожиди ҳам сезиларли из қолдирди. Унинг бу ерда бошлаб қўйган жуда кўп фикрлари шеъриятида давом этди.

**Маърифатгарвар
шоир**

Авлоний «1894 йилдан бошлаб шеър ёзишга тунган» бўлса-да, у шеърлар бизгача етиб келмаган. Унинг 1917 йилгача бўлган поэтик ме-

си, асосан, «Адабиёт» номли 6 қисмдан иборат шеъринг тўпламларида жамланган. Уларнинг ҳар бири 1909—1917 йиллар оралигида алоҳида-алоҳида бир неча мартаба нашр қилинган. Шунингдек, ўша давр вақтли матбуоти саҳифаларида ҳам шоир шеърларини кўплаб учратамиз. Бу шеърларнинг деярли ҳаммаси мазкур тўпламларга киритилган. Аксарияти шоирнинг 1905 йилдан кейинги ижодига мансуб бўлиб, миллий-ижтимоий характердадир. Сатрлар — шиорнамо, деярли ҳамма ўринда даъват, чақириқ руҳи ҳукмрон:

Аё эй соҳиби урфон! Ватан боғинда фарёд эт,
Отиб ташла ародин эски одатларни барбод эт.

Маориф-ла фунун таҳсила қил раҳнамолиғ сан,
Қоронғуда қолан миллатни нури илма иршод эт.

Ватан меҳри агар бўлса — дилингда ишқ савдоси,
Отил нури маорифга ўзингни мисли Фарҳод эт!.

Миллатнинг равнақи эмас, яшаши учуноқ илм керак. Усиз ҳозирги шароитда тириклик мумкин эмас. Демак, уни эгаллаш лозим. Бу муҳим фикр анъанавий ифодаланмоқда. Маърифатга муҳаббат эълон қилинмоқда. Бу биргина Авлоний эмас, умуман шу давр шеъриятининг хос хусусиятларидандир. Дарҳақиқат, уларнинг ўй-фикрини гул-булбул ташбиҳи эмас, маҳбубасини ағёр йўлдан урган ошиқ кечинмалари ҳам эмас, аср бошидаги афтодаҳол Туркистоннинг аянчли қисмати, йилдан-йил эмас, кундан-кун ажодлар хотирасини, ўзлигини унутиб, тарихдан узилиб бораётган авлод банд қилди. Улар ҳуқуқсиз халқ бахтли бўла олмаслигини англадилар. Худди шу сабабли Сиддиқий Ажзий ўзининг «хуштабъ»лик билан ёзилган ишқий шеъриятидан воз кечди, уларни куйдириб ташлади¹. Авлонийнинг 90-йилларда ёзилган, эҳтимолки, ишқий характерда бўлган шеърларининг бизгача сақланмай қолганлиги сабаби шундандир.

Бундай ҳол фақат бизнинг адабиётимизда эмас, балки бошқа халқлар адабиётида ҳам учрайди. Масалан, Панамада мустақиллик учун кураш авж олган 60-йилларда Модесто Мохиконинг:

¹ Қаранг: Турсункул (Раҳим Ҳошим). Сиддиқий тўғрисида мулоҳазалар. «Маориф ва ўқитғучи» ж., 1928, 3-сон.

Ортиқ куйламасман ишқ-муҳаббатни,
Илоҳий шеърларга бормайди қўлим.

Ватанда эрк ва бахт бўлмагунича,
Ашувламиз битта: Озодлик ё ўлим!¹

шеъри жанговар шиорга айланиб кетган экан.

Авлоний эрк ва озодликни ҳар нарсадан баланд тутаркан, унга олиб борадиган бирдан-бир йўл деб илм-маърифатни билди. Шу сабаб Ватани, халқи учун заррача манфаат етказишни ўйлаган кишини маърифатга даъват этди. Илм-фанни эгаллашга, озгина бўлсин, халақит бериши мумкин бўлган ҳар қандай тартиблар, шу жумладан эски ўқитиш усули кескин танқид қилинди. Илм-маърифат, айниқса, Европа маданияти илҳом билан тарғиб этилди.

Лекин бу ерда бир нарсани ҳисобга олиш керак. Русия Туркистонни забт этар экан, ўзини ўлканинг пушти паноҳидек тутди. Мустамлака ҳукумати давлат идора усулида, фан-маданиятда кескин илгари силжиган Русия ва Европа ҳаётини ибрат-андоза қилиб кўрсатишга зўр берди. Булар, аксарият, миллатнинг ўтмиши ва асрий анъаналарига қарама-қарши қўйиб борилди. Буларнинг ҳаммаси миллатни ичдан емириш, ўзлигини йўқотиш, пировардоқибатда руслаштиришга қаратилганини дастлабига энг пешқаддам зиёлиларимиз ҳам пайқай олмадилар. Шуларни кўзда тутиб, А.З.Валидий ёзади: «Космополитларимизча, ўлканинг кашф этилиши маданият учун буюк ғалабадир. Уларга кўра, русларнинг қўплаб кўчиб келиши натижасида Туркистонда маданий тараққиёт инкишофи таъмин этилганмиш. Ўлкадаги қайси қавмнинг ва тилнинг ўрнига у келяпти, бу улар учун аҳамиятсиз. Инсонларнинг саодати миллатлардан бирининг бошқаларини ютиб ёхуд атрофида ушлаб, бир андозага солиши билан амалга ошмайди; айниқса Ўрта Осиё қавмларининг ўртадан сурилиб, улар ўрнига Русия ва Хитойнинг ҳукмрон бўлиши миллионларча ерли аҳолининг асрларча изтироб чекишларига олиб келадики, бу ўлка тарихининг энг қора ва энг бахтсиз саҳифаларини ташкил этган бўлур эди»².

Шунинг учун «Европа маданияти» тушунчаси ва унга муносабат ижодкорларимизда бир хил эмас.

Авлонийда ҳам «маданият ваҳшийлари» деган ибора бор. «Маданият» сўзининг «ваҳшийлик» билан ёнма-ён қўйилиши ушбу

¹ Песни Панамы, Изд. иностр. лит., М., 1963, 38-бет (таржима бизники — Б.Қ).

² А. З. Валидий Тўғон. Бугунги турк эли (Туркистон) ва унинг яқин тарихи. 1-жилд, 2-нашри, Истанбул, 1981, 586-бет.

масалага ёндошишда унинг Гаспринский ва Фитрат билан бир позицияда турганини кўрсатади. Бу, албатта, жаҳоний ҳодиса бўлган илғор рус маданиятидан воз кечиш дегани эмас. Уни сиёсий мақсадларга хизмат қилдирилганини англаш, холос.

Аёллар аҳволи ҳамиша жамиятдаги эркинлик даражасининг мезонларидан бўлиб келган. Бу масала Авлонида қандай ҳал қилинган?

Илму дониш яхши зийнатдур хотин-қиз аҳлина,
Кўй қадам илм уйина, тумору маржонни унут.

Унинг мактабида қизлар ҳам болалар билан ёнма-ён ўтириб таҳсил оладилар. «Туркистон вилоятининг газети» 1910 йил сонларидан бирида ўша йили 23 майда Авлони мактабида бир неча уламолар, шогирдларнинг оталари ва кўплаб томошабинлар ҳузурда бўлиб ўтган имтиҳон ҳақида тўхталиб, бир ёш шогирд — қизнинг ўз ақли ва тарбияси билан ҳаммани ҳайратга солганини хабар қилган эди¹.

Маърифатнинг аҳамияти миллат, жамият тарбиясида бемислдир. Уни амалга ошириш асосан зиёлилар, биринчи навбатда, олиму муаллимлар, шоиру санъаткорлар зиммасидадир. Агар миллат ҳақ-ҳуқуқини йўқотган, асрий илму маърифатидан узоқлаштирилган, ўзлигини унутаёзган бир ҳолга тушиб, жамият маънавиятидан маҳрум даражага етган бўлса, зиёли зиммасидаги иш ўн, балки юз карра оғирроқдир.

Адабиётнинг тасвир объекти — ҳаёт, унинг долзарб масалалари. Унда ҳаётнинг барча қирралари — шиддаткор тўлқинларидан майин мавжларигача, нурли оҳангларида ғамгин нидоларигача, тантанавор дамларидан фожиали дақиқаларигача тасвир этилмоғи керак. Улар инсон руҳида қатрадаги қуёшдек жамулжам. Адабиёт мана шу руҳнинг таржимони бўлмоғи лозим.

Авлоний «Адабиёт...» шеърий тўпламининг 3-жузига:

Қаламим қорасидур огоҳ достонимдан,
Ҳазин қайғум эшитинг у таржумонимдан,—

деган сатрларни эпиграф қилиб келтирган эди. Шоир ўз шеърларининг мазмунига ишора қилмоқда. Замонки ҳақсизлик асосига қурилган, атроф зулмат ва қабоҳатдан иборат экан, у шодон бўла олмайди. Буни у 1909 йилдаёқ «Адабиёт...»нинг 1-жузидаги сўзбошида таъкидлаб кўрсатган, «шеърга ҳарис» халқига «ҳасрат ва надоматлар»ини айтишга бел боғлаган, тасодифмаски, ўзига «Ҳижрон» тахаллусини танлаган эди.

¹ «Туркистон вилоятининг газети», 1910, 39-сон.

Авлоний шеърларини ўқир экансиз, кўз олдингизда ХХ аср бошидаги Туркистон манзаралари гавдаланади. Шоир унга юк-сакдан, дунё халқлари ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, Европадаги тараққиёт нуқтаи назаридан разм солади.

Мана, тараққиёт асридаги Туркистоннинг рангсиз, жонсиз ҳаётдан лавҳалар:

Самоварга чиқишуб, ёшу қари чулдирашур,
Эртадан кечгача чойни ичадур шўлдур-шўлдур.

Ўлтуруб мақташадур отини, эшакларини,
Бири дер — йўрға, бири дер:—сеники—дулдур-дулдур.

Уйда оч ўлтурадур хотини, эр — тўкма еяр,
Келтуруб бачча, базмларга кетар пулдур-пулдур.

Ўйнабон қарта-қимор, пулларини бой берибон,
Том тешиб, бўхча ўғирлаб, одам ўлдур-ўлдур.

Бу лавҳалардан аста-секин Туркистоннинг яхлит манзараси ҳосил бўлади. Дилни димиқтирувчи бу сўлғин ранг қанчалик жирканч бўлса, шунча аянчли ҳамдир. Бу туйғулар бора-бора шоирда жуда табиий эҳтирослар пўртанасига айланади: «Хонумони хароб», «бойқушларга ҳамдам», фарзандлари «ҳайкал»дек жонсиз, «вайрон» Туркистон! Йўқ! «Саҳни жонлик жаноза бирлан тўлгон» «буюк мазор!» Унга ўлик кимсалар—«мадфун зиндалар» қўйилган. Бу тирик ўликлар — Туркистоннинг бу кунги ноқобил авлодларидир. Унинг аҳволига ер ҳам, осмон ҳам йиғлайди. У — ҳам фақир, ҳам ҳақир. Бир тарафдан жаҳолат, иккинчи томондан хорлик. Шу аҳволда у «баданидан доимо қон олдиради» — мустамлакачилик жафосини тортади...

Маризинг бир тарафдан, бир тарафдан хорсан — миллат,
Бадандан доимо қон олдурад беморсан — миллат.

У на «тили», на «қулоғи» бўлмаган сурати девор. Бу мудҳиш ҳол шоирни ларзага солади. Бутун вужуди билан унинг «кўз очиб» дунёга разм солишини, «уйғон»ишини истайди:

Кўзинг оч, ётма, гафлатдан ўсон, миллат, ўсон миллат!
Топар сан бирла авлодинг омон, миллат, омон миллат! —

деб ҳайқиради шоир.

Муҳими шундаки, шоирдаги миллий ҳасрат нидолари ижтимоий оҳанг билан ҳамовоз жананглайди. У бу «буюк мазор»нинг кимларгадир «боғи жинон» — жаннат гулшани эканлигини билди. Ҳа, у ҳаммага ҳам бирдай «аламзор» эмас. Унинг «фароғати» ҳам бор. Лекин уни «хукамо»гина кўради. Унинг «ғунчалари» ҳам

қўл, бироқ уни «хукамо»гина теради. Аммо бизда қани ўша «хукамо?» «Фуқаро»нинг насибаси эса, гулнинг тикани («хор»)дир. Шу туфайли у оёқ остида — «хоки мазаллат»да. Бу «манзар» шоирга «махшар» азобини беради. Шоир унга ҳар назар ташлаганда, «бағри кабоб» бўлади. Аммо у — Она! Шоир унга фарзандки, унинг дардидан изтиробга тушади. Ўз навбатида она ҳам ўз фарзандининг тарбияси ва тақдири учун бурчли:

Эй модарим, чўжуқларинг ифлос, беziё,
Остингдан устинг ўлди биза тар(и)қа фуқаро.
Сандин умид шулмиди, жондан азиз оно?!

Авлоний 1912 йилда босилиб чиққан шеърларидан бирини «Дунё фожиасиндан» деб номлаган эди. Шоир унда инсонлар дунёсида инсонча ҳаёт йўқлигини қаламга олди. Беҳуда тўкилаётган қонлар, инсоннинг ҳайвонча ҳам қадри қолмагани, «бечора-ю ожизлар», афтода етимлар» бошидаги «жабру ситамлар», «ҳақ пастда қолуб, ноҳақ пул бирла қувват топ»иши, унингча, бу фожианинг бир кўринишидир. Бас, у «ғам уйи»дир. Ғамхона эса, «барбод бўл»моғи лозим.

Авлоний ҳокимлар ва тобелар — «кучлилар» ва «кучсизлар» ўртасидаги муносабатларга эътибор берди. Бу муносабатларда инсон номига муносиб белги топа олмади. Аксинча, улар йиртқич ҳайвонларнинг зўри ожизини маҳв этиш асосига қурилган кун кечириш тарзини эсга туширади. Лекин йиртқич ҳайвон билан «инсон—дарранда» орасида фарқ бор. Бу фарқ шундаки, «инсон—дарранда» сўзлайдиган, фикрлайдиган йиртқичдир. У инсоф ва виждондан лоф уради. Дўстлик, биродарлик ҳақида соатлаб ваъз ўқий олади. Эгнидан тақво либоси тушмайди. Бу биргина Туркистонга хос ҳол эмас. У ҳамма ерда мавжуд. Шоир бундай ҳолни рақиб миллат ичида эмас, миллатлар орасида ҳам кўради. Масалан, мамлакатлар ўртасида бўлиб турадиган урушлар шунинг бир кўриниши, деб ҳисоблайди. Бироқ «бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айландурдилар,—деб ёзган эди адиб,— ва бу сояда бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар. Сехргарлик ва жодугарлик ила эмас, тижорат ва саноатгирлик ила чолишқон Оврупо Африка ва Осиёни ўзига асир ва мусаххар қилмоқдадур». Замоннинг ранги ўзгарди, холос. Моҳияти ўша-ўша. «Кучлик» миллатлар — «жаҳон Жайхунлари» «кучсиз»ларини ўз комига тортмоқда. Шоир шуларга «туъмаи тай-ёр» бўлишдан огоҳ қилмоқчи. Шунинг учун ҳам у миллатнинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётганини, унинг «явмул-ҳисоб» қаршисида турганини таъкидлайди. Хўш, шоир буларнинг олдини олиш, инсонларнинг инсонларча ҳаёт кечиришини таъмин

қилиш, жумладан, Туркистонни озод ва бахтиёр этиш учун нимани таклиф қилади?

Аввало шуни айтиш керакки, шоир, гарчи одамлар муносабатида ёввойи табиатнинг шафқатсиз қонунларига хос хусусиятлар кўрса-да, уларнинг бир кунмас-бир кун меҳру муҳаббатга айланишига, Туркистоннинг эса озод ва обод бўлишига астойдил ишонади.

Гарчи ман маъюсу пурғам миллатим аҳволидан,
Қатъ уммид айламам таъмаи истиқболидан, —

деб бошланар эди шоирнинг «Истиқболдан орзуларим» шеъри.

Келур улфат, адоват ўртадин қалкур, кетар бир кун,
Қаро кунлар кетуб, ўрнига равшанлик етар бир кун,
Адолат боғида гулҳойи тарбият битар бир кун,
Очиб гунча даҳонин, шодлиғ изҳор этар бир кун,
Ўлур олам гулистон, қайғу-кулфатлар йитар бир кун,
Гулоби хуррият ағри мусаффосин отар бир кун,
Дилим, ғам чекма кўб, бир кун келур, бедор ўлур олам,
Чиқиб булбуллари чаҳ-чаҳ қилур, гулзор ўлур олам... —

деб ёзади яна бир шеърида.

Сўнгги байт истиқбол орзуси билан тўлиқ мазкур мусамманнинг ҳар бандини яқунлагандек такрорланиб келади. Бу шеър 1912 йилда босилиб чиққан. Шоир инсонлар ўртасида меҳру муҳаббат, дўстлик қарор топишига, адолат ва ҳақиқат тантана қилишига, ёруғ кунлар келишига ишонч билдирмоқда. Ҳатто озодлик — хуррият замони ҳақида орзу қилмоқда. Лекин табиийки, булар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Шоир буни яхши тушунади. Худди шу шеър — мусамманнинг ўзида ҳам бунга ишора бор. Шоир гапни илм-маърифатдан бошлайди. Ундан кўп нарса умид қилади. Ҳатто уни салкам нурли ҳаётга олиб боровчи бирдан-бир йўл деб ҳисоблайди. Шеърда илгари сурилган бу фикр маълум мантиққа таянади, албатта. Жумладан, усиз кенг халқнинг ўз ҳуқуқини англай олиши мумкин эмаслиги табиий эди. Шоир ўлкадаги нодонликни қоралар экан, шу масалага алоҳида эътибор беради: «Хуқуқ-(н)нинг нўлдиғин идрок қилмас, жисмимиз бежон», — деган сатрни учратамиз шеърда.

Буни тахминан истиқбол учун курашдаги иккинчи босқич деб ҳисоблаш мумкин. Самарқандлик Сиддиқий Ажзий ҳам ўзининг «Миръоти ибрат» достонида бу масалага кенг ўрин ажратган эди. Лекин булар билан ҳам ҳеч иш битмайди. «Бир ғоя атрофида уюшмоқ, бир маслакни тутмоқ», маълум бир «идёл»ни ушлаб ўша учун «курашмоқ» керак. Бу ҳам ҳалиги мусамманда бор.

Абас бир ғоясиз дунёи дундан яхшилиқ кутмак,
 Керак бир маслаку бир ғояу идёлни тутмак,
 Биза бир йўлни ушлаб, нури мақсуда бориб етмак...

Бунинг учун эса халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини англаган бўлиши, нима учун курашаётганини аниқ билиши ва у йўлнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Авлоний 1914 йилда босилган «Мухотабим қалам» («Қаламга хитобим») шеърисида қаламга хитобан «ожизлара имдод қил»ишини «миллат хонадонини тоза таъмир ила бунёд эт»ишини ўтинадди. Диққат қилайлик, «тоза таъмир» билан, яъни қайтадан қуриб, янгитдан бунёд этиш устида гап кетяпти.

Дарҳақиқат, шоир шеъриятининг бош йўналишини миллатда миллий онгни шакллантириш ташкил этди. Бунинг учун у Туркистон турмушини бошқа халқлар ҳаёти билан қиёслаб кўрсатди.

«Боболаримизнинг «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтуб, ўрнига «билғон битар, билмағон йитар» замони келди. Америкаликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қadoқ буғдой олурлар. Ёврополиклар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни кетуруб, ўзимизга 25 тийинга сотурлар!»

Биринчи Жаҳон уруши ва унинг асоратлари мавзуи ҳам Авлоний ижодидан кенг ўрин олган. Шоир бу мудҳиш фалокатнинг юзага келиш сабабларини таҳлил қилади, унинг мазмун-моҳиятини белгилашга уринади. Унингча, бош сабаб «рақобат», бўлинган дунёни бўлиб олишга уриниш, «олама ҳоқимлиғ» дағдағаси эди.

Ниҳоят, мардикорлик воқеалари юз берди.

Чор ҳукумати ён беришга мажбур бўлди. Мардикорликка олинадиганлар сони қисқартирилди. Уларни жўнатиш кейинга сурилди. Туркистонни яхши билган А.Н.Куропаткин генерал губернатор қилиб тайинланди.

18 сентябрь куни мардикорлар тушган биринчи эшелонни тантанали жўнатиш маросими бўлди. Ғоят тадбиркорлик билан иш кўрилди. Мардикорларга ош тортилди, пул ва ширинликлар улашилди. Куропаткиннинг шахсан ўзи уларга оқ йўл тилаб, кузатиб қўйди. 18 октябрда эса, Николай II мазкур эшелоннинг «вакил»ларини ўз қароргоҳида қабул қилди... Шунақа хилма-хил усул ва тадбирлар оқибатида йил охирига келиб ўлкадаги кўзғалишлар пайсал топди. Сўнг эса кўзғолон қатнашчиларини шафқатсиз жазолаш бошланди.

Йигитларни фронтга жўнатиш мавзуида адабиётимизда ўнга яқин шеърый тўплам майдонга келган. Авлонийнинг «Мардикорлар ашуласи» китоби ҳам шулар сирасида. Халқ қўшиқлари йўли-

да ёзилган бу шеърлар ғоят дардли, ғамгин. Уларда осойишта ҳаётни чайқатиб, инсонлар тақдирини алғов-далғов қилиб юборган урушга, унинг ҳайбаракалчаларига пинҳоний ғазаб яширинган. Шоир шеърлари билан ўзбек мардикорлик поэзияси деган ҳодисанинг майдонга келишида ўз ҳиссасини қўша олди.

Афсуски, Абдулла Авлонийнинг 1916 йил, айниқса 1917 йил Февраль-Октябрь оралиғидаги поэтик ижоди ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Ҳозирча, 2 шеъри маълум. Бири «Кутулдик», иккинчиси «Ётма» деб номланган. Номиданоқ айтилмоқчи бўлган гап англашилиб турибди. Шоир Февраль воқеалари муносабати билан ватандошларини мустабид чор ҳукуматидан, «бадқирдор Романов», «думдор Распутин»лар зулмидан қутулгани билан муборакбод этади. Чиндан ҳам самодержавиенинг ағдарилиши улкан ҳодиса эди. Олдинда вазифаларнинг энг муҳими ва асосийси — миллий, мустақил Туркистонни барпо этиш, ҳокимиятни ўз эгаларига олиб бериш турарди. Шоир буни тушунади ва «миллати нажиб»ни «ғайрат қил»ишга, «хур йўл»ни маҳкам ушлаб, барча зулмлардан халос бўлишга чақиради.

Инқилобий воқеалар Авлонийга таъсир этмай қолмади. У энди истиқболни фақатгина маърифат, илм-фан орқали қўлга кириштиш мумкин эмаслигини англади, эрк ва ҳурриятга етмоқни йўли битта — бирлашиш, миллий демократик кучларни бирлаштириш деган хулосага келди. Шу умидда рус инқилобий ҳаракатчилиги, советлар билан ҳам боғланди. Афсуски, социалистик «идёл» деганлари сароб эканлигини, советлар йўли оқ империянинг моҳияти ўзгармаган «қизил» шакли эканлигини дафъатан англай олмади.

Шеърятда эса янги ғоя ва тимсоллар учун янги шакл ва ифодалар излади. Эскиларига янги мазмун сингдирди. Уларнинг муҳимлари қуйидагилар эди:

1. Вазннинг янгиланиши.

Маълумки, минг йиллик классик шеърятимиз аруз вазнида ёзилган. Аср бошидаги шеърятда ҳам у ягона ва асосий вазн эди. Лекин Навоийгача бўлган ва ундан кейин яратилган халқ оғзаки ижоди — бармоқ вазнида. Мумтоз адабиётимизда бармоқда ёзилган шеър деярли учрамайди. Лекин аруз мураккаб, бўронли даврнинг гоҳ шиддаткор, гоҳ бўғиқ нафасини кенг оммага етказишда унча қулай эмас эди. Шунинг учун ҳам Авлоний муҳим ижтимоий масалалардан баҳс очувчи кўпгина шеърларини бармоқда ёзди. Бармоқни халқ оғзаки ижодидан ёзма адабиётга олиб ўтди.

Авлонийнинг бармоқдаги илк шеърлари халқ кўшиқларига мослаб ёзилди.

Масалан, «Тўй ҳақида» шеъри «Реза» куйида:

Отма мани тошлар билан, ёр-ёр, ёр-ўв,
Учуб кетай қушлар билан, ёр-ёр, ёр-ўв¹ —

деб бошланадиган халқ ашуласи йўлида ёзилган ва ҳоказо.

Бу қўшиқлар шоир ташкил қилган «Турон» («Туркистон») труппаси иштирокчилари ижросида гоҳ спектаклларга сингдириб юборилар, гоҳ антрактларда ижро этилар, гоҳ миллий концерт дастурларига қистирилар эди.

2. Поэтик жанрларнинг янгиланиши.

Адабиёт шу йилларда халқ ҳаёти билан янада яқинлашди, янада халқчил, оммабоп бўлди. Адиблар янги жанрлар, шаклларда ўз кучларини синашга шайландилар. Кўҳна анъанавий шакллар янги хусусиятлар орттирди. Авлонийнинг «Оила мунозараси», «Шоир ила тўти» каби бир қатор шеърлари мунозара характерида ёзилган. Масалан, «Шоир ила тўти» шеърини олайлик. Шеър шоир билан тўти ўртасидаги диалогдан иборат. Асарнинг мазмуни қуйидагича: шоир жаҳонгашта тўтидан дунёда бўлаётган ўзгаришлар, бошқа мамлакатлар, элатларнинг аҳволи ҳақида сўрайди. Тўти Туркистон халқи ҳали ҳам ғафлатда эканлигини, илм, маданият эгаллаш учун, ҳаётда ўзининг ҳақиқий ўрнини топиш учун кўзгалмаганини айтиб, «шоири ширин сухан»га «надомат» айтади.

3. Поэтик образларнинг янгиланиши.

Классик адабиётимизда минг йиллардан бери ишланиб келган гул, булбул, ёр, ағёр, май, чарх (дунё) каби образлар бу давр адабиётида, жумладан, Авлоний ижодида бошқача оҳанг, бошқача мазмун касб этди. Масалан, у гулни шундай «таъриф»лайди:

Хор алиндан бағри қон ўлмиш, бўянмиш қона гул,
Фунча бағрин чок этуб, афғон қилур афсона гул...

Юздаги холи эмас, золим тиконнинг ёраси,
Кеча-кундуз захми ғам бирлан бутун ўртонга гул...

Субҳидамда юзлариндан мавж уран шабнам эмас,
Хор зулминдан тўкар кўз ёшини дурдона гул...

Гар сабо тебратса гулни, хуш иси невчун чиқар,
Бағрига ботган тиканлардан келур афғона гул.

Найласун бечора гул ботмиш вужудига тикан,
Захмига марҳам учун яфроғига чулғона гул.

¹ Халқда қўшиқлар, аксарият «ёр-ёр, ёр-ей» билан тугалланади. Авлоний нима учундир «ўв» шаклини келтиради. Чамаси, бу шакл ҳам бўлган.

Дилдаги қайғуларин кўрганмусиз, чун заъфарон,
Чок этуб гурбат яқосин кўрсатур инсона гул...

(«Таврифи гул»)

Бу ердаги гул анъанавий маъшуқа эмас. Субҳидамда юзига кўнган шабнам (кўз ёши) қат-қат алвон япроқлар (бағри қон бўлиши) ошиқ изтиробларини ифода этмайди. Бу ерда гап муҳаббат ҳақида эмас: гул гурбат ва машаққатдан заъфарон бўлган юрагини чок этиб инсонга кўрсатади... Беихтиёр хор (тикан) мустамлакачи истибдодини, бағри қон гул эса жафокаш Туркистонни эслатади.

«Ҳижрони булбул», «Фигони булбул» шеърларидаги булбул ҳам аксарият ҳолларда гул (маъшуқа) ишқида ёниб ўртанаётган ошиқ эмас. У кўп ўринларда мазлум Туркистонга қарата: «Уйғон!» – деб, бонг ураётган лирик қаҳрамон – шоир образини ифодалайди.

Кўнуб гул шохига булбул, дер: «Эй инсонлар, инсонлар!
Қилурсиз табакай гофил ётиб афгонлар, инсонлар».

(«Садойи булбул»)

Жаҳон боғини гулзоринда фарёд этди бир булбул,
Ўтурди нағмазоринда гулин ёд этди бир булбул.

Кўруб гул яфроғини ҳажридан дод этди бир булбул,
Висоли ёр учун юз навҳа иншод этди бир булбул...

(«Фигони булбул»)

«Ҳижрони булбул» шеъри бу ўринда жуда диққатга сазовор. Шеърнинг мазмуни қуйидагича: булбул – шоир гули – миллати ҳажрида кечаю кундуз фиғон чекади. Бутун умрини унга бағишлайди. Лекин булбул гулзорда боғбон кўлига тушиб, қафасга ташланади. У энди қафасда «Гул!» деб, фарёд қилади. Золим «қафас» унга озор беради. Таажжуб! Унинг «фарёд»ини ҳеч ким тингламайди, ҳеч ким унга «раҳм» қилмайди. «Гул» ҳажрида унинг йўлдоши фақатгина «ғам» бўлиб қолади...

Кейинги парчада гул образи ҳам бор. Булбул гулини ёд этипти. У учун изтироб чекапти. Қафас – замон. Миллатнинг «кар»лиги, эйтибор қилмаслиги миллият туйғусининг сўнганлигидандир.

Кеча-кундуз қафасда, оҳ гул, деб айлаюр фарёд,
Омон бермас анго золим қафас озор ўлур булбул.

Таажжуб раҳм қилмас етмаюр фарёдина ҳеч ким,
Бу Ҳижронлиғда доим ғам билан ғамхор ўлур булбул.

Шу тариқа, Авлоний гул ва булбул образларига фақат янги маъно юклагина қолмай бу образларни давом эттиради. Дарвоқе, Авлоний шеърларида ёр образи — илм, маърифат, тараққиёт, халқ тушунчаларини, ағёр — нодонлик, жаҳолат, зулм, истибдод аҳли маъноларини ифодалайди ва ҳоказо. Бу образларнинг аксарияти ўзларининг илгариги маъноларидан бутунлай узоқлашган ва замон талабига мос янги мазмун, ўзга оҳанг касб этганлар.

4. Шеърларнинг сарлавҳаланиши.

Авлоний ҳар бир шеърга сарлавҳа қўяди. Бу ундаги кайфият ва мазмунни ифодалашидан ташқари шоир лирикасининг умумий йўналишини белгилайди. Мана, уларнинг айримларига эътибор қилайлик: «Эй, жаҳолат нори бирла ёнди жисми покимиз», «Ҳақиқат ўлсун бу хаёл», «Оқма, кўз ёшим», «Керакму ё керакмасму?», «Оҳ, бағри қоним», «Фалак бизни нелар қилди?», «Гуфтори гам», «Жигарсўз», «Дунё фожиасиндан», «Ҳасратлик ҳолларимиз», «Гирдоби гамдин бир пўртана», «Ғалат», «Истиқболимиз учун бир жигарсўз», «Истиқболдан орзуларим» ва ҳоказо.

Авлоний умуман сўзга катта эътибор беради. Унинг муъжизавий кучини яхши билади. Дарҳақиқат, замона ҳаммани уйғотадиган, барчани ларзага солиб, олға ундайдиган сўзларни кўпроқ талаб этар эди.

5. Аънанавий «ҳамд» ва «наът»лар мазмунининг ўзгариши.

«Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўплами жузлари ҳам удум бўйича Оллоҳ мадҳи («ҳамд») ва пайғамбаримиз сифатлари васфи («наът») билан бошланади. Бироқ уларнинг барчаси охироси оқибат миллат ғамига келиб боғланади. Шоир Оллоҳга илтижо қилар экан, миллатнинг таназзулидан «нифоқ, буғз, хурофот»дан дод солади, Расули акрам руҳидан мадад тилайди.

Абдулла Авлоний татар, озарбойжон қардошлари билан яқиндан алоқа боғлади. Улардан кўп нарса ўрганди, ўргатди. Бу ўзаро ҳамкорлик унинг ижоди ва фаолиятида ёрқин излар қолдирди. Шоир машҳур озарбойжон кўйчиси Муҳаммад Ҳодидан илҳом олиб, унга назиралар битди. Гоҳо бу таъсир, тамоман эргашиш, гоё ва образгина эмас, ифода воситалари измида ҳам қолиш даражасигача етиб боради.

Авлоний шеърлари орасида енгил мутойиба билан ёзилганлари ҳам учрайди. Муқимий даврида бу хил шеърлар ёзиш жуда кенг тус олган эди. Авлоний мазкур аънанани давом эттиради. («Тўй ҳақида латифағўйга», «Кўкнори ва қиморбоз», «Қиморбозни(нг) қиморбозга насиҳати».)

Авлонийнинг 10-йилларда ёзган «Пинак» (1915), «Адвокатлик

осонми?!» (1916) драматик асарлари¹ да шеърятдаги ғоя ва фикрлар давом этди. Жаҳолат ва зулматга ботган Туркистоннинг чиркин манзаралари кулгили лавҳаларда сахнада намоёиш қилинди. Чунончи, «Пинак»да ғайрат ва шижоатлари билан дунёни ларзага солган, кунчиқардан кунботишгача юрт сўраган буюк боболарнинг залолатга ботган авлодлари кўкнори ва қиморбозлар ҳаёти орқали фош этилади. «Адвокатлик осонми?!» нинг мазмуни қуйидагича: Давронбек Русияда етти йил ўқийди ва Туркистонга адвокат бўлиб қайтади. Лекин шу ўтган вақт ичида Туркистон турмушида бирор ўзгариш бўлмапти. Халқ ҳали ҳам илму маърифатдан йироқ. Фуқаролик қоидалари, давлат қонунлари, ҳуқуқий тартиблардан беҳабар. Шу сабабли улар бахтсиздирлар. Давронбек шундай ўйлайди ва қўлидан келганча уларга ёрдам бермоқчи бўлади.

Масалан, Худойберди чол билимсизлиги, олди-сотдининг тартиб-қоидаларидан беҳабарлиги оқибатида «чув тушади». Маълум муддатда қайтараман, деб тилхат бериб олган пулни «бепарволик қилиб» қайтармайди. Бундан фойдаланган бой тезлик билан унинг ерини ўзига хатлаб олиш чорасини кўради.

Бахтсиз Меҳриниса хола ўн беш йилдан бери қиморбоз эри қўлида «ўтга ёқилиб, тошга чақилади». Хуллас, ҳаммаёқ ғурбат.

Адибнинг «Биз ва Сиз» асари, номланишидан кўринганидек, турмушга икки хил ёндошишни ифода этади. Унда жаҳолат мавзуи билан ёнма-ён муҳаббат ҳам берилади. Асар марказида Европада ўн йил ўқиб «янги ҳаёт», «янги турмуш» ҳақидаги жўшқин орзулар билан қайтган Камолнинг тақдири туради. У «чуруб, билжираб кетгон» «эски турмуш»ни «тузатмоқ»чи. Унинг бутун фикри-зикри шу билан банд. У ўқимишли Марямни севади. Унинг севгиси ҳам, айтиш мумкинки, ғоявий-маънавий яқинлик асосига қурилган. Бироқ «эски турмуш» кучлари устун келади. Камол ва Марям ҳалок бўладилар. Авлоний жуда муҳим бир масалани, инсоннинг бахти ва турмушини асар марказига қўяди ва жиддий ижтимоий зиддиятни кескин вазиятларда очиб беришга уринади.

Инқилобдан
умид қилиб

Февраль инқилобидан сўнг воқеалар қизгин ва шиддатли кечди. 9 мартда Мунавварқори «Шўро-йи ислом» жамиятини тузди.

Низомиддин Хўжаев социал-демократлар билан яқинлашди. Озарбойжондан Меҳмед Амин Афандизода келиб қўшилгач, «Ту-

¹ Авлоний «Таржимаи ҳол»ида тўрт театр китоби ёзганини маълум қилади. Шахсий архивида «тўрт театр китоби»нинг автографи — айрим кўчирилган нусхалари сақланиб қолган. Шундан учтаси («Адвокатлик осонми?!», «Пинак», «Биз ва Сиз») 1979 й. эълон қилинди. А.Авлоний, Тошкент тонги, 300—373-бетлар. Тўртинчиси «Пўртугалия инқилоби» 1998 йилда Авлоний асарларининг 2 жилдлигида чоп этилди (Қаранг: 2-жилд, Т., «Маънавият», 187—214-бетлар).

рон» «Турк федералист» фирқасига айланиб борди. Авлонийнинг Советларга ва улар орқали большевикларга яқинлашиши 1917 йилнинг июнига тўғри келади. Жумладан, 6 июнда «Эски шаҳар озиқ-овқат комиссияси аъзоси», 20 ноябрдан эса «Русиянинг бошқа вилоят ва губернияларига Сирдарё вилоятидан юбориладиган энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ушлаб қолиш ва Эски шаҳар озиқ-овқат комитетига маълум қилиш ҳуқуқи билан назорат этувчи вакил» қилиб тайинланди.

Шундан бир ҳафта кейин Қўқонда Туркистон мухторияти эълон қилинди. Юрагида Ватан ва Миллат туйғуси қолган ҳар бир туркистонлик уни катта қувонч билан кутиб олди. Унга бағишланган ўнлаб шеърлар пайдо бўлди. Авлонийнинг қалбидан қандай кечинмалар кечди экан? Афсуски, мухториятнинг большевиклар томонидан инқилобга хиёнат сифатида баҳоланиб, қонга ботирилиши ва Авлонийнинг ўша пайтлари уни ботиришни амалга оширган Тошкент советида расмий хизматда бўлганлиги, адибнинг мазкур масалага доир бирор ёзма қайд қолдирмаганлиги бу борада аниқ фикр юритишга имкон бермайди. Лекин Ватан истиқлолини ҳар нарсадан муқаддас тутган Авлонийнинг Туркистон мухториятини дил-дилдан олқишлаб, йўқ қилинганида қайғурганига шубҳа йўқ.

Авлоний 1917 йилда ўқитувчилик билан шуғулланишга ҳам имкон топди. Шоирнинг архивида сақланган паспортида унинг шу йили 31 июнь ва 3 август кунлари Қозонда «Болгар» меҳмонхонасида яшаганлиги қайд қилинган. Июнда нима муносабат билан боргани номаълум, лекин 1 августда Қозонда Бутурусия муслмон ўқитувчиларининг 2-съезди очилган ва Авлоний унга вакил эди. Шоир 1917 йилда маҳаллий муаллимлар ўртасида сиёсий ишлар олиб борувчи «Ўқитувчилар союзи»ни тузган эди. 1918 йилда эса Коммунистик партия сафига аъзо бўлиб кирди. Ўлка советига сайланди. Тошкент партия ташкилоти, шаҳар ижроия комитетиде масъул вазифаларда ишлади. «Улуғ Туркистон» газетасининг 1918 йил сонларидан бирида босилган расмий хабардан Авлонийнинг ўша йили Эски шаҳар ижроия комитети раиси лавозимида ишлагани маълум бўлади. 17–29 декабрда бўлиб ўтган Туркистон Коммунистик партиясининг 2-съезди Авлонийни Марказий Комитетга аъзо қилиб сайлади. 1919 йилнинг апрелида Туркистон Марказий Ижроия Комитетига сайланди. «Иштирокиюн» газетасини юзага чиқарувчи ҳаммуҳаррири бўлиб ишлади.

1919 йилнинг июнида Авлоний РСФСР ҳукуматининг топшириғи билан Афғонистонга боради. 1919 йилнинг 28 сентябридан 1920 йилнинг 20 июлигача Ҳиротда бош консул бўлиб туради. Афғон сафари Авлонийдаги большевиклар ҳукуматига бўлган

шубҳани кучайтириб юборади. Ўзларини ҳақиқатчи деб жар солган рус большевикларининг собиқ чор генералларидан мутлақо қолишмаслигига амин бўлади. «Оҳ, на инсоният, на баробарлик, на социалистлик, на миллат тафриқа қилмайдурғон интернационалистлар дунё юзинда топилармукин? — ёзади «Афғон саёҳати» хотираларида.—Балки бордур, топилур, лекин вужуди анқонинг тухумидек камёб эканлигин Афғонистон сафарига чиқғонда аниқ билдим. Афғонистонга чиқғон беш ҳайъати ваколанинг ичида биргина мусулмон ман ўлдиғимдан ҳар бир оғир меҳнатлар, ҳар бир кулфат ва азиятлар мени устимга юкланди... ўртоқ Бровин¹ афғон туфроғига ўтгандан сўнг ўзини(нг) женерол чор ноил эълон қилмиш эди»².

Авлоний 1920 йилда соғлиғи ёмонлашгани туфайли Афғонистондан чақириб олинади ва Туркбюронинг маданият бўлимига бошлиқ қилиб тайинланади. У шу йиллари «Касабачилик ҳаракати» журналининг муҳаррири, «Қизил байроқ» газетасининг таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида иш олиб боради.

1921 йилдан маориф соҳасига ўтади. Ўша йили Тошкентдаги ўлка билим юртида, 1923 йилда Тошкент хотин-қизлар билим юртида мудир, 1924 йилда ҳарбий мактабда ўқитувчилик қилади.

1925—30 йилларда Ўрта Осиё Коммунистик университети (САКУ), Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги мактабида (САВКСХШ) дарс беради. Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ) педагогика факультетининг тил ва адабиёт кафедраси профессори, сўнг мудири бўлиб ишлайди.

Сўнгги пайтларгача Авлонийнинг Октябрдан кейин ёзган ва совет матбуотида босилган ўнтача шеъри ва бир нечта ҳикоя ҳамда мақолалари маълум эди, холос. 60-йилларда унинг ўша йиллари ёзилган талай қўлёзма шеърлари борлиги маълум бўлди.

Авлонийнинг шахсий архивида «Пўртугалия инқилоби» номли бир драматик асари бор. У адибнинг бошқа асарларидан ажралиб туради. 5 парда 10 кўринишли бу асарни муаллиф **фожа** (трагедия) деб атаса-да, мазмунига кўра у **қахрамонлик** драмасига яқин. Қўлёзма муқовасига «1921 йил 23 январда ёзилди» деб қўйилган. 20-йилларда адабиётимизда «**жаҳон революцияси**» деган гап кенг тарқалган пайт эди. Шу жиҳатдан, буни ҳам шу йилларда ёзилган деб тахмин қилиш мумкин.

Асар 20-йилларда саҳнага қўйилган. 1924 йилда ҳатто нашрга тайёрланган эди. Юқоридаги сана шу муносабат билан кўчирилган пайти бўлиши керак.

Бир-икки оғиз гап драманинг мазмуни ҳақида.

¹ Н. З. Бровин — РСФСР нинг Афғонистонга юборган ҳайъати ваколаси бошлиғи.

² А. Авлоний. Афғон саёҳати. қўлёзма, 64-бет.

1910 йилнинг 5 октябрига ўтар кечаси Португалияда Англиянинг тазйиқидан, монархиянинг зулмидан тоқати тоқ бўлган халқ кўзғолон кўтаради. Унга республикачилар бош бўладилар. Уларни армия қисмлари ҳамда ҳарбий-денгиз флоти кучлари қувватлаб чиқади. Лиссабонда бутун халқ оёққа туради. Қирол Мануэл қочиб кетади. Шоҳлик тугатилиб, Португалия Республика деб эълон қилинади. Вақтли ҳукумат бошлиғи қилиб Брога тайинланади.

«Пўртугалия инқилоби» драмаси заминиди мана шу конкрет тарихий воқеа ётади. Республикачилар ва шоҳпарастлар ўртасидаги шиддатли кураш — асарнинг бош конфликт. Асосий персонажлар Долқориё, Брога, Гарсио, Дифроролар тарихий шахслар бўлиб, улар бир мақсад йўлида — Португалияда шоҳликни тугатиб, Республика ўрнатиш учун курашадилар ва ғалаба қозонадилар. Асар инқилобчиларнинг «Марсельеза» садолари остида саҳнага қизил байроқ кўтариб келиши билан тугайди. Кўриняптики, Португалиядаги сиёсий озодлик ва мустақиллик йўлида бўлган кўзғолон билан Туркистондаги кўзғолишлар ўртасида маълум муштараклик бор. Асар бадиий жиҳатдан анча бўш.

Авлоний қўлёзмалари орасида «Икки севги» деб номланган¹ тугалланмаган пьеса бор. Икки пардалик фожиа шаклида мўлжалланган бу драма 1908 йили Туркияда бўлиб ўтган ёш турклар инқилобига бағишланган. У ерда асар қаҳрамони Нозимбекнинг икки муҳаббати — ҳуррият ва ёрга муҳаббати ҳақида гап кетади. Нозимбек — «Иттиҳод ва тараққий»² жамиятининг аъзоси. Кеч тунда унга эртага бўладиган ҳал қилувчи кўзғолон ҳақида хабар келади. Шу пайт хотини Холидахоним кириб қолади. Ҳурриятчиларнинг шаҳарда қилаётган ишларидан сўз очади. Нозимбек ич-ичидан Холидахонимнинг хайрихоҳлигидан мамнун бўлса-да, эртанги кўзғолон ҳақидаги мактубни ундан бекитади. Унинг хатарлик бу ишга аралашшини истамайди. Бироқ уни бу йўлдан қайтаролмаслигига ишонч ҳосил қилгач, мактубни кўрсатишга мажбур бўлади. Эрхотин фарзандлар тақдири ҳақида узоқ тортишадилар. Лекин уларнинг гражданлик туйғулари ҳамма нарсадан устун келади. Улар кураш ва ўлимни афзал биладилар.

Иккинчи пардада Нозимбекнинг жангда ярадор бўлиши ҳикоя қилинади. Воқеа ярадор Нозимбекнинг Холидахоним ҳалокати ҳақидаги хабарни эшитган жойда узилади.

Асарда Холидахоним анча фаол тасвирланган. Бу Нозимбек-

¹ М. Раҳмонов уни «Икки муҳаббат» деб берган (Ўзбек театри тарихи, Т., 1968, 333-бет.). Авлоний архивидаги тугалланмаган автограф нусхада у «Икки севги» деб номланган.

² Бу ҳақда маълумот учун қаранг: Бегалш Қосимов. Миллий уйғониш, Т., «Маънавийат», 90-92-бетлар.

нинг «Айби йўқ, жоним! Хуррият эрлардан кўпроқ хотунларга керак эканлигин билганингдан сўйлаюрсан»¹ деган сўзлари билан далиллангандай бўлади. У Нозимбекни адолат ва озодлик учун курашга ундайди. Масалан, унга қарата: «Хуррият ўрдуси Истанбули муҳосара қилмишлар. Сиз на учун беғам ўтурасиз? Оё, бу ғариб миллатни(нг) асоратдан қутқармоқ сизнинг вазифа эмасми?! Бу золим истибдодпарастлари йиқмоқ учун қаҳрамон хуррият ўрдусига кўмаклашмоқ лозим эмасми?! (3-бет),— дейди. Инқилобни ҳар нарсадан муқаддас билади. Уни эрларнинг иши деб ўтирмайди. Ҳатто, «агар хуррият йўлинда ўлсам, баним учун энг саодатлу ўлумдир. Агарда бирорта мустабидлардан ўлдурсам, ўз вазифамни адо қилгон бўлурман» (4-бет), деб ҳисоблайди.

Парча шуни кўрсатадики, Авлоний бу асаарида персонажларнинг руҳий дунёсига алоҳида эътибор берган. Масалан, улар инқилобни шунчаки бир қаҳрамонликка восита деб тушунмайдилар. Нозимбек унинг ҳаёт-мамот масаласи эканлигини, унинг ҳар лаҳзаси таҳлика ва хатар билан тўла бўлиб, қурбонсиз қўлга кирмаяжagini яхши ҳис қилади:

Оҳ, бу хуррият эҳсон истар,
Инқилоб қайда кезар, қон истар.

Ҳалқа-ҳалқа сочина ҳар кишини айлар асир,
Юзини руҳина қўймоқға қизил қон истар.

Кимки кўрди юзини, тоқат эта олмайди,
К-ена² васлу дийдорида қурбон истар.

Ўйла бир маҳваши дилдор эрур хуррият,
Ҳажри-да, васли-да Ҳижрон истар.

(2-бет)

У хурриятнинг мазмун-моҳияти, уни душманлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш ҳақида ҳам ўйлайди. «Хурриятни кўрмоқ ва қўлга олмоқ осон бир шайдур. Лекин қўлда ушлаб турмоқ, бу маккор маҳбубни ағёрдан, душмандан қўлда сақламоқ ниҳоятда қийиндур» (1-бет).

1908 йилдаги ёш турклар инқилоби ғалаба билан тугаган бўлса-да, мамлакат ва халқ қисматини енгилаштиш йўлида бирор жиддий ўзгариш ясай олмади. Бироқ бу ҳодисанинг халқ миллий онги тараққиётида изсиз кетмагани аниқ, албатта.

¹ Абдулла Авлоний. Икки севги (Икки пардалик фожиа), қўлёзма, 4-бет.

² Ки, яна демокчи.

Хўш, Авлонийнинг мана шундай инқилобга мурожаат қилишининг сабаби нимада?

Аввало, шуни айтиш керакки, у ёш турклар инқилобининг мазмун-моҳиятини англаб етган эмас. Бу инқилоб Туркияда дастлабки пайтларда халқнинг барча қатламлари томонидан умумхалқ инқилоби сифатида кутиб олинган ва олқишланган эди¹. Масалан, Тавфиқ Фикрат «Миллат шарқияси»ни ёзиб, уни:

Миллат йўлидур, ҳақ йўлидур тутдигимиз, йўл,
Эй ҳақ, яша! Эй севгили миллат, яша, вор ўл! —

деб куйлади. «Дўғон гунаша», «Фердо» шеърларини ёзди. Деярли ҳамма шоирлар ва адиблар унга бағишлаб асарлар ёздилар. Унинг бениҳоя тор, чекланган, кенг халқ манфаатларига зид моҳияти сўнграқ аён бўлди.

Турк адабиётидан яхшигина хабардор Авлоний ўша илк таасуротлар таъсирида унга хайрихоҳ бўлган бўлиши мумкин. Лекин бизнингча, «Икки севги»га қўл урилишида ёш турклар инқилобининг мазмун-моҳияти у қадар муҳим роль ўйнаган эмас. Авлоний учун энг муҳими инқилобий мавзу бўлган. Оммани ижтимоий-сиёсий уйғотиш, инқилобий кайфиятни тайёрлаш, маслак ва унинг йўлидаги фидойилик бўлган. Иккинчидан, тил, урф-удум, эътиқод ва турмуш тарзидаги яқинлик мавзу ва масаланинг кенг оммага етиб боришини енгиллаштирарди. Муаллиф шуни ҳам ҳисобга олган. Бу ҳам Авлонийнинг юқорида айтилган, «мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди», деган гапларига яна бир далил бўлиб хизмат қилади ва унинг инқилобий фаолиятига мос тушади.

Шоирнинг инқилобий тўнтаришлар давридаги фаолияти қанчалар таҳликали кечган бўлса, ижоди ҳам шу қадар мураккаб, зиддиятли бўлди. У, бир томондан инқилобга қатта умид билан қаради, ўз истеъдодини унинг хизматига қўйди. Иккинчи томондан, унинг ўзгаришларидан қаноатланмади. Тўғрироғи, юртнинг иқтисодий талон қилинаётганлигини, маҳаллий халққа ҳеч қандай ҳуқуқ берилмаганлиги, асрий тартиб-удумлар, миллий анъаналар оёқости бўлаётганини, дин-диёнат емирилаётганини кўриб изтиробга тушди. Мана бу сатрларга разм солайлик:

Ҳар сонияда ўзга алам, ўзга жафодур кўраман,
Ҳар соат ичинда неча бинг дард-аламдур кўраман.

¹ Қаранг: В. С. Гарбузова. Поэты Турции передовой четверти XX века, Изд-во ЛГУ, Ленинград, 1975, 5-бет.

Ҳар кеча тиларсан ўлажақ, эртаси равшан,
Ул кундузи кечунда батар тоза фанодур кўраман.

Ҳар кун бошинга турфа бало тоши ёғилгай,
Ҳар гўшада бўлсанг-да, қудурат-ла қазодур кўраман.

Дерларки ойинг яр(и)си қаро, ярмиси равшан,
Ўтгуз куни ҳам бизга букун қоп-қародур кўраман.

Дерларки қиёмат ўлажақ жумъа куниди,
Байрам кунимиз маҳшари ваҳм рўзи жазодур кўраман.

Ҳижрон ўтадур ҳасрат ила ою йилимиз,
Ҳар аср биза бир тўда ғам оҳ-наводур кўраман¹.

Инқилоб бахт, фароғат олиб келмоғи, зулмнинг илдизи қир-қилиб, адолат гуллари барқ уриши лозим эди-ку! Нега бундай бўлди? Наҳотки, «Инқилобни даҳолар тайёрлайдилар, мутаассиблар амалга оширадилар, муттаҳамлар роҳатини кўрадилар» деган Бисмарк яна ҳақ бўлиб чиқса?!

«Шонли инқилоб»нинг миллатлар бошига, биринчи навбатда, руснинг ўзига қанча офат келтирганига оид янги-янги ҳужжатлар, материаллар чиқмоқда. Машҳур Достоевский бундан юз йилча олдин социализм деган ғоя юз миллион руснинг бошига етиши мумкинлигини айтган экан. Солженицин бир интервьюсида 1917 йилдан 1959 йилгача бўлган қатағонлар мисолида буни ҳисоблаб чиқариб берган эди².

Лекин «шонли инқилоб» йиллари унинг фожиали оқибатлари жуда кам кишининг хаёлига келди. Деярли ҳамма инқилобнинг тантанавор оҳангарига масту мустағриқ эди, ихтиёрсиз у билан барабар қадам ташларди.

Авлоний кўплаб шарқия машқлар ҳам ёзди. Шарқиячилик инқилоб йилларида жуда кенг тус олган. Сабаблари маълум. Оммага руҳ бериш лозим эди. Авлоний ўша йиллари «Хуррият марши», «Қизил таёқчилар марши», «Толиби илм марши» каби бир неча маршлар яратган. Шоир «Хуррият марши» шеърисида Туркистонни хуррият билан табрик этади, уни «Хур бўлиб яшашга», «бир бўлиб яшашга» ундайди:

Хур бўлиб яша, бир бўлиб яша!
Ҳамла жавобни эмди сен таша!

Шонли хуррият — Туркистонники,
Шонли Туркистон — ишлагонники!

¹ «Иштирокиюн» г., 1919, 13 февраль, 69-сон.

² Қаранг: «Комсомольская правда», 1991, 4 июнь.

Барча ишчилар ҳуррият — сизинг,
Жаҳду зулмдан барчангиз безинг!

Шонли ҳуррият — Туркистонники,
Шонли Туркистон — ишлагонники!

Ушбу «Ҳуррият»нинг «шонли» эмаслиги ва Туркистонники бўлмаганлиги унга ҳали маълум эмас.

Бу шарқиялар, жумладан, «Ҳуррият марши» унинг замондошларида катта таассурот қолдирган. Масалан, Садриддин Айний шеърдан гоят таъсирланган ва ўзининг машҳур «Мактаб марши» («Иштирокиюн» газетаси, 1920 йил, 48-сон) шеърини ёзган. Айний ўз шеърига Ҳижроннинг «Ҳуррият шарқия»-сига ўхшатма деб изоҳ берган.

Авлоний 17-йилдан кейин яна 17 йил яшаган бўлса-да, ижодда ҳам, фаолиятда ҳам инқилобдан илгаригидек серҳаракат бўлган эмас. Ҳатто бирорта ҳам адабий-бадиий китоб ёхуд тўплами босилмагани буни кўрсатиб турибди. Тўғри, «Набил», «Индамас», «Шухрат», «Тангрикули», «Сурайё», «Чол», «Аб», «Чегабой», «Абдулҳақ» каби имзолар билан газета-журналларда, айниқса, «Муштум»да кўплаб ҳажвий шеърлар, кулги ҳикоялар бостириб турди. Лекин катта, жиддий ишлар қилмади. Аммо шеърларида қочириқлар, тагтаплар кўпайиб борди. Масалан, «Муштум»нинг 1923 йил 15-сонида босилган «Бир мунофиқ тилидан» шеърида бу яққол кўринади. Муаллиф шеърда бир кишини эмас, бутун зиёлини буқаламунга айлантириб қўйган инқилобни, шўро ҳукуматини нишонга олади.

Абдулла Авлоний Октябрдан кейин бир оз камнамо бўлгандек кўринса-да, адабиётдан чиқиб кетмади. Унинг 20-йиллардаги адабий ҳаракатчиликда, ёш қалам аҳллари вояга етказишда, уларга ижод сирларини ўргатишда фаол иштирок этгани кўпчиликка маълум. Адабиётга ўша йиллари кириб келган атоқли шоиримиз Миртемир «Ёш ленинчи» газетаси қошидаги машғулотларда Абдулла Авлоний тез-тез иштирок этиб турганини хотирлаган эди¹.

Адиб истеъдодли ёш ҳамкасабаларига йўл-йўриқ кўрсатди. «Шеърда зўр маҳорат кўрсатган»² Ҳамид Олимжон, «иқтидорли шоир ҳам ёзувчи»³ Фафур Гулом, «таниқли шоир»⁴ Уйғун ҳақида матбуотда фикрлар билдирди.

¹ Қаранг: «Ўзбек тили ва адабиёти» ж., 1973, 6-сон, 44-бет.

² Қаранг: Проф. А.Авлоний. Адабиёт хрестоматияси, Т., 1933, 378-бет.

³ Шу асар, 376-бет.

⁴ Шу асар, 377-бет.

Форс, рус, озарбойжон, араб тилларини дурустгина билган, Шарқ ва Ғарб маданияти классиклари билан яхшигина таниш Авлоний 20-йилларда самарали илмий ишлар ҳам олиб борди. 1930 йилда САГУ педагогика факультетининг тил билими кафедраси бўйича профессор, сўнг мудир бўлиб тасдиқлангани бежиз эмас. Илмий ходимлар секциясида, Ўздавнашрда, Республика терминология комитетида, Давлат илмий советида масъул вазифаларда ишлади.

1933 йил VII синф учун хрестоматия тузиб, нашр эттирди. Унга 20—30-йиллардаги ўнлаб ўзбек адиблари ҳамда рус, Европа адабиётининг қатор вакиллари ҳақида биографик маълумотлар киритилган, уларнинг машҳур асарларидан намуналар берилган эди.

1934 йил 25 августда вафот этди.

ТАВАЛЛО

(1883–1937)

Шоир Таваллонинг исми шарифи Тўлаган Хўжамёров бўлиб, XX аср бошида Тошкентда етишган, халқ ўртасида катта шуҳрат қозонган истеъдодлардан.

Машҳур Ойбек «Болалик»да шундай ёзган эди:

«Айвонда мук тушиб, Таваллонинг шеърларини ўқишга киришаман. Ўқийман, диққат билан берилиб узоқ ўқийман... Шеърлар рангдор, жонли, тили ўзига хос, равон...»

Бўлажак шоир 1883 йилда Кўкча даҳасида Оби Назир маҳалласида ўзига тўқ Хўжамёр Жиянбоев oilасида дунёга келди¹. Эски мактабда савод чиқарди. «Бекларбеги» мадрасасида, рус-тузем мактабида ўқиди. Мол савдоси билан шуғулланадиган Хўжамёр аканинг Авлиёота, Пржевальск шаҳарлари билан яқин алоқалари бор эди. 17 ёшлик Тўлаган 1900 йилда отасининг маслаҳати билан Пржевальск шаҳрига бориб, Усмонбек Солихжонбоев деган кишининг қўлида иш юритувчи (приказчик) бўлиб ишлай бошлади²... 1909 йилда Хўжамёр ака вафот этади. Кўп ўтмай, Тўлаган Тошкентга қайтади. Шаҳар савдо ширкатларидан бирида иш юритувчилик қила бошлайди. Зухра исмли қизга уйланади. Раҳбар, Санобар деган икки қиз, Мақсуд, Маҳмуд номли икки ўғил кўради. 10-йиллардан вақтли матбуотда «Тавалло» тахаллуси билан шеър ва мақолалари босила бошлайди. 1914 йил 30 августда Мунавварқори, Авлоний, М. Подшоҳўжаев, Хусанхўжа Дадахўжа ўғли (ёзувчи Саид Аҳмаднинг отаси), Саидабдулло Саидкарим ўғли Саидазимбоев, Комилбек Норбеков (жами 12 киши)лар билан биргаликда Тошкентда «Нашриёт» ширкатини тузиб, китоб чиқаришни йўлга қўядилар. 1915 йилда эса Авлонийлар та-

¹ Шоирнинг таржимаи ҳолини ёритишда, хусусан, ҳаёт саналарини аниқлашда унинг Республикамиз МХХ архивида 32592-рақам остида сақланаётган «Тўлаган Хўжамёров иши» (119 саҳифа) материалларидан фойдаланилди.

² Тавалло 10-йилларда ҳам у ёқларга тез-тез бориб турган. «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил декабрь сонларида унинг шу йил 12 ноябрда савдо ишлари билан Авлиёота, Олмаота, Ёрқанд тарафларга сафар қилгани, 20 декабрда Тўқмоқда бўлгани ҳақида хабарлар берилган.

шаббуси билан тузилган «Турон» жамиятида фаолият кўрсата бошлайди. Лекин асл касби савдо ишларидан узилиб кетмайди. 1917 йил воқеаларига қадар мазкур соҳада мунтазам ишлайди.

Адибнинг «Жиноий иши»да сақланган «Меҳнат дафтарчаси»дан шу нарса маълум бўладики, у шу йиллари ижодий соҳадан бошқа ҳамма иш билан шуғулланган. Ички ишлардан маъмурий-хўжалик, қурилишгача бор. Чунончи, 1918–19 йилларда Тошкентнинг дастлаб Эски шаҳар, сўнг Янги шаҳар ижроия кўмиталарида аъзолик қилган. 1919 йилда партиёга кирган. Чекага хизматга олинган ва 1922 йилгача Республика коллегия аъзоси бўлган. 1922–23 йилларда ушбу ташкилотнинг Эски шаҳар ижроия кўмитаси аъзоси, шикоятлар бюроси аъзоси, Фаргона ревтрибунал аъзоси вазифаларини бажарган. 1924 йилдан ички ишлар ва давлат муҳофазаси тизимидан узоқлашади, касаба уюшмасига ўтади. Ташсоюз бошқармаси аъзоси, 1925–26 йилларда эса Тошкент саноат бирлашмаси Кустпромсоюз (Хунармандчилик саноати касаба уюшмаси) раиси бўлиб ишлайди. 1927 йил 23 октябрда молиявий камомад айби билан партиядан ўчирилиб, 5 йил қамоққа ҳукм қилинади, бироқ 1928 йилнинг 11 январиди, чамаси айби исботланмаганлиги сабабли, озод этилади. Шу йил Қуруқ мевалар омборида таржимон бўлиб ҳам ишлаган экан. Йил охиридан 1930 йилнинг апрелигача КООПстрахсоюз (Ширкатлар суғурта уюшмаси)да инструктор, Нонмарказ инструктори (1930), Ширкатлар уюшмаси нозири (1930) вазифаларини бажаради. 1931 йилнинг 15 декабрида аризасига кўра ишдан бўшатишган. Хомашё ва савдо сектори нозири қилиб ўтказилган. 1933 йил 1 январдан Союззаготхлопок (Иттифоқ пахта тайёрлаш) идораси ихтиёрига юборилган. 1933 йил 22 ноябрь – Ўзпромстрой (Ўзбекистон саноат қурилиши) трестида назоратчи-инструктор; 1934 йил 15 апрель аризасига кўра ишдан бўшатишган. 1935 йил 29 январь – «Красный утильщик» («Қизил фойдаманд») артелида инструктор; 1935 йил 29 май аризасига кўра бўшатишган.

Суд-тергов қоидаларига кўра айбланувчининг қилмишларигина эмас, уларнинг ташқи кўриниши, ажратиб турадиган хусусиятлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилар эди. Таваллонинг «Жиноий иши»да ҳам шу хил маълумотлар учрайди. Чунончи, «Анкета маълумотлари»да қуйидаги гапларга дуч келамиз: «Ташқи кўриниши: ўрта бўй, бўйи 1 метру 56 см, кўзи – қўй кўз, сочи – қора. Дарвоқе, «Жиноий иш» материалларида «айбланувчи»нинг яна бир жиҳати махсус таъкидланган: керагича нотик.

1937 йил 14 августда Тавалло «аксилінқилобий», «Турон», «Шўройи ислом», «Иттиҳоди тараққий», «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқдол» ташкилотларининг аъзоси, «миллионернинг

ўғли», «шеърларида миллатчилик ғояларини илгари сурган»лик-да айбланиб, қамоққа олинади¹.

Қамоққа олинганда оилада беш киши бўлган: ўзи — 54 ёшда, хотини Зуҳра Миёрова — 40 ёшда, ўғли Мақсуд Миёров — 16 ёшда, қизи Санобар Миёрова — 11 ёшда². 1913 йилда туғилган Раҳбар исмли қизи 1936 йилда турмушга чиққан бўлиб, Бухорода яшар эди.

Агентура материалларидан: «Т. Х. миллий республикани мустамлака» деб айтди. Кўпчилик орасида «Ўзбек халқи ўзаро нифоқ ва қўрқоқлик орқасидан хор-зор, қизилларга тутқун бўлди. Сабр косаси бир кун тўлади ва халқ совет ҳукуматига қарши қўзғалишга мажбур бўлади. Агар мен инқилобни шундай кунларга олиб келишини билсам эди, бутун вужудим билан унга қарши курашар эдим»³, деди.

Тўлаган Хўжамёровнинг тергов ишлари тезлашиб кетди. Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари муовини Леонов имзолаган «Айблов хулосаси» 1937 йил 9 сентябрда 25 кунда тайёр бўлди. Унда Таваллонинг 1919 йилда Осипов қўзғолонига «қатнашгани»гача «тасдиқлатиб» олинди ва бир қатор «айб»лар билан учлик ҳукмига ҳавола этилди.

Шу йилнинг 19 октябрида НКВД қошидаги учлик мажлисида Тавалло отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Ҳукм шу йил 10 ноябрда ижро этилади.

Адабиётшунослик фанида эса, унинг вафот йилини 1939 деб кўрсатиб келардик. Адиб 1968 йил 18 октябрда оқланди⁴.

Таваллонинг 1968 йилда Бухородаги қизи Расулова Раҳбарнинг ДХҚ идораларига ёзган хатлари мазмунидан англашилишича, бу йилга келиб, шоир оиласидан ундан бошқа ҳеч ким қолмаган⁵.

Тавалло асарларининг қайта нашри ва у ҳақдаги маълумотларнинг берилиши ҳам 1968 йилга тўғри келади. Марҳум М. Зокирий ва атоқли адабиётшунос — танқидчи О. Шарафиддиновларнинг файрат ва ташаббуси билан дунёга келган ва зарарли китоб сифатида дарҳол йиғиштириб олинган «Тирик сатрлар»даги шоир ижодидан намуналар бу борадаги дастлабки қадамлардан эди⁶. Унинг ягона шеърини тўплами «Равнақул-ислом» алоҳида ҳолда 1993 йилдагина нашр қилинди⁷.

¹ Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизмати архиви, 32592-рақамли «иш», 15-бет.

² Уша ерда, 18-бет.

³ Уша ерда, 12-бет.

⁴ Уша ерда, 118-бет.

⁵ Уша ерда, 29-бет.

⁶ М. Зокирий Таваллонинг таваллуд-вафот санасини 1872–1939 деб кўрсатган.

⁷ Тавалло. Равнақул-ислом. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б. Қосимов, Т., «Фан», 1993, 72-бет.

Бугун бу номни фақат бизда эмас, четда ҳам биладилар¹.

Таваллонинг ижодкор сифатида шаклланишида Тошкент адабий муҳитининг роли катта бўлди. Унга сайрамлик шоир Юсуф Сарёмий устозлик қилди. Тахаллусни ҳам унга Юсуф Сарёмий берган.

Таваллонинг шеър ва мақолалари 10-йиллардан матбуотда кўрилади. Шоирнинг 1916 йилда «Равнақул-ислом» номи билан чоп этилган шеърый тўплами унинг ҳаётлик даврида босилган битта-ю битта китобидир. Мақолалари тўпланган эмас. 20-йилларда «Муштум» ҳажвий журналининг фаолларидан эди. Мазкур журнал саҳифаларида «Мағзава» имзоси билан унлаб ҳажвий шеърлари чоп этилган, улар ҳам йиғилган, ўрганган эмас.

Шоир ижодини баҳолашда асосий манба «Равнақул-ислом» бўлиб турибди. Тўплам ҳажман унча катта эмас, 70 тача шеър киритилган. Номи ўша йиллар учун кенг расм бўлган номлардан. Туркчилик, исломчилик руҳида. Вазн ва оҳанг анъанавий — арузда. Бироқ мазмун тамом янги. Туркистонни қоплаган жаҳолат ва нодонлик, тутқунлик ва турғунлик ҳақида. Унинг ҳам бошқа ривожланган, тараққий топган миллатлар қаторида фаровон ва бахтли яшашга бўлган ҳаққи-ҳуқуқи тўғрисида.

Шоир, биринчи навбатда, замон ҳодисаларидан илҳом ва таъсир олади. Кўпгина шеърлари ҳаётдаги конкрет янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида. Шунингдек, унинг сўнгги давр турк, татар, озарбойжон шоирларининг шеърлари билан ҳам яхши таниш эканлиги билинади. Чунончи, 1913 йилда Абдулла Тўқай вафотидан қаттиқ қайғуради. Матбуотда чиқади. «Шеърларидан кўп баҳралар олғонлиғи»ни, турмуши ҳам Тўқайнинг «таржимаи ҳолига ниҳоятда ўхшаб кетганлиғи»ни (у ҳам етим ўсган эди) ёзади. «Тотор қардошларимизнинг машҳур шоири марҳум Абдулла афанди Тўқавнинг шеърини тазмин» номи билан унинг «Жумла фикрим кеча-кундуз Сизга оид миллатим», деб бошланадиган шеърига назирасини эълон қилади. Марҳум шоирнинг маслаку муддаоси-



Тўлаган Хўжамёров —
Тавалло

¹ Германиядаги Бамберг университети туркология бўлимида 1937–38 йилларда Таваллонинг «Равнақул-ислом»и буйича ихтисослик курси ўқилгани маълум.

ни, жумладан миллат йўлида жонини фидо этмоқни ўзи учун муқаддас бурч ҳисоблайди.

«Миллат», «Миллият» тушунчаларига Авлоний ва Таваллоларга қадар шеъриятимизда бунчалик кўп эътибор берилган эмас эди. Хусусан, Таваллода ҳар бир шеър миллат, унинг шу кундаги аҳволи, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, тарихи ва тақдирига келиб боғланади. Шоир жаҳоннинг, чунончи Европа ва Америка халқларининг тараққиёт асридаги ҳаётига назар ташлайди. Бир томонда илм-фан, техника янгиликларини турмушга жорий этиб, оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилаётган миллатлар, иккинчи томонда, Одам Атодан келаётган, аллақачон эскириб ишдан чиққан ишлаб чиқариш усули ва воситаларига маҳкам ёпишиб, дунёда шуни сўнгги мўъжизадек ушлаб олган Туркистон. Шоир ҳар иккисини муқояса қилади. Бу муқояса, ҳажвий мазмун ташийди, албатта.

Масалан, шундай шеърларидан бири «оврўполилар ҳунари бирлан бизларни(нг) хунарларимизнинг фарқи» деб сарлавҳаланган. Шеър бошдан-охиригача кесатиқ-қочириқлар, истехзо асосига қурилган. Шоир шеърни ҳатто ўз миллатига эмас, «Оврўпо аҳлига» мурожаат билан бошлайди. «Оврўпо аҳли»ни баҳсга, мувоҳазага чорлайди. Шу аснода «занбурак» — «сопқон», «афтомобил» — «хўқанд ароба», «айрипилон» — «варварақ», «зобут», «товар» — «бўйра-бордон» муқоясалари оддий мазах-кулгидан вазиятга фожеий мазмун берувчи заҳарли истехзога айланади. Ёки «Ибрат боғида» шеърини олайлик. Шоир истироҳат боғида сайр этаркан, икки хил манзарани кўради. Шу маънода ушбу «томоша боғ» аслида ибрат боғидир. Ана, бир гуруҳ «чаман булбуллари» боғда «товус» каби «хиром» қилмоқдалар, «ёз фасли оқ баданларига» «оқ кийимлар» кийган, «искамейка»ларда «роҳат қилиб» дам олмоқдалар. Бу инсоннинг ўз инсоний шаънини қадрламоғидир. Энди, иккинчи манзарага кўз ташланг. Йўл устида тўпланиб, қарғалардек қўнқайиб олган кишилар. Ана, бирови «кафши»нинг «лойи билан» «искамейка»га чўзилган. Ё бўлмаса, «ёз фасли» бўлишига қарамай, «пахталиқ»ни ташламасдан «елкага ёғини чиқариб» кийиб юрган, «уч қабат камзулни устидан» «саккиз қулоч белбоғ» боғлаб олган миллатдошларимизни айтмай-сизми?! Нега бировлар озода кийиниб, чиройли бўлиб, ҳузур-ҳаловат билан юрганда биз «пайпоғимиз судраб» кўча чангитиб юрамиз. Ана, яна бири келяпти, «иштонни тизидан юқори» кўтариб олган, «кўкрак очиқ». Семиз қорни, жундор кўкрагини кўз-кўз қилиб келяпти. Унинг учун дунёда шундан буюк мартаба йўқ. Боғбон («садовник») йўқол («убрайс!») деб тўғри бўлса (томошабоққа маҳалий халқ кириб ўрис тўраларнинг ҳаловатини бу-

зиши мумкин эмас-да), «гасподин»дан бошқа сўз айта олмай чулдираб қоламиз. Узоқда бирорта «мундир кийган солдат» кўринса, кўяверинг, боққа кирмасдан қуённи урамиз. Қоровул-поровул кўрсак-ку, худо урди, кўчама-кўча ошамиз. Уйга келганда эса юраги тоғмиз.

Мантиқан шундай хулоса чиқади: наҳотки бу ўша доврўғи жаҳон Туркистон? Наҳотки бу шўринг қурғурлар дунёга қанчадан-қанча даҳоларни етказиб берган. Амир Темурдай жаҳоний зотлари билан ярим жаҳонга эгалик қилган, инсониятга инсонларча яшашни ўргатган, асрлар давомида куч-қудрат, ақл-шижоат тимсоли бўлиб келган юртнинг фарзандларидирлар.

Аслида, шоир демоқчи бўлган гап ҳам шу.

Тавалло Ватан мавзуига алоҳида эътибор беради. Шеърларидан бири ҳатто «Суюкли Ватан ҳақинда» деб аталган. Унинг шеърларида «Турон», «Туркистон» атамалари, табиийки кўп учрайди. Масалан, Туркиянинг Қарс вилоятида юз берган бир зилзила муносабати билан ёзган шеъри бор. Шеър «Қарс мамлакатада фалокатзада мусулмон қардошлар ҳақида» деб номланган. Шеър шундай бошланади:

Кўрасиз, Турон эли, Қарсда мусулмонлардир,
Раҳм этинг ҳолина сизлар, қардошлардир...

Нарироққа бориб, шоир бу фикрни яна таъкидлайди:

Ёрдам этмак куни етти сиза, Турон аҳли,
Бу фалокатзадалар, тухмата қурбонлардир.

«Турон» туркистонлиларга қадим шаън-шавкатни эслатиб турарди, дунёни ўз мулкидай идора этган буюк боболарнинг «урҳо»сини эшиттиргандай бўларди. Бу ҳам бир — усул. Иккинчидан, шоир уларнинг «қардош»лигига урғу бермоқда. Бу қардошлик шунчаки дин қардошлиги эмас, тил қардошлигига ҳам шама бор. У ерда турклар яшайдилар. Улар 10-асрларда Сирдарё бўйидан кетиб, Кичик Осиёда ватан қилиб қолган қариндошларимиздирлар. Бу ҳам ўз-ўзидан туркий қавмларнинг жаҳоний миқёсларга ёйилганига ишора қилади. Русия эса, Туркистонни турк дунёсидан имкон қадар узоқда тутишдан, қардошларини танитмаслик, ҳеч бўлмаса ёмонотлик қилишдан жуда манфаатдор эди. Уни етим кўзидай кўрсатишни истар ва олижаноб чўпонлик даъвосини қилар эди. Ниҳоят, шеърнинг яна бир жиҳати бор. Русия урушга кирган эди. Биринчи Жаҳон уруши авжида эди. Туркия Русияга қарши урушга қўшилган ва унинг бевосита «душман»ига айланган эди. Кўринаяптики, шоирнинг Ватан мавзуидаги шеърларида миқёс ҳам, мазмун ҳам жуда кенг.

«Турон» ҳақидаги фикрни давом эттирамиз. Бу атама биргина шу шеърда эмас, бошқаларида ҳам учрайди. Мана айрим намуналар:

Деюр астағфурулло, дафъатан шундоғму **Туронлиғ**...

(«Уёнмаз эрса миллат» шеърдан)

Ёш-қари қадрини бил, **Турон** элин меҳмонидур...

(«Мухаммаси Тавалло бар ғазали Мавлавий Юсуф Сарёмий» шеърдан).

Айни пайтда, Ватанни «Туркистон» шаклида англаш ҳам табиийки, кўп учрайди:

Баҳора дўнди **Туркистон**, очилди ғунчалар хандон,
Юринг боғларда, эй ёрон, бу давронлар ғаниматдур.

(«Наврўзлик ҳақинда» шеърдан)

Шунча **Туркистон** элинда нодон аҳли кўб вале,
Носиҳ ўлмаз эрсалар, ақли расолардин насуд?!

(«Халқға фойдаси тегмаганлар ҳақинда» шеърдан);

Десам, дунёда биздек ортда қолгон борму миллатдан,
Бу **Туркистон** элидин тобмадим иқрор, йўх, йўх, йўх.

(«Жаҳон айвонида...» шеърдан).

Шоир тарих ҳақида сўз очганда, яна бир калимани тилга олади. Бу — Мовароуннаҳр. Жумладан, юқорида номи тилга олинган «Суюкли Ватан ҳақинда» шеъри шундай сатрлар билан бошланади:

Мовароуннаҳрдур тарихда бизларга Ватан,
Арзигай бизлар санга хизматда бўлсак, жону тан.

Эй Ватан, эзгу Ватан, авф айла, қадринг билмадук,
Эмди билдук, бош кўтардук, кўрки, бизлар уйқудан.

Бу жуғрофий атамалар бир-бирига у қадар зид эмас. Бири хиёл кенгроқ, бири торроқ, фарқи шунда холос. Иккинчидан, дастлабки байтнинг ўзиданоқ унинг қадр-қиммати ҳақидаги гап ўртага тушади. «Арзигай бизлар санга хизматда бўлсак жону тан», деб ёзади шоир ва «Ватан»га «жону тан»ни қофия қилади. Ватан қадри ҳақидаги бу таърифий фикр, мисрама-мисра, байтма-байт тараққий топиб боради ва ғазал мақтаёида:

Кеч гуноҳини Таваллони, Ватан, эзгу Ватан.

Билди аслинг, қилди васфинг, бу ватандандур бадан, —

деб тугалланади. Бошқача айтганда, Ватан ва унинг сарҳадлари бизнинг баданимиз каби тану жонимизга туташдир. Ватанга даҳл

танга дахлдир, жонга дахлдир. У — шу қадар тан билан жонга қўшилиб кетган. Учинчидан, Ватан ўлик жисм эмас, жонлик тандир. Ва у ушбу тупроқда яшовчи ҳар бир ватандош тану жонига пайваста бўлмоғи лозим.

Нима учун шоир мақтаъда Ватандан гуноҳини кечмоқни сўрамоқда?!

Матлаъда ҳар бир Ватан фарзандининг унинг олдидаги бурчини белгилаб берган эди. Сўнггида узр сўраяпти. Чунки шоир ўзини унга муносиб хизмат қила олмадим, деб ҳисоблайди. Унингча, биринчи вазифа миллатни уйғотмоқ эди, — у, иншоолло, уйғонди («уйқудан бош кўтарди»). Навбатдаги иш миллатни тарбияламоқ ва уни Ватан боғининг булбули мақомига кўтармоқ, уни баркамол қилиб тарбияламоқ ва юртнинг чинакам эгаси мақомини олиб бермоқ эди. «Зағон» («қарғалар»)ни хижолатга солиб, боғдан «жўнатиш» — мустамлакачилардан халос бўлмоқ эди. Афсуски, буларни амалга ошириб бўлмаётир. Шоир узрининг сабаби шунда. Лекин у мутлақо ишонади: «Бундоқча кунлар бор экан» дейдиган кунлар, албатта келади. Бу шоир тасаллисининг бош сабабидир.

Замонасининг жуда кўп шоирлари каби Тавалло шеърларида ҳам кенг ўринни Миллат ва Ватанга хизмат ҳисси ва шу муносабат билан ўз-ўзига ҳисоб эгаллайди. У бир шеърда «Ҳаволансин, гизолансин, билинг, бу бир ҳумо, миллат!..» деб ёзади. Ундаги мантиқ шундай: миллатнинг равнақи учун, биринчи навбатда, ақл ва ғайрат керак. Ғайрат эса иштиёқдан, меҳр-муҳаббатдан туғилади. Ақл ва ғайрат ишончни, ишонч ҳаракатни юзага келтиради. Миллат унга мансуб ҳар бир кишининг жони-жаҳони, бахти-саодати. Бинобарин, ҳумо қуши. У кўкларга парвоз этмоғи лозим. Бунинг учун унга руҳ керак, мадад керак.

Шоир шеърларидан бири «Ўз виждон—вужудима хитоб» деб номланган. Мухаммас шаклида ёзилган ушбу шеърнинг ҳар банди «Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг» сатри билан якунланади. Жонга хитоб ҳар банднинг якунловчиси бўлганлигидан унғача шоир ўз вужудининг ҳар бир аъзосига шарт қўйиб чиқади. Бу шартлар Ватан ва Миллат манфаати йўлидаги хизматларга қаратилгандир. Чунончи, миллатга ёрдамлашмаган, унинг оғирини енгил қилмаган кўлнинг «пул тут»ишга ҳаққи йўқ, миллат ғамини емаган дил «хушнуд» бўлмаслиги керак. Бу ғамдан ёш тўкмаган кўзнинг очилмагани яхши. Миллатга суянчиқ бўла олмаган ақл ва фикрнинг боридан йўғи. Миллат ғамидан бошқа сўзни сўзлайдиган тил лол бўлгани маъқулроқ ва ҳоказо.

Саккиз бандлик ушбу мухаммаснинг биринчи ва сўнгги бандларини келтираммиз:

Эй кўлум, пул тутма ҳеч, миллатга ёрдамлашмасанг,
 Бўлма хушнуд, эй дилим, миллат ғамин ғамлашмасанг,
 Равшан ўлма, эй кўзум, ёшинг тўқуб намлашмасанг,
 Фикрим, очилма, агар шеъринг ёзиб, хамлашмасанг,
 Чиқ ичимдан, жоним, эй, сан манга ҳамдамлашмасанг...

Дейдилар, бас қил, Тавалло, шеърлар манзур эмас,
 Миллатинг маҳв ўлса, парво қилмаюрлар, ғам емас,
 Бунларинг шўрбо-палов, норин ебон, чой ичса, бас,
 Сўнгра икки елкасига тепсалар ҳам индамас,
 Чиқ ичимдан, жоним, эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Шеър бир қадар маҳзун оҳангда якунланмоқда. Бу – умидсизлик, нажотсизлик оҳанги. Асорат ва залолат ўз ишини қилган. Миллат аллақачон, Авлоний айтганидек, тирик мурда («мадфун зинда»)га айланган. Унинг қорин қайғусидан бошқа қайғуси йўқ. Шаън-шуқуҳ, ор-номус, ўзликдан нишон қолган эмас. Шоир миллатининг очиқ кўзли фарзанди сифатида бундай фожиага чидай олмайди. Шеърни шеър қилган дард – шу.

Тавалло халқ ҳаётини рўй-рост кўрсатишда шеър, шоир зиммасига катта масъулият юклайди. Чунончи, «Қаламга хитоб» шеърисида унинг «ҳасрату андуҳ»дан, «меҳнат»дан «ёзишини», «тўғри ёз»ишини талаб қилади. Унингча, қаламнинг вазифаси виждонни уйғотмоқдир. Шоирлик бир умр уйғоқ виждон билан яшамоқдир. Шам мисоли ўзи ёниб, атрофни ёритмоқдир. Йўқ-йўқ, халқ, ватан ҳаётидаги ҳар бир ташвишу қувончдан чақмоқдек чақилмоқ, момақалди роқдек борлиқни ларзага солмоқдир... Унинг биргина қуроли бор. У ҳам бўлса ҳақ сўз. Ундан чекиниш қаламга ҳам, виждонга ҳам хиёнатдир.

Шеърят – бу кураш. Ўзининг омонат фароғати эмас, кўпнинг нафи, манфаати учун адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш.

Бас, шундай экан:

Кел Тавалло, бўл мусаввир, ол қаламни қўлга сан,
 Чек фронтлар сувратин, кўрсун ҳама наққошлар.

Шоир «ҳақиқат сўз»ни, дилбанд диёри дардларини айтиш билан кифояланмайди. Уни тузатишга диққатни қаратади:

Камчиликни назму таҳрири Тавалло қилмасанг,
 Кел бу кун манзур эмас, ёзма бўлак ашъор ҳеч!

(«Ҳеч» радифли шеърдан)

Иккинчи бир шеърида эса, ўзини миллатнинг «отхонасида хизмат эт»ишга «миллатнинг шалтоғи»ни тозалашга сафарбар қилади («Томошабоғ хусусида»).

Бундай ҳол адабиётимизда илгари кўрилмаган эди.

Шоирнинг севимли мавзуларидан бири ҳуррият эди. У инсон эркини ҳар нарсадан устун қўйди. Унинг талқинидаги эрkning маъноси ғоят кенг. Бу эрк сиёсий, иқтисодий мустақилликдан тортиб нафс қутқуларидан, қулликдан озод бўлишгача ўз ичига қамраб олди. У хотин-қизлар ҳурриятига кенг эътибор берди. Масалан, «Қариндош ва ҳамшираларимиз мазлума қизлар тилиндан» шеърида қизлар оталарига мурожаат қилишиб, уларни ҳам ўқитишни, уларга ҳам инсоний муносабатда бўлишни сўрайдилар. Бугина эмас, шеърда тенг никоҳ ҳақида сўз очилади:

Ўқутгон сўнгра вергонда, куёв тенгдошимиз ўлсун,
Иков ҳам илмлик, ёшликда бирдек ёшимиз ўлсун,
Жаҳонда шод ўлуб ҳамохират қардошимиз ўлсун,
Агар чолларга тушсак, заҳр ичгон ошимиз ўлсун,
Илоҳо, сақла, бизни дунёда мундоқ фалокатдан.

Шоирнинг бир қатор шеърлари давр янгиликлари, кундалик воқеалар ҳақида. Масалан, «Ойна» (муҳаррири Бехбудий) журналининг (1913), «Садойи Туркистон» (муҳаррири Убайдуллахон Асатиллаҳжаев) газетасининг (1914) чиқишлари, Исмоилбек вафоти (1914), Қарс (Туркия)даги зилзила (1914), айниқса, Биринчи Жаҳон уруши ва у билан боғлиқ ҳодисалар Тавалло диққатидан четда қолган эмас. Ўзбек театрининг майдонга келиш воқеаларига бағишланган бир эмас тўрт шеъри бор. Шулардан бири бевосита илк ўзбек театри томошаси 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги «Колизей» театрида Авлоний труппаси томонидан Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси қўйилишига бағишланган. Шунда машҳур маърифатчи Мунавварқори Абдурашидхонов театр ҳақида нутқ сўзлаган эди. Шеър ҳам шу воқеани ҳикоя қилишдан, «Чўқ мунаввар этди оламни Мунавварқоримиз» деб бошланар эди. Иккинчиси эса бу воқеани, яъни театр пайдо бўлишининг аҳамиятини таъкидлаб кўрсатди. Шоир фикрича, ёшларнинг театр ўйнаши, миллатнинг ҳаёт асари кўринганидан — тирикликдан нишонадир, «тараққийнинг хабари»дир.

Таваллонинг «Равнақул-ислом»даги шеърлари эски шеър тизимимиз — арузда ёзилган. Лекин ундаги руҳ ва мазмун, кўрганимиздек янги. Шоир бармоққа 20-йилларда ҳажвияларида мурожаат қилди ва 20-йиллар ўзбек ҳажвий шеърятининг эса қоладиган намуналарини яратди. Бироқ совет даврида ёзилган шеърла-

рини на ғоявий, на бадий жихатдан 10-йиллардаги шеърларига қиёслаб бўлмайди. Улар энгил-елпи ёзилгандек, кўнгли тулиб турган кишининг истеҳзосидек таассурот қолдиради.

Бунинг сабаби, бизнингча иккита:

1. Ижтимоий. Шоир камбағалпарварлик шиорлари билан ўзига оғдириб олган большевиклар сиёсатининг ғайриахлоқий ва ғайриинсоний моҳиятини тобора англаб боради. Миллат ва Ватаннинг тубсиз гирдобга кетаётганидан, ҳалокатнинг муқаррарлигидан, нажотнинг йўқлигидан изтироб чекади. Шўро идораларида, ҳатто унинг ҳуқуқ муҳофазасида ишлаётганидан қийналади. Кўнглини борлигича оча олмайди.

2. Шахсий. Гувоҳ М. Х. Ҳусанбоев маълумотига кўра, тахминан 1931 йилда ўғли Маҳмуд вафот этади. Бу нарса шоирга қаттиқ таъсир қилади, ичкиликка берилади. Хуллас, Тавалло ҳаётининг сўнгги 20 йили жуда кўп замондошлариники каби изтиробли, лекин деярли самарасиз кечди.

Лекин у кўпроқ адабиётимиз тарихида 10-йиллардаги миллатни эрк ва адолатга уйғотган жўшқин, эҳтиросли шеърлари билан қолди. Бу шеърлар янги ўзбек шеърятининг майдонга келишида муҳим бир босқич бўлиб тарихга кирди. Хусусан, Чўлпон шеърятининг юзага чиқишида маънавий омиллардан бўлди. Ойбекнинг шоир шеърларини алоҳида бир самимият билан эсга олиши сабаби шунда.



СИРОЖИДДИН СИДҚИЙ (1884–1934)

Атоқли адибимиз Ойбек «Улуғ йўл» романида уни шундай таништирган эди: «Шоир Сидқий махсум Искандар¹ дан. Камбағал оилада туғилиб ўсган, қаттиқчиликда қийналиб ўқиган, кейин мадрасага жойлашган. Кўп хору зорлик билан мадрасани тугатган, Искандарга қайтмасдан шаҳарда қолган. Назмда хийла тузук, каломи ўткир, пишиқ, ҳозиржавоб шоир эди. Ўрта бўйли, мулойим ифодали, юзлари буришиқ, фақирона кийинган, хушфеъл, хушмуомала киши эди».

Сирожиддин Сидқий 1884 йилда туғилди. Отаси Мирзоҳид-охунд «охунд» деб номланишидан ўқимишли кишилардан бўлган. Шоир ўз «падари бузруквор»ининг «камдастроқ», «бечораҳолроқ» бўлганлигидан «хизматкорларга ош тошиб, оту улоғ боқиб» рўзгор тебратганини маълум қилади. 6 ёшларида Сирожиддиннинг саводи чиқади. Хати равон бўлиб, қисқа муддатда шериклари орасидан кўзга ташланиб қолади.

1903 йилда ўқишни давом эттириш ниятида Тошкентга келади. Кесакқўрғон маҳалласидаги Мадрасаи Раҳматуллоҳда Шомухиддин охунд қўлида араб тили сарф (морфология)у наҳв (синтаксис)ини ўрганади. Хаттотликка муҳаббат қўйиб, замонасининг машхур қилқалами Тошкентнинг Арпапоя маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаммад Шоҳмурод котиб (1850–1922)га шогирд тушади. Сўнгроқ Фаргона водийсига бориб, «машхури даврон» Мирза Ҳошим Хўжандийдан сулс, таълиқ, руқъа, ёқутий, убайдий, лоҳурий каби хатларни ўрганади ва унинг «тарбияи мушфиқонаси», «марҳамати падаронаси сояи ҳимоясида» «ғурбат юртида» шуҳрат қозонади. Айна пайтда шеър машқ қила бошлайди. Таржима билан шуғулланади. Кекса маорифчи, шоир

¹Искандар Тошкентнинг шимоли-шарқида Чирчиқ дарёси бўйида жойлашган қишлоқлардан бири. Шоирнинг ўзи таржимаи ҳоли («Ҳологи Сидқий»)да туғилган қишлоғини «Хандақлиқ» деб кўрсатади, «Хандақлиқ» ёхуд «Хондайлиқ» Искандардан хиёл тепароқда, ҳар икки қишлоқ бир-бири билан деярли тутшиб кетган.

ва журналист Мўминжон Муҳаммаджонов (1883–1964) ўзининг «Тошкентлик ва Тошкентда бўлган ўзбек шоирларининг таржи-май ҳоллари» қўлёзмасида маълум қилишича, табиатан ғоят за-кий бўлган бу шоир Мулла Қўшоқ Мискин (1880–1937) билан жуда иноқ эди. Улар биргаликда «Кўкалдош» мадрасаси¹ да Ак-малхон домладан дарс олганлар. Сўнг Сидқий «Бекларбеги»да Абдулмаликхोजи охунда ўқиган. «Кўкалдош»да Сидқий ва Мис-кинлар билан айна бир вақтда шоир Хислат (1882–1945) ҳам ўқиган. Сидқий ўз таржимай ҳолида Хислатнинг номини алоҳи-да эҳтиром билан тилга олади, ундан шеър илмини ўргангани-ни айтади. Сидқийнинг шоир сифатида шаклланишида Карим-бек Камий (1865–1922)нинг хизмати катта бўлди. «Бекларбеги» мадрасаси ҳужрасида фақирона ҳаёт кечирган, Тошкентдаги машҳур 7 бедилхондан бири сифатида эътироф этилган бу но-зиктаъб шоир кўплаб ёшлар учун устозлик қилган. Гоҳ «Кўкал-дош»да, гоҳ «Бекларбеги»да шеърхонликлар тез-тез бўлиб тур-ган. «Бекларбеги»дан мулла Тўлаган – Тавалло, Мўминжон – Тошқин, «Кўкалдош»дан Сидқий, Мискин, Хислатлар бу му-шоираларнинг фаоллари эдилар.

Бу оддий суҳбатларда шеър илми билан боғлиқ гаплар ҳам ўртага тушар эди. Сидқий «авзон» (аруз вазни кўзда тутилади), «сажъ» (қофияли наср), «қофия» кабиларни мана шу адабий давраларда ўрганганини айтади ва юқоридагилар билан бир қаторда Ғазанфар, Мунис, Хаёлий, Иффат Боғистоний, Ризоий Андижоний, маш-ҳур Мухйи Хўқандий, Саидахмад Васлий Самарқандий, Фурбатий Туркистоний, Абдулқодир Кошғарий каби «фусаҳои рўзгор ва адиби балоғатшиор»² лар номини тилга олади. Уларга «улфат бўлуб», «риш-таи муҳаббатлариға меҳр аёғин банд этган»ини, «алардан анча касби маориф қилган»ини ёзади. Сидқийнинг илк шеърлари, шубҳа йўқки, ишқий шеърлар эди. Ва буларни (2 шеър китоби) у «Шавкат» та-халлуси билан ёзди («Тухфаи Шавкат», Т., 1913; «Савғоти Шав-кат», Т., 1914), шу номда нашр эттирди. Бир қатор шеърларига «Шеван» («нола», «фигон») тахаллусини қўйди. Лекин сўнгроқ барча асарларини «Сидқий» тахаллуси билан чоп этди. Ҳатто эски ғазалла-рини ҳам таҳрир қилиб, «Сидқий»га ўзгартирган, девони номини «Девони Сидқий»³ атаган эди.

¹ Сидқий ўз таржимай ҳолида «шогирди самимий» сифатида тилга оладиган таниқ-ли биограф, шарқшунос, марҳум Абдулла Носирий маълумотиға кўра, шоир «Кўкал-дош» мадрасасининг ўнг қаноти биринчи қаватидаги ҳужралардан бирида яшаган.

² Сирожиддин махдум Сидқий. Иқтисоб. Қўлёзма. Ўз ФАШИ, 7629–11, 40 а-бет.

³ Муаллиф ўз тахаллусини тўла берганида «Сидқий Хандақлиқий» деб, нисба билан беради. Биз халқ орасида кенг ишлатиладиган ва умуман, оммалашиб кетган «Хондайлик», «Хондайлиқий» шаклини қолдирдик.

Шоирнинг ўзи табиатан меҳнаткаш, ҳунар ва касб урганишга мойил ва моҳир бир киши эди. У хушхатликдан ташқари тош йўниб, унга турли ишлов бериш, хат ёзиш, турли безаклар тушириш, суратлар ишлаш, муҳр «қазииш»ни ўрнига қўйган. Ҳозирда хусусий ва давлат кутубхоналаридаги у кўчирган ўнлаб хушхат девонлар, баёз, рисоалар қаторида тайёрлаган кўплаб муҳрлари нусхалари, тошлавҳалар ва ниҳоят, серқирра ижодкор қаламига мансуб Тўйчи ҳофиз, Тавалло суратлари сақланиб келади.

Буларгина эмас, у ҳуштак ясаш, қуш овлаш, қуш боқишга ҳам уста бўлган.

Асалари боққан. Унга доир замонавий китобларни ўқиб ўрганган. Ўзи айтмоқчи, арининг «заҳри омизиши»ни «аҳли миннатнинг шаҳди омизишидан яхшироқ» кўрган.

Сидқийдан сурат қолган эмас. Чамаси, у суратга тушмаган. Шоирнинг 1984 йилги «Навбаҳор» тўпламига чизилган сурат қариндошларининг сўзига қараб ишланган.

Адабиётга ошиқона шеърлар, ишқий ғазаллар билан кириб келган шоир ўз ҳаёти давомида кўплаб асарлар ёзди. Бу асарлар жанрига кўра ҳам, мазмун-йўналишига, мақсад-моҳиятига кўра ҳам хилма-хил эди. Шоир бадиий ижодга бадиий лаззатгина оладиган бир гўзаллик тимсоли деб қарамади. Уни ҳаёт ва кураш учун восита ҳам деб билди. Шунинг учун ҳажвиёт шоир ижодидан кенг ўрин олди.

У «Ҳолоти Сидқий» да ёзади: «Адабиёт ва ошиқона ғазали кўб бўлса ҳам, аксар табъи ҳажвиётига мойил бўлуб, Николай йўлига сув сепқонларга ва ҳутом¹ дунёга сотилгон муфти маожин²лариға қуввати борича қаршу ҳаракот ва зўр монёбият кўрсатур эди».

Дарҳақиқат, Сидқий табиатан тиксўз, ҳозиржавоб, ҳақталаб, адолатсизлик билан ҳеч бир чиқиша олмайдиган, айниқса, текинхўрлик, тамагирлик ва порахўрликни, қаллобликни инсонликка буюк офат билувчи ғоят покиза виждон эгаси эди. У бунинг жабрини ҳам кўрди.

Чунончи, унинг 1984 йилда «Навбаҳор» тўпламида эълон қилинган асарлари орасида Ўнқўрғон қозиси ҳақида бир воқеий ҳикояси бор. Мазкур шеърини ҳикояда жоҳил ва банги бир эшоннинг юрагига қози бўлиш гулгуласи тушиб, муридларини йиғиб, пора билан унга эришгани, шариат ишларини поймол қилгани, порахўрлик, ҳақсизликка ривож бергани ҳақида гап кета-

¹ Ўткинчи.

² Пасткаш.

ди ва мисол сифатида шариат пешвосининг фаолиятдан бир лавҳа келтирилади: Бир оқсоқол бир деҳқоннинг устидан арз қилиб келади. Куч ва тезликда ягона-ю ёлғиз айғири бор экан, фалон деҳқон қирчанғи, кўтир байталини ҳайдаб қўйган экан. Шу билан қўшилибди ва бу ҳам шу кундан кўтир бўлибди. Аслида бу фирт ёлғон бўлиб, деҳқонни чув тушириш учун қилинган найранг эди. Деҳқонни топиб келадилар ва уриб-сўкиб, ўттиз сўмлик қирчанғини байтал эгасига саксон сўмга ўтказадилар. Деҳқон қаттиқ қайғуради. Сойлик қишлоғида бир пок эътиқод, имони мустаҳкам, айни пайтда фозил, шариат раҳнамози бўлиб келган бир киши бор эди. Шунга маслаҳатга боради. У можарони тинглаб бўлгач, йўқ, сен айбдор эмассан, шариатда бировга қасд билан зиён етказгандагина айбдор саналади. Ҳолбуки иккалангизнинг отингиз ҳам «бўш», ҳайдоқлик экан, — дейди ва қизиқчиликка олиб, сен аксинча, бориб, қозидан байталингнинг маҳрини талаб қил, чунки у ўша кун оқсоқолнинг отига «ҳақиқий хотун бўлибди», — дея қўшиб қўяди.

Сидқий ушбу воқеани олимнинг ўз тилидан эшитганини маълум қилади. Хуллас, бу воқеани шоир ёзиб, эълон қилиб юборад-ю боши балога қолади. «Бу сўзларим барчага куёш каби фош бўлғоч, — ёзади шоир, — ул золим банги қози ўзи каби золим ва мустабидларни ёллаб, мен камбағални Сибирияга сургун («авоқ») ва турма ичра турғун қилмоққа анча чолишти. Мавлоно Фирдавсий Султон Маҳмуд Ҳозийни ҳажв қилиб, Тус шаҳрига қочқондек ул золим амалдин қолғунча мен ҳам Фарғоналарда қочиб юрдим ва икки йилча умрумни кечурдим. 1329 санаи ҳижрияда қиш ҳавосинда токи ул золим тахтдин тобутга тортилди, мен ҳам ўз ватаним дару девориға ортилдим. Ва биргина ҳақиқат изҳори учун шунчалик ташвиш чектим».

Дарҳақиқат, шоирнинг Андижонда туриб Тошкентга — Камий, Вуслатга йўллаган шеърлари, «Баёзи Ҳазиний»дан жой олган «Юз минг осафки, чарх мани қилди беватан» деб бошланган, муаллифнинг ўзи «шикастаҳолу магасул-бол Шеваннинг Андижондин Тошкандга фироқ шиддатидин, иштиёқ ва муҳаббатидин шериклариға ёзғон мусаддаси ашъоридиндур» дея изоҳ бериши бежиз эмас.

Бу шўролар замонида янада кучайди.

Шоир ҳар қандай ҳолда ҳам рўйирост айтишни қўймади. Бу эса янги замон амалдорларига ҳам кўп-да ёқавермасди. «Шул жиҳатдин, — давом этади шоир, — барчалари Сидқийга мумкин қадар кулфат бермоққа жозим эрдилар. Сидқий халқни(нг) ҳарчанд мао-

риф ишларига қиздируб борса ҳам, лекин ҳўкузни қўлоғига дўнбу-
ра ва танбур чертқондек бўлуб, они сўзиға бирор киши қўлок
осмағай эрдилар...»

Шу туфайли:

Фалак тийғи ситам чекмиш, ҳама фазл аҳлини қирмиш,
Жаҳолат аҳлиға фазл аҳлининг ўрнуни топшурмиш.
Фалак бедодидни мен не учун минг додлар қилмай,
Ки мендек фазл элининг шохини саҳрода синдурмиш, —

дея хулоса қилади. Инқилобдан олдин тинимсиз ижод қилгани,
ўнлаб шеърӣй, насрий асарлар, ҳажвиялар, таржималар ёзиб нашр
этиргани ҳолда шўролар даврида дурустроқ бир асар ёзмаганли-
гини қўйидагича изоҳлайди:

«Барчага машҳурдирки, ҳар бир мол харидор бирла ривож топ-
диги каби сўз ҳам харидор кўплуғи бирлан ва талабгор жўшиши
илан тараққий этар. Сўз харидори ўлмағондурки, ҳозирги асри-
мизда қадимғи шоирларимизнинг амсолини кўрмайдурмиш. Ато-
беклар, Ширвоншоҳлар, Аврангзеблар, Ҳусайн Бойқаролар
бўлмасалар эрди, матбуот дунёсинда «Куллиёти Шайх Саъдий»,
«Хамсаи Низомий», «Куллиёти Бедил», «Ҳафт авранги Жомий»
каби китобларни, албатта, ҳеч ким кўрмас эрди...

Бечора Сидқийнинг оз шеър айтмоғиға боис сўз харидори-
нинг йўқлиғидур».

Шоирнинг оилавий ҳаёти ҳам роҳатда кечган эмас. Ўғиллари
Фатҳулкарим ва Омонуллоларнинг кетма-кет вафоти Сидқийнинг
қаддини тамом букиб қўйди.

Сидқий 1934 йили ўзи туғилиб ўсган қишлоқда Парвезтепа
мавзеида вафот этди.

Унинг асарларини садоқатли шогирди Абдулла Носиров ЎзФА
Шарқшунослик институтининг қўлёмалар фондига келтириб топ-
ширди. 1984 йилда адабий жамоатчилик шоир таваллудининг 100
йиллигини, 1994 йилда 110 йиллигини нишонлади. 1984 йилда
салкам 70 йиллик танаффусдан кейин адиб асарлари алоҳида бир
китоб ҳолида нашр этилди¹. 1996 йилда унинг ижоди ҳақида мах-
сус диссертация ёқланди². Бугунги кунда унинг ижоди ҳақида қатор
мақолалар, рисоалар ёзилган. Айниқса, XX аср боши Тошкент
адабий муҳитини ва шу жумладан Сидқий ижодини ўрганган

¹ Сидқий Хондайлиқий. Навбаҳор. Ғазаллар. Достон. Ҳикоятлар. Қайдлар, Т., Ғ. Фу-
лом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984, 248 бет.

² Р. Жавҳарова. Сирожиддин Сидқий Хандақлиқийнинг адабий мероси. Филология
фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1996.

филология фанлари доктори А.Жалоловнинг номини алоҳида қайд этиш керак. Шуларга қарамай, шоир асарларини тўплаш ва янги ўзбек адабиёти контекстида баҳолаш масаласи олдинда турибди.

Сидқий – серқирра, сермаҳсул ижодкор.

Араб, форс тилларини яхши билган шоир таржима билан ҳам жиддий шуғулланган. Масалан, у машҳур «Минг бир кеча»ни, Саъдий Шерозийнинг «Бўстон»ини, ўнлаб ҳикоя ва латифаларни таржима қилган.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Сидқийнинг 20 дан ортиқ номда босма ва қўлёзма китоблари сақланиб келади. Буларнинг катта қисмини, шубҳасиз, шоирнинг оригинал асарлари ташкил қилади. Унинг юздан ортиқ ғазалини ўз ичига олган қўлёзма девонидаги шеърлар истеъдодли лирик шоир бўлганлигини кўрсатади. 10-йилларда босилган «Баёзи Ҳазиний», «Баёзи Муҳалло», «Армуғони Хислат» каби кўпгина тўпламларда Сидқийнинг «Шавкат», «Шеван» таҳаллуслари билан ёзган ўнлаб шеърлари ва ҳажвиялари бор.

Шоирнинг лирик шеърлари шуни кўрсатадики, у мумтоз адабиётимиздаги ҳаётий, инсоний муҳаббат, одабийлик сингари энг яхши анъаналарни давом эттиради. У буюк Навоийга алоҳида ихлос ва муҳаббат билан қарайди. Лекин XX асрнинг шоири бўлганлигидан унга демократик руҳ, маърифатпарварлик қарашлари ҳар нарсадан яқин туради. Бу ҳол уни Муқимий ва Фурқат изидан боришга ундайди.

Буни шоирнинг зоҳиран ижтимоий ҳаёт билан кам алоқадордек туюлган, аслида турмуш билан теран боғланиб кетган анъанавий лирик шеърларида ҳам ошкор эътироф нишонаси – иқтибос ва муҳаммасларида ҳам кўриш мумкин. Сидқий классик поэтикадан, бой анъанага эга шеърятимизнинг сир-синоатидан ҳам яхшигина хабардор. У ўз «Таржимаи ҳол»ида шеър илми билан махсус шуғулланганини хабар қилган эди.

Шоир поэтик меросининг салмоқли қисмини ҳажвий ва ижтимоий-сиёсий шеърлар ташкил қилади. Ҳажвий асарларининг аксарияти воқеий ва деярли ҳаммаси порахўр қозилар, тамагир, товламачи амалдорлар, риёкор руҳонийлар ҳақида, ижтимоий-сиёсий шеърлари эса даврнинг муҳим воқеаларига багишланган. Масалан, «Муҳораба» шеъри 1914 йилда бошланган маълум ва машҳур Биринчи Жаҳон уруши ҳақида. Шоир унинг оддий халқ бошига келтирган фожиаларидан сўз очади, очлик ва талонда қолган меҳнаткаш ёнида туриб, «муҳораба» ҳайбаракаллачиларини лаънатлайди.

Мардикорлик воқеаларига бағишлаб «Рабо(т)чилар намойиши» (1917) асарини яратди. «Рангимиз синук, ҳолимиз забун, бўлди ғам била қадимиз дуто» деган сатрлар бор эди унда. Шоир «қимматчилик»дан, «ҳамма элни тоқати тоқ» бўлганидан, «эл уйига ғам сели» тўкилганидан сўз очган эди. Унда она диёридан юлиб олинган мардикорларнинг юрт, эл, ёр ҳажридаги изтироблари, ниҳоясиз соғинч ҳисси бор эди.

1917 йил Февраль инқилобидан кейин жаҳон жамоатчилигининг, туркистонлик тараққийпарвар мусулмонларнинг қаттиқ талаби билан мардикорлар ўз юртларига қайта бошладилар. Сидқий 1917 йил 19 мартда босилиб чиққан «Рабо(т)чилар келиши» асарини шу воқеага бағишлади.

Шоир уларни «раҳбарим», «нек ахтарим» (бахт юлдузим) деб тилга олади.

«Тоza ҳуррият» китобида (у 1917 йил 24 мартда босилган) Николаининг тахтдан ағдарилишини чин дилдан, баланд руҳ билан олқишлайди. Лекин, айни пайтда, ҳали олдинда ишлар жуда кўп эканлигини, балки чинакам озодлик ҳали келмаганини яхши англайди, поэтик синтаксисда «Бўлди!» эмас, «Бўлсун!»ни ёхуд «Бўлса!»ни танлайди:

Бўлғай не ажаб бўлса бу кунлар аро ҳосил,
Ҳар мақсаду ҳар матлабу ҳар кому ҳар аъмол, —

деб, «бу кунлар»нинг «мақсад ва матлаб»га йўл очишига умид қилади. Янгича қарашлар билан чиққан «ёшлар»га диққатни жалб этади. Уларнинг уруғчилик, маҳаллийчилик низоларидан, айирмаларидан холи, умумтурк, умуммиллат туйғулари билан тўлиб-тошган элпарвар, юртпарвар авлод эканлигини таъкидлайди:

Туғушфондин зиёда барча элға меҳрибон ёшлар.

(«Яшасун, ёшлар!»)

Шоир миллий, диний туйғуси баланд фидойи авлодга умид кўзини тикади...

1916–17 йилларда ёзилиб, тезкорлик билан босилиб чиққан бу асарлар халқимиз миллий онгидаги ўзгаришларни кузатишда, мустақиллик ва унинг учун кураш ғоясининг адабиётга кириб келиши тадрижини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, Сидқийнинг 1917 йил мартада жуда қисқа муддатда ёзилиб, жуда тез босилиб чиққан «Русия инқилоби» достони мавзу ва мақсадига кўра адабиётимиз тарихининг диққатга сазовор ҳодисаларидан бири. У Русия инқилобий воқеаларини кенг эпик планда тасвир этувчи даст-

лабки асар. Мумтоз адабиёт билан шуғулланувчи айрим мутахассислар анъанавий Шарқ шеърятини, шу жумладан, ўзбек поэзиясини бир қадар торроқ, олайлик, ишқий, дидактик, фалсафий оҳанглардагина кўришга мойил бўлиб, ижтимоий ва сиёсатдан узоқ тутдилар. Бу унчалик тўғри эмас. XX аср боши ўзбек адабиёти, хусусан, Сидқий ва унинг мазкур достони бунга очиқ далил. Асар ниҳоятда муҳим бўлганлиги учун у ҳақда кенгроқ тўхтаймиз.

Достон ҳажми салмоқли – 48 бетдан иборат бўлиб, 1502 сатрни ташкил қилади. Шундан 72 сатри «Гуфтори андар ҳамешаги» «Шўройи исломия...» боби (30–32-бетлар) форс-тожик тилида ёзилган. Асарнинг асосий матни (1430 сатр) ўзбек тилида.

Достон муқаддима ва хулоса («Иттифоқ замони»)дан ташқари ҳажми турлича бўлган 13 бобдан ташкил топган. Муқаддима ва хулоса ҳам достондаги воқеалар билан бевосита бирлашиб кетган. Шу сабабли уларни ҳам боблар қаторига қўшиш мумкин.

Асарнинг бошланишида маълум анъанавийлик бор. Буни сарлавҳа («Сабаби назми инқилоб») ҳам таъкидлаб турибди. Умуман, шоирнинг ижтимоий-эстетик қарашларини белгилашда унинг аҳамияти катта.

Муқаддимада шундай мисралар бор:

Ки эски ҳукумат замони аро
Йўқ эрди бу хил журъат этмак манго.

Алар асрида журъат этсам агар,
Ёпар эрдилар турмаға сарбасар.

Чурутқой эдилар вужудим, бале,
Узулғой эди тору пудум, бале.

Февраль инқилоби халқимиз учун мустабидликдан мустақилликка томон кескин бурилиш эди.

Февралдаги инқилобий воқеалар тасвири, асосан, биринчи бобда берилган. Ҳажман бирмунча салмоқли (214 мисра) бўлган бу боб тўғридан-тўғри 23 февралдан – инқилобнинг биринчи кунини тасвиридан бошланади. Шоир уни «баногоҳ кўзғолди» деб хабар беради. Сўнг ғалаёнга келган элнинг аҳволи, хатти-ҳаракатлари тасвирига ўтади.

Воқеалар асарда кунма-кун берилади. Ҳар бир куннинг энг муҳим ҳодисалари тилга олиниб, яқунланади. 23 февралдаги халойиқнинг «можаро»сини Сидқий мамлакатни ларзага келтирган очлик, вайронагарчиликдан кўради.

Инсоний қадрини талаб қилиб чиққан гуноҳсиз кишиларнинг ўққа тутилиши, тўкилган беҳисоб қонлар шоирда ғамгин кайфият уйғотади:

Фалак узра юзланди сонсиз сурон,
Дер эрдингиз йиқилди магар осмон.

Бўлуб нечанинг рўзгори қаро,
Ажал илкида бўлди умри адо.

Ярадорлар бўлди баса беҳисоб,
Йилондек ётар эрдилар печу тоб.

Бўлуб хоку хун бирла оғушталар,
Ўлуктин кўтарилди кўп пушталар.

Саросар халойиққа етти жафо,
Магар ёнди кўкдин аларга бало.

Балоеки, йўқтур давоси анинг,
Халойиқ бўлуб мубталоси анинг.

Чидолмай мунга йиғлаб эл ҳой-ҳой,
Дер эрдики, «Раҳм айлагил, эй, Худой!»

Кейинги воқеалар «Таврически ном ўрда қопусинда» бўлиб ўтади. Чор министрлари «Прўтопупўф»¹, «Добровольский»², «Мақореф»³, «Сухумлинеф»⁴, «князь Шаховский»ларнинг қўлга олиниб қамалиши, Николай II нинг тахтдан тушиши, ўз ўрнига укаси Михаил Александровични қўйиши, у эса тахтни қабул этмаганлиги воқеалари берилади.

«Мақбул қурбонлар» бобида шоир Русия озодлик кураши тарихига назар ташлайди. Бу курашнинг узоқдан бошланганига ва у ҳамма замонларда шиддатли тўқнашувлар, ҳаёт-мамот жанглари асосида борганлигига алоҳида эътибор беради.

Ҳуррият олинмади қурбонсизин,
Ки тарихларнинг сўзидур чунин, —

¹ А. Д. Протопопов — дастлаб Дума раисининг ўринбосари, 1916 йилдан Ички ишлар министри. 27 февраль куни қочиб бекинган, 28 февраль кечқурун соат 11 да кийимини ўзгартириб «Таврия» саройига келган ва таслим бўлган. Диктаторлиги билан машхур.

² Н. А. Добровольский — 1916 йилнинг декабридан юстиция министри.

³ А. А. Макаров — Ички ишлар (1912), юстиция (1916) министри бўлган.

⁴ В. А. Сухомлинев 1909—1915 йилларда ҳарбий министр бўлган. 1912 йилда Туркистонга ҳам келган эди.

деб ёзади шоир. Рус инқилобий тарихи саҳифаларини 1772 йилдаги Пугачёв қўзғолони («ихтилол»)дан бошлайди. Шоир инқилобнинг сабабларини мустамлакалардаги миллий зулм билан боғлайди ва ўзи жуда яхши билган, ўзига ҳар жиҳатдан яқин бўлган 1916 йилдаги Туркистон воқеаларини мисол қилиб келтиради. Муаллиф фикрича, Туркистондаги қўзғалишларга асосий сабаб—ноҳақлик ва зулмнинг кучайиши бўлди. Чор ҳукумати бу ерда истилочилик, талончилик сиёсатини юргизди:

Босиб зўр ила мулку молин олиб,
Ўзин оқчасидек ёнига солиб.

Худди шундай шароитда подшоҳ ўлка аҳлини мардикорликка олиш ҳақида фармон берди. Аввало, шоир мардикорликка олишнинг ўзини «На бор эрди фармон аро муҳлати, на бор эрди анда ҳақи-хидмати», дея ғайри қонунийлик деб билади.

Унинг устига, бу қонунсиз ишнинг ўзи ҳам қонунсиз амалга оширилади:

На фармонда бор мардикорга адад,
На одамни ҳозирламоқликқа ҳад.

Бу ҳол «содадил» халқни «афтодадил» қилди. Авжи ҳосил йиғиш пайти халойиқ мотамсаро қолди. Қўл тирикчиликка бормади. Оқибатда иқтисод оғирлашди. Лекин «жабр-зулм» халойиқ қалбига жасорат солди.

Ниҳоят:

Мусибат бўлуб барчага ҳукмрон,
Халойиқни кўнғлида тузди пулон.

Шу тариқа «ислом эли» «хурриятчилар сониға» келиб қўшилди. Достоннинг «Мақбул қурбонлар» боби шуни кўрсатадики, Сидқий чор самодержавиесининг ҳалққатини ижтимоий асослардан келиб чиқиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Чунончи, чор ҳукумати сиёсатининг зулм ва ноҳақлик асосига қурилганини марказий объект қилиб олади ва буни Русия озодлик ҳаракати, шу жумладан, 1916 йилдаги Туркистон қўзғолонлари мисолида исботлашга уринади.

«Русия инқилоби»нинг кейинги боби «Распутин ила махлуъ (собик) подшоҳ хоними» деб аталган. 52 сатрли бу бобда подшо саройининг ички томони — парда орқасидаги ишлар асосий объект қилиб олинган. Шоир фикрича, чор тузуми ич-ичидан зил кетган,

чириб бўлган эди. Бу унинг ахлоқий-маънавий инқирозида ҳам яққол намоён бўлди. Бутун Русия ихлос билан эгилган подшонинг хос хонадонида шундоқ ишлар рўй бериб турган экан, бошқа мансабдорларнинг ички ҳаётидан нима кутиш мумкин? Ахлоқан шу қадар тубанлашиб кетган, бутун империяни шоҳ хотинининг шаҳватга бўлган майли бошқарган салтанат яшашга ҳақли ва қодирми?

Мазкур бобда Сидқий шу хил саволларни ўртага қўйган ва унга жавоб берган эди.

Кейинги бобларда Туркистондаги зулм ва зўравонликларнинг конкрет лавҳалари қаламга олинади. Таъкидлаш керакки, шоир чоризм даврида маҳаллий халққа етказилган зиён-заҳматлар орасида дин ва шариат «заволи»га алоҳида эътибор беради. Масалан, боблардан бири «Дин душмани мисйўнерлар фирқасининг аҳволи бад(аъ)моли» деб аталган. Унда Н. П. Остроумов (1846–1930) ва унинг кирдикорлари ҳақида гап кетади. Чор ҳукумати олиб борган руслаштириш сиёсати, дин ва шариатга қилинган тажовуз қаттиқ танқид остига олинади. Шоир фикрича, бу ишлар ҳам ҳаммаси «пулон» асосида бўлган эди, инқилобгина буларга барҳам берди. Деҳқон нима экса, шуни ўради. Бинобарин, бу жиҳатидан ҳам инқилоб қонуний. Шоирнинг хулосаси — шундай.

«Тафриқалар кўтарилуви» бобида ҳам инқилоб арафасида Туркистонда бир қадар кенг ёйилган ва ўлкадаги асосий суннийлик мазҳабига тўғри келмаган «бобийлик», «баҳойлик» ва шу сингари оқимлар чор ҳукумати сиёсатининг оқибати сифатида талқин қилинади ва автобиографик характердаги бир воқеа мисолида рад этилади¹. Қизиғи шундаки, шоир буни ҳам «пулон» асосида қилинди деб тушунтиради.

«Хоин, золим, қароқчи эски амалдорлардан фарёди тазаллум» — дostonдаги энг йирик боб. У 314 сатрдан ташкил топган бўлиб, инқилобни майдонга келтирган омиллар талқинини маълум даражада яқунлайди. Мазкур бобда шоир Туркистондаги миллий ва ижтимоий зулмни ўзи кўрган ва билган конкрет воқеалар асосида кўрсатишга ҳаракат қилади.

Дастлаб гап яна ҳаддидан ошган миллий зулмнинг умумий таърифидан бошланади. Унда шундай сатрлар бор:

Аёғ остида айлади поймол,
Нечукким ётар мол тагида похол.

¹Шу йиллари хилма-хил ақидапарастлик оқимлари Русия мусулмонлари орасига тарқатилиб, моддий қувватлаб келинган. Улардан «Ваҳобийлик» ва «Таймия» ҳақида Ризо Фахриддин кескин танқидий мақолалар ёзган (*Қаранг*: «Шўро» ж., 1908 й., 1911, 13-сонлар).

Сўнг булар конкретлаштирилади. Масалан: чор мансабдорларининг ружуъ қилган нарсаси порахўрлик эди. У ишда ўзбек амалдорлари ҳам қолишмас эдилар. «Пристофу мингбоши-ю оқсоқол»нинг ҳаммасига хос бўлган хусусият («хисол») шу эди. Улар «беш-ўн сўм»га кўнмасдилар. Бу зулмми — зулм. Улар шу йўл билан мол-давлат кўпайтирдилар, кошоналар қурдилар. Улар элни хонавайрон қилдилар, ўзлари ҳам хонавайрон бўлсин. Улар элни гадо қилдилар — ўзлари ҳам эшикларда гадо бўлсин!

Куюб битсун онларни ҳам хонаси,
Алардан куюб битди эл хонаси.

Биз(н)инг бирла бўлсин баробар алар,
Эшикларда бўлсун гадолар алар.

Шоир собиқ маъмурларнинг порахўрлиги, ўзбошимчалиги ҳақида талай ҳаётий мисоллар келтиради. Масалан, темир йўл вокзалида билет олиш воқеаси билан боғлиқ бир эпизод берилган: «Ногоҳ, билет керак бўлиб қолди, — дейди шоир. — Маҳкамага (билет кассаси кўзда тутилади) бордим. Кўлимда гувоҳнома (чамаси, билетнинг миқдори, маршрути ва унга рухсат ҳақидаги қоғоз). Бири олиб ўқиди, бир сўмни олди-да, эртага келишимни айтди. Миннатдор бўлиб қайтдим. Тонг отди. Ваъдасининг вақти етганида, хурсанд бўлиб маҳкамага югурдим. Лекин мendan пул олган киши йўқ эди. Излаб топа олмадим. Бошқасига муурожаат қилдим. Яна ўша аҳвол қайтарилди. Бир сўмни бериб, уйга қайтдим. Эртаси эса кечаги одамни топиш мумкин бўлмади. Учинчисига ялинишга тўғри келди. Бор можарони айтдим. Гарданини қашлаб, бош-оёғимга разм солди. Сўнг эса, соқолини тутамлаганча, «бу ишлар жуда оғир иш», «хусусан билет олиш» деб муддаога шамаъ қилди. Иложсиз яна бир сўм бердим. Бу ҳам одатдагидай эртага келишимни тайинлади. Паришон уйга қайтдим. Эртасига эса... «жойи кўб юқори», «бир рус мирзо сори» элтдилар. У «қошини чекти-да», мени олиб борган кишига пул беришим кераклигини айтди. Яна бир сўм чиқариб, ниҳоят, беш кун деганда билет олишга муваффақ бўлдим. Менга пуллар эмас, ситам алам қилади». Ҳолбуки, бу «зулм элин энг кичик ишлари», деб изоҳлайди шоир.

Мана, зулм элин энг кичик ишлари,
Эрур доимо бўйла қилмишлари.

Мазкур воқеанинг талқини ҳам, шу муносабат билдирган фикрлари, қиёслари ҳам эътиборга лойиқ. Шоир ундан хулоса

чиқаришни, уни баҳолашни бизнинг ҳукмимизга ҳавола қилади. Лекин қуйидаги шарҳ ва мушоҳадалар билан:

Бу иш зулму ё адолатмудур?
Ва ё ўғирлик, ё хиёнатмудур?!

Бу ишларни денгиз: хиёнат, бале!
Ўғурлуқда бордур жасорат, бале!

Ўғурлуқ қилурлар далероналар,
Бу йўлда бериб жонни мардоналар.

Вале пора олмоқ хуноса иши,
Хуноса деманг, балки расво иши.

Гарчи Сидқий Февраль инқилобини қучоқ очиб қарши олсада, унинг натижалари кўпинча шоирни қаноатлантиравермайди. Асарда унинг орзулари билан мавжуд шароит, идеал ва ҳаёт ўрта-сида тез-тез кўзга ташланиб турадиган зидликни пайқаш қийин эмас. Шоир Февраль инқилоби ўзгаришнинг бошланиши эканлигини таъкидлаб тургандек бўлади. Масалан, у асарнинг дастлабки бобларидаёқ қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида шундай ёзган эди:

Тараққий йўлинда қилинг жон фидо,
Ки бўлсун бу кун жумла ҳожат раво.

Очинг кўзни ғафлатдан, эй мусулмон,
Ки, ётманг касолат, атолат билан.

Имому муаллим, зиёли бори,
Керак боқсалар ушбу ишлар сори...

Мунингдек замонда ҳуқуқ исташинг,
Ҳуқуқ истамоқға тузук қатнашинг.

Бунинг учун шоир «бир тан», «бир жон» бўлиб, «ҳуқуқ исташ»га, мустақилликни қўлга олишга чорлайди. Бу борада қизгин иш олиб бораётган «Шўройи исломия» жамиятига алоҳида боб бағишлайди. Унга тарғиб ва ташвиқ қилади. Достон Февраль инқилобидан кейинги шароит жиддий ва атрофлича таҳлил этилган, ютуқлар ва вазифалар ўзига хос бир усулда кўрсатиб берилган, барчани бирликка, ҳамжиҳатликка чорловчи «Иттифоқ замони» боби билан яқунланади.

Бу ғоя шоирнинг Гуломия матбаасида 1918 йилнинг 18 январиди алоҳида варақа ҳолида босилиб чиққан «Умиди иттифоқ» таржиъбандида давом этади. Агар биз шу пайтлари рус истилосидан кейинги мустақил давлатчилигимиз намунаси Туркистон мухторияти тузилганини ва уни йўқотишга Шўро ҳукумати катта-катта кучлар ташлаганини кўзда тутсак, асарнинг аҳамияти бир қадар ойдинлашади. Асар ҳаммамизга маълум сабаблар билан диққатдан четда келди. Шеър шундай бошланади:

Эмди бизларга бу кун ғоятда ҳуррият керак!
Пок кўнгул, соф дил бирла тузук ният керак.

Айламайлук бўридек тишлашқа дандонларни тез,
Шаҳр омонлиқ бўлса шояд, баски, амният керак.

Бирлашайлук, ишлашайлук бас, бўлуб қўлу қанот,
Бу фалонидур дебон, деманг салоҳият керак.

Барча ислом аҳли бирдурмиз салоҳият аро,
Демағаймиз бу замонда бизга зиддият керак.

Жон қулоғи бирла анлангким, ман айларман нидо,
Бу нидони оҳким, анларга мардият керак.

Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!
Филмасал жисм ўлса бирлик, гўйиё жон иттифоқ!

Таржиъбанднинг таржиъ байти кишиларни такрор ва такрор бирликка чорлаш билан асарнинг етакчи ғоясини таъкидлаб туради:

Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!
Филмасал жисм ўлса бирлик, гўйиё жон иттифоқ!

Бу ердаги «мусулмон» диний характердан кўра кўпроқ ижтимоий тамойилни кўрсатади.

Шоир олис тарих мисолида ўзаро низо ва жанжалларнинг Ватан ва Миллат тақдиридаги фожиали оқибатларини кўрсатиб беради. Миллатнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган шундай масъул бир пайтда «Иттифоқ»нинг сув ва ҳаводек зарур эканлиги ҳақида бонг уради. Аслида бу ғоя ўлмасдир. Мамлакатимиз истиқлолини қўлга киритиши билан у бугун ҳам долзарб бўлиб турибди.

Сидқий насрий асарлар ҳам ёзди. «Тазкираи Имоми Аъзам», «Сад иршоди мулла Сидқий Хондайлиқий», «Мезони шарият», «Зарбулмасали Сидқий» анъанавий насрда ёзилган. Шунингдек, у «Ҳикояи латифа», «Баҳром ва маликаи Гуландом», «Каримо

таржимаси», «Минг бир кеча», «Ажойбул-махлуқот», «Ўғри ва қози» каби бир қатор насрий асарларни таржима қилди.

Унинг таржималари орасида эълон қилинмаганлари ҳам кўп. «Ҳолоти Сидқий»да оғир инқилоб йилларида саҳобаларнинг жанглари ҳақида ёзилган бир китобни «Шавкатус-салом» таржимаи «Футухул-Шом» номи билан таржима қилганини ва умуман «уч адад буюк асарлари» «Хафо пардасида қолган»ини ёзган эди.

Адиб насрий меросининг салмоқли қисмини диний-ахлоқий асарлар ташкил қилади. Сидқийнинг 1914 йилда чоп этилган «Тазкираи Имоми Аъзам» асари шундайлардан. Ислом оламида Имоми Аъзам номи билан машҳур бўлган, сунний «Ҳанафия» мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит (699/700–767) ҳақида бир қанча ёдномалар, тазкиралар, маноқиблар майдонга келган, сон-саноксиз ривоятлар сақланиб қолган.

Жаҳон адабиётшунослигида анбиё ва авлиёлар ҳаётини бадий акс эттиришни ўрганувчи «агиография» деган махсус соҳа бор. Афсуски, бу бизнинг адабиётшунослигимизда йўлга қўйилган эмас. Чунки унга салкам динни тарғиб қилиш сифатида қараб келганмиз. Ва шу сабабдан рад этганмиз. Ҳолбуки, ўтмиш адабий меросимиздаги маноқиблар, ривоятлар, турли рисола, меърожнома, қиёматномалар бу соҳанинг бизда ғоят тараққий қилганини кўрсатади.

Васлий Самарқандийнинг «Ал-калом ул-афҳом фи маноқиб ил-Имоми Аъзам» китобига хаттотлик қилган Сидқий кейинчалик ўзи ҳам махсус бир асар ҳозирлади. Имоми Аъзам ҳақидаги ривоятларни тўплади, уларни қайта ишлади. Таъбидан ўтказди. Бир ипга тизиб, нашр этди. Бу асар шу кунга қадар қайта нашр бўлмаган ва илмий таҳлил этилмаган.

«Тазкираи Имоми Аъзам» Шарқ мумтоз адабиётида маълум ва машҳур бўлган насрий қиссалардан таркиб топган. Уларнинг марказида турувчи, «Имоми Аъзам» («Буюк имом») мартабасига мушарраф бўлган бу кишининг асл исми Нўмон бинни Собит, кунияси Абу Ҳанифа. Кўфа шаҳрида форсийнасаб хонадонда дунёга келган. Кўфани араблар фатҳ этганларида бобоси асир олиниб, бу ерга келтирилган. Нўмоннинг отаси Собит туғилган пайтда бу хонадон эркинликка чиққан эди.

Ёзма манбаларда Нўмон бинни Собитнинг дунёга келиши ҳақида талайгина ривоятлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигида Собит ариқда оқиб келган олмани тутиб егани, бировнинг ҳақи деб эгасини рози қилиш учун ариқ ёқалаб бориб, боғбонга учрагани ва қизини никоҳига олгани ҳикоя қилинади.

Бу ривоятлар жузъий фарқлар билан турли вариантларда уч-

райди. Сидқий вариантида Абу Ҳанифанинг отаси қашшоқ бир деҳқон тарзида тасвирланади. Абу Ҳанифа ҳаётини илмий тадқиқ этган манбалар Собитнинг шойи савдоси билан шуғулланганидан гувоҳлик берадилар¹. Бу факт ҳаёт ҳақиқати билан бадий ҳақиқат ўртасидаги муносабатни белгилайди.

Бадий ҳақиқат ўша лавҳада илгари сурилган гоёни асослашга хизмат қилдирилади. Бу лавҳа Абу Ҳанифанинг отаси ва онасининг топишуви, ўзининг дунёга келиши воқеаси билан боғлиқ ҳолда тасвирланган.

«Тазкираи Имоми Аъзам» китоби Имоми Аъзам қиссасидан ташқари «Қиёматнома», «Резномаи Мусо алайҳиссалом», «Меърожнома», «Васиятнома», «Одобул-муслимин», «Еру кўк халқ бўлғони», «Хотун олмоқлиқ фазилати» ва ҳоказо қисмлардан иборат. Бу қисмларда ҳам дин ва пайғамбарлар тарихига оид ривоятларга кенг ўрин берилган.

«Қиёматнома»да Расулulloҳ бошлиқ чорёрларнинг қиёмат куни пайғамбар умматларининг гамида кўрсатажак жонбозликлари тасвирланган. Улар ўз ҳаловатларидан кечиб, бор ғайратлари билан бошқаларнинг гуноҳлари учун тортажак азобларини енгиллаштириш йўлида ҳаракат қиладилар. Айниқса, Расулulloҳнинг қизлари Фотиманинг ўз шахсий аламлари билан фиғон чекиб оталари ҳузурига борганида, бутун уммат манфаати учун бу гиналарни унутиши лозимлигини дарҳол англаб етиши ниҳоятда ибратлидир.

Расулulloҳ бу қиссада Худои таолонинг дўсти ва умматларни шафоат қилувчи бир зот сифатида намоён бўладилар.

Китобнинг «Розномаи Мусо алайҳиссалом» қисми бошқа қиссалардан алоҳида ажралиб туради. Унда ҳазрати Мусонинг Тур тоғида Оллоҳ висолига восил бўлиши ҳақидаги машҳур воқеа қаламга олинган. Худои таоло Мусо алайҳиссаломни Тур тоғига чорлаб, уни қизиқтирган саволларга жавоб беради. Бу суҳбат чоғида кўпгина диний ва дунёвий масалаларга ойдинлик киритилади. Ушбу қисмни Худои таоло томонидан Мусогагина эмас, балки ҳукмдорларга, оддий бандаларга берилган «Йўриқнома» деб қабул қилиш жоиздир. Суҳбатда имон ва эътиқод мустаҳкамлигининг асл моҳияти тамомила инсон манфаатига бўйсундирилганлигини кўрамыз.

Расулulloҳнинг меърожга чиққан кечалари ҳақида ривоятлар кўпгина китобларда учрайди. Сидқий асарида ҳам «Меърожнома» номи билан айни шу мавзудаги ривоятлар берилган. «Меърожно-

¹Қаранг: Боголюбов А. С. Этико-правовые воззрения Абу Ханифы ан-Нуъмана. «Палестинский сборник», вып 19–82. – Вопросы истории и культуры на Ближнем Востоке. «Наука», Л., 1969, 139-бет.

ма» «Розномаи Мусо алайҳиссалом» қиссасини эслатади. Фақат Мусо пайғамбар Тур тоғига, Муҳаммад алайҳиссалом эса Аршга чиқиб Худои таоло билан мулоқотда бўлади, руҳий оламни кезиб, ундаги пайғамбарлар ва фаришталар билан учрашадилар.

Расули Акрам Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожга чиқиш қиссалари жуда кўп ривоятларда зикр қилинган бўлса-да, адиб Сидқий қаламида ўзгача жозиба касб этди.

Сидқийнинг «Мезони шарият» («Шарият тарозуси») асари 1915 йилда Тошкентда чоп этилган ва 1917 йилда қайта нашр қилинган. 1992 йилда Маҳмуд Ҳасаний томонидан бу асар учинчи марта нашр этилиб, дунё юзини кўрди. Сидқий шарият мезонларини оммабоп қилиб берди, қулай дастур шаклига келтирди. «Сабаби таълиф» (китобнинг ёзилиш сабаби) қисмида зикр этганидек, «Эътиқодга далолат қилгулуқ ва дин заруриётини билгулуқ паршон ва чочуқ иборатларни муътабар китоблардин... бошоқчилик тарийқи бирла» бир жойга тўплади.

«Мезони шарият», «Китобул-иймон», «Китобут-таҳорат», «Китобус-салот», «Китоб уз-закот», «Китобус-савм», «Китобул-ҳаж» деган боблардан иборат. Уларнинг қурилиши қуйидагича: ҳар бирига мавзу юзасидан тушунча берилади, сўнг улар билан боғлиқ амалий ҳолатлар келтирилади. Ва буларнинг барчаси савол-жавоб тарзида, турли бадиий ифодалар орқали баён этилади.

«Сад иршоди Мулло Сидқий Хондайлиқий» («Мулло Сидқий Хондайлиқийнинг юз насиҳати» – ЎзФАШИ қўлғезмалар фондида № Р 7629–111 рақами остида сақланади.) Шарқда кенг тарқалган, халқ донолиги намунаси панд-ўғитлар, мақоллар, ҳикматли сўзлар кўринишидаги қайдлардан иборат. Бу ўғитларнинг кўпчилик қисми умумий гоё жиҳатидан ўтмиш донишмандларининг ҳикматлари билан ҳамоҳанг.

«Ҳолоти Сидқий». Бу асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида Р–7629 рақами остида сақланади. Мумтоз адабиётимизда таржимаи ҳол характеридаги асарлар ёзиш анъанаси қадимдан маълум. Бундай асарлар маноқиб, ҳолот, аҳволот деб аталиб келинган. Алишер Навоийнинг «Ҳамсатул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер», Бобурнинг «Бобурнома», Фурқатнинг «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти» шу хилдаги асарлардан бўлиб, бу рисоалар одатда насрда битилган.

Сидқий ҳам шу жанрда қалам тебратиб, 1924 йили «Ҳолоти Сидқий»ни ёзди ва уни «Иктисоб» асарига етти бет ҳажмда илова қилди. Бироқ охириги саҳифа остида пойғирнинг мавжудлиги қолган варақларнинг тушиб қолганини билдиради.

Бу қусур асарнинг тўла ҳажми ҳақида қатъий бир фикр айта олишимизга имкон бермайди.

«Ҳолот» шоирнинг ўша пайтгача бўлган таржимаи ҳолини, адабий фаолиятини ўз қалами билан ёритгани учун ишончли манба сифатида илмий, тарихий, маърифий жиҳатдан бениҳоя муҳимдир. Сидқий ижодига у ёки бу муносабат билан мурожаат қилган кўпгина тадқиқотчиларимиз асосий маълумотларни шу манбадан олганлар. «Ҳолот» бўлажак шоирнинг ёш пайтида Тошкентга келгани-ю билими ва дунёқарашининг, ижоди ва фаолиятининг қирраларини очишда, Сидқийнинг шахс ва шоир сифатида ўсишини кузатишда мислсиз манба ҳисобланади. Сидқий ўз ҳаётини ёзар экан, турмуш шароитини ҳеч бир яширмайди. Ҳамма нарсани борича ифода этишга интилган. Бу асар орқали биз шоир мулоқотда бўлган, суҳбат қурган зиёлилар, замонасининг машҳур хаттотлари ва шоирлари, таниқли мударрислари ҳақида маълумот оламиз. Давр маданий ҳаёти ҳақидаги тасаввуримизни тўлдирамыз.

Шоирнинг қишлоғига қайтиб кетганидан кейинги ҳаётини ёритувчи маълумотларни фақат шу асардан ола оламиз. «Ҳолот»даги бадиий ифода, сифатлашлар, кесатиш, киноя каби иборалар уни наср намунаси деб қарашга асос беради. Асардаги барча маълумотлар учинчи шахс тилидан берилади.

Иншо санъатининг гўзал намуналаридан бири «Зарбулмасали Сидқий»нинг муаллиф дастхати ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида № 7631 рақами остида сақланади. Оддий мактаб дафтари варақларига асосан, қизил ва баъзи ерлари қора сиёҳ билан ислоҳ қилинган араб ўзбек ёзувида битилган. Асар беш юздан ортиқ мақол, матал ва халқ нақлларига қўйилган савол ва уларга тўғри, киноя ҳамда кесатиқ маъноларидаги изоҳ ёки жавоблардан иборат. «Зарбулмасали Сидқий» 1932 йилда ёзилган ва шу вақтгача ҳеч қаерда нашр қилинмаган, у ҳақда маълумот ҳам берилмаган.

Асар дастлаб «Савол-жавобли юз сўз» номи билан ёзила бошлаган. Муаллиф биринчи қисмининг мусаввадасидаёқ савол-жавобни юзтага етказиб қўяди. Бироқ бошқа бир дафтарда айни шу савол-жавобларнинг кўпини шеърий парчалар билан хулосалаб, уларнинг миқдорини беш юздан оширган, бош варақ ҳошиясига «Зарбулмасали Сидқий» деб ёзиб қўйган. Ҳозирда шулардан 268 таси аниқланиб, жамланди, 253 таси эса номаълум турибди.

Ўзбек адабиёти тарихида «Зарбулмасал» яратиш анъанаси Муҳаммадшариф Гулҳаний (XVIII–XIX), Нозил Хўжандий (1788–1876), Сулаймонқул Рожий (1871–1924) кабилар ижодида кузатилади. Бу муаллифлар ўз дидактик қарашларини, давр ижтимоий масалала-


рига муносабатларини ифодалашда турли бадий-эстетик принциплардан фойдаланишган: Гулханий халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари, матал, масал ва ривоятларни ягона бир қиссага бирлаштириб, назм ва наср аралаш яхлит асар яратган бўлса, Рожий уларнинг барчасини маснавийга жойлайди. Сирожиддин Сидқий «Зарбулмасал»и эса бошдан охиригача савол-жавобга асосланган.

Сидқий насрий асарларининг мавзу қўлами кенг ва ранг-баранг. Юксак ахлоқ мезонлари ва илм-маърифатга даъват Сидқийнинг шеъриятидаги каби насрида ҳам ўзак ғоялардан ҳисобланади. Илм ва илм соҳибларини эъзозлаш кераклигини Сидқий асарларида такрор ва такрор уқтиради. Шу билан бирга адиб ўз рисо-лаларида инсоний фазилатлар, ақл ва билим эгаси бўлган гўзал хулқ-одобли аёл сиймосини ҳам чизишга ҳаракат қилади. «Эр бирла хотунларнинг баёнида» деб аталган бобда аёлнинг жамиятдаги ўрнини, уларнинг иззатга лойиқ эканлигини шариат қонунлари асосида тушунтириб беришга ҳаракат қилади.

«Он ҳазрат айдилар: Ҳар ким хотунини иззат қилса, ани Оллоҳ таоло иззат қилур... Хотунларнинг эранлардан беш ҳаққи бор турур. Аввал улки, хотунига иш буюрса, уй ичида буюрғай. Иккинчи, шариат ва таҳорат ва ғусл ва намоз ва рўза ва имон ва ислом —ушбу нимарсаларни ва онча яхши амалларни ўргатқай. Учунчи, ҳалол таом берғай. Тўртунчи, зулм қилмағай. Бешинчи, яхши сўзлар билан кўнглини хурсанд қилғай».

Айни пайтда, аёлларнинг ҳам оила ва жамият олдидаги бурчи ва масъулияти чиройли ривоятлар билан далилланади.

Юқоридаги далиллар Сидқий Хондайлиқийнинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида муайян ўринга эга эканлигини кўрсатади.



МУҲАММАДШАРИФ СЎФИЗОДА (1880–1937)

1926 йилда Ўзбекистон ҳукумати ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматларини алоҳида тақдирлаб, адабиётимизнинг икки забардаст вакилига юксак фахрий унвон берган эди. Буларнинг бири Ҳамза, иккинчиси Сўфизода эди. Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар жумҳурияти 1926 йил 27 февраль 35-сон фармони билан Ҳамзага «Ўзбекистон халқ ёзувчиси», Сўфизодага «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонини берди.

Дарҳақиқат, Сўфизода XX аср бошларидаги ижодий фаолияти билан халқимизнинг миллий ва ижтимоий уйғонишига салмоқли ҳисса қўшган, 20-йиллардаги шеърлари билан эса янги ўзбек поэзиясини яратишда самарали хизмат қилган шоирларимиздандир. Айни пайтда, у маърифатпарвар, мураббий сифатида ҳам маориф ва маданиятимиз тарихида салмоқли ўринга эга. У ўнинчи йиллардаёқ янги усулдаги мактаб очиб, болаларга дарс берган, илм-маърифатни кенг халқ орасига ёйишга жонбозлик кўрсатган кишилардан эди. Бинобарин, Сўфизода ҳақида гап кетганда унинг истеъдоди ва фаолиятига хос бўлган мана шу икки жиҳатни — ижодкорлиги ва мураббийлигини таъкидлаш лозим бўлади. У худди мана шу жиҳатлари билан XIX асрнинг охири, XX аср бошидаги ўзбек маданиятининг Исҳоқхон Ибрат, Сиддиқий Ажзий, Абдулла Авлоний ҳамда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби вакиллари билан бир сафда туради.

Тожиқ маърифатпарварларини ўрганган ҳамкасбларимиз Тожикистондаги бундай ҳаракатчилик ҳақида тўхталганда, уларни фаолиятидан келиб чиққан ҳолда икки авлодга ажратадилар. Ўзлари бевосита мактаб очиб дарс бериш билан шуғулланган қалам эгаларини иккинчи авлодга киритадилар. Агар шу ҳол ўзбек маърифатчиларига нисбатан ҳам қўлланилгудек бўлса, Сўфизодани кўпгина замондошлари сингари иккинчи авлодга — ўз қарашларини бевосита ҳаётга татбиқ этишга бел боғлаган фидойилар даврасига қўшишга тўғри келади.

Унинг асарлари Биринчи Жаҳон уруши арафасида ва 20-йил-

ларда оғиздан-оғизга ўтиб, кенг халқ оммаси қалбидан мустаҳкам ўрин олган. Унинг номи билан боғлиқ ҳикоялар кекса китобхонлар, адабиёт мухлислари орасида ҳалигача мавзу бўлиб келади.

Сўфизода шеърларидан намуналар 30-йиллардаёқ мактаб дарсликларига киритилган. Масалан, Абдулла Авлоний 1933 йили нашр эттирган ўрта мактабларнинг VII синфи учун тузган «Адабиёт хрестоматияси»да Сўфизодага махсус жой ажратган. Жумладан, шоирнинг «Маданий макиёнлар» шеърини «Пролетар диктатураси даври адабиёти» намунаси сифатида берган эди. Умуман олганда эса, Сўфизода ижоди ҳақида ёзилган мақолалар 20-



Муҳаммадшариф Сўфизода

йилларда ҳам учрайди. Масалан, Лутфулла Олимий 1925 йилда у ҳақда мақола ёзган. 1934 йилда эса Миён Бузрук Солиҳов «Сўфизода ва унинг ижоди» деган китобча чоп эттирди. 1935 йилнинг 29 январида Сўфизоданинг 65 ёшга тулиши муносабати билан юбилей ўтказилган ва 200 дан ортиқ шеъри нашр этиш учун тўпланган эди... Бироқ насиб қилмади. Шоир қатағон қурбони бўлди.

Унинг иккинчи ижодий умри 60-йиллардан бошланди. 1968 йилда адабиётшунос Тўлқин Расуловнинг ташаббуси билан Сўфизода шеърларининг бир қисми кичик китобча бўлиб босилиб чиқди¹. Уша йили «Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг биринчи жилдида шу муаллифнинг шоир ҳақидаги мақоласи нашр этилди ҳамда унда Сўфизоданинг адабиётимиз ва маданиятимиз тарихидаги ўрни ҳақида фикр юритилди².

Муҳаммадшариф Сўфизода 1880 йилда Чустда ҳунарманд оила-сида туғилди. Отаси Эгамберди Сўфи пичоқчилик билан шуғулланган экан. Онаси Зайнаб холанинг саъйи-ғайрати эвазига Муҳаммадшариф ён қўшниси Манзура отин қўлида савод чиқаради, сўнг эса маҳалласидаги эски мактабда таълим олади. Бўлажак шоирнинг адабиётга кўнгил қўйишида ғазални дид билан ўқувчи бу хушовоз аёлнинг таъсири катта бўлган.

¹ Сўфизода. Тароналар. Т., 1968.

² Қаранг: Ўзбек совет адабиёти тарихи. 1-т. Т., 1968, 319-бет.

Сўфизода адабиёт даргоҳига 90-йилларда, яъни Муқимий ўзининг машҳур сатиралари билан бадиий ижодда демократик йўналишни тайин этган, Фурқат маърифатпарварлик руҳидаги шеърлари билан бу давр адабиётининг муҳим бир хусусиятини белгилаб берган пайтларда кириб келди. Табиийки, унинг дастлабки шеърлари мана шу икки катта санъаткорнинг фусункор мисралари таъсирида вужудга келди. «Губори дарду алам», «Ўпай» каби лирик ғазаллари, «Даканинг», «Бедананг» каби ҳажвиялари, маърифат ҳақидаги қатор шеърлари унинг адабиёт остонасига киришида ўзига хос йўлланма бўлди. Шунингдек, 1893–98 йилларда Кўқонда яшаб, Муқимий даврасидан баҳраманд бўлиши шоир дунёқарашининг шаклланишида, бадиий маҳоратининг ўсишида ўзига хос мактаб вазифасини бажарди. Жуда қисқа муддат ичида оддий пичоқчи Эгамберди Сўфининг ўғли Муҳаммадшариф «Ваҳший», «Сўфизода» тахаллуслари билан бутун Фарғона водийсида шўхрат топди. Лекин унинг мутаассиб диндорларни, мавжуд ижтимоий тузум ҳомийларини шарманда қилувчи заҳарли ҳажвиялари шоир бошига катта ташвиш олиб келди. Уни «даҳрий» деб эълон қилдилар. Унга «беадаб», «бадасл» деган тавқи лаънат босдилар. Бу ҳам етмади. Уни қатл этиш лозимлиги ҳақида гап чиқди.

Шоир қочишга ва натижада 1900–1913 йилларда она диёридан узоқда дарбадар ҳаёт кечиришга мажбур бўлди. Ўрта Осиёнинг бутун шаҳарларини кезиб чиқди. Тифлис, Боку, Арабистон, Ҳиндистон, Туркияда бўлди. Бироқ шоир қаерда бўлмасин, барибир она диёрига қайтишдан умид узмади. У ўз шеърлари билан Кавказ ва Оренбург матбуотида, Тошкентда чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон» газеталарида фаол қатнашиб турди. Ниҳоят, 1913 йилнинг охирида Чустга қайтиб, янги усулдаги мактаб очди. Табиатан дангал, тиксўз, ҳатто, бир оз чапанифеъл бўлган шоир мактаби тепасига шундай деб ёздириб қўйган экан:

«Мен ул бўёқчиманки, мактаб хумида ранг бериб, қора чаппаларни ўн икки ойда оқ қиламан»¹.

Дарҳақиқат, гувоҳлик берувчилардан олинган маълумотларга қараганда, бу мактаб ўша пайтларда шаҳарда дунёвий билим ўргатувчи бирдан-бир илм ўчоғи бўлган. Сўфизода мактабида она тили, жуғрофия, ҳандаса (геометрия) каби фанлар ўқитилган.

Бу мактабдан ташқари Камарсадада ҳам у етим болалар учун «Дорул-айтом» (Етимлар уйи) ва катталар учун кечки курслар очади². Лекин бу мактаблар тезда ёпиб қўйилади. Бу ҳақда эса,

¹ Қаранг: Расулов Т. Шоир Сўфизода ҳақида (Сўфизода, «Тароналар» китобида). Т., 1968, 6-бет.

² Сўфизода. «Тароналар». Т., 1968, 7-бет.

«Туркистон вилоятининг газети» 1914 йил 1 январь сониди такаб-буруна, нописандлик билан ёзади:

«Чуст шаҳарида бир мулла шоир усули жаид мактаб очган экан. Чуст аҳолилари ани(нг) ахлоқи бузуқ деб мактабини тарқатиб, ўзини Чустдин ҳайдаб юборган эканлар». Ҳолбуки у бу пайтларда эътиборли муаллимгина эмас, таниқли ижодкор ҳам эди. Бутун Фарғона водийси истеъдодли шоир сифатида танир эди. Шеърлари мухлислар тилида келар эди. Унинг ўз она диёридан бадарға қилиниши тафсилотлари маълум эмас. Лекин айрим шеърлари воқеага ойдинлик киритади. Масалан, «Чуст боёнларининг бир гапхонада бир-бирларига мақтанишлари», «Чуст қозиси Аббосхон Ҳожимуҳаммад ўғлига жавоб» деб номланган шеърлари. Биринчи шеърда чувтлик бир тўда улфатлар гапхонада ўтиришиб, ўз қилган ишлари билан мақтанадилар. Тўғрироғи, ўзларини ўзлари фош қиладилар. Куюқ, ўткир бўёқлар, заҳарханда оҳанг орқасида миллат ва Ватаннинг фажеъ манзаралари намоён бўлади. Ўқувчи «бериб пора приставларни топган» ва «муаллимни қувиб, мактабни ёпган чувтилар» қиёфаси билан танишади. Шеър куйидаги сатрлар билан бошланар эди:

Муаллимни қувиб, мактабни ёпган чувтилар — бизлар,
Бериб пора, приставларни топган чувтилар — бизлар.

Бошидан охиригача ўткир киноя ва қочириқларга тўла бўлган бу шеър мактаб ёпилиши воқеасини қуруқ қайд қилибгина қўя қолмас эди. Масалани чуқур ва атрофлича таҳлил этиб, унинг баҳонасида, Чуст мисолида, умуман, Туркистон миқёсида фикр юргизиб, у ердаги тоқат қилиб бўлмайдиган турмуш манзараларини чизиб берарди. Шоирнинг фикрича, энг катта иллат — жаҳолат. Мутаассиблик, такаббурилик, текинхўрлик, ўзгалар ҳақидан ҳазар қилмаслик, зикналик, лаганбардорлик — булар ҳаммаси маърифатсизликдан. Фожиа шундаки, бу бечоралар мана шу маърифатсизлик билан мақтанадилар, уни кўз-кўз қилишдан ҳузур топадилар. Бундан ортиқ бахтсизлик борми дунёда?! Шеърда шулар ҳақида гап кетарди:

Шаҳарга қўймадик поездни, келсун, халқ кун кўрсун,
Ажаб мўминсифат, эски мусулмон чувтилар, бизлар.

Дуо қилсин дедик, қизларни сотдик оқсоқолларга,
Ва лекин қилғучи оламни вайрон чувтилар, бизлар.

Кўринг инсофни, пулсиз камбағал, қирқ ёшида бўйдоқ,
Дағи бир чорасиз, ҳар ерда сарсон чувтилар, бизлар.

Калова сотса, тенг ярмин олурмиз бева-занлардан,
Худони эрка абди, ҳар бири хон чустилар, бизлар.

Есин тўқлар, эшик олдида турсин термулиб очлар,
Шу одатни чиқарган, ҳўб пурдон чустилар, бизлар.

Иккинчи шеър Аббосхон қозига жавоб шаклида ёзилган. Шеърдан шу нарса англашиладики, Сўфизода биргина «усули жадид» муаллими эмас, аввало, тиксўз, ҳақиқатпараст шоир бўлгани учун ҳукмрон доираларга ёқмаган. Иккинчидан, уни илгаригидек «бадасллик»да, «беадаб»ликда айблаш давом этган. Шунчаки эмас, у мусулмонлар ахлоқини бузишда айбланган. Шеър жиддий, маълум маънода трагик оҳангдаги «Менинг ёзганларим, билсанг агар, хуни жигардандур», деган сатр билан бошланади. Иккинчи байтдаёқ муаллиф жавобга ўтади. Чамаси, қози ва унинг атрофидагилар шоирни обрўсизлантириш учун онаси шаънига ҳар хил бўлмағур гаплар тарқатганлар, ўзини бузуқликда, камбағаллик, яланг-оёқликда айблаганлар. Шоирнинг сатрларида мана шу масалаларга ойдинлик киритилади:

Тилингни сақла, бадгўйликка одат қилма, эй аблаҳ,
На билдинг, модарим дарвешалардан ёки гардандур.

Жаҳонда йўқ эди бачча, ани сенлар чиқаргансан,
Суюқлар бошчиси, билсанг, сенингдек «катталар»дандир.

Тишинг то чиқмагунча, волиданг, албатта нон бермас,
Топиб нонимни миннатсиз есам, фазли хунардандур.

Кўринганидек, муаллиф ўзи ва онаси ҳақида тарқатилган фисқ-фасодни рад этиш билан кифояланмай, қораюракларнинг афту башарасини очиб кўрсатади, гапни виждон билан яшашга буюриб, меҳнат билан топилган миннатсиз нонни улуғ неъмат деб билади.

Жавоб ўз ишини қилди. Шеър ҳукумат вакиллари ларзага солди. Шоирга нисбатан таъқиб ва тазйиқлар бошланди. Уни қамадилар, оёғидан судраб сазойи қилдилар. Уламолар: «Ваҳший» учун боққол мол сотмасун, сартарош сочини олмасун, чойхона ва йиғинлар уни тағжойдан маҳрум қилсунлар», — деб фатво бердилар. Оқибатда, шоир яна ўз Ватанидан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Лекин у ўзи танлаган йўлдан, ҳақиқатни халққа етказишдан иборат бўлган маслак-эътиқодидан қайтмади. Кўнглидагини очиқ айтди. Муаллифнинг иккинчи бир шеъридан олинган қуйидаги сатрларга эътибор қилайлик:

Кўб ёз, қаламим, сийнадаги оқ лабанимдан¹,
 Қўшгил ароға озгина дуди суханимдан,
 Кетмас бу алам дарди равон²у баданимдан,
 Ўлсам, дағи қалбимдаги хоқу кафанимдан.
 Қувди мани жоҳиллар ўшандоғ Ватанимдан,
 Лекин қува олмас суханимни даҳанимдан.

Ман тўғри сўзумни деяман халқи Худоға,
 Қалқон шу бошим миллат учун тири жафоға.
 Қалб³ ишни қўюнг, деб яна қолдимму балоға,
 Ҳеч йўқ тамаъим, ҳозир ўзум чуну чаро⁴ға,
 Қувди мани жоҳиллар ўшандоғ Ватанимдан,
 Лекин қува олмас суханимни даҳанимдан.

Шеърдан шоирнинг она Ватанидан қувилиш сабаби аён кўри-
 ниб турибди. У янги мактаб очгани учунгина қувилмаган. Ҳақ гап-
 ни айтгани учун, ҳақгўйлиги учун уни қувганлар. У атрофидаги-
 ларни беҳудагарчиликдан, танбалликдан, риёкорликдан, дард-
 сизликдан қайтармоқчи эди. У жамиятнинг баланд пиллапояла-
 рида ўтирган казо-казоларни ҳалол ва пок кишилар шаънига қилиб
 турганлари гийбатдан, тухматдан, шоирнинг ўз сўзи билан айт-
 ганда, «қалб иш»лардан қайтармоқчи эди. Миллат манфаатини
 ўйлайдиган ҳар бир фарзанди буни англамоғи лозим эди. Афсус-
 ки, бутунлай бунинг акси. Уни миллатдошлари бадном этмоқда-
 лар. Миллий хизмати учун шундай қилмоқдалар. Бу — оғир! Шун-
 га қарамасдан, у ўз йўлида собит. У бу йўлда бошини кундага
 қўйишдан қўрқмайди. (Қалқон шу бошим миллат учун тири жа-
 фоға.)

Шоир мулоҳаза қилишда давом этади:

Ташрифи қадам этса, шу оламға ҳамоно,
 Ҳарғиз таниёлмас эди шаръини набино⁵,
 Бизларни кўруб, дер эди: умматми шу ҳоло?!
 Жонворларинга шукр дағи, шукр Худоё,
 Қувди мани жоҳиллар ўшандоғ Ватанимдан,
 Лекин қува олмас суханимни даҳанимдан.

Шеърдаги қочириқларга эътибор қилайлик: Пайғамбаримиз
 бу ерларга келса, ўзи ўрнатиб кетган мусулмончилик қоидалари-

¹ Лабан — суг.

² Равон — жон.

³ Қалб — сохта, қалбаки.

⁴ Чуну чаро — ғиди-биди маъносида.

⁵ Набино — пайғамбаримиз.

ни ўзи таниёлмай қоларди. Бизларни кўриб, «Наҳотки шулар менинг умматим бўлса?!» дер эди. Эй худо, шундай жонивор(!)ларнинг борлигига шукур(!).

Гарчи муаллиф фикрни дин-диёнат доирасида қолдираётган бўлса-да, аслида унинг қамрови кенг. Бу ерда миллат – миллиятдан узоқлашилганлигига ҳам ишора бор. Балки унда бу мақсад мақомида турибди. Биргина мусулмонлик эмас, миллат айниган, демоқчидек шоир. Қолаверса, кенг омма ҳали ҳам дин ва миллатни бир тушунар эди. Мусулмонликни миллат деб англади. У ёғини сўрасангиз, авом у ёқда турсин, миллатга мураббийлик даъво қилувчи олиму шоирларнинг ўзлари ҳам миллий фикрдан бениҳоя узоқда эдилар. Шоир ва мунаққид Иброҳим Даврон 1909 йилда ёзган «Адабиётимиз ва шоирларимиз» номли мақоласида «Шоир надур?» деган савол қўйиб, унга жавоб берар экан, ижодкор ватандошларимиз ҳақида жуда кескин фикр билдирган эди:

«Бизнинг Туркистондаги якка жилов ва бебош, саҳройи қулун, шоир номиндаги пивохўр, шарлатан, ўз-ўзини тонимағонлар каби(лар) фаҳш, сафсатачиликдан бошқа бир иш қилолмаслар ва қилмоққа муқтадир ҳам эмаслар... Чунончи, эл, халқ, тоифа, гуруҳ, қабила, хайл, миллат, қавм, уммат, табиат ва ҳоказо шу мисолдаги таъбирларни надан иборат – бир жумла ўлдиғини-да равшан англаямаз сўқур табиатлар...»¹

Шунинг учун ҳам:

Олам куладур бизга букун, биз ҳама гофил...

Ибрат кўзимиз кўру ҳақиқат қулоғи – қар,
Сўз тўғриси шул: бизда на бор авра, на астар...

Дарҳақиқат, Сўфизода адабиётга ижтимоий дард билан ёниб кирган шоирлардан эди. У ўзининг биринчи шеърларидаёқ ижтимоий ҳаётдаги тенгсизлик ва ноҳақликка, жаҳолат ва нодонликка қарши исён кўтарганлардандир.

Сўфизода дастлаб ўз замондошлари, сафдошлари сингари маърифатпарвар шоир сифатида танилди. Унинг озарбойжон адиблари Жалил Мамадқулизода, Алиакбар Собир билан яқиндан танишуви дунёқарашининг шаклланишига катта ёрдам берди. 1905 йилдан кейин шоир ижоди янги босқичга кўтарилди. Унинг бу давр шеърлятида миллий туйғулар пайдо бўлди.

Шоир тутқун ва турғун ўлкада шеърятнинг ўткир ғоявий қурол бўла олишини чуқур ҳис этади ва ўз қаламини мустақиллик, эркинлик йўлида курашга сафарбар қилади. Унинг Чуст қозиси Аббосга ёзган жавоб шеърда шундай сатрлар бор эди:

¹ Туркистон вилоятининг газети, 1909 йил, 47-сон.

Қадрдоним қалам, мардона бўлғил, вақти хизматдур,
Агар мендин кейин қолсанг, либосинг сийму зардандур.

Дарҳақиқат, унинг қалами эгасига хиёнат қилмади. Ижоди ҳам фаолияти сингари ҳақиқатгўй ва курашчан кечди. Айни пайтда, бу шеърят ҳам гоёвий, ҳам бадиий юксак эди. Сўфизода шоир сифатида замоннинг энг долзарб масалаларини қаламга олди ва ҳар бири ҳақида эҳтирос билан ёзди. Масалан, шоирнинг 10-йиллардаги шеърятти марказида зулматга чулганган Ватан ташвишлари туради:

Ватан ҳолиндан ўтру кўзларим сақфинда қон оғлар,
На ёлғиз кўзларим, мажруҳ ўлан жисмимда жон оғлар...

Шоирнинг Фузулий йўлида ёзилган «Ватан» деб номланган шеъри юқоридаги сатрлар билан бошланар эди. Ватан ҳолининг изтироби байтдан-байтга поғонама-поғона ошиб боради. Йўқ, ўксиз Ватан ҳолига биргина у йиғлаётгани йўқ. (Шоир изтиробининг ўзи босқичли: кўзлари соққасида қон, мажруҳ жисмида жон йиғлайди.) Уй-рўзгор ободлиги («Салоҳи хонумон») фикри билан бутун хонадонлар йиғлайди. Фарқ шундаки, шоир «ошкоро», улар «ниҳон» йиғлайдилар. Дунё мамлакатлари мактабу қироатхонага тўлиб, ободлик, фаровонликка кўмилган бир пайтда, Фарғона «беному нишон»ликдан йиғлайди.

Шоир гапни истилочиликка, Туркистон каби табаррук мамлакатларнинг «бир тақим ҳайвонлара чарогоҳ (яйлов)» бўлганлигига буради. Бунга энди нафақат Фарғона, «еру осмон» йиғлайди:

Муборак мамлакатлар бир тақим ҳайвонлара ҳоло,
Чарогоҳ ўлдуғиндан ноши еру осмон оғлар».

Бу кескин фикр кейинги байтда бир қадар конкретлаштирилади:

Эвет, инсон сойилмаз ўлмаянлар исмина мазҳар,
Масал вор бизда: «Виждонсизларинг оғзинда нон оғлар».

Демак, шоир уларни инсон номига муносиб бўлмаганликлари, бошқа миллатларнинг она сутидек ҳалол ҳаққи-насибасини, виждони ҳеч бир оғринмай, ўзиники қилиб олганлиги учун инсон ҳисобламаяпти. Виждонсиз ҳақида эса, шундай мақол бор: нон унинг оғзига тушганида, Оллоҳга илтижо қилар экан: эй Худо, гуноҳим нима эди?

Сўфизода бир куни келиб, дунёнинг ўзгаришига, адолатнинг тантана қилишига қатъиян ишонади. Лекин бу иш ҳеч қачон ўз-ўзидан бўлмайди. Уни миллат фарзандлари қиладилар. Аммо ҳозир-

ги кетишда буни қилиб бўлмайди. Миллатнинг бугунги танбал ва лоқайд авлоди билан у кунга етишиш қийин. Фазалнинг мақтаёида ўқиймиз:

Шариф ўлмас у масканки, шариф ўлмас эса сокин,
У танбалларки, вор устинда яъсиндан макон оғлар.

Ҳеч бир жой («маскан») унда яшовчи эл («сокин») мукаррам («шариф») бўлмагунича, азиз ва қадрли («шариф») бўлмайди. Унинг устида ҳозирча кўриб турганимиз танбаллар бор экан, у макон қайғу ва умидсизлик бағрида йиғлайди.

Ушбу мавзу шеърдан шеърга ўтиб боради. Шоир жафокаш эл аҳволига разм ташлайди. Умри чўрилик билан ўтаётган маъсума қизлар, шўрпешона оналар, эшик олдида термулиб турган очлар шоирни изтиробга солади. Шул боис, уларнинг инсонийлик ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиб чиқади. Юқорида тилга олганимиз, «Чуст қозиси Аббосхон Ҳожимуҳаммад ўғлига жавоб» шеърида эса, ўзи ҳақида тарқатилган фитна-фасод гапларга жавоб берар экан, уни сўкишга тушиб кетмайди. Ор-номусини ҳақли равишда ҳимоя қилиб бўлгач, муҳолифи даражасида турган миллатдоши қози Аббосхонни миллатни рўшноликка чиқариш йўлида ҳамкор бўлишга чақиради. Унга қарата:

Қўлингдан келса, ётган камбағални тур, деб уйғотгил,
Қараб кўр: шоҳу барғу мева асли бир шажардандур, —

деб хитоб қилади.

Сўфизода хотин-қизлар ҳақида ёзди. Уларнинг зулматга бурканган ҳаётдан, маърифатдан узоқ келаётган турмуши, дунё аёлларидан ортда қолиб кетганликларидан сўз очди. Шоирнинг Оренбургда чиқиб турган машҳур «Шўро» журналида чоп этилган «Хоним, суюкли сочинг вор, на суд нишонаси йўқ» (1911 йил, 10-сон), «Хонимлар исминда» (1911 йил, 13-сон) шеърлари бунга далил. Унинг бир шеъри эса, тўғридан-тўғри «Ўқинг, оналар!» деб номланган эди. Мусаддас жанрида ёзилган ушбу шеърнинг биринчи банди қуйидагича эди:

Мунча ёмон шўрлади пешоналар,
Қизларимиз — жорияи хоналар.
Сиз эдингиз жонлара жононалар,
Қадрингизи билмади дебоналар.
Кумри билан булбулу бедоналар,
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг оналар.

Мана, шоир фикрини банд этган муаммолар. Унинг ҳузур-ҳаловатини йўқотиб, унга тинчлик бермаган ўйлар.

Сўфизодани кўпроқ бадиҳагўй шоир дейишади. Дарҳақиқат, унинг турли муносабат билан кўча деворларига, дарвозалар тепасига, чойхоналар эшигига дафъатан ёзиб қолдирган шеърлари ҳалигача халқ ўртасида сақланиб келади. Гарчи унинг 1917 йилга қадар ёзган шеърлари жуда кам сақланиб қолган бўлса-да, улардан шоирнинг етук бадиий маҳоратини илғаб олиш қийин эмас. Яна бир томони борки, шоир шеърларининг айримлари конкрет адресга эга. Баъзиларини у, ҳатто, аниқ номини айтиб, сарлавҳага ҳам чиқарган. (Масалан, «Чуст қозиси Аббосхон Ҳожимуҳаммад ўғлига жавоб».)

Иккинчидан, бу шеърлар кескин баҳс асосига қурилган. Мавзуси — адолат ва ҳақиқат.

Учинчидан, бу шеърлар қайноқ, жўшқин, уларни кескин сатирик руҳ бирлаштириб, кўтариб турибди.

Туркистонда Октябрь тўнтариши юз берганида шоир чет элларда қувғинда эди. Масалан, у бир муддат Ҳиндистонда бўлади, ўқитувчилик қилади, бу ерда ҳам инглиз полицияси билан тўқнашади. Натижада у ердан кетиб, Афғонистонга ўтади.

Афғонистонда у каллапазга шогирд тушади, карвонсаройларда яшаб, кун кечиради. Нима бўлади-ю, афғон газети «Сирожул-ахбор» («Хабарлар зиёси»)да илм-ирфон ҳақидаги 3—4 форсий шеъри босилиб, амир Ҳабибуллохоннинг назарига тушади. Ҳабибуллохон уни қабул қилиб, мактаб очишга рухсат беради. Унинг ўғли Омонуллохон тахтга ўтиргач, маориф вазирлигига ишга олинади.

1919 йилда Афғонистон делегацияси таркибида ўз юртига келади. Афғон давлат арбоблари қаторида ўлкага келган шоир афғон ҳукуматининг Тошкентдаги вакили ҳузурига кириб: «Ўз юртимизда яшашга имконият бўлмаган чоғларда ва оғир кунларимизда юртингизда ишлашга имкон бердиларингиз. Бунга ташақкур изҳор этаман... Буни арз этмак бирла омонатларингизни топшираман»,— деб мурожаат қилади ва ўз юртида қолади.

Шоир биографиясини махсус ўрганган Т.Расуловнинг берган маълумотига кўра, Сўфизода ўз туғилган шаҳри Чустга бориб, маориф ширкатлари тузган. Идора пештоқига эса: «Жаҳон савдогари —қаллобларга бунда йўл йўқдир, қўли қадоқ, товони ёруқ, эски чопонлар, хуш келибсизлар!..» — деб ёздириб қўйган экан.

Бироқ у, кўп ўтмай, она Туркистоннинг озодлиги хомхаёл эканлигини англаб етди. Ва бундан қаттиқ изтиробга тушди. Афсуски, унинг бу даврда ёзган шеърлари ҳам у қадар кўп эмас. 3—4 шўро мавзусидаги шеърларигина маълум. Лекин шуларга ҳам син-

чиклаб қаралса, муаллифнинг мураккаб кечинмаларини пайқаш қийин эмас.

Аввало, шуни айтиш керакки, Сўфизода бу даврда ҳам катта истеъдод сифатида замондошлари томонидан эътироф этилди. Ҳатто расмий матбуот, масалан, «Муштум» журнали 1925 йилда унинг бир шеърини эълон қилар экан, муаллифини «халқ шоири» деб таништиради. Ҳолбуки, бундай унвон ҳали Республикада йўқ эди. У бу воқеадан роппа-роса бир йилу бир ой кейин, 1926 йил 27 февралда таъсис этилиб, биринчи нишон эгаси Сўфизода бўлгани маълум. «Фарғона» газетаси эса, 1925 йил 13 август сонидан Сўфизодани «Кулдиргувчи хушчақчақ шоирларимизнинг энг ўткири» деб таништиради. Шунчалик эътирофу эъзозга қарамай, Сўфизоданинг шўро даври шеърларини кўздан кечирсангиз, унинг ичига чироқ ёқса ёрмайдиган алфозда яшаб ижод қилгани англашилади. Масалан, унинг бир шеъри шундай бошланган эди:

Пайт пойлаб душманам қўйди йўлимга лойтузоқ,
Гулдираб чалқанча тушдим, тойилиб, бўлдим чўлоқ.
Судралиб қолгон кунимда бўлмади қўлтиқтаёқ,
Илтимосимдан зерикдинг, дўстим, бўлдинг йироқ,
Жола янглиғ кўз ёшим ҳар қатраси бир носқовоқ.

Шоирнинг «ҳар қатраси бир носқовоқ» бўлган «жола янглиғ кўз ёш»лари тасвирнинг бирмунча мутойибага мойиллигига қарасдан, ўқувчида ҳазин кайфият уйғотади. Айниқса, «Муштум» журналининг 1925 йил 2-сонидан босилган «Хуржун» шеъри муаллифнинг кайфияти эмас, позицияси ҳам йўқсилпарварлик даъвоси билан чиққан, лекин амалда Туркистон ҳаётида яхшиланиш томон ҳеч бир ўзгариш ясамаган, аксинча, буюкдавлатчилик ақидасидан зарра чекинмаган советлардан узоқ эканлигини далиллайди. Буни шеърнинг «Хуржун» деб сарлавҳаланишининг ўзиёқ кўрсатиб турибди. Халқда «ишлар хуржун» дегани, содда қилиб айтганда, «ишлар — расво!» дегани бўлади. Бу — шўролар ҳукуматининг 7 йиллик фаолиятига, Туркистоннинг 7 йиллик тарихига берилган баҳо.

Шеър, тўғридан-тўғри «ҳақиқат»ни сўроққа тутишдан бошланади. Ва шоир ишнинг хуржунлигини бирма-бир баён қилиб, исботлаб беради:

Эй ҳақиқат, қани сен, биз яна бўлдиқ хуржун,
Қайда қолди фуқаро раҳбари?! Янги қонун?!

Сўнг эса, далиллар ўртага тушади:


Ўлтуруб хум бошига, бўлди бўёқчи маймун...
Олди «партийни» бўлуб кўп киши икки хотун...
«Женотдел»даги хом носиҳа – биби отун...

Омининг топқонини олғоли мулло мойил...
Аъламу муфти фақат қарға-у қози – қузғун,
Муҳтасиб – эски кафан ўғриси, абжақ – охун...

Камбағал яктағини ювғали топмас собун,
Ўлди косиб очидан, аҳли тижорат – Қорун...

Сўфизода 1937 йилда 57 ёшида¹ шўролар қатағонига учраб,
ҳалок бўлди.

¹ Қаранг, бу ҳақда: ЎзАС, 1993 йил 23 июль.



АБДУРАУФ ФИТРАТ

(1886—1938)

Абдурауф Фитрат ижоди ва фаолияти яқин тарихимизнинг энг порлоқ саҳифаларидан бирини ташкил қилади. Унинг замонида адабиётни жамиятга хизмат қилдириш билан шуғулланмаган ижодкорни топиш қийин бўлса-да, сўз ва иш бирлигини ҳеч ким у олиб чиққан мақомга кўтара олган эмас. У адабиёт ва маданиятнинггина эмас, сиёсатнинг ҳам тан олинган арбобларидан эди. У бутун умри давомида Она-Ватанни озод ва обод қилиш дарди билан яшади. Бу буюк иштиёқ уни Ватан ва Миллат фидойиларидан ташкил топган «Ёш бухороилар» жамиятини тузишга муваффақ этди. Сўнграқ мустақил партия сифатида фаолият юритган ушбу жамиятнинг пировард мақсади қадамбақаддам бориб, истиқлолни қўлга киритиш ва ислохотлар ёрдамида мустақил демократик давлат қуришдан иборат эди.

Абдурауф Фитрат Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатининг машҳур вакилларида, янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан, тан олинган драматург, носир, шоир ва забардаст олимдир.

Ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши У ҳақда илк маълумот берган киши Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг сарой ходимларидан бўлган Ҳожи Неъматулла Муҳтарамдир.

У «сарроф Ҳожи Абдул Рауф валади Абдул Раҳим сарроф»ни «Мижмар» тахаллуси билан ўзининг «Тазкиратуш-шуаро» (1910) сига киритади ва у ҳақда икки оғиз маълумот бериб, шеърларидан бирини намуна сифатида келтиради. Фитратнинг 1327 йил ҳижрий (1909—1910 милодий) йилларда Истанбулда босилган дастлабки асари «Мунозара» Туркистонда жуда тез акс-садо берди. 1912 йилда Ҳожи Муин ўзбекчага таржима қилиб, «Туркистон вилоятининг газети»да босдирди. 1913 йилда Маҳмудхўжа Бехбудий сўнгсўзи билан алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Шу йили рус тилига ағдарилиб, оз сонда китоб бўлиб чиқди. 1916 йилда «Туркестанские ведомости» газетасининг 13, 15, 20 октябрь сонларида В.Б. Андреевнинг у ҳақдаги тақризи босилди.

Шўро даврининг илк йилларида у ҳақда фикр билдирган та-

ниқли мутахассислардан академик А. Н. Самойлович бўлди. У ўзининг 1919 йилда эълон қилган «Турк халқлари адабиёти» китобида ва бир қатор мақолаларида Фитратнинг фаолияти ҳамда ижодига тўхталди, баҳо берди¹.

20-йилларда Фитратнинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Або Муслим» драмалари саҳнага қўйилиши билан улар ҳақда кўплаб тақризлар ёзилди. 1922 йилда «Ўзбек ёш шоирлари» тўплами чоп этилди. 104 саҳифалик ушбу



Фитрат ва Элбек

мажмуа Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбеклар шеърларидан ташкил топган эди. Адабиётшунос ва танқидчи Абдураҳмон Саъдий «Ўзбек шоирлари» номи билан «Туркистон» газетасининг 1924 йил 12 январь сониди катта мақола—тақриз билан чиқди. 1923 йилда адибнинг «Қиёмат» ҳикояси Назир Тўрақулов сўзбошиси билан Москвада босилди. Таниқли давлат ва маданият арбоби уни машҳур Дантенинг «Илоҳий комедия»сига қиёс этди. Адибнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмасини Олмонияда таҳсил олаётган талабалар Берлинда нашр эттирдилар. Вадуд Маҳмуд у ҳақда мақола билан чиқди. 1924 йилда «Абулфайзхон» драмаси Москвада чоп қилинди...

Кўринганидек, 20-йиллар Фитрат ижодининг энг сермаҳсул, айни пайтда, буюк эътироф йиллари бўлди. У ҳақда шоирлар ҳам, олимлар ҳам, давлат арбоблари ҳам ёздилар. Деярли ҳаммалари у ёзган асарларнинг жозиба кучи, теран маъноси, кенг қамрови ҳақида яқдил бўлдилар. Бироқ жадидчиликка қарши кураш бошланганида биринчи нишон Фитрат ва унинг асарлари бўлди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида Фитратга қарши хужум авжига минди. Унинг «Энг эски турк адабиёти намуналари. Адабиётимиз тарихи учун материаллар» (Ўздавнашр, Самарқанд-Тошкент, 1927) ва айниқса, «Ўзбек адабиёти намуналари» (Самарқанд-Тошкент,

¹Бу ҳақдаги маълумотлар учун қаранг: Илҳом Ганиев. Фитратшунослик. Бухоро, 1995 й., 100-бет.

1928) китоби атрофида шўро мафкурачилари катта жанжал чиқардилар. Чек Жалил Бойбўлатов деган фирқа журналисти зиммасига тушди. Марказий газета «Қизил Ўзбекистон»нинг уч сониди Фитратни «пантуркист», «панисломист», «оппортунист» каби бир қатор сиёсий «айб»лар билан қоралаб чиқади. Фитрат матбуот орқали жавоб беришга мажбур бўлади. «Ёпишмаган гажаклар» номи билан Жалил Бойбўлатовга ёзилган ушбу хат «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1929 йил 15–16 сентябрь сонларида босилиб чиқади.

Хат шундай бошланар эди:

«Дўстим, ойлар, йиллар тиришиб, бир асар чиқаргон муҳаррир дўстларнинг шу асар ҳақидаги муҳокамаларини тинглашдан, асарнинг камчиликларини ўрганишдан, албатта, мамнун бўлади.

Менинг «Ўзбек адабиёти намуналари» аталган арзимас асарим ҳақида фикрингизни билдирмаклик учун анча уриниб, 3 сон газетни тўлдирганингизни кўриб мамнун бўлдим, ўқиб ҳам чиқдим. Ҳамма гапдан бурун Сизга ташаккуримни билдираман. Лекин бахтга қарши мақолангизни шунчалар кенгайтиргансизки, кенглиги асл мақсаднинг йўқолишига сабаб бўлган. Бизда, болалар орасида «Кўзим кўрмайдир» деган бир ўйун бор: бир бола кўзини қаттиқ боғлагандан кейин қўлига узун бир таёқ оллуб, ўртада туради. Бошқалар унинг оёғини олмоқ учун атрофдан ҳужум қиладилар. Таёқли бола таёғини кўтариб, «кўзим кўрмайдир» деб, тез-тез айлана берадир, таёқ кимга тўғри келса, шунга тегадир. Мақолани ёзганда, сизнинг қаламингиз ҳам шул кўзи кўрмас боланинг таёғига ўхшаган: айланган, айланган, кимга тўғри келса, шунга теккан, орада менинг китобим унутилган, жуда оз ўрин олган.

Ҳар ҳолда мақолангиз кўбрак менинг шахсимга қаратилгани муносабати билан жавоб тарзида эмас, дардлашув шаклида бир нарса ёзаман. Менинг асаримни бошлаб тартибига эътироз қилганингиз кўриладир. Адабиёт тарихимизни «феўдализм», «савдо сармойеси» каби даврларга ажратишимга қарши каби кўринасиз. Лекин ўз фикрингизни, яъни қандай тақсим қилиш лозимлигини ёзмагансиз. Адабиёт мутахассиси ёки адабиёт тарихи билан машғул бир одам бўлса эдингиз, шу баҳона билан сизга «ёпишмоқ» мумкин эди. Лекин, мен биламанким, сиз адабиёт тарихининг одами эмассиз, мақолангиз эса тасодифий ҳодисадир...»

Хатда Ж. Бойбўлатов мақоласининг мазмун-моҳияти ва ундан кузатилган мақсад очиқ-ошкор айтиляпти. Лекин адиб Ж. Бойбўлатовнинг матбуотдаги доводиращи можарони фақат бошлаб бериш учунгина эканлигини билганмикин? Можаро 30-йилларнинг биринчи ярмида авж олиб, даврнинг истеъдодли ва эътиборли

ёшларидан Ҳамид Олимжонни ҳам ўз домига тортди. Таниқли шоирнинг 1935 йилда ёзган «Жадид адабиётининг синфий моҳияти масаласи», «Ҳарбий коммунизм даврида ўзбек буржуа поэзияси», айниқса, «Совет адабиёти» журналининг 1936 йил 4–5-сонларида босилиб чиққан «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» мақоласи Фитрат ижодини шўро мафкураси нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил қилиб, Ж.Бойбўлатовлар позициясини мустаҳкамлаб берди. Қизиғи шундаки, адибнинг «Қиёмат» асари атеистик талқин қилиниб, Фитрат номи юраклардан суғуриб олинган коммунистик яккаҳоқимчилик замонларида ҳам нашр қилинди ва узоқ йиллар шўро мафкурасига хизмат эттирилди. «Илмилиқ» давр сифатида тилга олинадиган 60-йилларнинг иккинчи ярмидан унинг номи ора-сира учрайдиган бўлди. Лекин номининг тилга олиниши ҳам кўпгина фирқа амалдорларини қаттиқ безовта қила бошлади. Ҳолбуки, уларнинг аксариятида Фитрат асарлари танқид қилиш учунгина тилга олинар, баҳоларда эски концепция ҳукмронлик қилар эди. Шунинг ўзини ҳам танқид баҳонасида тарғиб қилиш деб тушундилар. Масалан, Б.Имомов, Т.Собировларнинг 1968 йилда, С.Алиевнинг 1973 йилда драматургиямиз тарихига бағишланган докторлик диссертациялари ва шу муносабат билан эълон қилинган мақола ва китобларга муносабатда шу ҳолни кўрамыз.

Фитрат ҳаёти ва ижодининг янги талқини 70-йилларнинг ўрталаридан кўзга ташлана бошлади. Э.Каримовнинг «Ўзбек адабиётида реализм тараққиёти»¹ китоби бу борадаги жиддий қадамлардан бўлди. Лекин уни адабиётдаги амалдорлар қабул қилмадилар. Муаллиф ва у ишлаган ташкилот партиявий жазо олди. Бу, табиийки, Фитратни қайта кашф этиш жараёнини сезиларли даражада секинлаштирди. 1983 йилда Аҳмад Алиев «Адабий мерос ва замонавийлик» китобида ғоят эҳтиёткорлик билан Фитрат асарларини адабиётшунослик ва танқидчилик қайта кўриб чиқиши лозимлиги ҳақидаги мулоҳазани билдирди. Шунинг ўзи ҳам китобнинг муҳокама қилиниб, муаллифнинг дашном эшитишига сабаб бўлди.

Демократия ва ошкоралик деб ном олган 1985 йилдан кейинги даврда Фитрат асарларига бир қадар холисона ёндашиш имконияти пайдо бўлди. У. Тўйчиев², М. Юнусов³ турли муносабат билан унинг асарларига мурожаат этдилар, бироқ талқинларда жиддий ўзгариш сезилмади. 1988 йил 3 июнда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида таниқли адабиётшунос олимлар Иззат Султон ва

¹ Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе, «ФАН», Т., 1975.

² Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. «ФАН», Т., 1985.

³ Қаранг: Ўзбек совет адабий танқиди тарихи, 1-жилд, «ФАН», Т., 1987.

Салоҳиддин Мамажоновларнинг «Маданиятимизнинг икки сиймоси» мақоласи эълон қилинди. Муаллифлар Фитрат ижодини ўрганиш ва муносиб баҳолаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан эканлигига диққатни қаратдилар. Ниҳоят, 80-йилларнинг охирларидан Фитрат асарларини ўрганишда янги бир босқич пайдо бўлаётгани кўзга ташланди. Бевосита адиб асарларини нашр этиш, ўқувчиларга етказиш ишлари бошланди. Матбуот саҳифаларида унинг илмий, бадиий, публицистик асарларидан намуналар эълон қилина бошлади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1989 йил 1-сонида Э. Каримов сўзбошиси билан адибнинг машҳур асарларидан «Абулфайзхон» драмаси чоп этилди. Уни Сафо Зуфаров нашрга тайёрлади. 90-йиллардан адабиётшунослигимизга бир қатор истеъдодли ёшлар кириб келдилар. Жумладан, Ҳ. Болтабоев «Номаълум Фитрат» номли мақоласида («Ёшлик» ж. 1990 й., 4-сон) илк бор машҳур адибнинг асарлари рўйхатини тузиб, эълон қилди.

Фитрат ижодини холисона ўрганиш ва баҳолаш мустақилликдан кейин илмий ва режали асосга кўчди. Ўтган йиллар ичида унинг кўпгина асарлари нашр этилди. Улар ҳақида илмий-тадқиқот ишлари яратилди. Кўплаб номзодлик, докторлик диссертациялари ёзилди. Унинг кенг қамровли, қомусий мероси биргина адабиётшунослар, тилшунослар эмас, тарихчилар, ҳуқуқшунослар, мусиқашунослар, элшунослар каби жуда кўп ва хилма-хил соҳа мутахассисларини ўзига жалб этмоқда. Истиқлол даврида у ҳақда ҳимоя қилинган докторлик диссертацияларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Адабиётшунослик бўйича:

Ҳ. Болтабоев. «XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси» (Т., 1996 й.);

И. Фаниев. «Фитрат драмалари поэтикаси» (Т., 1998 й.).

Фалсафа фанлари бўйича:

Б. Эргашев. Жадидчилик ижтимоий-сиёсий ғояларининг шаклланиши ва тараққиёти тарихидан. Ёш бухоролилар мафқураси, Т., 1993¹;

Ҳуқуқшунослик бўйича:

Д. Тошқўзиев. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи чораги Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг асосий йўналишлари, Т., 1995².

Бугун адибнинг босилиб чиққан ва чиқаётган китобларини бир ерга тўпласа, салмоқли мерос бўлади. Айниқса, адиб асарла-

¹ Қаранг: Эргашев Б. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма, идеология младобухарцев, АДД философских наук, Т., 1993.

² Қаранг: Д. Ташқўзиев. Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX – первой четверти XX вв. АДД юридических наук, Т., 1995.

рининг кўп томлиги нашри бошланганлиги ва унинг 3 жилди нашр этилганлиги муҳим ҳодиса бўлди¹. Улар ҳақида рисоалар, катта-кичик китоблар нашр қилинди².

Таржиман ҳоли Абдурауф Фитрат қадим илм-фан бешикларидан бўлган Бухоро шаҳрида 1886 йили туғилди. Юқорида келтирилган Ҳожи Неъматулла Муҳтарам маълумотларидан унинг отаси Абдурахимбой деган киши эканлиги ва саррофлик билан шуғулланганлиги маълум бўлади. «Сарроф» сўзи луғатларда «пул майдаловчи», «пул алмаштирувчи» деб изоҳланади. Ҳар ҳолда унинг ўзига тўқ, айна пайтда, ўқимишли, дунёнинг баланд-пастидан хабардор киши бўлганлигига шубҳа йўқ. Табиийки, савдо билан шуғулланган. Маълумотларга қараганда, Туркия, Эрон, Қашқарга тез-тез бориб турган. Онасининг оти Бибижон (тўла номи Настарбиби, айрим манбаларда Мустафбиби) бўлиб, тахминан 1866 йилларда туғилган. Ўғли Абдурауф ҳибсга олинган 1937 йилда у ҳаёт эди. Оилада Абдурауфдан ташқари яна икки фарзанд — укаси Абдурахмон ва синглиси Маҳбуба ҳам бор эди. 20-йилларнинг фаолларидан бўлган, гоҳо шеър ҳам машқ қиладиган Маҳбуба Раҳим қизининг номи ўқувчиларга бир қадар таниш. Абдурахмоннинг эса 10-йилларда Когон босмахонасида ҳарф терувчи бўлиб ишлаганини хабар қиладилар.

Абдурауф дастлаб ўз даврининг эски мактабларидан бирида, сўнг машҳур «Мир Араб» мадрасасида ўқиди. Замондошларининг маълумот беришларича, у Бухорода 18 ёшларига қадар ўқиди. Сўнг, чамаси, бир оз отаси ёнида хизмат қилган, бирга ҳажга боришган, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Арабистонда бўлишган. «Тазкиратуш-шуаро» муаллифи Неъматулла Муҳтарамнинг уни ҳам отаси каби «сарроф» деб аташи, «Ҳожи мулла Абдурауф» деб таништириши бежиз эмас. Шунингдек, унинг Марказий Русиянинг Москва, Петербург каби шаҳарларига ҳам саёҳат қилгани маълум. Бу сафар—саёҳатлар, мутахассисларнинг аниқлашларича, 1904—1907 йилларга тўғри келади. 1909 йилда ҳамшаҳарлари ака-ука Усмонхўжа ва Атохўжа Пулатхўжаевлар ҳамда Мазҳар махзум Бурҳон махзум ўғли ва Муқимбек билан Истанбулга ўқишга кетади. 37-йилдаги суд-тергов маълумотларига қараганда, Фитрат

¹ Қаранг: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 1-жилд. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. Т., «Маънавият», 2000; 2-жилд. Илмий асарлар. Т., «Маънавият», 2000; 3-жилд. Драмалар, ҳикоялар, публицистик мақолалар, Т., «Маънавият», 2003.

² Чунончи: Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Т., «Ёзувчи», 1996; Фитратнинг илмий мероси, Т., «ФАН», 1996; И. Ғаниев. Фитратшунослик, Бухоро, 1995; яна шу муаллиф: Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати, Т., Ф. Фулом нашриёти. 1994; яна шу муаллиф: Фитрат, эътиқод, ижод, Т., «Камалак», 1994; А. Алиев. Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат, Т., 1984; Б. Қосимов. Маслакдошлар. Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. Т., «Шарқ», 1994; Б. Тўйчибоев. Фитрат — тилшунос. Т., 1996 ва ҳ.к.

Истанбулда 1909–1913 йиллари «Дорулмуаллимин»да ўқиган¹. Та-лаба ҳамшаҳарлари иштирокида «Бухоро таъмили (умумий) ма-ориф» жамиятини тузган. Чамаси, у бухороиларнинг ўзаро мод-дий-маънавий ҳамкорлик уюшмаси вазифасини бажарган. «Ёш турклар инқилоби» муносабати билан қизғин сиёсий курашга ғарқ бўлган Туркия муҳити Фитратга қаттиқ таъсир кўрсатди. У сиё-сатга шўнғиди, бадиий ижодга зўр берди.

1909 йилда «Мунозара» («Ҳиндистонда бир фаранги ила бу-хороли мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусу-сида қилгон мунозараси») асари Истанбулда чоп этилди. 1911 йилда «Сайҳа» шеърий тўплами, 1912 йилда «Сайёҳ ҳинди» («Баё-ноти сайёҳи ҳинди») босилиб чиқди.

1913 йилда Фитрат Бухорога маориф ва маданий-ижтимоий қурилиш ҳақидаги янги ғоялар билан қайтиб келди. Бироқ бу-ларни мутаассиблик авж олган Бухорода амалга оширишга йўл йўқ эди. Шу сабабли Шаҳрисабз ва Каркида янги мактаблар очиш билан шуғулланди. Қисқа муддатда Бухоро жадидчилик ҳаракатининг етакчи вакиллари билан бирига айланди. Бироқ, кўп ўтмай, 1915 йилдаёқ Бухоро жадидларининг ўз орасида ҳам ажралиш юз берди. Четда ўқиб келган ёшларни ҳаракатнинг маориф ва маданият билан чекланувчи мақсади ҳам, мусулмонларни ин-софга чақирув орқали унга эришишни кўзловчи воситалари ҳам қаноатлангирмай қўйди. Улар солиқларни камайтириш, деҳ-қонларнинг аҳволини яхшилаш, амалдорларнинг ўзбошимчали-гини чеклаб қўйиш каби сиёсий талаблар билан чиқишни так-лиф қилдилар. Бу нуқтаи назар жадидларга хайрихоҳ жуда кўп ёшларга маъқул бўлди. Шу тариқа жадидларнинг ўзи «эски» ва «янги»га — ўнг ва сўлга ажралди. Ўнгга Абдувоҳид Бурҳонов, сўлга Фитрат бош бўлиб қолдилар. Фитратнинг бу қарашлари унинг шу даврларда яратилган ва XX аср боши ўзбек публицис-тикасининг, драмачилигининг нодир намуналаридан бўлиб қол-ган «Раҳбари нажот» (1915), «Оила» (1916), «Бегижон» (1916), «Мавлуди шариф» (1916), «Або Муслим» каби асарларида акс этган эди. Айни пайтда, Фитрат янги мактаблар учун янги дарс-ликлар ҳам ёзди. «Мухтасар ислом тарихи» (Самарқанд, 1915), «Ўқу» (1917, Боку) китоблари бунга далил. «Ўқу»нинг «биринчи бўлак» эканлиги кўзда тутилса, муаллифнинг бу ишга катта режа билан киришгани маълум бўлади. Афсуски, мазкур асарларнинг баъзилари ҳозирда йўқ. У ҳақдаги маълумотлар, фикр-мулоҳаза-ларгина етиб келган. Лекин бу асарларнинг деярли ҳаммаси ўз даврида жуда юксак баҳоланган. Масалан, бу китобларнинг юзага

¹Аксарият тадқиқотларда Истанбул университетида ўқигани айтилади, лекин ҳеч бирида манба келтирилган эмас.

чиқишида шахсан моддий ёрдам кўрсатган Файзулла Хўжаев «Оила» ва «Беғижон»ни «мавжуд тузумни қаттиқ танқид қилган, унинг барча камчиликларини аёвсиз очиб ташлаган, амирликнинг чирик системасини фош қилиб берган» китоблар қаторига киритади.

Фитрат 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг сиёсий ишларга тамоман шўнғиб кетди. Бухоро жадидларининг сўл қаноти ташаббуси билан тузилган «Ёш бухороилар» инқилобий партиясига саркотиб бўлиб сайланди. Самарқандлик илғор ёшларнинг Мардонқул Шоҳмуҳаммадзода муҳаррирлик қилаётган «Хуррият» (1917) газетасида кескир мақолалар билан чиқди. Кўп ўтмай, унга муҳаррирлик қилди (1917 йил 27-сонидан 1918 йил 87-сонигача). Янги Русия Муваққат ҳукумати билан ўзаро тенглик алоқаларини йўлга қўйиш ишларида фаол қатнашди. Бироқ, бир томондан, амир ва у суянган мутаассиб аёнлар, иккинчи томондан, чор колониал сиёсатининг большевиклар томонидан ўзгаришсиз қолиши «Ёш бухороилар»нинг мустақиллик ва демократия ҳақидаги орзуларига йўл бермайди. Фитрат буни билган эди¹. Шу сабабли «большевик балоси» бош кўтарган 1917 йилнинг Октябрини «Юрт қайғуси» деб баҳолаган эди. Шунга қарамасдан, у келажакдан умид узмади. 1917 йилги Туркистон мухториятини сўнгсиз меҳр билан қарши олди. У эълон қилинган 27 ноябрь тунини «миллий лайлатулқадримиз» деб атади. Айни пайтда, Бухорода «Ёш бухороилар»нинг амир билан баҳси давом этарди. «Ёш бухороилар» кучларини қайта сафлаб чиқдилар. 11 кишилиқ янги Марказий Кўмита тузилди. Фитрат тайёрлаган ислохотлар лойиҳаси бир оз тузатишлар билан қабул қилинди. Унда маршрутят (конституцион монархия) ғояси асос қилиб олинган ҳамда дин ва шариатга алоҳида мавқе ажратилган эди.

20 февралда Туркистон мухторияти шўролар томонидан хоинона қонга ботирилди ва у «Кўқон воқеаси» номи билан тарихга кирди. Мартда Бухорода содир бўлган «Колесов воқеаси» кўҳна Бухоронинг «қадимчи» ва «жадидчи»си орасида ўтиб бўлмас чоҳ қазди. Ота билан болани, амирлик ва ёшларни бир-бирига хундор душманга айлантирди. Амир қирғин ясади. Ёш бухороиларнинг омон қолган қисми Самарқанд ва Тошкентда жон сақлади. Фитрат Тошкентда паноҳ топди. Сиёсий ишлардан узоқлашиб, маданият-маънавият билан шуғулланди. Шу йили дастлаб Хадрадаги мактабда, май-июнь ойларидан Туркистон мусулмон дорилфунуни қошида ташкил топган дорилмуаллиминда тил ва адабиётдан дарс берди. Фитрат ва Чўлпон биринчи маротаба Тошкентда 1919 йилнинг бо-

¹Фитрат «Хуррият» газетасининг 1917 йил 7 ноябрь сониде «Русияда янги бир бало бош кўтарди: большевик балоси!» деб ёзган эди.

шида учрашдилар. Фитрат 1919-20 йилларда Афғонистоннинг Тошкентдаги элчихонасида таржимонлик қилади.

Фитратнинг Тошкентдаги энг йирик хизматларидан бири «Чигатой гурунги» жамиятини ташкил этиши бўлди. Жамият 3 йил (1918—20) яшади, лекин ўзбек тили ва адабиётигина эмас, умуман ўзбек маданиятининг шаклланиш ва тараққиёт тарихини янги, замонавий илм асосида ўрганишни бошлаб берди. Қаям Рамазон, Шорасул Зуннун, Элбек, Шокиржон Раҳимий, Фулом Зафарий, Мирмулла Шермуҳамедов, Ғози Юнус, Чўлпон, Боту, Санжар Сиддиқ, Маннон Рамз, Маннон Уйғур жамиятнинг фаол аъзолари эдилар. Фитратнинг Ш.Раҳимий ва Қ.Рамазон билан ҳаммуаллифликда ёзган «Она тили» (1918) дарслиги, «Чўзғилар» («Унлилар») имлоси ҳақидаги Қ.Рамазон билан ҳамкорликда ёзган «Битим йўллари» (1919) ўқув қўлланмаси, «Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри» (1919) рисоласи шу даврда майдонга келгандир. Қиёсан олганда, жамият тил масалаларига алоҳида эътибор бергани кўзга ташланади. Жамият қошида «Имло тўдаси»нинг ташкил топиши бежиз эмас эди.

Фитрат, Боту, Элбек ҳамкорликда 1920 йилнинг 9 апрелида «Тонг» журналининг 1-сонини босмадан чиқардилар. Журналда «Чигатой гурунги» аъзоларининг деярли барчаси иштирок этди. Афсуски, унинг 3-сони чиқиб, тўхтаб қолади.

Фитрат ўз ҳаётининг Тошкент даврида «Ўғузхон», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» каби асарларини яратди. Чамаси, Туркистон мухториятининг фожиали тугатилиши муносабати билан ёзилган ва адибнинг сўнгсиз изтиробларини ифода этган бир пардалик «Темур сағанаси» асари ҳам шу даврда майдонга келган. Афсуски, унинг тўла нусхаси йўқ. Турли муносабат билан кўчириб олинган парчаларигина сақланиб қолган. «Ўғузхон», мутахассислар фикрича, босилган эмас. Унинг устига, тақдири номаълум. «Чин севиш» (1920), «Ҳинд ихтилолчилари» (1923) Ҳиндистон халқларининг озодлик, мустақиллик учун олиб борган курашлари ҳақида. Аслида, бу Туркистон воқеаларининг хорижга кўчириб тасвир этилиши эди. Шунга кўра, бу асарлар ўз даври учун бениҳоя долзарб эди.

1920 йил сентябрь воқеаларидан кўп ўтмай, Фитрат Бухорога келади¹. Эҳтимол, бунда шу даврдаги Бухоро ҳукуматининг раҳбари Файзулла Хўжаевнинг хизмати бордир. Чунки уларнинг бир-бирларига ҳурмат ва ихлоси жуда баланд бўлган. Фитрат Файзулла Хўжаевнинг дид ва савиясини, сиёсатчилик иқтидорини юксак қадрлар, у ҳам ўз навбатида адибнинг ноёб истеъдодини ба-

¹ Айрим манбаларда бу 1920 йилнинг охирлари деб кўрсатилади, баъзиларида 1921 йилнинг марти деб берилади.

ланд тутар эди. Хуллас, Фитрат 1920 йилнинг охирларида Файзулла Хўжаев бош Бухоро ҳукуматининг аъзоси эди. Партияга эса, у 1919 йилда Тошкентдалигида ўтган. Ўша йили июнда бўлиб ўтган Бухоро Коммунистик партияси 1- съездида Марказий Комитетга аъзо бўлган. Сўнграқ Бухорода пайти Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси қилиб сайланди. 1921 йилдан Халқ маорифи нозири, яна бир йил ўтгач, хорижия нозири, халқ хўжалиги йиғилишининг раиси, жумҳурият Марказий Ижроия Комитети раиси ўринбосари, Халқ Нозирлари Шўроси Раисининг муовини, Ҳукумат план ва смета ташкилий ҳайъатининг раиси, Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Меҳнат кенгашининг Президиум аъзоси вазифаларини олиб борди. Жумҳурият ижтимоий-маданий ҳаётининг ҳамма масалаларида фаол иштирок этди. Хусусан, унинг ғайрат ва ташаббуси билан 1921 йилда Бухорода Шарқ мусиқа мактаби очилади. Мактабга Домла Ҳалим Ибодов, Шоҳназар Соҳибов, Бобокул Файзуллаев каби машҳур ҳофизу мақомшуносларни тўплайди. Ўз уйини (собиқ Дзержинский 8, ҳозирда бузилиб кетган) шу мактабга беради, ўзи унга мутасаддилик қилади. Фитрат ва Файзулла Хўжаев ташаббуси билан замонавий кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади. 60 дан ортиқ ёшлар Германияга ўқишга юборилади. Фитрат бош Халқ маорифи нозирлиги 1920 йилнинг 30 октябрида Бухоро инқилоби тарихини ёзиш ҳақида қарор қабул қилади. 1922 йил 14 сентябрда эса Жумҳурият Марказий ижроия қўмитаси Бухорода до-рулфунун очиш ҳақидаги тарихий қарорини эълон қилди. Илмий марказ ташкил қилиш ҳаракатлари бошланади. Бухоро илмий жамияти тузилади. Фан ва маданият тарихига оид нодир қўлёмалар тўплана бошлайди. Илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилади. Жамиятнинг «Анжумани тарих» шўъбаси қисқа муддатда «Бухоро арки тарихи» қўлёмасини нашрга тайёрлайди.

1921 йил мартдан Бухоро жумҳуриятида турк (ўзбек) тили давлат тили деб эълон қилинди. Давлат театри тузилди (1921). Тошкентдан Маннон Уйғур, Абдулҳамид Чўлпон таклиф этилдилар. Вақф ишларини бошқаришга эса машҳур Мунавварқори Абдурашидхонов жалб этилди. Ёш жумҳурият жуда қисқа муддатда Туркия, Эрон, Афғонистон билан дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйди. Бу ишларнинг барчаси, биринчи навбатда, Фитратнинг ва унинг сафдоши Файзулла Хўжаевнинг ақли ва ғайрати билан бошланган эди. Бироқ жумҳуриятнинг эркинлик, мустақиллик йўлидаги бу ҳаракатлари марказнинг Туркистондаги ноибни — Турккомиссияга ёқмади. 1923 йил 12 июнда Русия коммунист (большевиклар) партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси «Бухоро масаласи»ни кўрди. Сиёсий бюро Бухоро

Шўролар Жумҳуриятида давлат ҳокимиятини янада «демократлаштириш ва активлаштириш» тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга Сталиннинг Бухоро Нозирлар шўросининг таркиби ҳақидаги «Бухоро ҳукумати номи остида иш кўраётганларнинг халқ ва совет ҳукуматига ҳеч бир алоқадорлиги йўқ» деган фикри асос қилиб олинди. Бухоро жумҳуриятида ҳокимиятга бойлар, савдогарлар тортилган, бирорта ҳам деҳқон йўқ, унинг устига ҳаммаёқ қариндошчилик, деган айб қўйилди. Шу йил 23 июнда Русия коммунист (большевиклар) партияси Марказий Комитети котиби Я. Э. Рудзутак иштирокида Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми ўтказилди. Бухоро ҳукуматининг 5 аъзоси — Нозирлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Атоулло Хўжаев, Ижроия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Муинжон Аминов, Халқ хўжалиги кенгаши раис ўринбосари Абдурауф Фитрат ва кенгаш ҳайъати аъзолари Саттор Хўжаев, Ёқубзодалар партиядан ўчирилиб, ишдан олинди. 24 июнда ўтган Бухоро жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитасининг 11-сессияси эса, Фитратни «Бухородан чиқармоққа» қарор берди. Файзулла Хўжаев, айрим маълумотларга қараганда, шу пайтлари Москвада даволанишда эди. У масаладан бир қадар хабардор бўлиб, Фитратнинг жазосини иложи борича енгиллатиш тадорикини қилади. Умуман олганда, замонасининг бу икки ноёб шахсияти орасидаги муносабатлар, юқорида айтганимиздек, гоят самимий бўлиб, ўзаро ҳурмат ва муҳаббат асосига қурилган. Чунончи, Фитрат Файзулла Хўжаевни «эшонжон», «пиримиз», «амиримиз» деб алқар, у эса ўз навбатида машҳур адибни тирик классик сифатида қадрлар, унинг миллат ва жамият учун ниҳоятда кераклигини дилдан ҳис қилар эди. Шу сабабли, Бухоро ҳукумати раҳбари арбоб ёзувчисини сақлаб қолишнинг ҳамма ҳаракатини қилди. Аслини олганда, Акмал Икромовнинг ҳам Фитратга меҳри баланд бўлган. Тадқиқотчиларнинг маълум қилишича, у вазиятни юмшатиш учун Фитратни Сталин билан учраштирган. Фитратнинг ўша даврдаги маълум ва машҳур давлат арбобларимиз билан бундай яқин муносабатини унинг Ўзбекистон Миллий Хавфсизлиги хизмати архивида сақланаётган суд-тергов ҳужжатлари материалларидан сезиб олиш қийин эмас.

1923–24 йилларда Фитрат Москвадаги собиқ Лазарев Шарқ тиллари институти (1921 йилдан Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти)да ишлади, илмий иш билан шуғулланди. Ленинград давлат университетининг Шарқ факультетида Шарқ халқлари тили, адабиёти, маданиятидан маърузалар ўқиди, профессорликка сайланди.

Айни пайтда, «Абулфайзхон» (Москва, 1924), «Шайтоннинг

тангрига исёни» (Тошкент, 1924), «Арслон» (Самарқанд–Тошкент, 1926) каби қатор драматик асарлари, «Бедил» (Москва, 1923; Тошкент, 1924) илмий-оммавий очерки, «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Сарф (1-китоб), Наҳв (2-китоб)» (1925), «Сарфи забони тожик» (Самарқанд, 1925), «Адабиёт қоидалари» (Самарқанд–Тошкент, 1926) каби дарслик-қўлланмалари босилди.

Фитрат Ўзбекистонга 1927 йилда қайтиб келди. Ўзбекистон Коммунистлар партияси саркотиби Акмал Икромов таклифи билан пойтахт Самарқандда янги ташкил топган Олий педагогика институти (ҳозирги СамДУ)да иш бошлади. 1927 йилда Боку дорулфунуни профессори машҳур Бекир Чўпонзода ҳам ушбу даргоҳга таклиф қилиниб, дарс берганлиги маълум. Умуман, 20-йиллар, хусусан 2-ярми, Фитрат илмий фаолиятида муҳим йиллар бўлди. У ўз аҳамиятини бугунги кунгача йўқотмай келаётган «Энг эски туркий адабиёт намуналари» (матн, тадқиқот, изоҳлар, Самарқанд – Тошкент, 1927), «Ўзбек адабиёти намуналари» (матн, тадқиқот, изоҳлар, Самарқанд–Тошкент, 1929), «Шарқ шахмати» (Самарқанд – Тошкент, 1928), «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» (Самарқанд – Тошкент, 1927), «Форс шоири Умар Хайём» (Самарқанд – Тошкент, 1929) каби кўплаб тадқиқотлар эълон қилди. Матбуотда қанчадан-қанча мақолалар босдириди. Бу асарлари билан янги ўзбек фани-маданиятининг бир қатор йўналишларига йўл солди. Хусусан, Туркистон халқларининг бой ва қадим маданий меросини ҳар томонлама, изчил ва мунтазам, айна пайтда, чуқур илмий ўрганишни бошлаб берди. Минг йиллар оша ёнма-ён яшаб келган ўзбек-тожикнинг адабий-маданий меросидаги муштарак жиҳатларга диққатни қаратди. Ўзбек адабиётининг манба-маншаъларини аниқлаб берди, тарихий тараққиётини ёритди. Адабий оқимлар, мактаблар, уларнинг вакиллариини ўрганди. Даврида шуҳрати оламга ёйилиб, замонлар ўтиши билан тарих қатларида унутилиб қолган ўнлаб шоирларнинг меросини излаб топди, қайта кашф этди. Афросиёб – Алп Эр Тўнга марсиясидан Яссавийгача, Юсуф Хос Ҳожибдан Турди, Машраб, Умархонгача, замондошлари Элбеку Чўлпонгача ёзди. Янги ўзбек адабиётшунослиги илмининг тамал тошини қўйди. «Адабиёт қоидалари» (1926) ва сўнгроқ ёзган «Аруз ҳақида» (1936) китоблари билан буюк Навоийлар юксак босқичга олиб чиққан ўзбек адабий эстетик тафаккурини янги давр тушунчалари билан бойитди, давом эттирди ва адабиёт назарияси бўйича ҳам замонасининг етакчи мутахассиси сифатида эътибор ва эътироф қозонди.

Фитрат ўз драмалари билан ўзбек драматургияси ривожига буюк роль ўйнади. «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» асар-

ларида Ҳиндистон халқларининг озодлик ва мустақиллик учун инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган муросасиз курашлари орқали Туркистон халқларининг туганмас дардларини ифода қилди.

«Абулфайзхон» адабиётимизда тарихий мавзуда ёзилган биринчи драма эди...

20-йилларнинг 2-ярмидан шароит ўзгарди. Шўро тузуми қарор топа борган сари эркин фикр торайиб борди. Эски зиёлиларни, хусусан жадидларни қоралаш бошланди. Ҳар бир ҳодисага синфий-партиявий ёндашиш кучайди. Юқорида қайд этилганидек, 1929 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 3-сониди (13, 14, 15 май) Ж. Бойбўлатовнинг «Ўзбек адабиётида чигатойчилик» мақоласи босилди. Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» муносабати билан ёзилган бу мақола бошдан охиригача унинг муаллифини «фош этиш»га қаратилган эди. Чунончи, у марксизмни инкор қилишда, ўтмишни идеаллаштиришда, буржуа миллатчилиги ғояларини ташвиқ этишда айбланди. Фитрат ва асарга сўзбоши ёзган Отажон Ҳошим матбуотда жавоб билан чиқдилар. Табиийки, Фитрат ҳақидаги гап-сўзлар бу билан тўхтамади. 1930 йилдан эса унга сиёсий айб қўйила бошланди. Муаллиф тадқиқотлари унинг «аксилшўровий» фаолиятига «ашёвий далил» сифатида тилга олина бошлади.

«Шарқ ҳақиқати» газетасининг 1930 йил 180, 182, 183-сонларида Ж. Бойбўлатовнинг «Ўзбекларнинг адабий мероси» байроғи остидаги пантуркизм» сарлавҳали мақоласи босилди. Муаллиф Фитратнинг «тарих»ини кавлашга тушди. 1923 йилдаги «айб»ларини қўзғади, судга тортилмай қолганини кўтариб чиқди, уни очикдан-очик «синфий душман» деб эълон қилиб, исботлашга киришиб кетди. Юқоридаги китоби ҳақида эса, «Қуръон»ни нашр қилиш пролетариат ишига қанчалик хиёнат бўлса, мазкур «Ўзбек адабиёти намуналарининг чоп этилиши ҳам шунчалик жиноятдир», деган хулоса чиқарди. Дарвоқе, ушбу мақоланинг русча бир нусхаси Фитратни айбловчи ҳужжат сифатида унинг «Жиноий иши»га илова қилинган. Шуларга қарамасдан, Ф. Ҳўжаев 1923 йилдаги сингари адибни яна сақлаб қолишга муваффақ бўлди. 1937 йилда эса, сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Шу йили 24 апрелда Ўзбекистон прокурорининг кўрсатмаси билан Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 4-чи бўлимининг бошлиғи Давлат Хавфсизлиги лейтенанти Оғабеков томонидан ҳибсга олинди.

Фитратнинг 1937 йил 22 июлда тўлдирилган «Маҳбуслик анкетаси»дан:

Исми шарифи: Фитратов Рауф Раҳимович.

Туғилган йили ва жойи: 1886, Бухоро шаҳри.

Доимий яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Гулистон маҳалласи, 116-уй.

Иш жойи: Пушкин номли Тил ва адабиёт институти.

Касби: илмий ходимлар секцияси аъзоси.

Мулки: хусусий уйи бор.

Ижтимоий аҳволи: хизматчи.

Миллати ва фуқаролиги: ўзбек; СССР.

Партиявийлиги: йўқ.

Маълумоти: олий.

Судланганми: йўқ.

Оила таркиби

Хотини: Фитратова Ҳикмат, 25 ёш, уй бекаси.

Онаси: Фитратова Бибижон, 70 ёш.

Қизи: Фитратова Севар, 7 ёш.

Тергов ва сўроқлар бошланди. Бир ярим йиллик қийноқлардан сўнг «миллатчи», «аксилнқилобчи», «аксилшўровий» деган айблари етмай, «халқ душмани», «ватан хоини» каби тавқи лаънатлар ёпиштирилди. Энг кейин «топган»лари «немис», «инглиз» разведкаси «айғоқчи»си эканлиги бўлди. Ва шулар асосида СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан суд қилиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ўлдирилди.

Архив материаллари орасида Фитратнинг хотини Ҳикматойнинг 1956 йилдаги сўровига жавобан ўша йили 5 ноябрда мазкур ҳарбий коллегиянинг адлия полковниги В.Борисоглебский имзоси билан Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги 1-махсус бўлим бошлиғига йўлланган кўрсатмаси бор. Унда Фитратнинг 1938 йил 15 октябрда суд қилингани (ҳолбуки бу вақтда адибнинг отилганига 11 кун бўлган эди) ва жазони ўташ даврида 1944 йил 3 ноябрда (!) вафот этгани(!) маълум қилинади. Бундай ҳолларни қатағон даври ҳужжатлари орасидан истаганча топиш мумкин.

СССР Олий суди 1957 йил 1 август мажлисида СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг Фитрат ҳақидаги 1938 йил 5 октябрда чиқарган ҳукмини (У ҳам бир қатор сафдошлари сингари олдин отилиб, кейин суд қилинган эди) бекор қилди. Лекин шундан кейин ҳам бу номни ўз ўрнига қўйиш учун 30 йилдан ортиқроқ вақт керак бўлди. Истиклолгина ҳамма нарсани жой-жойига қўйди.

Бугун Фитрат номида Тошкент ва Бухорода кўчалар, мактаблар бор. Туғилган шаҳрида ёдгорлик музейи очилган, хиёбон барпо этилган, 1996 йилда таваллудининг 110 йиллиги мамлакат

миқёсида нишонланди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида сазовор бўлган.

Фитратнинг ижодий мероси

Фитрат қомусий илмга эга, ўз қаламини бадиий ва илмий ижоднинг жуда кўп соҳаларида синаб кўрган ва муваффақият қозонган камёб истеъдодлардан эди. Ҳ. Болтабоев «Номаълум Фитрат» мақоласида адиб асарларининг 87 та кўрсаткичини илова қилган эди¹. Илҳом Ғаниев ва Б. Эргашев 1994 йилда бу кўрсаткични 134 тага етказдилар². Уларнинг салмоқли бир қисми шеър, ҳикоя, ижтимоий наср, драма сингари бадиий жанрларда ёзилган асарлардир. Иккинчи бир қисми — публицистика, кундалик мақолалар. Яна бир қисмини турли-туман ўқув дарсликлари ташкил қилади. Ниҳоят, яна муҳим бир қисми илмий-адабий тадқиқотлардан иборат. Дарвоқе, унинг илмий тадқиқотлари биргина адабиётшунослик доирасида чекланмайди. У забардаст тилшунос, тарихчи, файласуф, ҳуқуқшунос, мусиқашунос. У ўрта асрлардаги қомусий зиёлиларимиз сингари мусиқанинг ҳам назарияси, ҳам амалиёти билан шуғулланган, у ҳақда махсус рисола яратган. У шахмат тарихи ҳақида тадқиқий мақолалар ёзган, ҳатто ер қурилишининг илмий жиҳатлари билан қизиққан ва яқиндан шуғулланган кенг қамровли истеъдод эканлиги маълум бўлади.

Шеърлари

Фитратнинг бизга маълум бўлган шеърлари, шу жумладан ўзбекчалари у қадар кўп эмас. Мутахассислар унинг ўзбекча шеърлари ададини 20 атрофида белгилайдилар. У, тахмин қилиш мумкинки, талабалик йилларидаёқ шеър машқ қилган. Илк шеърларини Бухоро муҳити анъанасига кўра форсча ёзган. XX асрнинг бошларида уни «Мижмар» тахаллусли шоир сифатида таниганлар. Мижмар — хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган чўғдон. Неъматулла Муҳтарам уни ўз тазкирасига киритар экан, шоирнинг касби (сарроф) ва тахаллусидан келиб чиқиб, сўз ўйини қилади, унга илтифот кўрсатади. Чунончи уни «удсўз» (хушбўй нарсаларни тутатувчи), «бахурафрўз» (ёқимли нарсаларни ёқувчи) деб таърифлайди. Сарроф сўзининг «сўз устаси», «сухандон» маъноларидан ҳам самарали фойдаланади. «Хушбаён», «мажлисшева» (ўтиришларга жон киритувчи), «роқий» (сеҳргар) каби сўзларни ишлатади. Нур таратувчи таъби билан мижмар сингари хуморлар базмига гулу райҳонлар шуъласини сочувчи, деб сифатлайди.

¹ Қаранг: «Ёшлик» журнали, 1990 йил, 4-сон.

² Қаранг: Абдурауф Фитрат зълон қилинган асарларининг асосий кўрсаткичи (1909–1936). Китобда: Илҳом Ғаниев. Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати, Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 135–145-бетлар.

Фитратнинг дастлабки шеърӣ тўплами «Сайҳа», мутахассислар маълумот беришларича, 1909 йилда Истанбулда босилган. «Сайҳа» «Фарҳанг»да «бонг, фарёди даҳшатангиз, наъра» деб изоҳланган. Ундаги шеърлар Ватан ҳақида эди. Ватан ҳақида осойишта сўзлаб бўлмасди. Унинг дарди ниҳоясиз, жароҳатлари ҳалокатли эди. Шоир унинг «ҳоли хароб»лигидан, «панжаи ғам»дан «пирани (либоси)» чоклигидан дод солди. Унга меҳру муҳаббатини ҳайқириб айтди. У билан ифтихор этди. Уни ҳар нарсадан муқаддас тутди. У учун бахт ва нажот қидирди:

Бинмо, саҳари азми тавофи Ватани ман,
Оҳ-оҳ, чи Ватан, саждагоҳи жону тани ман.
Ҳам моҳи ману осойиши, иззу шарафи ман,
Ҳам Каъбаи ман, қиблаи ман, ҳам чамани ман.

(Мазмуни: Ватанимни зиёрат қилмоққа эрта тонгда кел. Ҳай-ҳай, қандай Ватан бу! У — менинг саждагоҳим, жону танимдир. У менинг осмондаги ойим, осойишим, иззатим, шарафим, Каъбам, қиблам ва чаманимдир.)

«Сайҳа»га кирган шеърлардан бири шундай сатрлар билан бошланар эди.

Шоирнинг бу ўтли шеърлари 1914 йилда «Садойи Туркистон» газетасида ҳам босилди. Файзулла Хўжаев ўзининг Бухоро инқилоби тарихига бағишланган китобида бу ҳақда шундай ёзган эди: «Ватанпарварлик шеърлари тўплами бўлган «Сайҳа»ни ўқиган кишиларни Бухоро ҳукуматигина эмас, рус ҳукумати ҳам таъқиб қила бошлади. Чунки бу шеърларда Бухоро мустақиллиги ғояси биринчи марта жуда ёрқин шаклда ифодалаб берилди...»¹

1917 йилда Фитрат ўзи муҳаррирлик қилган «Хуррият» газетасида «Юрт қайғуси» номи билан бир туркум шеърлар эълон қилди. Диққатга сазовор жойи шундаки, уларнинг аксарияти сочма шеърлар, Фитратнинг ўзи айтмоқчи, мансуралар. Бундай тажриба, адабиётимизда илк бор Ҳамза томонидан қилингани маълум. Масалан, у «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 18 июль сонидида босилган бир шеърига «Шеъри мансур» (насрий шеър) от қўйган эди².

«Юрт қайғуси»га кирган шеърларининг биринчиси «Хуррият»нинг 1917 йил 28 июль, охириги 29 декабрь сонидида эълон қилинган. Шулардан охириги аруз вазнида. Қолганларида, табиийки, вазн йўқ.

¹ Қаранг: **Файзулла Хўжаев**. Бухородаги инқилоб ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланишига доир. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том. Т., 1978, 98–99-бетлар.

² Бу ҳақда қаранг: **Бегали Қосимов**. Излай-излай топганим..., Т., 1983, 166–169-бетлар.

Шеърлар рукннинг сарлавҳасидан кўриниб турганидек, юрт — Ватан қайғусига бағишланган. Замон инқилоблар замони эди. Чор ҳукумати қулади. Эпчил миллатлар дарҳол истиқлол режalarини кўра бошладилар. Туркистоннинг тақдири қандай бўлади? Айниқса, сўнгги асрларда залолатга ботган, дунёдан узилиб, фиску фужурга кўмилган, ўз қиёфасини йўқота бошлаб, ўзга миллат етовига тушган Туркистоннинг. Фитратни қийнаётган дард — шу!

Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг? —

деб бошланар эди улардан бири.

Шоир унинг «юксак ўринлар»дан «қуллик чуқурлари»га тушиш сабабларини сўрайди. «Дунёни «урҳо»лари билан титраткан йўлбарс юракли болалари»ни, «ер тупроғини кўкларга учиратургон тоғ гавдали ўғлонлари»ни кўмсайди. Унинг бу ҳоли билан келиша олмайди. Томирларида Темур қони оқаётган миллатдошларини номус ва шаън ҳимоясига чорлайди.

«Бир ўзбек йигитининг тилидан» мансурасида Ватан бош-оёғи яланг, танасида ададсиз қамчи излари, кўксидagi яраларидан қон томаётган ҳолсиз, дармонсиз аёл сифатида ифодаланadi. Бу тимсол, бу хаёл «ўзбек йигити»ни тушида ҳам, ўнгида ҳам таъқиб этади. Ўзбек йигити «ғамли она» — «муқаддас Турон» хаёли билан муроқабaga киришади. Ундан айрилмоқни ўзи учун ўлим, унинг учун ўлмоқни эса тириклик ҳисоблайди. Уни қутқармоққа онт ичади. Шеър шундай якунланади:

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшуни келса,

Оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса,

яна сен сари кетарман.

Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкулса,

Зулм тифининг темир тиконлари кўзларимга кирса,

яна сени қутқарман.

Мен сенинг учун тирилдим,

Сенинг учун яшарман,

Сенинг учун ўлурман, эй туркликнинг муқаддас ўчоғи!

Ўлим, сенинг ўлимингни истаганларга!

Нафрат, сени кўмгани келганларга!

Даъваткор руҳ, ҳайқирик шу тарзда асарнинг бошидан охиригача ўтган эди.

«Темур олдинда» шеърида «Эзилган боши, қисилган виждони, куйган қони, ўртанган жони учун» улуғ хоқони сағанасидан «даво излаб» боради, унинг руҳидан мадад сўрайди. Буюк бобо-

си «Туронининг эски шараф ва улуғлиғини қайтармасдан бурун аёғларида ўтирмаслик»ка унинг «дунёга сигмаган ғайрати» олдида «онт» ичади...

Шундай бир шароитда ёвқур боболаримиз мухторият эълон қилдилар. Мухторият ҳали мустақиллик эмас эди. Бу улуғ йўлдаги бир қўниб ўтадиган манзил эди. Туркистон барча халқаро алоқалар ихтиёрини Русияга топширар, ички идоранигина ўзи олиб борар эди. Мана шу нисбий эрк ҳам буюк ғалаба эди. Адибнинг мансураларидан бири ушбу воқеага бағишланган.

«Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопанди.

Молимиз таланди, шарафимиз емурулди, номусимиз ғасб қилинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди.

Тўзимли турдик, сабр этдик, кучга таянган ҳар буйруққа бўюн-сундук, бутун борлигимизни қўлдан бердик.

Ёлғиз бир фикрни бермадук, ёшунтурдук, иймонларимизга ўраб сақладук, бу — Туркистон мухторияти!»

Мансурадаги иқроор оҳанги, у қадар тўлиқ риоя этилмаган ички феъл қофиялар (эзилдик-этилдик; боғланди-қопанди; таланди-қилинди-олинди ва ҳ.) гоҳ шиддат билан ёғиладиган, гоҳ сокин тортиб ёйиладиган ритм ҳасрат ва қувончни ифодалашда ўзбекиона услубни таъмин этган.

Мазкур туркумни шоирнинг арузда битилган қуйидаги шеъри яқунлаб келади.

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?
Номусми, виждон била имонми керакдир?

Темур била Чингиз қони тошди томурида
Айтгил, Сени қутқармоқ учун қонми керакдир?

Ёв суқғали келгач, қиличини юрагинга,
Туш олдига, ол кўксуми — қалқонми керакдир?

Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила қолди,
Турон ёвини қувғали тўфонми керакдир?

Турон, йигитинг, барчага боқ, қалқди оёқға,
Юртда қоровул қўйғали арслонми керакдир?

Шеърда мухторият ғалабасининг нашъу намоси балқиб турибди. Уйғонган халқ билан биргалик туйғуси, оталар шарафи ва улар руҳи олдидаги бурч, эл-юрт хизмати сурури яхши ифодаланган.

Шоирнинг ўн уч шеъри 1922 йилда нашр этилган «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламига киритилган. Уларнинг бир қисми («Ким деяй сени?», «Бир оз кул», «Аччиғланма деган эдинг», «Ишқимнинг тарихи», «Нега бўйла?») — ишқий мазмунда. «Беҳбудийнинг сағанасини изладим» жадидларимиз карвонбошисининг фожиали ўлими муносабати билан ёзилган. «Овунчоқ» — машхур журналист Мирмуҳсин Шермуҳамедовга бағишланган. «Миррих юлдузига», «Шарқ» шеърлари Мухториятнинг риёкорларча қонга ботирилганидан кейинги шўроларнинг қатағон сиёсати борасидаги дардли, изтиробли ўйлардир. Тўпламга киритилган барча шеърларнинг умумий хусусияти маҳзунлик, умидсизликдир. Бу ҳол унинг ишқий-интим шеърларида ҳам бўртиб туради.

«Эрка малак, аччиғланмам сенга...» деб бошланади шеърларидан бири ва унда шундай сатрларни учратамиз:

Тилакларим, армонларим, шеърим,
 Кўмилсунлар, керакмаслар менга.
 «Ҳаёт» деган қопқон борсун,
 Парчалансун, битсун, йўқолсун.

Бошқа бир шеърда шоир умидининг «кўп чидамли теракларни йиқилгани»дан, «умидсизлик қайғулари тонги отмас бир тун»га айланганидан сўз очади («Яна ёндим»).

«Миррих юлдузига» шеърда шоир юлдуз билан сирлашади. Ердаги тубанликлар, хўрликлардан сўз очади. Улар тимсолида асликнинг бузилишини, табиий гўзалликнинг, мукамалликнинг поймол бўлишини кўради. Иккинчидан, шеърнинг «Миррих юлдузига» деб аталишида ҳам чуқур маъно бор. Миррих (уни Баҳром ҳам дейдилар) Марс юлдузининг шарқча оти. У қадим астрология («илми нужум»)га кўра жангу жадаллар, урушлар рамзи. Бинобарин, шеърнинг номиёқ мамлакатдаги нотинчлик, ғавғо-тўполонларни англатиб турибди.

Шоир юлдузга мурожаат қилади, ундан юртни оёқости қилган душманларнигина эмас, дўст ва қардошни улар қўлига тутиб берган хиёнатчиларни ҳам суриштиради:

Борми сенда бизим каби инсонлар,
 Икки юзли иш бузарлар, шайтонлар.
 Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,
 Қардош этин тўймай еган қоплонлар?
 Борми сенда, ўксуз йўқсулнинг қонин —
 Гурунглашиб чоғир каби ичганлар?

«Дунё тузугини» «Ўз қопчуғ»ларини «тўлдурғали бузганлар», «қорин-қурсоқ йўлида элин-юртин, борин-йўғин сотганлар» борми у ерда?

Мана у кўрган миллатлар тенглиги:

Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатғувчи ҳоқонлар?

Йўқ, бундай ҳақсизликни осмон кўтара олмайди, улар фақат ерда бўладилар.

Иккинчи бир шеърида («Шарқ») ўлканинг яхлит, умумлашма образи чизилади. У, шоир таърифича, дунёнинг энг гўзал боғчасидир. Уни гўзалликда ҳеч бир жой билан қиёс этиб бўлмайди. Жаннатлар унинг атрофида. Унинг гуллари жон сувидан етилган. Саф тортган кўм-кўк оғочлар мумтозлик ҳаққи учун Тангрига топиниш мақсади билан кўкка интиладилар. Ўнгдан, сўлдан — ҳар ёндан кўркама, ҳайбатли тоғлар қуршаган. Йўқ, улар тоғлар эмас, ҳақ йўлида курашга ясов тортган алп аскарлардир. Бирор ёввойи ҳайвон йиртқич тишини, тирноғини суқиб қолмасин, дея уни Тангрининг ўзи ёрлақаб, теграсидан айланган сув, муз, тоғ кўрғони билан муҳофаза этади.

Бироқ бугун, эсизларким, бу ўлка,
Ҳар томондан таланмишдир йўлсизча.
«Маданият» деган ғарбли олбости,
Боқинг, бунинг кўкрагидан ўқ босди.

Ҳозирча манзара умумий. Гўё шиддатли бир довул келгану бундаги гўзалликни барбод қилган. Бу довулнинг исми — «маданият». Нега «маданият»? Маданият ҳаётнинг мазмунли бўлишига қаратилган эмасми? Гап номда эмас, моҳиятда. Инқилоб халқ учун халқнинг номи билан амалга ошган эди. Оқибати-чи? Инсондаги инсонийлик барбод бўлиб, ёввойилик, ёвузлик жунбушга келди. Бир-бирини йўқ қилишга тушди. Ҳайвондан хор бўлди. Ҳолбуки, бу ерларга истилочилар «маданият» байроғини кўтариб келган эдилар... Шуми — маданият?! Бу инсон эмас, иблис (олбости) аъмолидир. Ўлканинг кўксига ўқ қадаган ўшадир.

Шоирнинг фикрлаш тарзи шундай. Манзара аста-секин ойдинлашиб боради. Ёнган қишлоқлар, омонсиз таланганлар, қон тўла ариқлар ўрнини тафсилотлар олади:

Тўрт-беш яшар бир боланинг бошини,
Боқинг, кескин қилич билан кесмишлар.
Йиғлаб турғон онасининг бўйнига
Бир ип билан осмишлар...

Янгигина келин бўлгон бир қизнинг
 Кўкрагини, эри бўлгон йигитнинг
 Жонсиз ётқон гавдаси узра кўюб
 Найза билан тешмишлар...
 Хотунларнинг пардаси,
 Болаларнинг юраги,
 Қариларнинг гавдаси
 Ёрилгон,
 Эзилгон...

Шоир сўроққа тутади:

Ким берган
 Бу уғурли ўлкага бунча ўтни?
 Ким тўккан
 Бу муқаддас ишга бунча қонни?
 Билмайсизми?!

Бу даҳшатларнинг бунёдкори ким? «Тулки билан шайтон»га дарс берган «малъун» ким? Сўроқ беради шоир ва «Англизлар!» «Ҳамда унинг куйруғини тутганлар!» — деб жавоб беради.

Қай ер бу ўлка? Ҳиндми, Афғонми, Туркистонми? «Англиз»-чи? У шартли эмасмикин? Шеърни, албатта, кенгроқ ҳам, торроқ ҳам тушуниш мумкин. Яъни Шарқ-Фарб, Туркистон-Рус шаклида ҳам англаш мумкин. Тўғрироғи ҳам кейингиси эди.

Маълум бўлганидек, Фитрат шеърлари ададига кўра у қадар кўп бўлмаса-да, унинг ижодкор сифатидаги қиёфасини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Аввало, унинг шеърый иқтидорга ҳам эгаллигини далиллайди. Иккинчидан, ижтимоий фикр серқирра истеъдоднинг барча қирраларига хос эканлигини, шу жумладан, унинг шеърияти замоннинг шоир қалбида акс этган солномалари эканлигини кўрсатади. Учинчидан, Фитратнинг поэтик арсеналнинг имкониятларидан кенг фойдалана олган санъаткор шоир бўлганлигига бизни ишонтиради.

Драмалари Фитрат драматург сифатида жуда катта шуҳратга эга. У барча замондошлари томонидан бу борада якдиллик билан эътироф этилган ижодкор эди. Мутахассисларнинг аниқлашларича, у ўндан ортиқ драматик асар ёзган. Булар: «Бегижон» (беш пардалик фожиа, 1916), «Мавлуди шариф», «Або Муслим» (1916), «Темур сағанаси» (1918), «Ўғузхон» (1919), «Қон» (1920), «Чин севиш» (1920), «Ҳинд ихтилолчилари» (1921), «Абулфайзхон» (1923), «Шайтоннинг тангрига исёни», «Арслон» (1926), «Восеъ кўзғолони» (1927), «Рўзалар» (1930) дир.

Булардан дастлабки олтитаси бизгача етиб келган эмас. Баъ-

зиларининг мазмуни ва йўналиши ҳақида айрим маълумотлар сақланган, холос. Чунончи, «Або Муслим» беш парда, етти кўри-нишли тарихий драма. 747–750 йилларда умавийларга қарши курашиб, аббосийларни ҳокимиятга келтирган қўзғолон ва унинг раҳбари хуросонлик Або Муслим (727–755) тақдирдан ҳикоя қилади. 20-йилларда саҳнага қўйилган. 1921 йил «Туркистон» газетасида (21 декабрь) Чўлпоннинг у ҳақда тақризи ҳам бор. «Ўғуз-хон» туркий халқларнинг милоднинг бошларида яшаган ва уларнинг марказлашган ҳокимияти — хоқонлигини тузган шу номли саркарда ҳақида. «Қон» драмасининг сюжети, маълумотларга қараганда, муаллиф замонасидан олинган, унинг бир муддат саҳнага қўйилганини ҳам нақл қиладилар. «Темур сағанаси»дан парчаларгина етиб келган. Мутахассислар қайд этганларидай, бу асар «Юрт қайғуси»даги лирик қаҳрамон мурожаатига жавобдек таассурот қолдиради. Масалан, Темур қабридан қўзғалиб, бугунги авлодга шундай хитоб қилади:

«Мен сизларга кўп нарсалар еткардим. Не бўлдики, бир замонлар шарафли ва жасур бир миллатнинг авлодлари ҳозир бошқа бир миллатнинг зулми остида қолмиш. Кимлар боғларингдан қушларимизни қувмоқда!... Оталар меросидан нимани олдингиз! Сиздан талаб этаман, қалқингиз!... Ўлкани тузатингиз, авлодларининг ҳур яшамоқларини таъмин этингиз. Агар бундай қилмангиз, ўлка буюк бир мозорлик ҳолига келур»¹.

«Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» воқеалари Ҳиндистонда юз беради. Биринчисига ҳам муаллиф «Ҳинд ихтилолчилари турмушиндан олинган 5 пардали ишқий-ҳиссий фожиадир» деб изоҳ беради. Ихтилолчи — қўзғолончи дегани. Демак, ҳар икки асар ҳам ҳинд халқининг инглиз истилочиларига қарши мустақиллик учун олиб борган курашлари ҳақида. Улар бир асарнинг икки варианты эмас, бир мавзудаги икки асар. Дастлаб, «Чин севиш» ёзилиб, 1920 йилда чоп этилган. Иккинчисининг ёзиб тугатилган йилини муаллиф 1920 деб кўрсатади. Уч йил кейин Берлинда босилган (ўша йили ўзимизда ҳам чоп этилган).

«Чин севиш»нинг марказий қаҳрамонлари Нуриддинхон ва Зулайҳо, унинг отаси Каримбахш, бойвачча Раҳматуллохон, инглиз юзбошиси Вильямлардир.

Асар Каримбахш уйдаги суҳбат билан бошланади. Уникига бойвачча Раҳматуллохон келган. Бойвачча Зулайҳога харидор. Суҳбат айланиб, Европага тақалади. Буларнинг кўпчилиги ўша ёқда ўқиб келганлар. Лекин гап биргина ўқишда эмас экан. Бундай

¹ «Ёш ленинчи» газетасининг 1935 йил, 10 март, 56-сонидан олинган бу кучирма «Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар» 1-жилдига ёзилган проф. Ҳ. Болтабоев сўзбошисидан келтирилмоқда (18-бет).

қарашса, ўқиган ҳам, қўйингки, ўқитувчининг ўзи ҳам ёвуз бўлиши мумкин экан. Агар ёвузлик ақл ва билим билан бирлашса, тўғрироғи ақл ва билим ёвузликка хизмат эттирилса-чи?!

Каримбахш бир вақтлар Европани мақтарди. Энди эса йўқ, фикри ўзгарган: «Оврупода билим бор, лекин инсоф йўқ. Оврупонинг билими қоплоннинг тиши, тирноғи каби бир нарсадир. Кучсизларни йиртиб, емак тўғрисида кўп иш кўрмишдир...», — дейди хотини Фотимахоним билан суҳбатда.

Хотини ҳайрон:

«Буқунғача Оврупода ўқимоқни мақташдан тилингиз тинмас эди... Оврупо билимларини ўрганишни керак топган эдингиз. Бу кун у сўзингиздан қайтиб қолибсизми?» — дашном беради Фотимахоним. «Қайтғоним йўқ, — жавоб қилади Каримбахш. — Оврупо ишларини ўрганмак албатта керакдир. Оврупода ўқимоқ Овруполиларни инсофли, адолатли деб мақтамоқ учун эмас, улардан ўзимизни сақламоқ, тишли-тирноқли бўлиш учун керакдир», дейди.

Авалло, маърифатчилик талқинининг бутунлай ўзгарганлигига диққат қилайлик. Сал илгари ватандошларимиз наздида Европа идеал, илм-маърифатга тимсол эди. Кўз очилган сайин бошқа манзара намоён бўла бошлади. Уларнинг оғиздаги гаплари билан қилаётган ишлари ўртасидаги жарлик тобора равшанроқ кўрина бошлади. Лекин буни кўришда ҳамма бир хил эмас. Масалан, Раҳматулло олдинги қарашларидан зарра қайтган эмас. У ҳали ҳам Европани устоз деб биледи. Ўрганган ҳар бир нарсаси учун унинг олдида ўзини қарздор ҳисоблайди. Европалилар орасида мусулмон бўлаётганлари борлигини, масжидлар қураётганлигини ҳаяжон билан гапиради. Лекин Каримбахшнинг ўз нуқтаи назари бор. Унингча, инглизларнинг «масжид ясамоқлари Каъбани бузмоқ учундир».

Нуриддин-чи? У — ихтилолчи. Ватанини дил-дилдан севади. Унинг ўзгалар оёғи остида топталишидан қаттиқ изтироб чекади. Унинг ҳаёти тўла таҳлика. Бир томонда, инглизлар. Иккинчи томонда — Раҳматуллога ўхшаганлар. Пешоварда бир инглиз ўлдирилгани учун Дехлида ҳарбий ҳолат эълон қилинган. Шу баҳонада «Ватан!» деган ҳиндининг бари қўлга олинмоқда. Раҳматуллохон Зулайҳо туфайли уни йўқотиш режаси билан банд. Нуриддинхон кўнглида эса, бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган икки хаёл, бир тимсол бор: Ватан ва Зулайҳо. У қамоқда экан, бу туйғу янада кучайиб боради. «Чин ошиқлар маъшуқаларининг ўзи билан эмас, хаёли билан яшайур», — дейди у.

Дарҳақиқат, унда ишқий-ҳиссий ҳолат, маъшуқа билан руҳий бирликни англаш кучли. Шу маънода у маълум сўфиёна маз-

мунга эга. Айрим жиҳатлари билан у Ҳиндистоннинг буюк файласуф шоири, инқилобни инсон руҳиятига кўчирган Муҳаммад Иқболни эсга туширади. Шарқ озодлик ҳаракатида, Жавоҳарлаъл Неру айтганидек, «ишончли маънавий суянчиқ» бўлган бу шоирнинг шеърлари, хусусан «Асрори худи» («Ўзлик сирлари», 1915), «Румузи беҳуди» («Беҳудлик рамзлари», 1918) дostonларидан Фитратнинг беҳабар бўлган бўлиши мумкин эмас. «Ҳинд ихтилолчилари»да унинг номи тилга олиниб, шеърларидан намуналар келтирилгани бунга далил.

«Чин севиш» кўп ўтмай, Тошкентда Маннон Уйғур томонидан сахнага қўйилди. Чўлпон у ҳақда «Ўзбек сахнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ҳам гўзал бир томоша кўрди», — деб ёзди. Вадуд Маҳмуд эса, уни «Ўзбек сахнасида шу кунгача ўйналиб келган пьесаларнинг энг кучлиси, энг буюги», деб баҳолади. Асарнинг шухрати фақат Россия мусулмонлари орасидагина эмас, Турку Эрондан Ҳинду Афғонгача ёйилди.

«Чин севиш»да бошланган «Ҳиндистонни тозартиш» ғояси «Ҳинд ихтилолчилари»да давом этади. Икки ёш — Раҳимбахш ва Дилнавоз бир-бирларини севадилар. Бироқ юртда эрк йўқ. Ватан ўзгалар оёғи остида. Шу туфайли улар ҳам эркин эмаслар. Бир куни куппа-кундузи босқин қилиб, «Хукуматга қарши яшурин кенгашасиз» деб икки ёшни қўлга оладилар. Раҳимбахш қамоққа ташланади. Дилнавозни Лохур пўлиси бошлиғи Оқунар ишрат учун олиб кетади. Раҳимбахш қамоқдан қочиб, инқилобчиларга қўшилади. Дўстлари ёрдамида Дилнавозни қутқаради. Бироқ инқилобчиларнинг турган жойлари инглизларга маълум бўлиб қолади. Тенгсиз жангда Дилнавоз Бадринат деган ҳинди инқилобчи билан яна душман қўлига асир тушади. Асар уларнинг озод қилиниши, ҳаммаларининг «Юртимизни қутқарамиз! Яшасин истиқлол!» деган хитоблари билан якунланади.

Драманинг қисқача мазмуни — шу. Лекин ундаги ҳар бир саҳифа, тафсил Ватанга бўлган қизгин меҳр билан ёришиб туради.

«Мени Ҳиндистонни севганингча севармисан?» — сўрайди Дилнавоз.

«Ҳиндистонни севганим сени севганим эмасми?!» — жавоб беради Раҳимбахш. У юртини севади. Тош-тупроқлари учун эмас, гўзаллиги, фазилати, тарихи учун. Дилнавоз мана шу юртнинг, улуснинг фазилатларидан бири, биринчиси. Шу сабаб, Дилнавознинг шубҳа ва гумонларига қарата: «Чиндан севаман, юракдан севаман, жондан севаман, виждондан севаман. Меним юрагимдаги севгини кўрсатмак учун севиш сўзи оздир. Топинаман сенга!» — дейди.

Аслида, уларга кўп нарса керак эмас. Ҳатто биргина нарса — эркинлик кифоя. «Кимсанинг бизга ҳеч иши бўлмаса...» — зорла-

нади Дилнавоз. Лекин уларнинг ҳар бир қадамини ўз уйида таъқиб этувчи инглиз-чи? Уни юртдан қувмай, эркин юриб бўлади-ми! Аммо бу осон иш эмас.

«Ишнинг қулайини ахтармак ялқовликдир, — дейди Раҳимбахш. — Қулай ишдан буюк унум чиқмас. Буюк унумли ишлар қулай-да бўлмас. Инглизни Ҳиндистондан қувмоқ ер юзини ўз қора қанотлари остига олган олбостини йўқ этмоқдир. Қулай бўлмас. Нима бўлса ҳам бир ёвни юртдан ҳайдамоқ бир юртни ёв қўлида кўрмоқдан қийин эмасдир».

Лекин барибир осон эмас. Чунки озодликка чиқмоқ учун, аввало, уни хоҳлаш керак. Кулнинг ўзининг қул эканлигини англаши ярим озод бўлгандир. Сўнг унга тайёр бўлиш керак. «Миялари тамуғ пучмоқлариндан қоронғуроқ, кўзлари оёқ остидан нарироқни кўрмайдир»ган, «олға босмоқ», «келгусини ўйламоқ»ни «куфр» деб билувчи, «дунё буларни таламоқ учун бирлашган»да ҳам «талондан қутулмак учун бирлашмай»диган тўдадан нима умид қилиш мумкин?

Бироқ Раҳимбахш ноумид эмас. «Зулм мазлумларни бирлаштирмақ учун энг буюк қуролдир», — фикрлайди у. Бу йўлда чинакам инсонлар, албатта бирлашадилар. Чин инсонлик эса, маъжусликка, мусулмонликка қарамайди.

Дарҳақиқат, юрт ёнмоқда. «Улус эзилиб битди... Омонлик, тинчлик, эрк деган нарсаларни кимса билмайдир. Масжидда намоз учун йиғилганлар сиёсий йиғин ясагон бўлиб, тўпға боғланалар, эр билан хотин ўзаро узоқроқ гаплашиб қолсалар, ҳукуматга қарши бўлиб, дорға осилалар... Шулар орасинда тинч турмоқ... Лолахардиёл айтмоқчи, сагана бошида чоғир ичмакка ўхшайдир».

Раҳимбахш халқ орасига кириб борган сайин Ҳиндистонни қутқармоқ ҳақидаги тилаги ўсиб боради.

Инглиз ҳам анойи эмас. У Ҳиндистон аҳолисининг турли дин-эътиқодга, маслак-мазҳабга мансублигидан, улар орасидаги ўзаро жанжал-низолардан усталик билан фойдаланади. Бир-бирларига қайраб қўйиб, четдан кузатади.

Муаллиф мутеъ миллатнинг психологиясига кўз ташлайди: Афғон чегарасидаги Бунир кўрғонининг бошлиғи Мавлоно Нуъмон уйида газета варақлаб ўтирибди. Инглизларнинг ғалабаси ҳақида хабарлар. Унга барибир. Қайси ҳукуматга хизмат қилишнинг аҳамияти йўқ. Ор-номуснинг ўзи йўқ. Бироқ шамолнинг авзойини билиб қўйган яхши. Ҳозир инглизнинг қўли баландга ўхшайди. У шундай фикрлайди: «Инглиз — Тангрининг балоси. Нима қиламиз, «кофир» бўлса ҳам Тангри шунга яхши қарагон энди». (Нақадар таниш итоатпарастлик.)

Кўп ўтмай, унинг ҳузурига инглиз жосуси Марлинг келади. Ўртада «сухбати хос» кетяпти.

«Биласизким, инглиз улусининг Ҳиндга келганликлари ҳиндларни етиштирмак, «маданий қилмак» учун эди... — узоқдан гап бошлайди Марлинг. — Биз келмасдан бурун Ҳиндистон дин жанжаллари, мазҳаб ғавголари, қорин-қурсоқ урушлари билан тўлғон эди...

Биз келгач, шул бузуқликларни тузатдик! Жанжалларни қутартдук. Маданий яшамоқ йўлларини кўрсатдик, ҳиндуларни ўқитдук».

Дунё бино бўлибдики, ҳеч бир жаҳонгир мен фалон мамлакатни таламоқ учун борганман, деган эмас. Ҳаммалари «адолат», «маърифат» олиб келганлар. Македониялик Александрдан русиялик Александргача.

Марлинг давом этади: «Биз Ҳиндистонни адолат билан олдик, адолат билан сақладик. Яна адолат билан ўзингизга қайтармоқчи бўламиз...» У Англиянинг Ҳиндистондаги мустамлакачилик сиёсатини оқ-оппоқ қилиб олгач, навбатдаги ишга — мамлакатдаги икки буюк миллат орасига низо уруғини сепишга киришади.

«Эски Ҳиндистон маданиятининг туб эгаси мусулмонлар эдилар, — секин «иш»ни бошлайди Марлинг. — Шу паллада ҳам энг яхши тайёрланган улус мусулмон улусидир. Биз истар эдикким, бутун Ҳинд ҳукуматини мусулмонларга топширайлик».

Бу кимга ёқмайди?

«Биласизким, Ҳиндистонда кўпчилик мусулмонлар-да эмас. Ҳиндулар, секхийлар, маъжуслар бирлашиб, ҳукуматни ўз қўлларига олмоқчи бўлсалар нима қиламиз?», — секин оғуни юбора бошлайди ўлжасига ифвогар. Шу тариқа, улар аллақачон бирлашган, бу тилакни Олмонияга билдириб ҳам улгурган ва бу борада ораларингизда агентлар ҳам ишлаб турибди, деган ёлғон маълумотни усталик билан қистиради. Ва, табиийки, шубҳа-гумон бошланади.

Инқилобчи Абдусуббуҳнинг фикри шундай: «Инглизларни тарқатмоқ учун Ҳиндистонни бирлаштирмак керак. Ҳинду билан мусулмонни бирлаштирмак йўлида улар ҳар нарсага тайёрлар. Лекин Марлинг берган оғунинг таъсири Мавлонода аллақачон бошланган: «Шариатда мусулмон билан ҳиндунинг бирлашмаги тузук эмас, қатағондир. Ҳиндулар мусулмон бўлмагунча, биз улар билан бирлаша олмаймиз», — дейди у инқилобчиларга. Абдусуббуҳ «Биз зулмга қарши ҳар ким билан бирлашурмиз», — деб ҳисоблайди. Мавлоно ўз фикрларини «мушрик», «аҳли китоб» ҳақидаги узоқ далолатлар билан исбот этмоқчи бўлади.

Абдусуббуҳ ўз фикрида қатъий. Унингча, инглизларни Ҳиндистонга бошлаб келган нарса ҳам юрт ичидаги шу хил жанжаллардир:

«Сиз, муллалар, туташ шундай қиласиз. Ҳиндистонни йилларча эл-аймоқ жанжаллари билан тўлдирдингиз. Улусни етмиш тўрт бўлак қилдингиз. Ҳар бўлакни бошқаларига ёв этдингиз. Ўлкамизни ички жанжаллар билан тўлдирдингиз. Шундай қилиб, инглизни бошимизга келтурдингиз. Юз йиллардан кейин биз ўзимизни қутқармоқ учун бош кўтардик. Бирлашдик, қутулмоқ истадик. Яна мазҳаб, дин жанжаллари билан йўлимизни тўсмоқчи бўласиз. Уялингиз! Эркимизга тирноқ урмоқчи бўлганларга қарши чикурмиз. Қўлга қўл бериб курашамиз, бизни бу йўлдан сиз-да, дин-да қайтара олмас!»

Кўриниб турибдики, асар воқеаларини фақат ва мутлақо Ҳиндистонгагина тегишлидир, деган даъвони ҳеч ким қила олмайди. Бу муаммо мустамлака ва мустамлакачи мавжуд ҳар бир мамлакатга дахлдор эди. Шу жумладан, Туркистонга ҳам. Шу сабабли, у ҳақда ўнлаб тақризлар босилиши, ҳатто олис Германияда мақола чоп этилиши ва Фитратнинг машҳур Ҳусайн Жовид билан ёнма-ён қўйилиши бежиз эмас. «Туркистон ва Бухородагина эмас, балки Шарқнинг бошқа гушаларидаги халқлар ҳам Фитратни танийдилар, — ёзган эди Б. А. Пестовский 1922 йилда. — Бир мусулмон шоирининг дунёга қараши буддистларнинг қарашидан узоқ турса керак, деган бир фикр мияга келса ҳам Фитратнинг баъзи бир асарларида кўрилган дунёга қараши ҳинд шоири Рабиндранат Тагўрнинг қарашлари билан бир нуқтага келуб бирикадур»¹.

Ушбу гапларга қўшилган ҳолда, Фитратда Махатма Ганди, Муҳаммад Иқболдан ҳам баҳрамандлик бор эди, дейиш лозим бўлади.

Кичик драматик дoston «**Шайтоннинг тангрига исёни**» Октябрнинг оқибатларини, йўқсилликни илоҳийлаштириш фожиасини ўзига хос йўсинда ифодалаб берган бир асардир. Одам йўқдан бор қилинди. (Шарқда пролетариат йўқ эди.) Халифа деб эълон қилинди. (Унга чексиз ҳуқуқ берилди.) Лекин унга ҳеч ким итоат этмади. Охир-оқибатда дунё Яратганнинг амри билан азалга қайтди.

«**Арслон**» қишлоқ ҳаёти воқеаларига бағишланган бўлиб, шўро даври ўзгаришларига нисбатан бир қадар муросасозлик билан ёзилган драма. Деҳқон йигит Арслонни бой арзимаган баҳона билан ўз домига илинтириб олади. Арслон атрофидаги ҳақсизликларни кўриб чидай олмайди, жабрдийдаларга ёрдам бераман, деб тўйга йиғиб қўйган пулидан ажралади. Дўсти Ботур учун ўртага тушиб

¹ «Инқилоб» ж. 1922 й., 2-сон.

қамалади. Ҳамқишлоқлари унинг ҳовли-жойини сотиб, қутқариб оладилар. Хуллас, у қамоқдан қайтиб келганида севган қизини бой хотинликка олган, энди жони узилган онаси Турсунбибининг эса иягини боғлар эдилар. Асар Арслоннинг бойдан ўч олиш воқеалари билан якунланади.

Фитрат драмалари орасида алоҳида ўринлардан бирини «**Абулфайзхон**» эгаллайди. «Абулфайзхон» жанрига кўра — тарихий фо- жиа. Мазмун-мундарижасига кўра кўҳна Бухоро тарихидаги ғоят масъулиятли ва мураккаб даврлардан бирини қаламга олган. Бу аштархонийлар сулоласининг орадан кўтарилиб, ўрнига манғитлар салтанатининг келишидир. Драма бир қадар ўрганилган, у ҳақда қатор мақолалар ёзилган, диссертация ёқланган¹. Асар ўрта мактаб дарслигига киритилган ва ҳ. к.

Аштархонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори бўлган Абулфайзхон (1711—1747) шахси бошқаларидан кўп-да фарқ қилган эмас. Лекин у юрт сўраган XVIII асрнинг биринчи ярмидаги тарихий, сиёсий шароит жуда мураккаб бўлганлиги аниқ. Гап шундаки, салтанатда Муҳаммадҳаким (пьесада Ҳакимбий) бош манғитлар нуфузи бениҳоя ортиб кетган эди. Иккинчи томондан эса, жорий анъанага кўра аштархонийлардан бошқани хон кўтариш мумкин бўлмаганлиги туфайли манғитлар ўз вакиллари тахтга ўтқаза олмас эдилар. Шу сабабли, Абулфайзхон номигагина хон бўлиб, ҳамма ишлар манғит Муҳаммадҳаким измида эди. Муҳаммадҳаким, сўнгроқ унинг ўрнини эгаллаган ўғли Муҳаммадраҳим (драмада Раҳимбий) барча ишларни Абулфайзхон орқали амалга оширар, шу жумладан, салтанат йўлидаги душманларини хон қўли билан ўртадан кўтарар эдилар. Бундай қўш ҳокимиятчилик биргина сарой доирасида эмас, сипоҳлар орасида ҳам иккиюзламачиликка кенг йўл очган эди.

Фитрат мана шу тарихий воқеликнинг мазмун-моҳиятини конкрет образлар хатти-ҳаракати ва тақдирлар мисолида қайта жонлантиришга ва улардан замон учун керакли хулосалар чиқаришга муваффақ бўлади.

Тарихий воқеаларни кузатишда давом этамиз:

Муҳаммадҳаким хон саройидаги мавқеига қаноат қилмайди. Хиёнатга ўтади. Мовароуннаҳрни қоралаб келаётган Нодиршоҳ истиқболига чиқади. Унинг хизматига кириб, номидан элчи бўлиб келади. 1216—1217 йиллардаги хоразмлик Маҳмуд Ялавочнинг ишини қилади. Тарих китобларида бу ҳодисанинг айрим тафсилотлари ҳам сақланган. Чунончи, Абулфайзхон Муҳаммадҳаким қўлига

¹Қаранг: И. Ганиев. Мастерство Абдурауфа Фитрата в создании трагедии «Абулфайзхон», АКД, Ташкент, 1992.

кўпдан-кўп совға-салом тутқазиб, унга Нодиршоҳ билан сулҳ тузиш, юртни шу йўл билан талон-торождан сақлаш чораларини кўришни топширган. Муҳаммадҳаким эса аксинча, ўз мамлакатининг ночор аҳволини, нуқсонларини керагидан ҳам ошириб, Нодиршоҳга садоқат изҳор этган. Шоҳдан катта ваколатлару ёрлиқлар олиб, Бухорога кириб борган. Тўғри саройга кириб боришдан чўчиган, Мир Араб мадрасасига тушган. Кўча ва бозорларга жарчи чиқариб, кўркув-ваҳима тарқатган. Эрон шоҳи сонсиз-саноксиз кўшин тортиб келаётганини, молу жонининг бехатарлигини ўйлаган ҳар бир киши унинг ҳузурига келишини айттирган. Мадрасага одам ёғилгандан-ёғилаверган. Абулфайзхон четда қолиб кетган. Ахийри хоннинг ўзи Мир Араб мадрасасига Муҳаммадҳаким ҳузурига йўл олади. Бироқ, Муҳаммадҳаким соқчилари уни яқинлаштирмайдилар, ўққа тутадилар. Хон саройга қайтади ва Нодиршоҳга таслим бўлишдан бошқа илож топмайди. Нодиршоҳ, Абулфайзхон ва хиёнатчи Муҳаммадҳаким оталиқ Бухородан ташқарида Зарафшон дарёсининг қирғоғида машҳур Чорбақр мавзеида учрашадилар. Гарчи шарқона илтифотлар ўрнига қўйилиб, хон (Абулфайз) ва шоҳ (Нодир) бир-бирларига мулозаматни куюқ қилсалар-да, Бухоро ҳукмдори бир қизини Нодиршоҳга, иккинчи бирини унинг жиянига бериб, ўзини ҳарчанд фотиҳга қариндошлик иплари билан боғлашга уринса-да, барибир, муносабатлар ҳоким-тобелик билан якун топади. Олдин Абулфайзхон (1747), бир йил ўтар-ўтмас ўғилларидан Абдулмуминхон, сўнг Убайдуллахон бирин-кетин қатл қилинадилар. Ниҳоят, Муҳаммадраҳим 1753 йилда амир унвони билан Бухоро тахтига чиқади. Фарғонада минглар ажраб чиқадилар ва мустақил Кўқон хонлигини майдонга келтирадилар. Бухорода Муҳаммадраҳим билан манғитлар сулоласи ҳокимият тепасига келди ва у 1920 йил Бухоро инқилобига қадар ҳукмронлик қилди.

Фитрат нега Абулфайзхон тарихига мурожаат этди? XIX асрнинг 20-йилларидаги шиддатли инқилобий жараён билан олис тарихдаги сулолалар курашининг бир-бирига қандай яқинлиги бор?

Аввало, ҳар икки тарих ҳам халқимиз ҳаётидаги энг масъулиятли, энг ҳаяжонли воқеаларга тўла эди. Тўғри, бири янги турмуш байроғи остида, иккинчиси янги сулола ҳимояси йўлида кечди. Лекин бир-бирини инкор этувчи икки ҳолат — мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳокимият учун кураш ҳар иккиси учун ҳам хос бўлиб, уларнинг бири бирлашишга ундаса, иккинчиси бўлинишни тақозо этарди. Ҳар иккиси ҳам жамиятнинг барча қатламларини ўзига жалб этган ва энг муҳими, ҳар иккиси ҳам кучга, зўравонликка суянган эди. Бундай дамларда инсон табиатидаги эзгулик билан

ёвузлик юзага қалқиб чиқади. Фитрат шуларни илғай олди. «Подшоҳлик қон билан суғорилатургон бир «оғоч (дарахт)» эканлигини, «қон оқиб турмагон ерда бу оғочнинг қуруб қолиши аниқ»лигини кўрсатиб бера олди. Фитрат учун XVIII аср Бухоросида юз берган воқеалар шунчаки маълумот учун эмас, маърифат учун ҳам керак эди. У зулм ва зўрликнинг эл-юрт учун фақат моддий талафот, жисмоний азоб-уқубат эмас, ўнглаб бўлмас маънавий жароҳат ҳам келтиришини кўрсатиб берди. Шу тариқа адиб, бир қараганда, инқилобий воқеалардан узоқ туюлган Абулфайзхон фожиасини замонасига хизмат эттира олди. Унингча, кишилар тақдирига, ижтимоий турмушга дахлдор ҳар қандай иш минг ўлчаб бир кесилиши лозим. Инсон манфаатига доир ҳар қандай хатти-ҳаракат инсоний қонунлар, воситалар асосида амалга ошмоғи керак. Бу инқилобнинг маънавиятига доир муҳим масалалардан эди.

Асардаги қуйидаги вазиятга эътибор қилайлик:

Бухоро хони Абулфайзхоннинг кўнгли хуфтон. Эрон шоҳи Нодир афшор катта қўшин билан Бухорога тобора яқинлашиб келади. Атрофдагиларга эса ишонч йўқ. Кимга суяниш мумкин? Тарозининг посангисига қараб қадам ташлайдиган қозикалон Қози Низомгами, хоннинг ҳар бир қадамини зимдан кузатиб, Ҳакимбийга етказиб турувчи Мир Вафогами? Бу қандай салтанатки, эгасининг ўз ҳаддидан чиқиб бирор иш қилмоққа ихтиёри бўлмаса. Ҳакимбий — қув. Ҳаммаёқда шунинг одамлари. Фарҳод оталиқ билан Иброҳим кенагас ҳам унинг олдидан ўтиб, бир иш қила олмайдилар. У бўлса, хон номидаги бир қўғирчоқ, холос. Яхшиямки, унинг ёнида бир вақтлар отаси сотиб олган икки қули — Давлат билан Улфат бор. Шуларгагина ишонмоқ мумкин. У тахтни эгаллаш учун нималар қилмади. Ўртага Қуръон қўйиб «аҳдпаймон» боғлаган қанчадан-қанча дўстларининг бошини кесдирди. Ҳатто ўз акасини ўлдирди. Бугун эса унга мураббийлик қилган Фарҳод оталиқни новвосдек бўғизлатди. Ўрнига Иброҳим кенагасни оталиқ тайин этди. Улфат бу оталиқнинг ҳам «тўғрилиқ»ини хушламайроқ турибди. Бу ҳам Фарҳод оталиқнинг изидан борадиганга ўхшайди...

Бу ўйлар хоннинг хаёлини исканжага олади. Атроф-муҳит, давлатхоҳликнинг ғайриинсоний қоидалари, аслида, унинг дийдасини аллақачон кўр қилган, юраги тош-метин. Шунинг ўзи инсонликка жабр, зулм. Негаки шундай баркамол вужуднинг энг мумтоз туйғуси поймол бўлган. Шунда ҳам бу ғайриинсоний ёвузликлар хон онгининг қай бир пучмоқларидан сездирмай сизиб чиқади-да, қийин-қистокқа олади. Инсон табиати — шундай. Абулфайзхон кечалари ухлай олмайди. Қатл эттирган акаси ва дўстлари, мураббийси хаёли хонни кечаю кундуз таъқиб этади...

Кишининг ўзига ўзи қиладиган бундан ортиқ зулми борми?!

«Хайратул-аброр»нинг учинчи мақолотидаги «Салотин бобида...» шундай фикр бор: «Эй воҳки, — дейди шоир шоҳга қарата, — бахт сенинг қўлингни қувватли қилган эди, лекин сен уни зулмга қаратдинг. Зулминг халойиққа кам эмас эди, аммо сен уни ўзингга ҳам қилаётирсан. Зулм ўзинг учун ҳам бузуғлуқ-ку, эй хушёр одам, агар ҳушинг жойида бўлса, уни бас қил!»

Фарб билан Шарқни бирдай билган академик Н. И. Конрад улуг шоиримизнинг ушбу сатрларини таҳлил этар экан, «Бундай теран фикр кишини ҳайратга солади. Ва бундай буюк инсоний донишмандликка дуч келганингда, юрагинг завқ-шавққа тўлади», — деб ёзади.

Фитрат инсон руҳиятидаги мана шу нозик нуқтани илғай олган ва асарининг ўқ томирига айлантирган эди.

Пьеса матнида айрим ҳолатлар ифодаси, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, сўзлари мусиқа билан кучайтирилиши лозимлиги ҳақида сўзлар, ишоралар бор. Улар гоҳо бевосита асар қаҳрамонлари, баъзан эса муаллиф тилидан берилади. Спектаклда бу масалага маълум эътибор қаратилганлиги кишини қувонтиради. Қолаверса, Фитрат қадим анъанамизга кўра ҳар бир зиёли сингари мусиқанинг ҳам назария, ҳам амалиёти билан бевосита шуғулланган, 15 га яқин ўзбек чолғуси билан 300 дан ортиқ ўзбек куйининг сир-синоатидан ва айниқса, унинг инсон руҳиятига таъсиридан яхшигина хабардор адибларимиздан эди. «Ўзбек мусиқаси тўғрисида» (1928) номли бир мақоласи шундай бошланарди: «Биз, ўзбеклар, ўзимизнинг мусиқамиз жудаям бой экани тўғрисида кўп гапирдик, ҳам гапириб турамыз. Бу ишимиз ёмон эмас, албатта. У бир мусиқаки, ёлғиз ўзининг қисмида 300 дан ортиқ куй сақланган. Бир мусиқаки, бугун ўн бешга яқин чолғунинг эгасидир».

Драманинг муваффақиятини таъмин этган нарса муаллифнинг тарих фалсафасини англаганида, давр воқеалари ва турмуши манзараларини нозик ҳис қилишида, ота-боболаримизнинг маиший ҳаёти тафсилотларини яхши билишида, ниҳоят, бадиий зеҳниятида эди.

Насрий асарлари ва публицистикаси

Фитрат ижодий меросининг муҳим қисмини унинг насрий асарлари ва публицистикаси ташкил қилади. У ўз ҳаёти давомида юзлаб жанговар мақолалар, ўнлаб ижтимоий кескир рисоалар, ҳикоялар яратди. Биргина Туркистон матбуоти эмас, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Кавказ, Волгабўйи матбуотида фаол иштирок этди. Унинг илк рисоалари («Мунозара», «Баёноти сайёҳи ҳинди», «Оила», «Раҳбари нажот» каби) форс тилида ёзилган. Буларнинг тўртталаси ҳам бугунги кунда ўзбекча-

лаштирилиб, нашр қилинган¹ ва кўтариб чиққан мавзу-масаласига кўра деярли ҳар бири воқеа сифатида қабул қилинган эди. Масалан, Фитратнинг илк асари драматик публицистикага мойил «Мунозара» замонининг зайли билан тарихий тараққиётнинг икки поғонасида туриб қолган, дин ва дунё, жамият ва маърифат ҳақида икки хил кўз қарашга эга бўлган икки кишининг — «жадид» ва «қадим»нинг баҳси асосига қурилган эди. Муаллиф хурфотни, бидъатни қоралади, унга чинакам эътиқодни қарши қўйди. Ақлу донишни, унинг самараси тараққиёт ва фаровонликни ҳимоя қилди. «Ўз миллатининг саодат ва осойиши учун» филойилик қилган турк, эрон хурриятчилари Анварбек, Ниёзийбек, Сатторхон, Боқирхонларни, «Русиядаги ҳақиқий инсонлар»дан «дохий ва файласуф Тўлстўй»ни, унинг «саодати башар» йўлидаги хизматларини ибрат қилиб кўрсатди.

Асар халқнинг кўзи очилишида муҳим роль ўйнади. Янги усул мактабларининг шаръийлигини исбот қилиб берди, мутаассиб мулла-мударрисларнинг усули жадид мактабларига ёпиштирган тавқи лаънатларини олиб ташлади.

«Бухоронинг нажиб миллати бўлган ватандошларим, — деб бошланар эди рисола, — бирмунча вақтдан бери жадид ва қадим ўртасида ихтилоф чиққани баъзи миллат хоинларининг хато ва фасодларидан бошқа нарса эмасдир. Муқаддас Ватанимизни парчалаб, унинг аҳли жамоасини жадид ва қадим унвонлари остида икки фирқага ажратиб, уларнинг бирини иккинчисига душман қилиб қўйдилар».

Асар жонажон Бухорога бўлган сўнгсиз меҳр-муҳаббат, унга хизмат қилмоқликнинг буюк шараф эканлиги ҳақидаги ҳаяжонли сўзлар билан яқунланар эди. «Эй, менинг бу китобчамнинг ўқувчилари! Агар динға, молға, жонға, авлодға муҳаббатингиз бўлса, агар диннинг халос бўлиши, шариатнинг ривожи, Ватан ободлиғи, авлоднинг тинчлиги, яхши ном қолдиришнинг чорасини хоҳласангиз, сизнинг иложингиз, аввало, касби маорифдир. Қобилиятлиларни таҳсил учун ўқишга юборинг. Қобилияти сустроғини Бухорода янги мунтазам мактабларни очиб топшинглар... «Аллоҳ номи билан қасам!», на замонавий илмларнинг таҳсили ҳаромдир, на ислом иттифоқи!»

Бу муаллифнинг илк рисоласи эди.

¹Қаранг: Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси. Китобда: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 1-жилд, Т., «Маънавият», 2000, 46–98-бетлар; Ҳинд сайёҳи баёноти. Кўрсатилган китоб, 98–169-бетлар. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев; Оила ёки оила бошқариш тартиблари, Т., «Маънавият», 1998, таржимон Ш. Воҳидов; Набот йўли, Т., «Шарқ», 2001, таржимонлар: Шодмон Воҳидов ва Гулбаҳор Музаффарзода.

«Йўл» очеркини эслатувчи «Сайёҳ ҳинди»да ери, суви, ҳавоси бетимсол, ғоят меҳнаткаш, ҳунарманд бир халқнинг оғир турмушидан сўз очди, унинг сабабларини таҳлил этди. Барча мушкулотларнинг сабабини давлат идора усулининг бузуқ ва нобоплигида, ҳокимият эгаларининг илм-маърифатдан узоқлигида деб билди ва буларни ўзгартириш йўллариини излади. «Оила» асарида эса, оиланинг миллат ва жамият асосини ташкил этишини таъкидлаб, унинг давлат, ҳуқуқ, маърифат, тиббиёт билан боғлиқ томонларини муҳокамага қўйди. «Нажот йўли»да ислом ва Куръон йўлини инсониятни таназул ва фалокатдан қутқарувчи бирдан-бир йўл сифатида тақдим этди. Фитратнинг Ватан ва Миллат озодлиги, истиқлол борасидаги фикрларини кузатишда унинг 1917–1918 йилларда маҳаллий матбуотда, хусусан, «Хуррият» газетасида эълон қилинган мақолалари, алоҳида бир қимматга эга.

Фитрат ўнлаб ҳикоялар ёзди. Улар орасида «Қиёмат» (1923) катта шухрат топди, қайта-қайта нашр қилинди, бироқ аксарият ҳолларда шўро мафқурасига мослаб талқин этилди.

Адиб насри ўзбек прозаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Уларда кўтарилган масалалар эса, Туркистон миллий уйғонишини таъминлаган омиллардан бўлди.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, Фитратнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тарихнинг энг қалтис давларида Миллат ва Ватанга хизмат қилмоқнинг ёрқин намунаси дур. Ҳар қандай ҳолда ҳам халқ билан бирга бўлиш, унинг манфаатини ҳар нарсадан муқаддас тутиш Фитрат шахсиятининг энг муҳим хусусиятларидан эди. У ижодкор сифатида ўзбек адабиётини жаҳоний миқёсларга олиб чиққан, уни янги ҳаётбахш ғоялар билан бойитган, тилимизнинг бой имкониятларини, бадиий ифоданинг бетимсол намуналарини намойиш эта олган истеъдод эди. У ўзбек драмачилигини юксак поғонага кўтарди, замонавий адабиётшунослик илмининг бонийси бўлиб тарихга кирди.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ (1889–1929)

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий – XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан, шоир, драматург, театр арбоби, педагог. У новатор ижодкор сифатида бадиий адабиётнинг ҳамма турларида қалам тебратди, уни халқ қалбига янада яқинлаштирди. У адабий ижод билан мусиқа, режиссёрлик санъатини қўшиб олиб борди, натижада ўлмас саҳна асарларини яратди: «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари», «Майсаранинг иши» каби шеъррий тўплам ва драмалари мана шундай ижоднинг ёрқин намуналаридир. Ҳамза Туркистон ўлкасида жадидчилик ҳаракати шаклланаётган бир паллада бадиий ижодга кириб келди ва бу ҳаракатнинг бутун мазмунидан шаклу шамойилигача унинг бадиий ижоди ва амалий фаолиятида ўз ифодасини топди. Жадид педагоги сифатида усули савтия мактаблари очди ва улар учун бир неча дарслик ва мажмуалар яратди.

Ҳамза 1889 йил 6 мартда Қўқонда зиёли оилада – табиб Ибн Ямин Ниёз ўғли оиласида туғилди. Ибн Ямин ўзбек, араб, форс тилларида анча саводли бўлиб, Қўқон уламози орасида катта эътиборга лойиқ табиб эди. Ҳамза дастлаб маҳалла мактабида, 1899–1906 йилларда Қўқон мадрасаларида ўқиди, бирмунча вақт рус-тузем мактабида рус тилини ўрганди.

XX аср бошларида содир бўлаётган муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалар Ҳамза ҳаётига, унинг ижодкор сифатида шаклланишига кучли таъсир кўрсатди, 1905 йил инқилобий ҳаракатлар Русиянинг чекка ўлкалари халқларида маърифат, озодлик, истиқлол сари интилишларига тўртки бўлди. Унинг бадиий ижодга, нафис санъатга бўлган қизиқиши 1900 йиллардан бошланди. 1908 йилда Наманганда ўқиб юрган кезларида Ҳамза татар маорифчиси Абдулла Тўқмуллин билан танишади: «Ул меним қўлимда ўз қаламим билан юз саҳифадан ортиғроқ эски усулдаги ёзишмаларими кўриб, тарбияга киришди», – деб ёзади Ҳамза таржимаи



Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

Абдулла Авлонийнинг «Шухрат» газеталари кучли таъсир кўрсатди, улар билан алоқа ўрнатди. Ҳамзанинг илк шеърлари ва мақолалари мана шу газета ва журналларда босилди.

«Таржимон» газетасини мунтазам кузатиб борган Ҳамза Гаспиралининг 1906–1907 йилларда шу газета саҳифаларида босилган, бутун турк оламининг, шу жумладан, Туркистон ўлкасининг муштамлака асорати ботқоғига тушиб қолиши сабаблари ҳақида баҳс юритувчи «Муколамаи салотин» асари билан таниш бўлган.

Ҳамза 1910 йилда Тошкент шаҳрида амалий фаолиятга киришиб, Қашқар маҳалласида биринчи марта усули жадид мактаби очади. Бу даврда у Тошкентда Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг раҳбари Мунавварқори Абдурашидхон ўғли ва унинг атрофидаги шогирдлари усули жадид муаллимлари ака-ука Шокиржон ва Собиржон Раҳимийлар, Самиёқори билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Мана, Ҳамза архивидаги ҳужжатлардан бири: «Пирлардан: муҳтарам устози олий муаллим Мунавварқори... Адреслари: Эски Тошканд, усули савтия мактабида, маҳалла Меҳрободда. Мулоқотимиз 1908 милодий 11 декабрда».

1911 йилда Қўқон шаҳрида у шундай мактаб очади. Бу мактаблар чор маъмурларининг таъқиби билан ёпилади. У 1911 йилда ҳаж сафарига овланади: Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Арабистон мамлакатларининг марказий шаҳарларида бўлади. Ҳамза қаерда бўлмасин, у ернинг таълим-тарбия, ўқув муассасалари билан танишади.

Ҳаж сафаридан қайтгач, педагогик фаолият билан бир қаторда, адабий-бадиий ижодга берилади. 1914 йилда дастлаб Марғи-

ҳолида. 1909 йилда Ҳамза Бухоронинг улуғ тараққийпарвар мударрисларидан, усули жадид мактаблари тарафдорларидан бўлмиш Муҳаммад Икром ибн Абдусалом қўлида араб тилини ўрганиш учун Бухорога боради, аммо у ерда юз берган шиа ва сунний жанжали бунга имкон бермайди.

Унинг ижодига, айниқса Исмоилбек Гаспиралининг «Таржимон», Фотиҳ Каримийнинг «Вақт» газеталари, Ризо Фахриддиннинг «Шуро» журнали, шу билан бирга, ўзбек тилида Тошкентда чиқа бошлаган Исмоил Обидийнинг «Тараққий», Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг «Хуршид»,

лонда, кейин Қўқонда усули жадид мактаби очади. Бу ҳақда «Таржимаи ҳоли»да қуйидагиларни ёзган эди: «1914 йилнинг охирида Марғилонда мактаб очдим. Саккизинчи ойгача бормай, Андреев исминдаги Скобел маориф раҳбари томонидан мажбурий ёпилди... Ундан яна Хўқанд келиб, йўқсил болалар учун пулсиз ўқиш мактаби очдим... ўзим 4 ойга давом эттиргандан кейин уезд начайлиги Мединский томонидан тинтув бўлиб ёпилди. Лекин ҳеч бир қандай қогозларим қўлига тушмагани учун қамалмай қутулдим».

Ҳамза бу даврда янги мактаблар учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» каби дарсликлар яратди. 1915 йилда қўқонлик маърифатчилар билан ҳамкорликда усули жадид мактаблари учун дарсликлар нашр қилиш, ўқувчиларни Тошкент ва бошқа шаҳарларда босмадан чиққан дарсликлар билан таъминлаш мақсадида «Файрат» китобхонаси ташкил этади. Бу китобхонада Саидрасул Саидазизовнинг «Устои аввал», Мунавварқорининг «Адиби аввал», «Адиби соний», Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлонийларнинг дарсликлари ҳам кўп нусхаларда бўлган.

Ҳамза ўз ижодини анъанавий лирик шеърлар ёзишдан бошлади. У «Ниҳоний» (яширин, махфий маъноларини билдиради) тахаллусида ижод қилди ва 1905–1914 йилларда ушбу тахаллусда яратган шеърларини тўплаб, «Девони Ниҳоний»ни тузди. Девонга шоирнинг 177 шеъри киритилган бўлиб, улардан 150 таси газал, қолганлари маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас ва 1 мактубдан ташкил топган; булардан 165 та шеър ўзбек тилида, 10 та шеър форс-тожик тилида, 2 та шеър ўзбек ва рус тилида ширу-шакар жанрида ёзилган.

Шоир ижодида муҳим ўринни ажойиб шеърий гулдасталари – «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» эгаллайди. Бу умумий ном остидаги 7 шеърий тўпламга 1915–1917 йилларда яратган шеърлари киритилган. Бу шеърий тўпламлар: «Атир гул», «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул», «Яшил гул», «Сафсар гул». Уларда халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини уйғотиш, илм-маърифатга даъват этиш гоёси етакчи эди:

Бу Ниҳон қон йиғлаюр миллат учун лайлу наҳор.
 Ёз ўтуб, қиш келди ҳоло, бизга бўлган йўқ баҳор,
 Сарсари боди жаҳолат қилмак истар тору мор,
 Чора шул мактаб очайлик, шояд ўлсун сабззор.
 Эй мусулмонлар, қачон бир дарда дармон истариз?
 Миллата шавкат, тараққий, шаъну даврон истариз?

Ҳамзанинг «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»даги мазкур 7 тўпламга кирган шеърлари. матбуотда эълон

қилган шеър ва публицистик мақолалари, яратган драмалари, «миллий романлари» унинг жадидчилик ҳаракатининг бадиий адабиётдаги йирик намояндаларидан бирига айланганлигини кўрсатади. Абдулла Авлоний каби Ҳамза «Қулоқ ноталари ила эшитилиб келмиш миллий табаррук ашулаларимизнинг ўрни йўқолмасун учун баъзи қабиҳ шеърлар ўрнига» миллий руҳ, миллатнинг истиқлол ҳақидаги орзу-интилишларини ифодаловчи сўзлар билан бу халқ куйларини музайян қилиш, бу билан миллатни уйғотиш вазифасини ўз олдига қўйди. Ҳамза миллий истиқлол ғояларининг мусиқа, халқ куйлари воситасида, қўшиқлар шаклида халқ қалбига тезроқ ва таъсирлироқ кириб бориши мумкинлигини яхши тушунган. Ўзбек адабиётида шарқияларнинг яратилиши ҳам кўпроқ Ҳамза ва Абдулла Авлонийлар фаолияти билан боғланади. Ҳамза Ҳакимзода мусиқа соҳасида ҳам катта қобилият соҳиби эди. Шу маънода, Ҳамзанинг ушбу тўпламлари А. Авлонийнинг «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўпламларига ҳамроҳандир.

Шоирнинг Биринчи Жаҳон уруши арафасида халқ орасида машҳур бўлган «Лўм-лўм Мамажон» ашуласи оҳангида яратган «Йиғла, Туркистон» шеърини олиб кўрайлик. Ашула куйидаги сатрлар билан бошланар эди:

Лўм-лўм, лўм-лўм Мамажон, лўм-лўм Мамажон,
Истаконда чой ичган, лўм-лўм Мамажон.

Ҳамза миллатни жаҳолат, истибдод, илмсизлик туфайли фажеъ аҳволга тушган Туркистонни йиғлашга даъват этади: сен шундай йиғлагинки, ҳатто «руҳсиз танлар тебрансин», сени шундай аҳволга солган, ўзи зиллатга, хорликка ботган миллат уйғонсин! «Лўм-лўм Мамажон» ашуласидаги шўх оҳанг ўрнини қайғу ва унинг оҳангида миллатни илм-маърифатга даъват эгаллайди:

Дариф тутманг илм учун кетса молу жон,
Ўқув фарзлиги минг йўл Куръонда фармон,
Маърифатсиз тонулмас аҳкоми имон,
Илмсизга айтулмас комил мусулмон.
Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Хоразм халқ куйлари оҳангида битилган «Яхши ҳолин йўқотган оқибатсиз Туркистон» мисраси билан бошланувчи шеърида шоир мустамлака ўлканинг иқтисодий, маънавий, сиёсий тутқун аҳволини буюк дард билан қаламга олган. Ҳар бир миллатнинг истиқболи — илм-маърифатда. Шоирни қийнаётган, унинг фарёд чекишига сабаб бўлаётган нарса миллатнинг илмсизлиги, бу илм-

сизлик оқибатида ўзига «Ўлмасиндан илгари жисмига кафан бичган»и:

Бўғзи сори тўлгунча ғафлат шаробин ичган,
Ўлмасиндан илгари жисмига кафан бичган,
Умид риштасин кесуб, ору номусдан кечган,
Боғлу қўлинг, Туркистон, нобакорларми чечган?

Ўзгалар-чи? Улар ўз халқи учун молу жонини қурбон қиладилар, илм-маърифат йўлида бор-йўгини бахшида этадилар, миллат равнақи учун қон ютадилар. Шоир шу ўринда Туркистоннинг ўтмишига разм солади: оламга илм нурини таратган, иқболи кўёшдек чароғон замонларнинг ўтиб кетганидан афсус чекади:

Эсиз, эсиз Туркистон, қани аввалги ҳоли?
Оламга зиё берган ул хуршиди иқболи?
Абри ғафлат қуршади, тун бўлди истиқболи,
Хўр бўлса миллатимиз, тутмасмикин уволи.

Шоир шундай хулосага келади: сенинг боғлиқ қўлингни бу нобакорлар ечмайди! «Ватанга молик бўлган нобакор тўнғиз» келгиндилардан Туркистонни озод қилиш учун ўзлигини юксак даражада масъул биладиган ҳақиқий миллат фидойиларини тарбиялаш керак.

Шоир ҳар тўрт мисрадан кейин тақрорланувчи:

Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмас,
Рухсиз тандур, ханжар урса, қони сочулмас, —

нақарот мисраларда мумтоз шеърятимизга хос тамсил санъатидан моҳирона фойдаланган. Эътибор беринг, халқ ўзлигидан, миллий руҳдан махрум этилган, қуруқ жасади қолган — бу жасад ўлик жасад, ҳар қанча тиф урсанг ҳам қон чиқмайди. Халқимизда ҳам шундай ибора қўлланади.

Умуман, Ҳамзанинг «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»га кирган шеърӣ тўпламлар нафақат ўқувчилар, ҳатто санъаткор—ҳофизлар ўртасида ҳам катта шуҳрат қозонган. Бу ҳақда Ҳамза ижодининг дастлабки тадқиқотчиларидан Сотти Хусайн шундай ёзган эди: «У тор доирадаги ўқувчилар ўртасидагина эмас, ашулачилар ўртасида ҳам тарқала бошлаган. Шунинг билан баравар бу ашулалар тўплами... реакцион кучларнинг, руҳонийларнинг қаттиқ ғазабига учраган».

Кўпгина ўзбек ижодкорлари қатори Ҳамза дунёқарашининг такомиллида жалидчилик ҳаракатининг буюк раҳнамоси Исмоилбек Гаспдали ва унинг «Таржимон» газетасининг роли катта бўлган. 1914 йил 11 сентябрда Гаспдали вафоти муносабати билан ҳамма

Ўзбек жадид ижодкорлари сингари Ҳамза ҳам ўз ҳамдардлигини билдириб, «Явмул-вафот» (Садойи Фарғона, 1914 йил 24 сентябрь) мақоласини ва «Марсия» (Садойи Фарғона, 1914 йил 28 сентябрь) шеърини эълон қилди. Шеърда шундай мисралар бор:

Оҳ, миллат, етди бу дам қайғулик, ғамлик замон,
Тегди оғзингга ҳалокат тоши, эмди тўла қон,
Дод қил даври фалакдан, ботди хуршиди жаҳон,
Мотам айла, оғласун аҳволингга ҳар инсу жон,
Кўк сари учди Масиҳо жисмлар жондан жудо,
Яъни такрори тараққий мурғи шабхондан жудо.

Ҳамзанинг «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»га мансуб «Сафсар гул» тўпламига мардикорликка олинган ўзбекнинг юртдан узоқдаги хору зорликда кечган ҳаётини тасвирловчи шеърлари кирган. Уларда мардикорларнинг ички ҳис-туйғулари, эл-юртига бўлган чексиз муҳаббати, соғинчи ўз ифодасини топган. Аммо шоирнинг ушбу тўпламида «оқ подшоҳ»ни, генерал губернаторни кўкларга кўтарувчи, мардикорларни фидо-корона меҳнатга даъват этувчи шеърлар ҳам мавжуд. Бу ҳол шоирнинг ижодида узоқ давом этмади: у мардикор олиш воқеаси мустабид тузумнинг миллатни таҳқирловчи, уни абадий тутқунликда сақловчи тадбири эканлигини тушуниб етди. Бу ҳол унинг мазкур тўпламидан бир оз кейин яратган «Фарғона фожиалари» тетралогиясининг «Истибдод қурбонлари» қисмида рус мустамлакачиларини аёвсиз фош этишида яққол кўринади:

«Маруса. Ман айтаман, ўзлари шундай ифлос. А, мамлакатлари яхши, сермева, маъданзор, бойлик шуларда. А, ўзлари бундай бечора, аҳмоқ (қулуб). Да, «Мевани яхшисини ит ейди», деган сўз хўп сўз-да, а!

Началник. Да! Шундай. Энди биз ҳозирги Туркистондаги филосуфи замон гасподин Остроумовнинг деганича, буларни шундай қаро меҳнатлар била эзуб бутурмоқға керак. Чунки агар булардан ғофил қолинса, албатта замон келур... бир кун бизга кутулмаган иккинчи бир бало бўлуб чиқувлари шубҳасиздир. Шунинг учун мана шундай фурсатларда истифодасиз бўлмай, зиёлик фирқаларидан тортуб, секин-секин йўқ эта бориш керак».

1918–1920 йилларда мустамлакачилар адресига айтилган бу сўзлар ҳақиқий жасорат эди.

«Йиди қурбон», «Эътизор» каби мақолалари «Садойи Туркистон»–«Садойи Фарғона» газеталарида босилди. Ушбу мақолаларда миллатни ярамас иллатлардан, фақирликдан, хурофотдан қутқарувчи бирдан-бир йўл илм-маърифатдир, деган ғоя илгари сурилади ва бою камбағал, зиёлию дин пешволари — ҳаммалари-

нинг қўлни-қўлга бериб, янги усули жадид мактабларига кўмаклашувлари лозимлиги таъкидланади. Ҳамза миллий айирмаларга, синфий табақаланишларга кескин қарши чиқади, унингча, фақат бирлик билангина миллатни жаҳолат ботқоғидан, қолоқликдан, турғунликдан, истибдод қўллигидан қутқариш мумкин. Бу ҳақда «Мактаби дорул-айтом» мақоласида муаллиф ёзади: «Демак, бу «Дорул-айтом»да Хўқанднинг ҳар тарафидан ўлсун фақир болаларни, шубҳасиз, қабул қилинадур. Фақат дафтар, қаламдан бошқа китобларғача, ҳатто мактабдан бериладур. Юқоридаги иона қилувчи афандиларимизга қиёсан фақир ва етим болаларга раҳм ва шафқатлари бори Худо ва Расулдан ва миллатнинг ризолиги билан дунё ва охират саодатлариға ҳаваскордан қариндошларимизга бу тўғрида нақадар иона ва мурувват кўргузмоқларини рижа ва ниёз қилурмиз. Ҳамда ҳар ойдаги эҳсонларни жамлаб, хоҳ оз, хоҳ кўп бу етим болаларин мактаб мудирига берсалар, нақадар болаларни илму маърифатга етишмоқиға энг биринчи шафқатлу ота-оналаридан бўлур эдилар... Диёнатлик баъзи аҳбобларимиз ҳар ойнинг охирида юборадурғон ақчаларини ёздуруб қолдурғонлариға ман-да аларға чин қалбим ила ташаккуримни газета орқали эълон қилуб, ваъдаларини-да ёзиб ўтувни муносиб кўраман».

Газета ва журналларда мақолалар ёзиб, қалами анча чархланган, турк, татар ҳамда рус адабиётидан анча хабардор Ҳамза ўзбек адабиёти учун нисбатан янги тур – насрга қўл урди, «Миллий рўмон» деб номлаган «Янги саодат» асарини 1915 йилда тошбосмада «Мадора» кутубхонаси ноширлигида босмадан чиқарди. Романга ушбу байт эпиграф қилиб олинган:

Ўқуб таҳсили илм айла, маориф шарбатин ютгил,
Тилингни жаҳдан қутқор, гами миллат била ўтгил.

Ушбу асарда Ҳамзанинг етук маърифатпарварлиги яна бир бор намоён бўлди. Асарда Абдулқаҳҳор исмли анча катта савдогар бой «дунё ҳам охиратнинг саодати» бўлмиш илм-маърифатни эгаллаш ўрнига ичкилик, қимор каби қабиҳ ишларга берилиб кетади ва бутун мол-дунёсини барбод қилади. Оқила хотини Марям ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, ўз умрини ўғли – олти ёшли Олимжонни, уч ёшли қизи Хадичани тарбиялашга бағишлайди: Олимжонни усули жадид мактабида ўқитади. Ўз одоби, илмга чанқоқлиги билан Олимжон жадид муаллимнинг меҳрини қозонади, муаллим унга оталарча меҳр-мурувват кўрсатади. У вояга етгач, синглиси Хадичани ҳам ўқитади ва яқин мактабдош дўсти Аҳмаджонга узатади. Дарбадарликка дучор бўлган отаси Абдулқаҳҳорни яна ўз оиласига қайтаради, илм-маърифатли Олимжон

оиласини саодатга мушарраф этади. Асарда Олимжон тақдирида муҳим аҳамият касб этган, ўзининг ёлғиз қизи Назокатхонни, бойлигини унга қолдирган Абдурахмонбой образи ҳам анча тўлақонли яратилган. Муаллифнинг романдан кўзлаган асосий мақсади миллатни «жаҳолат ва гафлат зиндони»дан «дунёнинг ҳақиқий моҳтоби» маърифат гулзорига етаклашдир. Бунга эришишнинг биринчи омили инсонларда илм-маърифатга рағбат, муҳаббат уйғотиш бўлса, иккинчиси, ўқув муассасаларини давр талаблари асосида тубдан ўзгартириш заруратидир. Чунки мавжуд эски мактаблар ёшларни ўқишдан бездиради. Мана, асар муаллифи орзу қилган илм маскани мактаб: «Олимжон, оҳ, бу қандоқ жой? Танинг роҳат олади. Бу дунёнинг боғчаси ва жаннати десанг ҳам ростдур. Мана, қандоқ оқ уйлар. Қандоқ покиза курсилар, булар ёзмоқ учун керакли доскалар, ҳисобга чўтлар, томоша қилмоққа чиройлик хариталар. Булар ҳаммаси илм ўрганмоқ учунгина ҳозирланган. Мана — илм қандоқ азиз неъмат. Дунёда илмдан ортиқ ҳам лаззатли, ширин неъмат борми? Йўқ, албатта, йўқ бўлса керак. Мана, илм ўқийдурган кишилар шоҳ, гадо, бой, фақир бўлсин, мундоғ улуг жой ҳаммасига ҳам баробардир».

Ҳамза «Янги саодат» асарида яна бир муҳим масалага — халқ онгига сингиб кетган «Худо берса бўлади-да» деган эътиқод (буни Ҳамза «фасод эътиқодлар» жумласига киритади)га эътиборни қаратади. Мутаассиблар томонидан сингдирилган бу эътиқодга асосан одамлар «берсанг ейман, урсанг ўламан» қабилида иш тутиб, ўзлари ҳеч бир ҳаракат қилмайдилар. Муаллиф бундай асоссиз эътиқодни кескин фош этади: «Худо берса бўлади-да, деган жоҳил ота-боболаримизнинг асоссиз сўз ва фасод эътиқодларидур. Худо золим эмас, бировга бериб, бировга бермай қўймас. Худой таборак ва таоло саодат — илмда, разолат — жаҳолатда, ҳар бир иш банданинг ўз ҳаракатига мувофиқ, деб ўз каломида такрор хабар берган».

Асарда Абдулқаҳҳорнинг жоҳиллиги туфайли катта машаққатларга юз тутган оила аҳволини, мискин, ғариб Олимжон руҳиятини тасвирлашда Ҳамза сентиментал услуб бўёқларидан анча кенг фойдаланган. Мактабни битириш имтиҳонига Олимжоннинг отаси Абдулқаҳҳор исмига «Даъватнома» келади. Уни олган Олимжоннинг руҳий-психологик ҳолати тасвирига эътибор қилинг: «Оҳ, биз келайлик Олимжонни ҳолига. Муаллим ҳазратларининг лутф-марҳаматларига нақадар сабр қила олмаслик даражадаги шодликларга етишган Олимжон бўлса керак, деб гумон қилмак хатодур. Зероки, отаси Абдулқаҳҳор исмига берган «Даъватнома» қўлига теккандан кейин: «Сани отанг қани, имтиҳон куни бошингда ким туради? Санга дастурхонни ким қилиб берур? Ким сани ўқиган-

ларингни кўрар? Бу боланинг отаси қайси, деган саволга жамоат орасидин кимни кўрсатилур?» — дегандек бу руҳсиз қоғозни довушсиз итобларига нақадар маъюсланиб турганда, Оллоҳ... муаллим ҳазратларининг сўз орасида яна: «Оталарингиз, оталарингиз», — деб такрор қилиб турган хитобларига бутун фикри йўқолуб, юраги титраб, бағри эзилуб, кўзи заҳарлик ёшлар била тўлган Олимжон дод деб қичқируб юбормоқға шарму ҳаё қилуб, минг машаққатлар билан ўзини уйига еткуруиб олди».

Муаллиф лирик чекинишлардан ўринли фойдаланган. Улар воситасида асарнинг таъсирчанлигига эришган. «Ал-Ислоҳ» журналида эълон қилинган «Янги саодат» романи ҳақидаги тақризда асарнинг шу жиҳатларига алоҳида диққат қилиниши бежиз эмас. Чунончи, тақризда ўқиймиз: «Янги саодат» исмли 46 саҳифали туркий ва Туркистон шеvasида бир миллий рўмоннинг янгидан таъб бўлуб нашр қилинуви бизни кўп масрур этди. Халқни ўқув ва ёзув тарафиға тарғиб қилмоқ учун ҳозиргача Туркистон шеvasинда бунингдек таъсирли рўмон нашр ўлинмамиш, десак муболаға бўлмаса керак. Бу рўмоннинг муҳаррири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий жаноблари ва ношири Хўқандда «Мадоро» кутубхонасидир».

«Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»нинг «Биринчи бўлим»ида «Дилоғон» оҳанги билан айтилувчи «Кўзни очинг, қардошлар!» шеърисида шундай мисралар бор:

Ташлаб Ниҳон кўнгилда бўлган иллатни,
Кину бугзу адоват, фисқу гийбатни,
Сунний, шийи сўзларни барбодлашайлик,
Миллат йўлин кўплашуб ободлашайлик.
Улфатлашуб, ёзлашуб ҳам қишлашайлик,
Театр ясаб, концертлар, олқишлашайлик.

1915 йилда нашрга тайёрланган ушбу тўпламдан жой олган юқоридаги мисралар Ҳамзанинг саҳна санъатига алоҳида аҳамият берганлигини кўрсатади.

Ҳамза 1915 йилдан фаолият кўрсатган Қўқон театр труппаси учун саҳна асарлари — драмалар ёзди. 1915 йилда ёзган «Заҳарли ҳаёт ёхуд қурбонлари» драмаси Ҳамзанинг бу соҳадаги биринчи қадами бўлди. Ушбу драмадан кейин у «Ўч», «Мухторият ёки автономия» (1917), «Ким тўғри?», «Бой ила хизматчи» (1918) каби саҳна асарларини яратди.

«Заҳарли ҳаёт...» драмаси бевосита жадид маърифатпарварлиги руҳида ёзилган бўлиб, унда ҳам «Янги саодат» «миллий роман»идаги гоё етакчилик қилади. «Янги саодат»да илмсизлик, жаҳолат туфайли пароканда бўлган Абдулқаҳҳор оиласини ёш Олимжон илм-маърифат орқали саодатли қилади. Драмада эса

жаҳолат, қолоқлик, мутаассиблик илм-маърифат, тараққиёт фидойилари Маҳмудхон ва Марямхонларни фожиага олиб келади. Ушбу 4 пардали трагедия 1915 йилда ёзилиб, 1916 йилда Тошкентда «Матбааи Фуломия»да машҳур маърифатчилардан, Ҳамзанинг яқин дўсти, савдогар бой Саидносир Миржалолов (1884–1938) ноширлигида босмадан чиққан. Муаллиф асарнинг жанрини «Туркистон маишатидан қиз ва куёв фожиаси» деб белгилайди.

Асарнинг бош қаҳрамонлари Марямхон ва Маҳмудхонлар – замонасининг илғор зиёлилари. Улар миллат фарзандларини илм-маърифатли қилишдек улуғ орзулар оғушида, романтик хаёллар билан яшайдилар, уларнинг севгиси ҳам ниҳоятда покиза ва самимий. Драматург асарда айниқса Марям образига алоҳида эътибор қаратади, унинг бутун қарашлари Маҳмуд образидан кўра Марям қиёфасида намоён бўлади. Тўғри, Марямхоннинг бу даражага етишишида Маҳмудхоннинг хизматлари катта. Уни маърифат йўлига олиб чиққан ҳам Маҳмудхондир. Мана – Марямхоннинг ҳаётдаги мақсади, ҳаётининг бош маслаги: «...афандим, эмди тездан ижтиҳод этингизким, икковимиз қўлимиз тутишиб, зулматда қолмиш бу миллатни, сиз куёши бўлинг-да, мен моҳитобони бўлуб, қоронғи Ватанни ёрутайлик; сиз-да эрларимизнинг ҳолиндан, бан мазлума оилаларимизнинг ҳолиндан газеталарга ёзишиб, бир-бирларимизи огоҳлантирайлик. Чин мақсадингиз бўлган қизлар мактаби очайлик, бан маънавий, сиз моддий хизматда бўлинг, кадрсиз ҳамшираларимизнинг касод ўлмиш бозорларини илми нақдий била кўтаришайлик. Чин яшайлик, келажакдаги авлодларимизни мозоримизга бориб, эрлари сизга, қизлари бизнинг қабримиз узасина оқ, қизил гуллар сочуб, Қуръон ўқуб, руҳларимизни олқишларлик даражада бир хизматларни майдонга қўяйлик... Йўқ эса қиёматгача қабрингиз миллат ва келажакдаги миллат авлоди тарафиндан мақхур, қиёмат куни эса жаноб Ҳақ ва расул афандимиз қошинда уятли ва сарнигун ўлмоғингизни хотирангизда ёдгор қолдирам! Демак, орзу-ҳавас ўлса ўлсин, миллият, инсоният ўлмасун!»

Маҳмудхон драма давомида Марямхонга нисбатан анча сушт, ҳатто Марям уни кураш майдонига тортишга ҳаракат қилади. У энг сўнгги илож – «бошқа мамлакатга қочмоқ»қа ҳам тайёр. Марямхон Ҳамзанинг «Янги саодат»идаги аёллардан ўз дунёқарашининг кенглиги, курашчанлиги билан ҳам кескин фарқ қилади. У шарият, дини исломни бузувчи ҳазрат эшон каби мутаассибларга қарши бош кўтаради. Уларнинг разил қилмишларини фош этади, келажакка катта умид билан қарайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳамзани (бошқа мутафаккирларни ҳам) баъзан шарият-дин пешволарининг айрим ноҳўя

ҳаракатларини фош этгани учун динсиз, атеист сифатида баҳолаб келдилар. Аслида у динни эмас, мутаассибликни, мутаассибларни фош этади. Бунга унинг «Заҳарли ҳаёт...» драмаси далил. Ундаги шариат, исломият ҳақидаги гап-сўзларга эътибор беринг: «Шариат золим эмас, хоин эмас... Шариат ҳар кимни бахтиёр қилган. Шариатда ҳуррият бор, мусовот бор, адолат бор. Шариатда жабр — ҳаром. Никоҳ тарафайннинг ижоб қабули билан ҳалол бўлур. Ман қабул қилмасам, никоҳ фосид, никоҳ ҳаром. Оҳ шариат! Эссиз исломият! Шариат битдими? Ё Раббий!»

Ҳамза ўзи таъкидлаганидек, «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» пьесаси фожиа жанрига мансубдир. Унда фожиа (трагедия)га хос пафос уфуриб туради. Фожиа-трагедиянинг хос хусусиятлари ҳақида Абдурауф Фитрат куйидагиларни ёзган эди: «Асар қаҳрамонининг тилак йўлидаги қарашлари драмадагидан кучли бўлса, ҳалокатларга, қонли фожиаларга бориб тақалса, трагедия (фожиа) бўладур».

Асарнинг икки ёш қаҳрамони Марям ва Маҳмуд замонасининг ҳал қилувчи кучлари мутаассибларга (асар ёзилган даврда улар ҳал қилувчи куч эди) қарши курашадилар. Томонлар ўртасидаги кураш энг юқори нуқтага кўтарилади: уларнинг истиқбол ҳақидаги юксак орзулари чилпарчин бўлади. Натижада, иложсиз қолган ёшлар мавжуд тузумга, феодал тартибларга, жаҳолатга, мутаассибларга қарши исён сифатида ўз ҳаётларига қасд қиладилар.

Узоқ вақт Ҳамзанинг ҳамма асарларидан синфийликни қидириш ва ҳар бир асар воқеасига ва қаҳрамонларига синфийлик нуқтаи назаридан ёндашиш ҳукмронлик қилди. Бу ҳол «Заҳарли ҳаёт...» драмасини баҳолашга ўз таъсирини ўтказган. Тўғри, Маҳмудхон бойлар тоифасига мансуб, Марямхон ўта фақир хонадондан чиққан. Бу икки ёш қайси синфга мансублигидан қатъи назар, миллат истиқболи учун курашадилар. Уларни улуғ мақсадлар бирлаштиради. Шунинг учун ҳам Ҳамза асар қаҳрамонларини, уларнинг инсоний фазилатларига қараб баҳолайди.

«Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» фожиаси китобхон ёки томошабинлар қалбида Маҳмудхон ва Марямхонларга нисбатан муҳаббат, раҳм-шафқат, уларни фожиага олиб келган мутаассиблик, жаҳолатга қарши нафрат туйғуларини мавж урдириши керак эди. Бунинг учун драматург фожиа жанри имкониятларидан, сўз санъатининг жозибасидан моҳирона фойдаланди. Бу ҳол кўпроқ Марямнинг фаол ҳаракатларида, Маҳмудхоннинг монологларида намоён бўлади. Маҳмудхон монологларида сентиментал руҳ шу даражада кучлики, тингловчи қалбини ларзага солади. Маҳмудхоннинг ўлим олдидаги монологи фожианинг асл

моҳиятини янада тўлароқ очишга хизмат қилади: «Марям, Марямхоним, ман дунёда яшамам!.. Кеча оқшом Марямхон муҳаббат қурбони эди, биз бугун инсоният, миллият қурбони! Мундоғ жаҳолат, мундоғ илмсизлик. Ваҳшатлик! Бундай золим халқ орасинда яшамоқдан ўлим лаззат, лаззат! Бу хил раҳмсизлик, шафқатсизлик! Бир вақтда шариатдан кўз юмиб, исломиятни қўйиб, дунё йўлига қадам босувчи диёнатсиз қора халқ орасинда тирикликдан, албатта, ўлим яхши! Ўлим!.. Оҳ, руҳи Марям! Оҳ, жаҳолат! Воҳ, исмигина қолмиш исломият!..»

Худди шу сентиментал руҳ драманинг томошабин қалбига кириб боришида асосий восита бўлган. Шунинг учун ҳам ушбу драма Тошкент, Қўқон ва бошқа шаҳар ҳаваскор драмтруппалари томонидан қайта-қайта саҳналаштирилган. Бу драма биринчи ўзбек профессионал театр танқидчиси Мирмулла Шермуҳаммедов (1886–1923) эътиборини қозонди. У Ҳамза ва унинг «Заҳарли ҳаёт...» драмаси туфайли ўзбек театрини «янги тирикликка киргани» билан табриклайди: «Заҳарланган турмушнинг қора саҳифаларини тасвирлашда қаламни устагина юритган драматургни табрик этмасдан ўтолмаймиз... Ҳамза афанди асарда кўринадиган қаҳрамонларга ғоят диққат ила сўз ва характерлар берган».

Ҳамзанинг сиёсий қарашларини, унинг Туркистон мухториятига муносабатини аниқ тасаввур қилишда Туркистон мухторияти ғоясининг пайдо бўлиши муносабати билан 1917 йилда ёзилган «Мухторият ёки автономия» ҳажвий драмаси муҳим аҳамиятга эга. 1917 йил Февраль инқилоби, Романовлар сулоласининг барбод бўлиши бутун жадид мутафаккирлари қаторида Ҳамзанинг ҳам истиқлол ҳақидаги интилишларига қанот боғлади. Жадидчилик ҳаракатининг раҳбарлари Мунавварқори Абдурашидхон ўғли ва Абдулла Авлонийлар томонидан 1917 йил март ойида «Шўройи ислом» жамияти тузилди. Бу жамиятнинг «Марказий шўро»си таркибида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мустафо Чўқаев, Убайдулла Хўжаев каби сиёсий арбоблар бор эди. Шу йилнинг ёзидан большевикларнинг фаоллиги кучайди ва мутаассиб дин пешволари «Уламо» номи билан «Шўройи ислом»дан ажралиб чиқди. Бу ажралиш кейинчалик большевиклар учун қўл келди, «Уламо» жамияти мустақиллик учун кураш олиб борган шўройи исломчиларни барбод қилишда мустамлакачиларга ёрдам берди. «Шўройи ислом» ва «Уламо» жамиятларининг шўьбалари ўлканинг турли шаҳарларида ҳам ташкил этилди. Февраль инқилоби натижасида Туркистонда қандай давлат тузиш масаласи юзасидан бу жамиятлар ўртасида кескин ихтилофлар, зиддиятлар вужудга келди. Ҳамза «Уламо» жамиятининг Қўқон шўьбаси мажлисини ушбу «Мухторият ёки автономия» драмасига асос қилиб

олди. Муаллиф драманинг қисқача сюжетини шундай баён қилади: «Туркистонда ҳуррият бўлуви муносабати ила ёшлар ва уламолар орасинда ихтилоф ўлароқ уламолар айрилиб кетувлари, руҳоний мажлисин тасвиридир».

Бу ўринда ёшлар — «Шўройи ислом» жамияти аъзолари, яъни жадидлар; уламолар — мутаассиб қадимчилар «Уламо» жамияти аъзолари эканлиги драманинг бошидан охиригача кўзга яққол ташланиб туради. Асар муаллифи эл-юрт тақдирини ўз зиммаларига олган уламолар қанчалик разил, нашаванд, тубан кишилар эканликларини ўз тилларидан фош этади. Улар ҳатто автономия, мухториятнинг қандай давлат тизими эканлигини тасаввур ҳам қила олмайдилар: «Л.(домла): Бу демократический республикани бизга кўп зарари бор эмиш. Зероки, биздан подшоҳ бўлмас эмиш, тагин аввалгидек қози, мударрисларни ҳукамолар, губирнаторлар сайлаб кўёдирлар эмиш. 2-нчи, хотунларни кўчада фаранжисиз (ҳамма ёқосин ушлаб, «Астағфируллоҳ!» «Навзанбиллоҳ!..») чиқуб юриши учун фармонлар бўлур эмиш... Энди бўлари бўлди. Хўш! Ифтор, тўй, закот, хайр-эҳсон деган гаплар бари соп бўлди!..»

«Ф.(домла): Айтмадимми, бу киши ҳам газнот ўқийдирлар, яки аз тароқчи, биз энди шул дин бузуқи гумроҳ тотор шум усули жадидчиларга қўшилар эканмизда, ҳайҳот! Бале!»

Мустақилликка қадар ҳамзашунослар бу драмани Кўқон мухториятининг «расвосини чиқарган», унинг «реакцион моҳияти»ни фош этган асар сифатида баҳолаб келдилар. Аслида Ҳамза Туркистон мухториятини тузишда фаол иштирок этган жадидларга қарши бузғунчилик, сотқинлик ишларини олиб борган мутаассиб «Уламо» жамияти аъзоларининг нақадар нодонлигини, калтафаҳмлигини фош этган эди. Асарда қаҳрамонлар исмининг бош ҳарфи берилган. Ҳамза ушбу асар туфайли «Уламо» жамиятининг таъқибига учради ва 1917 йил октябридан 1918 йилнинг 10 мартига қадар Туркистон шаҳрида дўсти Саидносир Миржалолов хонадонида яшириниб яшади¹. Демак, 1917 йил 27 ноябрь Туркистон мухторияти эълон қилинган кунни Ҳамза Туркистон шаҳрида мамнуният билан кутиб олди ва «Туркистон мухториятина» шеърини яратди. Шеър «Улуғ Туркистон» газетасининг 1918 йил 11 январь сонидида эълон қилинди. Шеърда шоир мусулмон миллатини улуғ байрам билан муборақбод қилар экан, уларни бир санжоқ-байроқ остида бирлашишга даъват этади:

Келинг эмди бирлашинг, ислом миллати!
Кетсин сунний, шиалик нифоқ иллати!

¹Зарифа Саидносирова. Ойбегим менинг. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. Тошкент, 1994 й., 32–36-бетлар.

Бир санжоққа тўплансун ислом давлати!
 Қутлуғ бўлсун Туркистон мухторияти!
 Яшасун энди бирлашуб, ислом миллати!

Ҳамзанинг 1917 йил Октябрь тўнтаришигача бўлган ижодидаги асосий ғоя маърифатпарварликдир, у бу даврда жадид адабиётининг йирик намояндаси сифатида бадиий ижоднинг ҳамма имкониятларидан, турларидан фойдаланди. Барча жадид мутафаккирлари каби у 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг ҳамма иш ўринлади, Туркистон халқлари мустамлака қуллигидан озод бўлди, деб ўйлади. 1917 йилда «Кенгаш», кейин «Хуррият» журналларини нашрдан чиқарди. «Хуррият» журналининг биринчи сониди эълон қилинган «Бугунги қадрлик кунлар» бош мақола-сидаги ушбу сўзларда Ҳамзанинг бу тарихий воқеага муносабати яққол кўзга ташланади: «Бу кун бахт фалакиндан чиқмиш ҳақиқат кўёши мусовот, адолат каби энг соф зиёлари била энг қоронғуда йўқолган игна каби нозик ва муҳим мақсадларимизи ҳам ялтуратуб кўрсатмакдадур. Мана, букун ҳақиқат, хуррият воситаси била эски хоин ва золим, мустабид ҳукуматни 50 йилдан бери бўйин, қўл ва оёғимизга сезимсиз солуб келган умрлик оғур занжирларин кўзга кўрсатуб ечди, халос қилди. Бу кун ҳақиқат, мусовот воситаси била, бир тараф, золим амалдорлар, иккинчи тарафдан раҳмсиз, шафқатсиз талончилар темир тирноғи остида пўстлари бутун сидирилиб, юраклари эзилиб, чўкуб хонумонларидан ажраб келуб турган мазлум, ноҳақ фақиру бечора, етим, ғарибларнинг бургутлар панжаи маргидан раҳо қилди... Бу кун энг қадрлик, энг ғаниматлик кун! Бу кун Остроумоф, Ильминский кабиларнинг тарбиясида яшаган ва анинг маслакига хизмат этувчи, ватандаги ўз орамиздан чиққон дин хоинларини хиёнатларин ҳақиқат майдонига отур. Ноҳақларни шарманда ва сарнигун қилур».

Албатта, Ҳамзанинг мустамлакачиларга қарата айтган жасоратли сўзлари Вақтли ҳукуматга ҳам, унинг ўлкадаги ҳамтовоқларига ҳам маъқул бўлмади, иккала журнал бирин-кетин ёпилди.


Ҳамза Октябрь тўнтаришидан кейин шўролар ҳокимиятини қўллаб-қувватловчи шеърлар, қўшиқлар битди, большевиклар ҳокимиятининг янги шаклдаги мустамлакачилик сиёсатини кўра олмади. Баъзан ўз қобилиятини бадиий ижодга эмас, шўро ҳукуматининг тарғибот-ташвиқот ишларига сафарбар этди. Унинг 20-йилларнинг ўрталарида яратган «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши» драмаси, «Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши» ҳажвий комедияси ўзбек драматургияси ва театр санъати тараққиётига кучли таъсир кўрсатди. Ҳамза 1926 йил 27 фев-

ралда «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони билан тақдирланди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1928 йилнинг августида шўро ҳукуматининг топшириғига биноан Шоҳимардонга боради, у ерда мавжуд ҳукумат сиёсатини барқарор қилишда, руҳонийларга қарши курашда фаол иштирок этади ва 1929 йил 18 март куни шу курашнинг қурбони бўлади. Ҳамзанинг бир гуруҳ мутаассиблар томонидан ўлдирилиши шўро мафкурасида унинг ижодини синфийлик-партиявийлик тамойилларига асосланиб баҳолаш учун мезон бўлди. Уни маънавий заминдан юлиб олиб, ўзи мансуб бўлган жадидчилик ҳаракатига, унинг намояндаларига қарши қўдилар, ўзбек шўро адабиёти ва санъатининг ягона асосчиси сифатида талқин ва тақдим этдилар. Бу ғайриилмийликнинг энг юқори намунаси сифатида Ҳамзага бағишланган 17 серияли «Оловли йўллар» фильмини кўрсатиш мумкин. Уйдирмалар асосига қурилган бундай асарлар Ҳамзага нисбатан ҳурмат-эҳтиромни ошириш ўрнига унга бўлган ишонч ва эътиқодга путур етказди.

Шўро мафкурасининг бу борадаги салбий оқибатларидан бири шу бўлдики, миллиятчи шоирнинг айрим сатрлари, ҳатто асарларига «пардоз» берилди, «таҳрир» қилинди, «Бой ила хизматчи» драмаси 1939 йилда драматург Комил Яшин томонидан социалистик реализм талаблари асосида, айтиш мумкинки, қайта ёзилди.

Ҳамза ижоди мустақиллик, истиқлол туфайлигина ҳақиқий баҳосини олмоқда. У ҳеч бир бўрттиришсиз, қўшиб-чатишсиз ҳам XX аср ўзбек адабиётининг атоқли вакили: новатор шоир, ҳозиржавоб носир, истеъдодли драматург, ғайратли театр арбоби, моҳир педагог сифатида замондошлари Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпонлар қаторидан муносиб ўрин олишга ҳақлидир.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(1894–1938)

XX аср халқимиз тарихида ўзликни англаш, миллий уйғониш даври билан бошланди. Жадидчилик ҳаракати номи билан тарихга кирган бу жараён халқимиз маънавий ҳаётининг ҳамма жабҳаларини қамраб олди, бадиий адабиётда ҳам том маънода янгилашни жараёни кечди. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»¹ романига ёзган кичик муқалдимасида ўша давр ижодкорларининг адабиётга қўйган талабларини тула ифодалаган эди: «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зухро»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан танишдиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз».

Ўтган асрнинг 10-йилларида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси, Абдурауф Фитратнинг «Мунозара», «Баёноти сайёҳи ҳинди» асарлари бадиий адабиётда буюк ўзгариш ясаган эди. А. Қодирий мана шундай бадиий ижодда туб сифат ўзгаришлар кечаётган бир даврда адабиётга кириб келди.

Абдулла Қодирий 1894 йил 10 апрелда Тошкентда боғбон оиласида туғилди. Унинг отаси Қодирмуҳаммад (1821–1924) узоқ вақт савдогарчилик билан, 1870 йиллардан умрининг охиригача Самарқанд дарвозада анчагина катта – 1300 саржин (ярим гектар – 500 м² дан кўпроқ – У. Д.) боғда боғдорчилик билан оила тебратар эди. Унинг онаси Жосият биби уй бекаси бўлган. Абдулла ёшлигидан ўткир зеҳни, серфикрлиги билан ажралиб турган. Дастлаб у «усули қадим» мактабида, Абулқосим мадрасасида, кейин рус-тузем мактабида ўқишни анча муваффақият билан давом эттирди. 1912 йилда у каттагина савдогар Расулмуҳаммадбой қўлида приказчик (иш юритувчи) бўлиб хизмат қила бошлайди. Расулму-

¹ Асар кейинги пайтларда XX асрнинг 20-йиллари имлосига мувофиқ «Ўткан кунлар» шаклида чоп этилмоқда.

ҳаммад анча эътиборли, очиққунгил, диёнатли бойлардан бўлиб, ўз даври зиёлилари билан яқин алоқада бўлган. Шунинг учун ҳам Абдулланинг ёшлиги асосан бойлар, зиёлилар даврасида кечди, бу ҳол унинг жадид мутафаккирлари, уларнинг «Садойи Туркистон», «Ойна», «Самарқанд», «Турон» каби газета ва журналлари билан алоқани мустаҳкамлашига олиб келди. 1914 йилда Абдулла Расулмуҳаммадбойнинг катта қизи Раҳбаройга уйланади. Улар Нафиса, Ҳабибулло, Адиба, Масъуд исмли икки қиз ва икки ўғил кўрадилар.

Абдулла Қодирийнинг илк адабий фаолияти мана шу даврдан бошланди, бу ҳақда у кейинчалик таржимаи ҳолида шундай ёзади: «Шу миёналарда бозор воситаси билан татарларда чиқадурғон газеталарни ўқуб, дунёда газета деган гап борлиғига имон келтирдим. 1913 йилда ўзбекча «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталари чиқа бошлағач, менда шуларга гап ёзиб юбориш фикри уйғонди». Дарҳақиқат, унинг «Янги масжид ва мактаб» номли илк мақоласи «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 1 апрель сонидида «Абдулла Қодирий» имзоси билан эълон қилинди.

А. Қодирий ижодкор сифатида ўз адабий фаолиятини шеърятдан бошлади, унинг «Миллатимга», «Аҳволимиз» каби шеърлари шу давр маҳсулидир. Қодирий шеърларида Миллат ва Ватанга хизмат қилиш, уни ғафлат, жаҳолат уйқусидан уйғотишга даъват яққол кўзга ташланади. Уларда Авлоний, Тавалло, Ҳамза каби жадид шоирларига хос хусусиятлар ўз ифодасини топган:

Кўр биз(н)инг аҳволимиз, ғафлатда қандай ётамыз,
Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз.

Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламоқ,
На Худони буйруғи бўлган улум ўрғотамиз.

Коримиз шундан иборат бўлди ушбу чоғда,
Ўнтадан бедона боқиб, ёзу қиш сайротамиз.

Ҳамда ҳар кун такяларда наша, кўкнори чакиб,
Баччага кокил солиб, оҳ-воҳ билан ўйнотамиз.

Келингиз, ёшлар, зиёлилар, бу кун ғайрат қилинг,
Ухлаганларни агар Қодир эсак уйғотамиз.

Орадан кўп ўтмай, А. Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» драмаси, «Жувонбоз», «Улоқда» ҳикоялари китобхонлар қўлига бориб тегди. Ёзувчининг «Жувонбоз» ҳикояси ва «Бахтсиз куёв» драмаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падарқуш» драмасининг бевосита таъсирида яратилган. «Бахтсиз куёв» мазмунан Беҳбудий драмасидан фарқ

қилса-да, жадидчилик ғояси етакчилик қилади. Аммо «Жувонбоз» ҳикояси сюжети «Падаркуш»га жуда яқин туради. Ҳикоянинг бош қаҳрамони – катта савдогар Рауфбойнинг ўғли Саъдулла. У ўқиш, илм олиш ўрнига ифлос, фақш йўлларга кириб, отасининг бутун мол-дунёсини совуради, охир-оқибатда одам ўлдириб, ўз умрини ҳам барбод қилади. Ёзувчи Ойбекнинг 1936 йилда ёзган «Абдулла Қодирийнинг ижод йўли» асарида ҳар иккала асарга хос камчиликлар: воқеа-ҳодисаларнинг ижтимоий илдизи тўлароқ очиб берилмаганлиги, тимсоллар тилининг сунъийлиги, халқ жонли тилидан узоқлиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, Ойбек таъкидлаганидек, «Жадид адабиёти учун характерли аломат, яъни санъаткорнинг ўрнини воиз эгаллаши, насиҳатгўйлик, «оқартирувчилик» ва бошқалар «Бахтсиз куёв»да яққол кўринади».

Худди шу даврда яратилган «Улоқда» ҳикоясида ҳам аввалги асарларидаги каби жадид адабиётига хос мавзу – тараққиётга тўғаноқ бўлаётган эски урф-одатлар ва уларнинг қобиғида қолган оломон руҳияти қаламга олинган. Миллионлаб, ўн миллионлаб халқлар жаҳон уруши гирдобига тортилган, уларнинг тақдири ҳал қилинаётган бир пайтда қора халқ улоқ, кўпқари каби одатлар билан овора, шулардангина завқ олади. Шу даражада «содда», тараққиётдан йироқ халқнинг қисмати кишини ташвишга солади. Ёзувчи олдинги асарларига нисбатан анча илгарилаб кетган: у воқеаларни шунчаки баён қилмайди, ҳар бир тимсолнинг ўзига хос сурати ва сийратини китобхон кўзи ўнгида намоён қилади. «Улоқда» асари нафақат Абдулла Қодирийнинг, балки ўзбек ҳикоячилигининг 1910 йиллардаги катта ютуғи деб баҳолайди Ойбек. Бу ёзувчининг ҳикоячиликда реализм томон ишонч билан катта қадам ташлаганини кўрсатади.

1914 йил ўрталарида Русиянинг Биринчи Жаҳон уруши гирдобига тортилиши мустамлака Туркистон ўлкаси халқлари бошига турли-туман фожиаларни олиб келди. Айниқса, мустамлака ўлкадан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 250 минг ишчи-мардикор олиш ҳақидаги Николай II нинг фармони халқнинг норозилик ҳаракатларига туртки бўлди. «Мардикорлик кўзғолони» номи билан тарихга кирган халқ озодлик ҳаракати бутун Туркистон ўлкасини қамраб олди. Бутун Русия империясини ларзага солган 1917 йил Февраль инқилоби 300 йиллик Романовлар тахтини барбод қилди. Бу тарихий воқеалар Абдулла Қодирий дунёқараши такомлида муҳим омил бўлди. Бу ҳақда у кейинроқ: «Николайнинг тахтдан йиқилиб, ҳуррият бўлғонига хурсандлигим, албатта, дунёга сиғмас эди. Айниқса, 1916 йил рабобий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонган истибодда нафрат менда ҳам кучлик эди», – деб ёзади.

А. Қодирий 1917 йил Февраль инқилобидан кейин халқ милициясида, 1918 йилдан Султонхўжа Қосимхўжаев раҳбарлик қилган Озиқ қўмитасида саркотиб ҳамда 1919 йилдан шу қўмита органи «Озиқ ишлари» газетасида муҳаррир бўлиб ишлайди. Бу даврда у «Инқилоб» ва «Коммунист йўлдоши» журналларида масъул котиб, журналист-публицист сифатида катта фаолият кўрсатади. 1923 йилда «Муштум» журнаlining ташкил этилиши ҳам бевоқиф Абдулла Қодирий ва Ғозин Юнус (Юнусов Ғозин Олим — 1893—1939) фаолияти билан узвий боғланди. Бу ҳақда Қодирий куйидагиларни ёзади: «23-йилнинг феврал ойида, шекилли, «Туркистон» газетасига ўртоқ Абдулҳай Тожи муҳаррир белгиланди ва шу ўртоқ бир кулки журнали чиқарингиз, деб мен билан Ғозини чақирди. (Бу вақтда Ғозин газетанинг муҳаррири эди.) Биз икковимиз ишга киришдик-да, натижада саккиз сонча «Муштум» чиқди».

Абдулла Қодирий 1924 йилнинг ёзида Москвага кетади ва Валерий Брюсов номидаги Журналистлар институтида ўқийди, аммо республика матбуоти, хусусан, «Муштум» журнали билан алоқани узмайди. 1920—1925 йилларда унинг матбуотда уч юздан ортиқ турли мавзуларда ҳажвиялари, мақолалари, фельетонлари Қодирий, Жулқунбой, Овсар, Думбул, Шифой, Калвак Махзум каби имзоларда босилиб чиқади. Ёзувчининг бундай фаолияти ҳақида Ҳабибулло Қодирий (ёзувчининг катта ўғли — У. Д.) куйидагиларни ёзади: «Муштум» журнаlining 1924 йил сонларидан бирида дадамнинг суратини ўртоқлик ҳазили тариқасида масхаралаб босишган ва тагига шу сўзларни ёзиб қўйишган эди: «Фельетонлар қироли Жулқунбой: йиғлатиб кулдиради, кулдириб йиғлатади»¹. «Фарғона» газетасининг муҳаррири Лутфулла Олимий А. Қодирийнинг «Муштум» журналидаги фаолияти ҳақида ёзади: «Муштум»нинг топган эътибори ва кўп тарқалиши Жулқунбойнинг ўткир қалами билан»².

Абдулла Қодирийнинг «Москвадан» туркуми остида бир қанча ҳажвий мақолалари эълон қилинди. 1925 йилда ёзувчининг «Муштум» номли анча жиддий танқидий мақоласи «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилди. Мақолада журналнинг ўша кезлардаги фаолияти, истиқболи анча чуқур таҳлил қилинган. Бу мақола атрофида кучли мунозара кечди. Давр тараққиётига тўғаноқ бўлаётган кучларга қарши курашда «Муштум»ни янада фаолроқ бўлишга даъват этувчи, ҳажвий журналнинг қиёфасини белгиловчи ушбу мақолани фаразгўйлик деб қабул қилувчилар ҳам бўлди. Бу ҳол

¹ Ҳабибулло Қодирий. Отам ҳақида. — Т.: Фафур Фулом нашриёти, 1983, 36-бет.

² Лутфулла Олимий. Ҳажвийёт майдонида. Фарғона. 1924 йил, 181-сон.

журналнинг муҳаррири Ғози Олимнинг «Танқидми, тош отиш?!» жавоб мақоласида кўзга ташланади.

1920 йилларнинг ўрталаридан шўролар сиёсатида туб ўзгариш, носоғлом муҳит, «нон орасидан кир излаш» (А. Фитрат) авжга чиқа бошлади. «Ўтган кунлар» қўлдан-қўлга ўтиб ўқиладиган, Абдулла Қодирий янги ижодий режалар оғушида яшаётган вақтда унинг бошига кулфат тошлари ёғила бошлади. 1926 йилда «Муштум» журналыда босилган «Йиғинди гаплар» ҳажвий-мутойиба мақоласи бунга баҳона бўлди. Мазкур мақолада республикадаги айрим тadbирлар, ҳукумат ва компартия раҳбарлари «Овсар» тилидан енгил ҳазил-мутойиба қилинган эди. Қодирийдан аламзада бўлиб юрганлар учун бу мақола ёзувчига бўхтон тошларини ёғдириш учун бир дастак бўлди. Улар мақолани республикада олиб бориладиган муҳим тadbирлар устидан кулиш, масхара қилиш, шўро ҳукумати ва партия раҳбарларини обрўсизлантириш, ҳатто аксилинқилобий мақсадларни амалга ошириш нияти билан ёзилган дейишгача бордилар ва муаллифга сиёсий айб қўйдилар. Ёзувчи 1926 йил 8 мартда аксилинқилобчи деган айблов билан қамоққа олинади, аммо узоқ давом этган қамоқ азобларидан сўнг унга тақалган айбларнинг, гувоҳлар берган кўрсатмаларнинг сохталиги аён бўлади.

А. Қодирий ўзини тубан одамлардан мардонавор ҳимоя қилди, маслағига хиёнат қилмади. У озодликка чиқди, аммо бундай ноҳақликларга имкон яратиб берган тоталитар шўролар тузумига нисбатан ишончлари саробга айланди. Агар чуқурроқ эътибор берилса, ёзувчининг кейинги асарларида бу ҳол ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин.

1923–1926 йиллар давомида «Муштум» журналининг қиёфасини белгилловчи, ҳажвий қисса жанрининг етук намуналари бўлмиш «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» каби асарлари босилди. «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида» қиссасида ҳақиқий ҳаётдан бутунлай узилган, хурофотдан бошқа нарсани кўра олмайдиган маҳалла масжиди имоми Калвакнинг кулгили саргузаштлари, туғилишидан бошлаб бошдан кечирган воқеа-ҳодисалар ҳикоя қилинади. Калвак махзум — тараққиёт душмани. Ҳар қандай ижобий ўзгаришларга қарши бир одам. Уни жамият аллақачон чиқинди сифатида улоқтириб ташлаган. У шу даражада мутаассибки, руҳоний билимларни ҳам ёлчитиб ўрганган эмас. У шу даражада тараққиётдан орқада қолиб кетганки, шўролар мактабида ўқиётган ёш қизчаларнинг мактабга очиқ бориши-ю уларнинг кийиниши унга бузуқлик, ғайри шаръий кўринади. У ўз сўзлари, саволлари билан ўз руҳий оламини ҳам намоён қилади. Бу олам ғоят кир ва

қоп-қора зимистондан иборат. Бу унинг қироатхонада ўзини тутишида, 12–13 ёшли ўқувчи қизчага берган саволларида, умуман фикрлашида кўзга яққол ташланади.

А. Қодирий Калвак махзум образини яратишда унинг бутун дунёга бузуқ ният билан боқувчи қораюрак бир киши эканлигидан келиб чиққан ҳолда сўзлар, иборалар танлайди, яъни характери нутқи воситасида гавдалантиради. Унинг қироатхонадаги ҳолатини ёзувчи шундай ифодалайди:

« — Мулло Маҳкам қори шу ердамилар?

Йигит борлиқ ишорасини бериб, фақирни илгарига бошлади. Бордим, нима кўрай, бурчакда ажаб бир нозанин қиз. Курси берди, ўлтириб фотиҳа ўқудим, билдимки, бу нозанин бойбаччанинг ўйнаши эркан. Икки ошиқ хилват қилгон фурсатда камина кириб қолгон эрканман. Баъдазон Мулло Маҳкам қорини сўрадим... Бойбачча табассум қилиб: «Фақир Маҳкам қори бўламан», — деди. Бу йигитнинг боадаб бўлғонидан ҳам дуруст одам, деб ўйлагон эдим. Аммо ўйнаш қилиши бўлса ўзига, чунки эчки ҳам ўз оёғидан, қўй ҳам ўз оёғидан осилодир. Баъдазон Мусҳафи Усманийни сўрадим. Бизда йўқ, деб жавоб берди. Мусҳафи Усманий маҳкамаи шаръия деганнинг қўлида эркан, пўлод сандиққа солуб сақлар эканлар».

Ёзувчининг улкан маҳорати шундаки, у шўролар даврида халқни диний қадриятлардан бутунлай маҳрум этиш жараёни кечаётганлигини рўйирост қаламга олади. Махзумнинг қироатхонадаги савол-жавобларига эътибор беринг: у «Мусҳафи Усманий»ни сўрайди — «йўқ». «Шарҳи виқоя», «Шарҳи Мулло Жомий», «Маслаки мутгақийн», «Далойили хайрот», «Кимёи саодат» каби китобларни сўрайди. Фақат «йўқ» жавобини олади. Бундай диний қадриятларга оид китоблар халқ кўзидан анча узоқлаштирилган, халқ динсизлик, имонсизлик балосига мубтало бўлмоқда эди. Ҳатто, вафот этган «улуғлар»га жаноза ўрнига марҳумни ичкиликбозлик билан кўмишдек ўта хунук ҳоллар юз бермоқда эди. Муаллиф бунга, табиийки, таассуф билдиради (албатта, Махзум қарашлари орқали). Мансабдорлардан бири вафот этади. Шўролар таомилига биноан мансабдорга жаноза ўқиш мумкин эмас. Аммо: «...ул одам арз қилди, марҳум ўзи ўшал (наузанбиллоҳ) ҳақдин тонғанлардан эрди, аммо ботинда дини исломни дўст тутуб, кабзи руҳ асносинда васият қилибдурларким, «агарчандки махфий бўлса ҳам фақирни жаноза бирлан дафн қилингиз», деб... Азбаройи адовати ваҳҳидин ўшал маҳалланинг имоми ҳам хабар берилмагон экан, токим ўзга улугларнинг қулоғига бу маънидин чизи хабар етмасин, деб... Марҳумнинг ака-укаларининг жабҳасидин улуглик ва яна истаршин де-

сатнайлик ҳувайдо эрди. Эрта бирлан ўшал мансабдор партийнайлар тушуб, мунзакон бирлан закунска қилиб, марҳумни кўмар эканлар».

Бу ўринда танқид тиғи Қалвакка эмас, шўролар давлати томонидан миллатнинг ўзлигини йўқотишга олиб келувчи «улуғ оғалар» урф-одатларининг (ҳозирча норасмий, албатта) жорий қилинишига қаратилганини сезиш қийин эмас. Эътибор беринг, бундай машъум воқеалар узоқ вақт — шўролар салтанати барҳам топгунча давом этди.

Абдулла Қодирий Октябрь тўнтаришининг дастлабки йиллариданоқ «Ўтган кунлар» тарихий романи устида ишлай бошлайди. Романдан парчалар дастлаб 1922 йилда «Инқилоб» журналида босилди, 1925 йилда алоҳида-алоҳида бўлимлар ва 1926 йилда бутун бир китоб ҳолида босмадан чиқди. Бундай улкан, шу билан бирга, «Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам баркамол асар» (Абдулла Қаҳҳор) яратишга Абдулла Қодирий қай даражада тайёр эди? Авваламбор, ёзувчи мадрасада ўқиб юрган вақтларида ўзбек мумтоз адабиётини, араб, форс, турк, татар тиллари билан бир қаторда Шарқ тарихини, маънавиятини чуқур ўрганган. Туркия, Қрим, Уфада чиқиб турган газета ва журналлар билан мунтазам танишиб борган, турк ёзувчиларининг тарихий мавзудаги драма ва романларини мутолаа қилган. Ҳусайн Жовид асарларидан қаттиқ таъсирланган. Дарвоқе, Ҳусайн Жовиднинг бир тўплами «Ўтган кунлар» деб номланган. Араб носирини, 22 тарихий роман муаллифи Жиржи Зайдон (1861—1914)ни Қодирийнинг ўзи уни роман ёзишга рағбатлантирган устоз сифатида таърифлайди. Аввало ёзувчи ижодига ўзбек мумтоз адабиёти, кейин Жиржи Зайдон асарлари ва у орқали буюк инглиз ёзувчиси Вальтер Скотт ижоди кучли таъсир кўрсатди. Бу ҳақда немис адабиётшунос-олимаси П. Кирхнернинг қуйидаги сўзлари эътиборга лойиқ: «Қодирий тарихий материални беришда ҳикоя қилишнинг шарқона усули билан Вальтер Скотт мактаби услубини санъаткорона омухта қилган. Роман бу тахлит асарлардан турмушни ҳаққоний тасвирлаш билан, бўёқлар рангбаранглиги, психологик характеристиканинг нозиклиги, тил оҳангдорлиги, ифодавий-тасвирий воситаларнинг хилма-хиллиги билан фарқланади»¹.

Яна шуни таъкидлаш керак: Абдулла Қодирий ижодига XIX аср охири ва XX аср бошларида Жазоирда яшаб ижод этган, араблар ҳаётидан ўнга яқин роман яратган француз адиби Фердинанд

¹ Каримов Шавкат. Диллардан дилларга. — Т.: Фафур Фулом нашриёти. 1980, 16-бет.

Дюшен асарларининг таъсири сезиларли бўлган. Ф. Дюшеннинг «Тамилла», «Қамар» каби сентиментал романлари 1920 йилларда Зариф Баширий, А. Қодирий, Чўлпонларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек тилига таржима қилинди ва бу асарлар халқ ўртасида катта шуҳрат қозонди.

Абдулла Қодирийнинг ёзувчи сифатидаги камолотида рус тилини анча мукамал билиши ҳам муҳим омил бўлди. У 1910 йилларда рус-тузем мактабида, сўнг Расулмуҳаммадбой қўлида иш юритувчи бўлиб ишлаб юрган вақтларида рус тилини яхшигина ўрганган, рус адабиётини мунтазам мутолаа қилган. Рус тилини яхши билувчи «Тараққий», «Садойи Туркистон» газеталарининг ташкилотчи ва муҳаррирлари Исмоил Обидий ва Убайдулла Хўжаевлар билан ёшлигидан яхши алоқада бўлган. Ёзувчининг ўғли Ҳабибулло Қодирийнинг таърифлашича: «Қодирий рус асарларини ўз она тилидаги каби тез ўқир, катта-катта китобларни икки-уч кунда ўқиб тушираверар, имло-иншолари ҳам яхши эди»¹.

А. Қодирий Л. Толстой, Чехов, Тургенев каби машҳур ёзувчиларнинг асарлари билан нафақат таниш, балки улар ҳақида теран мушоҳадага эга бўлган. Бемалол айтиш мумкинки, Қодирий 1910 йилларнинг охирида улкан асар яратиш учун маънавий тайёр эди.

А. Қодирий «Ўтган кунлар» романини миллий уйғониш ҳаракати сиёсий курашлар босқичига кўтарилган даврда ёзишга киришди. Бу ҳол романдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабатда ҳам кўзга ташланади. Дарҳақиқат, у 1910 йилларда жадидчиликнинг фаолларидан, бир қатор сафдошлари сингари истибдод, жаҳолат илдизларини топиш, халқни тараққий этган миллатлар қаторига олиб чиқиш ҳақида ўйларди. Февраль ва Октябрь ўзгаришлари унга қувонч бағишлади. Чунки Романовлар тахтининг қулаши истиқлол фидойилари учун 50 йиллик мустамлака исканжасидан қутулиш ҳақидаги орзуларига қанот боғлагандай бўлди. Аммо Октябрь тўнтаришининг дастлабки ойларидаёқ «имонларига ўраб сақлаган» (А. Фитрат) биринчи ўзбек миллий ҳукумати — Туркистон Мухториятининг большевиклар томонидан янчиб ташланиши, мустамлака занжирларининг янада қаттиқроқ тортилиши натижасида Қодирий ишончларига дарз кетди. Фарғона водийсидаги ўнлаб қишлоқлар кулининг кўкка совурилиши, ўн минглаб бегуноҳ кишиларнинг қириб ташланиши, бунинг устига очарчиликнинг авжга чиқиши А. Қодирийни ҳам қаттиқ изтиробга солди. Янги тузилган шўролар ҳукумати отани ўғилга, акани укага душман қилганини, биродаркушлик уруши авжга чиқаётганини кўрди. Бу тари-

¹Ҳабибулло Қодирий. Турмуш сабоқлари. — Т.: Фафур Фулом нашриёти. 1985, 35-бет.

хий шароит асар пафосини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. «Ўтган кунлар» романи хотимасидаги муаллифнинг куйидаги сўзларига эътибор беринг: «Ёзғучидан. Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғриси суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққуз ва йигирманчи очлиқ йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғул қолибдур. Ўғулларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлуктириги маълум эмас, дейдилар».

Мана, Юсуфбек ҳожи ва Мирзакарим қутидор авлодининг тақдири, Отабекдек зукко ва Кумушбибидек назокатли инсонларнинг фарзанди ва набираларининг шўролар давридаги қисмати.

Бир сўз билан айтганда, 1917–1918 йиллар ёзувчи учун қувонч, шу билан бирга, алам-изтиробларга тўла йиллар бўлди. Бу ҳол романда акс садо бермаслиги мумкин эмас эди.

Ёзувчи асарига сўнгги «хон замонлари»ни – XIX аср ўрталарини, янада аниқроғи 14 ёшли Худоёрнинг биринчи бор тахтга ўтириши даврини мавзу қилиб белгилади (Худоёр ибн Шералихон 1845 йилда биринчи бор тахтга ўтириб, 1875 йилга қадар хонлик мартабасига уч марта келиб кетган – У. Д.). Бу воқеа билан боғлиқ Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги қонли тўқнашувлар, ички низолар, уруглар ўртасидаги қирғин-барот урушлар ва буларга Юсуфбек ҳожи, Отабек каби бадий тимсолларнинг, Худоёрхон, Мусулмонқул, Азизбек, Нормухаммад каби тарихий шахсларнинг муносабатлари асарда ўз ифодасини топган. Иккинчи томондан, янада даҳшатлироқ, янада маккорроқ куч – рус истибдоди ўлкани аждаҳодай ўз комига тортмоқда эди.

Роман «1264-нчи ҳижрия, далв ойининг 17-нчиси, қишқи кунларнинг бири, қуёш ботқан, теваракдан шом азони эшитиладир...» деган жумла билан бошланади. Эътибор беринг, ёзувчи «шом азони»дан кейин халқимиз бошига тушадиган энг узун, энг совуқ, энг қоронғи тунлар ҳақида огоҳлантираётгандек. Ёзувчи романдаги воқеалар билан асар ёзилаётган даврдаги сиёсий воқеаларда ҳамоҳангликни кўради.

XIX аср ўрталаридаги парокандалик, XVI асрдан бошлаб ўлканинг жаҳон тараққиётидан бутунлай узилиб қолганлиги натижаси ўлароқ Туркистон халқи миллат сифатида шаклланмади, давлат тепасида ўтириб олган ношуд, нодон, жоҳил «раҳбарлар» қўлида кўгирчоққа айланиб қолди, бундай оломонни хоҳлаган кўйга солиш мумкин. Кеча, Тошкент қамали арафасида Азизбек (Азиз бачча) учун Қўқон хонлиги лашкарларига қарши сўнгги томчи қони қолгунча курашишга онт ичган тошкентлик оломон



1926 йилда чоп этилган «Уткан кунлар» романи
3-бўлимнинг муқоваси

бугун Азизбекни «орадан кўтариш»га бел боғлайди. Охир-оқибат бундай парокандалик, уруғчилик ва кейин бунга қўшилган маҳаллийчилик «Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Ибн Сино каби олимларнинг» ватани Туркистонни истибдод, асорат ва қуллик ботқоғига олиб келди. Юсуфбек ҳожининг катта машваратда Муҳаммад Ражаббек кўрбоши, Муҳаммадниёз кушбеги, Қосим мингбоши, Қамбар шарбатдор, Каримкул понсад каби Тошкентнинг ашраф ва аёнларига қарата айтган сўзларига эътибор беринг: «Биродарлар! Ўрус ўз ичимиздан чиқадирган фитна-фасодни кутиб, дарвозамиз тегида кўр тўкиб ётибдир. Шундай маҳшар каби бир кунда биз чин ёвға берадирган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон деб қирилишсак, ҳолимиз нима бўладир. Бу тўғрисида ҳам фикр қилғучимиз борми? Кунимизнинг кофир қўлига қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганмизми?! Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиган фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадир. Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрус бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрасиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга еткан кўраман!.. Бу фикрингиздан қайтинг, биродарлар!»

Асарнинг бош қаҳрамони Юсуфбек ҳожи Ватан, халқ манфаати, унинг истиқболи учун қайғуради, ҳатто ўз жонини таҳликага қўйиб бўлса ҳам ўзаро низолар, мансаб, шахсий манфаатлар учун бўлаётган қонли тўқнашувларнинг олдини олишда жонбозлик кўрсатади. Романда у келажакни чуқур идрок қилувчи, халқни буюк мақсадлар сари етакловчи сиёсий арбоб сифатида намоён бўлади. Муаллиф асарни яратиш жараёнида Муҳаммад Солиҳ Қорининг «Тарихи жадиди Тошканд», Мирза Олим Мушрифнинг «Ансобус-салотин ва таворихул-хавоқин» («Кўқон хонлиги тарихи»), Исҳоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона», Мулла Олим Маҳдум Ҳожининг «Туркистон тарихи» асарларини чуқур ўрганганлиги ва улардан истифода қилганлиги кўзга ташланади. Бу солномалар А. Қодирийнинг ҳар икки романи учун тарихий манба вазифасини ўтаган.

Юсуфбек ҳожининг юқоридаги сўзларига қулоқ тутарканмиз, романдаги воқеалардан олдинроқ халқимиз тарихида юз берган машъум воқеа — Бухоро амири Насруллонинг 1842 йилда Кўқон хонлигини босиб олиши ва қатлиом вужудга келтириши, Нодирадек улуғ шоира, мутафаккирларни қатл қилиши воқеалари кўз олдимизда намоён бўлади. Ушбу воқеанинг олдини олиш учун Амир Насруллонинг Абдусмад ноиб деган бир донишманд вазири амирга мурожаат қилади: «Жаноби олийларига малоли хотир

бўлмаса, бир калима сўз айтсам», деганида, амир: «Нима сўздур?» — деган экан. Айтубдурки: «Ҳоло Хўқанд забт ўлди, Фаргона катта мамлакатдур, қанча аскар ва сипоҳу хазина сарф ўлуб олинди. Бул ҳолда Русияни(нг) келмаги маҳаллий хавфдур, агарда хонни онт ақд беруб (онт ичдириб — У. Д.), тавба қилдуруб, Хўқандга қўйуб, Бухорога тобеъ қилуб, бир мулк бизларга келган душманларга бир қалқон бўлур эрди», — деганида, сўзи амирга маъқул бўлмай, оғзига кафш билан урдурғон экан»¹.

Демак, халқимиз тарихида рус истилоси хавфини анча олдиндан кўра олган ва ҳукмдорларни бундай хавфдан огоҳ қилишни ўзларининг муқаддас бурчи деб билган Юсуфбек ҳожи, Абдусамад ноиб каби сиймолар бўлган. Аммо, афсус билан айтиш керакки, амир Насрулло каби беш кунлик нашъу намоси учун юртни пароканда, халқни хонавайрон қилишдан тоймайдиган подшоҳларимиз ҳам бўлган. «Амир Умархон канизини» номли роман ёзишга тараддулланган ёзувчи Абдулла Қодирий, албатта, Қўқон тарихига оид кўплаб қўлёзма ва босма манбалар қатори юқорида тилга олинган мўътабар асарлардан хабардор бўлганига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Халқ «Ўтган кунлар»ни катта мамнуният ва самимият билан кутиб олди, қисқа муддатда бутун Ўрта Осиё халқларининг севимли асарига айланиб кетди. Ҳатто ўша кезларда бутун романи ёд билганлар бўлган. Афсуски, мавжуд шўролар ҳукумати, коммунистик мафкура уни нохуш қабул қилди. Асар яратила бошлаган давр билан унинг дунё юзини кўриши, яъни 1926 йил орасида шўро мафкурасида катта ўзгаришлар содир бўлган эди. Юрт истиқлоли ғояси янги мустабид ҳокимият андазаларига бутунлай зид келиб, чор Русиясининг мустамлакачилик сиёсати ҳақида фикр айтиш хавfli бўлиб қолди.

«Ўтган кунлар» романи ҳақида биринчи танқидий мақолани рус ёзувчиси Михаил Шевердин ёзиб, «Биринчи ўзбек романи» номи билан «За партию» журналининг 1928 йил 3-сонида чиқарган ва романи «зарарли» асар сифатида баҳолаган эди. Ушбу мақола роман ва муаллифига кўплаб асоссиз айблар қўйишга замин яратган. Албатта, Ильминский, Остроумов каби миссионерларнинг вориси бўлмиш М. Шевердинга рус босқинига қарши Юсуфбек ҳожи тилидан ёниб айтилган сўзлар ёқиб тушмаган бўлиши табиий.

Абдулла Қодирий роман бошида таъкидлаганидек, асарнинг марказида ўтмишда яратилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва

¹Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фаргона. ЎЗМУ проф. Ф. Каримов фонди, инв. №001, 77-78-бетлар.

Мажнун», «Тоҳир ва Зухра» дostonларида куйлангани каби Отабек ва Кумушбиби ўртасидаги абадий ёниқ муҳаббат туради. Шунинг учун ҳам муаллиф асар бошидаёқ ўктам йигит Отабекнинг характери, ички ва ташқи дунёсини очишга алоҳида эътибор беради. Ёзувчи дастлаб Отабек билан китобхонни Марғилонда ёш савдогар Раҳмат ва унинг тоғаси Ҳомид билан бўлган карвонсаройда, кейин Зиё шоҳичи ҳамда Мирзакарим қутидор каби Марғилоннинг донгдор бойлари уйида бўлган суҳбатларда таништиради. Уларда Отабек сажиясига хос чизгилар берилади. Дастлаб Раҳмат ва Ҳомид билан бўлган суҳбатда унинг асосан оила, муҳаббат, уйланиш масалаларига бўлган муносабати анча асосли очилган бўлса, Марғилоннинг катта бойлари, савдогарлари билан суҳбатда эса хонлик тузумининг яроқсизлиги, уни тубдан ислоҳ қилиш кераклиги, хон ва бекларнинг давлат бошқаришга қодир эмасликлари ҳақидаги сиёсий қарашлари ифодаланади. Отабекда бундай фикрлар бирдан пайдо бўлган эмас. У ўз замондошларига нисбатан анча дунё кўрган, хусусан русларнинг давлат тизимини, маданиятини бирмунча кўрган ва ўзимиздаги аҳвол билан солиштирган, ҳатто улардан ўрнак оладиган жиҳатлари ҳақида маълум фикрга ҳам келган: «Шамайга бормасимдан илгари ўз ҳукуматдорлиғимизни кўриб, бошқалар ҳам шундайдир, деб ўйлар эдим, лекин Шамай маним бу фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўриснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганлигини иқрор этишга мажбур бўлдим. Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди. Шамайда эканман, қанотим бўлса, ватанимга учсам, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсам-да, ўриснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсам, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиғ ёзиб ўриснинг идора тартибини дастуруламал этишка буюрса, мен ҳам бир ой ичида ўз элимни ўрисники билан бир қаторда кўрсам... Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлағонларим, ошиққанларим ширин бир ҳаёл эмиш. Бу ерда сўзимни эшиткучи биров ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам: «Сенинг орзунгни шу хонлар эшитадими, шу беклар ижро қиладими?» — деб мени маъюс қилдилар. Илгарироқ мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсам ҳам сўнғидан тўғри сўзни айтқанларини билдим. Дарҳақиқат, мазористонда «ҳаййя алал-фалаҳ» хитобини ким эшитар эди».

Отабек — севги борасида ҳам олижаноб инсон. Отабек билан Кумуш фавқулodда бир-бирларини кўриб қоладилар, бу кўриш бир неча сония давом этади, улар бир-бирларини билмайдилар ҳам. Бу кўриш бир умрли муҳаббатга дебоча бўлади. Отабек ҳақиқий

бахтга эришди, ўзини энг бахтиёр кишилардан ҳисоблади, ҳатто шу бахт туфайли уч марта ўлимга тик қаради, ўлимдан ғолиб келди. Ҳомиднинг қабих иғволари-ю Мусулмонқулнинг мудҳиш чангали ҳам Отабек ва Кумушлар муҳаббатини маҳв қила олмади.

Мана шу вазиятда романга янги тугун, янги зиддият келиб қўшилади. Бу зиддият бахтли бир оилани таг-туғи билан барбод этади. Бу — ота-она орзуси. Бу зиддият асосан Ўзбек ойим характери билан боғланади. Ёзувчи, айниқса, шу тимсолни яратишда улкан маҳорат намунасини кўрсатди. Ойбек ҳам «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» асарида Ўзбек ойим образини «энг жонли ва реалистик чизиқлар билан кўрсатилган шахс» деб баҳолаган эди.

Бадий адабиётда ишонтириш санъати деган катта муаммо бор. Асар қаҳрамонлари шундай ҳаракат қилсинларки, бошқача ҳаракат қилмаслигига китобхон тўла ишонсин. Бу — жуда мураккаб муаммо. Ўзбек ойим ниҳоятда зукко, шу билан бирга, катта сиёсий ишларнинг тепасида турган Юсуфбек ҳожини ҳам, ўз даврининг илғор фикрли йигитларидан, ақл-идрокли, оилада қўш хотинликка кескин қарши турган Отабек (Раҳмат, Ҳомид ва Отабеклар ўртасидаги суҳбатни эсланг)ни ҳам ўз измига солади. Бунга ишонтириш ёзувчидан катта маҳоратни талаб қилади. Бунинг асосий боисини ижодкорнинг халқ руҳиятини, урф-одатларини — менталитетини ниҳоятда юксак даражада билиши ва қадрлашидан қидириш керак. Ўзбек ойим — ўзбек аёли, аёл бўлганда ҳам Тошкентнинг ман-ман деган аёллари унинг соясига кўрпача ёзади. Отабек ота-онасининг розилигисиз уйланади, яна кимга, «бир анди»га (Ўзбек ойим сўзи). Бу уларнинг, айниқса, онасининг орзу-ҳавасини чилпарчин қилди, таъбир жоиз бўлса, бу уларнинг юзини ерга қаратиш билан баробар эди. Ўзбек ойим ўғлига нисбатан «тўйини тескари кийиб олди», ҳатто Марғилондан келган ўғли билан кўришмайди, бир неча бор келиб-кетишига эътибор ҳам бермайди, эри Юсуфбек ҳожига дашном сўзларини ёғдиради: «Ўғул ўсдиришни, ўғул тийишни билмадингиз... энди ихтиёр менда: ул келгунча, бир яхши жойга унашайин-да, келгандан сўнг тўйини ҳам жўнатиб юборайлиқ!» Шундай қилди ҳам. Юсуфбек ҳожи икки ўт орасида қолди. Ўғли ҳар жиҳатдан ҳақ, Юсуфбекдек одам қўшхотинлик одатининг салбий оқибатларини жуда яхши билади. Ҳар ота-она ўз фарзандининг бир суюкли хотин билан бахтли-саодатли қўша қаришини орзу қилади. Ҳожи хотинининг раъйига қарши боролмайди, на қилсинки, она ҳам орзу-ҳавасларининг ушалишини истайди. Аммо Юсуфбек ҳожи хотинининг бу ишларига бутунлай қарши, Олим понсад билан унашиб келганда, Ҳожи «лабини тишлаб қолади» ва «Санга сира ақл битмай кетар экан-да»,

дейди. Энди фақат бир йўл қолди: Отабекни кўндириш, бундан ҳам нозик масала — бу қарорни қудаларга етказиш.

Ота ва ўғил муносабатлари ҳамма вақт, ҳамма халқлар адабиётида асосий масалалардан ҳисобланиб келган. Юсуфбек ҳожи кенг кўламли сиёсий арбоб, оддий оилавий муносабатларда, ота ва ўғил муомалаларида ҳам теран фикр юритувчи доно оила бошлиғи сифатида гавдаланади. Шу маънода ёзувчи Юсуфбек ҳожига Отабекдан кўра кўпроқ масъулиятни юклайди, тўғрироғи, у асарнинг бош қаҳрамони мақомида туради. Бу ҳол отанинг ўғил билан бўлган мулоқотларида кўзга яққол ташланади.

Асарда ота ва ўғил муносабатлари, муомалалари шу даражада назокатлики, ҳозирда ҳам ота ва вояга етган ўғил ҳавас қилса, ибрат олса арзийди. Ҳатто Юсуфбек ҳожидай теран фикрли, ўта мулоҳазали ота ҳам ўғлининг чуқур мантиқли, шу билан бирга, ниҳоятда беозор айтилган жавобидан ўйланиб қолади, бирмунча вақт гап тополмай ерга қарайди, на қилсинки, Отабек ҳақ эди. Отабек жавобларида енгилтаклик, лов этиб ёниш, бирор ўринда ахлоқ доирасидан чиқишлар йўқ:

« — Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми, ҳайтовур биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...

Отабек, маълумки, уларнинг «қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган ишларини» албатта билар эди. Шундоғ бўлса ҳам, билмаганга солинди:

— Ақлик кишиларнинг ўғуллари устидан қилгон ишлари албатта номаъқул бўлмас, — деди.

Ҳожи ўғлининг бу жавобидан ерга қаради ва нима деб давом қилишни билмай қолди. Истеҳзо аралаш хотинига қараб олди...»

Юсуфбек ҳожи ҳаётнинг паст-баландини яхши биладиган доғнишманд, ўз ўғлига таъсир кўрсата оладиган меҳрибон ота сифатида ҳам гавдаланади.

Шу ўринда Юсуфбек ҳожининг яна бир улғу фазилати намоён бўлади, унинг Отабекка насиҳат юзасидан айтган сўзлари шунчалар кучли мантиққа асосланганки, Отабек ўйга толади: «Ўғлим, сан онангнинг гапига аччиёланма. У ҳар нарса деса, фақат Марғилондан уйланганингга қаршилиғидан айтадир. Аммо мендан сўрасанг, Марғилондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир ваҳж билан камсита олмайман, балки бизга қуда бўлмоққа энг мувофиқ кишилар эди, балли ўғлим, дейман. Санинг тиниб-тинчишинг, ўсиб-унишинг учун қувонмаган ота-она соғқа ҳисобланмайдир. Сан бунга яхши ишон. Аммо бизнинг ҳозирги баъзи бир раъйларимиз санга ётишиб келмас экан, бунга ҳаққинг ҳам бор, лекин иккинчи тарафдан бизни ҳам ҳақсиз ташлаб қўйма. Ўғлим, бизнинг сандан бошқа умид нишонимиз, ҳаёт қувончимиз йўқ. Дунёда кўруб ўта-

турган барча орзумиз, ҳавасимиз фақат сангагина қараб қолгон. Биз Худойи таолоға минглаб шукур айтамиким, сан бошқаларнинг фарзандидек эслик-хушлик бўлдинг; кишилардек сан билан ифтихор қилолмасак-да, сан орқалик хижолат чекмасимизга ишондик. Айниқса, онангнинг санинг туфайли кечиратурган умидлари тобора ортиб борди. Бу кун онанг санинг олдингга тиз чўкиб ва онанг кўнгли учун мен ҳам ораға тушиб сандан сўраймиз: сан ўз хоҳишинг йўлида уйланган экансан, рафиқанг санга муборак бўлсин. Эслилик даъвосида юрган ота-онанг тилаги албатта шундан бошқа бўлмас. Шу билан бирга, санинг сабаби вужудинг бўлган бир киши ўз ҳаёти ичида боласи орқали бир орзу-ҳавас кечирмакчи... Унинг бу орзусига ҳақ берасанми, йўқми яна ихтиёр ўзингда...»

«Ўтган кунлар» романининг китобхонлар эътиборини ром қилган яна бир фазилати шундаки, асарнинг ҳар саҳифасида, қаҳрамонлар ҳаракатида, нутқида миллий руҳ уфуриб туради, унда зўракилик, ясамалик умуман йўқ. «Қудаларни кутиб олиш» фаслини кўринг. Ўзбек ойимнинг Марғилондаги келини келиши муносабати билан кўни-кўшни, қариндош-уруғ аёллар йиғилган, ҳаммаёқ ёғ томса ялагудек тозаланган, қудаларнинг зиёфати учун керак бўлган ҳамма нарсалар муҳайё, уларнинг оёғига сўйиш учун катта ғўнон кўй ҳам тайёр, ўзбекнинг «Кудачилик — минг йилчилик» таомилича ҳамма гина-қудурат ўрнини меҳр-оқибат эгаллаган. Ўзбек ойимнинг яқинлари ўн чоғлик хотин «совутмачоқ дастурхон» атрофида ўтиришибди. Қудалар билан таништиришда ҳам бирор сунъийлик кўринмайди. Қайинота Юсуфбек ҳожининг келини Кумушбиби билан биринчи бор кўришишига эътибор беринг: «Кумуш уялиб зўрагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи кўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайиға текизиб олган ўз кўлини ўпди». Асосий меҳмонлар келгунча яқин аёлларнинг одатда кичикроқ муваққат дастурхон — «совутмачоқ дастурхон» атрофида ўтириши, оталарнинг бўйи етган қизлари ёки келинлари пешонасига текизган ўз кўлларини ўпиши — бу ҳаммаси ўзбеклар ҳаётигагина хос ниҳоятда нафис одатлардир.

Мана шу ўринда ёзувчи Зайнаб портретини чизишга, Кумуш билан Зайнаб муносабатларига, уларнинг бир-бирларини зимдан таъқиб қилишларига, ҳатто майда деталаригача эътибор беради: «Зайнаб зимдан Кумушни чақиб олди. Кумуш лой каби бўшашиб, Офтоб ойим ҳам оғир тортди. Зайнабнинг қариндошлари кулгансимон бир-бирларига қарашиб олдилар. Ўзбек ойим орадан ўтган сирни пайқади». Ёзувчи бу билан китобхонни кундошлар ўртасида бўлажак катта зиддиятларга тайёрлаётгандек бўлади.

Ўзбек ойим ҳам Юсуфбек ҳожи ва Отабеклардай заки ин-

сонларни етиштирган муҳитнинг вакили. У эри ва фарзанди қалбини ларзага солаётган андишаларни, ўта хатарли натижаларни вужудга келтириши мумкин бўлган бу хатти-ҳаракатларни идрок қилишдан ўта йироқ. Кеча Зайнаб атрофида гирдикапалак бўлган Ўзбек ойим бугун унинг бутунлай акси, худди Кумуш уни сеҳрлаб қўйгандай. Шу ўринда ҳам Зайнаб руҳиятини чуқур ҳис қилувчи Юсуфбек ҳожи Ўзбек ойимни аччиқ киноялар билан тўғри йўлга салади: «Сиз икки келин ушлашни билмабсиз, Зайнабка жабр қилган кўринасиз, айниқса Зайнабнинг кўнглига қарашингиз керак, Отабекка ҳам насиҳатингиз лозим!.. Қайин-она деганнинг адл туриши лозим. Зайнаб сиз билан маним орзу-ҳавасимиз эмасмиди?» Бу сўзлар — эр томонидан хўрланган келин дардларини теран ҳис қилувчи инсон сўзлари. Дарҳақиқат, Зайнаб — ўта фожейий образ. Эҳтимол, ўзбек адабиёти тарихида бунчалар оғир қисматли образ бўлмаса керак. Кумуш севди, севилди, севиклисига эришди, ҳижрон дардларию висол нашидасини сурди, ҳатто севгилисидан фарзанд ҳам кўрди. Зайнаб дунёга келиб нима кўрди? У севди, аммо севилмади. Халқимизда бир доно ҳикмат бор: «Эр хўрлади — эл хўрлади». У эридан хўрлик кўрди, қайнона орзу-ҳаваси бўла туриб, ундан ҳам хўрлик кўрди. Ахир, Зайнаб ҳам бахтли бўлишга ҳаққи бор эди-ку! Ёзувчи ҳамма вақт қаҳрамонларга нисбатан ўз муносабатини сир сақлайди, аммо Зайнабнинг охирги дард сўзларини ёзганда, чидай олмайди, фарёд чекади, унинг дардларига ҳамдардлигини яшира олмайди: «Менга сизнинг мизожингиз керак эмас... Ўзингиз!.. — деди ва йиғлаб ёлборган ҳолда Отабекнинг кучоғига ўзини ташлади. Отабек Зайнабнинг шу қадар юрак дарди борлигини биринчи мартаба билар эди. Бечора Зайнаб жонсиз ҳайкални ўпиб кучоқлар ва ёлборар эди».

Бечора Зайнаб бу фоний дунёнинг сўнгги неъматини ўлимдан ҳам маҳрум эди: фожианинг даҳшатидан жинни бўлиб қолди. Аммо шунда ҳам Отабекка бўлган муҳаббат уни тарк этмади. У йиллар давомида мажнуна ҳолда Худо берган кечаси Отабекни қабристонда илҳақ бўлиб кутади. Ахир, Отабек бир кунмас бир кун Кумуш қабрини зиёрат қилиш учун келади-ку!

Мана, улар яна учрашдилар:

«Кеча ойдин, қабристон тиб-тинч, узоғроқдан Куръон товуши эшитилар эди... Куръон оятлари қабристон ичига оғир оҳангда оқар эди. Қабр ёнига тиз чўккан йигитнинг кўз ёшлари ҳам Куръон оятларига қўшилиб оқар эди. Бирор соатдан кейин тиловат тўхталди. Отабек ҳолсизланиб оёғ узра турди ва орқасидаги ярим яланғоч кўлагани кўриб бир неча қадам қабр томонга тисланди... Кўлага ялингансимон унга яқин юриб келди...

— Ким бу?

— Мен Кумуш!..

Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнуна Зайнаб эди.

— Кет мундан!

— Мен Кумуш! — деди яна Зайнаб, аммо кетмай иложи қолмади. Зероки, дунёдаги энг яқин кишиси унга «кет!» амрини берган эди. Зайнаб орқасига қарай-қарай Отабекдан узоқлашди. Отабек қайтиб унга қарамади, қабр ёнига тиз чўкди...»

Бу сўнгги учрашув эди... Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий Зайнаб тимсолини яратишда буюк маҳорат кўрсатди. Ахир, Зайнаб муаллиф ва китобхоннинг муҳаббатини бирдай қозонган гўзал Кумушни ўлдирди, шундай бўлса-да, ёзувчи Зайнабга нисбатан қалбан ҳамдардлигини яшира олмайди.

«Ўтган кунлар» романининг пафоси кўпроқ Юсуфбек ҳожи ҳаракатларида, сўзларида намоён бўлади. Юрт бирлиги, миллат тақдири ва озодлиги «Ўтган кунлар» романини ҳаракатга келтирувчи пафосидир. Инқилоб деб аталмиш Октябрь тўнтариши миллатнинг истиқлол ҳақидаги интилишларини янчиб ташлашга киришди. Туркистон Мухториятининг қонга ботирилиши жадид мутафаккирларини, шу жумладан, Абдулла Қодирийни сиёсий воқеаларга ҳушёр кўз билан қарашга яна бир бор мажбур этди. Романда XIX аср ўрталари рус босқини арафасидаги парокандаликни қаламга олиш билан ёзувчи совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ олиб борилаётган янада даҳшатлироқ мустамлакачилик сиёсати ҳақида огоҳлантираётгандек бўлади. Бу ҳолни Юсуфбек ҳожининг юрт мустақиллиги учун ёниб айтган сўзларини амалда Отабек давом эттириб, Ватанни рус босқинчиларидан ҳимоя қилиб, жангларда қаҳрамонларча шаҳид бўлишида янада яққолроқ кўриш мумкин.

«Ўтган кунлар» романи 1956 йил ёзувчи Абдулла Қодирий оқлангандан кейин ҳам бир неча бор нашр қилинди. Аммо романнинг асл моҳиятини белгиловчи баъзи боблар олиб ташланди ёки «қайчиланди». Чунки Русиянинг босқинчилик сиёсати буюк миллат шовинизми тазйиқи остида оқ ва қизил империя даврида бирдай «буюк прогрессив», «маданийлаштирувчи» воқеа сифатида талқин қилиб келинди. Шунинг учун ҳам Русия босқинига бағишланган боблар шўролар мафкурасига бутунлай зид эди. Фақат мустақилликдан кейингина «Ўтган кунлар» романи ёзувчи назоратида чиққан асл нусха асосида нашр қилинди.

«Меҳробдан чаён» Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг иккинчи, «Меҳробдан чаён» романи 1928 йилда ёзиб тугатилди ва 1929 йилда босмадан чиқди. Бу икки буюк романнинг яратилишидаги оралик у даражада узоқ эмас, бор-йўғи 6 йил. Аммо бу

оралиқ бир-биридан кескин фарқ қилар, «Меҳробдан чаён» яратилаётган даврда коммунистик партиявий яккаҳоқимлик ҳамма соҳага, шу жумладан, бадиий адабиётга ҳам ўз тазйиқини ўтказишга астойдил киришган эди. Бунинг устига 1926 йилда ёзувчи бошига тушган ташвишлар, жадидчилик ҳаракати кескин қораланиб, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли каби унинг раҳбарлари ва фаоллари таъқиб остига олиниши, «Ўтган кунлар» романи устидаги машмашалар «Меҳробдан чаён» романига ўз таъсирини кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Бу ҳол унинг образлар тизимида ҳам кўзга ташланади.

Муаллиф бу роман учун ҳам Кўқон хонлигининг Худоёрхон ҳукмронлиги даврини асос қилиб олди. Аммо Худоёрхон ҳукмронлигининг бу даври — унинг учинчи марта тахтга келиши даври олдинги ҳукмронлик давридан анча фарқ қилар эди. Худоёрхон икки марта тахтдан олиниб, учинчи марта тахтга келиши билан анча малака орттирган, «Ўтган кунлар»даги ёш бола Худоёрхон эмас эди. Аммо хонликнинг катта ҳудуди қўлдан кетган, ниҳоятда маккор ва даҳшатли Русия империяси ҳукми — фармонида сўнги йилларини бошдан кечирмоқда эди. Худоёрхон бундай даҳшатли душманга қарши боролмас, борганда ҳам жангарилик билан иш битмас эди. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик билан тахтни бошқариш керак эди. Шу муносабат билан «золим бўлса ҳам маъмуриятпарвар экан» деган ном олиш учун ариқлар қазиш, мадрасалар, боғлар, саройлар, раста ва даҳмалар барпо қилишга алоҳида эътибор берди: «Хон икки марта тахтдан ҳайдалиб, анчагина тажриба ортдирган, учунчи мартаба тахтка ўлтуриши маданиятлик ўрус истибдодининг Тошкандни олиб, Хўжандга ҳам қўл узатқан саналарга тўғри келган эди. Бу кунги шароит тажрибалик хонни бошқача сиёсат ушлашқа мажбур этар эди. Ниҳоятда қаттиғ қўллик бўлиши, юқори табақа ҳисобланган уламони, ашрофни ўзига қаратиш лозим ва тахтига аждаҳо каби оғиз очиб келмакда бўлган ўрусларга қарши ўз маданиятини қуруб, жавоб бериши керак эди... Янги ўрда бино қилиши ўз кайфиға қараганда ҳам ўрусларға жонлилик кўрсатиш, ялтирасин шаъну шавкат билан Фарғонани ўз қўлида сақлаб қолиш учун эди».

«Меҳробдан чаён» романининг қаҳрамонлари аввалги роман қаҳрамонларидан анча фарқ қилади. Иккинчи романда ёзувчи халқ ҳаётининг қуйи ва ўрта табақа вакилларининг турмуш тарзини, умид ва орзуларини тасвирлайди. Улар турмушининг роҳатидан кўра машаққатини, адолатидан кўра маломатини, чучугидан кўра аччиғини кўпроқ тотиб кўришган. Анвар туғилган оилани олинг. Бахмалбоп маҳалласида ғариб Салим бўёқчи оиласида олтинчи фарзанд «чақирилмаган меҳмон» бўлиб дунёга келади. Очлик-ялан-

ғочлик — бу оиланинг доимий ҳамроҳи. Баъзи оилаларда фарзандни сабрсизлик билан, катта тантана сифатида кутиб олинса, бу оилада у катта ташвиш келтиради. Оиладаги доимий йўқчилик, Салим буюқчининг «ҳамиша ярим белидан нил сувига чўмилиб ётган»и уни хасталикка гирифтор қилади ва ёш ўлиб кетади, Анорбиби ҳам рўзғор тошининг оғирлигидан қирқ ёшларда ҳаётдан кўз юмади. Оила тутдай тўкилади: баъзи фарзандлар ўлиб кетадилар. Анварнинг икки катта оғаси Темир ва Қобил Самарқанд ва Бухорода дарбадарликда кун кечеришади, Анвар Солиҳ маҳдум уйида асранди фарзанд сифатида қўним топади ва унинг таълим-тарбиясидан, мурувватидан баҳраманд бўлади, бир оз бўлсада, ҳаёт унга кулиб боқади. Анвар шу оиланинг тўнғич фарзанди Раъно билан бирга вояга етади. У зийрак, илмга чанқоқ, қобилиятли, шу билан бирга ўта камтар йигит. У севгида вафодор, дўстларга садоқатли бўлиб ўсади. Унинг Раънога бўлган самимий муҳаббатини, ёшлигидаги дўсти Насимга ва кейинчалик Султоналига бўлган муносабатини эсланг.

Солиҳ маҳдум оиласи Қўқоннинг зиёли табақасига мансуб. У анча хасис одам, шу билан бирга, ёшлиқдан қолган ғайирлик, тамагирлик хусусиятлари бўртиб кўринади, оилани ейиш-ичишдан, кийим-кечакдан анча тергайди. Ҳатто иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглаб олгандан кейин ҳам бу ярамас одатлари уни тарк этмади. У бошқа мактабдорларни камситиш йўли билан эътиборли оилалардан чиққан болаларни ўз мактабига тортишга ҳаракат қилади. Муаллиф Солиҳ маҳдум характеридаги хасислик, тамагирлик, ичиқоралик каби хусусиятларни тўлароқ намоёйиш қилишда ҳазил-мутойиба, киноя, пичинг каби бадий воситалардан кенг фойдаланади. Унинг бу пасткашлиги, хасислиги ҳақида қизи Раъно ҳазил-мутойиба шеър ҳам битади:

Ёғлар тўкилса ерга ётиб ялар тақсирим,
Бўлса бозорда пастлик сотиб олар тақсирим.

Меним учун бир зирак, Раънобонуга жевак,
Деса ойим — «Не керак?!» юмма талар тақсирим.

«Кулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазл эмас,
Жевак тақиш фарз эмас!» ғавғо солар тақсирим.

Ёзувчи Солиҳ маҳдумнинг нуқсонларини асосли тасвирлаш билан унинг фазилат деса арзигўйлик жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтишни унутмайди. У Қўқоннинг пешқадам домлаларидан, юқори лавозимларда ишлайдиган собиқ шоғирдлари ҳам анчагина, умуман, қўқонликларни саводхон қилишдаги хизматлари катта. Анвар ва Раънога форс ва араб тилларини, араб тили грамматикаси

— сарф ва наҳв (морфология ва синтаксис)ни анча мукаммал ўргатган. Форс адабиётидан Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Мирзо Бедил; чигатой-ўзбек адабиётидан Навоий, Фузудий, Амирий, Фазлий асарларини ўқувчиларига ҳам ўргатади.

Ёзувчи феодал хонлик истибдоди ва унинг хотин-қизларга муносабатини очишга катта эътиборни қаратади. Шу муносабат билан Гулшанбону тимсоли воситасида китобхонни хон саройи ва ҳарами билан таништиради. Бу тимсолнинг ҳам ўзига яраша таржимаи ҳоли бор. Гулшанбону орқали хоннинг энг ишонган, эътиборли аёли Оғоча ойим билан, эркак зотининг кўз қири тушиши мумкин бўлмаган ҳарамнинг ички хоналарию сир-асрорлари билан таништиради. У ердаги хоналарда хоннинг фақат бир-икки «илтифотига» сазовор бўлган ёш-ёш қиз-жувонлар, улар ҳаётдан, эркаклар дунёсидан бутунлай узилганлар, кичик бир оилага бош, фарзандларга она бўлишдек бахтдан маҳрум этилганлар. Аслида хонга тақдим этилган ёки зўрлаб хон ҳарамига олиб келинган бу қизлар хонликнинг энг гўзал, бокира қизлари, ҳатто улар ҳарамга ташлангач, хоннинг кўнглини олиш учун хонликнинг энг машҳур хонандалари, созандалари, раққосаларидан санъат сирлари бўйича таълим олган санъаткор ҳамдирлар. Қирқ қизлар Гулшанбону билан шўхлик қиладилар, аския айтадилар, уни ҳазил-мутойиба, кесатиқ сўзлар билан қарши оладилар. Аммо уларнинг шўхликлари, Гулшан айтганидек: «тўқликқа шўхлик»дан эмас, аксинча, у «шўхликлар» замирида қанчадан-қанча мунг, ғам-алам, андуҳ яширинган?! Ўз севгилисидан юлиб олинган Назми қиссасини олинг: бечора Назми ўзининг, «қирқ қизлар»нинг дардини куйлай-куйлай чарчаган, ҳозир тупроқ остида абадий уйқуда. Нозикнинг ҳам севги тарихи ўзига хос: у Анварни бир кўришда севиб қолган, аммо у севган йигит мирзабоши Анвар эканлигини билмайди. Ёзувчи роман давомида фақат бир ўринда Анвар портретини чизади, шунда ҳам Нозик тилидан: «... сурма қўйгандек оху кўзи бор, қизил олмадек таранг юзи бор, энди чиқиб келган майса мўйлаби, Розия хонимниқидан ҳам нафисроқ қалам қоши... Устига кийган беқасам тўни ўзига шундай ярашқанки, биз қизлар ихтиёрсиз унга қарашдиқ...»

У севиб қолган йигит мирзо Анвар эканлигини билгач:

« — ... ўзи уйланганмикин?

— Мен қаёқдан билай, уйланганми, эмасми?.. Уйланмаган бўлганда ҳам сени олмас.

Нозик бир неча вақт жим қолди...

— Албатта мени олмас, — деди Нозик, унинг товушида шу чоққача эшитилмаган бир синиқлик оҳанги бор эди. — Албатта, сен айтканча, мени олмас. Менга ит теккан, мен...

Гулшан жавоб бермади. Бир оздан сўнг қатордан пишиллаган товушлар эшитилади ва бу пишиллашни ора-чора пиқ-пиқ йиғлаган товуш бузар эди».

Инсон қалбини ларзага солувчи фожеий дард-андух...

Моҳият эътиборига кўра, асар «Меҳробдан чаён» деб бежиз номланмаган. Мусулмон одами учун меҳроб муқаддас жой, яъни масжидда ярим ой шаклида Каъба томонга қарата ишланган, имом намоз ўқийдиган жой. Бадиий адабиётда диний-тасаввуфий шеърларни меҳробга қараб ёқимли овоз билан куйга солиб ўқийдиган ҳофизларни «меҳробхон» дейишган. Романнинг бош салбий образи Абдурахмон домла — муқаддас жойдан чиққан одам шаклидаги чаён. У ўта ҳасадгўй, ўз манфаати йўлида ҳар қандай гўзал инсоний фазилатларни янчиб ўтади. Мадраса кўрмаган Анварнинг хон саройида мирзо, кейин бош мирзо бўлишига, ҳатто унга яхшилик қилиб саройга ишга олганда ҳам асло чидай олмайди. Ёзувчи ундаги бундай битмас-туганмас ҳасаднинг пайдо бўлиш илдизларини ишонарли далиллайди: «Бу жавобдан кейин Абдурахмоннинг дами ичига тушиб, ўз тақдирига лаънат ўқуди. Аммо кўнглида Раънони оладирган Анвар исмлиқ йигитка қарши бир кек туғилди. Бу жавоб чиндан тўғрими, найрангми йўқми, деб ўрдада хизмат қиладирғон Анвар отлиқ мирзони сўраштиради. Тўғрилигини билиш устига ҳатто бу Анварни кимлигини ҳам хотирлади: ўзи Бухорога кетар олдида Солиҳ махдумнинг мактабида ўқиб юрғон ўша ятим бола эмиш. Уч-тўрт йиллардан бери ўрдада мирзолиқ қилиб, неча тилло моҳона олар эмиш... Бу сўраштириб билишдан кейин Абдурахмоннинг ичи яна ёниб кетди; Бухорода хатми кутуб қилиб келган бир «олим», ақалли бир маҳалла имоматига хархашасиз ўталмасин-да, унинг ҳаром тукига арзимаган бир бесавод ятим ва баднажот исқирт ўрдадан фалон тилло вази-фадор бўлсин ва шу туфайли-да Раъно каби бир қизни ҳам ўзиники қилсин: бу айниқса, киши чидарлик гап эмас эди...»

«Кўр кўр билан қоронғида танишар» деганларидек, Абдурахмон домла ўзига ўхшаган Калоншоҳ, Шаҳодат муфти каби ҳасадгўй, аламзада ҳамтовоқлар билан Анвар ва Султонали мирзоларни турли балоларга гирифтор қилади. Ахир, бундай разилликни шарият, дин ҳам қаттиқ қоралайди. Бу ўринда ёзувчи сатира тиғини динга эмас, дин номидан иш кўрувчи, унинг аҳкомларини оёқости қилувчи Абдурахмон домла каби мунофиқ, ҳасадгўй дин пешволарига қаратади.

Ёзувчи Ойбек «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» асарида А.Қодирийнинг дин пешволарига бундай қарашини романнинг камчилиги сифатида танқид қилган эди. Аслида бундай қараш Қодирийнинг мусулмон динига бўлган муносабатининг негизи-

ни ташкил қилар эди. Зоҳиран, Анвар ва Раъно севги-муҳаббатда ўзбек дostonларидаги қаҳрамонларга ҳамоҳанг. Улар ўртасидаги муҳаббат мушоирасини эсланг:

Анвар:

Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.

Раъно:

Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидин,
Не бахт, Раъно харидоринг талаб аҳлининг «Мирзо»си...

Улар ишқий мулоқотда, садоқатда, ақл-заковатда афсонавий қаҳрамонларга ўхшаб кетадилар. Чунки улар нафақат Шарқ мумтоз шеъриятидан, буюк «Хамса» дostonларидан ҳам хабардорлар. Аммо улар шу замин ва замон кишилари. Бу ҳол уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Улар бир хонадон фарзандлари каби ўсиб-улғаядилар, шундай экан, улар бир-бирлари билан ҳатто севги мунозарасида ҳам эркин. Айниқса, Раъно характери китобхонни ўзига ром этади. Унинг жасурлиги, иродали қиёфаси романдаги «Очиқ хат», «Маъшуқа маҳбаси», «Жасур қиз» бобларида чуқур очиб берилган. Ўрни келганда, шуни ҳам қайд этиш керакки, эркак либосини кийиб, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашган, ҳатто Ватан ва халқ манфаати йўлида от миниб, қилич чопган ва қаҳрамонлик кўрсатган аёллар Ўзбекистон тарихида кўп учрайди.

Раъно ва Анварлар муҳаббати, демак, уларнинг тақдири ҳал қилинаётган бир пайтда Анвар қатъият кўрсата олмайди. Иккиланиб қолади. Муҳаббатнинг фалсафий моҳияти ҳақида гапирари. Аммо Раъно хонга қарши исён кўтаради: «Хоннинг ифлос тўшагида ётмайман», деб кескин жавоб беради, Анварни йўлга солади, уни кураш майдонига қайтаради.

А. Қодирий бу романда ҳам ўз маслағига содиқ қолди: ҳаёт ҳақиқати, миллий руҳ асар қатларига шунчалар сингдириб юборилганки, ҳоким шўролар мафкурасининг тазйиқи китобхон эътиборидан четда қолади. Бу ёзувчининг улкан маҳорати натижасидир.

Абдулла Қодирий 1934 йилда замонавий мавзуда — қишлоқ аҳли, деҳқонлар ҳаёти ҳақида ўзига хос «Обид кетмон» қиссасини яратди. Ёзувчи бу асарида ўзигача рус адабиётида (масалан, М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романи) коллектив хўжалик ҳаётини, қулоқлар ва батраклар ўртасидаги кескин курашларни акс эттирувчи асарлардан андаза олмади. Аксинча, ўзбек деҳқони, айниқса, ўртаҳол деҳқонлар руҳиятини тўлақонли тасвир-

ловчи образлар яратди. Бу асарни 1930 йиллар вулгар социологизми билан қуролланган адабий танқидчилик мафкуравий бузуқ асар сифатида баҳолади.

Ҳозирги ўзбек насри мазмун ва жанрлар жиҳатидан ниҳоятда юксакликка эришган. Айниқса, тарихий мавзуда Ойбекдан кейин ҳам қатор кенг қамровли романлар яратилди ва яратилмоқда. Буларнинг ҳаммасида А. Қодирий мактабининг таъсирини кўриш мумкин.

Абдулла Қодирий 1937 йилнинг сўнгги куни 31 декабрида иккинчи бор қамоққа олинди. Бу гал қамоққа олинганда Сталин қатағони машинаси бутун куч билан тинимсиз ишлар, янги-янги қурбонлар талаб қилар эди. Буюк ёзувчига ҳам «халқ душмани», «миллатчи», «аксил инқилобчи» деган айблар қўйилди ва 1938 йил 4 октябрда отиб ўлдирилди. Бу билан шўролар ҳукумати кифояланмади: А. Қодирийни авлодлар хотирасидан бутунлай сидириб ташлаш учун унинг асарларини ҳам қатағон қилди, аммо бунинг уддасидан чиқа олмади. Истиқлол, мустақиллик туфайлигина унинг муътабар номи, завол билмас асарлари тўлалигича халқ маънавий мулкига айланди.



АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН

(1897–1938)

Чўлпон XX аср ўзбек адабиётининг энг машҳур намояндаларидандир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти адабиётимизнинг энг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил қилади. У бадиий ижоднинг деярли ҳамма тури билан фаол шуғулланди. Шеър, ҳикоя, роман, драма, танқид, таржима — ҳаммасида ижод этди. Лекин, биринчи навбатда, янги ўзбек шеъриятининг асосчиси бўлиб тарихга кирди. У анъанавий мумтоз шеъриятимизни ислоҳ қилди. Ундаги сирлилиқ, қўлетмаслик, тантанаворлик, нуктапардозлик ўрнига самимий, табиий, жонли ифода усулини олиб кирди. Маъшуқа тавсифи ва ҳол шарҳини янги асосларга кўчирди. Воқелиқ унинг учун ҳам асосий тасвир объекти, ҳам уни баҳолайдиган мезон эди. Шеърят ҳеч қачон кундалиқ халқ ҳаётига бу қадар яқин кириб бормаган эди. Халқ ҳаётида юз берган ҳар бир ҳодиса унда ўша заҳотиёқ акс садо топди. Ҳар бир ҳодиса Ватан ва Миллатнинг манфаати нуқтаи назаридан ёритилди. Замон қоришиқ эди. Бир томондан, мустабид чор ҳукумати кулаб, тарих мустамдақа зулмини тортиб келган миллатларга ўз мустақилликларини ўрнатиш учун буюк бир имкон берди. Айни пайтда, шўролар ижтимоий озодликни, йўқсулпарварликни байроқ қилиб, меҳнаткаш Туркистон қалбини забт этмоқ учун курашни кучайтирдилар. Ва бунга эришдилар. Ҳокимият гарчи большевикларга 1917 йилнинг ноябрида ўтган бўлса-да, унинг ўрнатилиши, табиийки, узоқ ва шиддатли курашлар остида кечди. Шўролар бу санани, яъни «социализм томон буюк бурилиш»ни 1929 йил деб белгилайдилар. Шунгача бўлган давр **ўтиш даври**дир. Ўтиш даврининг ўз хусусиятлари бор, албатта. Масалан, ўзбек миллий шеърияти ифода ва тимсоллар тизимида ошкоралиқдан пинҳонийликка, оҳангда эса, кескинликдан мурасага томон боргани кўрилади. Шунга кўра, шеъриятимизда 10-йилларда хитоб ва чақириқлар кучли бўлса, 20-йилларда рамзий тимсоллар, имо-ишоралар кўп.

Янги шеър биргина ғоя ва мазмуни эмас, нафосатига кўра ҳам миллий эди. Масалан, арабча, форсча сўзлар ўрнига туркий-ўзбек, эски ўзбек сўзларига эътибор қаратилиши, арабий аруз ўрнига қадим туркий бармоққа мурожаат қилиниши, сарбастнинг кириб келиши бунга далил. Айни пайтда, бу шеърят, шу жумладан, Чўлпон поэзияси, бир томондан, Шарқнинг бой маънавияти анъаналарига суянса, иккинчи томондан Фарбнинг рангин фалсафасидан, оҳангларида ҳам озиқ олди. Чўлпон шеърятини Шарқ ва Фарбни ўзида жамулжам эта олган шеърятдир.

Чўлпоншунослик

Чўлпон адабиёт саҳнасида кўриниши биланоқ кўзга ташланган ижодкорлардан. Бинобарин,

чўлпоншунослик унинг ижоди билан бирга бошланган десак, муболаға бўлмас. Унинг матбуотда эълон қилинган биринчи асари эса, мутахассисларимизнинг аниқлашларига қараганда, «Садойи Туркистон»нинг 1914 йил 18 апрель сонидида «Абдулҳамид Сулаймоний» имзоси билан босилган «Туркистонли қардошларимизга» шеърдир. Гарчи «Абдулҳамид Сулаймоний» номи 10-йиллардаги матбуот саҳифаларида тез-тез учраб турса-да, у ҳақдаги дастлабки мақолалар 20-йилларнинг бошларида пайдо бўлди. Ва буларнинг биринчиси татар ёзувчиси Зариф Баширий(1888–1962)нинг 1923 йил 4 майда «Туркистон» газетасида шоирнинг илк тўплами «Уйғониш»га ёзилган тақризи эди. Шу йили мазкур газетанинг 10 декабрь сонидида мунаққид Вадуд Маҳмуд(1897–1976)нинг шоирнинг иккинчи шеърий тўплами ҳақидаги «Чўлпоннинг «Булоқлар»и» номли тақризи босилиб чиқди. 1924 йилда татар адабиётшуноси Абдураҳмон Саъдий (1889–1956), 1925 йилда машҳур Абдулла Қодирий у ҳақда ёздилар.

1927 йилда танқидчи Олим Шарафиддинов(1903–1943)нинг «Ўзбек шоирлари. (Чўлпон)» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 14 февраль) мақоласи билан матбуотда шоир ижоди ҳақида катта баҳс очилди. О.Шарафиддинов Чўлпон ижодини илмда эндигина шаклланиб келаётган марксча методология асосида текширади ва унинг асарларига синфий ёндашиб, «Чўлпон бойлар, миллатчи зиёлиларнинг мафкурачисидир, шуларнинг шоиридир», «Чўлпоннинг асарлари босдирилар экан, уни қаттиқ таҳлил қилиб, кучли цензурадан ўтказиб, мувофиқларини босиш керак» деган хулосани беради. Унга жавобни ёш Ойбек берди. «Чўлпон шоирни қандай текшириш керак?» деган мақола билан чиқиб, унинг шеърларини мафкура эмас, санъат қонунлари асосида текшириш лозимлигини уқдирди ва русларнинг Пушкинга муносабатини ибрат қилиб келтирди. Баҳсга журналист, партия ва давлат ходимларидан Усмонхон Эшонхўжаев (1898–1938) аралашади. «Мунаққиднинг мунаққиди» («Қизил Ўзбекистон» г., 22, 23, 27 июнь) мақоласини ёзиб,

Ойбекнинг фикрларини рад этади. Шоирга «дунёқараши йўқ», «та-назулпарвар», «хаёлпараст» деган айбларни ёпиштиради. Улардан «чўлпонизм»ни келтириб чиқаради ва бунинг ёшлар учун ғоят зарарли эканлигини тушунтиришга тушиб кетади. Ойбек «Мунаққиднинг мунаққиди» мақоласининг эгасига» жавоб (мазкур газета, 23 август) билан чиқади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромов Республика маданият ходимларининг шу йил 4–5 октябрда бўлиб ўтган 2-қурултойидаги «Мафкуравий жабҳадаги кураш ва маданият ходимларининг вазифалари» номли маърузасида баҳсга яқун ясайди. О. Шарафиддинов ва Усмонхон фикрларини қўллаш билан чекланмай, «Чўлпонни қайта тарбиялаш мумкинлиги» масаласини ҳам «баҳсли» ҳисоблайди. Шу тариқа, унинг ижоди устидан «зарарли!» деган ҳукм чиқарилади. Чўлпон қурултой ҳайъатига арзнома билан мурожаат қилади, кейинги шеърларида қисман «миллатпарастлик» кайфиятлари бўлганлигини тан олган ҳолда ўзига қўйилаётган барча сиёсий айбларни рад этади. Унга қулоқ солмайдилар ва қурултойдан қувиб чиқарадилар. Машҳур адабиётшунос Озод Шарафиддинов ушбу 1927 йил можаросини «Адабиётшунослик ва танқиднинг манқуртга айланиши» деган кўп йиллик ва кўп пардалик фожианинг биринчи пардаси» деб атайди.

Шундан кейинги ўн йил Чўлпон ва чўлпончиликка қарши кураш билан ўтди. Шўролар ҳукумати уни «фош қилиш»га ўз даврининг деярли барча ижодкор зиёлиларини жалб қилишга муваффақ бўлди. У ҳақда Москвада ўқиб келган ёш Отажон Ҳошимдан тажрибали, дунё кўрган Миёнбузрук Солиҳовгача, йўқсулпарвар танқидчи Анқабой Худойбахтовдан ёзувчи М. Швердингача ёздилар. Абдурахмон Саъдий 20-йиллардаги қарашларидан чекиниб, Чўлпонни «ашаддий миллатчи» қилиб кўрсатди. «Ким ўзар»лик мусобақаси шу даражага етдики, унинг ҳали нашр қилинмаган китоблари ҳақида «фош этувчи» сўз айтиб, соврин талашдилар. Ёзувчи Туйғуннинг Чўлпон қамалишидан озгина олдин 1937 йил 22 майда «Ёш ленинчи» газетасида эълон қилган мақоласи шоирнинг босилмасдан изсиз йўқолган «Жўр» номли шеърий тўплами ҳақида эди¹.

Шу тариқа, бу машъум фожианинг «иккинчи пардаси» (О. Шарафиддинов) Чўлпоннинг ҳибсга олиниб, қатл қилиниши билан яқунланди.

Нихоят, замон айланиб, шўро тизимининг темир мурватлари бир оз дарз кетиб, 1956 йил шабадалари 30-йиллар қатағонларини юмшатгандек бўлди. Чўлпон оқланди. Тезкорлик билан унинг

¹Қаранг, Озод Шарафиддинов, Чўлпонни англаш. Т., «Ёзувчи» нашриёти, 1994, 30–32-бетлар.

ижодий меросини ўрганувчи беш кишилик (Баҳром Раҳмонов — Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби — раис; аъзолар: Уйғун, Мирзакалон Исмоилий, Фулом Каримов, Озод Шарафиддинов) эътиборли ҳайъат тузилди. Лекин иш силжимаси. 60-йилларнинг ўрталарида «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида шоирнинг уч-тўрт шеъри билан «Шўро ҳукумати ва санойи нафиса» деган мақоласи чиқди-ю, яна ҳамма нарса тақа-тақ тўхтаб қолди. Аксинча, у ҳақдаги фикр ва баҳо деярли олдингидай давом этаверди. Ҳатто бу борадаги хатти-ҳаракатлар жазолана бошлади. Масалан, 1968 йилда тузилган «Тирик сатрлар» антологияси, биринчи навбатда, Чўлпон шеърларидан намуналар киритилгани учун босмахонадан чиқмай, қатағон қилинди. Ношир ва муҳаррир Марказқўм мақомида муҳокама қилинди. 70-йилларнинг охирида эса, Чўлпон ва унинг замонаси тадқиқига қўл урган Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти бошида калтак синди. Ва бу ҳол қайта куриш ва ошкоралик замонигача давом этди. Ниҳоят, 1988 йилда «Кеча ва кундуз» романи Озод Шарафиддинов сўзбошиси билан «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинди. Бир йил ўтар-ўтмас, «Юлдузча» нашриёти шоирнинг «Баҳорни соғиндим» номи билан мўъжазгина шеърий тўпламини чоп этди¹. 1991 йилда Фафур Фулом нашриёти адибнинг «Яна олдим созимни» номи билан салмоқли китобини босиб чиқарди². Мустақиллик Чўлпон ижодини халққа танитишни янги асосларга қўчирди. «Хазина» илмий-ижодий бирлашмаси 1993 йилдан унинг уч томлик асарлари нашрини бошлади ва шундан иккитаси 1994 йилда нашрдан чиқди. «Маънавият» нашриёти шоир таваллудининг 100 йиллигига унинг «Гўзал Туркистон» номли бир шеърий тўпламини эълон қилди³. Айни пайтда, у ҳақда кенг кўламда тадқиқотлар ҳам майдонга кела бошлади. Дастлабкилари истиқлолимиз билан изма-из майдонга келди. Булар Озод Шарафиддиновнинг «Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар»⁴, Наим Каримовнинг «Чўлпон»⁵ рисоалари эди. Шу йили З. Эшонова «Чўлпон поэзиясининг ғоявий-бадиий хусусиятлари» мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлади. Бир йил ўтгач, Д. Куронов «Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида характер психоло-

¹ Чўлпон. Баҳорни соғиндим. Т., «Юлдузча», 1989, 64-бет. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи Иброҳим Ҳаққулов.

² Чўлпон. Яна олдим созимни. Кеча ва кундуз. Ёркиной. Шеърлар. Т., Фафур Фулом нашриёти, 1991, 576-бет. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Озод Шарафиддинов.

³ Абдулхамид Чўлпон. Гўзал Туркистон. Т., «Маънавият», 128 бет. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Бойбўта Дўстқораев.

⁴ Озод Шарафиддинов. Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар. Т., «Чўлпон» нашриёти, 1991, 112 бет.

⁵ Наим Каримов. Чўлпон, Т., «Фан», 1991, 84 бет.

гизми» номида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1998 йилда ушбу муаллифнинг «Чўлпон насри поэтикаси» мавзуидаги докторлик иши ёқланди. Шунингдек, унинг адабий-эстетик қарашлари, миллий-поэтик тафаккури, публицистик маҳорати билан боғлиқ қатор диссертациялар ёзилди¹ ва ёзилмоқда. Айни пайтда бир қатор рисолалар, китоблар ҳам нашр қилинди². Тадқиқотчилар орасида Чўлпоннинг ҳассос ва фидойи мухлиси Озод Шарафиддиновнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Олимнинг 1991 йилда нашр этган «Чўлпон» рисоласи у ҳақда қилинаётган ишларнинг мазмун ва йўналишини белгилаб берган китоб бўлди. «Чўлпонни англаш» эса, моҳиятан чўлпоншунослик тарихининг бугунги кун талқинидир. Ёшлардан Чўлпон насри буйича Д. Қуро-нов самарали ишламоқда.

2003 йилда Н. Каримовнинг «Чўлпон» маърифий романи «Шарқ» нашриётида босилиб чиқди.

Адибнинг ҳаёти ва ижодини атрофлича ўрганиш ва ҳар томонлама баҳолаш, хусусан, янги ўзбек адабиётининг шаклланиши ва тараққиётидаги ўрнини илмий асослаб бериш ишлари энди бошланмоқда.

Ҳаёт йўли «Чўлпон» тахаллуси билан шуҳрат топган Абдулҳамид Сулаймон 1897 йилда Андижон шаҳрининг Қатортерак маҳалласида дунёга келди. Отаси Сулаймон Мулла Муҳаммадюнус ўғли (1874–1929) баззоз эди. Баззоз – газламафуруш дегани. Тахмин қилиш мумкинки, оила ўзига тўқ бўлган. Маълумотларга қараганда, Сулаймон баззоз замонасининг кўзи очик зиёлиларидан бўлиб, «Расво» тахаллуси билан шеърлар ёзган, ҳатто девон тартиб қилган. Ўғли Чўлпон билан шеъррий ёзишмалари бўлганини нақл қиладилар. Хонадонда замоннинг олиму фозиллари тез-тез бўлиб турганлар.

Абдулҳамид дастлаб эски мактабда, сўнг Андижон, Тошкент мадрасаларида ўқийди. Шунингдек, Андижондаги рус-тузем мактабида ҳам таҳсил олган. Ёшлиқдан матбуот билан танишиб борган.

Бўлажак шоирнинг шаклланишида айрича роль ўйнаган ҳоди-

¹ Қаранг: Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари, НДА, Т., 1995; Эр-назарова Г. Ҳ. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (А. Чўлпон, Ф. Фулом, А. Орипов шеърини мисолида), НДА, Т., 2001; Йўлдошбекова С. С., Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти, НДА, Т., 2002.

² Лутфиддинова Х. Зеби, Зебона..., Т., Ўзбекистон, 1993; Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш, Т., «Ёзувчи», 1994; Қуроно Д. Рухий дунё таҳлили, Т., Хазира, 1995; яна шу муаллиф: Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси, Т., «Ўқитувчи», 1997; Тўлаков И. Чўлпон маҳорати, Андижон, 1997; Рўзимухаммад Б. Чўлпон – тонг юлдузи демак (Абдулҳамид Чўлпоннинг педагогик қарашлари), Т., «Ўқитувчи», 1997; С. Мамажонов. Бизнинг Чўлпон (Бадиий-публицистик мақолалар), Т., «Ёзувчи», 1997; Н. Каримов. Истиклолни уйғотган шоир. Т., «Маънавият», 2000 ва ҳ.к.

салардан бири унинг Заки Валидий (1890–1970) билан танишуви бўлди. 1912 йилда Заки Валидийнинг «Турк ва татар тарихи» деган китоби босилади. Китоб қисқа муддатда катта шуҳрат топади. «Турк юрду» (Туркия), «Таржимон» (Крим), «Вақт» (Оренбург) мақолалар беради. Машҳур Бартольд муаллифни Петербургга таклиф этади. Қозон университети тарих ва археология жамиятига аъзо қилиб олади. Туркистондан таниқли маърифатчи Ашурали Зоҳирий ва Қўқон хони оғалиқзодаси Юнусхожи Оғалиқов Заки Валидий билан яқиндан танишиш ва суҳбатлашиш учун Бошқирдистонга борадилар. Беҳбудий Туркистон тарихини ёзишни биргина унга ишониб топшириш мумкинлигини матбуотда ёзиб чиқади ва ёш олимни Самарқанд мадрасаларига таклиф этади. 15 яшар Абдулҳамид ҳам бу китобни ўқиб чиқади. Таъсирланиб, муаллифига миннатдорчилик мактуби ёзади, Андижонга таклиф этади. Тақдирнинг тақозоси билан Қозон университети Заки Валидийни 1913 йилнинг охирларида Фарғона водийсига илмий сафарга юборади. Олим Андижонда экан, Назир Тўракул (машҳур Назир Тўракулов, давлат ва жамоат арбоби) билан бирга Абдулҳамидлар уйда бўлади¹ ва бу алоқа Заки Валидий яширин фаолиятга ўтган 1920 йилга қадар давом этади.

Бошқа омиллар ҳам бўлган. Ёзувчи В. Ян ўз хотираларида («Советская энциклопедия»да Чўлпон ҳақида мақола ёзиш жараёнида у билан суҳбатлашган эди) шоирнинг отаси уни мударрис қилмоқчи бўлгани, лекин у мадрасада бир дунё кўрган зиёли билан танишиб, фикри тамом ўзгаргани, «адабий-сиёсий ишларга қизгин ҳавас уйғониб», «ўзбек миллий ўқувчиси бўлишга қарор бергани», айна пайтда, барча ёшлар сингари Фитрат таъсирида юргани ҳақида ёзган эди². МХХ архиви ҳужжатларидан ҳам унинг Абдурауф Фитратга алоҳида ихлоси борлиги маълум бўлади. Жумладан, у Фитратни 1913 йилдан ғойибона таниган. Илк бор Самарқандда Фитрат муҳаррирлик қилган «Хуррият» таҳририятида учрашганлар. 1919 йилдан бутун фаолиятлари ҳамкорликда, ҳамфикрликда кечган³. Хуллас, Чўлпоннинг матбуотдаги дастлабки шеър ва мақолалари 1914 йилдан кўринади. «Садойи Туркистон» газетаси 1914 йил 14 апрель сонидида «15 яшар Абдулҳамид афанди»нинг «Туркистонли қардошларимизга» шеърини муштарийларига ҳавола этар экан, ўқувчиларни «ёшгина

¹Бу қизиқарли эпизод Заки Валидийнинг «Хотиралар» китобида (Анқара, 1999, нашрга тайёрловчи Исанбика Туган) батафсил келтирилган (98–101-бетлар).

² Қаранг: «Совет Ўзбекистони» г., 1989 й., 3 сентябрь.

³ Қаранг: Аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси маҳбус Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон)нинг 1937 йил 10 августдаги кўрсатмаларидан кўчирма. МХХ архиви. Абдурауф Фитратнинг 4269-рақамлик айблов иши.

қалби ила ёруғлик ва илм-маориф йўлига бошлаган»идан мамнунлигини яширмаган ва унинг келажагига катта умид билдирган эди. Мутахассисларнинг аниқлашларича, «Садойи Туркистон»нинг 1914 йил 29 апрель сонида чоп этилган «Қурбони жаҳолат» ҳикояси Чўлпоннинг биринчи насрий асаридир. Дастлабки асарлари «Абдулҳамид Сулаймон», «Абдулҳамид Сулаймоний» имзолари билан босилди. Сўнграқ «Қаландар», «Мирзақаландар» ва ниҳоят, «Чўлпон» тахаллуслари билан чиқди. Тарихимизга Чўлпон номи билан кирди.

В. Ян юқоридаги хотирасида Чўлпон тилидан унинг мударрис бўлишдан қочиб, Тошкентга келгани ва газета-журналлар тахририятида юргани айтилади. Ҳар ҳолда у шу йиллари газеталар билан яқин алоқада бўлганига шубҳа йўқ. Заки Валидий унинг 1917–1918 йилларда сиёсий ишлар билан ҳам шуғулланганини, жумладан, Оренбургда Бошқирдистон ҳукумати раисининг котиби лавозимида ишлаганини маълум қилади¹. Иккинчи бир ўринда «Туркистон ҳукумат аъзоларидан Убайдулла Хўжа ва сафдошлари Мирмуҳсин, шоир Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), бухороли Абдулҳамид Ориф ўғли шу пайтларда (1918 йил ёзи кўзда тутилади) Бошқирдистонда ишладилар»², деб ёзади. Бу маълумотни Бошқирдистон ҳукумати раҳбарининг ўзи келтираётган экан, у ҳар қандай шубҳадан холидир³. Шоирнинг машҳур татар хурриятпарвари Мулланур Воҳидов (1885–1918) ўлимига бағишлаб шеър ёзиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Чўлпон, юқоридаги эътирофларига қараганда, 1919 йилда Тошкентда Фитрат ёнида бўлган, «Чигатой гурунги»да иш олиб борган. 1920 йилнинг августида Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари қурултойида иштирок этади.

Адибнинг 1927 йилда ўзбек зиёлиларининг қурултойига ёзган аризасидан шу йиллари ТуркРосТада, «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Бухоро ахбори» газеталарида масъул лавозимларда ишлагани маълум бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, у Бухорода Фитрат ҳукумат таркибида ишлаб турган 1920–1923 йилларда хизмат қилган. Зиё Саид унинг бир муддат 1920–1922 йилларда чиқиб турган «Бухоро ахбори»да масъул муҳар-

¹ Қаранг: Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бугунги турк эли (Туркистон) ва унинг яқин тарихи, 1-жилд, 2-нашри. Истанбул, 1981, 568-бет.

² Шу китоб, 369-бет.

³ Бошқирдистон мухторияти дастлаб 1917 йил 17 ноябрда эълон қилинган. 1918 йил 18 январда советлар томонидан тарқатилиб, ҳукумат аъзолари қамоққа олинган. Иккинчи маротаба 1918 йил 7 июнда тузилди. Лекин вазият мураккаблашиб, ҳукумат 1919 йилнинг бошидан Москва билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлади. Шу тариқа, иккинчи бор қурилган ҳукумат ҳам тарқайди. Демак, Чўлпоннинг Оренбургда ишлаши асосан 1918 йилга тўғри келади.

рир бўлганини қайд этади¹. Заки Валидий хотиралари ҳам унинг 1921–1922 йилларда Бухорода яшаганини тасдиқлайди. 1922 йилда Тошкентда чоп этилган «Ўзбек ёш шоирлари» шеърый тўплами (антологияси)да унинг 14 шеъри босилиб чиқади. Шу йили «Уйғониш» номи билан унинг биринчи шеърый тўплами эълон қилинади. 1923 йилнинг бошларида эса, иккинчи шеърый тўплами «Булоқлар» нашрдан чиқади.

Проф. Озод Шарафиддинов Чўлпоннинг 1924 йилда Москвада Маориф уйи қошидаги ёш ўзбек артистларининг маҳоратини ошириш учун ташкил қилинган драматик студиянинг адабий эмакдоши ва раҳбарларидан бири бўлганини маълум қилади². Заки Валидий «...сўнг замонларда Москвада адабиёт ва санъат институти ёхуд академиясида ҳам таҳсил олган»³, дейдики, ҳар икки маълумот моҳиятан бир-бирига яқин. Бу йиллар, дарҳақиқат, Чўлпон учун таҳсил йиллари бўлди. Москва адабий-маданий муҳити билан яқиндан танишди. Театр ва театрчилик сирларини ўрганди. 1926 йилда учинчи шеърый тўплами «Тонг сирлари» ва «Ёрқиной» пьесаси чоп этилди. Бу даврга келиб у замонасининг энг машҳур шоири бўлиб танилди.

Шу тариқа 1927 йил кириб келди. Шўро ҳукумати ижтимоий уйғониш байроғи остида миллий уйғонишга қарши ҳал қилувчи хужумга ўтди. Даврнинг биринчи миллий шоири Чўлпон зиёлилар қурултойидан ҳайдаб чиқарилди. Қийин-қистов кунлар бошланди. Асарлари минг бир чиғириққа солинди. Босилган шеърлари устидаги «ур калтак» кучайгандан кучайди. Дастлаб «ғоясиз» дейиш билан чекланилган бўлса, энди уларни «зарарли», муаллифни эса, очикдан-очик «душман» дея бошладилар. Шоир қанд касалига мубтало бўлди. Замон оғирлашиб борди. Боту қамалди. Мунавварқори отилди... Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, 1931 йилда Чўлпон Файзулла Хўжаев томонидан Москвага жўнатиб юборилади ва тадбиркор раҳбар шу йўл билан шоирни бир муддат сақлаб қолади. Чўлпон 1932–1934 йилларда Москвада яшади. СССР Марказий Ижроия Комитети аппаратида таржимон бўлиб ишлади. Бадиий таржима билан ҳам шугулланди. Шекспирнинг «Ҳамлет», Карло Гоццининг «Маликаи Турондот» асарларини таржима қилди. «Кеча ва кундуз» романини ёзди.

У Тошкентга 1935 йилда қайтиб келди. Шоир атрофидаги гап-сўзлар, таҳқир ва таъқиб ҳамон давом этарди. Шуларга қарамай,

¹ Қаранг: Зиё Саяд. Танланган асарлар. Т., 1974, 74-бет.

² Қаранг: Озод Шарафиддинов. Чўлпон. Т., 1991, 14-бет.

³ Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бугунги турк эли (Туркистон) ва унинг яқин тарихи, 1-жилд, 2-нашри, Истанбул, 1981, 568-бет.

у буюк бир сабот ва ирода билан оригинал асарлар ёзар, таржималар қилар эди. У машъум 1937 йилга қадар, бор-йўғи 2 йил оралиғида «Кеча ва кундуз» романини ҳамда «Соз» шеърий тўпламини нашрдан чиқарди. «Жўр» шеърий тўпламини босмага топширди. Горькийнинг «Она» романини, «Егор Буличев» пьесасини, Пушкиннинг 25 шеъри ва «Дубровский», «Борис Годунов» асарларини, Лоҳутийнинг «Европа сафари»ни таржима қилди¹.

Чўлпон 1937 йилнинг кузида қамоққа олиниб, 1938 йил 4 октябрда отиб ташланади.

Ижодий мероси Чўлпон бизга қолдирган адабий меросининг умумий кўлами бир қадар маълум бўлса-да, улар ҳали бир жойга тўпланиши у ёқда турсин, айримлари аниқланиш босқичида турибди. Шунга қарамасдан, шоир асарлари уч томлигининг нашр қилиниши ва булардан иккитасининг ўқувчилар қўлига текканлиги муҳим ҳодиса бўлиб, муаллиф ижоди ҳақида фикр юритишга бемалол имконият беради. Жумладан, 1-жилдидан шоирнинг «Ўзбек ёш шоирлари» (1922) тўпламига кирган 14 шеъри ва «Уйғониш» (1922), «Булоқлар» (1923), «Тонг сирлари» (1926), «Соз» (1935) ва турли давр матбуотида эълон қилинган шеърлар, жами – 252 шеър ўрин олган². Бу шоир шеърларининг тугал наشري эмас, албатта. Масалан, Б. Дўстқораев босмага тайёрлаган «Гўзал Туркистон» (1997) тўпламида юқоридаги нашрга кирмай қолган шеърлари бор, изоҳлар билан чоп этди. Гоҳ-гоҳ матбуотда янги топилган шеърлари эълон қилиниб турибди. Бу, табиий ҳол, албатта.

Чўлпон носир сифатида ҳам адабиётимизда салмоқли ўрин тутади. Адиб уч жилдлигининг 2-жилдига унинг машҳур «Кеча ва кундуз» романи билан биргаликда турли даврларда ёзилиб чоп этилган 13 ҳикояси киритилган. Улар орасида 1914 йилда эълон қилинган илк ҳикоялари «Қурбони жаҳолат» ва «Дўхтур Муҳаммадёр»дан совет даврида босилган «Килеўпатра» (1923) гача бор.

«Қурбони жаҳолат»да Эшмурод деган йигитнинг фожиали тақдири ҳикоя қилинади. Эшмурод – ўқимишли йигит, лекин атроф зимистон. Ҳаммаёқда жаҳолат. Ҳатто ўз отаси уни газета ўқигани учун масхара қилади. Мактаб, илм-фан, ибрат олиш деган гапларга миллатнинг тоқати йўқ. Эшмуродга мана шу ташвишлар тинчлик бермайди. Унинг устига бир воқеа юз беради-ю Эшмуроднинг ҳаёти остин-устин бўлиб кетади. Эшмуродларникига унинг ёшликдаги танишларидан Мўминжон келган эди. Кўзини шамғалат қилиб, отасининг соатини ўмариб кетибди. Отасига эса яқин дўсти Назарали сўфи ҳаля қилган эди. Мўминжон кетиши билан

¹ Қаранг: Озод Шарафиддин, Чўлпон, Т., 1991, 23-бет.

² Қаранг: Чўлпон, Асарлар. 3 жилдлик, 1-жилд, Т., «Ҳазина», 1994, 3–195-бетлар.

изма-из улар кириб келадилар. Гап айланиб соатга келиб тақалади-ю, унинг йўқолгани маълум бўлиб қолади. Изза бўлган ота ўғлига дашном бериш билан кифояланмайди, калтаклайди. Эшмурод номус кучидан ётиб қолади. Бир ойча ётиб, бир оз тузалгач, қўшниси мингбошининг боғчасига чиқиб, газета варақлаб ўтирганда яна шундай воқеа юз беради. Мингбоши уни газета ўқитиш учун меҳмонхонасига таклиф қилади. Ўйинқароқ ёшлардан бири келиб, бу гал мингбошининг қозиққа осиб қўйилган тилла соатини ўғирлайди ва унинг туҳмати Эшмуродга тушади. Ҳеч бир гап-сўз йўқ, миршаблар бостириб келиб, уни қамамоқчи бўладилар. Буларга чидай олмаган Эшмурод ўзини отиб, нобуд қилади. Бир-икки кундан кейин тафтишлар чоғида ўғри аниқланади, лекин вақт кеч эди. Шу тариқа у жаҳолат қурбони бўлади.

Асар бадиий жиҳатдан заиф, албатта: воқеалар сунъий, тил ишланмаган, драматизм ночор ва ҳоказо. Лекин дастлабки ҳикоясидаёқ воқеликни маҳзун, фажеъ идрок этиш, Туркистон мусибатини теран англашга интилиш сезилади.

«Дўхтур Муҳаммадёр»да бир оз нур бор. Муаллиф маърифатчилиги бир қадар ёруғ бўёқларда акс этган. Ҳикоя марказида Муҳаммадёр тақдири туради. У 15 ёшида отаси билан ҳажга бориб, бир дунё саргузаштни бошидан кечирган Ҳожи Аҳмадининг ўғли. Ҳожи Аҳмад инсон саодати илм-маърифатда эканлигини яхши англайди, бир гуруҳ жоҳил қиморбозлар қўлида ждн бераркан, ўғлига ўқишини тайинлайди. Муҳаммадёр отаси қотилларидан ўч олмайди. Ҳаммасига айбдор жаҳолат эканлигини тушуниб етади ва бор кучи билан ўқишга берилади. Жамияти хайрия воситаси билан дастлаб Бокуда гимназияда, сўнг Петроград университетида, ниҳоят 7 йил Швейцарияда дорилфунуннинг тиббиёт факультетида ўқийди. Юртига қайтиб келиб, билими орқасидан обрў-эътибор топади. Хусусий шифохона очиб, камбағалларни текин даволайди. «Ватан» номли журнални, «Хабар» деган газетани йўлга қўяди. Оддий Муҳаммадёрдан «Дўхтур ходими миллат Муҳаммадёр»га айланади.

Муҳаммадёр дўхтургина эмас, қалам эгаси ҳамдир. Петроградда экан, азиз умрлари самарсиз кечаётган мадраса талабалари турмушидан «Умрлик шогирдлар» деган роман ёзади ва рус тилига таржима қилинади. Талабалигининг сўнгги йилида эса, Москва ва Петрограддаги туркистонли масковчи бойлар ҳаётидан «Пойтахт меҳмонлари» номли бир театр китоби ёзиб, «тилсиз», илмсиз, маданиятдан узоқ боёнларимизнинг кўча-кўйда, меҳмонхона номерларида ажнабийлар томонидан ҳақорат қилинишларини кўрсатиб беради. Уни ўзи русчага таржима қилади. Пойтахт театрларидан бирини ижарага олиб, талаба ўртоқлари билан саҳнага

қўяди. Бош роль — хўжайинни ўзи ўйнаб, олқишлар олади. Кўри-нааяптики, Чўлпон XX аср бошидаги Туркистоннинг пешқадам ки-шиси деганда, замоннинг мана шундай ҳамма масалаларига жавоб бера оладиган, барча жабҳада элнинг корига ярайдиган шахсни тасаввур этади.

Муҳаммадёрнинг барча хатти-ҳаракатларини бошқариб турган куч унинг эл-юртига муҳаббатидир. Бир томонда, пул топиб, ақл топмаган бойларимизнинг ўз сарватларини қимор ва фаҳшга сарф-лаб, мол-мулкларининг ажнабий келгиндилар қўлига ўтиб бори-ши, илмсиз маст-аласт бойваччаларнинг ўзаро талашиб, бурниларидан нарини қўра олмасликлари, иккинчи ёқда, таҳқирлар, ҳақоратлар Муҳаммадёрни қаттиқ изтиробга солади. Дарҳақиқат, унинг наздида миллатни маҳв этган энг буюк иллат жаҳолатдир. У поездда Ватанидан олислаб кетар экан, буюк боболарини кўрган бобо тоғларга қарата нидо қилади. Уларни кўзларини очишга, за-мон билан баравар қадам ташлашга чақиради:

«Эй ватандошларим! Қачонгача бу ғафлат? Нимага бунча хуш-ёқмассизлар? Ахир, сизлар ҳам одам-ку! Одамлардек ҳаракат қилин-гизлар! Кўз олдингизга келуб турғон илм ва маърифат мевасидан фойдаланмасдан нимага оғизларингизни очуб қараб турасизлар? Нимага бу ишларга киришмайсизлар? Уйқудан кўз очинглар! Уй-қудан кўз очинглар! Урининглар! Илм, маърифат ва ҳунар изланг-лар! Вақт етди, балки ўтди!»

Узоқ йиллар Европада юриб, Туркистонга қайтар экан, поезд-да яна ўша эски манзарага дуч келади: «вагон ичида пиш-пиш ухлаган ва билет йўқотуб кандуктўрлардан таёқ еган бетартиб» миллатдошлари... Муҳаммадёр чидай олмай, танбурга чиқади. Кўзига мафтункор ватаннинг манзаралари урилади. Йўқ, булар Швейцариядан мутлақо қолишмайди. Маҳсулдор гупроқларининг эса, Американикидан ҳеч бир камлиги йўқ...

Унинг хаёлидан шулар ўтади: «Халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупо дорилфунунларига болаларини юборса, дўқтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогарлар ва муҳандис(инженер)лар чиқса, бунларнинг ҳар бири ўз вазифаларида туруб ишларин тартиби ила юргузсалар ва хал-қимизнинг фойдасини кузатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди...» Лекин бу хаёллар шу ондаёқ шубҳага ғарқ бўлади, яна жонланади. Агар шундай фикрли одамлар ҳар шаҳарда бўлса-лар, албатта, амалга ошади, деб ўйлайди. Ватанига қайтгач, ғай-рат билан ишга киришади ва кўп нарсага эришади. Хусусий ши-фоҳона ва магазинларга меҳнати, тадбиркорлиги билан қонуний асосларда эришади.

Кўринганидек, ҳикоя маърифий даражада қолган, бадиий-

ликка кўтарилган эмас. Асосий сабаби баёнчилигида. Тасвир деярли йўқ.

20-йилларда нашр этилган ҳикоялари, хусусан, ўзбек аёллари тақдиридан сўз очган «Қор қўйнида лола», «Ойдин кечаларда», «Нонушта», «Гавҳарой» каби ҳикоялари бадиий савияси билан 10-йиллардаги асарларидан кескин ажралиб туради.

Чўлпоннинг энг машҳур насрий асари, шубҳасиз, «Кеча ва кундуз» романидир.

Чўлпон театрчилик билан ҳам шуғулланди. Айниқса, Бухоро ва Москвада эканлигида. Бир қатор драмалар ёзди. Мутахассислар унинг «Бой» (1914)¹, «Халил фаранг» (1917), «Ёрқиной» (1920)², «Чўпон севгиси», «Чўрининг исёни», «Муштумзўр», «Ўртоқ Қаршибоев», «Хужум» (В.Ян билан ҳамкорликда) каби сахна асарлари ёзганлиги ҳақида маълумотлар берадилар. Лекин, афсуски, уларнинг аксарияти матни йўқ, тақдири номаълум. Айримларининггина мазмуни ва йўналиши ҳақида қайдлар бор. Масалан, Заки Валидий «Чўрининг исёни», «Муштумзўр», «Ўртоқ Қаршибоев» ўзбек инқилобий ҳаракати тарихидан олингандир³, деб ёзади. «Хужум» номидан кўриниб турганидек, хотин-қизлар озодлиги мавзуйига бағишланган.

Чўлпон уч жилдлигининг 2-жилдига 1923 йилда чоп этилган «Гуноҳ» номли ихчам бир «кулгу томоша»си билан «Ёрқиной» киритилган. Демак, юқорида номлари келтирилган 8 асарнинг 2 тасининггина матни бор.

«Ёрқиной»нинг 3 жилдликдаги нашри 1926 йилги Москва босмаси асосида амалга оширилган. О.Шарафиддиновнинг аниқлашича, ўзбек драмтеатри репертуарида энг узоқ, салкам ўн йил сақланган асарлардан. Асарнинг марказида Ёрқиной образи туради. У хоннинг саркардаси Ўлмас ботирнинг якка-ю ягона қизи. Ўлмас ботир қизини ўғилдай тарбия қилган, ёшлиқдан қилич-бозлик ҳунарини ўргатган. Қиз отасининг боғбони Пўлатни севади. Пўлатнинг ҳам унда кўнгли бор. Ўлмас ботир эса қизини хоннинг ўғлига бермоқчи. Бу орада Нишабсой ҳокими ҳам одам қўйган. Муаллиф асар воқеаларига ижтимоий (оқ-қора) бўёқ беради. Масалага шу даврда шитоб билан адабиётга ҳам кириб келаётган фақирпарварлик маслагидан ёндашади. Чунончи, қизнинг отаси билан Пўлат ўртасида ўтиб бўлмас чоҳ бор. Пўлатнинг барча қариндошлари хон ва унинг саркардаси Ўлмас ботир

¹ Қаранг, бу ҳақда: О. Шарафиддинов, Чўлпон. Т., 1991, 83–84-бетлар.

² Кейинги икки пьесанинг нашр йилларини Заки Валидийдан олдик. Қаранг: Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон). Китобда: Бугунги турк эли Туркистон ва яқин тарихи. 1-жилд, 2-нашри, Истанбул, 1981, 568–571-бетлар.

³ Юқоридаги асар, 569-бет.

томонидан ўлдирилиб, ўзи хизматкорликка олинган. Хонлик салтанати билан халқ ўртасидаги низо авжда. Халқ жунбушга келиб, кўтарилган. Пўлат халқ ишончини Ёрқинойга муҳаббатидан устун қўйиб, улар билан тоғларга чиқиб кетади ва Ўлмас ботир қўшинига қарши урушга киради. «Уруш орқасида»ги воқеалар ҳам шиддатли кечади. Нишабсой ҳоқими вазиятдан фойдаланиб, макр-ҳийла билан Пўлатнинг номини ўртага қўйиб, қизни қўлга туширади. Ёрқиной тadbиркорлик билан Нишабсой ҳоқими қўлидан ўзини қутқаради. Бугина эмас, халқ билан хон орасидаги урушни ярашга айлантиради. Пўлат хон кўтарилади, адолат қарор топади.

О. Шарафиддинов Чўлпоннинг Ёрқиной образини яратишида «Олой маликаси» номини олган Курбонжон додхоҳ (1811–1907) ни кўзда тутган бўлиши эҳтимолини қайд этади. Бизга ҳам бу анча мантқиқли кўринади. Бунга шуни қўшимча қилиш мумкинки, 1875 йилда Худоёрхон қочиб, Насриддинбек тахтга чиққанида халқ ғалаёнлари авж олиб, бир муддат Андижоннинг Бўтақора қишлоғидан Пўлатхон хон кўтарилган эди. Чўлпоннинг ўз қахрамонини яратишида бу воқеа ҳам туртки бўлган бўлиши мумкин.

Чўлпоннинг адабий-танқидий мероси ва таржималаридан ҳам намуналар чоп этилган. Масалан, 1994 йилда унинг адабий-танқидий мақолаларидан бир дастаси «Адабиёт надир?» номи остида «Чўлпон» нашриёти томонидан чоп этилди. И.С.Тургенев, Н.В.Гоголь, Л.Андреевдан қилинган айрим таржималари 3 жилдлик асарларининг 2-жилдида босилди. Умуман олганда, зиёлилар шоир таржималаридан собиқ шўро даврида ҳам хабардор эдилар. Масалан, И.А.Криловнинг:

Дарахтнинг бўшини қурт ейди доим
Тарихда мисоллар жуда кўп бунга... —

сатрлари билан бошланадиган машҳур «Бўри билан қўзичоқ» масалини билмайдиган йўқ. Ёки неча ўн йиллар давомида Ҳамза театри саҳнасидан тушмай келган «Ҳамлет»ни олинг. Бу таржималар аллақачон халқ мулкига айланган эди, фақат уларнинг таржимони кўрсатилмас эди. Шунингдек, адибнинг адабий-танқидий асарлари ҳам эстетик тафаккуримиз ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Чўлпон шеърляти Чўлпон адабиётнинг жуда кўп тур ва жанрларида самарали ижод этган бўлса-да, шоир сифатида кўпроқ шуҳрат топди. У XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакили, янги ўзбек шеърлятининг бонийсидир. Унинг ўз даврида

тўпламларда босилиб чиққан ва бугун маълум бўлган шеърлари у қадар кўп эмас. Лекин улар ўзбек зиёлиларига чақмоқдек таъсир қилган ва бутун адабиётни ўз измига олган эди. 20-йиллар ўзбек шеърятининг чинакам Чўлпон давридир.

У шеърятга жуда эрта кириб келди. Илк шеърлариданоқ миллий шоир сифатида танилди. Масалан, бизга маълум бўлган ва матбуотда чоп этилган илк шеъри «Туркистонли қардошларимизга» ўксик Ватан — Туркистон жароҳатлари ҳақида эди. Чунончи, «маърифатсизлик балосига йўлиққан», фойда-зарарини унутган, яхши-ёмонини танимайдиган, тор манфаатлари доирасида кўмилиб қолган, «топганини бошқаларга бериб», ўзи «оч-яланғоч» қолган, бир сўз билан айтганда, миллат сифатида адоий тамом бўлган «бизни халқ» ҳақида эди. Исмоилбек Гаспринский вафотига бағишлаб ёзган марсиясида буюк ислоҳотчининг «уйғотгувчи устод»лигига диққатни қаратди. 1917 йил 28 ноябрдаги «Туркистон мухторияти»ни олқишлаб чиқди, уни «озод турк байрами» сифатида қабул қилди. Унга меҳру муҳаббатини изҳор этди. Уни қўлга киритган Ватан ва халқни шарафлади:

Мухторият олинди,
Ишлар йўлга солинди.
Миллий маршлар чолинди,
Душман ўртансун энди!

Ҳуррият — байроғимиз,
Адолат — ўртоғимиз,
Хурсанд бўлган чоғимиз,
Мевалансун боғимиз!

Туркистонли — шонимиз, туронли — унвонимиз,
Ватан — бизни жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!

Вазият мураккаб эди. Шўро мафкураси ислом дунёсининг энг нозик нуқтасидан — мусулмончиликнинг фақирпарварлигидан ғоят усталик билан фойдаланиб, Туркистоннинг зиёлилари қалбини забт эта борди. Шоирнинг 1918 йилда «Низомиддин Асоми¹ ўртоққа» бағишланган ва ўша йили Туркистон Компартияси ва Марказий Ижроия кўмитаси органи «Иштирокиюн»да чоп этилган «Қизил байроқ» шеърини ҳамда ундаги «мазлум ишчилар» билан «қонхўр буржуйлар» муқоясасини бошқача изоҳлаш мумкин эмас. Лекин шоир кўп ўтмай, жуда кўп замондошлари сингари алданганини англаб етди. Эътироф эътирозга, у эса ўз навбатида, эътизорга айланиб борди. Бу Чўлпон ижодий тақдирга хос муҳим ва мураккаб бир ҳолдир.

Шоир совет ҳокимияти зўрайиб, эркин фикр қийин-қистовга тушаётган 1926 йилда учинчи ва «Соз»ни ҳисобга олмаганда, сўнги шеърини китобига қуйидаги сермаъно сатрларни эпиграф қилиб келтирган эди:

¹ Низомиддин Хўжаев (1886—1942).

Бир эсиб ўтдилар «Уйғониш» еллари,
 Бир қайнаб тошдилар кўзёши — «Булоқлар».
 Эй, тонгда қалтираб ўйнашган япроқлар,
 Тек туринг, ёйилсин энди «Тонг сирлари».

Ҳақиқатан ҳам, 1916 йил мардикорлик воқеалари, 1917 йилда оқ подшонинг тахтдан ағдарилиши, олинган ва бой берилган истиқлол, 20-йилларнинг жангу жадаллари миллатни уйғотди. Севинч ва алам ёшлари тўкилди. «Булоқлар» ўша кўз ёшлардир. Ҳаммаси ўтди. Энди ўтганни англамоқ ва англамоқ замонидир. «Сирлар»ни очмоқ замонидир. Шоир «тонгда қалтираб ўйнашган япроқлар»ни — гофил, чорасиз авлодни тинглашга, идрок этишга ундайди.

Ҳар уч тўпламнинг бош мавзуи Ватан ва Миллат ташвишларидир, Туркистоннинг туганмас дардидир. Шоир она юртининг ажиб манзарасини чизади. Ўқувчининг кўз ўнгида «тоғлари кўкларга салом берган», «салқин сувлари учмоҳларнинг кавсаридек покиза», бўлиқ-маҳсулдор қир-адирлари маъсум гўдак хаёлидек кўз етмас, адо бўлмас Туркистон пайдо бўлади. Бироқ шоир — дилгир, маҳзун. Шоир эмас, тўғрироғи, у чизиб берган манзара маҳзун. Гап шундаки, жаннатдек бу ўлка ваҳшиёна топталган: «кўм-кўк гўзал ўтлоқлар босилган», уларни тўлдирган пода-йилқилар йўқ, отлар кишнамайди, қўйлар маърамайди. Қизлар, келинлар тоғ-тошга беркинган. Ватан бегоналар оёғи остида. Шунинг учун ҳам сувлар тошдан-тошга урилиб, нола қилади, булоқлар инграйди, минг битта ҳадик билан ирмоққа қуйилади. Шонли тарих, эрк ва истиқлолни ҳар нарсадан муқаддас тутган, қулликка ҳеч қачон бўйин эгмаган оталар шижоати эсга тушади. Шоир «от чопганда учар қушни тутгувчи» йигитларни, «Тоғ эгаси сор бургутлар»ни қидиради. Ўлкага хитобан, уни кўп йиллардан буён «бағрини эзиб», «эгасини бир қул каби янчиб келган» «ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар»га «кет!» дейишини, «қўлларига эрк бер»ишини, яъни қиличини қиндан олишини истайди. Уни тинимсиз сўроққа тутади. Зулм ва хўрликка, таҳқир ва маломатларга жавобан «ўч булутининг «селларини ёғдир»ишини истайди.

Биз шоирнинг 1920 йилда ёзилган ва ўз даврида жуда катта муҳокамаларга сабаб бўлган «Бузилган ўлкага» деган шеърининг мазмунини келтирдик. Шоир унга «достон» деб изоҳ берган. Аслида у ҳажман унча катта эмас, 60 сатр атрофида. Лекин унинг бағрига Туркистондай жаҳон цивилизациясининг чорраҳасида келган бир ўлканинг фожиаси сингдирилган. Номи ҳам жуда ўринли. Дарҳақиқат, бу — бузилган ўлка! Уни буздилар. «Маданият» номи билан, «йўқсулпарварлик» шиори билан буздилар. Шеърда икки нарсага алоҳида диққат қаратилаяпти. Бири — табиатнинг ўзидай му-

саффо, гўзал, дилтортар ўлка. Иккинчиси – уни шафқатсиз пой-мол этган ваҳший куч. Агар уни жамият ҳаётига кўчирадиган бўлсак, бир тарафда қадим замонлардан буён ўз анъаналари билан тинч ва осойишта, бировга зарра малол келтирмай яшаб келаётган Туркистон ва унинг бойликларини талаб, халқини хизматкорга айлантириш истагидаги Русия. Табиийки, шоир халқи бунга чидай олмайди, айниқса, Миллат ва Ватанни ҳар нарсадан муқаддас тутган ижодкор. Гап – шунда. Бу шеър ҳали шўролар куч олмагани, эркин фикрга бир қадар йўл берилгани учун босилиб чиқди ва турли талқинларга сабаб бўлди. Шоир Файратий ҳатто унга жавобан «Тузалган ўлкага» деган шеър ҳам ёзди. Лекин шеър ўз ишини қилди. Миллатнинг воқеа-ҳодисаларга муносабатини шакллантириб борди. 20-йиллардаги авж олган миллий истиқлолчилик ҳаракатида, тахмин қилиш мумкинки, Чўлпоннинг ҳам маълум хизмати бор.

Шоир шеърятини кузатишда давом этамиз. Юқоридаги шеър эътироз шеъридир. Эътироз Чўлпоннинг замон воқеаларига, биринчи навбатда, шўро тузумига ва умуман, рус истибдодига муносабатидир. Унингча, шўро тузуми ва рус истибдоди бошқа-бошқа нарсалар эмас. Бири иккинчисининг бевосита давомидир. Шакли ва воситалари ўзгарган, холос. Бу – муҳим нуқта.

«Кўзғалиш» шеърида ёзади:

Эй! Сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!

Эй! Устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган.

Эй! Бўйнимга кишан солиб, ҳалокатга судраган,

Кўзларингни заҳарлатиб ўйнатмагил, бас энди!

Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур,

Томиримда кўзғалишнинг ваҳший қони гупурди.

Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди.

Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур!

Эй! Сен мени қул ўрнида ишлатувчи афанди,

Титра, қўрққим, боғлиқ қулинг бош кўтарган куч энди!

Бу фикр-туйғулар, шоирдаги эҳтирос тўла ғазаб ва нафрат шўролар даврида тарбия топган ўқувчи учун шамол тегирмонларга дағдаға қилаётган Дон Кихотнинг жазаваси бўлиб туюлиши мумкин. Лекин, аслида, шоир вазиятни жуда теран англаган эди.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи»да қўйидаги маълумотларни ўқиймиз: «Туркистоннинг биринчи генерал губернатори фон Кауфман 1868 йил 22 январда Тошкент шаҳри аҳолиси билан бўлган учрашувда сўзлаган дастурий нутқида... русларни Ўрта Осиё халқ-

ларининг катта оғаси деб атаб, Туркистонда рус ҳокимиятининг қатъий ва доимий ўрнашганлигини алоҳида уқтирганди...»

«Санкт-Петербург «сартлар ҳали ўз-ўзини бошқаришга тайёр эмас», деган фикрда иш кўрди...»

«...маҳаллий аҳоли ерларини рус мужиклари учун тортиб олиб бериш режали тус олди. Туркистон аҳолисининг атиги 5 фойизини ташкил этувчи рус мустамлакачилари қўлига экин экиладиган ҳосилдор ерларнинг 60 фойизи бериб қўйилган эди...»¹

Энди Ленин билан бирга ишлашган ва совет мустамлакачилик сиёсатининг моҳиятини англаб, у билан чиқишолмай четга кетишга мажбур бўлган машҳур олим ва сиёсий арбоб Заки Валидийнинг китобидан бир-икки кўчирма келтирамиз:

«Рус истилолари бошдан-охир янги-янги ўлкаларни ишғол этиш ва у ердаги халқларни маданият ва иқтисод қонунлари асосида ўзига сингдириб олиб, улар ҳисобига улғайиб бориш гоёсига суянади...»

«Лениннинг ўнг қўли Артем 1920 йилнинг мартада: «Биз (руслар) бошқирд, қозоқ ва ўзбек чўлларини Америкага айлантира-миз. Биз бўлмасак, бу ерларда темир йўллар, Оренбург, Семипалат, Алмати каби шаҳарлар бўлар эдими?» деган ва бу ердаги тубжой халқнинг тақдирини Америкадаги қизилтанлиларнинг аҳволига ўхшатишини очиқ айтишдан ўзини тия олмаган эди...»

«... проф. Трубецкой ...Осиёда фақатгина уч буюк миллатнинг тил ва маданияти яшаб қолишини гапиради. Булар рус, хитой, ҳинд миллатлари эмиш...»².

Юқоридаги факт ва маълумотлар Русия мисолидаги оқ ва қизил империянинг моҳиятан бир бўлганлигини таъкидлайди. Ҳар икки салтанатда ҳам ҳукмрон Русия маҳаллий халқни, бу ўринда туркистонликларни ҳеч қачон ўзига тенг кўрган эмас. Ўзини бу юртнинг якка-ю ёлғиз хўжаси деб билган, унинг халқини хизматкори ҳисоблаган. Ҳатто шўролар ҳукумати ҳокимиятпарастликда оқ подшодан ўтиб кетган. Ленинчи Артемнинг иштаҳасига қараганда, улар Туркистонни туркистонликлардан олиб, жаннатмакон Америкага, унинг тубжой халқини эса, қирилиб битишга маҳкум қилинган қизилтанлилар — Америка ҳиндуларига айлантирмоқчи бўлганлар. Демак, Чўлпоннинг изтироб тўла фарёдлари бежиз эмас.

Дарҳақиқат, шўролар ўз ҳаёт фалсафалари билан Туркистон ҳаётини алғов-далғов қилиб юбордилар. Синфий кураш деган гап ўзбек жамиятини қоқ иккига бўлиб ташлади. Отани болага, акани укага душман қилиб қўйди. Мана бу сатрларга эътибор қилайлик:

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб, Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., 2000, 191, 206, 221-бетлар.

² А. Заки Валидий Тўғон. Бугунги турк эли (Туркистон) ва унинг яқин тарихи. I жилд, 2-нашри, Истанбул, 1981, 588, 591-бетлар.

Бир юртким, беш йилдир қонларга беланган,
 Отаси ўғлини «душман» деб бўғадир.
 Сўнг бурда нони ҳам қолмасдан таланган,
 Ёш гўдак боласи: «Бир бурда нон!» дейдир.
 Очлик ҳам ҳар куни «қурбонлик» сўрайдир,
 Ҳар куни унга ҳам юзларча қурбонлар.
 Қирилиб тугалиш даҳшати ўрайдир,
 Янами беҳуда гуноҳсиз, соф қонлар?

(«Қурбон»)

Ёки:

Қип-қизил қон бўлиб
 Кунлар ботадир...
 Ёмон ҳидга тўлиб,
 Тонглар отадир...
 Оғир кунлар тушди меним бошимга.

(«Қиз қўшиғи»)

Бир томонда, эрк, мустақиллик учун кетаётган шафқатсиз кураш, иккинчи томонда, очлик-қаҳатлик. Бир томонда, миллат ичида яратилган «синфий кураш», иккинчи ёқда жаҳолат, мутаассиблик. Хуллас, тўрт томон ҳам ихоталанган. Шоирни бу ҳол ларзага солади. У «қирилиб тугалиш даҳшати»дан ларзага тушади.

Айни пайтда, бу курашларнинг ҳар бири ҳаёт-мамот кураши эди. Бири иккинчиси билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Лекин аҳамиятига кўра энг муҳими истиқлол, эрк учун кетаётган кураш эди. Бу улуғ йўл эди. Шоир ўз шеърларидан бирини «Улуғ йўлда» деб номлаган эдики, бежиз эмас:

Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,
 Босгувчисин таниб бўлмаслик излар.
 Шулар изларни босиб, денгизлар кечиб,
 Буюк амал билан борамиз бизлар.
 Юракдаги сақлаб борган амаллар,
 Йўллардаги денгизлардан улуғроқ,
 Эзилганлар тилак тилар бу йўли
 Бурунгидан тўлуғроқ.
 Маҳкам қилиб боғланилган камарлар!...
 – Тезрак!
 – Қанот!
 Қушлар янглиғ учайлик.
 Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик
 Шарқнинг эски чигалини ечайлик!

Шеърда мақсад у қадар пардаланган эмас. Улуғ йўл — озодлик йўли. Сувлар, денгизлар, чўллар — бу йўлдаги қийинчиликлар. Буюк амал — буюк кураш. Юракларда сақланган амалларнинг денгизлардан улуғлиги саботга, қатъиятга ишора. Тилакнинг бурунгидан тўлиқлиги — бу курашнинг олдингиларига ўхшамаганлиги. Камарларнинг маҳкам боғланилиб, шитоб ишташ курашнинг шиддатини англатади. Бу курашнинг шиддати ва аҳамияти ҳақида шоир, умуман, тез-тез эслатиб туради. Масалан, «Кураш» (1921) шеърда у ҳақда алоҳида тўхталган эди. Янграётган уруш наъралари, «Ботирларнинг жон сўраган товушлари» «Яқиндаги зўр курашнинг боши» эканлигини маълум қилиб, масала:

Ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш:
— Йўқ яраш!...

шаклида қўйилганлигини таъкидлаган эди.

Шарқнинг эски чигали — кўҳна Туркистон истиқлоли. Шоирнинг қатор шеърларида мана шу истиқлол учун кураш манзаралари акс этган. Масалан, 1920 йилда ёзилган «Пўртана» шеърда у денгиз тўфони шаклида берилган. Мантиқли. Тинч, осойишта денгизни чайқатдилар. У туб-тубигача ҳаракатга келди. Гувиллаган қудратли кучга айланди. Ҳам мағрур, ҳам мажнун, ҳам шошқин, гоҳ тушкун. Лекин шу қадар қудратлики, қирғоқлар ундан фарёдга келади, шаҳардек кемалар унга бир «луқма»! У қон иштайди. У жон сўрайди. У ҳалокатлардан завқ олади. Аммо у гўзалликка ўч. Унинг маҳбубаси — сув қизи. Сочлари қоп-қора сув қизи. У шу қадар гўзалки, шаҳло кўзлари кийикни кўр қилган, сўзлари булбулни тутқун. Юзлари ойларни ботирди, қуёш булутлар остига қочиб кирди (Денгиз довули пайтидаги қоронғуликка чўмган борлиқни кўз олдингизга келтиринг). Сув маликасини эса, пўртана оппоқ биллур кўпиклар ичида сақлайди. Дам кўкка ирғитиб, дам кўксига босиб, ўйнайди, гоҳ кулдиради, гоҳ суйдиради. Пўртана эса, ундан маст бўлиб, йўлбарсдек бўкиради. Девдек югуриб, сакрайди. Олди-ўнгида ҳеч нарса кўрмай, ҳеч монё билмай, олдинга интилади. Барча жонворлар даҳшатда титрайдилар. Балиқлар ўлим кутадилар. Йўқ, бу пўртана эмас, маҳшар, қиёмат! Сув маликаси-чи? У — Ватан меҳри, юрт муҳаббати. Ундан суюмли, ундан дилбар дунёда яна нима бор?

Шу хаёлларда турганингизда, бирдан шоир рамзларининг устини очиб ташлайди. Юзма-юз, ошқора гапга ўтади:

Бу маҳшар, қиёмат, пўртана. Тўлқинлар
Ҳаммаси йўқсилнинг қўнғлида.

Бир дамда дунёни куйдирур вулқонлар
Ожизнинг у ўтлик дилида.

Шеър сўнгида фикр ва образ яна очиқланиб, даъватга кўчади:

Кўп эзган душмандан, паст жондан
Ўчни ол, ўчни ол, ўч ол!

«Тортишув тонги» (1920) да «кўпдан бери қуёш кўрмай зах-
лаб қолган кўнгиллар»га хитобан «чиқар кунлар етгани»ни уқди-
ради. Шоир истибдод эгаларига қарата қалби тўла қасос туйғуси
билан ёзади:

Қайғурингиз:
кишанларни ясовчи
«усталар»,
Бошқаларни «тубанлар» деб атовчи хўжалар:
Сизнинг учун ёз бошининг қоридек
Эрув кунлар келади.
Сизнинг учун олбостининг зоридек
Йиғлар кунлар келади.

Шоир «Виждон эрки» шеърига «Тутқунларга» деб изоҳ берган.
«Эзилган», «қийналган йўқсил эллар»га, «бевалар», «бечоралар»-
га, «кишанларга боғланган» «эрк учун оворалар»га мурожаат этар-
кан, золимларга ялинмасликка ундайди. Чунки «бўрилардан омон
кутмоқ» «тентакларнинг иши». Зулм олдида ҳамма нарса, эҳти-
мол бўйин эгар. Зулм авжга минса, осмон узилиб ерга тушар,
лекин золим ҳеч қачон эркин виждонларни забт эта олмайди.
Уларгина мағлуб бўлмайдилар. Шу тариқа, у ватандош ва миллат-
дошларини юксак виждон билан яшашга ундайди. Ўлиш керак
бўлса, номус ва виждон билан умрни яқунламоқликларини орзу
қилади.

Эрк йўли — оғир йўл, узоқ йўл. Лекин бу йўлга кирганлар-
нинг ғайрат ва истаги ҳам қудратли, ҳам саботли. Муҳими, бу
истак — пок истак. Гап бу халқнинг ўз юртига эгалик қилишдек
она сутидай ҳалол ва покиза ҳаққи-ҳуқуқи борасида кетмоқда. Бу
ҳуқуқ кеча хаёлга келиб, бугун талаб қилинаётган бир нарса эмас,
аждодлардан мерос қолдирилган бурчдир. «Юрт йўли» (1922) шеъ-
рида шу ҳақда гап кетарди.

1921 йилда Бухорода ёзилган «Халқ» шеъри шоир фикр-қараш-
ларини аниқлашда бениҳоя муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф, бирин-
чидан, халқнинг буюк куч эканлигини яхши англайди. Иккинчи-
дан, ўлканинг озод бўлиб, мустақиллик олишини унинг истаги

ҳисоблайди. Учинчидан, ижод аҳлини унинг билан ҳамиша бирга бўлишга, ўзи айтмоқчи, «кучоқ очиб халқ ичига» киришга ундайди:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ қўзғолса, куч йўқдурким, тўхтагсун,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсун.

Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади: тожу тахтлар йиқилди.

Халқ истаги озод бўлсун бу ўлка,
Кетсун унинг бошиндаги кўланка.

Бир қўзғалур, бир кўпирар, бир қайнар,
Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.

Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Кучоқ очиб халқ ичига борайлик.

Кўринганидек, шоир халқнинг буюк қудратини тавсифлаш билангина чекланмаяпти. Бу қудратнинг феъл-сажиясига ҳам ишора қилмоқда. Унинг гоҳ қўзғалиб, кўпириши, гоҳ қайнаб, интилиши, гоҳ ҳовлиқиб ўйнаши Пушкиннинг бир маҳаллар 1825 йилги декабристлар қўзғолони муносабати билан ёзилган, денгиз пўртанасига хитоб қилувчи «Алвидо, зўр қудрат, асов ғалаён!» сатрини ёдга солади. Дарҳақиқат, ҳар бир исён, қўзғолонда ҳам «асов» бир куч бор. У кутилмаган томонларга бурилиб, «беҳбуд»ни «нобуд» қилмоғи ҳам ҳеч гап эмас. У билан ким ўйнашмоқчи бўлса, ҳалокатга маҳкумдир. Иккинчидан, у, маълум бўлганидек, бошқарувга муҳтож. Шу жиҳатдан, халқ ичига киришда икки маъно бор. Биринчиси, халқдан куч-қудрат олмоқ, у билан бирга бўлмоқ; иккинчидан, уни эзгуликка йўналтирмоқ.

Агар Чўлпон даври воқеларини яхши билсангиз, унинг деярли ҳар бир шеърининг ёзилиш тарихини тиклаб олишингиз мумкин. Заки Валидий у ҳақдаги юқорида номи тилга олинган мақоласида шоирнинг «Улуг йўлда», «Кураш», «Виждон эрки», «Халқ» шеърларини шу йўналишда таҳлил қилиб, унинг чинакам миллий шоир эканлигига диққатни қаратган эди.

Масалан, 1920 йилда ёзган шеърларини олинг. Уларнинг ак-

сарияти бевосита ўша йили 1 – 5 сентябрда Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари қурултойи таассуротлари остида ёзилган. Шунда Туркистондан бутун бошли бир поезд борган. Хориждан ҳам вакиллар келганлар. Кенг миқёсларга чиқиш вакилларимизнинг ўзликларини англашга ёрдам берган. Вакиллар орасида Чўлпон ҳам бор эди. У ўзининг «Қаландар ишқи», «Ёруғ юлдузга» шеърлари остига «Боку, 1920 йил» деб қўйган. Биринчисига «эски тартибда» деб изоҳ беради. Бу билан унинг шакли-мазмунига, яъни арузда, анъанавий муҳаббат мавзуида ёзилганлигига ишора қилади. Дарҳақиқат, шеър жанрига кўра газал бўлиб, ҳазажи мусаммани солим

(мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун,
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

v — — — v — — — v — — — v — — —
v — — — v — — — v — — — v — — —) да ёзилган. Унинг матлаъи (биринчи байти) қуйидагича:

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,

v — — — v — — — v — — — v — — —

Асрлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку.

v — — — v — — — v — — — v — — —

Мазмун ҳам ишқий. Биргина «асрлик тош», «хатарли йўл» ва унда «қотмоқ» ишқий мазмундан узоқроқдай туюлади. Қолгани — анъанавий. Оҳанг — равон, дард — самимий.

Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,
Ҳалокат бўлгусин билмай, қулочни катта отдим-ку.

Карашма бировга ёқиш учун қилинадиган нозли, ёқимли хатти-ҳаракатдир. Шоир уни денгизга қиёс қилаяпти. Ёқимли денгиз, муаллиф наздида унинг пўртанали ҳам, осойишта ҳам пайти эмас. Енгил чайқалиб турган ҳолати. Оҳишта чайқалган денгиз кишини ўзига ром этиб, унга тушган кишини ичкариларга олиб кетиб қолганидай маъшуқанинг ҳам ёқимли ҳаракатлари ошиқни сеҳрлаб, охири нима билан тугагини айтиб бўлмайдиган ҳолга келтириб қўйган. Шеърда мумтоз адабиёти-мизга хос бўлган мана шу руҳий ва моддий ҳолатларнинг айни бир матнда жамланиши яққол кўриниб турибди. Айни пайтда, бу ерда алданганлик эътирофи, ҳатто унинг енгил изтироби ҳам бўртиб турибди.

Навбатдаги байтда муқояса бошқа йўналишга кўчирилади:

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Карашмадан бошланган гап ишққа, ундан эса, бу йўлда энг муқаддас нарсаларни барбод этганлик эътирофига ва унинг ҳам энгил изтиробига келиб боғланмоқда. Ва шеър шу тахлит шоир кечинмаларининг руҳий ва моддий олам воситасидаги эътироф ва изтиробга қурилган муқоясаси асосида давом этади. Қўринганидек, унинг анъанавийлигига, ишқийлигига шубҳа йўқ. Шу билан бирга, у фақат ишқий доирада қолган дейиш ҳам тўғри бўлмайди. Эътироф ва изтироблар деярли ҳамма ўринда алданиш ва пушаймон маъноларини ҳам ташийдики, бу хоҳланг-хоҳламанг, шўроларни билиб-билмай этагидан тутган жуда кўп миллатпарвар зиёлиларимизнинг ўша кунлардаги туйғуларига эш эди. Бу ҳолни газалнинг пушаймон армон даражасига кўтарилган мақтабда ҳам очик-ойдин кузатиш мумкин:

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Куёшнинг нурига тоқат қилолмай, ерга ботдим-ку.

Шубҳа йўқки, «Чўлпон» ва «Куёш»нинг маънолари бу ерда жуда кенг. У осмон ёритқичлари ва ишқ-муҳаббатдаги мартабадан ҳоким ва маҳкум, ҳукмрон ва тобе сингари ижтимоий-сиёсий рутбаларгача дахлдор.

Иккинчи шеър «Ёруғ юлдузга» деб номланган. Қавс ичида «Ҳазар эсдалиги» деб изоҳ беради. Ҳазар — Каспийнинг қадимги номларидан. Шеър юлдуз билан суҳбат шаклида. Шоир унга секин юрагини очади. Кўҳна тарихнинг гувоҳидан оталарнинг хатосини сўраб, билмоқчи. «Ёт киши»сиз икковлари суҳбатлашмоқчи. Бу шундай суҳбатки, бир томондан, гурурдан дунёга сиғмайди. Иккинчи томондан, хижолатдан турмоққа ер тополмайди. Бу суҳбат ҳам шукуҳли, ҳам дардли суҳбат. Мана, унинг дастлабки банди:

Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла,
Оталарнинг тарихдаги хатосин;
Шул хатодан осуғланиб¹, ёвларнинг
Эл кўксида сурган ишрат сафосин.

У юлдуз тилидан шарафларга бурканган тарихни эшитмакчи. Буюк боболар ҳаётининг «бутун қонлик, шонлик, жонлик эрларини» тингламакчи. «Жонлар бериб, қонлар тўккан эрлар»нинг ҳикоялари «кенг Ҳазарнинг кўм-кўк, юмшоқ сувларини» «ўйнат»ишига, «қўзғат»ишига, «тўлқинлантир»ишига, «ҳовлиқ-

¹ Осуғланиб — фойдаланиб.

тир»ишига шубҳа қилмайди. Лекин юлдуз жим. Нега у жим? Нега жавоб бермаяпти? Нега кўзи қизариб ёшланди?

Шоир бунинг сабабини билади. У шоирининг кўнглини бузмаслик учун гапирмаяпти. Негаки:

Ўтганларнинг заҳари ҳам бу кунда
Кўнгилларга тегмай ўтар кабидир.
Кечмишларнинг йиғиси ҳам шу кунда
Йўқсил дилни суюнтирар кабидир.

Ҳамма бало истиқлолни йўқотганимизда. Сўнгги хонларнинг «эл ва юртни сақлар учун» «тузуккина чора, тадбир қилмаган»лигида. Шунинг учун ҳам:

Биз, йўқсиллар бошқаларга қул бўлиб,
Чет оёқлар товонида эзилдик,
Ҳар ярамас, ҳар бузуқнинг тагида
Алам тортган, жабр кўрган биз эдик.

Шунинг учун ҳам шоир «эски олам»ни, буюк боболар даврини қўмсайди. Ёруғ юлдузга мурожаат этиб, уни «эски олам»га «олиб бор»ишини, барча сирларни очиб ташлашини, «яширин ётган пардаларни, зулматни» «нури билан» «йиртиб юбор»ишини илтижо қилади. «Эски олам» буюк боболар даврини, биринчи навбатда, Амир Темур замонасини, миллатнинг мустақил, қаддини тик тутиб, бошини баланд кўтариб юрган пайтларини қўмсаш ва унга интилиш эди. Иккинчи томондан, Амир Темур номи кураш тимсоли эди.

Миллат ва Ватан тимсоли шоир шеърларида хилма-хил тарзда намоён бўлади. Масалан, уни гўзал ёр («Гўзал»), ҳатто бинафша («Бинафша») қиёфасида ҳам учратиш мумкин.

Чўлпон шеърятининг севимли мавзуларидан бири хотин-қизлар озолигидир. У бу масалани истиқлол учун курашнинг таркибий қисми деб билади. Шоир наздида истибдоднинг энг оғир юки улар зиммасига тушган эди. Биргина мустамлакачилик эмас, ўз ичимиздаги мутаассиблик, жаҳолат азобини кўпроқ улар тортди. Улар тилидан айтилган:

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,
Ўйнаган бошқалар, инграган менман.
Эрк эртақларини эшитган бошқа,
Куллик қўшиғини тинглаган менман...—

сатрларида жуда катта ҳақиқат бор эди.

Шоир шеърларида Шарқ ва Ғарб муқоясаси кўп учрайди.

«Шарқ» деганда ислом оламини, кўпинча Туркистонни назарда тутди. Айни пайтда, туркий бирликни, ўзликни қўримоқ учун зарур деб ҳисоблайди. Хусусан, бутун турк дунёси истиқлолини йўқотган бир пайтда ўзлигини сақлаб қола олган Туркия турклари ҳаётини синчиклаб кузатиб боради. Айниқса, Биринчи Жаҳон урушидан кейин оғир аҳволга тушиб қолган ва «Қуртулуш» («Қутулиш») ҳаракатини изга солган камолчиларнинг муваффақиятларига катта умид билан қарайди. Унинг «усмонлича» изоҳи билан Туркия туркчасида ёзилган бир қатор шеърлари шоирнинг бу борадаги фикр-қарашлари тасодифий асосларга қурилмаганини кўрсатади. Буни Чўлпоннинг Тавфиқ Фикрат, Ризо Тавфиқ каби машҳур усмонли шоирлари ҳақидаги мақолалари ҳам тасдиқ этади. Буларгина эмас, у тақдир тақозоси билан Фарбга силжиб, Туркияда ватанни қурган қардошларидан оғир кунларида кўмак тилайди. Келиб, она-Туронда истибодни битиришларини, қариндошларини мустабидлардан қутқаришларини умид қилади. Тўғри, бу қардошлик ўша давр учун урф бўлган алвон рангга бўялган. Лекин у этник асосларни инкор этмайди, аксинча, унга урғу беради. Мана, у турк зобитларига (дарвоқеъ, зобитлар ҳам «қизил») нима деб мурожаат этади:

Ҳаде, юр, қардош, тоғ дема, тош дема,
 Қизил Турон учун мол ва бош дема!
 Ҳар бир қадамингда қип-қизил қонлар-ла,
 Онанг Турон кутади улуғ шонлар-ла!
 Кўп йилги ҳасратлар, қайғулар кўнглина,
 «Кел, қутқар, ўғлим!» деб ёлинур санга.
 Бутун умиди сан озод ўғлинда,
 Қутқармай, солма қилични қинга!..

(«Юриш марши»)

Ҳақиқатан ҳам юқорида қайд этганимиздек, XX асрнинг бошларига келиб, кўҳна Туроннинг биргина ўғли ўз мустақиллигини сақлаб, «озод» қолган эди. Шоир шундан умид қилмоқда. Бежизмаски, Туркиядаги «Иттиҳод ва Тараққий» партиясининг собиқ раҳбарларидан бўлган Анвар Пошшо 1920 йилда Туркистонга келиб, ўлкадаги миллий истиқлолчилик ҳаракатини бирлаштиришга уринганида дил-дилидан қувонди. 1922 йилда Болжувон тоғларида шаҳид бўлганида қаттиқ куйинди. «Фарёдим дунёнинг борлигин бузсин, Умиднинг энг сўнгги ипларин узсин», — деган сўнгсиз фарёд билан бошланарди шеър ва унда шундай сатрлар бор эди:

Ҳазабдан титраган ёш бир йигитнинг
 Тошдин сийнасига ўқлар ўрнашмиш.

Тоғларда эрк учун юрган кийикнинг
 Қора кўзларига мотамлар кирмиш.
 Дарёлар, тўлқинлар титратган бир эр
 Зарбалар қаҳридин йиқилмиш қолмиш.
 Куртулуш юлдузи йўқликқа кирмиш,
 Сенинг сўнг жонингни ёвларинг олмиш...

Шоир саркарда босиб ўтган, қадамида шуҳрат излари қол-
 дирган умр йўлини эслайди: Мармара, Адрна, Чаталча, Бўғоз
 ичи, Карпат, Тараблус, Салоники... Яна фожиага қайтади. (Қон-
 лар йиғлатти бизни бу хабар.) Ва изтироб билан давом этади:

Тарихнинг рангини кўп қонлар билан
 Қорайтган, тўлдирган бироқ Болжувон
 Энг сўнги умидни қонга бўяган,
 Оҳ, қандоқ уғурсиз замонлар келган!
 Фарёдим дунёни бўғуб ўлдурсун,
 Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсун!

Заки Валидий Анвар Пошшо ўлими тафсилотларини ёритар
 экан, Чўлпоннинг ушбу шеърини келтириб, шундай изоҳлаган
 эди:

Бу марсияни ёзган зот, ўзбекларнинг танилган бир шоири-
 дир; бугун ҳаёт бўлиб, Русия қўли остидаги бир ерда бўлганли-
 гдан исми-шарифи кўрсатилмади¹.

Тақдир панд берди. Қора кучлар устун келди. Зулумот нурни
 енгди. Истиклолни қўлга олиш насиб этмади. Ман-ман деган
 шоввозлар, миллатнинг эр атанган йигитлари ҳақ ва ҳақиқат
 йўлида шаҳид кетдилар. Бундай аҳвол билан шоирнинг эркпар-
 вар юраги қандай чиқиша олади? Миллат шоирининг қадди
 букилди. Шеърларида куз, қиш манзаралари, боғ-роғларни тўлдир-
 ган қарғалар қағиллаши кучайиб борди. 1923 йилдаёқ бир «со-
 мон парчаси» мисоли ўзни «муҳит эрки»га топширди:

Муҳит гирдобиди бир сомон парча,
 Бир похол чўпидек оқиб бораман.
 Ҳар амал, ҳар ишни «ҳақ» деб бораман.
 Вазминим қолмади бир узук қилча...

Муҳит кучлик экан, эгдим бўйнимни...

Кўзимда оғир бир «таслим» нури бор...

Шоир кўзларида «таслим» нури бордек кўринса-да, у «ден-
 гиз»нинг «чексиз қўйнида» «эркин кўпикларнинг аллақанчаси

¹Қаранг: Заки Валидий, кўрсатилган китоб, 454-бет.

жимгина борадир». Йўқ, у озодлик орзусидан ҳеч қачон чекинган эмас. Ҳатто 1926 йилда, коммунистик диктатура авж пардасига кўтарилиб, «иноғомовчилик» байроги остида миллий кадрларни йўқотиш кампаниясини бошлаган бир пайтда «Баҳорни соғиндим, баҳорни...» деб ҳайқириб айтди. Ўлим йўқлигига, ҳаётнинг абадийлигига имон келтирди («Баҳорни соғиндим»).

Лекин барибир давр ўз ишини қилди. Шоирнинг қўлидан қалами тушди. Тўғрироғи, кўнглига қил сифмади. Ўзи айтмоқчи, «соз»ини «бир неча йил қантар»иб қўйди. Ниҳоят, 1935 йилда «Соз» шеърӣ тўплами босилди. Шоир яна қўлига созини олганлигини эълон қилди. Кўнглидаги кудуратлар кўтарилиб, «қайнаб ётган шу ҳаёт»дан «илҳом» олажагини ёзди («Яна олдим созимни»). «Миллионларнинг бири каби» ўзининг «қувноқ» ва «шан»лигини, «кечмишларнинг ўлимига қаҳқаҳалар солган»ини эълон қилди. Шу тариқа, у шўролар ҳаётининг риёкорона шиорларига секин-аста юз бура бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ шеърларига социалистик мафкура кириб келди. Ёлғон, рангсизлик, ясамалик пайдо бўлди...

Чўлпон нодир поэтик истеъдод эгаси эди. Ва бу истеъдод XX аср Русияси майдонга келтирган тоталитар-шовинистик тузумга дуч келди. Бирданига унинг моҳиятини англаб ета олмади. Ҳақ ва ҳақиқат йўлидаги курашлар сифатида қабул қилди. Нималигини идрок этиши билан унга қарши исён кўтарди. Бу исён дастлаб очик, ошкор кечди. Сўнг эса, табиийки, пардаланиб борди. Буни ҳисобга олмоқ керак.

Заки Валидий Чўлпонни қозоқ уйғонишининг буюк шоири Мағжон Жумабой (1893—1937) билан қиёслаган эди. Бу бежиз эмас. Мағжон 1922—1924 йилларда Тошкентда яшаган. Шу давр Туркистон муҳитини яхши билади. Айрим маълумотларга қараганда, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетига ўқиган. Демак, бу ердаги зиёлилар билан ҳам яқин муносабатда бўлган. Сўнг 1924—1926 йилларда, айни бир пайтда ҳар икки шоир Москвада бўлдилар. Уларнинг бири-бири билан шунчаки таниш эмас, ҳатто яқин бўлганликлари эҳтимоли йўқ эмас. Шоирнинг йирик бир шеърӣ тўплами («Мағжон Жумабоев ўланлари») 1923 йилда Тошкентда таниқли давлат арбоби Султонбек Хўжанов (1894—1938) сўзбошиси билан чиққан эди. Унинг: «Туркистон эки дунё эсиги-ғўй, Туркистон эр Турк¹ тунг бесиги-ғўй», деб бошланадиган машҳур шеъри шу ерда битилган, шу тўпламда эълон этилган... Ҳар икки шоир ижодининг гоя ва образлар тизимида маълум ўхшашликлар борки, буни

¹ Нақл қилинишча, Нўҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфаснинг фарзандларидан бири Турк деб аталган экан. Шу сабабли, Ёфаснинг иккинчи номи «Абут-Турк» («Туркнинг отаси»)дир. Шеърда шу воқеага ишора бор.

пайқаш қийин эмас. Валидий муқоясани ҳар икки шоир шеърлятидаги образлар тизимининг ўхшашлиги асосига қуради. Чунончи, ҳар икки шоир ҳам Русия ва Туркистонни бир-бирига зид қўйиб тасвирлайдилар. Мағжон уларни «тун» ва «кун» тимсоллари билан берса, Чўлпон «Ғарб» ва «Шарқ» ёхуд «золим» ва «мазлум» таъбирлари билан ифодалайди. Фарқ — шунда.

Бунга шуни қўшимча қилиш мумкинки, Чўлпон шеърларида табиат манзаралари, фасллар тасвири аксарият шоирнинг руҳ ва кайфиятинигина эмас, қай бир даражада ғоя ва маслагини ҳам ўзида намоён этади. 1921—23 йилларда ёзилган шеърларда табиатга ижтимоий сифатлар бериларди. Манзарага мос замон воқеалари — ҳақсизликларга ишора қилинарди. Бир сўз билан айтганда, табиат ижтимоийлашарди ва булар кўпинча «Шарқ» ва «Ғарб» муқоясасида бериларди:

Кўм-кўк экан, сарғайдилар япроқлар
Оғриқ, мағлуб, тутқун Шарқнинг юзидек;
Бўронларнинг кўзлариким ўйноқлар
Ғолиб Ғарбнинг қонга тўлган кўзидек.

Қора булут тўдасиким кўкларни
Шарқни ёпган парда янглиғ ёпмишдир;
Куз қўшини оғу тўлиғ ўқларни
Ёз бағрига ҳеч саноксиз отмишдир.

Бало янглиғ қатор-қатор чизилиб,
Кўк юзидан қарғалар ҳам ўталар;
Шарқдек ичдан яшрингина эзилиб,
Кўп жонлилар сўнги тинни куталар.

(«Куз»)

Ёки:

Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар,
Билмадим, кимларнинг қисмати узилур?
Ёнғоққа ёпишиб, бир чангал солдилар,
Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур.

(«Хазон») каби.

20-йилларнинг ўрталарига келиб, шоир шеърларининг ифода усуллари бир оз ўзгарди. Энди улардаги фикр ва ғоялар илгаригидай очиқ-ошкор эмас, бўртиб кўриниб турмайди. Мана «Куз ёмғири» тасвири:

Тўкилди томчилар...
 Япроқнинг юзлари
 Томчига ўптириб ҳўлланди,
 Чуқурча кўлланди...
 Томчини кўпдириб,
 Бетида ўйнатди
 Чуқурча.
 У – жиндек кўлча.
 Томчилар –
 Кўкларнинг сўзлари
 Ерларни қамчилар...

Шеър 1926 йилда, шоир тепасида танқид таёқлари синиб турган бир пайтда ёзилган. Уни шунчаки бир манзара доирасида қолдириб бўлмайди. Ўйлаймизки, ундаги ҳар бир тафсилда кайфият, ҳолат, маъно бор.

Чўлпон шеърятини халқчил ғоялари, юксак миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳи билангина эмас, чинакам халқона ифода воситалари билан ҳам ўқувчилар қалбини забт этган, муаллифини тириклигидаёқ мумтоз шоирга айлантирган эди. Уни фақат бизда эмас, четда ҳам севадилар. XX асрнинг 20-йилларида унинг номи Русия туркийлари орасидагина эмас, Туркиядан тортиб, буёғи Миср, Арабистон, уёғи Кошғар, Ҳиндистонгача ёйилган эди.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи

Романдан парча дастлаб 1935 йилда «Совет адабиёти» журналинда эълон қилинган эди. 1936 йилда у алоҳида китоб бўлиб босилиб чиқди. Асар, номланишидан маълум бўлганидек, яқин ўтмишни мавзу қилиб олган. Муаллиф халқимиз тарихининг кечаси ва кундузини кўрсатмоқни ният қилган эди. Тарих ва замон муқоясаси XX аср шўро адабиётининг севимли мавзуларидан эди. Айниқса, 30-йилларда бу авжига чиққан эди. Чўлпон 27-йилдаги машғум зарбадан, 30-йилларнинг бошида етилиб келаётган қатағонлар ҳидидан сўнг шўро адабиёти томон юз буриш мажбурияти остида қолди. «Соз» шеърий тўплами бунга далил. Ушбу романнинг сарлавҳаланиши ҳам муаллифнинг мажбурий муросасига кишини ишонтиради. Лекин биз мазкур романнинг биринчи – ўтмиш (кеча) қисмига эгамиз. Унинг иккинчи – шўро замони (кундуз) етиб келган эмас. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, у нашриётга топширилган, ҳатто корректураси ҳам чиқиб келган, бироқ тергов жараёнида йўқолган.

«Кеча ва кундуз» мавзу ва йўналишига, муаллифининг унга ёндашишига кўра, айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий «Ўтган

кунлар»ининг давомидир. Асарда XX аср бошидаги Туркистон ҳаёти, турғунлик ва тутқунликда мудраган ўлкадаги уйғониш лавҳалари қаламга олинади. Романнинг бош ғояси, асосан, маиший турмуш манзаралари, анъанавий кундошлик можаролари ва янги даврга хос бўлган хусусиятлар, чунончи, «капиталистик муносабатлар» ва «буржуа ахлоқи» деб аталган, исломий турмуш тарзидан узоқ феъл-одатлар тасвири ёрдамида ифодаланади.

Зеби ва унинг фожиали тақдири асарнинг марказида туради. Зеби — 15 га кирган шаҳарлик камбағал бир қиз. Ота-онасининг ёлғизи. Кўзга яқин, дуторни сайратади, ашуласи эшитганни маҳлиё қилади. Отаси Раззоқ сўфи бадқовоқ, унинг устига ўлғудай тақводор, эшонбобосининг гапидан бир қадам чиқмайдиган, жохил бир киши. Онаси Қурвонбиби — муштипар аёл.

Асар Зебининг баҳор кунларидан бирида дугонаси Салтанат билан қишлоққа ўйнаб келишга кетиши воқеаларидан бошланади. Ойдинқўлдаги Халфа эшоннинг кичик қизлари номини ўртага қўйиб, бир амаллаб, отасидан рухсат олиб, қишлоққа борган Зеби, ўзи билмаган ҳолда, мингбоши Акбаралининг тузоғига тушиб қолади. Акбарали донг таратган амалдорлардан, бадавлат. Лекин хунуқликда ҳам, қўполликда ҳам ҳеч ким унинг олдига туша олмайди. На савод бор, на илм. Ҳамма ишни унинг ёрдамчиси Мирёқуб қилади. У савлат, холос. Уч хотини бор. Уларгача ҳам уйланган — ўлган. Каттасининг оти — Хадича, ўрганчаси — Пошшахон. Кенжаси — Султонхон, 19 ёшда. Ҳамма кундошлар каби мингбошининг катта хотинлари ўзаро иноқ, чунки даврон улардан ўтган, кенжасига боққан. Улар учун Султонхондан катта душман йўқ. Зебихоннинг бу томонларга келиши кундошлар кўнглидаги қора ниятнинг амалга ошишига имкон беради. Акбаралининг биргина фазилати бор эди, ашулани яхши кўрарди. Хуллас, бир қатор можаролардан сўнг Зебини унга олиб беришга муваффақ бўладилар. Қиз тақдирга тан беради. Икки катта кундош шу тариқа ўз нафсониятларини қондирган бўладилар. Бироқ кўп ўтмай, янги дард — мерос дарди бошланади. Мингбошининг ўғли йўқ. Хадичадан кўрган биргина Фазилат деган қизи бор, у — бировнинг омонати. Ёш хотин мингбошини ўзига боғлаб олган, мерос эгаси ҳам шу бўлади. Йўлини қилиш керак. Мана шундай ўйлар Пошшахонга тинчлик бермайди, чунки у ўйнашига давлат билан бориши керак. Ниҳоят, у машъум бир қарорга келади. Пайт пойлаб, Зебининг дуо солинган иримсувини тўкиб, ўрнига заҳар солиб қўяди. Бу билан у ҳам Зебидан, ҳам Султонхондан қутулмоқчи эди. Чунки, иш битганида, шубҳа унга эмас, Султонхонга тушарди. Лекин воқеалар оқими бошқача кечди. Чойнак «сув»и Зебига эмас, мингбошига насиб қилди ва беғуноҳ Зеби етти йилга Сибирга сургун қилинади.

Асар Зебилар хонадонининг фожиали якуни билан тугайди. Тақводор ота ўз эшонбобосига исён қилиб, уни ўлдириш даражасигача етади. Бахтсиз она телба бўлиб қолади.

Зеби тақдири билан боғланган персонажлардан бири Ўлмасжон. У қизларни қишлоққа олиб бориб келган аравакаш, ёш йигит. Икки ёш ўша сафардан буён бир-бирларини унута олмайдилар. Иккалалари ҳам узоқ вақт бир-бирларининг хаёли билан яшайдилар. Зебининг мингбошига майл билдириши ғоят қийин кечади. Бироқ бу сюжет чизиги узоқ давом этмайди.

Романда муҳим ўринни Мирёқуб чизиги ташкил қилади. Мирёқуб — алоҳида бир тип. У ғоят эпчил, ишбилармон. У аралашмаса, ҳеч бир иш битмайди. Шунинг учун уни «Мирёқуб эпақа» дейдилар. У Акбарали мингбошининг ўнг қўли. У озгина муддат йўқ бўлса, тамом, мингбоши нима қиларини билмай қолади. Аслида, унинг саводи ҳам ҳаминқадар, билими ҳам унчалик зўр эмас. Лекин зийрак, мураса-мадорани ўрнига қўядиган, чинакам корчалон. Фойдасини биллади, тантилиги ҳам йўқ эмас, эндигина шаклланиб келаётган янги типдаги мулкдор. Табиатан анча мураккаб. Унинг Мария билан учрашуви фикр-қарашларига таъсир кўрсатади. Йўлдан адашган бу жувонга ёрдам беришга қарор қилади. Унинг ҳужжатларини ўзгартириб, фоҳишахонанинг ифлос муҳитидан олиб чиқиб кетади. Москвадаги нўғойлар мачитида мусулмонликка ўтказиб, Биби Марям Ойша қизи номи билан никоҳ ўқитади. Мирёқуб қарашларида чинакам инқилоб ясаган воқеа унинг поездда Шарафиддин Хўжаев деган киши билан учрашуви бўлади. Шарафиддин Хўжаев Финляндияга бораётган тошкентлик савдогар, ўзини «жадид» дейди. Бой-бадавлат, дунё кўрган, кўп нарсдан хабардор, тил биллади, авлод тарбияси ҳақида гапиради, «миллат» дейди. Илгари Мирёқуб жадидлар ҳақида бошқача фикрда эди, уларни «кофирнинг ашаддийси» деб ўйларди. Тўғрироғи, унга шундай тушунтирган эдилар. Бу тамом бошқа. Эл-юртни ўйлайди, унинг дўстидушманлари ҳақида сўзлайди. Ҳар бир миллат фарзандининг ўз тилида савод чиқариши лозимлиги, акс ҳолда тарбияга путур етиши, бойларнинг ер-суви, заводчиларнинг заводлари ялангоёқларга олиб берилади, деган гапларни социалистлар чиқаришганини, жадидлар, аксинча, «Бой бўл! Завод сол! Фабрика оч! Беш минглаб, ўн минглаб рабочи ишлат! Миллий саноатни ривожлантир!» дейишларини айтади. Хуллас, тўрт кун унинг ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Лекин, мутахассислар тўғри қайд этганларидек, Мирёқуб — Мария сюжет чизиги охирига етган эмас. Эҳтимол, чиндан ҳам уни «Кундуз»да давом эттириш мўлжаллангандир. Эҳтимол, жадид талқини масаласи ўртага тушгандир, ҳар ҳолда, бунинг маълум сабаблари бўлиши керак. Лекин бу ўринда бир нар-

юраверса. Лекин у давру даврон суришни билади. Маишатдан бўшамайди. Ҳўнашлари кўп. Хотин ҳам шунга яраша. Хизматкори Зуннун билан дон олишади. Лекин хотиннинг гапи — гап. Нойиб тўра ундан бир қадам чиқа олмайди. Уни эса, Ҳўнаши бошқаради. Масалан, Акбарали мингбоши ўлгач, ўрнига Зуннунбой тайинланади. Эллиқбошидан тортиб амину мингбошигача қуллуқ қилиб истиқболига эгиладиган нойиб тўранинг аҳволи — шу.

Биргина нойиб тўранинг эмас. Бу «касаллик» маҳаллий амалдорларга ҳам ўта бошлади. Акбарали мингбошининг хотини Пошшахон Мирёқубни Ҳўнаш тутган. Султонхон мингбошининг мирзаси Ҳакимжонни йўлдан урган...

Романда давр манзаралари ҳаққоний ва таъсирчан тасвирланган. Жадид — қадим баҳслари, Биринчи Жаҳон уруши ва мардикорлик воқеалари, «Таржимон», «Вақт» газеталари билан боғлиқ маълумотлар, Оренбургдаги машҳур «Ҳусайния» мадрасаси тафсилотлари асар тўқимасига маҳорат билан сингдириб юборилган.

«Кеча ва кундуз» ўзбек романчилиги тараққиётида муҳим воқеа бўлди. У «Ўткан кунлар» бошлаб берган йўлни муваффақият билан давом эттирди. Тарихимизнинг ғоят мураккаб ва масъулиятли бир даврини, миллий уйғониш тарихимиз манзараларини ҳаққоний ёритиб берди. Эса қоладиган бир қатор образлар яратиб, ўзбек романчилигини янги, юксак поғонага олиб чиқди.

Хулоса Чўлпоннинг ўқувчиларимизга қайтарилиши ҳақиқатнинг тикланишидан ташқари адабиётимизнинг XX асрдаги қадди-бастини кенг қўламда кўриш имконини берди. Хусусан, миллий поэтик тафаккурнинг қайноқ бир булоғини қайта кашф этиш ва ундан баҳраманд бўлиш бахтига эриштирди. Энг муҳими, адабиётимизнинг ҳамиша халқ дарди билан яшаганлигига, энг оғир замонларда у билан ёнма-ён борганлигига бизни ишонтирди. Айни пайтда, шеъриятимизда бир томондан, мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналари янги давр масалалари билан боғланган ҳолда муваффақият билан давом эттирилганлиги, иккинчи ёқдан, Фарб поэзиясининг мукамал намуналаридан самарали фойдаланилгани маълум бўлди.



ХУЛОСА

Адабий-бадий тафаккуримиз тараққиёти тарихида моҳияти ва мазмунига кўра тамоман янги бўлган XIX асрнинг охири – XX аср боши адабиётининг роли ва ўрни алоҳида. Бу даврнинг миллий уйғониш даври деб аталиши бежиз эмас.

Бу адабиёт янги адабиётдир, шакл ва мазмунига кўра ранг-барангдир, бироқ унинг етакчи йўналишини миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва бадий ифодаси ташкил қилди.

Янги адабиёт деганда биз кўп асрлик адабиётимизнинг асосан сўнгги асрини кўзда тутамиз. Бу аслида сал илгарироқ, ўтган асрнинг сўнгидан бошланди.

Бу адабиётнинг аён кўриниб турган хусусияти унда давр воқеаларининг акс этганлигидир. Унда Худоёрхон тилидан айтилган «таассуфнома»лардан тортиб, 1892 йилги Тошкентдаги «Тошотар воқеаси» қаҳрамонларигача, 1898 йилги Дукчи эшон можаросидан 1916 йилги «Мардикорлик воқеалари»гача акс этди. «Совет мамлакати» деган ясама бир мамлакат, «совет халқи» деган сохта бир миллат ясамоқчи бўлган шўро тузуми воқеалари ҳам акс этди. Бу воқеалар шунчаки эмас, мураккаб жараёнлари билан акс этди. Истило ва унинг оқибатлари, Ватан ва Миллат тақдири ҳамиша адибларимизнинг кўз ўнгида турди. Бу адабиётнинг чегараси, кўлами ҳам катта: Муқимийдан Чўлпонгача бўлган даврни қамраб олади. Жанрлари, ифода воситалари ҳам хилма-хил. Айниқса вақтли матбуот ва театрнинг йўлга қўйилиши адабиётнинг имкониятларини кенгайтириб юборди.

Бу адабиётнинг иккинчи бир номи «жадид адабиёти» эди. «Жадид» ҳам аслида «янги» дегани. «Жадид адабиёти» тушунчаси фанда жадидчилик деб ном олган ижтимоий-сиёсий, маърифий-ислоҳотчилик ҳаракатининг таркибий бир қисми сифатида қаралди. Бу ҳаракат турмушнинг барча соҳаларини янгилаш, энг муҳими ва асосийси, идора усулини янгилаш шиори билан чиқди. Идорачи? Идора бошқаларнинг кўлида эди. Демак, уни ўзгартириш учун, аввало, унга эга бўлиш керак. Бу, ўз навбатида, мустақилликка, миллий истиқлолга келиб тақалар эди.

Лекин, гап шундаки, бу ғоя миллат томонидан англомоғи керак эди. 1789 йилда француз Бастилияси қаҳрамонларининг сеvimли иборалари бўлган ва Номиқ Камол, Тавфиқ Фикратлар, сўнгроқ эса Беҳбудий, Мунавварқорилар томонидан тез-тез ишлатилиб турган «Ҳақ берилмас, олинур» деган гап миллатнинг қалбига, руҳига сингмоғи, бошқача айтганда, чинакам миллий ғояга айланмоғи керак эди. Шундагина у реал кучга айланарди.

Бу жуда мураккаб иш эди. Чунки бу ғоя англомоғи учун миллат уйғоқ бўлиши керак эди. Ҳамзанинг изтироб билан айтгани — «Руҳсиз тандир: ханжар урсанг, қони сочилмас» деган нидоси бежиз эмас эди. Шунинг учун ҳам бадиий зиёлиларимиз асримиз бошида адабиётнинг бош мақсади миллатни уйғотиш деб билдилар. Шунинг учун ҳам бу давр адабиётининг яна бир номи «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» бўлди.

Адабиёт ҳеч қачон Ватан ва Миллат тақдирига бу қадар яқин келган эмас эди. Ватан ва Миллат тақдири ҳеч қачон бу қадар ҳам қаҳр, ҳам фахр билан, ҳам изтироб, ҳам гурур билан адабиётга кириб келмаган эди. Муболағасиз айтиш мумкинки, 1865 йилдан 1929 йилгача бўлган давр ораллиғида ушбу мавзуга дахл қилмаган бирорта ижодкор йўқ. Агар бу адабиётнинг бош мавзуи нима десалар, «Миллат» дейиш керак бўлади. Энг катта дарди нима деб савол қўйилгудек бўлса, «Истиқлол!» деб жавоб бериш керак бўлади.

Тўғри, масала ҳеч қачон бундай очик, яланғоч қўйилган эмас. Қўйилиши ҳам мумкин эмас. Бу — бадиий адабиёт. Унинг ўз қонунлари бор. Ва, табиийки, истиқлол ғояси асарнинг умумий руҳидан, тимсол ва тамсилларга ўраб берилган маъно-мазмунидан келиб чиқади. Бу билан ҳисоблашмоғимиз шарт.

Лекин факт шуки, у миллият дарди билан тўла. Ҳар бир образ тимсолдан миллий ғоя, миллий мафкура чиқиб келаверади. Уларни хотиржам ўқий олмаймиз. Деярли ҳар бир сўз, ҳар бир ишоранинг замирида Истиқлол дарди ётади. Фақат уларни англаш, умумий контекстдан келиб чиқиб баҳолаш лозим. Акс ҳолда, бир томонламаликка йўл қўйиш ҳеч гапмас. Узоққа бормайлик, маърифатчилик масаласини олайлик. Ғоят муҳим мавзу, тараққиётнинг калити. Жадид адабиётида жуда кенг ишланган. Шунга яқинроқдан разм солайлик. Мана, шунчаки бир мисол. Россия Туркистонни забт этгач, бу ерга темир йўл олиб келди. Хўш, уни қандай баҳолаш керак? Поезд, албатта, узоқни яқин, оғирни енгил қиладиган ўзига хос бир мўъжиза. Иккинчи томондан, у — илм-фан самараси. Шоирларимиз дастлаб шундай баҳоладилар. Масалан,

Камий «Темир йўл хусусида» деган шеър ёзди, унинг «роҳатафзо»лигини таъриф-тавсиф этди. «Тахти равон», «оби равон» деб мақтади. Булар — табиий. Энди масаланинг иккинчи томонига қарайлик. Бу темир йўллар (улар асосан 2 та эди. Бири XIX асрнинг 80-йилларида Туркистонни марказ билан Фарбдан Қизил Арвот орқали боғларди. Иккинчиси XX асрнинг 10-йилларида қурилгани, шимолдан Оренбург орқали боғларди) Туркистоннинг ер усти ва ер ости бойликларини тезроқ, самаралироқ ташиб кетишни кўзда тутарди, бу ерга ҳеч қачон маҳаллий халқнинг оғирини енгил қилиш учун келтирилган эмас эди. Бунга қандай қарамоқ керак эди? Аввало, бу ҳолни маҳаллий халқнинг нечтадан биттаси билар эди?!

Русия Туркистонга келар экан, у билан бирга, табиийки, европача тартиблар ҳам (давлат юритиш, маориф тизими, ҳарб ишлари, маданий-маиший қурилмалар, савдо-саноат каби) кириб келди. Хусусан, театр, матбуот, гимназия кабилар неча асрлардан буён турғунликда келаётган Туркистон халқида катта таассурот қолдирди. Рус маъмурияти маҳаллий зиёлилардан вакиллар танлаб, уларнинг Москва, Петербургга саёҳатини уюштирди. Бир қисмини зодагонларнинг ички ҳаётига олиб кирди. Турли-туман кўргазмалар уюштирди. Ва булар, табиийки, ўз самарасини берди. Адабиётда Русия мавзуи, рус илм-фани, маданияти-маорифи тарғиби пайдо бўлди.

Илм-фан бахт ва саодатнинг калити, албатта. Лекин гап шундаки, бу илм-фан нимага хизмат қилдирилади. Илмни кўпинча, нурга, зиёга қиёс қиладилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ундан тўғри фойдаланилса, йўлингизни ёритади, оқ-қорани кўриб борасиз, таниб борасиз. Манзилга етишишингиз осон бўлади. Агар ундан ёвуз мақсадларда фойдаланилса-чи? Қирғинбарот қуроллар ҳам илм-фан самараси. Қўйингки, Русиянинг Туркистонни босиб олиши ҳам рус ҳарбий қудратининг, ҳарбий тафаккурининг, демакки, илм-фаннинг самараси. Ундан кейинги босқич — мустамлақачилик идораси-чи? Бу даврда Туркистондан анча илгарилаб кетган Русия илм-фанининг, идора тартибларининг кўз-кўз қилиниши, илмталаб маҳаллий зиёлиларнинг бир қисмини оғдириб олишга уринишлар, ё бўлмаса қисқа муддатда ташкил қилинган юзлаб рус-тузем мактаблари Туркистон аҳлига ҳимматданми? Олижанобликданми эди? Асло ундай эмас. Бу рус истилочилик сиёсатининг ўзига хос услубини ташкил қилди, холос.

Маорифни олайлик. Илғор зиёлиларимиз Русия ҳукуматидан маҳаллий мусулмонларга ўз анъанавий ўқув тизимида савод чиқаришга изн сўрадилар. Уларни давлат ишларига жалб

этиб, улкан мамлакатни ҳамкорликда бошқаришларини умид қилдилар.

Ҳеч бирига йўл берилмади. Руслаштириш ва исломни бузиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу жиҳатдан, усули жадид мактаблари миллатимиз қалбидаги фидойиликка тимсолдир. Матбуот, театрнинг йўлга қўйилиши жасорат намуналари билан тўла. Замонавий адабиётнинг шаклланиши ҳам осон кечган эмас.

Қизиқ факт. Русия Ички ишлар вазирлигининг Туркистон чор маорифи маъмурларига берган кўрсатмаси бор. Унда рус-тузем мактаблари мутасаддиларига маҳаллий халққа рус тилини қай даражада ўргатиш борасида меъёр белгиланади. Унга кўра, маҳаллий халқ рус тилида гапирганида ҳамиша ниманидир яхши билмаслигидан рус зиёлиси олдида ўнғайсизланиб туришга мажбур бўлиши лозим эди.

Чор Русияси ақидасига кўра ҳоким миллат тобе миллатдан ҳар жиҳатдан устун бўлмоғи лозим эди. Ҳамма нарса шунга қаратилган эди. Улар ҳатто Туркистонни забт этишларини ва бунга ҳақли эканликларини қонунлаштирамоқчи бўладилар. Гуё жаннатдай бир маконни ундан самарали фойдалана олмаётган эгалари қўлидан самарали фойдалана оладиган бошқа бир миллатнинг тортиб олишида ҳеч бир ғайритабиийлик йўқ эмиш.

Буларнинг барчасини биз буюкмиллатчилик, великорус шовинизми деб атаймиз. Адабиёт шуларни илғай олдимиз? Илғай олди. Бунинг ёрқин намунаси Фурқат ижодидир.

Кўриняптики, биз шу пайтгача маърифатчилик деб келган бир қатор адабий факт ва ҳодисаларни қайта кўришга эҳтиёж бор.

Иккинчидан ва энг муҳими, маърифат тушунчасининг ўзини икки хил талқин қилиш, хусусан, унинг ҳоким миллат қўлида тобе миллатга нисбатан уни итоатда сақлаш учун бир восита сифатида қаралгани маълум бўлади. Фитрат буни «Чин севиш» драмасида бетакрор ифода этган эди. Бир шеърида эса, қонга беланган Туркистон манзараларини чизаркан, ким бундай қилди, деган савол қўйиб, «Маданият деган ғарблик алвасти» деб жавоб беради. Чўлпон бир шеърида «маданият» билан «ваҳшоният»ни ёнма-ён қўяди.

Кўриняптики, маданият, маърифат талқинлари анъанавий ёндашишдан тамоман фарқ қилади. Биз эса, буларни аксарият шўро позициясидан баҳолаб келган эдик. Ҳолбуки, улар Ватан ва Миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошганимиздагина, моҳиятини тўғри англаган бўламиз. Бу жиддий масаладир.

Миллий уйғониш адабиёти ғоялар мажмуидан иборат эканда, деган тасаввур қолмаслиги керак. Унда кўтарилган ғоялар мут-

лақо янги ва аксарият мавжуд тузумга зид бўлгани учун шакл ва ифода воситаларини ҳам шунга мослашга мажбур бўлди. Шеър-иятда бармоқ вазнининг ўз ўрнини топиб бориши, сарбастнинг кириб келиши, анъанавий бадиий-тасвирий воситалардаги ўзгаришлар, мумтоз адабиётимизга суянган ҳолда жаҳон адабиёти тажрибаларидан фойдаланиш, жумладан, реалистик прозанинг шаклланиши, театрчиликнинг йўлга қўйилиши, ижтимоий публицистиканинг кундалик эҳтиёжга айланиб бориши кабилар бунинг ёрқин далилидир. Ниҳоят, бу давр Фурқат, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби ижоди чинакам жаҳоний миқёсга эга шахсиятларни етказди. У адабиётимизнинг бугунги авлоди учун ҳам илҳом манбаи, маҳорат мактаби бўлиб турибди.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг илк босқичи	5
Даврнинг ижтимоий-маданий қиёфаси. Миллий уйғониш даври адабиётининг манбалари ва юзага келиши	6
Туркистон генерал губернаторлигининг ташкил қилиниши, истилочилик ҳаракатларининг янги босқичга кўтарилиши	11
Адабий ҳаёт	21
Хоразм адабий мактаби	50
Комил Хоразмий	50
Муҳаммад Раҳимхон Феруз	71
Аҳмад Табибий	85
Кўкон адабий мактаби	93
Муқимий	93
Фурқат	107
Муҳйи Хўқандий	144
Исҳоқхон Ибрат	167
Тошкент адабий мактаби	182
Фазлуллоҳ Алмай	182
Каримбек Камий	192
Миллий ва ижтимоий курашлар даври адабиёти <i>(XX асрнинг биринчи чораги)</i>	
Адабий-маданий ҳаётга бир назар	205
Исмоилбек Гаспринский	221
Маҳмудхўжа Бехбудий	251
Абдулла Авлоний	268
Тавалло	310
Сирожиддин Сидқий	336
Муҳаммадшариф Сўфизода	340
Абдурауф Фитрат	352
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	385
Абдулла Қодирий	400
Абдулҳамид Чўлпон	424
Хулоса	457

БЕГАЛИ ҚОСИМОВ, ШАРИФ ЮСУПОВ,
УЛУҒБЕК ДОЛИМОВ, ШУҲРАТ РИЗАЕВ,
СУННАТ АҲМЕДОВ

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

*Университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг
филология факультетлари учун дарслик*

Тошкент «Маънавият» 2004

Муҳаррирлар *У. Қўчқоров, Ш. Муҳиддинова*
Рассом ва дизайнерлар: *М. Аъламов, Т. Золотилова*
Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова, Ҳ. Зокирова*
Компьютерда тайёрловчи *А. Турсунов*

Теришга 22.04.2004 й.да берилди. Босишга 11.09.2004 й.да рухсат этилди. Бичими 60x90/16. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 29,0 + 0,25 рангли форзац. Шартли кр.-отт. 30,02. Нашр т. 25,89. 7000 нусха.

Буюртма № А-5856

Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 05-04.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. 2004.

M50

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти: Университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик /Бегали Қосимов, Шариф Юсупов, Улуғбек Долимов ва бошқ; Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги; Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.—Т.: Маънавият, 2004. —464 б.

1. Қосимов Бегали ва бошқ.

ББК 83.3(5у)я73



1890 йилда Тошкентда ташкил этилган Туркистон кургазмасидаги қишлоқ хўжалиги иш қуроллари.



Mananjet